

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТЬБУОТ  
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

- О.УАЙЛЬД. Дориан Грейнинг портрети ..... 3  
П.АБРАХАМС. Орол ..... 54

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- О.ЖУПАНЧИЧ. Мардлар қалбидадир толе дегани ..... 49  
А.ЙОЖЕФ. Қалбим баҳор ниҳоли ..... 142

### ДРАМА

- М.МЕТЕРЛИНК. Сўқирлар ..... 127

### ПУБЛИЦИСТИКА

- Б.ҚОСИМОВ. Сафар кундалиги ..... 146  
А.ЎЛУҒОВ. Дунёни эзгулик қутқаради ..... 172

### АДАБИЙ ТАНҚИД

- Я.КОЗЛОВСКИЙ. “Мени ёш гўзал қиз асрар ўлимдан” ..... 179

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

- Ҳ.КАРИМОВ. Бобур юрган йўлларда ..... 187

### САРГУЗАШТ. ДЕДЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

- Р.БЛОХ. Қўғирчоқ ..... 191

*Январ 2000*

**Бош муҳаррир:**  
**Озод Шарафиддинов**

**Таҳрир ҳайъати:**  
**Мирпўлат Мирзо**  
(бош муҳаррир муовини)  
**Амир Файзулла**  
**Асрор Мўминов**  
**Абдуҳамид Пардаев**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой Абдуллаев**  
**Музаффар Аҳмедов**

**Жамоатчилик кенгаши:**  
**Аслиддин Болиев**  
**Юсуф Абдуллаев**  
**Одил Ёқубов**  
**Хайрулла Жўраев**  
**Неъматулла Иброҳимов**  
**Жўра Йўлдошев**  
**Абдулла Орипов**  
**Жавлон Умарбеков**  
**Рустам Шоғуломов**  
**Тўлапберган Қанпберганов**  
**Сандаҳрор Ғуломов.**

**Жаҳон адабиёти, 1. 2000**

**ИНДЕКС 828, 829**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172**

**Таҳририят манзили:**  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

**Навбатчи муҳаррир Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Рассом М.КАРПУЗАС**  
**Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА**  
**Мусаҳҳиҳ Т.ОРИПОВА**

Теришга берилди 28.02.2000 й. Босишга рухсат этилди 26.04.2000 й. Бичими 70x108 1/16.  
Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1600 нусха. К-7741 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Mushtariy-BFS» хусусий фирмаси компютерида теришиб, Ўзбекистон Республикаси  
Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2000 й.**

Оскар УАЙЛЬД

# Дориан Грейнинг портрети

Роман

## МУҚАДДИМА

**С**анъаткор — гўзаллик яратувчидир.

Санъат интиладиган мақсад — одамларга ўзини ошкор қилиб, уларнинг назаридан санъаткорни яшириб қолишдир.

Мунаққид — гўзалликдан олган таассуротини янги шаклга ёки янги воситалар билан ифодалаб беришга қодир одам.

Танқиднинг олий шакли ҳам, қуйи шакли ҳам — автобиографиянинг турларидан биридир.

Гўзал нарсадан иллат топадиган одамлар айнаган одамлардир. Бироқ айнаш уларни ёқимлироқ қилиб қўймайди, албатта. Бу — катта гуноҳдир.

Гўзалликда унинг юксак маъносини кўришга қобил одамлар маданиятли одамлардир. Уларга умид билан қараса бўлади.

Лекин энг асили ва энг маъқули — гўзалликда фақат бир нарсани — чиройлиликнигина кўраоладиган одамдир.

Ахлоқий ёки ахлоқсиз китоблар бўлмайди. Фақат яхши ёзилган ёки ёмон ёзилган китобларгина бўлади, холос. Тамом-вассалом.

Ўн тўққизинчи асрнинг Реализмга нафрати — ўз турқини кўзгуда кўриб қолган Калибанинг ғазабидир.

Ўн тўққизинчи асрнинг Романтизмга нафрати кўзгудан ўз аксини тополмаган Калибанинг ғазабидир.

Инсоннинг маънавий ҳаёти — санъаткор учун ижодининг мавзуларидан бири, холос. Санъат ахлоқи эса — номукамал воситаларни мукамал қўллашдан иборатдир.

Санъаткор бирор нарсани исбот қилиб беришга интилмайди. Ҳатто шак-шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатларни ҳам исбот қилиб берса бўлади.

Санъаткор насиҳатгўй эмас. Агар санъаткор насиҳатгўйликка мойил бўлса, бу услубда кечириб бўлмайдиган жимжимадорликни туғдиради.

Санъаткорга носоғлом тамойилларни ёпиштириб юрманг. Унга истаган нарсани тасвирлашга эрк берилган.

Фикр ва Сўз санъаткор учун санъат воситасидир. Иллат ва фазилат — унинг ижоди учун материалдир.

Озод  
Шарафиддинов  
таржимаси

Оскар Уайльд /1854-1900/ шоир, адиб, драматург сифатида инглиз адабиётида ёрқин из қолдирган ижодкорлар жумласидан. У ажойиб лирик шеърлар, қатор дostonлар, драматик асарлар муаллифидир. О.Уайльднинг ҳикоялари ва фалсафий эртаклари ҳам машҳур. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган "Дориан Грейнинг портрети" романи ҳам адибнинг шоҳ асарлари жумласига киради.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Агар шакл ҳақида гапириладиган бўлса, ҳамма санъатларнинг тимсоли мусиқачининг санъатидир. Туйғулар ҳақида гап кетадиган бўлса — актёр санъатидир.

Ҳар қандай санъатда ҳам юзада ётадиган нарса ва рамз бор.

Кимда-ким юқоридаги нарсдан қониқмай чуқурроқ кавлашга аҳд қилса, қалтис ишга қўл урган бўлади.

Рамзнинг маъносини чақмоқчи бўлган ҳам қалтис ишга қўл урган бўлади.

Моҳиятан, Санъат шундай бир кўзгудирки, унда сира ҳам ҳаёт акс этмайди, балки унга қараган одамнинг аксигина жилоланади.

Агар санъат асари баҳсларга сабаб бўлса, демак, унда алланечук янги, мураккаб ва муҳим нарса бор.

Маили, мунаққидлар хилма-хил фикр айтаверишсин, санъаткор ўзига содиқ қолади.

Одам бирор фойдали иш қилса-ю, бу ишидан ўзи завқланиб ҳаволанмаса, уни кечириш мумкин. Бефойда нарса барпо этадиган одамни эса оқлайдиган ягона нарса — ўзининг ана шу яратган нарсасига эҳтиросли муҳаббатидир.

Ҳар қандай санъат мутлақо бефойдадир.

*Оскар УАЙЛЬД*

## БИРИНЧИ БОБ

Рассомнинг устахонаси атиргулнинг хушбўй ҳидига тўлиб кетганди. Боғда енгил шабада турса, очиқ эшикдан устахонага кириб келар, ўзи билан бирга баъзан кишини маст қилувчи настарин ҳидини, баъзан эса алвон-алвон гуллаб ётган дўлана бўйларини олиб келарди.

Лорд Генри Уоттон эроний гиламлар тўшалган диван устида ҳар доимдагидек папиросини кетма-кет тутатганича узала тушиб ётарди. У ётган жойдан фақат бутазор кўринар, ундаги оқ толларнинг асалдай хушбўй ва тилладай товланувчи гуллари қуёш алангасида ял-ял ёнарди, силкиниб турган шохлар эса бу залворли ялтироқ гўзалликни зўрға кўтариб тургандай туюларди; аҳён-аҳёнда баҳайбат деразага тутиб қўйилган узун ипак пардалар қатларига ташқарида учиб кетаётган кушлар ғаройиб соялар ташлаб ўтишарди. Шунда пардалар сатҳида бир зум японча сувратлар жилолангандек бўларди. Буни кўриб лорд Генри олис Токионинг сарғиш чеҳрали рассомларини ўйлаб кетарди. Гарчи улар табиатан имиллагандай кўринсалар-да, ўй-фикрларини санъат воситалари билан ифодалаб беришга интилишарди. Баланд ўсган майсалар оралаб учиб юрган ёки зарҳал зарраларга кўмилган жингала дук чўплар устида айланаётган ариларнинг ғувиллаши сукунатни янада маъюсроқ қилади. Лондоннинг бўғиқ олағовури бу ерга олис арғанун садосидай етиб келарди.

Устахонанинг ўртасида мольбертда ҳаддан ташқари хушрўй бир йигитнинг суврати. Мольберт олдида — унинг сал ёнроғида рассом ўтирипти. Рассом ўша Бэзил Холлуорднинг ўзи. Бэзил бир неча йил аввал қўққисдан ғойиб бўлиб қолиб, Лондон аҳлини қаттиқ ташвишга қўйганди. Ўшанда қанчадан-қанча бири-биридан баттар ҳавойи тахминлар туғилмади, дейсиз?

Рассом соҳибжамол йигитнинг сувратини жуда зўр маҳорат билан чизиб қўйганди. Ҳозир у йигитнинг сувратидан кўзини узолмай, мамнун жилмайиб ўтирипти. Тўсатдан у сапчиб турди-да, кўзларини юмиб, бармоқлари билан қовоғини босди. У гўё уйғониб кетишдан қўрқиб, аллақандай ғаройиб тушини хотирасида сақлаб қолишга тиришаётгандай кўринар эди.

— Бу сенинг энг яхши асаринг, Бэзил. Сен яратган жамики асарларинг ичида энг яхшиси — шу, — деб гап қотди лорд Генри эринибгина. — Янаги йили бу сувратни, албатта, Гровенорга кўргазмага жўнатиш керак. Академияга юборишнинг ҳожати йўқ. Академиянинг ҳаддан ташқари бағри кенг, қаланғи ҳам, қасанғи ҳам қатнашаверади. Қачон борма, ҳамиша одам гавжум. Одамнинг кўплигидан томошага қўйилган сувратларни кўролмайсан. Ёхуд суврат шунақа кўп бўладики, одамларни ажратолмай қоласан. Сувратларни кўролмасанг бир бало, одамларни кўролмасанг яна бир бало. Йўқ, бирдан-бир тўғри келадиган жой — Гровенор.



— Мен бу сувратни, умуман, кўрғазмага қўймоқчи эмасман, — деб жавоб берди рассом бошини орқасига ташлаб. Унинг бу қилигидан Оксфорд дорилфунунидagi ўртоқлари кўп кулишарди. — Йўқ, мен уни ҳеч қаёққа жўнатмайман.

Ҳайрон бўлганидан лорд Генрининг қошлари чимирилди, тамакисига наша аралаштирилган папиросидан ҳалқа-ҳалқа бўлиб шипга ўралаётган мовий тутун орқали Бэзилга разм солди.

— Ҳеч қаёққа жўнатмайман дейсанми? Нега энди? Нима сабабдан бунақа қилмоқчисан, азизим? Ростини айтсам, рассом халқи хўп ғалати бўлади-да! Шухратга эришмоқ учун жонларини жабборга беришади, унга эришганларидан кейин эса гўё шухрат уларга малол келиб қолгандай бўлади. Бу ғоятда бемаъни эмасми? Агар оғизга тушганинг сенга ёқмаса, сенинг тўғрингда бутунлай индамай қўйсалар, бу ундан ҳам ёмон. Бу портретинг, Бэзил, Англиянинг жамики ёш рассомлари орасида сени энг юксак мавқега кўтарар эди; агар кекса рассомлар ҳали ҳам бирор туйғуни кечиршиш қобилиятини сақлаб қолган бўлса, уларнинг ҳам роса ҳасадини кўзгаган бўларди.

— Биламан, сен менинг устимдан куласан, — деб эътироз билдирди рассом, — лекин ростини айтсам, мен бу портретни ҳаммага кўз-кўз қилиб қўёлмайман... Бу расмга менинг буткул жону-таним сингиб кетган.

Лорд Генри диванга қулайроқ жойлашиб ўтирар экан, хохолаб кулиб юборди.

— Ана, кўрдингми? Бу нарса сенга кулгили кўринишини шундоқ ҳам билган эдим. Шундай бўлса-да, бу — чин ҳақиқат!

— Буткул жону таним сингиб кетган дейсанми? Худо ҳақи, Бэзил, сенинг бунчалик мақтанчоқлигингдан беҳабар эканман. Сен билан сен ишлаган суврат ўртасида зигирдек ҳам ўхшашлик кўрмаяпман. Сен қорақош, қорасоч, қорамағиз йигитсан, чеҳрангдан қаҳр ёғилиб туради. Сувратдаги йигит эса баайни фил суяги-ю атиргул баргларида ясалган навқирон Адониснинг ўзи. Тушунсанг-чи, Бэзил, у — Нарцисс, сен эса... Рост, сенинг юзингда нур бор, илҳом бор. Аммо гўзаллик, ҳақиқий гўзаллик нур бор жойда ғойиб бўлади. Юксак даражада тараққий этган ақлнинг ўзи қай бир даражада ғайритабиийроқ нарса, у қиёфадаги уйғунликка путур етказди. Одам фикр қилабошлаши биланоқ номутаносиб тарзда унинг бурни чўзилади ё пешонаси кенгайиб кетади. Ёхуд бошқа бирон нарса унинг ҳуснини бузади. Истаган илмий соҳанинг донгдор арбобларини олиб кўргин — ҳаммаси бадбашара эканини кўрасан. Диний раҳнамоларимиз, албатта, бундан мустасно, лекин улар мияларини ишлатиб, ўзларини қийнаб ўтиришмайди. Епископ саксон ёшга кирганида ҳам унга ўн саккиз яшар йигитлиги чоғида уқтиришган гапларни такрорлашда давом этади. Табиийки, унинг юзидаги чирой ҳам, ботавфиқлик ҳам сақланиб қолади. Сен навқирон ошангнинг исмини айтишни истамаяпсан. Унинг сувратига қараб ҳукм қилганда, бу сирли йигит жуда жозибадор, бинобарин, у ҳеч нарса тўғрисида ўйламайди. Бунга менинг имоним комил. Бу йигит, афтидан, худо яратган миясиз, лекин жуда дилбар махлуқ бўлса керак. Бундай махлуқ ҳамини бизнинг кўз ўнгимизда турмоғи керак — қишда, гуллар йўқ фаслда кўзимизни қувонтирмоғи, ёзда эса жунбушга келган миаларимизни совутмоғи лозим. Йўқ, Бэзил, ўзингга ўзинг хушомад қилмай қўяқол: сен унга заррача ҳам ўхшамайсан.

— Сен мени тушунмадинг, Гарри, — деди рассом. — Албатта, мен билан бу йигит ўртасида ҳеч қанақа ўхшашлик йўқ. Мен буни жуда яхши биламан. Сирасини айтганда, мен ўзим ундай бўлмоқни хоҳламайман ҳам. Сен елкангни қисяпсан-а? Ҳолбуки, мен чин юракдан самимий гапиряпман. Жисмонан ёхуд руҳан комил одамларнинг тақдирида аллақандай бир шум қисмат бўлади — бутун тарих давомида ана шундай шум қисмат қиролларнинг нотўғри қадамларига раҳнамолик қилиб келгандай. Бошқалардан ҳеч нарса билан ажраб турмаслик беҳатарроқ. Бу дунёда ҳамини тентаклар билан бадбашараларгина ютиб чиқади. Улар бемалол ўтириб, бошқаларнинг курашини томоша қилаверишлари мумкин. Улар ғалабалар нашидасини суриш имконидан маҳрум, лекин бунинг эвазига мағлубият алмини ҳам тотмайдилар. Қани энди, биз ҳам ҳамини уларга ўхшаб яшасак — ташвиш нималигини билмасак, окуда, хотиржам ҳаёт кечирсак, ҳамма нарсага лоқайд бўлсак. Улар ҳеч кимни ҳалокат чоғига етакламайдилар ва ўзлари ҳам душман қўлидан ҳалок бўлишмайди... Сен, Гарри, аслзода ва бадавлатсан, ме-

нинг ҳар қанча арзимас бўлмасин, ақлим ва истеъдодим бор. Дориан Грей эса чиройга эга. Худодарнинг ана шу бари инъомлари учун биз вақти-соати келиб ҳақ тўлаймиз, оғир изтироблар эвазига қарзимизни ўтаймиз.

— Дориан Грей дейсанми? А-ҳа, демак, унинг исми Дориан Грей экан-да? — деб сўради лорд Генри Холлуорднинг ёнига борар экан.

— Ҳа. Унинг исмини атагим келмаган эди.

— Нима сабабдан?

— Нима десамикин?... Мен бирор одамни жуда яхши кўрадиган бўлсам, ҳеч қачон ҳеч кимга унинг номини айтмайман. Унинг номини айтиш ўзинг учун азиз одамнинг бирон заррасини бошқаларга бериб юбориш билан барабар. Шундай қилиб десангиз, мен ўз қобиғимга ўралиб олдим, одамлардан яширадиган сирим борлиги менга ёқиб қолди.

Ҳозирги турмушимизни биз учун қизиқарли ва сирли қиладиган якка-ю ёлғиз нарсанинг ўзи ҳам, аслида, шу. Энг оддий, энг арзимас буюм ҳам уни одамлардан яшира бошлашинг биланоқ бирдан кишини лол қолдирадиган даражада қизиқарли бўлиб қолади. Лондондан жўнаб кетар эканман, эндиликда мен ҳеч қачон қариндош-уруғларимга қаёққа кетаётганимни айтмайман. Уларга айтиб қўйсам, сафаримнинг қизиғи қолмайди, вассалом. Тўғри, бу инжиқлигим кулгили, лекин шу ваддан қандайдир йўл билан менинг ҳаётимга анча-мунча романтика кириб келади-ку! Сен, албатта, буларнинг барини уччига чиққан бемаънилик деб атайсан, шундайми?

— Сира ҳам-да, — дея эътироз билдирди лорд Генри. — Сира ҳам ундай эмас, азизим Бэзил! Мен уйланган одам эканимни унутиб қўяяпсан. Ҳолбуки, оила қуришининг бирдан-бир гўзал томони шундаки, у иккала томонни ҳам муқаррар тарзда ёлғончиликда устаси фаранг қилиб юборади. Мен ҳеч қачон хотиним қаерда эканини билмайман, менинг хотиним эса менинг нима билан машғул эканимни билмайди. Биз аҳён-аҳёнда учрашиб ҳам турамиз. Шундай учрашувларда — меҳмонда бирга тушлик қилганимизда ёхуд бирон герцоғникига ташриф буюрганимизда — биз ўта жиддий қиёфада бир-биримизга ҳар қанақа арзимас нарсани гапириб ўтирамиз. Хотиним бу ишни мендан кўра аълороқ бажаради. У ҳеч қачон гапидан адашиб кетмайди, мен бўлсам доимо ҳамма нарсани чалкаштириб юраман. Шуниси ҳам борки, агарда у гапимдаги ёлғонни сезиб қолса, жаҳл қилмайди ва машаа кўрсатмайди. Баъзан-баъзан машаа қилмаганига ўкинаман ҳам. Хотиним бўлса мени мазаҳ қилиб қўяқолади.

— Оилавий ҳаётинг тўғрисида шунақа оҳангга гапирсанг, тоқатим тоқ бўлиб кетади, Гарри, — деди Бэзил Холлуорд боққа чиқадиган эшикка яқинлашиб. — Ишончим комилки, амалда сен бинойидек эрсан, фақат ўзингнинг фазилатларингни тан олишга хижолат чекасан. Ғалати одамсан-да! Ҳеч қачон бирон-бир виждонга дахлдор гап гапирмайсан ва ҳеч қачон бирон-бир виждонсиз иш ҳам қилмайсан. Сенинг беҳаёлигинг шунчаки номига, холос!

— Биламан, самимий бўлиш олифтагарчиликдан ўзга нарса эмас, олифтагарчилик бўлганда ҳам одамлар жуда ёмон кўрадиган олифтагарчилик, — деб хитоб қилди лорд Генри жилмайиб.

Йигитлар боққа чиқишди ва баланд дафна дарахтининг соясига қўйилган фаров скамейкага ўтиришди. Дарахтнинг худди локлаб қўйилганга ўхшаш ялтираган япроқларида қуёш шуълалари ўйнардди. Майсалар орасида оппоқ дастор гуллар аста чайқаларди.

Уйнинг эгаси ва меҳмон бир неча муддат сукут ичида ўтиришди. Кейин лорд Генри соатига қаради.

— Афсус, кетадиган вақтим бўлиб қолипти, Бэзил, — деди у. — Аммо кетишимдан олдин сендан сўраган битта саволимга жавоб бермоғинг керак.

— Қанақа савол экан? — деб сўради рассом бошини кўтармай.

— Қанақа савол эканини ўзинг яхши биласан.

— Йўқ, Гарри, билмайман.

— Яхши, сенга эслатиб қўяй, бўлмаса. Марҳамат қилиб тушунтириб бер-чи — сен нега Дориан Грейнинг портретини кўргазмага юбормасликка аҳд қилдинг? Мен ҳақиқатни билмоқ истаيمان.

— Мен сенга ҳақиқатни айтдим.

— Йўқ. Сен бу портретга сенинг ўзлигинг анча сингиб кетганини айтдинг, холос. Бу гап, ахир, жиддий гап эмас-ку?

— Бир нарсани тушун, Гарри, — деб Холлуорд лорд Генрининг кўзларига тик қаради. — Меҳр билан чизилган ҳар қандай портрет, сирасини айтганда, рассом қаршисида сувратга тушмоқ учун ўтирган одамнинг эмас, рассомнинг ўз портретидир. Рассом ишлаган сувратида қаршисида ўтирган одамнинг эмас, ўз-ўзининг қиёфасини очиб беради. Бу портрет менинг юрак сирларимни ошкор этиб қўймаса деб қўрқаман. Шунинг учун уни кўргазмага қўйиш ниятида эмасман.

Лорд Генри қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Қанақа сир экан бу “юрак сирлари”? — деб сўради.

— Майли, бўлмаса, сенга гапириб бера қолай, — деб гап бошлади Холлуорд хижолатомуз қиёфада.

— Қани-қани? Бажонидил эшитаман, Бэзил, — дея қисташда давом этди. Бэзил унга қараб туриб, деди:

— Гапирадиган гапнинг ўзи ҳам йўқ ҳисоб, Гарри ... Гапирганим билан, мени тушунишинг қийин бўлар дейман. Гапларимга ишонмасанг керак.

Лорд Генри бунга жавобан истеҳзо билан кулди-да, энгашиб майсалар ичидан бир пушти дасторгулни узиб олди.

— Менинг мутлақо имоним комилки, гапингни тушунаман, — деб жавоб берди у гулнинг четларидаги оқиш зарҳал баргларини диққат билан кўздан кечирар экан. — Мен истаган нарсага ишона биламан. Ҳар қанча ақл бовар қилмайдиган бўлса ҳам ишонавераман.

Қўққисдан қўзғалган шабадада дарахтларнинг япроқлари тўкилди. Настариннинг гужум-гужум бошлари гўё майда юлдузчалардан таркиб топгандай жазирама қўйнида димиқиб ётган мудроқ сукунат ичида аста чайқалди. Девор тагида чигиртка чириллади. Ялтироқ жигарранг қоматли ниначи ҳавода мовий ипдай липиллаб ўтди... Лорд Генрига Бэзилнинг юраги бетоқат ураётгани эшитилгандай туюлди-ю, у бундан кейин нима бўлишини тусмоллаб билмоқчи бўлди.

— Гапнинг пўсткаласини айтсам... — давом этди бир оз сукутдан кейин рассом. — Икки ойча муқаддам мен леди Брэндоннинг уйида зиёфатда бўлган эдим. Биз шўрлик рассомлар аҳён-аҳёнда бўлса ҳамки одамлар орасида кўриниб турмоғимиз лозим. Лоақал шу йўл билан одамларга ўзимизнинг ёввойи эмаслигимизни кўрсатишимиз керак-да! Сенинг гапларинг эсимда — фрак кийиб, оқ бўйинбоғ тақиб олса, ҳар қандай одам, ҳатто биржанинг даллоли ҳам маданиятли одам деб саналиши мумкин.

Леди Брэндоннинг меҳмонхонасида чамаси ўн минутлар мобайнида мен ясантусанни дўндирган зодагон бевалару сипо академиклар билан гурунглашиб турдим. Кейин тўсатдан аллаким менга қараб турганини ҳис қилдим. Мен орқамга ўгирилдим, шу заҳоти биринчи марта Дориан Грейни кўрдим. Бизнинг кўзларимиз тўқнашди ва мен рангим оқариб кетганини сездим. Менинг бутун вужудимни алланечук ғайришуурий бир қўрқув чулғаб олди. Мен бир нарсани англадим: қаршимда турган одам ҳаддан ташқари мафтункор, агар мен унинг сеҳрига асир бўлиб қолсам, у мени бутун вужудим билан, қалбимни ҳам ва ҳатто санъатимни ҳам ямламай ютади. Ҳолбуки, мен ҳаётимга ҳеч қандай бегона нарсаларнинг таъсир қилишини истамас эдим. Менинг табиатим қанчалик мағрур эканини сен яхши биласан, Генри. Мен ҳамини ўзимга ўзим хўжайин бўлиб келганман. Жилла бўлмаса, Дориан Грей билан учрашганимга қадар шундай эди. Ўша чоғда бўлса... Билмадим — сенга қандай тушунтирсам экан... Ичимдаги аллақандай овоз ҳаётимдаги мудҳиш бир бурилиш арафасида турганимдан дарак берарди. Ғира-шира сезиб турибманки, тақдир мен учун ғаройиб шодмонликлар тайёрлаб қўйган ва мени шунга яраша тубсиз азоб-уқубатлар ҳам кутяпти. Мен даҳшатга тушиб кетдим. Кетишга жаҳд қилдим-у эшик томон қадам ташладим. Мен буни бутунлай ғайришуурий тарзда, аллақандай қўрқув, ваҳима важдан қилдим. Албатта, қочишга уринганим менинг шаънимга ярашмайдиган иш бўлган эди. Виждонан айтганда...

— Виждон билан қўрқоқлик моҳиятан битта нарса, Бэзил. “Виждон” деганлари қўрқоқликнинг расмий номи, холос. Тамом-вассалом.

— Мен бунга ишонмайман, Гарри. Менимча, сен ўзинг ҳам бунга ишонмайсан... Хуллас, билмадим, қандай важлар менга раҳнамо бўлди, балки такаббур-

ликдандир, негаки мен жуда ҳам мағрур одамман, — мен эшик томон йўналдим. Лекин эшик олдида мен, албатта, леди Брэндонга рўпара келдим. “Нима бало, ҳозирдан қочиб қолиш пайига тушиб қолдингизми, мистер Холлуорд?” — деб хитоб қилди у. Унинг қанақа чинқироқ овози борлигини ўзинг яхши биласан!

— Нимасини айтасан? Бу аёл чинакам товуснинг ўзгинаси, фақат товуснинг таровати унга бегона, — деб гапни илиб кетди лорд Генри узун-узун бармоқлари билан дасторгулни асабим ўзгилар экан.

— Ундан қутулмоғимнинг иложи бўлмади. У мени аллақандай олий зотлар билан таништирди, кейин кўкси юлдузу нишонларга тўла рутбалик одамларга рўпара қилди, шапалоқдек-шапалоқдек олмос тўғнағичлар қадаб олган эгрибурун кампирларга кўз-кўз қилди. У мени умрида бор-йўғи иккинчи марта кўриб турган бўлса-да, ҳаммага ўзининг энг яхши дўсти сифатида тақдим этди. Афтидан, у мени ҳам ўзига таниш машҳур одамлари сирасига қўшиб олишга қаттиқ аҳд қилган кўринарди. Ўша кезларда сувратларимдан бири кўпчиликка манзур бўлганди, шекилли, ҳар ҳолда энгил-елпи газеталарда унинг тўғрисида кўп ёзиб қолишган эди. Бу эса бизнинг замонамизда машҳурликка берилган патта ҳисобланади.

Ўшанда мен тўсатдан биринчи кўришгандаёқ қалбимда ғалати ҳаяжон уйғотган йигит билан юзма-юз келиб қолдим. У менга шунчалик яқин жойда турган эдики, тўқнашиб кетишимизга сал қолди. Яна кўзларимиз кўзимизга тушди. Шунда мен ўйлаб ҳам ўтирмай, леди Брэндондан бизни таништиришни илтимос қилдим. Сирасини айтганда “ўйлаб ҳам ўтирмай” деганим унча тўғри эмас. Бизни таништириб қўйишмаса, барибир, биз бир-биримиз билан тиллашиб кетардик. Бунга ишончим комил. Кейинчалик Дориан менга худди шу гапни айтди. У ҳам биринчи учрашувимизданоқ бизни бир-биримизга тасодиф эмас, тақдир рўпара қилганини сезган экан.

— Бу барно йигит тўғрисида леди Брэндон сенга нима деган эди? — деб сўради лорд Генри. — Мен биламан — унинг ҳар битта меҳмонини ўхшатиб таърифлаш одати бор. Эсимда, бир гал у мени аллақандай қизил юзли сервиқор бир чолга рўпара қилди. Унинг ёнига борар эканмиз, менинг қулоғимга шивирлаб, унинг таржимаи ҳолига тегишли кўп ҳайратомуз тафсилотларни гапириб берди. Лекин шивирлаганда шунақа шивирладики, назаримда, унинг гапини меҳмонхонадагиларнинг ҳаммаси эшитди, шекилли. Мен бир амаллаб леди Брэндондан қочиб қутулгандим. Одамларнинг қанақа эканини ўзим бировнинг ёрдамисиз билиб олишни ҳуш кўраман. Леди Брэндон эса ўзининг меҳмонларини шунақа таъриф қиладики, худди кимошди савдосидаги даллол сотаётган буюмини таърифлаётганга ўхшайди: ё у меҳмонлари тўғрисида ҳеч ким билмайдиган ноёб гапларни гапириб беради, ёхуд сиз билмоқчи бўлган гапдан бошқа гапларни ҳаммага маълум қилади.

— Шўрлик леди Брэндон! Уни ҳеч аямаяпсан-ку, Гарри, — деб паришонхотирлик билан луқма ташлади Холлуорд.

— Азизим, у ўзининг уйида “салон” барпо этмоқчи эди. Бу бўлмади, ўрнига оддий бир емакхона чиқди, холос. Сен бўлсанг, унга қийин бўлмоғини истаяпсан, шундайми? Кел, қўй, буни гапирма. Яхшиси, менга Дориан Грей тўғрисида унинг нима деганини айтиб бер.

— Бир нималар деётувди. “Жуда дилбар йигит... Унинг онаси билан орамиздан қил ўтмасди... Йигит нима билан шуғулланиши хаёлимдан кўтарилипти... Такасалтангмиди дейман-да... Ҳа-я, бинойидек рояль чалади... Ё скрипка чалармидингиз, азизим мистер Грей?” деганга ўхшаш гапларни айтганди. Ўшанда икковимиз ҳам ўзимизни кулгидан тўхтатиб қололмагандик. Нечукдир шу ҳол бизни дарҳол бир-биримизга яқин қилиб қўйди.

— Агар дўстлик кулги билан бошланса, бунга нима дetsин? Агар у кулги билан тамом бўлса, бу яна ҳам яхши, — деб луқма ташлади лорд Генри яна битта дасторгулни узиб олар экан.

Холлуорд бош чайқади.

— Чинакам дўстлик нима эканини сен билмайсан, Гарри, — деди у оҳиста. — Чинакам душманлик ҳам нима эканидан беҳабарсан. Сен ҳаммани яхши кўрасан. Ҳаммани яхши кўрмоқ эса ҳеч кимни ёқтирмаслик деганидир. Сен ҳаммага бирдай бефарқсан.

— Менга бундай муносабатинг адолатдан эмас! — деб хитоб қилди лорд Генри.

ри. У шляпасини бошининг орқасига суриб қўйиб, ферузадек зангори ёз осмонида сузиб юрган паға-паға булутларга тикилди. — Ҳа, ҳа, сира адолатдан эмас! Мен сира ҳам ҳамма одамларга бир хил муносабатда бўлмайман-да! Энг баркамол одамлар билан дўст тутинман, обрў-эътибори дуруст одамлар билан ошначилик қиламан, душманликка эса фақат ақлли одамларни танлайман. Душманликка танлайдиган одамларни синчиклаб кўриб чиқиш керак. Менинг душманларим ичида биронта ҳам эси паст, аҳмоғи йўқ. Уларнинг ҳаммаси фикрлайдиган, етарли даражада зиёли одамлар, шунинг учун ҳам мени қадрлай билишади. Сен менга таъна қилиб, одам танлашда шуҳратпарастлигиндан келиб чиқасан дейишинг мумкин. Нима ҳам дердим, бу гап тўғри.

— Мен ҳам шундоқ деб ўйлайман, Гарри. Айтганча, сенинг гапларингга қараб ҳукм чиқарсак, мен сенга дўст эмас, шунчаки ошнанг эканман-да?

— Азизим Бэзил, сен менга оддий ошна эмас, жуда ҳам қадрлисан.

— Лекин ҳар ҳолда дўстдан мундоқроқман, а? Демак, бирон-бир оғайни десак ҳам бўлаверади, шундайми?

— Йўқ, йўғ-е! Оға-иниларимни мен унчалик хуш кўрмайман. Менинг оғам ҳеч бу дунёдан оёқ узгиси келмайди, иниларим бўлса жон таслим қилишдан бўшаймайди.

— Гарри! — деб унинг гапини бўлди Холлуорд қошларини чимириб.

— Дўстим, бу гапларни ҳазиллашиб айтяпман-да... Лекин гапнинг рости шуки, мен чиндан ҳам қариндош-уруғларимга тоқатим йўқ. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, биз ўзимизда мавжуд бўлган нуқсонларга эга бўлган одамларни ёмон кўрсак керак. Мен инглиз демократларига дил-дилдан хайрихоҳман — улар “олий табақаларнинг иллатларидан” қаттиқ ғазабланишади. Қуйи табақа одамлари ғайришуурий тарзда тушунтирадики, ичкиликбозлик, тентаклик, ахлоқсизлик уларнинг маҳрига тушган сифатлардир. Мабодо, бизлардан бирортамиз шу иллатларга чалинган бўлсак, шунинг ўзи билан биз уларнинг ҳақ-ҳуқуқига дахл қилаётгандай бўламиз. Шўрлик Саусуорк хотинидан ажрамоқчи бўлганида одамларнинг ғазабига учраган эди. Ҳолбуки, йўқсулларнинг лоақал ўн фоизи осуда ва покиза турмуш кечиришига мен кафолат беролмайман.

— Бу қалаштириб ташлаган гапларингга бирорта сўз йўқки, унга қўшилиш мумкин бўлсин, Гарри! Бу гапларнинг биронтасига ўзинг ҳам ишонмайсан.

Лорд Генри ўзига ярашган соқолини силади, попуклик қора таёқчаси билан локланган ботинкасининг тумшугига уриб қўйди.

— Сен асл инглизсан-да, Бэзил! Шу мулоҳазани сендан иккинчи марта эшитяпман. Бирон-бир мулоҳазани рисоладаги инглизга айтиб кўргин — бу билан жуда катта эҳтиётсизлик қилган бўласан — у одам мулоҳазанинг тўғри ё нотўғрилигини суриштириб кўришни хаёлига ҳам келтирмайди. Уни фақат битта нарса қизиқтиради, холос — шу гапирётган гапларингга ўзинг ишонсанми, йўқми? Ҳолбуки, гапирётган одам ўзининг гапларига астойдил ишонадими-йўқми — бундан қатъи назар, ғоянинг, фикрнинг ўзи муҳим. Ҳатто шундай бўладики, мулоҳаза айтаётган одам ўзининг ғоясига қанча камроқ ишонса, ғоя шунча кўпроқ мустақил қимматга эга бўлади. Чунки бундай ҳолларда ғоя уни айтаётган одамнинг истакларини, хоҳишларини, хурофотини акс эттирмайди... Аммо мен сен билан сиёсий, ижтимоий ёхуд метафизик масалаларни муҳокама қилиб баҳслашиб ўтирмоқчи эмасман. Одамларнинг принципларидан кўра ўзлари мени кўпроқ қизиқтиради. Агар принципсиз одамлар бўлса, яна ҳам соз бўлар эди. Дориан Грейдан гаплайшайлик. У билан тез-тез кўришиб турасизларми?

— Ҳар куни. Агар у билан ҳар куни кўришиб турмасам, мен ўзимни бахтсиз деб ҳис қилган бўлардим. Унингсиз мен яшаёлмайман.

— Буниси ғалати бўлди-ку! Мен бўлсам сени бутун умринг давомида фақат ўз санъатингни яхши кўриб ўтасан деб ўйлардим.

— Дориан эндиликда мен учун бутун санъатимдай гап, — деди рассом жиддий оҳангда. — Биласанми, Гарри, баъзан кўнглимга бир фикр келади: инсоният тарихида фақат иккита муҳим ҳодиса бор — буларнинг бири санъатда янги ифода воситаларининг пайдо бўлиши, иккинчиси эса санъатда янги образнинг пайдо бўлишидир. Бир вақти-соати келиб Дориан Грейнинг ҳам чеҳраси мен учун жуда катта қиммат касб этишига аминман. Венецияликлар учун тасвирий санъатда мойбўёқ-

нинг кашф этилиши ёки юнон ҳайкалтарошлиги учун Антиноянинг қиёфаси жуда муҳим бўлгани каби. Албатта, мен Дорианнинг сувратини бўёқларда ҳам, қаламда ҳам ишлаяпман, эскизлар чизяпман... Бироқ гап фақат шунда эмас. У мен учун шунчаки оддий бир модел ёки натура, қолип эмас. Мен ўз ишимдан қаноат ҳосил қилмаётганимни айтаётганим йўқ, мен бу гўзалликни санъатда тасвирлаб бериш мумкин эмаслигини айтиб, сени ишонтирмоқчи ҳам эмасман. Санъат ифода қилиб беролмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Кўриб турибман. Дориан Грей билан танишганимдан бери чизган сувратларим жуда яхши чиққан. Бу сувратлар менинг энг яхши ишларим. Буни сенга қандай тушунтиришимни ҳам билмай қолдим. Айтсам, тушунармикансан — йўқми... Дориан билан учрашув менга рассомликда катта бир янгилликни очишим учун калит берди. Эндиликда мен буюмларни бошқача ёритилганини кўряпман, ҳамма нарсани бутунлай бошқача кўряпман. Эндиликда мен ўз санъатимда ҳаётни шундай воситалар билан тасвирлай оламанки, авваллари бу воситалар менга бутунлай номаълум эди. “Фикр ҳукмронлик қилган кунларда шакл ҳақида ўйлаш”... Ким айтган эди-я бу гапни? Эслолмадим. Дориан Грей мен учун ана шундай ҳаёл бўлиб қолди. Дориан Грей менинг назаримда ҳали бир йигитча, холос. Холбуки, у аллақачон йигирмага тўлган. Шу йигитчанинг мавжудлигининг ўзиёқ... Оҳ, билмадим-у унинг мавжудлиги мен учун қандай маънога эга эканини сен тасаввур қилаолармикансан? Ўзи беҳабар ҳолда у мен учун аллақандай янги бир мактабнинг белгиларини очиб беряпти. Бу шундай мактабки, унда романтизмга хос жамикки эҳтирослилик эллинизмга хос жамикки баркамоллик билан бирикиб кетган бўлади. Руҳ ва жисмнинг уйғунлиги — нақадар гўзал бу! (Биз тентаклигимиз важдан уларни бир-бирдан ажратиб ташлаганмиз, биз вульгар реализм билан ҳашаки идеализмни ўйлаб чиқарганмиз. Аҳ, Гарри, Дориан Грейнинг мен учун ким эканини кошки сен билсанг эди! Мен чизган анави манзара эсингдами? Ўша пейзаж учун Эгнью менга жуда катта пул таклиф қилган эди. Бу — менинг энг яхши сувратларимдан бири. Хўш, нега шундай? Шунинг учунки, уни чизаётганимда Дориан Грей ёнимда ўтирган эди. У менга алланечук илғаб бўлмайдиган таъсир кўрсатган эди. Шу таъсир ёрдамида мен биринчи марта оддий ўрмон манзарасида мўъжиза кўраолдим. Ҳолбуки, бу мўъжизани ҳамisha излаб келган, лекин топа билган эмасдим.

— Бэзил, бу жуда ажойиб-ку? Ақл бовар қилмайди. Мен Дориан Грейни кўрсам бўлмайди.

Холлуорд ўрнидан туриб, боғ бўйлаб юра бошлади. Бир неча минутдан кейин у қайтиб келиб, яна скамейкага ўтирди.

— Шуни билгинки, Гарри, — деди у, — Дориан Грей мен учун санъатда шунчаки бир усул, холос. Эҳтимол, сенинг кўзингга у энг жўн бир одам бўлиб кўринар, лекин мен унинг сиймосида ҳамма нарсани кўраман. Дорианнинг сувратини чизмаган расмларимда ҳам унинг таъсири “мана ман” деб сезилиб туради. Мен сенга боя айтганимдек, у гўё менга янгича ижод услубини айтиб бераётгандай бўлади. Мен уни баъзи чизиқларнинг бурилишларида, баъзи рангларнинг инжа латофатидаги кашфиётда кўраман. Тамом — вассалом!

— Ундай бўлса, нима сабабдан унинг сувратини кўргазмага қўйишни хоҳламайсан? — деб сўради лорд Генри.

— Сабаби шуки, мен сувратда беихтиёр равишда рассомнинг ақл бовар қилмайдиган муҳаббатини ифодалаб қўйганман. Албаттаки, мен бу муҳаббат тўғрисида Дорианга лом-мим деб оғиз очган эмасман. Дориан бундан бутунлай беҳабар. Бундан у ҳеч қачон воқиф ҳам бўлмайди. Аммо бошқа одамлар ҳақиқатдан воқиф бўлиб қолишлари мумкин. Ҳолбуки, мен бошқаларнинг олисни яхши кўрмайдиган, лекин ҳар нарсага қизиқувчан кўзлари қаршисида қалбимни ошкор қилмоқчи эмасман. Ҳеч қачон мен уларнинг қалбимни титкилаб кўришларига йўл қўймайман. Энди тушунгандирсан, Гарри? Бу сувратда менинг қалбим ҳаддан зиёд кўп ифодаланган, унга менинг ўзим ҳаддан ташқари кўп сингганман.

— Лекин шоирларни олсак, улар сенчалик серандиша эмас. Улар муҳаббат ҳақида ёзиш фойдали эканини, бунга талаб катталигини жуда яхши билишади. Бизнинг замонамизда шикаста қалбнинг охи-зорини қайта-қайта бозорга солсанг бўлаверди.

— Бунақа шоирлардан нафрат қиламан, — деб хитоб қилди Холлуорд. — Санъ-

аткор гўзал санъат асарини бунёд этмоғи лозим-у, лекин унга ўзининг шахсий ҳаётидан ҳеч нарса қўшмаслиги керак. Бизнинг давримизда одамлар санъат асарини автобиографияга ўхшаган бир нарса бўлмоғи керак деб ўйлашади. Гўзалликни ўз-ўзича, мавҳум тарзда қабул қилиш қобилиятини йўқотиб қўйдик. Қачонлардир вақти-соати келиб қолар — ўшанда мен бутун дунёга мавҳум гўзаллик туйғуси нима эканини кўрсатишдан умидворман. Шунинг учун ҳам дунё Дориан Грей портретини кўришга ҳеч қачон мушарраф бўлмайди.

— Менимча, сен ҳақ эмассан, Бэзил, лекин мен сен билан тортишиб ўтирмайман. Бутқул ўнгламас тентакларгина баҳслашиб тортишишади. Қани, айт-чи, Дориан Грей сени жуда яхши кўрадимиз?

Рассом ўйланиб қолди.

— Дориан менга ўрганиб қолган, — деб жавоб берди у бир дақиқалик сукутдан кейин. — Биламан, ўрганиб қолган. Бунинг сабаби аён — мен унга тўхтовсиз хушомад қиламан. Мен унга гапириш керак бўлмаган нарсаларни гапираман, шундан ўзим ғалати бир лаззат топаман, лекин биламанки, кейинчалик бунга қаттиқ таассуф қиламан. Умуман олганда, унинг менга муносабати жуда ҳам яхши, биз икковимиз бирга эртадан-кечгача минглаб мавзуларда гурунглашиб вақт ўтказамиз. Бироқ баъзан у ҳаддан ташқари дилозор бўлиб қолади. Билмадим, мени қийнашдан ҳузурланадими? Бундай пайтларда, Гарри, ғалати бир туйғуни туяман — гўё мен бутун қалбимни шунақа бир одамга бахш этдимки, унинг учун менинг қалбим ёқасига тақиб олган бир гулдай гап, қуруқ бир безак. Бу безакдан у фақат ёзнинг бир куни мобайнидагина ўз шуҳратпарастлигини қондиради, холос.

— Ёз кунлари узун бўлади, Бэзил, — деди овозини пастлатиб лорд Генри. — Балки бу гапларнинг бари Дориандан аввал сенинг жонингга тегар? Ҳар қанча қайғули бўлмасин, шубҳа йўқки, Гўзалликка қараганда Даҳонинг умри узунроқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз ҳар қандай меъёрдан ортиқроқ даражада ақлимизни пешлашга ҳаракат қиламиз. Яшаш учун олиб бориладиган қақшатқич курашда лоақал бирор нарсани барқарор ҳолатда, мустаҳкам қилиб асраб қолмоқчи бўламиз ва миямизни фактлар билан, ҳар хил бўлар-бўлмас нарсалар билан тўлдириб ташлайди. Шу йўл билан ҳаётдаги ўрнимизни сақлаб қолишга беҳуда уринамиз. Ҳозирги замондаги идеал одам — юксак маърифатли билагон одамлар. Бундай юксак маърифатли одамнинг мияси эса алланечук қўрқинчли нарса! У антиқа буюмлар дўконига ўхшайди. Унга турли-туман чанг босган эски-туски нарсалар тиқиб ташланган. Бу буюмларнинг ҳар қайсисига эса асл қимматидан кўра юқори-роқ нарх қўйилган... Ҳа, Бэзил, ҳар ҳолда мен ўйлайманки, биринчи бўлиб сенинг жонингга тегати булар. Гўзал кунларнинг бирида сен дўстингга қарасанг, унинг ҳусни таважжуҳи аввалгидай баркамол кўринмай қолади, тўсатдан терисининг ранги ёки бошқа яна бирор нарсаси номаъқулроқ туюлади. Бунинг учун сен дилдилингдан ундан дамонгир бўласан ва жуда жиддий бир тарзда уни сенинг олдинда аллақандай гуноҳи бор деб ўйлай бошлайсан. Кейинги учрашганда эса сен бутунлай совиб қолган бўласан ва лоқайд қарайсан. Албатта, келгусида сенда юз берадиган бунақа ўзгаришларга таассуф билдирмоқдан ўзга илож йўқ. Сен менга ҳозир гапириб берган нарса — чинакам муҳаббат. Айтиш мумкинки, санъат заминидан туғилган муҳаббат. Ҳаётда бундай муҳаббатни кечирган одам эса, афсуски, анча-мунча жўн бўлиб қолади!

— Бунақа дема, Гарри. Мен Дорианга бир умрга мафтун бўлганман. Сен мени тушунмайсан, чунки сенда жиндай тутуруқ йўқроқ...

— Ҳа, азизим Бэзил, айни шунинг учун ҳам мен сенинг туйғуларингни тушунишга қодирман. Муҳаббатга содиқ одам муҳаббатнинг маълум ва машҳур суратинигина кўра олади. Муҳаббатнинг фожелигини эса фақат унга хиёнат қиладиганларгина англаб етадилар.

Лорд Генри ёнидан гугурт соладиган бежиримгина кумуш қутичасини олиб, папирос тутатди. Унинг чеҳрасида бир жумлага жамики донишмандлигини жо қилишга муваффақ бўлган одамга хос мамнуният ва гурур балқиб турарди.

Чирмовиқнинг ялтираб турган зангори япроқлари орасида чумчуқлар чирқиллаб ўйин қилишар, майса устида эса булутларнинг мовий сояси тезучар қалдирғочлар галасидай жавлон урарди. Шу чоғда боғ ичи бениҳоя файзли эди! “Одам-

ларнинг туйғулари нақадар мароқли-я! Уларнинг фикрларидан кўра туйғулари ажиброқ, — деди ичида лорд Генри. — Ҳаётдаги энг мароқли нарса — ўзингнинг қалбинг ва дўстларингнинг эҳтиросидир”.

У яширин бир мамнуният билан эслади — Бээил Холлуордникида ўтириб қолиб, холасиникидаги диққинафас нонуштани ўтказиб юборипти. Бугун уникида, албатта, лорд Гудбоди нонушта қилади. Бутун нонушта давомида, албатта, гап камбагаллар учун очиб бериш зарур бўлган намунали тамаддихоналар ва мусофирхоналар ҳақида боради. Гурунг чоғида ҳар бир одам ўзи амал қилиши шарт бўлмаган фазилатларни мақтайди: бадавлат одамлар тежамкорлик тарғиб қилишади, бекорчиҳўжалар эса суҳандонлик билан меҳнатнинг улуғ аҳамияти ҳақида гап сотишади. Шу бугун буларнинг ҳаммасидан бебахра қолгани жуда яхши бўлди-да!

Холасини эслагани қўққисдан лорд Генрининг миясида бир хотиротни уйғотди. У Холлуордга ўгирилди.

— Биласанми ҳозир нимани эсладим?..

— Нимани эсладинг, Гарри?

— Дориан Грей ҳақида биринчи дафъа қаерда гап бўлгани эсимга тушиди.

— Қаерда гап бўлган экан? — деб сўради Холлуорд қошларини чимириб.

— Менга бунақа қаҳр билан қарама, Бээил. Бу менинг холамникида, леди Агатааникида бўлган эди. Холам жуда дилбар бир йигитни топганини, бу йигит унга Ист-Эндда ёрдам беришга ваъда қилганини, унинг номи Дориан Грей эканини гапириб берган эди. Эътибор бергин-а — холам унинг ҳусни таважжуҳи ҳақида ломмим деб оғиз очгани йўқ. Аёллар ҳусни таважжуҳни унча қадрлашмайди. Ҳаммалари бўлмаганда ҳам, лоақал бетавфиқлари шунақа қилади. Холамнинг айтгани фақат шу бўлдики, уни, жуда жиддий йигит, кўнгли тоза, деди. Бу гапни эшитиб, менинг кўз ўнгимда кўзойнак таққан, сочлари силлиқ, юзлари сепкил босган, оёқлари сўлоқмондай бир кимса гавдаланди. Афсус, ўшанда Дориан Грей деганлари сенинг дўстинг эканини билмаган эканман.

— Буни билмаганингдан жуда хурсандман, Гарри.

— Сабаб?

— Мен сизларнинг танишишларингизни истамайман.

— Бизнинг танишишимизни истамайсанми?

— Йўқ.

— Мистер Дориан Грей студияда кутмоқда, сэр, — деб хабар қилди боғда пайдо бўлган мулозим.

— Ана холос! Энди истасанг-истамасанг бизни бир-биримиз билан таништириб кўясан.

Рассом офтобдан кўзларини қисиб, буйруқ кутиб турган мулозимга юзланди.

— Мистер Грейдан бир оз кутиб туришни илтимос қилинг, Паркер. Мен ҳозир бораман.

Мулозим таъзим қилди-да, йўлка бўйлаб уй томон йўналди. Унинг қораси ўчган, Холлуорд лорд Генрига қаради.

— Дориан Грей — менинг энг яхши дўстим, — деди у. — Унинг бағри кенг, қалби тоза. Бу масалада холанг мутлақо ҳақ. Хушёр бўл, Гарри, уни бузиб қўйма! Унга таъсир кўрсатишга уринма. Сенинг таъсиринг унинг учун ҳалокатли бўлур. Олам беҳудуд, унда бири-биридан ажойиб одамлар кўп. Шундоқ экан, менинг бирдан-бир одамимни тортиб олма. Менинг санъатимда гўзаллик мавжуд бўлса, уни санъатимга уфурган одам шу! Менинг рассом сифатидаги келажагим бутунлай шу одамга боғлиқ. Эсингда бўлсин, Гарри, мен сенинг виждонингга ишонаман.

Рассом салмоқлаб, битта-битта гапирарди. Сўзлар унинг ихтиёридан ташқари чиқаётгандай туюларди.

— Бемаъни гапни қўйсанг-чи! — деб табассум билан унинг гапини бўлди лорд Генри ва Холлуордни қўлтиқлаб олиб, мажбурлагандай уни уй томон судради.

## ИККИНЧИ БОБ

Устахонада улар Дориан Грейга рўпара келишди. Дориан уларга орқасини ўгирганича рояль ёнида Шуманнинг “Ўрмон манзаралари” деган альбомини ва-рақлаб ўтирарди.



— Мунча яхши бўлмаса?! Мен уларни ўрганиб олоқчиман, — деди у ўгирилмай. — Уларни менга вақтинча бериб туринг, Бэзил.

— Бераман, агар бугун суврат ишлаётганимда яхшилаб туриб берсангиз, Дориан.

— Оҳ, жуда безор бўлдим-да! Сирасини айтганда, мен бор бўйим билан ишланган портретимни кўришга унча иштиёқманд ҳам эмасман, — деб инжиқлик билан эътироз билдирди йигит. У ўтирган курсисидан ўгирилиб, лорд Генрини кўрди ва хижолатдан қизарди-да, сапчиб ўрнидан турди. — Узр, Бэзил, меҳмон борлигини билмай қолибман.

— Танишинг, Дориан, бу киши — лорд Генри Уоттон бўладилар, дорилфунунда бирга ўқиганмиз. Мен ҳозиргина унга сизни сувратга тушишда яхши туриб беради деб мақтаган эдим. Сиз бўлса, нолишингиз билан мақтовимни чиппакка чиқардингиз.

— Аммо бу ишингиз сиз билан танишганимдан мамнун бўлишимга заррача ҳалал бергани йўқ, мистер Грей, — деди лорд Генри Дорианнинг ёнига бориб, унга қўл узатар экан. — Сиз тўғрингизда холамдан кўп эшитган эдим. Холам сизни яхши кўради, қўрқаманки, у сизни сеҳрлаб олган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Йўқ, ундоқ эмас. Айни ҳозирги пайтда леди Агатанинг мендан ҳафсаласи пир бўлган кўринади, — деб жавоб берди Дориан гуноҳкорона тазару оҳангида. — Ўтган сешанба куни мен унга Уайтчепелдаги клублардан бирига концертга бирга боришга ваъда бергандим. Кейин буткул эсимдан чиқиб кетибди. Биз у ерда роялни қўш қўллаб чалмоғимиз керак эди. Ҳатто уч жуфт бўлиб қатнашмоғимиз зарур эди, шекилли. Билмадим, энди у кишининг кўзига қандоқ кўринар эканман? Худо билсин, мени қандай қарши оларкин?

— Ҳечқиси йўқ, мен сизларни яраштириб қўяман. Агата холам сизни жуда яхши кўради. У киши билан бирга концертда иштирок этмаган бўлсанглар, бунинг унча ваҳима қиладиган жойи йўқ. Одамлар, барибир, куйни икки киши чалаяпти деб ўйлаган бўлишлари мумкин, чунки Агата хола рояль чалганида бир ўзи икки кишилик сурон кўтаравради.

— Леди Агата бунақа гапни эшитса қаттиқ хафа бўладилар. Бу гап мен учун ҳам унча мақтов бўлаолмас, — деди Дориан кулиб.

Лорд Генри Дорианнинг тиниқ мовий кўзларига, тилларанг жингалак сочларига, нафис лабларию даханига суқлангандек қаради. Бу йигит чиндан ҳам лол қоладиган даражада чиройли эди ва унинг юзида дарҳол ишонч туғдирадиган аллаларса бор эди. Унинг қиёфасидан самимияти ва ёшларга хос покизалиги, бокира эҳтироси яққол сезилиб турарди. Бу йигитнинг навқирон қалбини ҳаёт ҳали ҳеч нарса билан булғаб улгурмаганига осонгина ишонса бўларди. Бэзил Холлуорднинг Дорианни кўкларга кўтариб мақтагани бежиз эмас эди.

— Ахир, ўзингиз айтинг, шундай дилрабо йигит хайрия ишлари билан шуғулланиб ўтирса бўладими? Йўқ, сизнинг ҳаддан зиёд гўзал ҳусни таважжуҳингиз бунга йўл қўймайди, мистер Грей, — деди лорд Генри ва диванда ялпайиб ўтирган жойида ёнидан портсигарини олди.

Рассом бу борада мўйқаламини тайёрлаб, тахтачаси устида мой бўёқларини қориштира бошлади. Унинг тунд чеҳрасидан нимадандир қаттиқ ташвишда экани сезилиб турарди. Лорд Генрининг сўнгги луқмасини эшитиб, тезгина унга ўгирилиб қаради-да, бир зум тараддуланиб тургач, деди:

— Гарри, мен бугун сувратни тугатсам дегандим. Сендан “кетақол” деб илтимос қилсам, хафа бўлмайсанми?

Лорд Генри жилмайиб Дорианга қаради.

— Мен кетайми, мистер Грей?

— Йўғ-е, лорд Генри, нега кетар экансиз? Кетманг. Кўриб турибман, Бэзилнинг бугун ҳам кайфияти йўқроқ, мен эса унинг жаҳли чиққанини кўришга тоқатим йўқ. Айтганча, мен нима учун хайрия ишлари билан шуғуланмаслигим кераклигини сиз ҳали изоҳлаб берганингиз йўқ.

— Буни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бормикин, мистер Грей? Бунақа зерикарли мавзуда жиддий гапиришга тўғри келади. Модомики, сиз қолишимни сўрасангиз, мен, албатта, кетмайман. Қолсам, сен йўқ демассан-а, Бэзил? Сен ўзинг

менга бир неча марта айтган эдинг — сувратини чизаётган одамни биров гапга солиб ўтиргани сенга маъқул келарди.

Холлуорд лабини тишлаб қолди.

— Албатта, Дориан хоҳласа, сен қолавер. Унинг хоҳиши — ҳаммамиз учун қонун. Унинг ўзидан бошқа, албатта.

Лорд Генри шляпаси билан қўлқопини олди.

— Сенинг қистовларингга қарамай, афсуски, сизларни тарк этмоғим керак, Бэзил. Мен Орлеан клубида бир-иккита одам билан учрашмоғим зарур. Ваъда бериб қўйганман. Хайр, мистер Грей. Бирор кун Керзон-стритга — менинг ҳузуримга ҳам боринг. Бешда деярлик ҳамма вақт уйда бўламан. Аммо бормоқчи бўлсангиз, олдиндан маълум қилиб қўйсангиз жуда яхши бўларди. Борсангиз-у, мен уйда бўлмасам, жуда алам қилади.

— Бэзил, — деб хитоб қилди Дориан Грей, — агар лорд Генри кетадиган бўлса, мен ҳам кетаман. Ишлаётган чоғингизда сиз ҳеч қачон лом-мим деб оғиз очмай-сиз. Супача устида ишшайганча туравериш жон-жонимдан ўтиб кетади. Ундан илтимос қилинг, кетмасин.

— Қолмасанг бўлмайди, Гарри. Дориан хурсанд бўлади. Қолсанг, мени ҳам қарздор қилиб қўясан, — деди Холлуорд сувратдан кўзини узмай. Мен чиндан ҳам ҳамиша ишлаётганда сукут сақлайман ва менга бирон нарса десалар, қулоғимга кирмайди. Суврат ишлаганимда туриб берадиган одамлар роса сиқилиб кетишса керак, шўрликлар. Марҳамат, биз билан бирга қолинг.

— Клубдаги учрашувимни нима қиламан?

Рассом илжайди.

— Бу иш ҳаддан зиёд муҳим бўлмаса керак, ҳойнаҳой? Ўтир, Гарри. Сиз эса, Дориан, супачага турунг-да, камроқ типирчиланг. Лорд Генрининг ҳамма гапига лаққа тушиб ишонаверманг — у менадан бошқа ҳамма танишларига жуда ёмон таъсир кўрсатади.

Дориан Грей беҳуда азобланаётган ёш йигит қиёфасида супача устига чиқди-да, норозилик билан афтини бужмайтириб, лорд Генрига қараб қўйди. Бэзилнинг бу дўсти унга маъқул тушиб қолган эди. Лорд Генри билан Бэзил сира бир-бирларига ўхшамас, ҳатто бутунлай бир-бирларига зид табиатга эга эдилар. Лорд Генрининг овози ҳам бирам ёқимли эдики... Бир дақиқа ўтказиб, Дориан сўради:

— Лорд Генри, сиз чиндан ҳам бошқаларга ёмон таъсир кўрсатасизми?

— Таъсирнинг яхшиси бўлмайди, мистер Грей. Ҳар қандай таъсир ўз-ўзича олганда ахлоқсизликдир. Илмий нуқтаи назардан у виждонсизликдан ўзга нарса эмас.

— Нега энди?

— Шунинг учунки, бошқа одамга таъсир қилмоқ — унга ўз қалбингни бермоқдир. У бировларнинг фикри билан ўйлаб, ўзгаларнинг эҳтирослари билан ёна бошлайди. Унинг фазилатлари ҳам ўзиники бўлмайди. Агар, умуман, у ноҳ деган нарса оламда мавжуд деб фараз қилсак, гуноҳлари ҳам ўзгалардан ўзлаштирилган бўлади. У бегона бир оҳангнинг садосига айланиб қолади. У ўзи учун ёзилмаган ролни ижро этаётган актёрга ўхшаб қолади. Яшашдан мақсад — ўзлигини намоеън этишдир. Биз ўз моҳиятимизни тўла-тўқис намоеън этиш мақсади билан яшаймиз. Бизнинг асримизда эса одамлар ўзларидан ўзлари қўрқадиган бўлишиб қолишган. Улар энг олий бурч — ўз олдингдаги бурч эканини унутиб юборишган. Албатта, улар меҳрибон. Улар очнинг қорнини тўйдиришади, қашшоқни кийинтиришади. Бироқ уларнинг ўз қалблари яланғоч ва бир тишлам нонга зор, очликдан нобуд бўлмоқда. Биз мардлигимизни йўқотиб қўйдик. Балки мардлик деган нарса бизда ҳеч қачон бўлган ҳам эмасдир. Биз жамоатчилик фикридан қўрқамиз — ахлоқимиз шу қўрқув асосига қурилган. Биз худодан қўрқамиз — дин ҳам шу қўрқув заминига қурилган. Буларнинг иккови бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилади. Ҳолбуки...

— Марҳамат қилиб, Дориан, бошингизни пича ўнг томонга буринг, — деб илтимос қилди рассом. У бутунлай ўз ишига берилиб кетгани учун, бўлиб ўтган гапларни эшитмади ва фақат йигитнинг чеҳрасида пайдо бўлган янги бир ифодани сизди. Шу пайтга қадар у бунақа ифодани йигитда кўрмаган эди.

— Ҳолбуки, — деб ўзининг жарангдор овозида давом этди лорд Генри. Унинг

қўл ҳаракатлари ҳам бир маромда текис ва майин бўлиб, ўзига ярашиб турганди. Лорд Генри Итонда истиқомат қилган кезларидаёқ одамлар унинг қўл ҳаракатларини эслаб қолишганди, — менинг назаримда шундай туюладики, агар ҳар бир одам тўлақонли ҳаёт кечири олганда, ҳар бир туйғусига ва ҳар қайси фикрини ифодалашга тўла эрк бера олганда, ҳар орзусини рўёбга чиқара олганда — олам шоду-хуррамлик сари шунақа бир янги қудратли талпинишни ҳис этардики, оқибатда ўрта асрларнинг ҳамма дардлари ва хасталиклари унут бўлиб кетарди ва яна эллинизм идеалларига ёки бошқа биронта янада қимматлироқ ҳамда янада гўзалроқ идеалга қайтган бўларди. Лекин орамиздаги энг доворак одам ҳам ўз-ўзидан кўрқади. Фидокорлик, яъни одамлар ўзларини ўзлари майиб қилиб юрган ваҳшиёна замонлардан қолган фоже қолдиқ ҳаётимизга оғу солиб туради. Биз ўзимизни ўзимиз чеклаганимиз эвазига жарима тўлаб турамыз. Биз янчиб, маҳв этишга уринадиган ҳар қандай хоҳишимиз қалбимизда санқиб юради ва бизни заҳарлайди. Гуноҳ қилиб эса инсон гуноҳга интилишдан халос бўлади, чунки рўёбга чиқармоқ покланишга олиб борувчи йўлди. Шундан кейин лаззат ҳақидаги ёки тавба-тазаррудан олинган шаҳвоний туйғу ҳақидаги хотирагина қолади. Васвасдан қутулишнинг бирдан-бир йўли унга ён беришдир. Агар васвасга қарши кураш йўлига кирсанг, ман қилинган нарсага интилиш қалбингни ўртайди. Натижада ўзинг барпо этган мудҳиш қонунлар томонидан нотўғри деб топилган, жиноят-корона деб топилган хоҳиш-истаклар сени ич-ичингдан кемиради. Кимдир айтган экан — дунёдаги энг улуғ ҳодисалар инсон миясида содир бўлувчи воқеалардир. Мен бунга илова қилиб дейман — дунёнинг энг буюк гуноҳи азимлари ҳам мияда, фақат мияда туғилади. Ҳатто сизда ҳам, мистер Грей, ёрқин ёшлик чоғингизда, порлоқ ўсмирлик йилларингизда кўнглингизда шундай эҳтирослар кечганки, улардан кўрқувга тушгансиз, миянгизга шундай фикрлар келганки, улар сизни даҳшатга солган. Сиз шундай тушлар кўргансиз, шундай хотираларга берилгансизки, уларни эслашнинг ўзидаёқ хижолатдан қизариб кетасиз...

— Шошманг, шошманг, — деб унинг гапини бўлди дудуқланиб Дориан Грей. — Сиз мени хижолатга солиб қўйдингиз, нима дейишимни билмай қолдим. Сиз билан баҳслашсам бўларди, лекин ҳозир гап тополмай қолдим. Бошқа гапирмай туринг. Бир қур ўйлаб олай. Лекин бу тўғрида ўйламай қўя қолган ҳам маъкул.

Ўн дақиқача Дориан оғзи ярим юмуқ ҳолда кўзлари ғалати чақнаб қимир этмай туриб қолди. У миясида аллақандай бутунлай янги фикрлар ва туйғулар унга ташқаридан келмагандай, балки бутун жисмининг энг теран жойларидан кўтарилиб келаётгандай туюлди. Ҳа, Бээилнинг бу дўсти Дорианга уч-тўрт оғиз гап айтди. Айтганда ҳам уларни шунчаки қилиб, гап орасида, атайин зиддиятли қилиб айтди. Дориан бу гаплар қалбининг аллақандай яширин торига тегиб кетганини ҳис қилди. Шу пайтгача бу торга ҳеч ким тегинмаган эди, ҳозир у ҳаракатга келди, дириллаб акс садо бераётгандай бўляпти.

Ҳозирга қадар уни фақат музыкагина шунақа ҳаяжонга соларди. Ҳа, музыка неча марталаб унинг қалбида ҳаяжон уйғотган, бироқ бу ҳаяжонлар ғира-шира, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада заиф эди. Ахир, нима ҳам деяоласиз — музыка қалбда янги дунё барпо этмайди, балки янги хаос яратади. Ҳозир эса сўзлар жаранглади. Бир қараганда жўнгина, оддий сўзлар, аммо нечоғлиқ даҳшатли улар. Улардан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан. Улар маъноси аниқ, равшан, таъсири ўткир ва аёвсиз сўзлар. Шу билан бирга уларнинг замирида алланечук маккор бир жозиба яширинган. Улар мужмал орзуларга кўз билан кўриб, қўл билан ушласа бўладиган шакл берадигандай туюлади. Уларнинг ҳам ўз мусиқаси бор — у мусиқа най садоларидан ҳам ёқимлироқ. Фақат сўзлар, холос. Бироқ сўзлардан ҳам вазминроқ бирон нарса борми?

Ҳа, болалик пайтларида унинг, яъни Дорианнинг баъзи бир нарсаларга ақли етавермас эди. Ҳозир у ҳаммасини тушунди. Ҳаёт бирданига унинг қаршисида ёрқин бўёқлари билан товлана бошлади. Унинг назарида, у қайнаб жўш ураётган аланга қўйнида одимлаб бораёпти. Нега энди у шу пайтга қадар буни ҳис этмади?

Лорд Генри нозик бир истеҳзо билан уни кузатиб турарди. Қачон индамай туриш кераклигини у яхши биларди. Дориан уни жуда қизиқтириб қолди. Унинг айтган гаплари бу йигитга жуда қаттиқ таъсир қилганини кўриб, ҳозир лорд Генри-

нинг ўзи таажжубланиб ўтирипти. У ўн олти ёшида ўқиган бир китобини эслади. Ўшанда бу китобдан илгари билмаган кўп нарсаларни билиб олган эди. Балки Дориан Грей ҳам ҳозир худди ўшандай ҳолатни кечираётгандир? Наҳотки, шунчаки тусмоллаб бўшлиққа отилган камон ўқи мўлжалга тегди? Боласи тушмагур шунча дилбар бўлмаса?...

Холлуорд ҳар доимдагидек бутун вужуди билан берилиб ишламоқда эди. У жуда ажиб бўёқларни, ноёб рангларни қўллаяпти. Уларни чинакам нафосат ва назокат билан қўллаяпти. Бу эса, лоақал санъатда — ҳамаша қудратли истеъдоднинг нишонаси бўлади. Холлуорд орага чўккан сукунатни пайқади ҳам.

— Бэзил, туравериб чарчадим, — деб хитоб қилди тўсатдан Дориан. — Ҳавога, боққа чиқмасам бўлмайди. Бу ерда бўғилиб кетяпман.

— Ҳа-я, узр, узр, дўстим. Мен суврат чизаётганимда ҳамма нарсани унутиб юбораман. Сиз бўлсангиз бугун қимир этмай туриб бердингиз. Ҳали шу пайтгача бирон марта ҳам бунақа яхши турмаган эдингиз. Мен бир ҳолатингизни кўпдан бери излаб юрардим. Шунини шу бугун топдим. Ярим юмуқ лаблар, кўзда чақнаган нур... Бунда Гарри нима деб сафсата сотганини билмадим-у, аммо сизнинг чеҳрангиздаги бу ажиб ифоданинг туғилишига Гарри сабаб бўлгани аниқ. Сизнинг шаънингизга бир талай хушомад гапларни қалаштириб ташлагандир-да? Лекин сиз унинг биронта ҳам гапига ишонманг.

— Йўқ, у менга бирон оғиз ҳам хушомад гаплар айтгани йўқ. Шунинг учун ҳам мен унинг гапларига ишонмоқчи эмасман.

— Ие, ие, унақа деманг. Ичингизда жуда яхши билиб турибсизки, ҳамма айтганимга ишондингиз, — деди лорд Генри ғамзали кўзлари билан ўйчан тикилар экан. — Мен ҳам сиз билан бирга боққа чиқа қолай. Бу ер ўлгудай дим. Бэзил, айт, бизга биронта муздек ичимлик келтиришсин... Қулупнай шарбати солинган бўлса, яна ҳам соз бўларди.

— Бажонидил, Гарри. Қўнғироқ чалиб, Паркерни чақир. Нима келтиришни унга айтаман. Боғда сизларнинг ёнингизда жиндай туриб чиқаман. Сувратнинг бир оз чала жойини ишлайман. Лекин, сен Дорианни кўп тутиб қолма. Бугун мен ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ишлагим келяпти. Бу суврат менинг дурдона асарим бўлади. Ҳатто ҳозирги туришида ҳам у бир мўъжиза янглиғ яхши...

Боққа чиқиб лорд Генри Дорианни бир туп настарин олдида юзини муздеккина гуллар ғужумига буркаб турган ҳолда кўрди. У шаробни ютоқиб шимираётган одамдай гуллар уфорини ҳузур билан симирмоқда эди. Лорд Генри унинг ёнига яқин бориб, қўлини елкасига қўйди.

— Мана бу ишингиз маъқул, — деди у паст овозда. — Қалб дардини ҳамаша сезгилар билан даволамоқ керак, сезгиларга эса қалб даво бўлади.

Йигит сесканиб, орқасига бир қадам ташлади. Унинг бошида шляпаси йўқ эди — шохчалар жингалак сочларини тўзитиб, айқаш-уйқаш қилиб юборяпти. Кўкқисдан уйғотиб юборилган одамдай унинг кўзларида ҳадик бор эди. Бурун катакларни асабий титрар, гулгун лаблари ҳам аллақандай яширин ҳаяжондан озурда бўлмоқда эди.

— Ҳа, — деб давом этди лорд Генри, — ҳаётнинг бу улуғ сирини билиб қўйиш керак — қалбни сезгилар билан даволанг, сезгиларга эса қалбдан шифо изланг. — Сиз ажойиб одамсиз, мистер Грей. Сиз ўзингиз ўйлагандан кўра кўпроқ нарса биласиз, аммо бу билганларингиз билишни истаганларингизга қараганда анча кам.

Дориан Грей қовоғини уйиб, нигоҳини олиб қочди. Ёнида турган бу хушбичим, баланд бўйли, хушрўй одам унга жуда-жуда манзур бўлган эди. Лорд Генрининг бугдойранг нуроний чеҳраси, ундаги ҳорғин ифода йигитни қизиқтириб қолганди. Унинг оҳангдор овозида ҳам аллақандай мафтункор жозиба бор эди. Ҳатто унинг гулга ўхшаган муздек, оппоқ ва нафис қўллариди ҳам. Бу қўлларнинг ҳаракатида ҳам худди унинг овозидаги каби мусиқа бор эди ва бу қўллар гўё ўз тили билан гапираётгандай туюларди.

Дориан бу одамдан қўрқаётганини ҳис қилди ва қўрқаётгани учун хавотирга тушди. Нима учун аллақандай бегона одам унга ўз қалбини тушунтириш йўлларини ўргатмоғи керак? Мана, у Бэзил билан анчадан бери таниш, лекин уларнинг дўстлиги Дорианда бирор ўзгаришга сабаб бўлгани йўқ-ку. Тўсатдан бу таниш одам пайдо бўлди-ю, унинг қаршисида гўё ҳаёт сирларини очиб бераётгандай бўляпти.

ти. Хўп, шундоқ ҳам бўлақолсин, лекин Дориан нима учун ундан қўрқмоғи керак? Ахир, Дориан толиб ҳам, қиз бола ҳам эмас-ку. Унинг лорд Генридан қўрқиши бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

— Сояроқ жойда жиндай ўтирайлик, — деди лорд Генри. — Ана, Паркер ҳам ичадиган нарса олиб келяпти. Агар сиз офтобрўй жойда тураверсангиз, хунуклашиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Унда Бэзил сувратингизни чизишни хоҳламай қолиши мумкин. Офтобда бўғриқиш сизга ярашмайди.

— Нима бўпти? Ҳечқиси йўқ, — деб жилмайди Дориан Грей боғнинг бир бурчидаги скамейкага ўтирар экан.

— Сиз учун бу жуда муҳим, мистер Грей.

— Нега энди?

— Шунинг учунки, сизга ёшликка хос беқиёс ҳусни таважжуҳ инъом этилган. Ёшлик эса асрашга арзимайдиган бирдан-бир бойликдир.

— Мен бундай деб ўйламайман, лорд Генри.

— Ҳозир, сиз, албатта, бундай деб ўйламайсиз. Аммо йиллар ўтиб, қартайиб, бадбашара бир чолга айланганингизда, дардли ўйлар манглайингизда сон-санок-сиз ажинлар ҳосил қилганида, эҳтиросларнинг ҳалокатли ёлқини лабарингизни қовжиратиб қуригиб қўйганида, сиз буни муқаррар тарзда тушуниб-билиб оласиз. Ҳозир сиз қаерга қадам қўйманг, борган жойингизда ҳаммани мафтун этасиз. Бироқ ҳамма вақт ҳам шундай бўлаверадими? Сиз ҳайрон қоларлик даражада баркамолсиз, мистер Грей. Аччиғингиз келмасин, бу — ҳақиқат. Гўзаллик эса Даҳонинг турларидан биридир. Гўзаллик Даҳодан юқори туради, негаки Даҳо тушунишни талаб қилмайди. Гўзаллик қуёш нури янглиғ ё баҳорга ўхшаш, ёхуд бўтана сув сатҳида ойнинг кумуш ўроғи акс этгани каби бизни қуршаб олган оламнинг улуғ ҳодисаларидан биридир. Гўзаллик баҳсталаб нарса эмас. Ҳукмронлик қилишга гўзалликнинг олий ҳақи бор ва кимда-ким Гўзаллик соҳиби бўлса, Гўзаллик уни шоҳ қилиб қўяди. Кулясиз, а? О, ёшликни бой бериб қўйганингиздан кейин кулмай қўясиз... Баъзилар гўзаллик бу дунёнинг беҳуда ашёси дейишади. Эҳтимол шундайдир. Бироқ у беҳуда бўлган бўлса ҳамки, Тафаккурчалик беҳуда эмас. Менинг учун Гўзаллик мўъжизалар мўъжизасидир. Фақат қуруқ, маҳдуд одамларгина ташқи кўринишга қараб ҳукм чиқармайдилар. Ҳаётнинг чинакам сири ботиний моҳиятда эмас, зоҳирий кўринишдадир... Ҳа, мистер Грей, сизга Худоларнинг назари тушган. Лекин худолар кўп ўтмай берган нарсаларини қайтариб олишади. Сизни олдинда чинакамига тўлақонли ва гўзал ҳаёт кечирадиган унча кўп йиллар кутаётгани йўқ. Ёшлигингиз ўтиб кетади, ёшлик билан бирга гўзаллик ҳам ўтиб кетади, шунда сиз учун бирдан-бир нарса равшан бўлиб қолади: ғалабалар даври ўтиб кетипти, мабодо бундан буёғига бирон ғалабага эришиб қолсангиз, у шу даражада аянчли бўладики, ўтмишдаги ғалабаларга таққослаганда у сизга мағлубиятдан ҳам аянчлироқ туюлади. Ўтаётган ҳар бир ой сизни ана шу оғир келажакка яқинлаштиради. Вақтнинг рашки ёмон, у сизга Худолар ато этган атиргуллар ва нилуфарларга дахл қилади. Юзларингиз сарғаяди, ёноқ суякларингиз чиқиб қолади, кўзларингиз хира тортади. Сиз ҳаддан зиёд изтироб чекасиз... Шундоқ бўлгандан кейин ёшлигингизни фанимат билинг, ундан фойдаланиб қолинг. Ҳар хил эзма-чурук насиҳатгўйларнинг гапига кириб, олтин кунларингизни беҳуда исроф қилманг; тузалмас нарсани тузатаман деб бекорга овора бўлманг, сохта ғояларга амал қилиб, давримизнинг носоғлом тамойилларига берилиб, ҳаётингизни нодонларга, риёкорларга, арзимас одамларга бой бериб ўтирманг. Тўйиб-тўйиб яшанг. Сийратингизда пинҳона ётган ажойиб ҳаётингизни яшаб ўтинг. Ҳеч нарсани қўлдан чиқарманг, ҳамиша янги-янги туйғулар изланг. Ҳеч нарсадан қўрқманг. Бизнинг авлодимизга янги гедонизм зарур. Сиз ана шу янги гедонизмнинг ёрқин тимсоли бўлишингиз мумкин. Сизга ўхшаган одам учун қўлидан келмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Қисқа бир муддатга бутун дунё ихтиёрингизга берилган... Мен биринчи қарашдаёқ тушундимки, сиз ўзингизнинг қанақа одам эканингизни ҳали билмайсиз, сиз ким бўлишингиз мумкин эканини ҳам билмайсиз. Сизнинг кўп жиҳатларингиз мени мафтун этди ва мен сизга ўз-ўзингизни таниб олишингизга ёрдам бермоғим кераклигини ҳис қилдим. Кўнглимдан “Бу йигитнинг ҳаёти беҳуда ўтиб кетса, бундан ортиқроқ фожеа бўлиши мумкин эмасди” деган ўй ўтди. Ахир, ёшлик деган нарса жуда тез ўтиб кетади. Оддий дала гуллари сўлади, лекин ва кейин

қайта гуллайди, янаги йил ёзда толбуга ҳозир қандай тилладай товляниб турган бўлса, яна шундай яшнайдди. Бир ойдан кейин қип-қизил қирмизи бўлиб чинни гуллар очилади ва ҳар йили бу ҳол такрор бўлади. Лекин бизга ёшлигимиз қайтмайди. Йигирма ёшимизда томиримизда гупуриб турган қон совийди, томиримизда гурс-гурс уриб турган қувонч садолари сусаяди, танимиздан куч кетади, туйғуларимиз сўнади. Биз хунукдан-хунук қўғирчоқларга айланамиз. Фақат бизни тарк этмай, бизни безовта қилиб, биз билан бирга яшайдиган нарса хотираларимиз бўлади: ўзини ҳис қилиш билан юрагимиз орқага кетадиган эҳтирослар ҳақидаги, ёшлигимизда ён бериб, татиб кўришдан чўчиган васвасалар тўғрисидаги хотиралар. Ёшлик. Ёшлик. Дунёда унга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ.

Дориан Грей кўзларини катта очиб, ютоқиб тинглади бу гапларни. Қўлидаги настарин новдаси бармоқлар орасидан сирғалиб ерга тушди. Шу ондаёқ ҳамма ёғини тук босган ари учиб келди. Бир дақиқа новда устида гир-гир айланди-да, кейин гўнғиллаганича бутун гужум бўйлаб, гулдан гулга ўтиб, саёҳатини давом эттирди. Дориан кутилмаган қизиқиш билан уни томоша қилиб турди. Кўпинча биз ҳам энг муҳим нарсалар тўғрисида ўйлашдан қўрқадиган бўлсак ёки бизни ҳали ўзимиз учун ҳам равшан бўлмаган янги бир туйғу ҳаяжонга солса ёхуд биронта даҳшатли фикр миямизга ўрнашиб олиб, бизни таслим бўлишга мажбур қилса, бутун эътиборимизни ана шунақа тарзда энг арзимаган нарсалар устига жойлаймиз. Орадан кўп ўтмай ари нарига учиб кетди. Дориан унинг учиб бориб, чирмовиқ гулига қўнганини кўрди. Гул сесканиб тушгандай туюлди ва у бандида аста чайқала бошлади.

Қўққисдан устахона эшигида Холлуорд пайдо бўлди ва қўлларини силкитиб, меҳмонларини уйга киришга даъват эта бошлади. Лорд Генри ва Дориан бир-бирларига қарашди.

— Кутиб ўтирибман, — деб қичқирди рассом. — Келсаларинг-чи, куннинг ёруғида ишлаш ҳозир жуда қулай... Ичишларинг бўлса, бу ерда ҳам ичаверасизлар...

Улар ўринларидан туриб, йўлакдан аста юриб кетишди. Уларнинг ёнидан бир жуфт оч зангори капалак учиб ўтди, боғнинг нариги бурчагидаги нокда эса зағча сайради.

— Сиз мен билан танишганингиздан мамнунмисиз, мистер Грей? — деб сўради лорд Генри Дорианга қараб.

— Ҳозир, бундан жуда хурсандман. Фақат билмадим — ҳамма вақт шундоқ бўладими-йўқми?

— Ҳамма вақт ... Жуда ёмон сўз-да бу. Уни эшитсам титраб кетаман. Уни, айниқса, аёллар яхши кўради. Улар ҳар қандай ишқ-муҳаббатни мангу давом этишини тилашиб расво қилишади. Ҳолбуки, “ҳамма вақт” дегани маъносиз пуч сўз. Инжиқлик билан “ҳамма вақт” ўртасидаги фарқ шуки, инжиқлик бирмунча узоқроқ давом этади.

Улар устахонага кириб боришаётганда, Дориан Грей лорд Генрининг елкасига қўлини қўйди.

— Ундай бўладиган бўлса, бизнинг дўстлигимиз инжиқлик бўлақолсин, — деб шивирлади у ўзининг дадиллигидан хижолат тортиб. Кейин супачага кўтарилиб, сувратга тушмоқ учун шайланди.

Лорд Генри энли сават ўриндиқда ўтириб, уни кузатмоқда эди. Хонадаги сукунатни мўйқаламнинг суврат ишланаётган матога енгилгина тегиб, суркалишигина бузарди. Ўз ишини олисроқдан тузукроқ кўриб олиш учун Холлуорд Мольбертдан узоқлашганда бу овоз тинарди. Очиқ эшикдан офтобнинг қийғоч нурлари тушиб турарди. Шуълада зарҳал чанг зарралари гужғон ўйнарди. Атиргулнинг муаттар ҳиди ҳавода сузиб юрарди.

Орадан чорак соат ўтди. Рассом ишлашдан тўхтади. У анча вақт Дориан Грейга тикилиб турди, кейин яна шунча муддат қовоғини уюб ва узун мўйқаламининг учини тишлаб туриб, сувратга тикилди.

— Тайёр бўлди, — дея хитоб қилди у ниҳоят ва энгашиб, сувратнинг чап бурчагига узун-узун қизил ҳарфлар билан ўзининг исмини ёзиб қўйди.

Лорд Генри портретни яхшилаб кўриб олиш учун унга яқинроқ келди. Шакшубҳа йўқ — бу жуда ажиб санъат асари эди. Суврат билан Дориан Грей ўртасидаги ўхшашлик ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада эди.

— Азизим Бэзил, чин юракдан сени муборакбод қиламан, — деди у. — Жамики ҳозирги тасвирий санъатда мен бундан яхшироқ портретни билмайман. Яқинроқ келиб, ўзингиз кўрсангиз-чи, мистер Грей.

Йигит бехос уйқудан уйғониб кетган одамдай чўчиб тушди.

— Ростдан тайёр бўлдимиз? — деб сўради у супачадан тушар экан!

— Ҳа, ҳа. Бугун лекин жуда яхши туриб бердингиз. Бунинг учун мен сиздан ҳазор-баҳазор миннатдорман.

— Бунинг учун мендан миннатдор бўлмоқ керак, — деб гапга аралашди лорд Генри. — Тўғрими, мистер Грей?

Дориан жавоб бермади. У паришон қиёфада мольбертнинг ёнидан ўтди-да, кейин портретга ўгирилди. Портретга биринчи бор нигоҳи тушганда у беихтиёр бир қадам орқасига тисланди ва мамнун бўлиб яйраб кетди. У гўё биринчи марта ўзини кўраётгандай, кўзлари қувончдан нурланди. У қимир этмасдан сувратни томоша қилар, Холлуорд бир нималар деяётганини элас-элас билиб турса-да, унинг гапларининг маъносини уқмас эди. У ўзининг ҳусни таважжуҳини биринчи марта кашф қилаётгандай эди. Ҳозирга қадар у ўзининг ҳуснини унчалик пайқамаган эди. Холлуорднинг бундан завқланишини эса ораларидаги дўстликнинг таъсирига йўярди. У Холлуорднинг хушомадларини тинглар, уларнинг устидан кулар ва уларни унутиб юборарди. Бу хушомадлар-у мақтовлар унга заррача таъсир кўрсатмас эди. Лекин мана — лорд Генри пайдо бўлди, унинг ёшлик шаънига айтган завқёб мадҳияси янгради, ёшликнинг омонат экани, тез ўтиб кетажаги тўғрисидаги таҳдидли огоҳлантириши жаранглади. Бу гаплар Дорианни ҳаяжонга солди, ҳозир эса у ҳуснининг инъиқосини томоша қилар экан, кўққисдан унинг қаршисида лорд Генри айтган истиқбол ҳайрон қоладиган даражада равшан намоеън бўлди. Ҳа, бир кун келиб, чеҳрасидаги нур ғойиб бўлади, юзи бужмайиб қолади, кўзлари хира тортади, нурсизланади, келишган қадди-қомати эгилади, ўзи бадбашара бир кимсага айланади. Лабларининг гулгунлигини, сочларининг зарҳалини йиллар ўзи билан олиб кетади. Ҳаёт унинг қалбини шакллантирар экан, буни жисмини барбод этиш ҳисобига қилади. У кишини ижирғантирадиган даражада хунук, жирканч ва қўрқинчли бўлиб қолади.

Шуни ўйлар экан. Дориан кўксига пичоқ санчилгандай ўткир оғриқни ҳис қилди, унинг ҳар бир хужайрасида титроқ тургандай бўлди. Кўз ўнги қорон-ғилашди, улар жиққа ёшга тўлди. Гўё аллақандай муздек қўл унинг юрагини гижимлаб эзмокда.

— Наҳотки, портрет сизга манзур бўлмаган бўлса?! — деб хитоб қилди бир оздан кейин Холлуорд. Дорианнинг индамаётгани унга бир оз малол келаётган эди.

— Йўғ-е, нега манзур бўлмасин? — деб Дорианнинг ўрнига жавоб берди лорд Генри. — Бу портрет манзур бўлмайдиган одам бормикан? У ҳозирги тасвирий санъатнинг дурдоналаридан бири. Сен ҳар қанча баҳо қўйсанг ҳам, мен уни сотиб олишга тайёрман. Бу портрет меники бўлиши керак.

— Мен уни сота олмаيمان, Гарри. У меники эмас.

— Кимники, бўлмаса?

— Дорианники-да, албатта, — деб жавоб берди рассом.

— Хўп омади бор экан-да унинг!

— Нечоғлик қайғули бу! — деб гудранди кўққисдан Дориан Грей. У ҳали ҳам портретдан кўз узолгани йўқ эди. — Нақадар қайғули! Мен қарийман, жирканч бир бадбашара кимсага айланаман, сувратим эса мангуга навқирон бўлиб қолаверади. У ҳеч қачон бугунги июнь кунидан кўра қарироқ бўлиб қолмайди... Оҳ, кошки бунинг акси бўлса? Ана шу сувратим қариса-ю, мен мангу ёшлигимча қолаверсам! Бунинг учун... Бунинг учун мен оламдаги бор нарсани беришга тайёрман. Ҳа, ҳеч нарсамни аямас эдим. Бунинг учун ҳатто жонимни ҳам бераман!

— Агар шундай бўлиши мумкин бўлса, бу сенга маъқул келмасди, Бэзил! — деб хитоб қилди лорд Генри кулиб. — Шундай бўлса, рассомнинг қисмати жуда оғир бўлур эди.

— Ҳа, мен бунга жон-жаҳдим билан қарши бўлардим, — деб жавоб берди Холлуорд.

Дориан Грей ўгирилиб, унга тикилиб қаради.

— О, Бэзил, мен бунга шубҳа қилмайман. Сиз санъатингизни дўстларингиздан

кўра ортиқроқ яхши кўрасиз. Мен сиз учун қай бир зарҳал ҳайкалдан кўра қадрлироқ эмасман. Йўқ, уни сиз мендан ортиқ кўрасиз.

Лол қолган рассом унга қараб бақрайиб қолди. Бунақа гаплар Дорианнинг оғзидан чиққани галати эди. Унга нима бўлди? Афтидан, унинг жуда ҳам жини кўзиган эди, юзи лов-лов ёнмоқда эди.

— Ҳа, ҳа,— деб давом этди Дориан. — Сизнинг кумуш Фавнингиз ёхуд фил суягидан ишланган Гермесингиз менга қараганда сиз учун ўн чандон қадрлироқ. Сиз уларни ҳаммиша яхши кўрасиз. Мени-чи? Мени севганингиз узоққа борармикин? Эҳтимол, юзимда биринчи ажин пайдо бўлиши биланоқ севгингиз барҳам топар. Мен энди биламан — ҳусини йўқотган одам ҳамма нарсени йўқотади. Сизнинг сувратингиз мени шу ҳақиқатдан огоҳ қилди. Лорд Генри мутлақо ҳақ: ҳаётимиздаги бирдан-бир қимматли нарса ёшлиқдир. Мен қарий бошлаганимни сезганим ҳамона, ўзимни ўзим ўлдираман.

Холлуорднинг ранги ўчиб, унинг қўлидан ушлади.

— Дориан, Дориан, нималар деяпсиз? Менинг сиздан яқинроқ дўстим йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Нима учун аллақандай жонсиз буюмларга ҳавас қилиш фикрига тушиб қолдингиз? Ахир, сиз ҳаммадан кўра гўзалсиз!

— Мен гўзаллиги мангу бўлса, ҳаммасига ҳавас қиламан. Сиз мендан нусха кўчириб ишлаган манави портретга ҳам ҳавас қиламан. Нима учун мен йўқотадиган нарсам унда сақланиб қолар экан? Ўтиб бораётган ҳар бир дақиқа менинг қай бир жиҳатимни тортиб олиб, унга тўхфа этмоқда. О, қани эди бунинг акси бўлса! Портрет ўзгариб борса-ю, мен ҳаммиша ҳозирги қиёфамда қолаверсам! Нега чиздингиз бу сувратни? Шундай вақт келадики, суврат мени калака қила бошлайди, устимдан кулиб, масҳаралайди.

Дорианнинг кўзларига қайноқ ёшлар қуйилиб келди. У қўлини Холлуорднинг қўлидан тортиб олди-да, ўзини диванга ташлаб, юзини ёстиққа яширди.

— Нима қилиб қўйдингиз, Гарри! — деди рассом алам билан.

Лорд Генри елкасини қисди.

— Дориан Грейнинг сийрати тилга кирди, холос.

— Ёлғон. Бўлмаган гап.

— Ёлғон бўлса, бу ишга менинг нима дахлим бор?

— Сендан илтимос қилганимда, сен кетмоғинг керак эди.

— Мен сенинг илтимосинг билан қолдим-ку, — деб эътироз билдирди лорд Генри.

— Гарри, мен бирйўла икки қалин дўстим билан ҳам жанжаллашмоқчи эмасман... Бироқ сизлар икковингиз энг яхши сувратимни кўзимга ёмон кўрсатиб қўйдингиз. Мен уни тилка-пора қилиб ташлайман. Сирасини олганда, бу бор-йўғи бир мато бўёқ, холос. Шунчаки бир суврат ҳаммамизнинг ҳаётимизни заҳарлашига йўл қўйиб қўёлмайман.

Дориан Грей ёстиқдан бошини кўтарди ва йиғидан қизарган кўзлари билан рассомни кузата бошлади. У парда тутилган баланд дераза олдидаги иш столининг ёнига борганди. Нима қиляпти у бу ерда?

Афтидан, стол устида бетартиб ётган бўёқлар ва қуруқ мўйқаламлар орасида ниманидир қидираётганга ўхшайди. Ҳа, у ўткир пўлат тигли узун шпательни изляпти. Мана, уни топти. У портретни қийма-қийма қилмоқчи!

— Бундай қила кўрманг, Бэзил! Бундай қилманг! — дея қичқирди у. — Бундай қилиш қотиллик билан баробар-ку!

— Буни қаранг, сиз, ҳар қалай, мен ишлаган сувратни қадрлар экансиз-ку! Мен жуда хурсандман, — деди рассом қуруққина оҳангда ҳанг-манг бўлганидан сўнг бир оз ўзига келгач. — Мен ортиқ бунга умид қилмай қўйган эдим.

— Қадрлар экансиз, дейсизми? Қадрлаш ҳам гапми? Мен уни чин дилимдан яхши кўриб қолдим. Мен шундай ҳис қилмоқдаманки, гўё бу портрет — жисмининг бир зарраси.

— Ундай бўлса, жуда яхши. Қуришингиз билан устингиздан лак сурамиз, рамкага тортамыз, кейин уйингизга жўнатамыз. Ана унда ўзингиз нима хоҳласангиз қилаверасиз.

Холлуорд хонадан чиқиб, қўнғироқ чалди.



— Чой бўлса, албатта, йўқ демассиз, Дориан? Сиз ҳам, а, Гарри? Ёки бунақа жўн ичимликларга тобинг йўқми?

— Бунақа жўн лаззатларни жон-дилимдан яхши кўраман,— деди лорд Генри.  
— Мураккаб табиатли одамлар жўн лаззатлардан нажот топади. Бироқ драматик манзараларни фақат театр сахнасида кўришни ёқтираман. Икковларинг ҳам хўп бесўнақай одамларсиз-да! Қизиқ, одам — ақлли жонивор, деган гапни ким ўйлаб топганикин, а? Жуда ҳам хом мулоҳаза-да! Одамзотда истаган нарсангиз бор, фақат ақл йўқ, холос. Сирасини айтганда, бу жуда ҳам яхши! Аммо портрет туфайли икковларинг сен-менга бораётганларинг менга унча маъқул келмаяпти. Ундан кўра, портретни менга бериб қўя қолинглар, Бэзил. Бу тентак йигитнинг портретга унча кўзи учиб тургани йўқга ўхшайди. Мен эсам, бу портрет меники бўлишини жуда-жуда истаяпман.

— Бэзил, агар сиз портретни менга бермасангиз, умрбод сиздан рози бўлмайман! — деб хитоб қилди Дориан Грей. — Яна ҳеч кимга мени “тентак йигит” дейишларига йўл қўймайман.

— Мен ҳозир айтдим, Дориан, портретни сизга совға қиламан. Мен сувратни ишлашга киришмасимданоқ шунга аҳд қилгандим.

— Сиз мендан хафа бўлманг, мистер Грей, — деди лорд Генри. — Ўзингиз яхши билиб турибсизки, ўзингизни анча-мунча енгилроқ тутдингиз. Шунинг учун сиз ҳали гўрсиз деб эслагиб қўйишса, бу сизда унчалик нохуш кайфият туғдирмаса керак.

— Шу бугун эрталаб ушбу гаплар бўлиб ўтганида менда жуда-жуда нохуш кайфият уйғотар эди, лорд Генри.

— Эҳ-ҳа, эрталаб денг! Бироқ ўшандан бери сиз анча-мунча нарсани кечириб улгурдингиз.

Эшик тиқиллади. Патнусда чойнак ва пиёла кўтарган мулозим кириб келиб, уни япон столчасининг устига қўйди. Пиёлалар билан ликопчалар бир-бирига тегиб жиринглар, биқир-биқир қилиб турган қадимий чойнакдан буғ чиқиб турарди. Мулозимнинг кетидан югурдак бола думдумалоқ иккита чинни идиш олиб кирди.

Дориан Грей столнинг олдида бориб, чой қуя бошлади. Бэзил билан лорд Генри ҳам ошиқмай стол ёнига келишди. Идишнинг қопқоғини кўтариб, ичида нима борлигини кўришди.

— Бугун кечқурун театрга бормаймизми? — деб таклиф қилди лорд Генри. — Ҳойнаҳой, бирон театрда тузук асар қўйилмаётгандир. Рост, мен бир одамга бугун кечқурун у билан бирга Уайтда тушлик қиламан деб ваъда берганман. Лекин у менинг эски ошнам, унга телеграмма жўнатиб, бетоб бўлиб қолдим ё бошқа бирон муҳим сабаб чиқиб қолди дейиш мумкин... Бунақа баҳона кўрсатсам, узр айтиб огоҳлантириб қўйганим унга малол келмаса керак.

— Э-э, фрак кийишни айтинг! Одам сиқилиб кетади-ку! — деб минғирлади Холлуорд. — Фракка сира тоқатим йўқ-да!

— Ҳа, — деб эринбигина унинг гапни тасдиқлади лорд Генри.

— Ҳозирги либослар хунукдан-хунук. Бесўнақайлиги билан одамни эзиб юборади. Бизнинг ҳаётимизда иллатдан бошқа биронта дилтортар нарса қолмади.

— Тўғриси айтсам, Гарри, Дорианнинг олдида бунақа гапларни гапирмаганинг маъқул эди.

— Дорианлардан қайси бирининг олдида гапирмай? Ҳозир бизга чой қуйиб бераётган Дорианнинг олдидами ё худ анави сувратдаги Дорианнинг олдидами?

— Унисининг ҳам, бунисининг ҳам.

— Мен сиз билан бажонидил театрга борар эдим, лорд Генри, — деб луқма ташлади Дориан.

— Жуда соз. Демак, борамиз. Сиз ҳам биз билан борасизми, Бэзил?

— Йўқ, очигини айтсам, боролмайман. Жуда ишим кўп.

— Ундай бўлса, биз икковимиз бораверамиз, мистер Грей. Сизу мен...

— Беҳад мамнунман!

Рассом лабини қимтиб, қўлида бир пиёла чой билан сувратнинг ёнига келди.

— Майли, мен ҳақиқий Дорианнинг ёнида қолақолай, — деди у маъюсланиб.

— Ие, ҳали сизнингча, ҳақиқий Дориан буми? — деб сўради Дориан Грей унинг ёнига бориб. — Наҳотки, мен чиндан ҳам шунақа бўлсам?

— Ҳа, худди шунақасиз?  
 — Қандай ажойиб-а, Бэзил!  
 — Жилла бўлмаганда, зоҳиран сиз шундайсиз. Сувратда ҳамиша шундай бўлиб қоласиз, — деди Холлуорд хўрсиниб. — Бу эса, ҳар қолда, жиддий гап.  
 — Одамлар нечоғлик барқарорлик кетидан қувлашади-я! — деб хитоб қилди лорд Генри. — Жаноблар, ҳатто ишқ-муҳаббатда ҳам вафо ва садоқат масаласи бус-бутун физиология масаласидир. Вафо ва садоқат заррача ҳам бизнинг иродамизга боғлиқ эмас. Навқирон йигитлар ва қизлар вафодор бўлишни хоҳлашади-ю, лекин вафодор бўлиша олмайди, кексалар бажонидил хиёнат қилишга тайёр-у, лекин қўлларидан келмайди, эплай олмайдилар. Тамом-вассалом!

— Бугун театрга бормай қўяқолинг, Дориан. — деди Холлуорд. — Шу ерда қолаверинглар, овқатни бирга қиламиз.

— Иложим йўқ, Бэзил.

— Нега энди?

— Лорд Генрига бирга боришга ваъда бериб қўйдим-да...

— Агар сўзингизнинг устидан чиқмасангиз, унинг сиздан кўнгли совиб қолади деб ўйлайсизми? Унинг ўзи ҳеч қачон ваъдасининг устидан чиқмайди. Мен сиздан ўтиниб сўрайман, бормай қўяқолинг.

Дориан Грей кулиб юборди ва бошини чайқади.

— Утинаман сиздан!

Йигит тарадудланиб лорд Генрига қаради. У стол ёнида чой ичиб ўтирар ва жилмайганича уларнинг гапига қулоқ тутарди.

— Йўқ, мен бормоғим керак, Бэзил.

— Ўзингиз биласиз, — деб Холлуорд столдан нари кетди-да, қўлидаги пиёлани патнусга қўйди. — Ундай бўладиган бўлса, фурсатни кетказманг. Вақт кеч бўлиб қолди, сиз ҳали кийимингизни ўзгартиришингиз керак. Хайр, Гарри. Хайр, Дориан. Тез-тез келиб турунглар. Эртага келсаларинг ҳам майлига. Келасизларми?

— Албатта.

— Эсингдан чиқиб қолмайдимми?

— Йўғ-е, нега эсимдан чиқар экан? — деб уни ишонтирди Дориан.

— Яна бир гап бор... Гарри!

— Лаббай, Бэзил.

— Эрталаб боғда айтган илтимосим эсингдан чиқмасин.

— Нима илтимос эди? Аллақачон эсимдан чиқипти.

— Билиб қўй, мен сенга ишонаман-а!

— Мен ўзимга ўзим ишонишни истар эдим! — деди лорд Генри кулиб. — Юринг, мистер Грей, менинг извошим дарвозанинг олдида турипти, уйингизгача элтиб қўйишим мумкин. Бэзил, хайр! Бугунги кунимиз жуда бамаъни ўтди.

Меҳмонлар чиқиб кетгандан кейин, рассом бор оғирлиги билан ўзини диванга ташлади. Унинг чеҳрасидан жони азоб чекаётгани шундоққина кўриниб турарди.

## УЧИНЧИ БОБ

Эртаси куни соат ўн икки яримда лорд Генри Уоттон Керзон-стригдаги уйдан чиқиб, Олбенига йўл олди. У тоғаси лорд Ферморни кўриб келмоқчи эди. Бу одам бир оз кўрсроқ бўлса-да, кўнгли очиқ кекса бўйдоқ эди. Зодагонлар доирасидан ташқарида уни худбин деб ҳисоблашарди, чунки унинг одамларга айтгулик бирон фойдаси тегмасди. Зодагонлар даврасида эса у сахий ва меҳрибон бир одам сифатида шуҳрат топган, чунки кимда-ким унинг кўнглини топиб, вақтини чоғ қилса, лорд Фермор ундан ҳеч нарчасини аямай меҳмон қиларди. Қиролича Изабелла ёш пайтларида, Примдан эса ҳали ному-нишон ҳам бўлмаган кезларда унинг отаси Мадридда инглиз элчиси бўлган эди. Бир лаҳзалик инжиқлиги сабаб у дипломатик хизматни тарк этди — уни Парижга элчи қилиб тайинламаганлари учун аччиғи келди. Ҳолбуки, унинг аслзодалиги ҳам, бекорчи хўжалиги ҳам, дипломатик мактубларни дўндириб ташлаши ҳам, ҳузур-ҳаловатга бўлган беадад ўчлиги ҳам унга бу мансабни эгаллашга ҳуқуқ берарди. Ўғли отасининг қошида котиблик қилар эди — у ҳам отаси билан бирга хизматни тарк этди. Ўшанда ҳамма буни ўйла-

май қилинган иш деб баҳолади. Негаки, лорд Фермор бир неча ойдан кейин отаси ўлиб, ундан мерос қолган унвонни қўлга киритгач, зодагонларнинг бекорчи хўжалик деб аталмиш улуғ санъатини жиддий ўрганишга киришди. Лондонда унинг иккиета катта уйи бор эди, лекин у ижарага олинган жиҳозланган уйда бўйдоқона ҳаёт кечиришни афзал кўрарди — шундай қилсам, ташвиш қамроқ бўлади деб ҳисобларди. Нонуштани ва тушликни эса кўпинча клубда қиларди. Лорд Ферморнинг марказий графликларда кўмир кони бор эди, аҳён-аҳёнда у бу конларга эътибор бериб қолар ва ўзининг саноатга бўлган бу носоғлом қизиқишини кўмирга эгаллик қилсам, жентельмен одамга муносиб тарзда уйимдаги каминга қалаш учун ўтиним бемалол бўлади, деган важ-қарсон билан оқлар эди. Сиёсий эътиқодларига кўра у консерватор эди, аммо консерваторлар ҳокимият тепасига келганда, уларни радикаллар шайқаси деб атаб, роса чангитиб сўқар эди. У камердинери билан узлуксиз уришгани уришган эди, чунки камердинери ундан тартиб-интизомга оғишмай амал қилишни талаб қиларди. Унинг ўзи эса ўз навбатида қариндош-уруғларига кун бермасди. Бундай одамдагина фақат Англия вояга етиши мумкин эди. Ҳолбуки, у ўзининг мамлакатидан рози эмас ва ҳар қадамда уни ҳалокат сари шитоб билан кетиб бормоқда деб жар соларди. Унинг эътиқодлари эскича эди. Бироқ унинг бидъатларини ёқлаб анча-мунча далил келтирса бўларди.

Лорд Генри кириб борган хонада тоғаси шикорбоп қалин куртқада, оғзида сигара, қўлида “Таймс” газетаси билан ўтирар ва бу газетадан норозилигини ошқор билдириб, жаврамоқда эди.

— Э-э, Гарри, — деди муҳтарам қария. — Нега бунча каллаи саҳарлаб келмансанг? Сенга ўхшаган такасалтанглар соат иккидан олдин уйқудан турмайди, соат бешгача уйдан чиқмайди деб ўйлардим.

— Гапимга ишонинг, тоға, мени бу ерга саҳарлаб келишга мажбур қилган нарса — қариндошлик туйғусидир. Сиздан илтимос қилмоқчи бўлган нарсаларим бор эди.

— Пулдир-да, ҳойнаҳой? — деди лорд Фермор афтини бужмайтириб. — Майли, ўтир, бир бошдан гапириб бер-чи. Ҳозирги ёшлар пулни худо деб билишади. Уларнинг назарида, пул бўлса — чангалда шўрва.

— Ҳа, — деб унинг гапини маъқуллади лорд Генри, ёқасидаги гулни тўғрилар экан. — Йиллар ўтган сари эса бу ишончлари мустаҳкамлана боради. Бироқ менга пул керак эмас, Жорж тоға. Пул қарзларини вақтида узиб юрадиган одамларга керак. Мен эса қарз берган одамларимга ҳеч қачон ҳақини қайтармайман. Қарз — оиладаги кенжа ўғилнинг бирдан-бир сармойасидир, бу сармоёга бинойиндек умргузаронлик қилса бўлади. Бундан ташқари, мен Дартмурнинг гумашталари билангина иш юритаман, табиийки, улар мени ҳеч қачон безовта қилишмайди. Сизнинг ҳузурингизга мен пул деб келганим йўқ, балки маълумотлар учун келдим. Албатта, фойдали маълумотлар деб эмас, беҳуда маълумотлар учун келдим.

— Ундоқ бўлса, жуда соз. Англиянинг истаган Мовий китобида мавжуд бўлган гапларнинг ҳаммасини мендан билиб олишинг мумкин. Лекин ҳозирги пайтда бу китобларда ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни кўп ёзишяпти. Мен дипломатлик қилиб юрган кезларда бу китоблар анча яхши чиқарди. Эндиликда эса дипломатларни имтиҳон топширганларидан кейингина ишга олишади, дейишади. Шундоқ бўлгандан кейин улардан нимани ҳам кутиб бўларди? Имтиҳон дегани, афандим, бошидан охиригача фирт лўттибозлик. Агар сен жентельмен бўлсанг, сенга сабоқ бериб ўтиришининг ҳожати йўқ, ўзининг билиминг сенга етиб ортади. Агар сен жентельмен бўлмасанг, ўқиганинг сен учун кони зарар, холос.

— Мовий китобларда мистер Дориан Грейнинг номи йўқ, Жорж тоға, — деб луқма ташлади лорд Генри беписандлик билан.

— Мистер Дориан Грей дейсанми? Ким бўлади бу жаноб? — деб сўради лорд Фермор оппоқ паҳмоқ қошини чимириб.

— Ана шуни билай деб келдим-да, сизнинг ҳузурингизга, Жорж тоға. Сирасини айтганда, унинг кимлиги менга маълум: у сўнгги лорд Келсонинг невараси. Онасининг фамилияси Девере бўлган. Леди Маргарет Девере. Унинг тўғрисида нима биласиз? Менга шуни гапириб беринг. У қанақа аёл бўлган, кимга турмушга чиққан? Ахир, сиз ўз вақтида Лондондаги аслзодаларнинг ҳаммасини билар эдингиз-

ку! Ахир, бу аёлни ҳам таниган бўлсангиз ажаб эмас. Мен мистер Грей билан яқиндагина танишдим. У мени жуда қизиқтириб қолди.

— Келсонинг невараси! — деб такрорлади кекса лорд. — Келсонинг невараси... Ҳа, ҳа, бўлмаса-чи! Мен унинг онасини жуда яхши билар эдим. Эсимда бор, мен ҳатто уни чўқинтириш маросимида ҳам қатнашган эдим. Бу Маргарет Девере деганлари жуда ҳам соҳибжамол аёл эди. Қайсидир йигит билан қочиб кетганда, эркакларнинг ҳаммаси газаби жўшиб, ўтирган жой тополмай қолган эди. Чунки бу шоввоз ёнида ҳемири йўқ, сариқ чақага арзимайдиган қай бир пиёдалар полкининг зобитими ё шу қатори бир одам эди. Ҳа, ҳа, ҳаммаси эсимда. Гўё буларнинг ҳаммаси кеча рўй бергандай. Улар турмуш қуришгандан кейин бир неча ой ўтгач, шўринг қургур дуэлда ўлдирилди. Бу тўғрида ўша кезларда ёмон миш-мишлар тарқалган эди. Келсо аллақандай бир муттаҳамни атайин унинг ёнига юборган эмиш, белгиялик бу муттаҳам ҳамманинг олдида Келсонинг куёвини ҳақорат қилган эмиш. Келсо бу ярамасни катта пул бериб ёллаган экан-да... У каптарни сихга тортгандай, куёвни қиличига тортипти. Ишни босди-босди қилишди, лекин, худо ҳаққи, шундан кейин клубда Келсо анча вақтгача бифштексини ёлғиз ўзи еб юрди — ҳамма ундан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Менга гапириб беришган эди — у қизини уйига келтириб олган экан, лекин ўша воқеадан кейин қизи то вафотига қадар у билан гаплашмапти. Ана шунақа ярамас воқеа! Қизи ҳам кўп яшамапти — орадан бир йил ўтар-ўтмас вафот этипти. Ундан бир ўғил қолган деясанми? Бутунлай эсимдан чиқариб қўйибман буни. Қанақа йигит бўлипти у? Агар онасига ўхшаган бўлса, жуда ҳам соҳибжамол йигит бўлгандир.

— Ҳа, жуда ҳам соҳибжамол бўлган, — дея унинг гапини тасдиқлади лорд Генри.

— У яхши одамларнинг қўлига тушар даб умид қиламан, — деб давом этди лорд Фермор. — Агар Келсо васиятида уни хафа қилмаган бўлса, у бир дунё пулнинг эгаси бўлмоғи керак. Маргаретнинг ҳам давлати кам эмас эди. Бобосидан Селбидаги қўрғонлар бутун ер-суви билан унга қолганди. Унинг бобоси ёмон кўрарди, уни ўта зиқна одам деб ҳисобларди. Келсо чиндан ҳам ҳаддан зиёд хасис эди. У тўғрисида Мадрида латифалар юрарди. Бир ой мобайнида мен саройда кўринишга ботина олмай юрдим. Ҳойнаҳой, Келсо Мадрид извошчиларига хасислик қилган бўлса ҳам, ўғлига нисбатан саҳийроқ бўлгандир?

— Буни билмадим-ов, — деб жавоб берди лорд Генри. — Дориан ҳали балоғат ёшига етган эмас. Лекин у бадавлат одам бўлиб етишади деган умидим бор. Селби унга ўтган экан. Буни мен унинг ўзидан эшитдим... Шундай қилиб, унинг онаси жуда ҳам гўзал аёл бўлган дейсизми?

— Маргарет Девери мен ҳаётимда кўрган энг барно қизлардан бири эди. Нима сабаб бўлиб у бунақа ғалати тарзда турмушга чиққанини мен ҳеч қачон тушуна олмай ўтгяман. Ахир, у истаган одамига тегиши мумкин эди. Кимсан Карлингтоннинг ўзи шунақа — ҳамма аёллари ҳавойи орзулар билан яшайди... Уларнинг уруғларига мансуб эркаклар сариқ чақага арзимас эди, лекин аёллари, худо ҳақи, жуда ажойиб бўларди... Карлингтон Маргаретнинг олдида тиз чўккан экан, буни менга унинг ўзи гапириб берган эди. Ҳолбуки, ўша кезларда Лондондаги қизларнинг ҳаммаси унга ошиқу беқарор эди. Бироқ Маргарет уни мазаҳ қилишдан нари ўтмади... Ҳа, айтгандай, бемаъни никоҳлар ҳақида гаплашайлик. — отанг Дартмур тўғрисида нима деб валақлаб юрипти? Америкалик жувонга уйланаман дейдими? Наҳотки, инглиз қизларидан кўнгли тўлмаса?

— Нима десам экан, Жорж тоға, америкалик жувонларга уйланиш ҳозир жуда расм бўлган.

— Лекин мен инглиз қизларига уйланиш тарафдориман. Бу масалада бутун дунё билан баҳслашишга тайёрман! — деб лорд Фермор мушти билан столга гурсиллатиб урди.

— Ҳозир ҳамма америкалик аёлларни хуш кўряпти.

— Мен америкалик аёллар кўпга дош беролмас экан деб эшитдим, — деди Жорж тоға кўрслик билан.

— Сафар чўзилиб кетса, улар толиқиб қолишади, лекин тўсиқлар оша пойга бўлса, буни роса ўрнига қўйишади. Тўсиқлардан бамисоли учиб ўтишади. Менимча, Дартмур бу қисматдан қочиб қутула олмаса керак.

— Унинг ота-оналари ким? — деб сўради лорд Фермор синчковлик билан. — Умуман, ота-оналари ҳаётми?

Лорд Генри бош чайқади.

— Инглиз хонимлари ўз ўтмишларини қандай яширсалар, америкалик жувонлар ҳам ота-оналарини шунақа моҳирлик билан яширадилар.

— Қизнинг отаси чўчқа гўшти билан савдо қиладимиз дейман-да?

— Кошки эди Дартмурнинг бахтига шундоқ бўлса, Жорж тоға. Гўштфурушлик Америкада энг сердаромад иш дейишади. Ундан кўра сердаромад соҳа сиёсат экан.

— Топган америкалик аёли лоақал хушрўйгинами?

— Кўпчилик америкалик жувонларга ўхшаб, у ҳам ўзини соҳибжамол қилиб кўрсатишга интилади. Уларнинг муваффақиятининг сири шунда.

— Нима учун ўзининг Америкасида тинчгина ўтирмайди улар? Ахир, доим қулогимизга қуйишгани-қуйишгани — Америка аёллар учун бамисоли жаннат экан.

— Бу гап тўғри. Шунинг учун ҳам америкалик аёллар Момо Ҳаво каби у ердан чиқиб кетишга ҳаракат қилишади, — деб изоҳ берди лорд Генри. — Майли, яхши қолинг, Жорж тоға. Мен кетмасам бўлмайди, акс ҳолда, нонуштага кеч қоламан. Дориан ҳақида берган маълумотларингиз учун ташаккур. Жамики янги дўстларим ҳақида ҳамма нарсани билишни яхши кўраман. Эски дўстларим ҳақида билмасам ҳам майли.

— Бугун нонуштани қаерда қиласан, Гарри?

— Агата холаманкида. Мен ўзим илтимос қилдим. Мистер Грейни ҳам таклиф қилдим. Агата хола — мистер Грейнинг янги ҳомийси.

— Ҳм!.. Шунақа дегин, Гарри. Менга қара, сен Агата холаманга айтиб қўй — ҳадеб, ҳайриянома талаб қилиб бошимни қотиравермасин. Унинг хитобномалари жонимдан тўйдириб юборди. Бу аёл унинг аҳмоқона хайриялари учун чек ёзиб бериб туришдан бошқа ишим йўқ деб ўйлайдими, нима бало?

— Яхши, Жорж тоға, айтиб қўяман. Бироқ бу беҳуда иш-ку! Филантроплар ҳайрия ишларига берилиб кетиб, ҳар қандай инсонпарварликдан маҳрум бўлиб қолишади. Бу уларни ажратиб турадиган муҳим белги.

Кекса жентельмен маъқуллаб бурнини тортиди-да, меҳмонни кузатиб қўймоқ учун кўнгироқ чалиб, мулозимни чақирди.

Лорд Генри тимлар орқали Берлингтон-стритга ўтди ва Берклей-скверга йўл олди. У Дориан Грейнинг қариндош-уруғлари ҳақида тоғасидан эшитганларини бир-бир эслаб борарди. Тоғасининг айтганлари унчалик муфассал бўлмаса-да, барибир ўзининг ғаройиблиги билан, замонавий романтикага йўғрилгани билан лорд Генрини қаттиқ ҳаяжонга солди. Эҳтиросли муҳаббат йўлида ҳамма нарсдан кечган қиз. Бир неча ҳафта беадад бахт. Бу бахтни барбод этган разил жиноят. Сўнгра, ойлар мобайнида чекилган янги изтироблар, минг азобда туғилган фарзанд. Онанинг ажалга ем бўлгани, етимликда, бемеҳр қариянинг зулми остида яшаган ўғилнинг қисмати. Ҳа, буларнинг бари ғаройиб, йигитга ажиб бир қиёфа бахш этади, унинг мафтункорлигини янада оширади. Гўзал нарсанинг ортида ҳаммиша бирон-бир фожеа яшириниб ётади. Энг камсуқум, энг арзимас бир гулнинг гуллаши учун ҳам дунёлар тўлғоқ дардини бошдан кечирмоқлари зарур.

... Кеча кечкурун икковлари клубда тушлик қилганларида Дориан нақадар жозибадор эди-я! Унинг лол қолган нигоҳида ва ярим юмуқ лабларида алланечук ташвиш ва тортинчоқ қувончни уқиш мумкин эди. Қиз пардали лампалардан тушган шуълада юзи ҳам яшнаб кетган ва унинг очилиб-сочилган ҳусни таважжуҳи яна ҳам тиниқроқ кўринарди. Бу бола билан суҳбатлашиш гўёки бир ноёб найни чалмоқдай гап эди. У ҳар бир пардага, нафасингизнинг ҳар бир эпкинига акс садо берар эди...

Бошқа одамга ўз таъсир кучингни синаб кўришдан ҳам мароқлироқ нарса борми? Бунга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ. Ўз қалбингни бошқа бировнинг жисмига сингдириб юборасан, юрагинг бир неча муддат унинг кўкрак қафасига жо бўлади; ўз фикрларингнинг акс садосини тинглайсан, бу акс садо навқиронлик ва эҳтирос мусиқасига йўғрилган бўлади. Ўз жўшқинлигингни ноёб бир гулдек ёхуд ўзингдан чиқиб турган нурдек бошқага туҳфа этасан — бундан ҳам ортиқроқ ҳузур, бундан ҳам юксакроқ лаззат бўладими? Эҳтимолки, бири-биридан дағал ҳиссий

эрмакларга, қўпол ва ибтидоий интилишлар, майлларга тўла бизнинг маҳдуд ҳамда бачкана асримизда инсоннинг маҳрига тушган энг катта қувонч шудир!

... Устига-устак, Бээзилнинг устахонасида бахтли тасодиф билан учратиб қолгани бу йигитча жуда ажойиб одамга ўхшайди... ёки уни тарбиялаб, ажойиб бир одамга айлантурса бўлади. Бунинг учун унда ҳамма нарса муҳайё — латофат ҳам, ёшликнинг қордай оппоқ покизалиги ҳам, гўзаллик — ўша қадимги юнонлар мармарда тажассум этиб кетган гўзаллик ҳам бор. Ундан истаган нарсани яшаш мумкин — уни буюк бир паҳлавон даражасига кўтариш ҳам мумкин. Оддий бир қўғирчоқ қилиб қўйса ҳам бўлади. Надоматлар бўлсинки, ҳатто шундай баркамоллик ҳам сўлишга маҳкум!...

Бээзил-чи! У айтган гаплар психологик жиҳатдан нақадар қизиқ! Бир одамнинг мавжудлиги туфайли сира кутилмаганда тасвирий санъатда янги усул туғилипти. Рассом воқеликни янгича идрок эта бошлапти. Бунга сабаб бўлган одамнинг ўзи булардан бутунлай беҳабар. Қалин ўрмонларда истиқомат қилувчи, кенг дала-ларда сайр этиб юрувчи, шу пайтгача кўз илғамаган, тилсиз-забонсиз табиат қалби тўсатдан Дриада каби сира ҳадиксирамай, чўчимай рассом қаршисида намоён бўлади, чунки рассомнинг қалби уни кўпдан бери излаб юради. Рассом қалби илҳомга йўғрилган назаркардаликка эга, шунинг учун ажойиб ишлар фақат унгагина намоён бўлади. Оддий шакллар, буюмларнинг жўнгина тимсоли қўққисдан юксак баркамоллик ва алланечук рамзий маъно касб этади. Буларнинг бари гўё рассом учун мутлақо босқача — янада мукамалроқ шаклни кашф этиб бергандай, бу шакл гира-шира орзудан воқеликка айланиб қолгандай бўлади. Буларнинг бари нақадар ажойиб!

Ўтган асрларда ҳам шунга ўхшаш воқеалар бўлган. Фикрлаш, тафаккур Афлотун учун санъат эди. У ана шу мўъжиза ҳақида биринчи бўлиб бош қотирган одам. Буонаротти-чи? У буни рангли мармарга нақш этилган бир туркум шеърларида жуда ёрқин ифодалаб берган. Бироқ бизнинг асримизда шундай бўлгани кишини танг қолдиради...

Шундай мулоҳазалардан кейин лорд Генри бир тўхтама келди: Дориан қандай қилиб ўзи билмаган ҳолда ажойиб портретини яратган рассом учун раҳнамо бўлиб қолган бўлса, у, яъни лорд Генри ҳам Дориан учун шундай раҳнамо бўлади. У Дорианни ўзига бўйсундиришга уриниб кўради — сирасини айтганда, у ҳозирнинг ўзидаёқ бу ишнинг ярмини бажариб қўйди — бу ажойиб йигитнинг қалби унинг ихтиёрида бўлади. Бу Муҳаббат ва Ўлим фарзандини яратишда табиат нақадар саҳийлик билан иш юритган!

Лорд Генри тўсатдан тўхтаб, қўшни уйлари нигоҳидан ўтказди. У холасининг уйдан ўтиб кетган экан, ўтганда ҳам анча-мунча ўтиб кетипти. Буни кўриб у ўзидан кулди-да, орқасига қайтди. У ним қоронғи даҳлизга кирганда, мулозим ҳамма йиғилиб бўлганини, ошхонада ўтиришганини айтди. Лорд Генри мулозимлардан бирининг қўлига шляпаси билан ҳассасини тутқазиб, ўзи ичкарига кирди.

— Ҳар доимдагидек, яна кечикдинг-да, Гарри! — деб хитоб қилди холаси таъна билан бош чайқаб.

У тутган жойида аллақандай бўлмағур баҳоналарни айтиб узр сўради ва беканинг ёнидаги бўш стулга ўтириб, тўпланган меҳмонларни кўздан кечирди. Столнинг нариги томонидан Дориан мамнунлигидан қизариб, тортинчоқлик билан унга бош ирғади. Унинг рўпарасида герцогиня Харла ўтирарди. Уни таниган одамларнинг ҳаммаси бу аёлни яхши кўришарди. Бу аёл бениҳоя юввош ва қувноқ бўлиб, шакли-шамойили шунақа тузилишга эга эдики, бундай тузилишни ҳозирги замон муаррихлари семиз — бақалоқлик деб аташади (табiiйики, гап герцогинялар ҳақида бормаётган бўлса). Герцогинянинг ўнг томонида сэр Томас Бэрден ўтирипти. У — радикал, парламент аъзоси. Жамоат ишларида у ўз раҳнамосининг содиқ издоши эди, хусусий ҳаётда эса хуштаъм таомларнинг тарафдори эди. Яъни “мажлисни лейбористлар билан қур-у, тушликни консерваторлар билан қил” деган кўпчиликка маълум доно қоидага амал қиларди. Герцогинянинг чап томонидаги жойни тредлилик мистер Эрекин эгаллапти. Ёши ўтинқираб қолган бу жентельмен жуда маданиятли, хушмуомала одам эди. Аммо унинг битта ёмон одати бор эди: у давраларда миқ этиб оғиз очмай ўтираверарди. Бир марта у леди Агатага ўзининг бу

қилиғини тушунтириб, ўттиз ёшимгача гапирадиган гапимнинг ҳаммасини гапириб бўлганман деган экан.

Лорд Генрининг ёнида миссис Ванделер ўтирипти. Бу хоним холасининг эски қадрдонларидан бири, чиндан ҳам ҳар жиҳатдан авлиё хотин, лекин жуда дидсиз, олақуроқ кийинган. Кўриниши шунақаки, уни муқоваси титилиб, расво бўлиб кетган ибодат китоби билан таққосласа бўларди. Лорд Генрининг бахтига миссис Ванделернинг у томонида лорд Фаудел ўтирган экан. Ўрта ёшли бу эркак жуда зукко эдию, лекин иқтидори ўртача эди, ўзи ҳам худди вазирнинг жамоалар палатасида қилган маърузасидаги туссиз ва тунд эди. У билан миссис Ванделер ўртасидаги суҳбат ҳаддан ташқари жиддий бир тарзда бормоқда эди. Лорд Фауделнинг гапига қараганда, туппа-тузук бамаъни одамлар ҳам кечириб бўлмайдиган шу нуқсонга муккаларидан кетганлар ва уларнинг ҳеч қайсилари бу нуқсондан бутунлай халос бўлиш йўлини тополмай хуноблар.

— Биз шўрлик Дартмур ҳақида гаплашяпмиз, — деди герцогиня баланд овозда лорд Генрига ва стол атрофидан бош ирғаб унга салом йўллаган бўлди. — Нима деб ўйлайсиз, у чиндан ҳам бу дилрабо америкалик аёлга уйланармикин, йўқми?

— Ҳа, герцогиня. Бу аёл унга турмуш қуришни таклиф қилишга жазм қилган кўринади.

— О, даҳшат-ку! — дея хитоб қилди леди Агата. — Бунга йўл қўйиб қўйиш тўғри келмайди!

— Энг ишончли манбалардан эшитганимга қараганда, қизнинг отаси Америкада баззозлик қилар экан ёки шунга ўхшаган арзимас матоҳлар билан савдосотиқ қилар экан, — деди башарасини ижирганнамо бужмайтириб сэр Томас Бэрден.

— Тоғамнинг гапига қараганда, у чўчқа гўштини олиб сотиш билан шуғулланыар экан, сэр Томас.

— “Арзимас матоҳ” деганингиз нимадир, ўзи? — деб сўради герцогиня ва ҳайрат ичида дўмбоққина қўлларини юқори кўтарди.

— Америка романлари-да, — дея изоҳ берди лорд Генри какликни танавул қилишга киришар экан.

Герцогиня ҳайрон бўлиб қолди.

— Унинг гапига эътибор берманг, азизим, — деб унинг қулоғига шивирлади леди Агата. — Унинг биронта ҳам жиддий гапи йўқ.

— Америка кашф этилган кезларда... — дея гап бошлади радикал ва бундан бу ёғига ҳар хил бир-бирдан зерикарли хабарлар бошланиб кетди. Мавзуни бутунлай таг-туғига етказиб қўйишни мақсад қилиб қўядиган нотиклар каби радикал ҳам тингловчиларнинг бардошини обдон охирига етказди. Герцогиня хўрсинди ва ўз имтиёздан фойдаланиб унинг гапини бўлди:

— Кошки эди Америка деганлари бутунлай кашф этилмай қўя қолинса... хўп яхши бўларди-да, — деб хитоб қилди у. — Ахир, америкалик аёллар қизларимизнинг ҳамма қаллиқларини йўлдан уришяпти. Бу — бемаънилик!

— Менга қолса, Америка ҳали сира ҳам кашф этилган эмас дердим, — деб луқма ташлади мистер Эркин. — У ҳозирча топилган эмас, холос.

— О, мен Америка аҳолисининг вакилларини кўрганман, — деб гапга қўшилди герцогиня мужмал оҳангда. — Айтмоғим керакки, уларнинг кўпчилиги бинойидек. Кийинишлари ҳам жуда соз. Ҳамма либосларини Парижда тиктиришади. Афсуски, бунга ҳатто менинг ҳам кучим етмайди.

— Бир нақл бор — бежирим америкалик аёллар вафотидан кейин Парижга йўл олармиш, — деди истеҳзо билан кулиб сэр Томас. Унинг заҳирасида сийқаси чиққан гаплар ҳамиша мўл бўларди.

— Шунақа денг! Ўлгандан кейин америкалик эркаклар қаёққа даф бўларкан? — деб суриштирди герцогиня.

— Американинг ўзига-да, — деб гапга қўшилди лорд Генри.

Сэр Томас қошларини чимирди.

— Сизнинг жиянингиз бу улуғ мамлакатни ёмон кўрадимиз дейман-да, — деди у леди Агатага. — Мен Американи энга ҳам, кўндалангига ҳам кезиб чиққанман, кўрмаган жойим қолмаган. Менга махсус вагон бериб қўйишган эди. Била-

сизми, у ердаги маъмурлар жуда хушмуомала. Ишонаверинг, Америкага сафар қилишнинг жуда катта маърифий аҳамияти бор.

— Наҳотки, маърифатли одам бўлмоқ учун Чикагони бориб кўриш шарт бўлса? — деб ўқсиниб сўради мистер Эрскин. — Мен бунақа сафар қилишга ўзимда етарли куч бор деб ўйламайман.

Сэр Томас қўл силтади.

— Мистер Эрскин учун бутун олам унинг китоб тоқчаларидагина мужассам. Биз — тадбиркорлар эса ҳамма нарсани фақат ўқиб билишгина эмас, ўз кўзимиз билан кўришни ҳам истаймиз. Америкаликлар жуда ажойиб халқ, улар жуда катта соғлом ақлга эга. Мен буни уларнинг энг муҳим хислати деб биламан. Ҳа, ҳа, мистер Эрскин, улар жуда соғлом фикрлайдиган одамлар. Гапимга ишонаверинг, америкалик ҳеч қачон бемаъни ишга қўл урмайди.

— Нақадар даҳшат-а! — деб хитоб қилди лорд Генри. — Мен қўпол зўравонликка чидашим мумкин, лекин, қўпол, тўпори, ҳиссис, юраксиз қилинадиган ишларга мутлақо тоқатим йўқ. Фақат ақлнинг амри билан иш юритишга алланечук гайриполижаноблик бор. Бу демак — ақлга хиёнат қилмоқлик.

— Тушунмадим, бу билан нима демоқчисиз? — деди сэр Томас бўзариб.

— Мен эса гапингизни тушундим, лорд Генри, — деб жилмайиб ғудурлади мистер Эрскин.

— Зиддиятли гапларнинг ўз жозибаси бор, — деб бошлади баронет.

— Мен зиддиятли гап айтдимми? — деб сўради мистер Эрскин. — Ўзим билмабман ҳам... Бир томондан, гапингиз тўғри бўлса ҳам ажаб эмас. Хўш, нима бўпти? Ҳаёт ҳақиқати бизга айни зиддиятли фикрлар шаклида намоён бўлади. Воқеаликни идрок этиш учун унинг дорбозга ўхшаб, дор устида зўрға мувозанатини сақлаб турганини кўрмоқ керак. Ҳақиқат амалга оширадиган турли-туман сакрашлар-у жилпанглашларнинг барини кўргандан кейингина биз унинг тўғрисида тўғри мулоҳаза юрита оламиз.

— Вой тавба-ей, эркак зоти баҳслашишни мунча яхши кўрмаса-я! — деб хўрсинди леди Агата. — Нима тўғрисида гурунглашаётганларингга сира ақлим етмаяпти. Сендан-ку жуда қаттиқ хафа бўлдим, Гарри. Бизнинг дилбар мистер Греймининг мен билан Ист-Эндда бирга ишлашдан нега қайтаряпсан? Тушунсанг-чи, у бизга бебаҳо ёрдам бермоғи мумкин: унинг ижроси ҳаммага ёқади.

— Унинг ижроси фақат мен учун бўлмоғини истайман, — деб кулиб туриб эътироз билдирди лорд Генри ва Дориан ўтирган томонга назар ташлаб, йигитнинг мамнун қараб турганини кўрди.

— Бироқ, Уайтчеплда жуда кўп ғусса-ю алам бор-да! — деб гапини бермади леди Агата.

— Мен одамларнинг ғам-ғуссасидан бошқа ҳамма нарсага ҳамдардман, — деб лорд Генри елкасини қисди. — Одамларнинг қайғу-аламларига ҳамдардлик қилолмайман. Чунки бу қайғу-аламлар ҳаддан ташқари хунук, бадбашара, ҳаддан ташқари мудҳиш ва бизни эзиб ташлайди. Изтиробларга ялпи ҳамдардликда алланечук носоғлом бир нарса бор. Гўзаллик, ёрқин бўёқларга, ҳаёт қувончларига ҳамдард бўлмоқ керак. Ҳаётнинг зулматли томонлари тўғрисида эса имкони борича камроқ гапирмоқ керак.

— Бироқ Ист-Энд — жуда жиддий муаммо, — деб салобат билан гап қотди сэр Томас бош чайқаб.

— Шак-шубҳасиз, — деб унга қўшилди лорд Генри. — Бу ахир, қуллик муаммоси. Биз эса қулларни қувонтириш йўли билан бу муаммони ҳал қилмоқчимиз.

Қари сиёсатбоз унга тикилиб қолди.

— Сиз нимани таклиф қиласиз бунинг ўрнига? — деб сўради у.

Лорд Генри кулиб юборди.

— Мен Англияда об-ҳаводан ташқари ҳеч нарсани ўзгартирмасликни истайман. Мен учун фалсафий мушоҳаданинг ўзи кифоя қилади. Бироқ ўн тўққизинчи аср ҳамдардликни орқа-олдига қарамай сокурабергани туфайли инқирозга учради. Шунинг учун менинг назаримда одамларни ҳақиқат йўлига фақат Илмгина бошлай оладиган бўлиб кўринади. Туйғуларнинг яхшилиги шундаки, улар бизни бу йўлдан тойдиради, Илмнинг яхшилиги шундаки, у туйғуни билмайди.



— Лекин бизнинг зиммамизда жуда катта масъулият бор! — дея ҳайқибгина гапга қўшилди миссис Ванделер.

— Жуда катта масъулият! — деб унинг гапини маъқуллади леди Агата.

Лорд Генри стол оша мистер Эрскин билан кўз уриштириб олди.

— Инсоният ўзининг курраи заминидаги ролига ортиқча баҳо беради. Бу унинг бирламчи гуноҳидир. Агар форларда яшаган одамлар кулишни билганларида та-рих бошқа йўлдан кетган бўларди.

— Менга жуда таскин бердингиз-да, — дея ялтоқланди герцогиня. — Шу пайт-га қадар мен меҳрибон холажонингизникида бўлар эканман, Ист-Эндга қизиқма-ганим учун виждонан эзилиб юрардим. Энди эса у кишининг кўзларига хижолат-сиз, қизармай бемалол қараёлмайман.

— Қизарсангиз нима? Қизиллик аёл кишига жуда ярашади, герцогиня, — деди лорд Генри.

— Фақат ёшлиқда ярашади, — деб эътироз билдирди герцогиня. — Менга ўхша-ган кампир қизарса, бу жуда ярашмаган бир қилиқ бўлади, холос. Оҳ, лорд Ген-ри, кошки эди лоақал сиз қандай қилиб яшариш мумкинлиги ҳақида менга масла-ҳат берсангиз...

Лорд Генри бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Сиз ёшлигингизда йўл қўйган биронта катта хатоингизни эслай оласизми, герцогиня? — деб сўради у стол орқали герцогиня томонга эгилиб.

— Бир эмас, анчаси хотирамда.

— Унда бу хатоларингизни яна бир бошдан қайтадан қилиб чиқинг, — деди у жиддий оҳангда. — Ёшлиқни қайтармоқ учун ёшлиқда қилган номаъқулчиликлар-нинг барини такрорлаш кифоя.

— Жуда ажойиб назария-ку! — дея завқланди герцогиня. — Уни, албатта, амал-да текшириб кўраман.

— Хавфли назария! — деди маҳкам қисилган тишлари орасидан сэр Томас. Леди Агата эса бошини чайқади-ю, беихтиёр кулиб юборди. Мистер Эрскин индамай тинглаб ўтирар эди.

— Ҳа, — деб давом этди лорд Генри. — Ҳаётнинг буюк сирларидан бири шу-нақа. Бизнинг кунларимизда кўпчилик одам қўларча оқилликнинг судралувчан шаклларида нобуд бўлади. Ҳеч қачон кўнглимизда афсус-у надомат уйғотмай-диган ягона нарса бизнинг хатоларимиз ва адашишларимиз эканини жуда ҳам кеч фаҳмлаб қолади.

Даврадагилар баравар кулиб юборишди.

Лорд Генри эса хаёлотининг жиловларини қўйиб юбориб, бу фикрни ўзи иста-ган куйга сола бошлади; у уни ирғитиб илиб олар, ўзгартирар, гоҳ улоқтириб юбо-рар, гоҳ яна қайта олар, уни нурланишга мажбур қилар, хаёлотининг жилolari билан безаб, зиддиятли фикрлар билан қаноатлантирарди. Номаъқулчиликлар шаънига ўқилган бу мадҳия фалсафа юксаклари қадар кўтарилди. Фалсафа эса Лаззатнинг ваҳшиёна мусиқасига маҳлиё бўлиб, бошига чирмовиқ гулдан гулчам-бар кийган, либосига шароб тўкилган мой маъбудаси янглиғ ҳаёт адирлари бўйлаб жўшқин рақси самоларга тушиб кетди. Айни чоғда у оғир карвон Силеннинг ҳар қадамини ўйлаб босишидан кулар экан, фактлар унга йўл бўшатиб, юраги така-пука бўлган ўрмон жинлари янглиғ ҳар томонга тирқираб кетишди. У доно Омар савлат тўкиб ўтирадиган баҳайбат тошни назар-писанд қилмай, унга яланғоч оёқларини қўйди ва бу оппоқ оёқлар теварагида узум суви қирмизи кўпиклар сач-ратиб, каттакон тоғорани тўлдирар бошлади.

Буларнинг барчаси дабдурустдан тўкиб чиқарилган жуда нажиб ва ўзига хос бир ҳолат эди. Лорд Генри Дориан Грейнинг ўзидан кўз узмаётганини ҳис қилди. Ҳа, тингловчилар орасида бир одам борки, лорд Генри уни мафтун қилишни иста-тайди. Шу фикр унинг зукколигини янада чархлади, унинг нутқларини янада бий-рон қилди. Унинг оғзидан чиқаётган гаплар тутуруқсиз, мантиқ ва ақлга зид, ле-кин қизиқарли, жозибадор эди. Тингловчилар кулишар, лекин беихтиёр унга маҳ-лиё бўлиб, хаёлотнинг парвози кетидан эртақдаги сурнай ноласига эргашган бо-лалар каби суришиб боришади. Дориан Грей сеҳрлангандай унинг юзидан нигоҳи-ни ололмай қолганди. Унинг лабларида тез-тез табассум намён бўлар, қўнғир кўзларидаги маҳлиёлик эса ўйчанлик билан алмашиб турарди.

Ниҳоят, Воқелик бизнинг асримиз либосида мулозим сиймосида хонага кириб келди ва у герцогиняга улови унга мунтазир эканини арз этди. Герцогиня ҳазиллашган кўйи қўлларини силкитди.

— Кўп афсус! Кетишга тўғри келади. Мен йўл-йўлакай клубга кириб, эримни олишим ва уни аллақандай бемаза бир мажлисга олиб бориб қўйишим керак. У мажлисга раислик қилади. Агар кеч қолинса, унинг аччиғи келади. Мен эса бошимда манави шляпа бўлган кунлари бунақа ғалвалардан узоқроқ юришга тиришаман, чунки шляпам ҳаддан зиёд нафис, биргина дағал сўздан расво бўлиши ҳеч гап эмас. Йўқ, йўқ, мени олиб қоламан деб овора бўлманг, азизим Агата. Яхши қолинг, лорд Генри! Сиз ажойибсиз, лекин одамни йўлдан урадиган шайтонсиз! Сизнинг назарияларингиз тўғрисида нима деб ўйлашни ҳам билмай қолдим. Албатта, бизниқига тушликка келинг. Сешанба куни келсангиз ҳам майлига. Сешанбага ҳеч қаерга айтилган эмасмисиз?

— Сиз учун, герцогиня, мен ҳар қандай ишимни ҳам ташлашга тайёрман, — деди лорд Генри таъзим билан.

— О, бу ишингиз бир жиҳатдан таҳсинга лойиқ, бир жиҳатдан ёмон, — деб хитоб қилди муҳтарама хоним. — Майли, эсингиздан чиқарманг, биз сизни кутамиз. — Шундай деб, у хонадан сиполик билан сузиб чиқди, унинг кетидан эса леди Агата билан бошқа хонимлар чиқишди.

Лорд Генри қайтиб жойига ўтирганда мистер Эрскин унинг ёнига ўтириб, қўлини елкасига қўйди.

— Сизнинг гапларингиз ҳар қанақа китобдан ҳам мароқлироқ, — деб бошлади у. — Нега китоб-митоб ёзмайсиз?

— Мен китоб ўқишни жон дилимдан яхши кўраман, мистер Эрскин, шунинг учун китоб ёзмайман. Албатта, қани эди бир роман ёзсам. Романим Эрон гиламидай жуда ажойиб, хаёлотга бой бўлса. Бироқ бизнинг Англиямизда фақат газета-ю, қомусий луғатлар-у, дарсликлар ўқишади, холос. Инглизлар дунёдаги ҳамма халқларнинг ичида адабиётнинг гўзаллигини энг кам тушунадиган халқ.

— Гапларингиз тўғри деб ўйлайман, — деб жавоб берди мистер Эрскин. — Мен ўзим бир вақтлар ёзувчи бўлишни орзу қилардим, лекин анча бўлди — бу фикримдан қайтганман. Изн берсангиз, сизни менинг ёш дўстим деб атасам. Сиздан битта нарсани сўрамоқчи эдим — шу нонушта вақтида айтган гапингизнинг ҳаммасига астойдил ишонасизми?

— Боя нима деганим ҳозир, мутлақо эсимда йўқ, — деб жилмайди лорд Генри. — Бирон-бир кўфрона гапдир-да...

— Ҳа, албатта. Менинг фикримча, сиз ҳаддан ташқари хавфли одамсиз. Мабодо бизнинг муҳтарама герцогиняemizга бирон кор-ҳол бўлиб қолса, биз сизни асосий айбдор деб биламиз... Мен сиз билан турмуш тўғрисида гурунглашмоқни истар эдим. Менинг авлодимга мансуб кишилар зерикарли ҳаёт кечирдилар. Бирор кун Лондон жонингизга тегиб кетганда, мениқига, Тредлига келинг. Иттифоқо, менда ажойиб бургунд виносидан бирмунчаси сақланиб қолган. Шунини тановвул қилиб ўтириб, сиз ўзингизнинг лаззат фалсафангизни менга баён қилиб берасиз.

— Бажонидил. Тредлида меҳмон бўлишни ўзим учун катта шараф деб биланман. У ернинг сиздай хўжайини, жуда ноёб кутубхонаси бўлгандан кейин яна нима керак?

— Сизнинг боришингиз Тредлининг ҳуснига ҳусн қўшади, — деб жавоб берди кекса жентельмен такаллуф билан. — Майли, бўлмаса менга руҳсат. Бориб меҳрибон холажонимиз билан хайр-маъзур қилай. Мен Атенеумга бормоғим керак. Бу соатда биз одатда йиғилишиб олиб дардлашамиз.

— Клуб аъзоларининг ҳаммаси йиғиладимиз, мистер Эрскин?

— Ҳа, қирқта одам қирқта ўриндиқда ўтираемиз. Шу йўл билан биз Англия Адабиёт академиясини барпо қилишга тайёрланяпмиз.

Лорд Генри хохлаб кулиб юборди.

— Майли, мен, бўлмаса, Паркка кетдим, — деди у ўрнидан турар экан.

Эшик олдида Дориан Грей унинг тирсагидан ушлади.

— Мен ҳам бирга борсам бўладими?

— Сиз Бэзил Холлуорднинг олдида боришга ваъда берувдингиз шекилли?

— Мен кўпроқ сиз билан бирга бўлишни истаяпман. Ҳа, ҳа, мен, албатта, сиз

билан бирга бўлмоғим керак. Майлими? Сиз мен билан узлуксиз гаплашиб юришга ваъда берасиз, хўпми? Ҳеч ким сизчалик қизиқарли гапирмайди.

— Э-э, нимасини айтасиз. Лекин мен бугун гапириб тўйдим! — деб жилмайиб эътироз билдирди лорд Генри. — Энди мен фақат ҳаётни мушоҳада қилсам дейман. Агар истасангиз, майли, юринг, ҳаётни бирга мушоҳада қиламиз.

## ТҮҲТИНЧИ БОБ

Орадан чамаси бир ой ўтгач, кунлардан бирида Дориан Грей лорд Генрининг Мейфердаги уйида чоғроқ кутубхонанинг қулай ўриндиғида ўтирар эди. Хона жуда шинам эди. Деворлари баланд-баланд, уларга дубдан панель қоқилган, шифтлар нақшинкор. Полининг устига қизил мато тортилган, унинг устига узун попуклик эроний ипак гиламлар тўшалган. Қимматбаҳо ёғочдан ишланган стол устида Клодионнинг ҳайкалчаси, унинг ёнида Кловис Эв ишлаган муқовада “Les Cent Nouvelles”<sup>1</sup>нинг бир нусхаси. Китоб бир вақтлар Маргарита Валуаники бўлган ва унинг муқоваси зарҳал дасторгуллар билан безатилган эди. Қиролича бу дасторгулни ўзининг рамзи сифатида танлаган эди. Камин устида хитой чиннисидан ишланган катта-катта ҳаворанг кўзаларда алвонранг лолалар чирой очиб турарди. Деразадан ёзги Лондон оқшомининг шуъларанг ёруғи тушиб турипти.

Лорд Генри ҳали қайтганича йўқ. У ҳамма жойга кечикиб боришни ўзига одат қилиб олган эди. Унинг назарида, ҳамма ишни аниқ вақти-соатида қиладиган одам вақтдан ютқзади. Дориан ранжиган бир аҳволда қовоғини уйиб, паришонхотирлик билан “Манон Леско”ни варақлаб ўтирипти. Бу китобга жуда чиройлик расмлар ишланган бўлиб, Дориан уни китоб жовонларининг биридан топиб олди. Людовик ўн тўртинчи услубидаги соат бир маромда чиқ-чиқ юриб турипти. Лекин бу ҳам Дорианнинг гашига тегяпти. У ҳатто уй эгасининг келишини кутмай, бир неча бор кетишга ҳам чоғланди.

Ниҳоят, эшик ортидан қадам товушлари эшитилди ва эшик очилди.

— Мунча кеч қолдингиз, Гарри! — деб тўнғиллади Дориан.

— Афсуслар бўлсинким, мен Гарри эмасман, мистер Грей, — деган йўғон ва кескин овоз эшитилди.

Дориан шоша-пиша эшик томон ўгирилди ва сапчиб ўрнидан турди.

— Узр! Мен ўйлабманки...

— Сиз менинг эримни келди деб ўйлаган бўлишингиз керак. Ҳолбуки, у эмас, мен келдим. Ижозатингиз билан ўзимни таништирай. Сизни мен аллақачон сувратларингиздан таниб олганман. Агар, адашмасам, эримда сизнинг ўн еттитача сувратингиз бор.

— Йўғ-е, кўп ҳам муболаға қилманг. Ўн еттита эмасдир-ов, леди Генри!

— Ўн еттита бўлмаса, ўн саккизтадир. Кейин мен сизни яқинда эрим билан бирга операда кўрувдим.

Бу гапларни айтар экан, у аллақандай бесаранжомлик билан кулди ва ўзининг бинафшаранг кўзларини Дорианга қадади. Бу ғалати аёлнинг устидаги бутун либоси шунақа тусга эга эдики, гўё уларни телбалик ҳолида тикиб-бичишган-у, бўрон чоғида кийишган. Леди Уоттон кимгадир ошиқу беқарор бўлиб юрарди, лекин ҳаммиша севгиси жавобсиз қоларди, шу вайдан унинг ҳамма хом хаёллари ҳозирга қадар сақланиб қолган эди. У ҳозир ҳам офатижон бўлиб кўринишга ҳаракат қилар, лекин исқирт кўринарди, холос. Унинг исми Виктория эди. У черковга қайтишни жону дилидан яхши кўрар — бу ҳатто унинг учун қанда қилиб бўлмайди-ган одатга айланиб қолганди.

— “Лоэнгрин”да кўрган бўлсангиз керак, ҳойнаҳой, леди Генри.

— Ҳа, менинг севимли “Лоэнгрин”имда. Вагнер музикасини бошқа ҳамма музикалардан ортиқ кўраман. Бу музиканинг шовқини кучли, театрда бутун спектакль давомида бегоналар эшитиб қолишидан хавотир олмай бемалол гап сотиб ўтирса бўлади. Бу жуда ҳам қулай, шундай эмасми, мистер Грей?

Унинг энсиз, юпқа лабларида яна ўша бесаранжом ва асабий табассум пайдо

<sup>1</sup> “Юз ҳикоя” (Франц.).

бўлди. У қўлида қоғоз қирқишга ишлатиладиган, дастаси тошбақанинг косасидай ишланган узун пичоқни айлантириб ўйнай бошлади.

Дориан жилмайиб бошини чайқади.

— Мени кечирасиз-у, лекин гапингизга қўшила олмайман, леди Генри. Мен ҳамма вақт мусиқани эътибор билан тинглайман ва агар у яхши бўлса, сира гап сотмайман. Ёмон мусиқа бўлса, албатта, бошқа гап. Унда гаплашиб ўтирса ҳам бўлади.

— Ие, бу Гаррининг фикри-ку, шундай эмасми, мистер Грей? Мен доимо Гаррининг фикрини унинг дўстларидан эшитаман. Фақат шу йўл билан уларни билиб оламан. Мусиқа масаласига келсак... Сиз ўйламанг мени мусиқани яхши кўрмас экан деб. Яхши мусиқани жону дилимдан яхши кўраман, лекин ундан кўрқаман. У мени ҳаддан зиёд даражада романтик кайфиятга солиб қўяди. Пианино чалувчиларни-ку жонимдан ортиқ кўраман, баъзан уларни қўшалоқлаб яхши кўриб қоламан — Гарри шунақа дейди. Билмадим, уларнинг нимаси менга бу қадар ёқаркин? Ё улар ажнабий бўлгани учун шунақа ёқтирармиканман? Аслида-ку ўзи Англияда туғилганлари ҳам бора-бора ажнабий бўлиб кетади, шундай эмасми? Уларнинг бу ишлари жуда оқилона, бу уларнинг санъатининг обрўйини оширади, уларга космополитик тус беради. Шундай эмасми, мистер Грей? Сиз ҳали менинг оқшомларимда бирон марта ҳам иштирок этмадингиз, шекилли? Албатта, боринг. Орхидей гулларига буюртма бермайман, бунга кучим етмайди, лекин ажнабийлардан пулимни аямайман — улар меҳмонхонага жуда ажиб манзара бахш этишади! Ана, Гарри ҳам келиб қолди! Гарри, мен сендан баъзи нарсаларни сўраб оламан деб бу ерга кирган эдим, лекин нимани сўрайман деганим сира эсимда йўқ. Бу ерда мистер Грейга рўпара келдим. Биз мистер Грей билан мусиқа тўғрисида жуда мириқиб гаплашиб олдик. Фикрларимиз батамом бир жойдан чиқди... Айтганча, йўқ, ундоқ эмас, фикрларимиз бутунлай қарама-қарши чиқди. Лекин унинг суҳбати бир ам ёқимли эканки... Мен у билан танишганимдан гоёт мамнунман...

— Мен ҳам мамнунман, азизим, жуда мамнунман, — деди лорд Генри қайрилма қора қошини чимириб, енгил табассум билан бир хотинига, бир Дорианга қарар экан. — Сизни куттириб қўйганим учун маъзур тутасиз мени, Дориан. Уордортритга борган эдим, у ерда қадимий зарбоф парча бор экан, шунинг нархини нақд икки соат савдолашдим. Бизнинг даврамизда одамлар ҳамма нарсанинг баҳосини билишади, лекин ҳақиқий қиммати ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар.

— Ҳар қанча афсус қилмай, сизларни тарк этишимга тўғри келади! — деб хитоб қилди леди Генри орага чўккан ноқулай жимликни бўлиб. Шундай деб ҳар доимгидек кутилмаганда ва жуда ноўрин кулиб юборди. — Мен герцогиняга бирга сайр қилишни ваъда бериб қўйган эдим. Яхши қолинг, мистер Грей! Хайр, Гарри! Ҳойнаҳой, бугун тушликни меҳмондорчиликда қиларсан? Мен ҳам. Леди Торнбэриникида учрашиб қолсак ҳам ажаб эмас.

— Шундоқ бўлиши мумкин, азизим, — деб жавоб берди лорд Генри унинг кетидан эшикни ёпиб қолар экан. Хотини туни билан ёмғирда қолган жаннат қушини эслатиб, ўзидан кейин енгил ёсмиқ ҳидини қолдириб хонадан чиқиб кетгандан кейин у папиросини тутатиб, диванга чўзилди.

— Сочлари саморанг аёлга зинҳор-базинҳор уйлана кўрманг, — деди у папиросини бир неча марта тортгандан кейин.

— Нега энди, Гарри?

— Улар ўта ҳисчан бўлишади.

— Мен ҳисчан одамларни ёқтираман.

— Энг яхшиси, умуман, уйланмай қўя қолинг, Дориан. Эркалар ҳорфинликдан уйланади, аёллар қизиққанидан эрга тегади. Улар ҳам, булар ҳам никоҳдан кейин ҳафсалалари пир бўлади.

— Мен ҳеч қачон уйланмасам керак, Гарри. Мен ҳаддан зиёд ошиқман. Бу ҳам сизнинг ҳикматларингиздан бири. Сиз тарғиб қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси каби мен буни ҳам ҳаётга татбиқ этаман.

— Кимга ошиқу беқарор бўлиб қолгансиз? — деб сўради лорд Генри бир муддат индамай тургач.

— Бир артист аёлга, — деб жавоб берди Дориан қизариб. Лорд Генри елкаларини қисди.

— Бошланиши анча сийқа-ку?

— Агар сиз уни кўрган бўлганингизда бунақа демас эдингиз, Гарри.

— Ким экан у?

— Унинг исми Сибила Вэйн.

— Бунақа артист аёлни ҳеч эшитмаган эканман.

— Ҳали ҳеч ким ҳам эшитган эмас. Вақти-соати келиб унинг тўғрисидаги ҳам-ма гапдан воқиф бўласиз. У даҳо аёл!

— Ўғилгинам, билиб қўйингки, аёллар ҳеч қачон даҳо бўлмайди. Улар безак учун хизмат қиладиган жинс. Уларнинг дунёга айтадиган гапи йўқ, лекин шундоқ бўлса ҳам гапиришади, гапирганда ҳам жуда латофат билан гапиришади. Аёл киши руҳ устидан тантана қиладиган моддионликнинг тажассуми, эркак эса фикрнинг ахлоқ устидан тантанасини тажассум этади.

— Шафқат қилинг, Гарри!..

— Азизим Дориан, ишонаверинг, бу чин ҳақиқат! Мен хотинларни тадқиқ қиламан. Шундоқ экан, нечук уларни билмай? Шуни ҳам айтмоғим керакки, уларни ўрганиш кўпда ҳам қийин эмас. Мен шундай хулосага келганман: аёллар, асосан, икки тоифага бўлинар экан: пардоз қиладиганлар ва пардоз қилмайдиганлар. Пардоз қиладиганлари биз учун гоаят фойдали. Муҳтарам зот деб донг чиқармоқчи бўлсангиз, бунақа аёлни бир марта зиёфатга таклиф қилсангиз, кифоя. Иккинчи тоифа аёллар жуда жозибадор бўлишади. Лекин улар битта хатога йўл қўйишади — ҳамisha ёшроқ кўринмоқ учун пардоз қилишади. Бизнинг бувиларимиз зукколиклари ва гоаятда ноёб суҳбатдош эканликларини намоён этиш учун пардоз-андоз қилишган: у пайтларда “ronge”<sup>1</sup> ва “esprit”<sup>2</sup> ажралмас нарсалар деб ҳисобланган. Ҳозир эса бутунлай бошқача. Агар аёл киши қизидан кўра ўн ёш ёшроқ кўринишга эришган бўлса, у шунинг ўзига бемалол қаноат қилаверади. Улар билан мириқиб суҳбатлашишни ўйламай қўяқолинг. Бутун Лондонда бемалол гурунглашсангиз арзийдиган бешта аёл топилса топилади, бўлмаса — йўқ. Шу бештанинг ҳам иккитаси тузукроқ давраларга номуносиб аёллар... Буларни қўйинг, келинг, ўзингизнинг даҳо аёлингиз тўғрисида гапириб беринг. Сиз у билан кўпдан бери танишмисиз?

— Оҳ, Гарри, сизнинг мулоҳазаларингиз мени даҳшатга солади.

— Ҳечқиси йўқ. Сиз у аёл билан қачон танишгансиз?

— Уч ҳафтalar муқаддам.

— Қаерда?

— Ҳозир айтиб бераман. Лекин мени ундан совитаман деб бекорга уринманг, Гарри! Сирасини айтганда, сиз билан учрашмаган бўлганимда, бу гапларнинг ҳеч қайсиси йўқ эди: чунки менда ҳаёт тўғрисида ҳамма нарсани билишга ёлқинли иштиёқни сиз уйғотдингиз. Бэзилникадаги учрашувимиздан кейин мен тинчимни йўқотиб қўйдим, менинг ҳар бир томирим ҳаракатга келди. Парк бўйлаб ёхуд Пикадиллида санқиб юрар эканман, рўпара келган ҳар бир кимсага қизиқиш билан синчиқлаб назар сола бошладим, унинг қай тарзда турмуш кечиришини билишга уриндим. Баъзи бировлар мени ўзига тортар эди. Бошқалар менинг юрагимга қўрқув соларди. Гўё ҳавода аллақандай ширин оғу сузиб юргандай эди. Янги таассуротлар иштиёқи менга азоб бера бошлаган эди... Шундай қилиб, бир кун кечқурун соат еттиларда бирон янгилликка рўпара келиш иштиёқида Лондон бўйлаб санқий бошладим. Сиз тасвирлаб берганингиз каби бизнинг лак-лак аҳоли яшайдиган, жирканч гуноҳкорлари, мафтункор иллатлари бисёр шаҳаримизда менга ҳам аталган насиба борлигини ҳис қилдим. Менинг хаёлимдан минглаб нарсаларнинг суврати кечди... Ҳатто мени кутиб ётган хавфу-хатарлар ҳақида ҳам завқ билан хаёл сурдим. Биз сиз билан биринчи марта бирга тушлик қилган ўша ажойиб оқшомда айтган гапингизни эсладим. “Бахтнинг чинакам сири — гўзалликни изламоқдadir” деган эдингиз ўшанда. Нима кутаётганимни ўзим билмаган ҳолда уйдан чиқиб, Ист-Энд томонга йўл олдим. Орадан кўп ўтмай, ифлос ва исқирт кўчалар, кўкатсиз хиёбонлар орасида адашиб қолдим. Соат саккиз яримларда аллақандай ғарибгина бир театр ёнидан ўтиб қолдим. Унинг олдида бесўнақай газли

<sup>1</sup> Упа-элик (Франц.).

<sup>2</sup> Зукколик (Франц.).

чироқлари ёниб турар ва кираверишида баҳайбат афишаси бор эди. Эшик олдида бир қасанғи яҳудий дарбон экан. Унинг устида алмисоқдан қолган жилетка, лабида арзон сигара. Сочларининг ёғи чиқиб кетибди. Лекин исқирт енгиде жуда катта бриллиант ялтираб турипти.

— Ложа олишни ихтиёр этмайдиларми, афандим? — деб таклиф қилди у мени кўриши ҳамона ва ясама такаллуф билан бошидан шляпасини олди. Бу бадбашара одам жуда гаройиб кўринди кўзимга. Сиз, албатта, устимдан куласиз, лекин тасаввур қилинг, Гарри — мен ичкарига кириб, саҳна яқинидаги ложа учун нақд бир гиней пул тўладим. Қандай қилиб шунақа бўлиб қолганига шу пайтга қадар ақлим етмайди. Бироқ шундай қилмаганимда, ҳа, азизим Гарри, агар шундай қилмаганимда, ҳаётимдаги энг гўзал муҳаббат саргузаштини бой бериб қўяр эканман... Сиз куляспизми? Худо ҳақи, бу ишингиз жуда ноўрин!

— Мен кулаётганим йўқ, Дориан. Ҳар ҳолда, кулаётган бўлсам ҳам, сиздан кулаётганим йўқ. Буни ҳаётингиздаги энг гўзал муҳаббат саргузашти деб ҳам ўтирманг. Ундан кўра “биринчиси” денг. Сизга ҳамиша ошиқу беқарор бўлишади, сиз эса ҳамиша севгини севасиз. Grande passion<sup>1</sup> — умрини бекорчилик билан ўтказадиган одамларнинг маҳрига тушган. Меҳнат қилмайдиган синфлар вакиллари қобил бўлган ягона нарсанинг ўзи шу! Қўрқманг, ҳали олдинда сизни кўпдан-кўп ажойиб кечинмалар кутмоқда. Буни фақат бошланиши, холос.

— Нима бало, сиз мени шу даражада юзаки одам деб ҳисоблайсизми? — деб хитоб қилди Дориан Грей.

— Аксинча, теран ҳиссиёт эгаси деб биламан.

— Нечук?

— Азизим, юзаки одамлар деб мен умрида фақат бир марта севадиган одамларни биламан. Уларнинг “вафодорлик” деб аталмиш сифати, садоқати — кўникилган одатнинг талвасаси ёхуд хаёлот дунёсининг қашшоқлигидан ўзга нарса эмас. Муҳаббатдаги вафодорлик ҳам худди фикрлардаги изчиллик ёхуд барқарорликка ўхшаган заифликни исбот қилувчи далил, холос... Садоқат эмиш... Бир вақтлар фурсати келса, мен бу туйғунинг таҳлили билан махсус шуғулланаман. Бу туйғуда мулкдорнинг тўймаслиги бор. Биз жуда кўп нарсаларни бажонидил улоқтириб ташладик. Бироқ биз улоқтирган нарсаларни бошқа бировлар илиб кетади деган хавотир бизни шундай қилишдан сақлаб туради... Майли, майли, энди гапингизни бўлмайман. Давом этаверинг.

— Шундай қилиб десангиз, мен саҳнанинг шундоққина биқинида жойлашган турқи совуқ, тор ложага тушиб қолдим. Кўз олдимда олақуроқ бўялган парда. Мен зални кўздан кечири бошладим. У ортиқча ҳашам билан безатилган экан. Ҳамма ёқда муҳаббат фаришталари-ю, арзон-гаров никоҳ тортига ўхшаган очил дастурхонлар. Орқа томондаги қаторларда ва галереяларда одам тирбанд, биринчи қаторлардаги эскириб кетган ўриндиқлар бўм-бўш, бу ерларда балкон деб аташадиган жойларда ҳам биронта тирик жон йўқ. Қаторлар оралаб пивофурушлар, апельсинфурушлар изгиб юраркан, томошабинлар эса оғизлари тинмай писта чақишар экан.

— Баайни Британия драмаси гуллаб-яшнаган шукуҳли кунлардаги каби...

— Ҳа, бўлса бордир. Театрдаги муҳит кишини эзиб юборар экан. Театрдан чиқиб кетаман-да, деган тўхтамга келиб, энди кўзгала бошлаган эдим, кўзим ногаҳон афишага тушди. Нима деб ўйлайсиз, Гарри, ўша оқшом саҳнада қайси пьеса ўйналмоқда эди?

— “Телба” ёхуд “Бегуноҳ соқов”гами ўхшаш биронта асар бўлса керак-да. Боболаримиз шунақа асарларни ёқтиришарди. Мен дунёда яшаганим сари, Дориан, ишни равшанроқ кўрмоқдаманки, боболаримизга манзур бўлган нарсалар ортиқ бизни қониқтирмай қўйган. Санъатда ҳам, худди сиёсатдаги каби Les grands-pères ont tousjours tort<sup>2</sup>.

— Бу пьеса, Гарри, биз учун ҳам старли даражада яхши. Шекспирнинг “Ромео ва Джульета”си. Очигини айтсам, бошда Шекспир учун хўрлигим келиб кетди, уни шу даражада хароб театрда кўйишалими? Айни чоғда, бу ҳол мени анча қизиқ-

<sup>1</sup> Буюк эҳтирос (Франц.).

<sup>2</sup> Боболар ҳамиша ноҳақ. (Франц.)

тириб қолди. Ҳар ҳолда, мен биринчи пардани кўришга жазм қилдим. Оркестр бе-мазадан бемаза чала бошлади. Уни шалағи чиққан пионининг ёнида ўтирган ёш яҳудий йигит бошқарарди. Бу мусиқанинг дастидан залдан қочиб чиқиб кетишимга сал қолди. Ниҳоят, парда кўтарилиб, томоша бошланди. Ромео ролини ёши ўтинқираб қолган семиз бир эркак ўйнади. У қуюқ ясама қош ёпиштириб олган, овози хириллаган эди. Қадди-қомаги пиво бочкасини эслатарди. Меркуцио анча дурустроқ эди. Бу ролни масҳарабозлик томошаларини ўйнаб ўрганган бир комик ижро этарди. У матнга истаган гапни қўшиб ўзгартирарди. Галереядаги томошабинлар уни маъқуллаб, ичаклари узилгунча қаҳ-қаҳ кулишарди. Бу иккала актёр ҳам худди саҳнадаги декорациялардек жуда бемаъни эди. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, спектаклга бозор бошида бўладиган оддий бир масҳарабозлик тусини берганди. Аммо Жульетта! Гарри, ўн етти ёшлардаги чеҳраси баайни гулдек нафис, юнонларники сингари бежирим бошида қора сочлари чамбарак бир қизни кўз олдингизга келтиринг. Кўзлари эҳтироснинг мовий кўли, лаблари мисоли ғунча. Мен умримда биринчи марта бунақа нажиб гўзалликни кўришим! Сиз бир гал бир гап айтган эдингиз. Ҳеч қанақа баландпарвоз гаплар менга таъсир қилмайди, лекин гўзаллик, ёлғиз баркамол ҳусни таважжуҳгина сизга таъсир қилиб, кўзингиздан ёшлар оқизиши мумкин дегандингиз. Шунақа экан, Гарри, мен бу қизни зўр-базўр кўра олдим, чунки қуйилиб келган ёшлардан кўзим хиралашди. Овозини айтмайсизми! Мен умрим бино бўлиб, бунақа овозни эшитмаган эдим. Аввал бу овоз жуда паст эшитилади, лекин унинг ҳар бир жилоси, кишини эркалатувчи ҳар бир оҳанги дона-дона бўлиб қалбингизга қуйилгандай бўлади. Кейин овоз сал кўтарилади — энди у майин бир найдек ёхуд олис-олислардан келаётган сурнай овозидек эшитилади. Боғдаги саҳнада унда тонг чоғида булбул навосида эшитиладиган кумуш қўнғироқчалар садоси жаранглайди. Шундай дақиқалар бўладикки, унда скрипканинг нолакор фигони янграйди. Бирор одамнинг овози кишини нечоғлик ҳаяжонлантириши мумкинлигини сиз яхши биласиз. Сизнинг овозингиз билан Сибиланинг овозини мен ҳеч қачон унутмайман. Кўзимни юмишим билан, қулоғимда сизларнинг овозингиз янграйди. Уларнинг ҳар бири менга бошқа нарсани гапиради ва мен уларнинг қай бирига қулоқ солишни билмай қоламан... Шундоқ экан, қандай қилиб мен уни севиб қолмаслигим мумкин эди? Гарри, мен уни севаман. У менинг жону жаҳоним! Ҳар оқшом мен уни саҳнада кўраман. Бугун у — Розалинда, эртага — Имоджена. Мен уни Италияда мақбаранинг зулмати ичида жон бераётган ҳолда кўрдим, севгилисининг лабларидан бўса олаётиб, оғуни сўриб олганини кўрдим. Мен уни йигитчасига кийиниб олиб, Арденна ўрмонларида сайр қилиб юрган кезларида кўрдим. Йигитлик либоси унга жуда ярашган эди — калта камзули бежирим, шими тор, оёқларига ёпишиб турипти, бошида чиройлик қалпоқча. Телба ҳолатда у жинойтчи қиролнинг ҳузурига келиб, унга доривор ўсимликларни узатади. У бегуноҳ Дездемона бўлганини, рашкнинг қора қўллари унинг қамишдек нозик бўйинини бўғганини кўрдим. Мен уни ҳамма асрларда, турфа хил либосларда кўрдим. Оддий аёллар бизнинг хаёлотимизни жунбушга келтирмайди. Улар ўз замонасининг чегарасидан чиқиб кетолмайди. Улар сеҳргарлардек бир думалаб бошқа қиёфага кириб қололмайди. Уларнинг қалпоқчалари бизга қанчалик таниш бўлса, қалблари ҳам шунчалик яхши таниш. Уларнинг сирлари йўқ. Эрталаблар улар от миниб, паркда сайр қилишади, кундуз кунлари эса чой ичишиб ўтириб, танишлари билан гап сотишади. Уларнинг юзларидан табассум аримайди, ўзларини тутишлари ҳам жойида. Улар биз учун очиқ китобдай гап. Аммо артист аёл-чи, артист аёл — бутунлай бошқа бир олам. Нима учун менга фақат артист аёлгина севишга арзийди деган гапни айтмагансиз, Гарри?

— Шунинг учунки, мен жуда кўп артист аёлларни яхши кўрганман, Дориан.

— О, мен бу даҳшатли аёлларни ҳам биламан — бошларида саватдай бўялган соч, башаралари пардоздан ола-чалпак.

— Бўялган сочлар билан пардоздан ола-чалпак чеҳраларни ёмон кўрманг, Дориан! Баъзан уларда алланечук бир ғаройиб латофатни кўрасан, киши.

— Ростини айтсам, сизга Сибила Вэйн тўғрисида гапириб берганимдан афсусланяпман.

— Бу гапларни менга айтмаслигингиз мумкин эмас эди, Дориан. Сиз бутун умрингиз давомида юрак сирларингизни менга ишониб гапириб юрасиз.

— Ҳа, Гарри, сиз ҳақ бўлсангиз керак. Мен сиздан ҳеч нарсани яширолмаман. Менинг устимдан алланечук англаб бўлмайдиган ҳукмингиз бор. Мабодо мен бирон замон жиноят қилиб қўйганимда ҳам, барибир, келиб сизга айтиб берган бўлардим. Сиз менинг ҳолимни англар эдингиз.

— Сизга ўхшаган одамлар, Дориан, айтганидан қайтмайдиган қуёш нурига ўхшайди. Бу нур ҳаётни шуълалантириб туради. Улар жиноят қилишмайди. Менинг тўғримдаги яхши фикрингиз учун сизга минг бор ташаккур! Қани, энди айтинг-чи... Марҳамат қилиб, менга гугуртни узатиб юборинг! Миннатдорман... Қани, айтинг-чи, Сибила Вэйн билан ўрталарингдаги муносабат қай даражага етди?

Дориан сапчиб ўрнидан турди. У қизариб-гезариб кетганди, кўзлари эса чақнаб турарди.

— Гарри! Сибила Вэйн мен учун бир илоҳа!

— Фақат илоҳаларга қўл тегизса арзийди, Дориан, — деди лорд Генри. Унинг оҳангида бир оз кўтаринкилик бор эди.

— Нега энди аччиғингиз келади? Мен ўйлайманки, эртами-кечми, барибир, у сизники бўлади. Ошиқлик одамнинг ўз-ўзини алдашидан бошланади, бошқани алдаш билан эса тамом бўлади. Ана шуни ишқий можаро деб аташ расм бўлган. Сиз у билан лоақал танишиб олгандирсиз дейман?

— Ҳа, албатта. Биринчи оқшомдаёқ анави яҳудий дарбон спектаклдан кейин ложага келиб, мени саҳна орқасига олиб ўтиши мумкинлигини, истасам, Жульетта билан таништириб қўяжагини айтди. Мен қизишиб кетиб, Жульетта бир неча юз йил аввал ўлиб кетганини, унинг хоки Веронадаги мармар мақбарада эканини айтдим. У донг қолиб, менинг гапларимни эшитди, афтидан, мени шампан виносидан керагидан ортиқ ичиб қўйган деб ўйлади, шекилли...

— Бўлиши мумкин.

— Кейин мендан “газеталарга ёзиб турмайсизми?” деб сўради. Мен ёзиш у ёқда турсин, уларни ҳатто ўқимайман ҳам деб жавоб бердим. Афтидан, унинг тарвузи қўлтиғидан тушди, шекилли. У менга ҳамма театр танқидчилари унга қарши тил бириктириб олганини, уларнинг ҳаммаси сотқин эканини айтди.

— Унинг бу фикрига қўшилса бўлади. Лекин уларнинг аҳволини назарга олса, танқидчиларнинг кўпчилиги унчалик катта пулга сотилмайдиган кўринади.

— Ҳар нима бўлганда ҳам, у танқидчиларга тўлашга кучим етмайди деб ўйлади, шекилли, — деди Дориан жилмайиб. — Бизнинг гапимиз тамом бўлмай, театрда чироқларни ўчира бошлашди. Мен кетмоғим керак эди. Яҳудий зўр бериб аллақандай сигараларини мақтай-мақтай, менга тикиштира бошлади, лекин мен улардан ҳам бўйин товладим. Эртасига кечқурун мен, албатта, театрга яна келдим. Яҳудий мени кўриб, ергача эгилиб таъзим қилди-да, сиз санъатнинг саҳий ҳомийси экансиз, деди. Жуда сўхтаси совуқ одам-у, лекин мен сизга айтсам, Шекспирнинг шайдоси экан. У ички бир ифтихор билан “бард”га (У ўжарлик билан Шекспирни шундай деб атайди) бўлган муҳаббати туфайли беш марта ўтга тушгандай куйганини айтиб берди. У буни ўзининг буюк хизмати деб ҳисоблайдиган кўринади.

— Бу чиндан ҳам катта хизмат, азизим, жуда катта хизмат! Кўпчилик одамлар Шекспирга муҳаббатлари туфайли эмас, кундалик турмушнинг жўн ташвишлари туфайли ўтга тушгандай чув тушадилар. Шеърятга муҳаббати туфайли хонавайрон бўлиб, молу мулкидан ажралиш бу — шарафдир... Хўш, мисс Сибила Вэйн билан биринчи марта қачон гаплашдингиз?

— Учинчи оқшомда. Ўша куни у Розалинда ролида чиққанди. Мен, ниҳоят, яҳудийнинг аврашларига кўндим ва саҳна ортига ўтдим. Бунгача мен унга гул ташладим ва у мен томонга бир қараб қўйди... Ё менга шундай туюлди?... Кекса яҳудий бўлса ҳамон қисташни қўймасди. Афтидан, у ҳар нима бўлганда ҳам мени Сибила билан таништириб қўйишга қаттиқ жазм қилган кўринади. Хуллас, мен кўндим. Менинг Сибила билан танишишни шу қадар хоҳламаганим жуда ғалати, а, шундоқ эмасми?

— Йўқ, ҳеч ғалати жойи йўқ.



— Нега энди, Гарри?

— Кейин бирор кунни тушунтириб берарман. Ҳозир эса бу қиз ҳақидаги ҳикоян-гизни охиригача эшитиб олсам дегандим.

— Сибила ҳақидами? Бу қиз бирам тортинчоқ, бирам ҳаёли... Кўп жиҳати болага ўхшайди. Мен унинг ижроси ҳақида завқ-шавқ билан гапира бошласам, у кўзларини катта очиб, ҳайрон бўлиб туради, — қанақа зўр истеъдоди борлигини ўзи билмайдими дейман-да. Ўша кунни кечқурун биз икковимиз ҳам анча-мунча хижолатга қолдик. Яҳудий серчанг фойенинг эшигида туриб олиб узлуксиз гап сотарди. Биз эса худди болалардек бир-биримизга тикилганча индамай тикка турардик. Қария ҳадеганда мени “милорд” деб аташини қўймасди, мен шоша-пиша Сибилага мутлақо лорд эмаслигимни уқтиришга уриндим. У бўлса кўнгилчанлик билан “Сиз лорд эмас, бошқа эмас, шаҳзодага кўпроқ ўхшайсиз. Мен сизни “Соҳибжамол Шаҳзода” деб атайман” деди.

— Худо ҳаққи, миссис Сибила хушомадни ўрнига қўяр экан!

— Йўқ, Гарри, сиз тушунмаяпсиз: Сибила учун мен бирон пьесанинг қаҳрамонидай одамман. У ҳаётни мутлақо билмайди. Онаси билан бирга ўтиради. Онаси сўлиб қолган бир муштипар аёл. Биринчи оқшомда у леди Капулетти ролини аллақандай қизил қалпоқда ижро этди. Бу аёл бир замонлар яхши кунларни ҳам кечиргани сезилиб турипти.

— Бунақа аёлларни учратганим бор... Улар ҳамиша мени қайғуга солади, — деб гап қўшди лорд Генри узугини кўздан кечирар экан.

— Яҳудий менга унинг тарихини гапириб бермоқчи бўлди, бироқ бу мени қизиқтирмайди деб унинг гапига қулоқ солмадим.

— Тўғри қилибсиз. Ўзгаларнинг бошига тушган оғир савдоларда ҳаддан ташқари аянчли бир нарса бўлади.

— Мени фақат Сибиланинг ўзи қизиқтиради. Унинг оиласи-ю, насл-насаби билан нима ишим бор? Унинг ҳамма нарсаси баркамол, бошидан тортиб оёқларигача ҳаммаси илоҳаники каби. Мен ҳар оқшом уни саҳнада кўриш учун бориб турибман ва ҳар оқшом у менга борган сари баркамолроқ ва ажиброқ кўриняпти.

— Шунинг учун оқшомлари мен билан бирга тамадди қилмай қўйган экансизда? Мен ўзим ҳам биронтаси жигарингиздан урган бўлса керак, деб ўйлаб юргандим. Лекин бу буткул мен кутган нарса эмас, бутунлай бошқа нарса.

— Гарри, азизим, биз ахир, ҳар кунни ё тушликни, ё кечки тамаддини бирга қиламиз! Бундан ташқари, мен бир неча марта сиз билан бирга операга бордим, — деб эътироз билдирди Дориан ҳайратланиб.

— Тўғрику-я! Лекин сиз ҳар гал шафқатсизларча кеч қоласиз.

— Иложим қанча! Мен ҳар оқшом Сибилани кўрмасам бўлмайди. Лоақал бир пардада. Мен ҳозирдан усиз яшайолмайдиган бўлиб қолдим. Унинг фил суягидан йўниб ясалганга ўхшаш нозик гавдасига жойлашган ажойиб қалби ҳақида ўйласам, бутун вужудимда роҳатбахш титроқ туради.

— Бугун-чи, Дориан? Мен билан бирга тушлик қилаолмайсизми?

Дориан бош чайқади.

— Бугун Сибила Ижоджена ролида чиқади. Эртага кечқурун Жульеттани ўйнайди.

— Унда қачон Сибила Вэйн бўлади?

— Ҳеч қачон.

— Ундай бўлса, сизни табрикласа бўларкан!

— Аҳ, Гарри, бирам пичингга устасиз-ей! Тушунсангиз-чи, бу аёлда жаҳоннинг жамики улуғ қаҳрамон аёллари тажассум топган. У бир кишидан ортиқроқ кимса. Куляпсизми? Мен эса сизга дейманки, бу аёл — даҳо. Мен уни севаман ва у ҳам мени севиб қолмоғи учун ҳамма ишни қиламан. Сиз ҳаётнинг ҳамма сиру асроридан воқиф одамсиз, шундоқ бўлгач, менга Сибила Вэйни ром қилиш йўллариини ўргатинг. Мен Ромеога кундош бўлмоқни истайман, майли, у рашк ўтида қоврилиб жизгинаги чиқсин. Истайманки, бир замонлар ер юзида яшаб ўтган ошиқларнинг ҳаммаси гўрда ётган жойларида бизнинг кулгимизни эшитишсин ва бизнинг эҳтиросларимиз нафаси уларнинг хокини безовта қилсин, уни уйғотсин ва изтироб чекишга мажбур қилсин. Эй, худойим-ей, Гарри, мен уни нақадар яхши кўришимни кошки билсангиз эди.

Бу гапларни айтар экан, Дориан ҳаяжон ичида хона бўйлаб одимлаб юрди. Ҳаяжондан унинг икки бети қип-қизил бўлиб кетганди. У ҳаддан ташқари жунбушга келган эди.

Лорд Генри яширин бир лаззат билан уни кузатиб турарди. Ҳозирги Дориан яқиндагина лорд Генри Безил Холлуорднинг устахонада учратган тортинчоқ ва ҳар нарсадан ҳайиқувчан болага сира ўхшамас эди. Унинг бор сийрати гулдек очилган, гулгун олов бўлиб яшнаб кетган эди. Қалб ўзининг пинҳона кулбасидан ташқарига чиққан ва иштиёқ уни қарши олиш учун ошиқмоқда эди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради ниҳоят лорд Генри.

— Сиз билан Безил бирор куни менга қўшилиб театрга борсанглар-да, уни саҳнада кўрсанглар. Заррача шубҳам йўқки, сизлар ҳам унинг истеъдодини юқори баҳолайсизлар. Кейин уни анави мутба ҳам яҳудийнинг қўлидан тортиб олиш керак. Сибила у билан уч йилга шартнома тузган. Ҳозир яна икки йил-у саккиз ойи қолган. Албатта, мен бу яҳудийга ҳақини тўлайман. Бу ғалва баргараф бўлгач, мен Вест-Эндда бирор театрни ижарага олиб, Сибиланинг ҳамма истеъдодини одамларга намоиш қиламан. У мени қандай лол қолдирган бўлса, бошқаларнинг ҳам ақлини олиб, қойил қолдиради.

— Бунга эришмоқ қийин бўлар-ов, азизим!

— Кўрасиз ҳали! Унда нафақат жуда ажойиб санъаткорлик туйғуси бор, у ниҳоя ёрқин шахсиятга ҳам эга. Сиз ўзингиз менга неча марталаб айтгансиз — бизнинг давримизда дунёни ғоялар эмас, шахслар бошқаради.

— Жуда соз! Хўш, қачон театрга борамиз?

— Ҳозир ўйлаб олай... Бугун сешанба. Келинг, эртага борайлик. Эртага у Жульетгани ўйнайди.

— Жуда яхши! Соат саккизда “Бристол”да учрашамиз. Мен Безилни бошлаб келаман.

— Фақат саккизда эмас, Гарри, олти яримда. Биз театрга парда кўтарилмасдан олдин кириб улгурмоғимиз керак. Мен Жульетта биринчи марта Ромеони учратадиган саҳнада кўришларингни истайман.

— Олти яримда! Жуда эрта-ку? Театрга бунақа эрта бориш инглиз романини ўқиган каби паст кетиш билан баробар-ку! Йўқ, келинг, етти бўлақолсин. Ўзини ҳурмат қиладиган биронга одам еттидан олдин тушлик қилмайди. Балки, сиз бундан аввал Бэзилни кига бориб келарсиз? Ёки унга икки энлик хат ёзиб юборсаммикин?

— Азизим Бэзил! Мана, бир ҳафтадирки, мен унинг кўзига кўринаётганим йўқ. Жуда ҳам уят бўлиб кетди-да! Ахир, у менга портретимни жуда чиройли рамкага солиб бериб юборипти. Рамка ҳам унинг буюртмаси билан чизмаларига қараб ишланган экан... Очиғини айтганда, мен бу сувратимга жиндай ҳасад қиламан, чунки у мендан бир ойга ёшроқ. Лекин тан оламан, портретим менга жуда ёқади. Сиз ўзингиз Бэзилга ёзиб юбора қолсангиз бўлармиди? Ҳозир у билан юзма-юз учрашишга хоҳишим йўғроқ. У нимаики деса, ҳамма гапидан юрагим сиқиладиган бўлиб қолипти. У доимий тарзда менга яхши маслаҳатлар бериб келмоқда.

Лорд Генри жилмайди.

— Баъзи одамлар ўзларига жуда зарур бўлган нарсаларни бажону дил бошқаларга бериб юбораверадилар. Олижанобликнинг энг юксак намунаси деса арзийди бун!

— Бэзил жуда бағри кенг инсон-да, лекин жиндай маҳдудлиги ҳам бор. Мен сизни таниб билганимдан кейин буну тушундим, Гарри.

— Биласизми, дўстим, Бэзил ўзидан мавжуд жамики яхши сифатларни ўзининг асарларига сингирарди. Шу тарзда, унинг яшамоғи учун фақат бидъатлари, ахлоқ қоидалари ва соғлом ақл қолади, холос. Мен билган рассомлар ичида фақат истеъдодсизларигина офатижон одамлар бўлади. Истеъдодлари ўз ижодлари билан яшайдилар, шунинг учун ўз-ўзича олганда, сира ҳам мароқли жойлари бўлмайди. Улуғ шоир агарда у чиндан ҳам улуғ бўлса, ҳамиша жуда ҳам жўн одам бўлиб чиқади. Иккинчи даражали одамлар бўлса, латофатли бўлишади. Уларнинг шеърлари нечоғлик ночор бўлса, қиёфалари-ю қилиқлари шунчалик дабдабалироқ бўлади. Агар бирор одам бемаза сонетлар тўпламини чиқарган бўлса, аввалдан комил ишонч билан айтиш мумкинки, у, албатта, жуда жозибадор бўлади. У ўзининг шеърларига жо қилолмаган нафосатни ўзининг сувратига, турмуш тарзига

жо қилади. Бошқа тоифага мансуб шоирлар бўлса, ҳаётга олиб киришга юраклари дов бермаган нафосатни қоғоз бетларига тўкиб соладилар.

— Билмадим-ов, бу гапингиз тўғрими, йўқми, Гарри, — деб луқма ташлади Дориан Грей стол устида турган зарҳал пўкакли шиша идишдаги атирдан дастрўмолига томиза туриб. — Мадомики, сиз шундоқ деяётганингиздан кейин тўғри бўлса керак... Майли, мен кетай энди. Мени Иоджена кутяпти. Эртаги учрашув эсингиздан чиқмасин. Хайр.

Ёлғиз қолган Гарри кўзларини юмиб, ўйга толди. Шак-шубҳа йўқки, уни ҳеч ким Дориан Грейчалик қизиқтирмас эди, аммо бу йигитнинг кимнидир жон-дилидан яхши кўриб қолгани лорд Генрининг қалбида заррача ҳам рашк ёхуд таассуф туйғусини туғдирмади. Аксинча, у бундан мамнун бўлганди — энди Дорианни янада кўпроқ мароқ билан ўрганса бўлади. Лорд Генри доимо табиатшуносларнинг илмий усуллари қаршисида таъзим қилар эди, аммо улар ўрганадиган соҳани зерикарли ва аҳамиятсиз деб ҳисобларди. Ўз тадқиқотларини у аввал ўз-ўзини батафсил таҳлил қилишдан бошлади, кейин эса бошқаларни ипидан игнасиғача таҳлил қилишга ўтди. Инсон ҳаётигина унга ўрганишга арзийдиган бирдан-бир соҳа бўлиб кўринарди. У билан таққослаганда бошқа ҳеч нарса ҳеч қандай қимматга эга эмасди. Ва, албаттаки, қувончлару изтироблар аралашиб кетган ўзига хос ҳаёт қозонининг қайнашини ўрганувчи тадқиқотчи нафасни бўғувчи ҳар хил бадбўй ҳаволардан, мияни ва хаёлотни заҳарловчи мудҳиш тимсоллару даҳшатли алжирашлардан ҳимояланиш учун юзига шиша ниқоб тутиб ололмайди. Бу қозонда шунақа нозик оғулар пайдо бўладики, унинг заҳарини ўзинг татиб кўрмагунча, сифатларни ўргана олмайсан, бу қозонда шунақа ғаройиб хасталиклар қалашаб кетганки, бу хасталикларни ўзинг бошингдан кечирмагунча уларнинг табиатини тушуна олмайсан. Шундай бўлса-да, довжорак тадқиқотчини нақадар улуғ мукофотлар кутади! Олам унинг нигоҳи қаршисида нақадар ғаройиб қирраларини намоён қилади! Эҳтироснинг бениҳоя шафқатсиз мантигини, ақлнинг ранго-ранг туйғулар билан безанган ҳаётини англаб етиш, қачон улар бир-бирлари билан кесишади ва қачон бир-бирларидан яна ажраб кетади, уларнинг муштарақлиги нимада-ю, бир-биридан ажратиб турадиган хислатлари нимада — буларни билишдан ҳам ортиқроқ лаззат борми? Нималар эвазига бунга эришилиши барибир эмасми? Ҳали тадқиқ қилинмаган ҳар бир сезги учун истаганча ҳақ тўласа алам қилмайди!

Лорд Генри тушуниб турипти — айна унинг гап-сўзлари, уларни айтаётганда жангдор овозига сингиб кетган мусиқа Дорианнинг қалбини бу гўзал қизга жалб қилди ва уни бу қиз қаршисида бош эгиб таъзим қилишга мажбур этди. Шунини ўйлаганда унинг қўнғир кўзлари алпанечук қувонч билан чарақлаб кетарди. Ҳа, бу йигитни кўп жиҳатдан лорд Генри барпо этди, деса бўлади. Унда лорд Генри сабаб бўлиб шунчалар эрта ҳаётга иштиёқ уйғонди. Бу, ахир, жуда катта ютуқ эмасми? Оддий одамлар ҳаётнинг ўзи уларга ўз сирларини намоён этишини кутиб ётишади, камдан-кам кимсаларгагина ҳаёт сирлари парда кўтарилмасдан аввал намоён бўлади. Баъзан санъат (ва асосан, адабиёт) ақллар ҳамда туйғуларга бевосита таъсир кўрсатиш йўли билан бунга ёрдам беради. Аммо шундай ҳам бўлиши мумкинки, бундай ҳолларда санъатнинг вазифасини мураккаб қалбга эга бўлган биронта одам ўз зиммасига олмоғи мумкин. Бундай одамнинг ўзи ҳам одатда санъат томонидан барпо этилган бўлади, чунки Ҳаёт ҳам худди шеърят ёхуд ҳайкалтарошлик ёки тасвирий санъат каби ўзининг дурдоналарини яратиши мумкин.

Ҳа, Дориан эрта балоғатга етди. Ҳали унинг баҳори келгани йўқ, у эса ҳозирдан ҳосилини йиғишга киришди. Унинг қалби навқиронлик ғайратига тўла, унинг томирларида ҳаёт ишқи кўпириб тошмоқда. Бунинг устига аллақачон у ўзини ўзи таҳлил ҳам қила бошлади. Уни кузатишнинг ўзи — нақадар ҳузур бахш этади! Гўзал чеҳраси ва гўзал қалбли бу йигит ўзига жонли қизиқиш уйғотади. Буларнинг бари нима билан тамом бўлиши, уни қандай тақдир кутаётгани бари бир эмасми? У пьесалар ва бошқа саҳна асарларининг бир тоифа қаҳрамонларига ўхшайди — уларнинг қувончлари бизга бегона, бироқ изтироблари бизда гўзаллик иш-қини уйғотади. Уларнинг жароҳатлари — атиргуллар!

Жон ва тан, тан ва жон — булар мангу жумбоқ! Қалба ҳайвоний майллар биқиниб ётади, тан эса завқёб дақиқаларни ҳам бошидан кечирмоғи мумкин. Ҳиссий майллар нафислик касб этмоғи, ақл эса ўтмаслашмоғи мумкин. Қачон тан

тилдан қолади-ю, қачон қалб тилга киради — буни ким айтиб бераолади? Рухшуносларнинг мутакаббирлик билан олдинга сурадиган даъволари нақадар юзаки ва нақадар асоссиз! Яна бунинг устига, мактаблар ва оқимларнинг қай бири ҳақиқатга яқинроқ эканини аниқлаш қийинлигини айтмайсизми? Чиндан инсон қалби — гуноҳларга мойил қобикқа бурканган соя, холосми? Ёки Жордано Бруно тахмин қилганидай, тан руҳнинг сийратига жойлашганми? Қалб билан таннинг қовушиши қанчалик жумбоқ бўлса, уларнинг бирлашиши ҳам ақл бовар қилмайдиган жумбоқ!

Лорд Генри ўзига ўзи савол бериб турарди — қачонлардир вақти-соати келиб, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз билан психология ҳам мутлақо аниқ фан даражасига кўтарилармикин? Бизнинг ички ҳаётимиздаги ҳар бир иштиёқни, ҳар бир пинҳона сифатни очиб бера оладиган қудрат касб этармикин? Ҳозирча биз ўзимизни англамаймиз ва камдан-кам ҳолларда бошқаларни англаймиз. Тажриба ҳеч қанақа маънавий аҳамиятга эга эмас; одамлар тажриба деб ўз хатоларини айтдилар. Ахлоқпарастлар тажрибада ҳамиша бизни огоҳлантириш вазифасини кўришган ва унинг хулқ-атворни шакллантиришга таъсири катта деб ҳисоблашган. Улар тажрибага мадҳиялар ўқишган, чунки тажриба бизни нималарга амал қилиш ва нималарни четлаб ўтиш кераклигига ўргатади деб билишган. Аммо тажриба ҳаракатлантирувчи қувватга эга эмас. Инсон онгида таъсир қилиш қобилияти нақадар кам бўлса, тажрибада ҳам худди шу аҳвол мавжуд. Моҳият эътибори билан у фақат бир нарсадан гувоҳлик беради — бизнинг келажагимиз одатда бизнинг ўтмишимизга ўхшаган бўлади ва биз бирда ларзага тушиб қолган гуноҳимизни ҳаётимизда кўп марталаб қайта-қайта такрорлаймиз, бироқ энди у гуноҳларни ҳузур қилиб, лаззат билан қиламиз.

Лорд Генри учун шу нарса аён эдики, эҳтиросларнинг илмий таҳлилига фақат тажрибалар йўли билан эришиш мумкин. Дориан Грей эса шундоққина ёнгинасида, жуда маъқул бир кимса, уни ўрганса, жуда яхши самаралар бериши мумкин. Мана, у қўққисдан Сибила Вэйнга ошиқу беқарор бўлиб қолипти. Бу жуда ажойиб руҳий ҳодиса. Албатта, бу ишда қизиқишнинг роли ҳам кам бўлмаган. Ҳа, қизиқиш ва янги кечинмалар иштиёқи ҳам туртки бўлган. Бироқ бу севги шунчаки оддий, жўн бир туйғу эмас, у анча мураккаб. Бу севгида ёшликка хос соф ҳиссий майллар туғдирган жиҳатлар бор. Улар Дорианнинг ўзига ҳиссиётдан узоқ алланечук кўтаринки нарса бўлиб кўринади. Шу сабабга кўра у янада хавфлироқдир. Қайсики эҳтиросларимизнинг табиатини биз нотўғри тушунсак, улар бизнинг устимиздан шунчалик кучлироқ ҳукмронлик қилади. Қайси бир туйғуларимизнинг келиб чиқиши биз учун тушунарли бўлса, улар бошқа туйғуларимиздан заифроқ бўлади. Кўпинча одамзод бошқаларнинг устидан тажриба ўтказяпман деб ўйлайди, ҳолбуки, амалда у ўз устидан тажриба ўтказаётган бўлиб чиқади.

Эшик тақиллаганда лорд Генри ана шуларни ўйлаб ўтирган эди. Мулозим кириб келди ва тушлик учун кийиниш вақти бўлиб қолганини эслатди. Лорд Генри ўрнидан туриб кўчага қаради. Ботиб бораётган қуёшнинг алвон шафағи рўпарадаги уйнинг деразаларида ял-ял этар ва дераза ойналари эриган маъдандай ловилларди. Томлар устидаги осмон туссизгина ним пушти рангда. Лорд Генри эса янги дўстининг оташин ёшлигини ўйлар ва Дорианни қандай тақдир кутаётганини тасаввур қилишга ҳаракат қиларди.

Кечаси соат ўн икки яримларда қайтган лорд Генри даҳлизда стол устида ётган телеграммани кўрди. Унда Дориан Грей Сибила Вэйн билан унаштирилганини маълум қилган эди.

## БЕШИНЧИ БОБ

— Ойи, ойинжон, мен бирам бахтиёрман! — деб шивирларди қиз аёлнинг тиззасига юзини босиб. Аёлнинг чеҳраси ҳорғин ва сўлғин эди. Ғарибгина ва исқиртгина меҳмонхонадаги якка-ю ягона ўриндиқда у ёруққа тескари ўтирарди. — Мен бирам бахтиёрман, — деб такрорлади Сибила. — Сен ҳам хурсанд бўлмоғинг керак.

Миссис Вэйн упу сурилган оппоқ, озгин қўллари билан қизининг бошини қучди.

— Хурсанд бўл дейсанми? — деб жавоб берди у. — Мен Сибила, сени саҳнада

кўрган чоғимдагина хурсанд бўламан. Сен театрдан бошқа нарса тўғрисида ўйла-маслигинг керак. Мистер Айзекс бизга кўп мурувват қилди. Бунинг устига биз ҳали шу пайтга қадар унинг пулини қайтариб берганимиз йўқ...

Қиз бошини кўтариб, ранжиган қиёфада афтини бужмайтирди.

— Пул дейсанми? — деб хитоб қилди у. — Вой, ойи-ей, шу ҳам гапми? Муҳаббат пулдан муҳим-ку!

— Мистер Айзекс қарзларимизни тўлаб қутулмоғимиз учун ва Жеймсни йўлга тузукроқ отлантирмоғимиз учун бизга олдиндан эллик фунт пул берган. Бу эсингдан чиқмасин, Сибила. Эллик фунт — катта пул. Мистер Айзекснинг бизга кўрсатган меҳрибонлиги ҳазил гап эмас.

— Лекин у жентельмен эмас, ойи! Бундан ташқари, унинг мен билан гаплашиш авзои ҳам жинимга ўтиришмайди, — деди қиз ўрнидан туриб деразага яқинлашар экан.

— Билмадим, у бўлмаганда биз нима қилардик? — деб тушкунлик билан жавоб берди она.

Сибила бошини орқага ташлаб кулиб юборди.

— Ортиқ унинг бизга кераги йўқ. Бундан буён бизнинг турмушимиз Гўзал Шаҳзоданинг измида бўлади.

Қиз тўсатдан жимиб қолди. Унинг юзига қон югурди, бир зумда яноқлари қирмизи рангга кирди. Нафас олиши тезлашиб, гунча лаблари очилди. Бутун вужудига титроқ тушди. Қайноқ эҳтирос шамолининг эпкинни келди. Бу шабада ҳатто кўйлагининг нафис бурмаларини ҳам ҳаракатга келтирди.

— Мен уни яхши кўраман, — деди Сибила жўнгина.

— Тентаккинам! Вой тентагим-ей! — деб бунга жавобан тўтиқушдай такрорларди она. Арзон-арзон узуклар тақилган қоқ суяк бармоқларининг ҳаракати унинг сўзларига алланечук машъумлик бағишлади.

Қиз яна кулиб юборди. Унинг кулгисида тузоққа илинган қушнинг гўллиги сезиларди. Унинг кўзларида ҳам шу маъсумлик порлаб турипти. Қиз гўё ўз сирини яширмоқчи бўлгандай, бир зумгина кўзларини юмди. Қиз кўзларини қайта очганида, уларга орзу қуши соя солиб турарди.

Тўзиб кетган ўриндиқда ўтирган она оқил бўлишни тайинлар ва қизни эҳтиёткорликка чорларди ва сийқаси чиққан насиҳатлар билан гапини далилламоқчи бўларди. Бу гаплар Сибиланинг қулоғига кирмасди. Ўз ихтиёри билан муҳаббат асирасига айланган бу қиз ҳозирги дақиқада ёлғиз эмас эди. Унинг севиклиси Гўзал Шаҳзода у билан берга эди. У хотирасини ёрдамга чақирди ва хотираси унинг тимсолини яратиб берди. У ўз қалбини Шаҳзодани излашга йўлади ва қалби етаклаб келди. Унинг бўсаси ҳали қалбларини оташдек куйдирмоқда, юзлари ҳамон унинг нафаси тафтини сезиб турарди.

Бу орада онаси қизга таъсир қилишнинг бошқа йўлини танлади ва текшириб кўриш, суриштириш зарурлиги ҳақида гапира бошлади... Бу йигит, ҳойнаҳой, бадавлат бўлса керак. Агар шундоқ бўлса, турмуш қуришни ўйламоқ даркор... Аммо турмушнинг маккорона тўлқинлари Сибиланинг қулоқларига урилиб, парчаланар, айёрлик ўқлари мўлжалга тегмай хато кетарди. Қиз онасининг энсиз лаблари қимирлаётганидан бошқа нарсани кўрмай, жилмаярди, холос.

Кўққисдан қиз ичидагини тўкиб солишга эҳтиёж сезди. Сўзлар қат-қатига сингиб кетган сукунат уни хавотирга сола бошлади.

— Ойи, ойижон! — дея хитоб қилди у. — Нима учун у мени бу қадар севаркин-а? Мен уни нима учун севиб қолганимни биламан — у баайни Муҳаббатнинг ўзидай гўзал. Бироқ у менинг нимама ни севдийкин? Мен, ахир, унинг тенги эмасман. Лекин шундоқ бўлса ҳам, — нима сабабдан эканини билмайман-у, лекин бутунлай унинг тенги бўлмасам-да, бундан заррача хижолат чекаётганим йўқ. Мен ўз севгимдан ифтихор қиламан, ҳа, жуда ифтихор қиламан! Ойижон, сен ҳам отамни мен Гўзал Шаҳзодани севгандай яхши кўрганмидинг?

Кекса аёлнинг арзон ула-элики аямай суриб олган юзи оқариб кетди, қуришган лаблари оғриқдан буришди. Сибила онасининг ёнига югуриб бориб, уни кучоқлаб ўпди.

— Мени кечиринг, онажон! Биламан, отамни эслаш сизга оғир. Чунки сиз уни жон-дилингиздан яхши кўрадингиз. Қўйинг, ҳадеб хафа бўлаверман! Йигирма

йил аввал сиз қандай бахтиёр бўлган бўлсангиз, ҳозир мен ҳам шундай бахтиёрман. Оҳ, менинг бир умр бахтиёр бўлишимга изн беринг, онажон!

— Қизим, ҳали сен ошиқу беқарор бўлишга жуда ҳам ёшлик қиласан. Бундан ташқари, йигит ҳақида сен нима биласан? Лоақал унинг исмини билмайсан. Бунинг бари ҳаддан ташқари уят. Тўғриси айтганда, Жеймс бизни қолдириб, Австралияга кетаётган бир пайтда, ташвишларим ўзимга етиб турганида сен сезгирроқ бўлсанг ёмон бўлмади... Лекин борди-ю, у бадавлат бўлса... Яна билмадим...

— Оҳ, ойижон, ойижон, бахтимга халақит берманг!

Миссис Вэйн қизига қаради-да, уни қучоқлади. Бу саҳна ҳаракатларидан бири бўлиб, кўпинча артистларнинг табиатига сингиб кетади. Шу дақиқада эшик очилиб, хонага бир оз бесўнақай гавдали йигит кириб келди. Унинг қорамтир сочлари паришон, қўл-оёқлари катта эди. Йигитда сингисига хос бўлган нафосатдан асар ҳам йўқ эди. Уларнинг ака-сингил эканига ишониш қийин эди.

Миссис Вэйн нигоҳини ўғлига югуртирди ва лабларида табассум ўйнади. Шу дақиқаларда онанинг назарида ўгли томошабинлар ўрнини босар, у эса қизи билан бирга қизиқ бир томоша кўрсатмоқда эди.

— Сен мен учун ҳам ўпич қолдирсанг бўларди, Сибила, — деди йигит ҳазиломуз таъна билан.

— Сен ўпични ёқтирмайсан-ку, Жим, — деб жавоб берди Сибила. — Сен бадқавоқ айиқнинг ўзисан-ку! — Шундай деб Сибила акасининг олдига югуриб борди-да, уни қучоқлаб олди.

Жеймс Вэйн меҳр билан сингисига тикилди.

— Юр, кетар жафосига бир сайр қилайлик, Сибила. Бу ярамас Лондонга мен бошқа қайтиб келмайдиган кўринаман. Бунга заррача ачинаётганим ҳам йўқ.

— Бунақа бўлмағур гапларни гапирма, ўғлим, — деб чуқур хўрсинди миссис Вэйн ва аллақандай театр либосини олиб, уни ямашга киришди. У қизи билан намойиш этган таъсирчан саҳнада Жеймс иштирок этмаганидан бир оз ранжиди — ахир, у ҳам қатнашганда бу саҳна янада зўр бўлар эди-да!

— Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, нега буни гапирмаслик керак, ойижон?

— Мени кўп ранжитаверма, Жеймс. Ишончим комилки, сен Австриядан бадавлат одам бўлиб қайтиб келасан. Мустамлакаларда дурустроқ улфат тополмайсан. Унақа жойларда тузукроқ одамларни кундузи чироқ ёқиб ҳам қидириб тополмайсан... Шундоқ бўлгандан кейин давлат орттиргин-у, ватанга қайт. Ўзимизнинг Лондонда бемалол яшайвер.

— “Дурустроқ улфат” эмиш! — деб бурун жийирди Жеймс. — Дурустроқ улфатни бошимга ураманми? Мен бир амаллаб ишлаб пул топсам бўлди. Сибила билан сизнинг театрдан кетишларингга етадиган бўлса бас! Театрни жинимдан бадтар ёмон кўраман.

— Эҳ, Жеймс, ўзинг ҳам ўлгудай инжиқ бўлибсан-да, — деди Сибила табассум билан. — Сен ростдан ҳам мен билан сайр қилмоқчи бўляпсанми? Жуда соз-да! Мен сени ўртоқларинг билан хайр-маъзур қилгани кетиб қоласан деб кўрққандим. Сенга анави сўхтаси совуқ трубка совға қилган Том Хардинингми ёхуд сен чекадиган бўлсанг ҳаммиша устингдан кулиб юрадиган Нэд Лэнгтоннингми ҳузурига кетарсан деб ўйлаган эдим. Сўнгги кунда мен билан бирга бўлишни ихтиёр этганинг қандоқ яхши-я! Нима қиламиз? Кел, паркка борақолайлик!

— Йўқ, жуда ҳам одми кийинганман, — деб эътироз қилди Жеймс қовоғини уйиб. — Паркда ясан-тусанни ўрнига қўйган олифталар сайр қилади.

— Бўлмаган гап, — деб шивирлади Сибила акасининг эскирган палтосининг энгини силаб-сийпалар экан.

— Майли, бўлмаса, — деди Жеймс бир дақиқалик тараддудланишдан сўнг. — Фақат сен тезроқ кийин.

Сибила уйдан учиб чиқди. Унинг зинадан югуриб чиқаётиб куйлаган овози ҳамда нозик оёқларининг дупури эшитилди.

Жеймс бир неча марта хона бўйлаб юрди. Кейин ўриндиқда қимир этмай қотиб ўтирган онаси томон ўгирилиб сўради:

— Ойи, тикишларингизнинг ҳаммаси тайёрми?

— Ҳаммаси тайёр, Жеймс, — деб жавоб берди она юмушидан нигоҳини олмай. Кейинги ойларида миссис Вэйн қаҳри қаттиқ ва тўқимтабиат ўғли билан ёлғиз қол-

ганида негадир ўзини жуда ноқулай сезар эди. Айниқса, уларнинг кўзлари тўқнашиб қолганида бу маҳдуд ва писмиқ аёл саросимага тушиб қоларди. Кўпинча у “ўғлим бирон-бир нарсдан гумонсирамаётганмикин?” деб ўзига-ўзи савол берарди.

Жеймс бошқа бирон оғиз гап айтмади. Унинг бу индамаслиги онанинг тоқатини тоқ қилди. Шунда у ўғлига таъна-ю дашномлар ёғдирди. Аёллар ўзларини ҳимоя қилмоқ бўлар эканлар, ҳамиша ҳужумга ўтадилар. Лекин кўпинча ҳужумнинг охирида қўққисдан таслим бўлишадики, буни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

— Худо мадад берсин, Жеймс, ҳар нима бўлганда ҳам, денгизчининг ҳаёти сенга маъқул бўлсин-да, — деб гап бошлади миссис Вэйн. — Эсингда бўлсинки, буни сен ўзинг хоҳладинг. Ҳолбуки, бирон оқловчининг идорасига хизматга кирсанг ҳам бўлаверар эди. Оқловчилар жуда ҳурматга муносиб одамлар, вилоятларда уларни тез-тез нуфузли хонадонларга меҳмонга айтиб туришади.

— Идораларни ҳам, мансабдорларни ҳам кўргани кўзим йўқ, — деб гапни бўлди Жеймс. — Бу йўлни ўзим танлаганим тўғри. Ўз ҳаётимни ўзимга ёқадиган тарзда яшаб ўтсам дейман. Сизга эса, ойи, хайрлашишдан олдин гапирадиган гапим битта — Сибилани асранг. Унинг бошига кулфат тушмасин. Сиз ўзингиз унга паноҳ бўлинг.

— Билмадим, нега бу гапни айтяпсан, Жеймс? Мен, албатта, Сибилани эҳтиёт қиламан-да...

— Мен эшитганимни айтяпман. Аллақандай бир жаноб ҳар куни театрга келадиган эмиш. Спектаклдан кейин саҳна ортига — Сибиланинг олдига кирар экан. Шу ростми? Бунга нима дейсиз?

— Эҳ, Жеймс, бунақа нарсаларга сенинг ақлинг етмайди. Биз артистлар кўни-киб қолганмиз — бизга эҳтиром билан эътибор беришларини ёқтираемиз. Мени ҳам бир замонлар гулдасталарга кўмиб ташлашган эди. У пайтларда одамлар санъатимизнинг қадрига етишар эди. Энди, Сибила масаласига келсак... Билмадим, унинг севгиси мустаҳкамми, йўқми? Лекин шубҳам йўқки, унинг кетида юрган йигит ҳақиқий жентельмен. У ҳамиша менга иззат-икром кўрсатади. Ҳар қадамидан сезилиб турипти — бадавлат одам. Сибилага туҳфа қиладиган гулларини кўрсанг... Бирам чиройли...

— Лекин сиз лоақал унинг исмини ҳам билмайсиз-ку! — деди йигит гапни чўрт кесиб.

— Ҳа, билмайман, — деди она ўта хотиржам оҳангда пинагини бузмай. — У ҳали бизга исмини билдирганича йўқ. Бу, ахир, турган-битгани романтика-ку! У ўта аслзодалар тоифасидан бўлса керак.

Жеймс Вэйн лабини тишлаб қолди.

— Сибилани эҳтиёт қилинг, ойи! — деб яна таъкидлади у қайсарлик билан. — Уни яхшилаб парваришлаб асранг.

— Ўғлим, сен мени ранжитяпсан. Наҳотки, мен Сибиланинг ғамини емаётган бўлсам? Албатта, бу жентельмен бадавлат бўлса, нима учун Сибила унга тегмаслиги керак. Ишончим комилки, у аслзодалар тоифасига мансуб. Бу шундоққина кўриниб турипти. Сибиланинг бахти куладиган бўлиб турипти. Улар бир-бирларига бирам монанд — йигит жуда ҳам соҳибжамол. Унинг ҳусни таважжуҳи ҳамманинг кўзига ташланиб турипти.

Жеймс бармоқлари билан ойнани чертиб, бир нарсалар деб мингиллади. У онасига ўгирилиб, яна нималардир демоқчи бўлган эди, шу пайт эшик очилиб, хонага Сибила югуриб кириб келди.

— Ҳа, тинчликми? Икковларинг ҳам тумтайишиб олибсизлар? — деб хитоб қилди у. — Нима гап ўзи?

— Ҳеч гап йўқ, — деди Жеймс. — Одам ҳадеб кулавермайди-ку! Баъзан-баъзан жиддий бўлиб туриш ҳам керак. Майли, яхши қолинг, ойи. Мен тушлик қилгани соат бешларда келаман. Ҳамма нарсани жойлаб қўйганман. Фақат кўйлаклари қолган. Сиз ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

— Хайр, бўлмаса, ўғлим, — деб жавоб берди миссис Вэйн ва бир оз зўрма-зўраки бўлса ҳамки, улугворлик билан Жеймсга бош ирғади. Ўғлининг кўрслиги уни анча ранжитган эди, кўзидаги ифодани кўриб эса кўрқиб кетди.

— Мени ўпиб қўйинг, ойижон, — деди Сибила. Унинг гул баргидай нафис дуқлари онасининг сўлгин яноқларига тегиб, уларни иситди.

— О, болам, бўталоғим! — дея хитоб қилди миссис Вэйн кўзларини шифтга қадаб, галеркада ўтирадиган томошабинларни хаёлан тасаввур қилар экан.

— Қани, кетдик, Сибила! — деди бегоқатлик билан Жеймс.

Ҳар хил олифтагарчиликлар онасига ёқарди, Жеймсининг эса уларга тоқати йўқ эди.

Ака-сингил кўчага чиқишди. Қуёш чарақлаб турипти — у булутларни қува-лаб ўйнаётган шабада билан талашиб-тортишарди. Улар хомуш Юстон-Род бўйлаб боришяпти. Йўловчилар устига уқувсиз тикилган арзон-гаров либос кийиб олган, ёнида ўта нозик ва нафис бир қиз билан кетиб бораётган бу бадқовоқ ва бесўнақай йигитга таажжуб билан қараб қўйишарди. У қўлига ажойиб атиргул ушлаб олган қишлоқи боғбонни эслатарди.

Ўтган-кетганларнинг қизиқиш билан қараётганини сезиб қолган кезларда Жимнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетарди. Бировнинг ўзига қараганини у жинидан бадтар ёмон кўрарди. Бу туйғуни даҳолар фақат умрлари охирлагандагина бошла-ридан кечирадилар. Аммо оддий одамларни бу туйғу ҳеч қачон тарк этмайди. Сибила эса одамлар унга суқланиб қараётганини мутлақо сезмай борарди. Унинг кулгисиди муҳаббат қувончи садо берарди. У Гўзал Шаҳзодани ўйлаб боряпти, лекин бу ўйларига ҳеч нарса халақит бермаслиги учун унинг тўғрисида гапирмас, балки бунинг ўрнига Жеймс хизмат қиладиган кема ҳақида, у, албатта, Австралияда топадиган олтинлар тўғрисида, акаси алвон кўйлакли қароқчилар қўлидан қутқариб оладиган соҳибжамол ва бадавлат қиз ҳақида гап сотиб борарди. Сибила Жеймсининг бутун умри давомида оддий матрос бўлиб қолишини, ёхуд капитаннинг учинчи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилишини ё шунга ўхшаган бирон оддий одам бўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмасди. Йўқ, йўқ! Денгизчининг ҳаёти жуда даҳшатли! Бирор ярамас кемада қафасга тушган қушдек ўтирасан, букри тўлқинлар бўкириб-чақириб устинга ёпирилади, қаҳри қаттиқ шамол мачталарни эгади, елканларни йиртиб, узун-узун тасмаларга айлантиради! Кема Мельбурнга етиб бориши билан Жеймс кема капитанига хушмуомалалик билан “мени маъзур тутасиз” дейиши керак-да, соҳилга тушиб, тўғри олтин конларига бормоғи зарур. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, у отнинг калласидай соф олтин ёмби топиб олади — бунақасини ҳали ҳеч ким ҳеч қачон топмаган бўлади. Акаси бу ёмбини соявоң аравада олтита отлиқ полициячининг соқчилигида денгиз соҳилига олиб келади. Йўлда бутазорларда яшириниб юрган каллакесарлар уларга уч марта ҳужум қилади, қонли тўқнашув бўлиб ўтади, қароқчилар ҳужуми қайтарилади... Ёки йўқ, ҳеч қанақа олтин-полтин кони керак эмас. Конларда қанақа даҳшатли воқеалар содир бўлмайди, дейсиз? Одамлар бир-бирини заҳарлайди, барларда отишма, муш-лашувлар... Яхшиси, Жеймс тинчгина фермер бўлгани, қўй боққани яхши. Кунлардан бирида у уйига отда қайтиб келаётганда, бир қароқчининг бадавлат хонадондан чиққан гўзал қизни қора отга ўмариб олиб қочиб кетаётганини кўради. Жеймс уни қушлаб етади-да, дадил жанг қилиб, қизни халос этади. Кейин эса бу қиз, албатта, акасини яхши кўриб қолади, акаси қизни севиб қолади, улар турмуш қуришади, Лондонга қайтиб келишади ва бу ерда катта уйда яшай бошлашади. Ҳа, ҳа, Жеймсни олдинда ғаройиб саргузаштлар кутмоқда. Фақат у яхши одам бўлмоғи керак, бўлар-бўлмасга қизишиб, “лов” этиб тутоқиб кетмаслиги, пулни беҳуда исроф қилмаслиги керак.

— Сен менинг гапирини қулоғингга олгин, Жеймс. Гарчи мен сендан атиги бир ёш катта бўлсам ҳам, ҳаётни сендан кўра ўн чандон яхши биламан... Менга қара, тез-тез хат ёзиб тур. Ҳар куни ётиш олдидан ибодат қил. Мен ҳам сенинг ҳақингга ибодат қилиб тураман. Худо меҳрибон, у сени паноҳида асрайди. Шундай қилиб, бир неча йилдан кейин сен бой-бадавлат бўлиб, хушнудлик билан эсон-омон қайтиб келасан.

Жеймс онасининг гапларини қовоғини солганича жим туриб эшитди. У уйдан чиқиб кетишга ҳеч оёғи тортмаётганини сезиб турарди. Уни хафа қилаётган, аччиғини келтириб хўмрайишга ундаётган нарса фақат эрта-индин орага тушадиган ҳижронгина эмас эди. Йигит ҳали ҳар қанча гўр бўлмасин, Сибилага аллақандай хатар хавф солиб турганини юрагидан ҳис қиларди. Унинг кетидан хушо-



мад қилиб юрган олифтадан яхшилик кутиб бўлмайди. У — аслзода. Жеймс бунақаларни ёмон кўради. Нимага ёмон кўришини ўзи ҳам билмайди. Беихтиёр, ғайришуурий гарзда ёмон кўради. Бунинг сабабини ўзи ҳам билмагани учун нафрат туйғуси унинг вужудини янада маҳкамроқ чулғаб олади. Бундан ташқари, Жеймс онасининг энгилтаклигини, ҳавойи шухратпарастлигини яхши хилади. Жеймс онасининг айна шу сифатлари Сибила ва унинг бахти учун жуда хатарли эканини сезиб туради. Болалигимизда биз ота-оналаримизни яхши кўраимиз. Улғайганимизда эса уларни қоралай бошлаймиз. Шундоқ ҳам бўладики, баъзан биз уларни оқлаймиз ҳам.

Она! Жеймс кўпдан бери онасидан бир саволни сўрамоқчи бўлиб келади. Кўп ойлardan бери бу савол уни қийнаб келади. Бир куни театрда бир гап тасодифан унинг қулоғига чалиниб қолган. Бир куни у саҳнага кирадиган орқа эшик олдида онасини кутиб турганда қабих бир шивир-шивирни эшитган. Шу шивир-шивир Жеймсининг кўнглида изтиробли гумонлар бўронини уйғотди. Ҳозир ҳам ўшани эсласа, юраги ўртанади, биров юзига қамчи ургандай бўлади. Жеймс қошини чимирди, уларнинг оралиғида чуқур ажин пайдо бўлди, оғриқдан афти бужмайиб, пастки лабини тишлаб олди.

— Биронта гапим қулоғингга кираётгани йўқ-ку, Жеймс! — дея хитоб қилди Сибила қўққисдан. — Мен бўлсам, сенинг келажагинг учун бири-биридан гўзал режалар қуриб ўтирибман. Қани, бирор нарса дегин, ахир!

— Мен нима дейман?

— Лоақал яхши бола бўламан, сизларни унутиб юбормайман дегин, — деди Сибила жилмайиб.

Жеймс елкасини қисди.

— Мен-ку сени унутмасман-а, лекин сен мени аввал унутиб юборасан, Сибила.

Сибила қизарди.

— Нега бунақа деяпсан, Жеймс?

— Одамлар гапиряпти-ку, янги жазманинг пайдо бўлиб қолганмиш. Ким у? Нега у тўғрисида менга гапириб бермагансан? Бу ошначилигинг яхшиликка олиб келмайди.

— Бас қил, Жим! Унинг тўғрисида ёмон гапиришга ботинма. Мен уни яхши кўраман.

— Э-э, тавба! Ахир, сен унинг отини ҳам билмайсан-ку! — деб эътироз билдирди Жеймс. — Унинг ўзи ким? Буни билишга менинг ҳақим бўлса керак, дейман?

— Унинг исми — Гўзал Шаҳзода! Бу исм сенга маъқул келмайдими? Сен буни эслаб қол, тентак бола. Агар сен менинг Шаҳзодамни кўрган бўлганингда, бу дунёда ундан яхшироқ кимса йўқ эканини билиб олардинг. Австралиядан қайтиб келганингдан кейин мен сизларни таништириб қўяман. У сенга манзур бўлади, Жим. У ҳаммага манзур бўлади. Мен эса... мен уни яхши кўраман. Афсуслар бўлсин, сен бугун оқшом театрға боролмайсан-да! У келишга ваъда берган. Бугун мен Жульеттани ўйнайман. Ўйнаганда ҳам бугун ҳазилакам ўйнамайман. Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр. Жим, мен ўзим ошиқу беқарор бўлсам, севган одамим рўпарамда ўтирса-да, мен Жульеттани ўйнасам... Унинг учун ўйнасам! Мен қўрқяпман — ҳамма томошабинларни чўчитиб юбормасам бўлди-я! Уларни ё чўчитиб юбораман, ё қойил бўлганларидан ҳанг-манг бўлишади. Муҳаббат инсонни ўз-ўзидан ҳам юксакроққа кўтаради... Бадбашара хўжайиним — мистер Айзекс яна майхонада ўтириб олиб, ҳамтовоқларига мени даҳо деб уқтиради. У менга ишонади, бугун эса менга таъзим бажо келтиради. Менинг Гўзал Шаҳзодам, Ҳусни таважжух худоси, менинг ажойиб севгим мени шу юксакларга кўтарди. Унинг олдида мен жуда-жуда аянчли бир кимсаман... Хўш, нима бўпти? Ахир, мақол бор — қашшоқлик эшиқдан, муҳаббат тешиқдан кириб келаркан. Мақолларимизни қайта кўриб чиқмоқ керак эди. Уларни қишда ўйлаб топишган, ҳозир эса ёз... Йўқ, мен учун ҳозир баҳор, мовий кўк гумбази остидаги ҳақиқий гуллар байрами...

— У аслзода экан, — деди Жеймс қовоғини уйиб.

— У — Шаҳзода! — деди яйраб Сибила: — Сенга яна нима керак?

— У сени ўзининг канизагига айлантдириб олади.

— Мен эса эркинликни ўйласам, кўрқувдан титрайман.

— Ундан эҳтиёт бўл, Сибила!

— Ким уни кўрса, уни Илоҳ деб ўйлайди, ким уни билса, унга ишонади.

— Сибила, у сени ақлдан оздириб қўйяпти-ку!

Сибила кулиб юбориб, укасини қўлтиқлаб олди.

— Жим, азизим, сен худди юзга кирган қариядай фикрляяпсан. Вақти келарки, сен ўзинг ҳам севиб қоларсан. Ана ўшанда бунинг нима эканини биласан. Қўй, кўп аразлама! Сен жўнаб кетаётганингда мени шу қадар масрур кўраётганингдан хурсанд бўлмоғинг керак. Сен билан оғир ҳаёт кечирдик, турмушимиз жуда оғир ва мушкул бўлди. Энди ҳаммаси бошқача бўлади. Сен янги дунёни кўрмоқ учун жўнаб кетяпсан, менга эса бу дунё шу ерда, Лондоннинг ўзида намоён бўлди. Ана-ви жойда иккита бўш ўрин бор экан, кел, ўтирайлик, ясан-тусан қилиб олган одамларни томоша қиламиз.

Улар истироҳат қилаётган бир тўп одам орасидан жой олишди. Улар ўтирган жойларида ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтиришарди. Йўлкалар ёнидаги пушталарда лолалар алвон-алвон ёниб ётарди. Ҳавода оқиш ғубор ғўё хушбўй упадан ясаб қўйилган омонат булутдай муаллақ сузиб юрипти. Турли-туман рангдор гуллар бошлар узра баҳайбат капалаклардек чайқалиб турарди.

Сибила ўз режалари ва орзу-умидларини сўзламоқчи бўлиб, укасини қистар, ҳадеб савол бериб, суриштиришдан тўхтамас эди. Жеймс истамайгина оҳиста жавоб берарди. Сибила ҳар бир сўзни укасининг шоду-хуррамлигини Жеймсга юқтиролмаётганига хуноб бўлмоқда эди. Сибила ҳарчанд куйиб-пишмасин; укасининг бунга жавоби энгилгина жилмайиб қўйишдан нари ўтмади.

Қўққисдан Сибиланинг кўз ўнгидан зарҳал тусдаги жингалак сочлар-у, жилмайиб турган таниш дудоқлар сузиб ўтгандай бўлди. Чиндан ҳам очиқ извошда Дориан Грей иккита хоним билан ўтиб бормоқда эди.

Сибила ўрнидан сапчиб турди.

— Ана у!

— Ким? — деб сўради Жим.

— Гўзал Шаҳзода! — деб жавоб берди қиз нигоҳи билан извошни кузатиб қолар экан.

Буни эшитиб Жим ҳам ўрнидан сапчиб турди ва опасининг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Қани? Қайси бири? Кўрсатсанг-чи? Мен уни кўрмоғим керак!

Бироқ шу дақиқада герцог Бервинскийнинг тўрт отли извоши олдиндаги ҳамма нарсани тўсиб қўйди. Извош ўтиб кетгандан кейин эса, Дорианнинг улови анча олислаб кетгани кўринди.

— Кетиб қолди! — дея ҳасрат билан шивирлади Сибила. — Сен кўролма қолганинг чатоқ бўлди-да.

— Ҳа, чатоқ бўлди. Лекин айтиб қўяй — агар у сени хафа қиладиган бўлса, худо ҳақи, мен уни ернинг тагидан бўлса-да, қидириб толаман-да, айтганим, ўлди-раман.

Сибила даҳшат ичида укасига қаради. У бўлса оғзидан чиққан гапини яна бир марта такрорлади. Улар ҳавони кесиб тушган ханжардай садо берди ва одамлар Жеймсга ўгирилиб қарай бошлашди. Унинг ёнида турган хоним қиқирлаб кулиб юборди.

— Кетайлик бу ердан, Жим, қани юр! — деб шипшиди Сибила. У одамлар орасидан ўта бошлади, дардини айтиб, ичини бўшатиб олган Жим унинг кетидан эргашди.

Улар Ахилл ҳайкалининг ёнига боришганда қиз орқасига ўгирилди. У таассуф билан укасига қаради-да, бошини чайқади, лабларида эса ним табассум пайдо бўлди.

— Сен, тентак Жим, чиндан ҳам тентак бўлибсан. Сен ёмон бола экансан, тамом-вассалом. Ахир, шунақа ҳам бемаза гапларни гапирадими одам? Нима деяётганингни ўзинг билмайсан-а? Сен мени қизғаняпсан, холос. Шунинг учун унга ёпишиб олгансан. Кошки эди сен ҳам бирорта қизни дил-дилигандан севиб қолсанг! Ўшанда кўрардим ҳолингни. Муҳаббат одамнинг кўнглини юмшатади, сен бўлсанг қаҳрли гаплар гапирдинг.

— Мен аллақачон ўн олтига тўлганман, — деб гап қайтарди Жим. — Нима

деяётганимни билиб гапиряпман. Ойим сенга суянчиқ бўлолмайди. У сени асраб қололмайди. Менинг кетаётганим жуда чатоқ бўлди-да! Агар шартномага имзо чекмаганимда, Австралиядан воз кечардим-да, сен билан қолаверардим.

— Қўйсанг-чи, Жим. Бир хил ҳисчан драмалар бор, ойим ўшаларда чиқишни яхши кўради. Сен баайни шу драмаларнинг қаҳрамонига ўхшайсан. Лекин мен сен билан тортишиб ўтироқчи эмасман. Чунки ҳозиргина уни ўзинг кўрдинг. Ахир, уни кўроқдан ҳам ортиқ бахт борми? Кел, жанжаллашмайлик. Имомим комилки, мен яхши кўрган одамга сен ҳеч қачон ёмонлик қилмайсан, тўғрими, Жим?

— Сен яхши кўрсанг, ёмонлик қилмасам керак? — деб тундлик билан жавоб берди Жим.

— Мен уни абадий яхши кўраман, — деб хитоб қилди Сибила.

— У ҳам сени абадий севадими?

— Албатта-да?

— Ундай бўлса, майли. Лекин бевафолик қиламан деб овора бўлмасин.

Сибила беихтиёр ўзини укасида олиб қочди. Лекин кейин кулиб юборди-да, қўлини унинг елкасига қўйди. У опасининг назарида ҳали ғирт бола эди-да!

Улар Мармар Аркда ўмнибусга чиқишди. Ўмнибус уларни Юстон-Роддаги кўпдан бери қаровсиз ётган исқирт уйга олиб бориб қўйди. Улар шу уйда яшар эдилар. Улар уйга кириб борганларида соат бешдан ошиб қолганди. Спектаклдан олдин Сибила бир соат-ярим соат ётиб мизғиб олмоғи керак эди. Жим уни дам олишга қистади: бунга ойим пастдалигида сен билан ўз хонангда хайр-маъзур қилишни афзал кўраман деб ваз кўрсатди. Хайр-маъзур қилишаётганда ойиси, албатта, оҳ-воҳ қилиб, ҳунар кўрсатмоғи мумкин, Жеймс эса бунақа нарсаларни жинидан баттар ёмон кўради.

Шундай қилиб, улар Сибиланинг хонасида хайр-маъзур қилишди. Йигитнинг қалбида бегонага нисбатан рашк ва оташин нафрат жўш ўрмоқда эди — унинг назарида бу бегона йигит у билан опасининг орасига тўғаноқ бўлди. Аммо Сибила қўллари билан унинг бўйинини қучиб, бармоқлари билан сочини силаганда, Жим ийиб кетиб, опасига меҳри товланди ва уни чин юракдан ўпиб олди. Зинадан тушиб борар экан, унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Пастда уларни оналари пойлаб ўтирган эди. Ўғлини кўриши билан у кеч қолгани учун дашном берди, лекин Жим ҳеч нарса деб жавоб бермай, тушлик қилишга киришди. Стол устида пашшалар ғинғиллаб учиб юрар, кир дастурхон устида уймалашарди. Кўчадан гумбирлаб ўтаётган ўмнибуслар ва келбарнинг сурони остида Жеймс онасининг бир маромда айтилаётган таъна-дашномларини тинглаб ўтирарди. Улар Жеймснинг сафар олдидаги сўнгги дақиқаларини заҳарлаб бўлган эди.

Кўп ўтмай у тарелкасини бир четга сурди-да, иягини қўлларига қўйди. Билишга ҳаққим бор дея ўзига-ўзи такрорлай бошлади. Лекин у гумон қилаётган нарса чиндан ҳам ҳақиқат бўлса, онаси уни аллақачон Жемга айтмоғи керак эди. Қўрқувдан тиришиб миссис Вэйн уни зимдан кузатиб ўтирарди. Сўзлар унинг лабларидан беихтиёр учиб чиқар, бармоқлари ҳошиясига тўр тикилган кир дастурмолни ғижимлаб эзгиларди. Соат олтига занг урганида Жеймс ўрнидан туриб, эшикка йўл олди. Лекин эшикка бормай тўхтади-да, онасига ўгирилиб қаради. Уларнинг нигоҳлари бир-бири билан тўқнашди. Жеймс унинг кўзларида шафқат қилиш, кечиринч ҳақидаги қайноқ бир ўтинч ифодасини кўрди. Лекин бу оловга ёғ қуйгандай бўлди.

— Ойи, мен сиздан битта нарсани сўраб билмоқчиман, — деб гап бошлади у.

Онаси индамади, кўзлари олмакесак тера бошлади.

— Менга ростини айтинг — буни билишга менинг ҳаққим бор: сиз менинг отамга хотин бўлганмисиз?

Миссис Вэйннинг ич-ичидан чуқур хўрсиниш келди. Бу енгиллик бахш этувчи хўрсиниш эди. Кўп ойлар мобайнида кечасию кундузи хавотир билан кутган мудҳиш дақиқа етиб келди. Бирдан унинг юрагидаги қўрқув туйғуси ғойиб бўлди. Бундан у ҳатто жиндай саросимага ҳам тушди. Савол тўппа-тўғри, яланғоч қилиб берилган эди, унинг жавоби ҳам худди шундай тўппа-тўғри, яланғоч бўлмоғи керак эди. Аста-секин тайёргарлик кўрилмасдан содир бўлган ҳал қилувчи манзара. Бу жуда беўхшов, бемаза репетицияни эслатарди.

— Йўқ, — деб жавоб берди она ва ҳаётда ҳамма нарса бағоят қўпол ва жўн эканини ўйлаб, бунга ҳайрон бўлди.

— Демак, у разил одам бўлган экан-да! — деб қичқирди йигит муштларини қисиб.

Онаси бошини чайқади.

— Йўқ. Мен билардим, унинг боши боғлиқ эди. Лекин биз бир-биримизни жуда яхши кўрардик. Агар у вафот этиб кетмаганида, бизнинг турмушимизни таъминлаб қўярди. Уни қоралама, ўғлим. У сенинг отанг эди. Олийжаноб эди. Ҳа, ҳа, у аслзолалар тоифасидан эди.

Жеймснинг оғзидан уни қораловчи сўзлар отилиб чиқди.

— Мен-ку барибир, — деб хитоб қилди у. — Лекин ҳушёр бўлинг — Сибила-нинг бошига ҳам шу кунлар тушмасин! Ахир, Сибилага ошиқу беқарор бўлиб қолган ёхуд ўзини ошиқу беқарор қилиб кўрсатаётган олифта ҳам, албатта, “аслзолалар тоифасига мансуб олийжаноб” бўлса керак?

Бир лаҳза миссис Вэйн уялганидан қизариб, ўзини таҳқирлангандай ҳис қилди. Унинг боши қуйи солинди, титроқ қўллари билан кўзини уқалади.

— Сибиланинг онаси бор, — деб шивирлади у. — Лекин мен онасиз катта бўлганман. Жеймс маъюс тортди. У онасининг олдига бориб, эгилди-да, уни ўпди.

— Мени кечиринг, ойижон! Отамни суриштириб, сизга қаттиқ озор бериб қўйдим, шекилли, — деди у. — Мен ўзимни тия олмадим. Майли, кетадиган вақтим бўлди. Яхши қолинг! Фақат бир нарса эсингизда бўлсин — сиз энди биргина Сибилага ғамхўрлик қилмоғингиз керак бўлади. Менинг гапимга ишонаверинг — агар бу одам опамни хафа қиладиган бўлса, унинг кимлигини билиб оламан, ернинг тагидан бўлса ҳам, уни қидириб топаман ва бошига ит кунини соламан. Қасамёд қиламан!

Бу таҳдидда маҳобатли бир жўшқинлик бор эди. Бу ҳисчан нутқини айтар экан, Жеймс қўллари шиддат билан силтаб-силтаб турди. Буларнинг бари миссис Вэйнга хуш ёқди — чунки улар ҳаётни ёрқинроқ рангларга бўяётгандай туюларди. Ҳозир у ўзини ўз муҳитига тушиб қолгандай ҳис қилди ва эркинроқ нафас олди. Кўп вақтлардан бери биринчи бор у ўғлига қойил бўлганди. Бу ҳаяжонли саҳнани у яна чўзмоқни истарди, лекин Жим кўрслик билан гапни калта қилди. Чемоданларни пастга олиб тушмоқ, қаёққадир гойиб бўлган иссиқ шарфни қидириб топмоқ керак эди. Улар истиқомат қиладиган уйнинг мулозими ҳам шошиб қолган — гоҳ югуриб тепага чиқади, гоҳ югуриб пастга тушади. Кейин извошчи билан савдолашишга тўғри келди... Фурсат бой берилган эди, майда-чуйда нарсалар аралашгани вазидан хайр-хўшлашишга хос бўлган тантанаворликдан путур кетган эди. Шунинг учун миссис Вэйн ҳафсаласи анча пир бўлган кўйи, жўнаб кетаётган ўғлининг ортидан деразадан кир дастрўмолини силкитиб қолди. Қандай гўзал бир имконият бой берилди-я! Лекин унга жиндай таскин берадиган бир жиҳат ҳам бор эди. Буни у Сибилага ижикилаб тушунтирди — мана энди, унинг қарамоғида биттагина қизи қоладиган бўлди, шундоқ бўлгандан кейин унинг ҳаётида катта бўшлиқ пайдо бўлади. Бу ибора унга жуда маъқул тушиб қолди. Шунинг учун уни эслаб қолишга жазм қилди. Жеймснинг пўписаси ҳақида у индамай қўя қолди. Рост, бу пўписа жуда таъсирли бир тарзда айтилган эди, шундоқ бўлса ҳам бу тўғрида индамай қўя қолган маъқул. Миссис Вэйн бир нарсадан умидвор эди: бир вақтлар келиб, улар биргаликда ўғлининг пўписасидан роса кулишади.

*Давоми бор.*



Отон ЖУПАНЧИЧ

## Мардлар қалбидадир толе дегани

### ХАЛҚ ҚЎШИҒИ

**А**гар мен қушчага айланиб қолсам,  
Қайларда чарх урар эдим туну кун?  
Йўқ, ундан йироқлаб кетмасдим ҳеч ҳам,  
Дарчаси ёнида сайрардим ҳар дам, —  
Қалбини умид тарк этмасин учун.

Айланиб қолсам-чи гулга, мен унинг  
Дарчаси тагида ўсардим фақат.  
Ва мени узаркан у байрам куни,

Чақнарди кўзида бахтнинг учқуни,  
Ҳамма унга ҳавас қиларди, албат.

Қандоқ порлар эдим  
юлдуз бўлсам гар?  
Мен фақат унинг-чун сочардим шуъла  
Ва уни чорлардим аршга мунаввар,  
Кўнгли ўсар эди унинг муқаррар  
Менинг юксакдаги толеим ила...

\* \* \*

Энди сўлим боғда йўқсан мен учун,  
кечиксанг, йўлларинг пойламам дилхун,  
япроқлар, жилғалар сени эсламас —  
аввалги ёнишлар тугаб битди, бас.  
Дунёга мунғайиб термуламан мен,  
энди юрагимда, ахир, йўқсан сен.

Мирпўлат  
МИРЗО  
таржимаси

Жаҳонга таниқли шоир О.Жупанчич (1878-1949) ижоди югослав поэзиясининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил қилади. О.Жупанчич 1878 йилда Словения ва Хорватия чегаралари туташган жойдаги мўъжаз ва кўркем Винаца қишлоғида дунёга келди. У болалигидан халқ термалари, рус ва украин қўшиқлари оғушида улғайди.

XX аср бошида шоир Вена университетиде таҳсил олди, сўнг Парижда яшади. Бутун Европа адабиёти ва санъати пойтахти саналмиш бу муаззам шаҳарда у қизгин адабий жараёнларнинг ичида бўлди. Бу даврда Жупанчич шеъриятига Верхарн ва Уитмен поэзияси оҳанглари кириб келди. О.Жупанчич катта шоир бўлиб шуҳрат қозониш билан бирга, словен халқини жаҳоннинг дурдона асарлари билан таништиришда ҳам ўз улкан ҳиссасини кўшди. Унинг таржималари туфайли словен миллати Гомер ва Данте, Диккенс ва Гёте, Бальзак ва Гейне каби буюк даҳолар ижодидан баҳраманд бўлди.

О.Жупанчич ҳур Ватан тимсолини ва шахс эркини ҳамisha баланд оҳангларда куйлади. Заҳматкаш халқи ва мушфиқ Ватани дардини, ғуссасини бир умр ўз дардларидан, қайгуларидан ортиқ кўя билди.

Жаҳон поэзиясининг бетакрор намояндаси О.Жупанчич шеъриятидан намуналар ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда.

## МЕНИНГ КЕМАЛАРИМ

Кемалар, янгротиб елканин масрур,  
узоқлаб борарлар сокин кўрфаздан.  
Менинг кемаларим кетарлар йироқ...

Юксак ўйларимнинг олтин тимсоли,  
олис уфқларда ёнасан ёлғиз!..  
Сенга етиб бормас асло сўқмоқлар,  
тавофга ошиқмас тўп-тўп оломон,  
ётсан сен уларга азалдан мутлақ.  
Зулматда чарх урган қалбгина фақат  
аёнлай олгусидир сенинг суруринг,  
ки боқий эртадек эзгу асроринг  
сониялар ичра бўлур намоён..  
Юксак орзуларим олтин тимсоли,  
гўзал кенгликларда ёнасан ёлғиз!

Пойида изғирин ёнбошлаб олган  
кабир жомеларнинг ичкарасида  
ёқди насронийлар нимжон шамларни,  
аташиб уларни беҳишт шуъласи.  
Тентийди шарпалар ғира-ширада,

чўчиб мангуликнинг чироғи бехос  
ўчиб қолишдан ҳузурларида,  
зулмат қоплашидан тағин борлиқни  
ва тинмай оғаркан у ён ва бу ён,  
биқиниб оларлар шомнинг қаърига,  
қўтон гирдидаги қашқирлар янглиғ..  
Шу дафъа ҳимранса гезарган лаблар,  
ёруғлик беринг деб, ичай қуёшни! —  
ва қолса ғимирлаб кўкракда умид, —  
дафъатан туғилган мискин идрокда  
“Бу гуноҳ, бу гуноҳ!” деган калима,  
қўллар очилажак дуога шу он,  
Тавба-тазурридан ҳам бўлади бош...

Мен ботқоқ комидан қоча олдим, ҳа,  
кемаларим оппоқ елканлари-ла  
узоқлаб борарлар сокин кўрфаздан,  
менинг кемаларим кетарлар йироқ,  
олис манзилларга... Олтин мақсадлар,  
бунча товланасиз кумуш уфқларда!

\* \* \*

Ташнаман ястанган водийларга шан,  
мовий кенгликларга ташнаман жуда,  
ташнаман пурвиқор тоғларга бирам —  
адия кўкрак керган замин устида.

Ташнаман сеҳрли тунларга мутлақ,  
ложувард тонгларга ташнаман шоён,

токи одамлардан бўлайин йироқ,  
яйдоқ қояларни тутайин макон.

Кўксимни очурман елларга ғоят,  
изтиробни жарга улоқтиргайман, —  
руҳим орзуларга йўғрилса шояд,  
кўнглим қуёш каби ёришса бир дам...

## КЎЛ

Кундуз оташию тун бағри ойдин  
кўлнинг ойнасида акс этар ёрқин.  
Қанотларин шафақ ботитар унга,  
туби тўлар само сочган учкунга.

Ундаги аксларнинг ҳисоби йўқдир:  
дов-дарахт, учган қуш, минор, дала-қир,  
булутлар карвони, ғужғон япроқлар  
кўзгудаги янглиғ ёрқин акс этар.

Кўл эса товланар шому субҳидам,  
борлиқ жилоланар унда жамулжам.  
Унинг кўзгусидан узмайин кўзни,  
сирлар дунёсига чулғаймиз ўзни.

## ЎРИК ГУЛЛАРИ

Рангпар қиз дарчага суянган кўйи  
ташқарига мискин разм соларкан, —  
сездирмай узатдим мен ўрик гулин  
панжара ортига — маҳбусаларга.

Кундуз учиб ўтди сония каби,  
шоҳиди бўлдиқ биз эртанги саҳар —  
панжарадан бирам ташна боқарди  
зиндон ичидаги турфа чеҳралар.

Бандилар қошидан ўтиб бораркан,  
ўйладим — неларга қодир битта гул:  
аёзнинг қалбини кесиб дафъатан,  
зиндонни сарафроз қилганди буткул.

## БАЁНОТ

Озодлик зиндонда тутқун экан то,  
риё менсимаскан имонни асло,  
хиёнат шарпаси изғиб ҳар жойда,  
ҳақиқатни нуқул қораркан лойга,

ўйламай авлиёлар ўз шаънин мутлоқ,  
сочаркан эл аро низою нифоқ

ва етим фарзанддек парча нонга зор,  
муҳаббат дайдиран ҳар кўчада хор,

токи масрур экан юртда қабоҳат  
ва мардлик чириран қабрда фақат,  
токи билмаскан бу ғурбат интиҳо,  
менга яшамоқдан, ҳа, ўлим аъло.

\* \* \*

Сен келдинг... Нурларга йўғрилиб алвон  
шундоқ сузиб чиқар булут шафаққа,  
йўловчи йўлда тўхтади таққа,  
бирок у ширин туш янглиғ шу замон  
зумда ғойиб бўлар аллақасеққа...

Сен келдинг... Эманзор оралаб баъзан  
сеҳрли қўшиқлар таралар шундоқ,  
тек қотар йўловчи йўлида шу дам,

бирок қўшиқ эса сўнади бирдан,  
гўё ютар уни майсазор, ўтлоқ...

Сен келдинг...  
Тўқнашди нигоҳларимиз,  
дилбар овозингдан титради юрак.  
Маили, қайтма энди ортингга ҳаргиз,  
бирок йўловчининг қалбида бешак,  
ўша нур, ўша сас янграр тинимсиз.

## САНГИН КУНЛАР

Инар олгин шафақ,  
чўққилар узра —  
тоғлар ортидасан сен ўша юксак;  
қўмсайман меҳрингни бот-бот ёзғириб  
ғурбатли бу кунлар —  
ахир, ёт ўлка  
онам бўлолмас.

О, боқа олсайдим  
ўша товланган  
шафақ ортига  
ва бу сангин кунлар,  
о Ватан, сенга  
айта олсам эди  
бирор таскин сўз.

## ОЛИСДАГИ ҚАБР

Хочсиз, кўз ёшларсиз мунғаяр қабринг,  
унда на мотамнинг янгради саси.  
Ғафат теграсида ел изғир ғамгин,  
қора қанотида бўрон шарпаси.

Узоқдадир сенинг қабринг, аммоки  
марҳумларга изн берса тун агар,  
чиқарди кенгликка улар арвоҳи  
ва кезар эдилар то тонгга қадар.

Тармашгайлар улар деразаларга,  
шамол бўлиб эшик қоқарлар нолон,  
лекин остонадан боқмасин ҳарчанд,  
уйга киролмаслар энди ҳеч қачон.

Шояд йўқлагайсан сен ҳам маконинг,  
аммо ғариб қабринг узоқда бирам.  
Душвордир изингга тагин қайтмоғинг,  
ҳудудсиз ҳудудлар сенинг учун ғам.

Машъум хабар эса етди шитоб ва  
қўнди деразага қузғундек шу он,  
қора қанотларин ёйди кўк узра,  
қорайди самовот, қорайди осмон.

Хабар шитоб учди ... О, бу шунқорнинг  
шаҳтидан ғам унар қайга кўз солса;  
унинг соясида қовжирар борлиқ,  
овчи йўқ — дунёда уни отолса.

## ЁЛҒИЗЛИКДА

Қор эриб битмади ҳали даштларда,  
тоғларнинг тўшида ҳали туман бор,  
аёзнинг ваҳми бор ҳали қушларда,  
кезар ялангликда изғирин ғаддор.

Мен эса соғиндим оқ атиргулни,  
бир майин ифори ғамларга малҳам...  
Туманлар қаъридан кўрмоққа уни  
кўнглим учиб ўтди мовий қирлардан.

Олгин уфқлар, мени эшитяписизми?  
Ёлғизликка асир юрак сиз-ла маст,  
ахир, зориққан қалб илғаган ҳисни  
бошқа ҳеч бир юрак сира илғамас.

Деразам ёнида титради новда,  
қайгадир энтиккан қушчалар учди.  
О, наҳот қор эрий бошлади боғда,  
наҳот кенгликларни яшиллик қучди?

## БАҲОР МУЖДАСИ

Попукгуллар, қачон улгурдингиз сиз  
самбит новдасига чиқиб олмоққа?  
Ахир, кечагина товланар эди  
у юпун шохларда  
кумуш булдуруқ.

Дўлана, сен қачон улгура қолдинг  
оппоқ кўпик каби, оппоқ қор каби  
гулдан тўр ёпиниб

ясанмоқликка?  
Наҳот чиндан қанот қоқар ҳар ёнда  
баҳор муждаси?

Сизга нима бўлди, қизлар? Юзингиз  
қирмиз, лолагун,  
юралар дук-дук?...  
— Қўйинг, бу борада сўз очиб, бизни  
қилманг хижолат...

## ЕЛКАНЛАР

Сузар денгиз узра елканлар юксак...  
Унга жасур қалблар мададдир бешак.  
Майли, ҳур елканлар чайқалсин бирам,  
мардлар юрагида толе мужассам.

Биродарлар, сўзим тингланг бир нафас,  
толе қуёшда ҳам, шамолда ҳаммас,  
бекордир денгизнинг жавлон ургани,  
мардлар қалбидадир толе дегани!

## БЕДОРЛИК

Эшит, тортқилайди еллар дам-бадам  
поезд қичқирингиз, айлаб минг қуроқ.  
Менинг ҳам фарёдим зулмат тун баъзан  
ёвуз шамолларга ем қилар шундоқ.

Сен кимсан ўзи, айт, ухламай асло  
тонгни пойлаётган бедор хайрихоҳ?  
Айт, ё илғадингми зулматлар аро  
раҳнамо юлдузнинг шуъласин ногоҳ?

Не туйдинг? Ва ёки аршнинг жилвасин?  
Ё гиёҳ ўсишин ҳис этдинг аён?  
Пайқадинг ё туннинг жим одимлашин,  
тонг сенга руҳин ё қилди намоён?...

Бироқ фарёдимни эшитмас кимса,  
у зулмат қаърига сингади мудом...  
Мангулик зиёси, ахир, қалбингда,  
ахтарма уни тун издиҳомидан.

## ОЛТИН ТОНГЛАР

Тонг нури сачрайди — олтин субҳидам,  
Бугун шабнам гўзал кечагисидан,  
қушча ҳам — самога тўш уриб шодон,  
уясига қайтган — янграйди ўрмон.

Мовий денгиз ёнар, чақнайди кўллар,  
зар мавжлар қўшиғин самога йўллар,  
тобора юксалар уммон нуқраси,  
мисли аршга етар юрагинг саси.

Ҳамоҳанг қалблардан олтин тўлқинлар  
сенинг қалбинг сари шошар,ошиқар,  
бешак қовушарлар улар оҳиста  
ва ором топарлар сокин оғушда.

Бари — ўзингда жо. Мангулик ҳатто.  
Унга қулоқ тутмоқ бўлсанг сен, асло  
суронлар кўтарма, яшагин мавзун,  
шунда қалбин очар сенга бу очун.

\* \* \*

Уйга қайтдим мен  
ва кўрдим алҳол:  
ёшлигимдаги  
орзулар мисол  
ғўр меваларга  
ранг кирибди ол...  
Эсимга тушди  
сен билан висол.

Экин оралаб  
қайинзор томон  
юргандик икков  
хушҳол ва шодмон;  
алланарсадан  
энтикарди жон,  
дилда туйғулар  
урарди жавлон.

Бу хилват висол  
ҳақида бироқ  
ҳеч ким ҳеч нарса  
билмасди мутлоқ;  
илк бўса қалбга  
солганда титроқ  
фақат тун, қайин  
бўлганди гувоҳ...

Бу тушдир, ёлғон —  
ҳаммаси рўё,  
бу кун уйимга  
ўгайман гўё,  
дийдор ва висол  
олис бир хулё...  
Қоронғи энди  
менга бу дунё.



## СУКУНАТДА

Майда ташвишларни итқитиб нари,  
 теран хаёлларга берилгум ёлғиз.  
 Қуршайди теграмни марҳумлар сафи,  
 қуршагандек тирик меҳр-ла бир кез.

Сўйлашгум улар-ла сукут ичра жим,  
 худди тушдагидек — овозсиз, дилдан  
 ва мен юрагимнинг сасин эшитгум,  
 унда бедор уммон мавж урар бу дам.

Мен-ла хайрихоҳдир — кимки риҳлатда,  
 суҳбагин тинглайман — кимки энди йўқ.  
 Бизни ёд этмаслар гарчи бу пайтда,  
 сирли мулоқотдан лекин кўнглим тўқ.

Менга ҳаводайин даркор сукунат,  
 теграмда чарх урар фисқ-фужур ортиқ,  
 и улар оғриғи кўнглимда қат-қат  
 ва ботар кўксимга ханжардек қаттиқ.

Ёлғизлик юпанчдек зарурдир менга,  
 бош олиб кетгайман узлатлар сари,

ки унда рўёлар ёр бўлур менга,  
 ки бўлур сукунат кўнглум гавҳари.

Бот-бот чиғаноққа қулоқ босурман,  
 ундан янграр йўллар қўшиғи, бешак.  
 Илғамоқ-чун сенинг шарпангни теран,  
 мен жимлик қаърига сингмоғим керак.

Самовий рамзлар — бу исмларки,  
 тўр янглиғ ҳар сасни туюлмай аён.  
 Ул сарҳад нарёғи — сукунат мулки,  
 сен шу диёрдасан, дўстим қадрдон.

Саждагоҳи эдинг ёшлигимнинг сен,  
 миллат йўли кечди узун ва оғир.  
 Биз Ватан бурчини адо этдик чин.  
 Сўнг сени йўқотдим. Кўп кўрди тақдир!

Лекин тириксан сен ҳар қачон, зотан  
 сенсиз яшай олмам бир кун, бирор он.  
 Халқ учун кўз ёшинг ўчмагай ёддан.  
 Қўшиқ, бошла дўстим қошига шоён.

## ҚИШ МАНЗУМАСИ

Силкиб оғочларни аччиқ изғирин,  
 куйлар оч ит каби ўлим қўшиғин.  
 Ва бўм-бўш омборлар, яйдоқ далалар,  
 ўчоқларда оташ сўнган паллалар,  
 таомсиз идишлар, қурсоқлар, нолон —  
 унинг қўшиғида бўлур намоён.

Тарновдаги сувлар музлар, жилдирар,  
 қор остида қолиб ўрмон дилдирар,

емишсиз, оч моллар бўкирар тун-кун,  
 фақат ёлғиз кампир ўй сурар дилхун:  
 “О, менинг ғамдийда болажонларим,  
 қайдасиз қишнинг бу зулмат шомлари?  
 Сизга онангиздек ким тўшак солар,  
 Ким силаб бошингиз, ўқир дуолар?”

Қари қузғун сочиб исстеҳзо, кинлар,  
 бўғиқ жавоб қилди: “Иблислар, жинлар!”

## КАШТА

Ҳаммаси топталди...  
 Оёқ остида  
 ётарди хор бўлиб  
 бир гулдор кашта.

Ердан кўтаргум мен уни сездирмай,  
 билдирмай ювामан кўзим ёши-ла,

кафтларим-ла аста ўраб-тахлайман,  
 ичимга яшириб қўяман кейин,  
 у билан исинаман,  
 йиғлаб-жилмаяман,  
 силаб кўнглим юпантираман,  
 етайлик, илоҳо, яхши кунларга.  
 О, шўрлик ватаним!

## ШОМ МАНЗАРАСИ

Ҳавода таралмас қанотлар саси,  
 товланмас сўнувчи шафақ ўтида;  
 борлиқда нотинчлик ва ғам кўлкаси,  
 қорамтир булутлар қотган қўрқувда,  
 кўкдан анқиб турар бўрон нафаси...  
 Кўп ўтмай соялар тўхтайдди бутун,  
 шом қўйнига қордек ёғар қалин тун.

Питер АБРАХАМС

# Орол

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

МЕРОС

1

**Р**адиони ўчириб, Жоул Стернинг хотинига қаради ва унинг кўзидан тушундики, Президентнинг ўлими — рост. Демак, Чол тугапти.

— Энди нима бўлади? — шивирлаб сўради Жоулнинг хотини Клара.

Жоул фикрини тўплашга уринди, бироқ Президентдек шахсга “ўлди” сўзини ишлатишга тили бормас, оддий бандалар учун табиий сўниш, адо бўлиш, ажал — мутлақ даражага кўтарилган сиймога нисбатан ғализ ва камситишдек туюларди. Жоул ночор елка қисди, хотини эрининг таҳликасини тушунди. Булар орасидаги ҳис жўшқини аллақачон сўнган бўлса-да, кўп йиллик турмуш иплари ҳали пухта эди.

“Хонимлар ва жаноблар, деди дикторнинг мотамсаро овози, президент вафот этди. Президент саройидан олинган хабарга кўра, Мозес Жошуа тўсатдан ҳушидан кетиб, беш минут аввал ҳаётдан кўз юмди. Президент хорижий меҳмонлар шарафига берилган зиёфатдаги қадаҳ нутқини сўзлаётган бир пайтда жони узилди”. Кейин давлат гимни янгради.

Президент жуда қари эди ва унинг омонатлигини, sanoқли кунлари қолганини орол аҳли тахмин қилар, шивирлашишар эди. Президентнинг ўзи охириги икки-уч йил мобайнида ўхтин-ўхтин ўлим тўғрисида гапирадиган бўлиб қолган эди. Шундай бўлса-да, унинг вафоти кўпларни эсанкиратиб қўйди, “энди орол қандай яшайди?” деган савол ҳамманинг дилида изғий бошлади.

Учқун  
НАЗАРОВ  
таржимаси

Қоратанли ёзувчи Питер Абрахамс 1919 йилда Жанубий Африкада туғилган, ўнга яқин роман, проза тўпламлари нашр қилган, инглиз тилида ёзади, дунёга танилган ижодкор.

Питер Абрахамснинг аввалги асарлари ўз юртининг мустақиллигига бағишланган бўлиб, кейинги асарларида — шу жумладан, “Орол” романида ҳам — мустамлака натижа-сида эзилган халқ қандай талафотларга учради ва натижа-да нималарга эга бўлди, мустақиллик кутилган ниятларни оқладими ёки фақат номи ўзгарди-ю, оқтанлилар ўрнига қоратанлилар келди, ҳамма нарса эски ҳолида, баъзи ҳолларда ундан ҳам баттар аҳвол юзага келдими, деган муҳим муаммоларни кўтаради, “қора олчоқлик” аввалгидан ҳам ра-зил чиқди, эндиликда “тескари расистлик”, яъни қора киши амал курсисига ўтириб олиб, оқларга зулм ўтказиш ҳоллари кўзга ташланмоқда, дея ирқчиликнинг янги қирраларини оча-ди, огоҳ қилади, муаллиф ўз ватандошларини фақат қора-тан бўлгани учун ҳимоясига чиқмайди, “адолат ҳаммага ба-робар” шиори билан воқеаликни таҳлил қилади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

54

Жоул Стернинг телефонга яқинлашиб, ҳеч қаерда қайд қилинмаган рақам тера бошлади: давлат котиби билан тўғридан-тўғри алоқа боғлашнинг ягона воситаси шу бўлиб, бу рақам тахминан ўнта шахсгагина маълум, Жоул шулар қаторига кирар эди. Телефон “банд” экан.

Бу пайт Жоулнинг соҳибжамол рафиқаси Клара қадаҳларга виски қуяр, унинг бармоқлари андак титрарди. Жоул бирон нарса деб хотинига таскин бермоқчи бўлди, бироқ гап чувалашиб кетиши мумкинлигидан ўзини тутди. Клара хушбичим, тўлалikka хиёл мойил, эркактарни ўзига ром қиладиган аёл бўлиб, узоқ ўтмишда ҳабашлар қони аралашган эти ганчдек оппоқ ва силлиқ эди. Аммо хотиннинг авлодлари орасида ҳабаш қони аралашгани ҳақида гап юритмаслик одат тусига кириб қолганини, Айзекслар сулоласи бундан ор қилишларини, айниқса улар яҳудий эканликлари билан фахрланишларини Жоул яхши биларди. Бир пайтлар кибор доираларга дахлдор, доим Айзекслар зотига рақиб руҳда ҳисобланган бир хоним, “Айзексларнинг авраси оқ, астари қора”, деган гапни ўртага ташлаганида, булар аламини ютишди, ўч олиш муддатини ўн йил мобайнида — токи бойиб кетгунарларига қадар — кутишди. Ниҳоят интиқом пайти келганда, хонимнинг лафзидан отилиб кетган ибораси эвазига шафқатсиз қасос бошланди — эрининг ихтиёридаги барча корхоналарни тортиб олишди, қарз бадалига мол-мулкидан маҳрум қилишди, ўзини кўчага итқитиб ташлашди. Шўрликнинг оиласи билан Оврупога қочишдан бўлак чораси қолмади. Шундан кейин Айзекслар оиласи аъзоларининг томирида қора танлилар қони борлиги ҳақидаги шивир-шивирларга батамом барҳам берилди. Айзекслар хонадонида Клара энг фаросатли аёл ҳисобланар, алоҳида мавқега эга, отаси ва ака-укаларига гапи ўтадиган фақат Клара ҳисобланар, мусодара ва қувғинликка маҳкум оиланинг хонавайрон бўлишида Кларанинг ташаббуси айниқса эътиборли эди. Ва Жоул билан хотини орасидаги туйғунинг сўниши Клара ташаббусининг кўз илғамас оқибати эди.

Баъзан кечалари уйғониб, Жоул никоҳ билан боғланган жуфтлик ришталарини узиб ташлашни ҳам хаёлидан ўтказар, аммо Айзекслар хонадонига бас келиш, улар билан беллашиш, назаридан қолиш, рақобатга дуч келиш, газабига учраш қандай самарага олиб боришини мулоҳаза қилиб, ўзини тияр эди — Жоулни ҳимоя қилишга ким журъат топади?.. Жоул аламини тунги ишратхоналар гаштида боса бошлади...

Виски қуйилган қадаҳни Клара Жоулга тутқазиб, ўзи ёнига ўтиради, эри, омонат ўтирган одамдек, сал нари сурилди, жилмайди — хотинидан ҳайиқарди, Айзексининг қизи-да.

Клара бу ҳаракатга унча эътибор бермай:

— Шунчалик назарингдан қолдимми? — деди бепарволик билан. — Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Нима деб ўйлайсан, Жоул?

— Қандай, — деди Жоул хўрсиниб. — Ҳозир ҳамма нарса бўлишини кутиш мумкин.

— Давлат учун кураш, — деди Клара эрининг кўзларига тикилиб, — сенинг иборанг бўйича — “жиловни қўлга киритиш”, шунақами?

— Бу нарса дарров рўй бермайди, — деди Жоул, — бир-икки ой разм солиб туришади, кимнинг қўли баланд келса, оғиш ўша ёққа бўлади.

— Жосайя йўл қўярмикин? — сўради Клара. — У қараб турадиган одам эмас-ку.

— Унда бошқа илож йўқ, — деди Жоул ҳорғинлик билан. — Менимча, агар режаларни фош қилса, бошқалар унга қарши боришлари мумкин.

— Бошқалар деганинг ... — эътироз билдирди Клара, — ахир улар доим бир-бирлари билан курашиб келишган-ку...

— Чолга ўзларини яхши кўрсатиш учун шунақа қилишган, — деди Жоул иккиланмай. — Жосайя ҳаддидан ошишига Чол йўл қўймаган. Уларнинг ҳозир битта йўли бор — жиққамуш бўлишдан воз кечиб, Жосайяга қарши бирлашиш ва уни тўхтатиш. Акс ҳолда ҳамма нарса барбод бўлади.

— Жосайядан қутулиш, уни суриб ташлаш уларнинг қўлидан келади, — деди Клара ва бир оз ўйланиб: — Йўқ, қўлидан келмайди, — деди. — Жосайя айёр одам, истаса, ҳаммани алдаб кетади. У ақлли йиртқич.

Жоул телефонда бояги рақамини яна терди, аммо бу гал ҳам телефон банд эди.

Клара кенг зал бўйлаб юра бошлади.

— Яна қуяйми, ичасанми? — сўради Клара эри рўпарасида тўхтаб ва жавоб кутмай, биллур қадаҳларга ичимлик қуйиб, балкон томон кетди, синмайдиган ойналар қадалган эшикларни суриб очди, кондиционердан анчайин совуган залга илиқ ҳаво кира бошлади.

— Қандай чиройли манзара, — деди Клара узоқларга тикилиб. Айзекслар хонадонининг деярли ҳамма аъзоларига хос сервиқорлик, тошмеҳрлик, бойлик ортириш, рақобатчилар орасида биринчиликни қўлдан бермаслик борасидаги шафқатсизлик, ўйлади Жоул ва гўзалликни шу қадар ҳис қилиш қобилияти — қандай қабоҳат.

Хитоби эътиборсиз қолганидан кўнгли ранжигандек Клара эрига юзланди.

— Яна нима айб қилиб қўйдим, Жоул? — сўради у.

— Нима демоқчисан, Клара, тушунмадим, — деди Жоул ўзини билмаганга олиб.

Клара нохуш жилмайди.

Сукунатни телефон жиринги бузди, Жоул сапчиб телефон дастасини олди.

— Жоул? — эшитилди қайнатаси Натан Айзексининг қари бўлса-да тетик овози. — Клара уйдами?

— Уйда, — деди Жоул, негадир андак ҳаяжонланиб.

— Бир соатдан кейин бизникида бўлинглар. Кенгашамиз.

— Хўп. Кларани чақирайми?

— Йўқ.

— Саройда нима бўляпти?

— Амал талашиш бўляпти.

— Жасад совиб улгурмай, бошланипти-да, — деди Жоул, ўзини четда қолгандек ҳис қилиб. — Жосайя-чи?

— Тахминларингиз тўғри чиқадиган кўринади, Жоул, — деди Айзекс дарҳол. — Шунча маблағ ва вақтни унинг рақибларига сарф қилиб, Жосайяни эътиборсиз қолдирганимиз чакки бўлганга ўхшайди.

— Жосайя ҳозир саройдами?

— Йўқ, — деди Натан Айзекс, худди шу саволни кутгандек. — Мухбирлар, телекамералар олдида бир-икки томчи ёш тўкди-да, истеъфога чиқиш ҳақида ариза эълон қилди.

— Наҳот?!

— Баёноти ҳам бор, — деди Айзекс хотиржамлик билан.

— Мазмуни нимадан иборат? — сўради Жоул, ҳадигини босишга уриниб.

— Президентни ўрнига ким сайланса, мен унга хизмат қилишга тайёрман, деди.

Бу баёнот Айзексга маъқул тушдими, йўқми, буни Жоул қайнотасини овозидан пайқамади.

— Муғомбирликка ўхшайди, — деди Жоул, бир оз тутилиб.

— Буларнинг орасида фақат Жосайянинг аниқ режаси бор. У сиёсий машмашага аралашмайди. Гапни шу ерда тўхтатайлик, телефонлар ҳозир...

— Жосайя айна пайтда қаерда?

— Шаҳарда, — деди Айзекс. — Саройдаги кўппаклар амал учун бир-бири билан юлишаётган бир пайтда, Жосайя шаҳар кўчаларида оммани тинчитиш билан овора. — Айзекс нохуш, фарғарасимон кулиб қўйди. — Жоул, демак, бир соатдан кейин тўпланамиз. Сиз ва Клара. Вазият чатоқ тус олиши мумкин. Олдини олишимиз керак. Кеч қолманглар. — Айзекс телефон дастасини илиб қўйди.

Жоул Клара турган балкон томонга қаради.

— Дадамми? — сўради Клара.

— Ҳа. Бир соатдан кейин оилавий кенгаш бўлади — ҳамма аъзоларнинг иштирокида, — деди Жоул ва қисқача қилиб қайнотаси билан бўлган суҳбатни айтиб ўтди.

— Жосаяни жиловлаб бўлармикин, Жоул? — сўради Клара жимиб.

— Қийин масала, — деди Жоул қаёққадир тикилиб.

— Жосайяни ўзимизга йўлатмаганимиз энди билинади.

— Даданг ҳам шунақа деяпти, — деди Жоул кўнгилсиз оҳангда.

Жоул Кларага синовчан қаради.

— Бир пайтлар Оврупони кўмсаш одатинг бўларди, — дея гапни узоқдан бошлади Клара. — Ҳатто Исроилдаги синглингни кўриб келиш ниятингни ҳам айтдинг. Агар алғов-далғов бошланса, болаларимиз нима бўлади? Уларни асраш йўлини ўйлаб кўриш керакмикан?

— Мамлакатдан олиб чиқиб кетиш масаласини демоқчимисан?

— Ҳа.

— Клара, қизимиз Жина ўн еттида, Эммануэль ўн бешга тўлади, — дея мулоҳаза қилди Жоул. — Уларни бу ёшда ватанидан юлиб опчиқиб кетиш — мураккаб нарса, рози бўлмасликлари ҳам мумкин. Кейин ... унутма, улар менинг фамилиямда бўлсалар ҳам, томирларида Айзекслар қони бор. Қолаверса, бу ерда нималар бўлишини кўришни истайман — четдан эмас, шу ерда қолиб.

— Агар мамлакатни мен тарк этсам-чи?

— Ихтиёринг.

— Болалар билан.

— Агар улар рози бўлишса.

— Сен барибир бу ердан жилмайсан, шундоқми?

— Шундоқ.

— Демак, Жоул, энди мен сенга керак эмас эканман-да?

— Клара, бунақа гаплар ... худо ҳақи.

— Узр. Мен бориб кийимимни ўзгартираман, — дея Клара бошқа хонага чиқиб кетди.

Жоул телефон дастасини олиб, давлат котибига яна кўнғироқ қилди, анчагача ҳеч ким жавоб бермади ва, ниҳоят, давлат котиби Жон Стенхоннинг бўғиқ овози эшитилди: “Давлат котиби”.

— Жон? Бу мен, Жоул.

— Хайрият, — деди Жон.

— Қалай?

— Даҳшат. Ҳаммалари ипи узилган итдек, гажишга тайёр. Кўзингизга ишонмайсиз! Оролни худо асрасин. Жоул, ҳозир кела оласизми саройга?

— Мени Натан Айзекс чақиряпти, оилавий кенгаш бўлармиш.

— Қайнотангиз яқинда саройда эди. Бўшашингиз биланоқ келинг. Барибир бу-гун менга уйқу йўқ.

— Вазирлар-чи?

— Биронтасининг тили тийилмаяпти, бир-бирини эшитишмайди, — деди Жон истеҳзо билан.

— Майли, тўйиб валдирашсин, кейин чиқариб юбораман — эртагача. Шаҳар саросимада, унинг устига ўзингиз яхши биладиган жаноб кўчаларда изғиб юрибди. Ҳар ҳолда навбатчиларга айтаман — сиз қай маҳал келманг киргизиб юборишди. Машинани эҳтиёт бўлиб ҳайданг, ҳозир аҳоли кучала егандек ғизғизон...

Жоул телефон дастасини қўйиб, орқасига ўгирилди. Клара эшик кесакисига суяниб, жим турарди — кирганини Жоул сезмабди ҳам.

— Янгилик борми? — сўради Клара.

— Саросима кучаяпти. Болалар қани?

— Улар кўчада эмас, — дея Клара қаёққадир кўнғироқ қилди ва такаллуф билан болалар ҳақида сўради. — Тинчлик, — деди у эрига қараб, — зиёфатдан кейин уларни уйгача кузатиб қўйишди.

Хонадан чиқиб кета туриб, Клара тўсатдан тўхтади, орқасидан келаётган Жоул унга урилиб кетди ва мувозанатни сақлаб қолиш учун хотинига ёпишди, Клара эрига совуқ назар ташлади, аммо кучоғига беҳос тушиб қолган хотиннинг илиқ бадани Жоулнинг айна бир пайтда бир оз эсанкиратиб қўйди — у хотинининг истеҳзога тўла авзойига парво қилмади, қўлини тортди.

— Жоул, сен мени назаринг билан ечинтираяпсан, — деди Клара либосини силаб. — Нега? Ахир қонун бўйича сен эр сифатида маълум ҳуқуққа эгасан-ку. Агар, албатта, талпинишинг маълум даражада туйғудан ҳосил бўлса... — Клара кескин бурилиб хонадан чиқиб кетди. Жоул, гаранг бўлгандек, кетаётган хотинига тикилиб қолди. Клара — президентнинг вафоти муносабати билан бўлса керак — қора кўйлак кийиб олган бўлиб, либос бичими унинг қизларникидек қоматини таъкидлар, бели ҳамон хипча эди. Бу бадан қанчадан-қанча марталар Жоулга таслим

бўлмаган, эҳтиросда тўлганмаган, Жоул билан чирмашиб, ишқ гирдобида ғарқ бўлмаган...

Жоул пастга тушганда Клара рудда ўтирарди. Дўнгликда турган икки қаватли мармар уй ягона бўлиб, пастдан илонизи тарзда ясталган кулранг асфальт тасмаси ҳам битта шу бинога яқинлашгач, хиёбонга айланар, битта шу оилага хизмат қиларди. Жон киргандек машина оҳиста пастга кета бошлади. Кларага алоҳида эътибор сифатида Президент жамоа ишлари Вазирлигига энг яхши қурувчи ва қоришмалардан ажратилиши ҳақида шахсий топшириқ берди, йўл шунга мос қуриб битказилди. У пайтлар кўппартияли давлат тизими ҳали ман қилинмаган эди, шунинг учун парламентнинг расмий муҳолифат гуруҳи норозилик изҳор қилди, ҳатто чет-четдан диктаторликда айбловчи овозлар ҳам эшитила бошлади, аммо қўри доираларда айтилган бундай хитоблар парламентнинг ҳашаматли биносидан нари чиқа олмас, омма ўз ташвишига ўралашиб, бунақанги чақириқларга қулоқ солмас эди. Айниқса парламент бирпартиялик давлат тузуми ҳақидаги қонунни тасдиқлаганида, президент ўз сиёсатини ҳеч кимдан тап тортмай ошкор тадбиқ қила бошлади.

Мундоқ қараганда, ўйлади Жоул, ахир ўша тўқнашувлар ва Президентнинг шафқатсиз тарзда рақибларини мажақлаб ташлаши, тумтарақай қилиб юбориш шу йўл қурилишидан бошланган.

Жоул хотинига бир қараб олди-да, рўпарадан кўзини олмай:

— Йўл, — деди ўша пайт воқеаларини ўйлаб.

— Йўл? — Клара ялт эта эрига қараб олиб, яна асфальтга назар ташлади. — Қайси маънода?

Жоул ўтган воқеаларни қўзғашни истамагандек:

— Шунчаки, — деди.

Клара машинани кескин тўхтатди, Жоул ҳатто чайқалиб кетди.

— Жоул, ўзи нима гап? — деди Клара эрига тикилиб. — Яна биронта сенга ёқмайдиган чатоқ иш қилиб қўйдимми? Нима?

— Ҳеч нима.

— Ташқингдан сездирмасанг ҳам, билиниб турипти — асабийсан, мени айблапсан, аммо — нимада, билишга ҳаққим борми ахир?

— Айблаётганим йўқ.

— Демак, нимадандир тажангсан, ғашинг келаяпти, норозисан.

— Мен шу йўл, йўлнинг қурилиши, шу билан боғлиқ сиёсий машмашалар ҳақида ўйлаяпман.

— Бундан чиқди, сен “йўл” дейишинг биланоқ мен ўша “машмашалар” ни ҳаёлимда жонлаштиришим керак эди! Шунақами? О, Жоул! Сен ахир идрокли, адолатли кишисан, айт, агар дилингда кечаётган туғёнларни мен дарров сезсам, унда нимадан тумтаярдинг?... Баъзан одамлар орасида шундай муносабатлар пайдо бўладики, улар бир-бирларидан фақат айб ахтаришади. Бизнинг муносабатимиз ҳали у даражага етиб бормагандир, деб ўйлайман.

— Нима демоқчисан, Клара? — ҳорғин ва айни чоқда асабий тарзда сўради Жоул.

— Эр хотинининг гуноҳини ахтарса-ю хотин хафа бўлса — бунинг нимаси айб, Жоул?

— Шунча йил мобайнида билиб келгансан, Клара, ҳозир ҳам биласан — агар мен сендан ажраш қарорига келсам, мамлакатдан бошимни олиб чиқиб кетишга мажбур бўлардим, акс ҳолда сенинг уруғ-зотларинг мени барибир омон қўйишмасди. Бу нарса сенга доим аён бўлган, масаланинг бу томони сени ҳеч қачон ўйлантирмаган, энди дилимда кечаётган ғашлик сени асабийлаштириши — бу нима?

— Ҳамма гап шуми?

— Қамми? Гурурим поймол бўлгани, эркаклик гуруримдан маҳрум этганларинг — ҳеч нарса эмасми? Яна нима истайсан? Энди ягона гўшам, хаёлот оламимга ҳам кириб, қайси ўйим тузук, қайси фикрим чатоқ — бунга ҳам соқчи бўлмоқчимисан?

Клара дарров жавоб бермади, узоқ ўйлади.

— Демак, ўз нотавонлигинг, номардлигинг сабабларини ҳам менга тўнкамоқ-

чисан, Жоул, — деди ниҳоят аёл. — Айб топиш учун ҳамма нарса қўл келади — зарур бўлса. Сен Жоул, эркакмисан ўзинг, дилингда шунча надомат бор экан, нега чиқиб кетмадинг? Ҳамма нарса ўз ихтиёрингга эди-ку, ким тўсди йўлингни?

— Сен, — деди Жоул қатъий тарзда, — отанг, уруғ-аймоғинг.

— Нега шу пайтгача ичга ютиб келдинг, — деди Клара, жаҳлини фош қилмасликка интилиб, — бу азоб-ку.

— Айтсам, мажақлаб ташлардиларинг.

— Агар сен мендан ажрашсанг, дадам, акаларим нима, бошингни силашлари, ташаккурлар айтишлари керакмиди? — Клара истеҳзоли жилмайди. — Ахир улар ҳам тирик кишилар, уларнинг ҳам ҳиссиёти, изтироби бор.

— Биламан, — деди Жоул, — ким бўлмасин, ким менга ёрдам қўлини чўзма-син, уларнинг бошига ўша “ҳиссиёти” ёгилади.

— Хулласи калом, сен ўз қўрқоқлигинг, ношудлигинг натижасида оиладан чиқиб кетмадинг, — деди Клара эридан кўзини узмай, — энди шуни айб сифатида менга рўкач қиляпсан, ҳам аламингни мендан олмоқчи бўласан, шундайми?

— Биринчи бўлиб мен бошлаганим йўқ... бу гапни, — деди Жоул далил сифатида.

— Ким бошлади, менми?

— Йўқ, мен, узр, — деди Жоул асабий ҳолда. — Сенинг уруғларинг учун биринчи бўлиб ким бошлади — шу муҳим.

Биринчи бўлиб кимнинг хаёлига келди бу фикр — унинг аҳамияти йўқ.

— Хўш, — деди Клара, — менга қанақа эътирозлар бор?

Жоул ун чиқармай, “қайтар ғуруримни” деб бақирди, аммо ташқаридан бу аломат у қадар сезилмади, бироқ Клара бу унсиз исёни фараз қилгандек, эрининг қўлини силаб қўйди ва юзини ўгириб, машинани пастга, узоқдаги чироқ нурларига бурканган шаҳар томон ҳайдаб кетди.

Улар шаҳарга яқинлашар экан, наридан унча билинмаган таниш манзаралардан ҳайратга туша бошлашди — атрофи адирлар билан ўралган шаҳарнинг бу маркази ва фахри ҳисобланган қисмига ҳар томондан қоратан зироат аҳолиси тошқин каби қуйилиб келарди.

Клара савол назари билан эрига тикилди.

— Улар, менимча, сарой томон ҳаракат қилишмоқда, — деди у.

— Жим кетишаяпти, — шивирлаб деди Клара.

— Шошма. Сигнал берма. Бирон кўчага бур. Катта кўчаларда ҳам аҳвол шу, менимча, четлаб ўта қолайлик.

— Важоҳатларида адоват сезилмайди, а? — сўради Клара, атрофга алангламай.

— Саросима, — деди Жоул. — Ота-онасидан жудо бўлган болалардек.

— Ҳа, — деди Клара, — қўрқув, таҳлика. Агар у подага тош тегса ҳам ғалаён бошланади, фақат туртки, ваз, иғво керак. Эҳтиёт бўлмоқ керак.

Айзекслар сулоласига хос яна бир жиҳат, ўйлади Жоул, “эҳтиёткорлик”.

Бир оздан сўнг четга кетган кўча кўринди, одамлар қуршови шу қадар зич эдики, уларнинг ғашига тегмай машинани буриб кетиш деярли мумкин эмас эди. Агар тўда ўз хоҳиши билан силжиб йўл очса, унда ўша томонга шўнғиш мумкин бўлар.

Клара тажанг бўлишини сезиб, ўзи рулга ўтирмаганидан пушаймон бўлди.

— Тўхташ маъқул, — деди у.

Клара тормоз тепкисини босиши биланоқ машинага суркалаётган тўда сиқувни сизди. Баъзилар ўтатуриб машина ичига разм солишарди. Биз ҳозир ночормиз, ўйлади Клара, тақдиримиз шуларнинг қўлида, бир дақиқадан кейин аҳволимиз нима кечади, шу оломоннинг феълига боғлиқ. Ҳозир чол ўз саройида мурда бўлиб ётипти. Ҳимоя қилувчи энг юксак шахс энди йўқ. Клара даҳшатга туша бошлади. Жоул хотинининг рулдаги қўлига қўлини қўйди, Клара бармоқлари билан Жоулнинг қўлини сиқди.

Клара томондаги ойнада қора одамнинг башараси кўринди. Жоул ойнани туширди.

— Халақит беряпсизлар, — деди қора башара машина ичига тикилиб.

— Биродар, биз бурилмоқчимиз, — деди Жоул.

— Чироқни ёқ!

Жоул машина ичидаги чироқни ёқди.

— Йўл беришсин, илтимос, биродар, — деди Жоул ялингандек товушда.

Қора башарали одам иккала қўлини ёзиб, атрофдагиларга :

— Йўл бериш керак, — деди.

Босиб келаётган тўда бир зум тўхтади. Чап томонда бўшлиқ ҳосил бўлди.

— Ҳайда! — деди Жоул хотинига. — Эҳтиёт бўл!

Клара машинани секин жилдириб, чапга бурди.

— Раҳмат, Жоул, — деди Клара, машина оломондан узоқлашгач, Жоул сигарета тутатиб хотинига узатди ва унинг бармоқлари андак қалтираётганини сезди. Кларанинг ўзи ва унинг кўп қариндошлари шу ерда туғилишган. Кўчаларни подадек тўлдирган омма каби Клара ҳам шу оролда дунёга келган, аммо ҳозир фарз қилишчи, у бу оммани ташкил қилган кишилардан қўрқади, чунки уни жиловлаб турувчи одам тугади. У йўқ. Ўрни бўш. Ўрнини эгаллаган одам бу қора оломонни жиловлай оладими, жиловлашни истайдими, йўқми, — маълум эмас.

Узоғи билан ўн беш дақиқада етиб келинадиган йўлга бир соатдан мўл вақт сарфлаб, ниҳоят улар катта дарвозадан истироҳат боғни эслатувчи маконга кириб боришди. Кларанинг қари отаси Натан Айзекс оиласи билан шу ердаги саройда яшайди. Бироқ дарвозадан саройгача яна икки километр йўл босиш керак. Бу жой ҳажм жиҳатидан фақат президентникидан бир оз қолишса-да, бутун тропик мамлакатлардан келтирилган ўсимлик, дарахт ва анвои гулларнинг тури ва ранго-ранглиги бўйича орол сатҳида буниқига етадигани йўқ эди. Бу муҳташамлик Натан Айзекс қозонган омаднинг мулкий тимсоли эди. Натан ўз йўлини мерос сифатида қолдирилган атторчилик дўконидан бошлаган, тўрт бўғиндан иборат Айзекслар сулоласидан қолган ягона мулк шу бўлиб, у ҳам қарз бадалига сотилиши керак эди, Натан ўшанда таваккал қилди. Шу кўримсиз дўконга қўйилган пойдеворда унинг уч ўғли, Натан П, Эмануил ва Соломон келажақда оролнинг барча соҳаларини қамраб олган Айзексларнинг қудратли империясини яратдилар.

Натан Айзекснинг шахсий ҳайдовчиси машина эшигини очди ва ўз жойига олиб бориб қўйиш учун Кларанинг ўрнини эгаллади.

— Биздан бошқалар ҳам келдимми?

— Ҳа, мисс Клара.

Ҳашаматли бинонинг юқори қаватларидан радио товуши эшитилар, мотам муносабати билан тоғлик одамлар қуйилиб келаётгани сабабли, шаҳар фуқаролари, айниқса автомобил эгалари уйларида чиқмасликлари маъқуллиги, умуман ҳеч қандай хавф йўқлиги, барча юришлар тинч ва назорат остида ўтаётганини диктор овози таъкидлар эди.

Жоул бу хонадонга келаверишни у қадар ёқтирмас эди — бу ерда доим ғала-ғовур.

Клара эри билан салобатли зина бўйлаб, тепага кўтарилишди.

Натан Айзекснинг хонаси чап тарафда бўлиб, у ёқдан овозлар эшитиларди. Кларанинг онаси, сингиллари ва болалардан ташқари, Айзекслар хонадонининг ҳамма аъзолари бу ерда йиғилишган бўлиб, тўнғичи Натан П ва Эмануил чолнинг ўнг, Соломон эса чап томонида, учта куёви сал нарироқда ўтиришар, бу нарса куёвлар орасида фақат Жоул оила кенгаши ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини англатарди. Соломон, Клара ва Жоул хонадоннинг радикал фракциясига, Натан Айзекс, Натан П (у аллақачон эллиқдан ошган) ва Мануэл консерватив қанотига мансуб бўлиб, агар вазият консерватив чора кўриш кераклигини тақозо қилса, ташаббус консерваторлар ихтиёрига ўтар, агар вазият илғор, яъни масалани “прогрессив” йўл билан амалга ошириш зарур бўлса, биринчи қаторда радикаллар чиқишар, иккала ҳолда ҳам тадбир Айзекслар империяси манфаатидан келиб чиқиб режалаштирилар, бу шу қадар синалган усул эдики, ҳеч бир рақиб бўнга бардош бера олмас эди.

— Анча кечикдиларинг, — тўнғиллади қари Натан. Бу жуссаси қотма, калласи катта, ниғоҳи ўткир одам бўлиб, эти болалариникидан одмироқ кўринар, томирларида негр қони борлиги разм солганда билинар эди.

— Тумонат! — деди Клара. — Оломон! Даҳшат!



— Унчалик эмас, — деди Жоул. — Тўсатданлигидан бир оз эсанкираган кўри-нади.

— Умуман, ҳодисага муносабатингиз қанақа? — сўради Натан П. Жоулдан кўзини узмай.

— Қайси ҳодиса? — деди Жоул. — Президентнинг вафотими?

— Оломонга, — деди Натан П. — Кўчалардаги вазиятга.

— Улар арқонни узишмасикин, демоқчимисиз? — сўради Жоул.

— Ҳа, — деди Натан П. — Ғалаён, қўзғалон, исён, шунга ўхшаш нарсалар.

— Мутлақо! — деди Соломон.

— Мутлақо “ҳа”, мутлақо “йўқ” — қайси бири? — аниқлаш учун сўради Натан П. Соломонга қарамай.

— Йўқ, — қатъий деди Соломон. Бу қотма, найнов ва қизиққон йигит Айзекс ўғилларининг кенжаси бўлиб, опаси Кларага ҳам, поччаси Жоулга ҳам ёқарди.

— Мен Жоулдан сўраяпман, — деди Натан П.

— Ишга ўтайлик, — деди қари Натан. — Қандай чора қўллашимиз керак бўлади?

— Соломон ҳақ, — деди Жоул. — Арқонни узишмаса керак. Ёмони бир неча хунрезлик, ҳалокат, тўс-тўполон, ферма-фабрикаларда ёнғин билан тугайди, холос.

— Фикрингиз қатъийми? Нега?

— Чунки биз халқимизни яхши биламиз, акажон, — деди яна гапга аралашиб Соломон. — Анъана бўйича, халқ доим давлат тарафида. Давлат қанақа бўлмасин, номини қандай хоҳласанг айтавер, халқ қонун ва тартиб тарафида. Агар сен, мен давлат томонидан иш кўрадиган бўлсак, халқ бизга бўйсунди.

— Биз бу ерга сиёсий баҳс ўтказиш учун йиғилганимиз йўқ, — деди чол.

— Дада, биз энг муҳим масалани муҳокама қилаяпмиз, — деди Соломон. — Президент ўлди. Шунинг учун ҳам улар давлат тимсоли бўлган сарой томон оқиб келишмоқда, чунки сарой улар учун идора, ҳокимият, деган гап. Улар таҳликада. Буни тушуниш ва келажакда нималар бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Яъни, — деди Натан П, Соломонга тикилиб, — халқдан чўчимасак ҳам бўлаверади, демоқчисан, Солли, шундайми?

— Худди шундай.

— Жоул, сиз шунга қўшиласизми?

— Қўшиламан.

— Агар халқни йўлдан уришмаса...

— Сен, Натан, аниқроқ гапир, — деди Соломон, — ким халқни йўлдан уради? Коммунистларми, социалистларми, расистларми? Қайсиларидан кўрқиб керак?

— Шуларнинг ҳар биридан. Нима фарқи бор?

— Фарқи бор, — дея зътироз билдирди Соломон. — Бузғунчиликка бир шахс, ёки давлат идорасига яқин бир тўда даъват қилиши мумкин.

— Тушундим! — деди Натан П. — Хулоса шуки, агар фикринг тўғри бўлса, халқ кимни ҳукмдор, деб тан олади, қайси бирига бу ваколатни топширади — гап шундами?

— Гап шунда, — рози бўлди Соломон.

— Жосайя, — дея қари Натан оила кенгаши аъзоларини бирма-бир назардан ўтказиб чиқди. — Жоул, орамизда сен сиёсатга кўп аралашсан. Жосайяга кўндаланг тушадиган бирон ишонарли, уддасидан чиқадиган кимса борми? Сен шунақа кимсани биласанми? Биз унга ёрдам берардик. Айт.

— Шунақа одам бор, — деди Жоул шошмай. — Бироқ биз баланд кела олмаймиз.

— Ёрдам чакана бўлмайди, — дея давом этди чол. — Гап юз минг, икки юз минг ҳақида кетаяпти. Жосайяни исканжада ушлаш учун пулни аямайман.

— Иложи бўлармикин, дада? — деди Соломон.

— Жоул? — дея чол савол назари билан Жоулга юзланди.

— Агар режамиз чиқмаса, — деди Жоул битталаб, — ҳаммамиз барбод бўламиз.

— Бундан чиқди, чорамиз натижа бермайди, шунақами?

— Жосайянинг қўли баланд келиши мумкин.

— Хўш?

— Менимча, аралашмаган маъқул. Четдан туриб кузатиш керак. Ўз ишимизни қилаверишимиз — энг тўғриси.

— У бизга тегмайдами? — деди шу пайтгача индамай ўтирган Эммануил. — Ўз ишимизни юриштишга халал бермасмикин?

— Менимча, — деди Натан П., — таваккал қилиб кўриш керак.

— Демак, сен Соломон билан Жоулнинг фикрига қўшилсан, — сўради чол. — Яъни розисан, шундайми?

— Гап розиликдаям эмас, — деди Натан П. — Бошқа чорамиз йўқ. Агар булар айтгани ҳақиқат бўлиб чиқса, биз радикал йўл тутишимиз маъқул. Демокриманки, агар вазият шу йўсинда кетса, бир-иккита қоратанлига мансаб беришимиз зарур бўлади. — Натан П уччала куёвга қаради. — Мудим маҳкамаларга қора аёлларни жорий қилиш ва муомилани ўзгартириш, яъни сертакаллуф бўлишимиз шарт.

— Дуруст, — деди чол хириллаб. — Сиёсий жиҳатдан биз ҳокимлик учун курашда иштирок этмаймиз. Ташкилий жиҳатдан — қоратанлиларга кўпроқ ён босамиз. Яна нима?

— Мен расмий тарзда Айзекс корхоналари бошқаруви раислигидан бўшайман, — деди Натан П. — Раислик лавозимига жаноб Соломон Айзексни тайин қилинишни таклиф қиламан.

— Қувватлайман, — деди Эммануил.

— Ким қарши? Қарши йўқ, — деди чол жавобни кутмай. — Шундай бўлсин.

— Қанақа қўшимча топшириқлар бўлади? — дея янги раис этиб тайинланган Соломонга қаради Натан П.

— Ички ишларни олиб бориш сенга ва Эммануилга қолади, албатта, — деди Соломон. — Сиёсий алоқаларни узмаслик керак. Жосайяни қўллаб-қувватлашимизга келсак, сизлар, албатта, норизосизлар, аммо бу сиёсат, эътироф қилишга мажбурсизлар.

— “Сизлар” деганда кимни назарда тутаяпсан? Сен бил... Жоулними?

— Дадам билан Кларани ҳам.

— Дадам?— ваҳимада хитоб қилди Эммануил.

— Ҳа. Мен кучли кўпчилик номидан иш юриштишни маъқул кўраман.

— Эммануил билан менинг норозилигим қай даражада, деб ҳисоблайсан, — сўради Натан П.

— Қаттиқ норозисизлар, — деди Соломон.

— Тез муддат ичида бошқарувни ўз ихтиёрингизга олиш ва сиёсий тузумни ўзгартириш ниятидасизлар.— Соломон шу топгача чурқ этмай ўтирган учта йигитга қаради. — Бу ерда кўтарилган масалалар хоҳ ўзаро, хоҳ оила таркибида бўлмасин — шу хонадан четда муҳокама қилинмаслиги шарт.

Уч куёв бош ирғишди.

— Яна нима?— сўради чол.

— Муҳокама учун эмас, — деди Натан П., — шунчаки ахборотинглар учун. Анчагина маблағни четга инвестиция қилиш имкониятини қўлга киритдим. Муайян рақамлар кенгаш аъзоларига, улар истаган пайтда, берилиши мумкин.

— Агар бошқа таклиф бўлмаса, — деди чол, — кенгаш иши тугади.

Жоул машинани гаражга қўйишни кутмай, Клара шошилиб бинога кириб кетди — фарзандлари омон-эсон қайтишдимикан, Клара тезроқ билиши керак эди.

Жоул машинани гаражга қўйиб қайтиб келгач, Клара эрига виски қуйилган қадаҳ тутди.

— Болалар келишибди, ухлашяпти. Бирон нарса ейсанми?

— Йўқ, раҳмат, — деди Жоул, егиси келса-да, у бу ишни ўзи, Кларасиз қилишни истарди. У тезда вискини ичди-да, Кларага хайрли тун тилаб, ўз хонасига кетди.

Клара қўлида қадаҳ билан балконга чиқди. Узоқда шаҳар жимжит, чироқлар оғушида жимирлар эди.

Клара ўз хонасида ухлаётган Жоул ҳақида ўйлай бошлади.

Бир пайтлар, ҳали севгиси сўнмаган маҳалда, Клара хафа ёки маъюс бўлган чоғларида, Жоул уни юпатиш, таскин беришни яхши биларди. Энди эса унинг хаёли анови дурагай, ярми қоратан, ярми хитой қизда. Бироқ у Кларанинг лаззатини бера олмайди. Агар жуфтлик ҳузури шу қадар юксак, буларникидек баркамол бўлса ва узоқ пайтларгача давом этса, бошқа ҳеч қанақа алоқа хавfli эмас. Шунинг учундир Клара ўз эрини қомати болаларникига ўхшаш дурагай аёлга рашк қилгиси ҳам келмасди.

Бузилишнинг ўзи қачон бошланди, издан чиқишга нима туртки бўлди? Жоулнинг совуши қай дақиқадан аломат бераёзди. Аввалги жўшқин муҳаббатдан асар ҳам қолмаган бўлса, демак ҳалокат уруғи булар алоқасининг ибтидосида ётган. Бир нарса аниқ, шак-шубҳасиз. Биз унинг рўпарасига кўринмас кўзгу қўйдик, у ўз аксини, ҳақиқий аксини кўрди, номард эканлигини англади. Биз уни турли синовларга дучор қилиб, у ўзи ўйлаганича беайб инсон эмаслигига кўндирдик. Буни ўзида фoш қилиши, иқрор бўлиши қийин. Шунинг учун ҳам у на мени, на оиламизни кечирмайди. Яшаш қуръаси бошқа музофот, бошқа ўлка, бошқа ҳудудга тушганида, у ҳам, мен ҳам бўлакча бўлардик. Аммо — бу оролда эмас ...

... Қачон ва кимдан мен тасалли кутганман, эслай олмайман. Бизлар, Айзекслар, матонатли кишилармиз. Бошқача бўлиш ҳам мумкин эмас. Тўзонга айланмаслик учун яҳудийлар бардошли бўлишлари керак. Нима бўлмасин, Жоул — эрим. Орамизга тушган нифоқ — нотўғри нарса. Тўғрилаш учун нима қилиш лозим? Нима?..

Клара балкон эшигини мустаҳкам ёпиб, ўз хонасига кетди, либосини ечиб, тунги кўйлагини кийди, ялангоёқлигича эри ётган хона томон жилди.

Хонанинг деразаси очиқ бўлиб, парда ҳилпирар. Жоул ухлаб ётарди. Клара жунжикиб эрининг ёнига кириб ётди — юраги қаттиқ уради.

Жоул уйқусида қимираб, четроқ сурилди. Клара титроқ қўли билан эрини силай бошлади.

— Бу нимаси, Клара? — Жоул уйғониб кетди ва юм-юм йиғлаётган хотинини пайқайди. Хотинининг йиғлаш одати йўқ эди, Жоул қўлини чўзиб чироқни ёқди. Кларанинг безовта кўзларидан ёш оқарди. — Нима гап, Клара? Нима бўлди?

— Қўрқаяпман, Жоул, — деди Клара энтикиб.

— Нима бўлди? Нимадан қўрқаяпсан?

Клара индамади. Айзексларга хос нағма, деб ўйлади Жоул, аммо Клагага тикилиб, хижолат тортиди. Ҳақиқатдан, нимадандир хавфсираяпти, буни Жоул хотинининг кўзларидан англади, лекин уни юпатиш учун чора ахтармади, чироқни ўчириб нарироқ ётди.

— Ёнингда қолсам майлими?

— Майли. — Булар тўрт йил мобайнида бирга ётишмаган эдилар. Чўккан сукунатни Кларанинг йиғидан энтикиши бузар эди. Клара яна эрини сийпалади. Олов чиққандек бўлди. Клара ёрига ёпишди. Жоул ғазаб ва алам тўла эҳтирос билан хотинини қучоқлади.

— Кўнглим нотинч, — зрига бериларкан, пичирлади Клара ва падари бузруквори президент Мозес Жошуадан жудо бўлиб қолган оролда ваҳимага тушиш табиий бир ҳол эканини эътироф қилди.

## 2

Бу тун, ўйлади ёш аёл, зинҳор тугамайди. Шу тун воқеаларидан улар шунақа афсона яратишадик, бу афсона гирдобида ўзлари ғарқ бўлишади; демак, уларни бошқариш, ҳозир саройда ўлиб ётган президент қандай бажарган бўлса ва унинг ўрнини ким эгалламасин, шунчалар ўнғай бўлади.

Мисс Ли одамлар қуршовини ёриб, сарой қоровулхонасига аранг кирганда, бу ер ҳам, одатда, осойишта ва тинч хона, полиция ходимларига тўла, кимдир шошиб кирар, кимдир чиқар, нима бўлганини англаш қийин эди. Мисс Ли бу ерда таниш бўлиб қолган, авваллари келганда журналистлик ҳужжатини кўрсатмасдан

хам саройга кириб кетарди, аммо бу таҳликали вазиятда ёш аёл ҳужжатини кўрса-тишга мажбур бўлди.

Тор шим кийган хушбичим мисс Ли бошқалар орасида янада узун бўйли кўри-нар, чеккасигача чўзилиб борган қийиқ кўзлари, елкасигача тушган тимқора соч-лари қора юзига аллақандай латофат ёярди.

— Саройда нима бўляпти? — сўради Марта Ли таниш соқчидан.

— Тўполон, мисс Ли, — деди соқчи. — Президент ўлиши биланоқ ҳамма ва-зирлар ёприлиб келишган. Жаноб Жосайя ҳам шу ердалар.

— Биламан, — деди мисс Ли, — телевизорда кўрдим.

— Ҳозир ҳеч кимни ичкарига киргизишмаяпти, — деди соқчи, — ҳатто ҳамкасб-ларингиз ҳам эшик олдида депсиниб туришибди. Сизни ҳам қўйишмайди.

— Ижозат берсангиз, мистер Стенхонга қўнғироқ қилиб олсам.

— Ман қилинган, мисс. Ҳарбий капитаннинг буйруғи.

Марта Ли соқчи кўзига тикилиб қаради.

— Мисс, мени ишдан ҳайдашади, — деди соқчи безовталаниб.

— Ҳайдашмайди, сержант, менга ишонинг, — дея мисс Ли соқчининг энгини чимдиди. — Мен айтдим-ку, ичкарига телефон қиламан, ишхонамга эмас.

Соқчи индамай, нарироқда турган иккита телефоннинг бирини суриб, атрофга қараб қўйди

— Эшитаман, — телефонда Стенхоннинг ҳорғин овози эшитилди.

Бир замонлар Марта Стенхонга кўнгли қўйгандек туюлар, аммо вақт ўтган сайин бу ҳис ривож топмади, дил остига чўкиб кетди.

— Бу — Марта Ли, безовта қилганим учун'узр.

— Ҳозир келмаганингиз маъқул, — деди Стенхон.

— Мен шу ерда, қоровулхонадаман. Кутишим мумкин.

— Узоқ кутишга тўғри келади.

— Майли, кутаман.

— Бўпти, — Стенхон телефондаги гапини тугатди.

— Яна битта қўнғироқ, — деди соқчига Марта ийманиб. — Редакцияга.

— Марҳамат, мисс.

— Малколм? — деди Марта, телефонда рақам териб. — Марта Ли. Охирги да-қиқагача мен учун биринчи саҳифадан жой қолдир. Хўпми?..

У тикка ёқали, хитойча тикилган курткаси чўнтагидан сигарет чиқариб, соқчига тутди, бирини ўзи тутатди.

— Стенхон шу ерда кутиб туришни айтди, сержант.

— Бунни расмий буйруқ деса ҳам бўлади, мисс.

— Тўғри, сержант. Аммо узоқ кутишга тўғри келади, деди.

— Аҳамияти йўқ, мисс, керак бўлса эрталабгача кутишингиз мумкин, — деди у, хонадаги ғала-ғовурни босиш учун овозини кўтариб ва бир аланглаб қўйди. — Кофе ичасизми, мисс?

— Агар мумкин бўлса, сержант, шакарсиз ва ўзимга ўхшаган қорасидан.

Бу хоним сержантга аввалдан ёқиб келади: ҳам номи чиққан, ҳам чиройли. Са-риқтанликка ўтиши ҳам мумкин, ўзини хитой ёки дурагай деса ҳам бўлаверади, бироқ у бундай қилмайди, ўз қонидан кечини истамайди. Мен қоратанлиман — тамом.

— Жон устига, мисс, — деди сержант жилмайиб.

Ўз жойига айтилган сўз нималар қилмайди, — кўнгли ҳам юмбаб, ҳам нега-дир ғазабланиб ўйлади Марта, ёқадиган имо-ишора, андак таважжуҳ — марҳа-мат, омманинг ипи қўлингда, истаган томонингга бураверасан.

Сержант буғланаётган кофени Марта олдига қўйиб, деди:

— Қўшадиган нарса ҳам топилади. — Сержант стол қутисидан кичкина шиша олиб, кофе кружкасига оқ ром қўйди.

Марта узун, нозик бармоқлари билан кружкани ушлаганида, қўли нақадар сов-қотганини билди. Янги йилга яқин кезлари орол тунлари анчайин совуқ бўлади. Марта кофе ва ромдан исиган бўлиб, сержантга ташаккур айтди ва ташқарига чиқиб, сарой дарвозаси томон кетди, яна тўда орасига тушди. Дарвозадан бир неча қадам нарида одамлар, муҳим воқеа содир бўлишини кутгандек, жим туришар,

чўян дарвозанинг икки томонидан аллақандай гуруҳлар черков мадҳиясини ижро этишар эди.

Аллақандай аёл Мартанинг тирсагидан ушлаб, баланд овозда:

— Сен уни кўрдингми? — деди. — Сени ичкарига қўйишдимми?

— Йўқ, — деди Марта ҳам баланд овозда.

— Сен кетма, албатта уни кўрасан.

Аскар ва полициячилар ортилган бир неча юк машинаси, одамларни четга сиқиб, сарой дарвозаси томон кела бошлади. Бир оздан кейин сарой атрофи ҳарбий лагерга айланиб, янада қатъий назорат ўрнатилди.

Марта қоровулхонага қайтиб келди.

— Кўрясизми, мисс, нималар бўляпти, — деди сержант.

— Ҳа, кимдир ишни ўз қўлига олганга ўхшайди.

— Ҳозиргина инспектор телефон қилиб, ҳарбий бошқарувга бўйсунуш керак, — деди.

Бу нима, Жосайяга нисбатан қўлланган фавқулот тадбирими, ўйлади Марта Ли, агар шундай бўлса, ким бундай қилди? Вазирларми? Ёки Жон Стенхонми? Мартага қолса бундай буйруқ вазирлардан чиққани маъқул. Чунки бунақа тадбирнинг охири қандай оқибатларга олиб боришини Жон Стенхон билади, у ақлли одам, ундан бунақа фармойиш чиқиши гумон. Мартанинг дили нотинч эди. Бундай вазиятда энг совуққон, идрокли одам ҳам ўзини йўқотиб қўйиши, унда ҳамма нарса рўй бериши мумкин. Марта бундай фикрларни ўзидан ҳайдаб, кўзларини юмди. Кутиш узоқ бўлиши, балки уч-тўрт соатга, ҳатто саҳаргача чўзилиши мумкин. Марта девордаги соатга қаради — сал кам бир. Президентнинг жони узилганига тўрт соат бўлипти.

— Мисс, — деди сержант, мудраб қолган Мартанинг елкасига бармоқларини қўйиб, — вазирлар кетишмоқчи. Мистер Стенхон сизни йўқлайди.

Марта ўрнидан сапчиб турди-да, ташқарига йўл олди, аммо уни сержант тўхтатди:

— Шошманг, мисс. Ҳозир солдат келади, у сизни элтиб қўяди. Энди сарой назорати ҳарбийлар қўлида.

Марта ортига ўгирилиб, столнинг нариги томонида ўтирган ҳарбий капрални кўрди.

Бир неча дақиқа ўтгач, қоровулхонага қуролланган аскар кириб, капралга қоғоз узатди.

— Мисс Ли! — баланд овозда чақирди капрал.

Аскар Мартани ўтказиш учун орқасига жилди. Ташқарига чиқиб хиёбон бўйлаб кетаркан, Марта ҳар ер-ҳар ерда соқчиларни пайқайди. Улар сарой биносини уч ҳалқа шаклида ўраб олган эди.

Марта соқчи кўмагида сарой биносига яқинлашганида, ичкаридан автомат билан қуролланган махсус солдатлар пойлоғида вазирлар чиқишди. Пойлоқчилар вазирлардан бири неча баробар кўп эди.

Нега мунча қурол кўп, ўйлади Марта, ҳаддан ташқари кўп.

— Бу ёққа, мисс, — деди соқчи, асосий хиёбон йўлидан четга бурилиб. Бу сўқмоқ бино биқинидан эшик томон олиб борарди. Соқчи навбатчига ижозатнома қоғозини берди, Марта энди бу офицер ихтиёрига ўтди ва унга эргашиб, бино ичига кирди.

Ҳашаматли кенг зинанинг икки томонида бйтгадан пойлоқчи, яна иккита қўриқчи президентнинг шахсий қошонаси эшиги олдида туришар эди.

Чап томонда котибят жойлашган бўлиб, уни ҳеч ким қўриқламас эди. Саҳар бўлишига қарамай ҳамма ходимлар ўз ўринларида эди. Булар учун президентнинг вафоти — қўшимча ва тигиз иш деган маънони билдиради, ўлим ўз йўлига-ю, давлат аппаратининг иши, қанақа мусибат рўй бермасин, тўхтамаслиги керак. Давлат котибининг катта ёрдамчилари, ҳали кун ёришмай туриб, телефон орқали узоқ музофотлар билан боғланишди, бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатаётган орол ваколатхоналари билан гаплашиб, керакли топшириқлар беришди.

Бу ер Мартага яхши таниш бўлишига қарамай, офицер билан Марта четроқда тўхтаб, кутишди. Ниҳоят Эндрю Симпсоннинг назари улар томонга тушди. Бу йигитни шахсан Стенхоннинг ўзи келажак амал учун парвариш қиларди. Ҳатто шу миллий мотам эълон қилинган бир пайтда ҳам бу жуда баланд бўйли, жуда

дилдор, жуда соҳиб ва жуда қора келажак дипломати худди қучоқлаб олмоқчи-дек қулочини ёзиб Мартага яқинлашди. Ёш офицернинг жигарранг афтида истеҳ-золи илжайиш пайдо бўлди.

— Мисс Ли, — дея Симпсон эгилиб Мартанинг қўлини ўпти. Ёш офицер пош-наларини бир-бирига уриб, бармоқларини чеккасига қадади ва антиқа йигитга ижозатномани топшириб, зина томон кетди. — Мистер Стенхон ўзида, — дея Симпсон Мартанинг тирсагидан ушлаб, панада жойлашган тор, давлат котибининг хусусий қароргоҳига олиб борадиган зина томон йўллади.

— Оғирроқ бўлинг, Эндрю, — деди Марта, — бу жойда президентнинг жасади ётибди.

Симпсоннинг юзидаги такаллуф ниқоби бир зумга рухсоридан учди.

— Тўғри айтасиз, мисс Ли, президентимиз бандаликни бажо келтирди, биз шак-коклик қилишимиз жоиз эмас, — деди Симпсон, худди гап об-ҳаво ҳақида кетаёт-гандек енгил, беписанд оҳангда. — Бироқ, кечирасиз, мен халқимизни алдаб, йўлдан чалғитиб, бойлик орттирувчиларга оёқ-қўли билан сотиб келган золимни қаҳрамонлик даражасига кўтаришни истамайман. Бу қари чўчқа ниҳоят елкамиздан қулаганига ҳатто хурсандман.

— Унга бериладиган таъриф фақат шундан иборатми? — қизиқиб сўради Марта.

— Мен ва менга ўхшаган кишилар фикрича — шундай! Вассалом. Меъ, деҳқон бола, тоғдан тушиб, саройда шундай мансабга эришганимни эслашга уринманг. Бу имтиёз Симпсон авлодларидан олинган даромаднинг бир бўлагини ҳам қопламайди. Мана, келдик. Сиз, мисс, орамизда бўлган гапларни айтиб ўтирманг, илтимос. Шефимга фикрларим шаккоклик бўлиб туюлиши мумкин, унда яна тоғдан тушиб келган деҳқон йигитга айланиб қолишим ҳеч гап эмас, агар баттари бўлмаса.

Марта Ли нафратини аранг босди:

— Эндрю, сиз саройдан дарвоза ташқарисига чиқдингизми? Тоғдан тушган деҳқонлар йиғисини кўрдингизми?

— Кўрдим, мисс Ли, кўрдим, — деди Симпсон.

— Бунга нима дейсиз?

— Энг даҳшатлиси шу: қуллар қулдор ўлимига йиғлашмоқда.

— Демак, сизлар учун уларнинг кўз ёшлари ҳеч гап эмас, улар билан ишингиз йўқ, шундайми?

— Ишимиз бор, мисс. Улар шу қадар зулмга ўрганиб кетишганки, қамчисиз яшашни тасаввур ҳам қила олишмайди. Дўқ, алдам, пўписа улар учун табиий бир ҳол. Мана шу, мисс Ли, президент инъом қилган мурувват.

— Бундан бошқа у бизларга ҳеч нарса бермаганми, энди?

— Сиз учун берган бўлиши мумкин, фақат мен учун эмас, — дея Симпсон эшикни тақиллатди ва давлат котиби Жон Стенхон булар истиқболга келмагунча эшик олдида кутиб турди-да, котиб келгач, андак таъзим қилиб, қабулхонадан чиқиб кетди.

Жон Стенхоннинг туси заҳоб тупроқдек бўғиқ, одатда, яхши қирилган буғдой-ранг эти сўлғин, ўткир кўзларидаги нур бирмунча сўнгандек туюлди Мартага. Айниқса, оролнинг аристократларига хос такаббурликдан нишон ҳам қолмаган эди. Бундай алфозда давлат котибини Марта ҳеч қачон кўрмаган эди.

Стенхон муздек бармоқлари билан Мартанинг қўлини қисгач, орқасига ўгирилди. У ерда ҳарбий либос кийган овруполик офицер ўтирар эди. Марта уни таниди, бу орол ҳарбий кучларига қўмондонлик қилиш учун Европадан таклиф қилинган полковник Жон эди.

— Полковник, — дея Марта унга мурожаат қилди, — фавқулотда вазият эълон қилингани ростми?

Полковник нимадир айтиш учун оғзини жуфтлади, бироқ охири дақиқада ўзини тутиб, давлат котиби томон бошини ўгирди.

— Эълон қилиндими, Жон? — сўради Марта Стенхонга тикилиб:

— Ҳеч нарса эълон қилингани йўқ, — деди Стенхон.

— Унда ким ҳарбий қисмларни бу ёққа келтирди? Нима сабабдан?

Стенхон шкафдан шиша олиб, Мартага коньяк қуйиб берди. Марта бир қул-тум коньяк ютиб, котибга қаради.

— Ҳарбийларни мен келтирдим, — деди у аранг. — Сабабини биласиз.

Кейинги саволни бериш нақадар қўрқинчли ва Стенхон жавобини эшитиш янада даҳшатли бўлишига қарамай, Марта бари бир сўрашга мажбур бўлди:

— Бунақа ваколатни ким сизга берди?

— Ҳеч ким.

— Тавба! Жон! Бу нимаси? Қандай журъат қилдингиз? Улар... — деди Марта. Вазирлар биладими? Айтдингизми?

— Йўқ. Улар таҳликада, тушунишмайди. Фулгула, нотинчлик бўлиши мумкин. Олдини олиш керак эди.

— Қандоқ бўлди, Жон? — эътироз билдиришга уринди Марта. — Сиз сайланган вакил эмассиз, сиз ҳукумат маҳкамасидаги ходимсиз. Бунақа қарор қабул қилишга сизнинг ҳаққингиз йўқ. Ҳуқуқий жиҳатдан сиз ҳарбий қисмларни оёққа тургаза олмайсиз.

— Кимдир чора кўриши керак-ку.

— Бунақа ноқонуний йўл билан эмас-да, Жон!

— Менга қаранг, Марта. Президент кўз юмган дақиқадан буён мен улар билан олишаман. Улар ҳатто оддий декретга, ўринбосар тайин бўлмагунча ҳамма нарса аввалги ҳолида қолаверади, деган ҳужжатга имзо чекишга ҳам қодир эмаслар. Қандай масала кўтарилмасин, талашшишади, келиша олишмайди. Бирон нарса деса, келажакда ўзларига қарши ишлатилишидан ҳайқишади.

— Ниятингиздан шубҳам йўқ, Жон, — деди Марта.

— Аммо хато қилди, деб ҳисоблаясиз, мисс.

— Буни ўзингиз ҳам биласиз. Сиз шу тадбирингиз билан ўзингизни улар қўлига топширибсиз. Энди уларнинг ҳар бири, хоҳласа, сизни мажақлаб ташлаши мумкин.

— Жосайя, масалан, а? — деди Стенхон, рақиблари орасидан негадир Жосайя шахсида тўхтаб. — Ҳеч нарса қилмай, бекор ўтириш ҳам мумкин эмас эди.

— Ҳарбий кучларни чақирмасдан ҳам анча ишларни амалга оширса бўларди. Сиз ҳеч қанақа ҳақингиз йўқ ҳолда, давлат номидан иш кўрибсиз.

— Агар у, — дея Стенхон президент жасади ётган томонга ишора қилди, — ҳамма нарсани ўз қўлига олмаганида...

— Яхшимас, Жон, — деди Марта. — "Агар" сўздан тузилган рўйхатни исталганча чўзиш мумкин: агар бултур вице-президент ўлмаганида, агар Чол мудофаа вазирини тайин қилганида, агар вазирлар тамагир бўлмаганида ва ниҳоят давлат котиби, ўз хизмат доирасидан чиқиб, давлат тасарруфини эгаллаб олмаганида...

— Демак, мен бошқаларга ўхшаб, фақат ўз манфаатимни ўйлашим, кўчаларда нималар бўлиши мумкинлиги мени қизиқтирмаслиги керак эди, шундоқми? Ўшанда мен ватанпарвар, деб ҳисобланармидим?

— Жон, рангли зодагонларнинг мусибати шундан иборатки, — деди Марта Стенхонга тикилиб, — улар ўз халқига ишонишмайди.

— Марта, мен жуда чарчадим, — деди Стенхон хўрсиниб. — Кун энди бошланяпти. Ҳали қанчадан-қанча машмашалар бор.

— Кечирасиз, жаноб котиб, — деди Марта ҳушёр тортиб, — мен ҳаддан ошдим, чоғи.

— Қўйсангиз-чи, Марта, — ҳорғин деди Стенхон.

— Жон, ўлкамизга ҳозирги бир вазиятда сиз жудаям кераксиз, — деди Марта қатъий равишда. — Агар давлат маҳкамаси қуласа, тангликдан омон чиқа олмаймиз. Утинаман, Жон, гурурингизни букиб бўлса ҳам, Жосайя билан тил топишинг. Давлат аппаратининг иши бузилмаслиги учун ўзингизни тутинг.

— Жосайя билан тил топишинг? Ақлдан оздингизми, мисс?

— Халқ сайлаган вакиллар ҳуқуқини сиз ўзбошимчалик билан эгаллаб олдингиз. Шунинг учун мансаб жиҳатидан сиз ҳозир расмий ва энг қудратли шахсиз, обрўйингиз баланд, гапингиз ўтади. Сиз мансабингиз қуввати билан давлат аппаратини сиёсатга аралаштиришдан ва тумтарақай бўлишидан сақлаб қолишингиз мумкин. Ниятингиз қандай бўлмасин, сиз ўзбошимчалигингиз билан обрўйингизга шу қадар путур етказдингизки агар вазиятни ўзгартириш учун зарур чоралар кўрмасангиз, кеч бўлади, қўлингиздан ҳеч нарса келмай қолади... Мен редакцияга телефон қилишим керак, мумкинми?

Стенхон бош ирғади. Марта телефонда рақам териб, тунги муҳаррирга бирин-

чи саҳифага ваъда қилган мақолани айта бошлади. Марта сўз ахтариб қоқилмас, ма-лакали журналистга хос тажриба билан тез ва равон гапирар эди. У гапини ва-зирларнинг натижасиз тугаган кенгашидан бошлаб, бу йиғилишда Алберт Жосайя иштирок этмаганини, масалаларни ҳал қилиш ваколатини ўртоқларига топшириб, ўзи одамларни тинчителик учун шаҳар кўчаларига чиқиб кетганини айтди.

“Ҳозир мен, дея давом этди Марта, давлат котиби Стенхон қабулхонасидаман: мистер Стенхон, вазирлардан бири Жосайя билан боғланиб, одамлар тўдаси пре-зидент жасади билан видолашиш учун сарой дарвозаларини очиш ҳақида ундан рухсат олмақчи. Тартиб сақланиши учун мистер Стенхон ҳарбий қисмларни ҳам саройга жалб қилган.”

Марта телефон дастасини кафти билан беркитиб:

— Шу жумла қолсинми ё ўчириб ташласинми? — деди. — Бу ягона чора.

— Қолсин, — деди Стенхон.

— Малколм, — деди Марта кафтини олиб, — коммутатор орқали Жосайяни топишга уриниб кўр, айт, у Стенхонга қўнғироқ қилсин, хўпми? — Марта мақола давомини айтишда давом этди.

Бир неча дақиқа ўтгач, бошқа телефон аппарати жиринглади, Стенхон сапчиб телефон дастасини олди.

— Жаноб котиб? — сўради Жосайянинг бўғиқ овози. — Жосайя гапиряпти.

Мени радио орқали қидиртирган экансиз, нега?

Марта Стенхонга тикилиб, унинг чап кўзи бурчаги пирпираганини пайқади — Жосайяга бўлган ғазаб аломати.

— Жаноб вазир, ниҳоят сизнинг топилганингиздан ғоят шодман.

— Шодсиз? — истеҳзо билан сўради Жосайя. — Йўғ-э!

— Мен кўчадаги одамлар тўдаси ҳақида...

— Хўш?

— Биз сарой дарвозасини очиб, одамларни киргизишимиз керак, мажбурмиз...

— Мажбурмиз?

— Масала нимадан иборатлигини тушунарсиз, деб ишонаман.

— Йўқ, жаноб котиб, тушунмаяпман.

— Халқни саройга қўйиш учун биронта вазирнинг расмий ижозати керак. Одам-лар оқими кўпаймоқда, агар дарвоза очилмаса, ҳар нарса бўлиши мумкин.

— Ҳайиқяпсизми, жаноб котиб?

— Йўқ, сэр. Мен фақат юрт осойишталигини ўйлаяпман.

— Жуда соз, ундай бўлса, атрофингиздаги вазирлардан олаверинг-да, ижозатни.

— Кетишди улар, бу ерда ҳеч ким йўқ. Сизни эса бир соат мобайнида ахтара-ман, сэр.

— Яъни нима демоқчисиз?

— Мен сайланган вакил эмас, аппарат ходимиман.

— Хўш, нима бўпти?

— Қўлланиши зарур бўлган тадбир менинг ихтиёримда эмас, сэр, бундай чора кўришга ваколатим йўқ. Шунинг учун сизни ахтариб топиш вазифасини ходим-ларимнинг бирига топширдим.

— Ким у?

— Эндрю Симпсон.

— Тушунарли, — деди Жосайя. — Симпсон — тарафдорларимдан бири, била-сизми?

— Йўқ, — деди бундай қўққис саволни кутмаган Стенхон.

— Демак, шу топшириқни айнан Симпсонга бергансиз, яъни мени ахтариб то-пишни, шундайми, жаноб котиб?

— Айтдим-ку.

— Бўпти, жаноб котиб, — дея бир нафас сукут қилгач, Жосайя сўради: — Хўш, мендан нима истайсиз?

Жон Стенхон индамади, Марта тушундики, бу одам ўзи билан азобли кураш олиб бормоқда.

— Сэр, — деди у ниҳоят бир қарорга келиб, — сиз зудлик билан саройга кели-шингиз керак, деб ўйлайман. Назаримда, сиз радио орқали миллий мотам ҳақида халққа қарата мурожаат қилишингиз, кун ёриши билан сарой дарвозаси очили-



шини, президент билан видолашувчилар киришлари мумкинлигини эълон қилишингиз керак. Агар менга топширишни лойиқ кўрсангиз, радио орқали чиқишингиз учун ҳамма воситаларни тайёрлатиб қўяман.

— Тушунарли, — Жосайянинг совуқ товушида эҳтиёткорлик сезиларди. — Сиз менга қўл бермоқчимисиз?

— Йўқ, сэр. Мен расмий ходимман. Мамлакатда қонуний ҳукумат сақлаш — бурчим. Давлат бошқаруви бошқа раҳбар ихтиёрига ўтиш билан боғлиқ бўлган жараён тадбирларини сайланган вазирлар ичида фақат сиз таъмин қила оласиз, деб биламан.

Телефон дастасида узоқ жимлик ҳукм сурди.

Стенхон дастани кафти билан тўсиб, Мартага қаради.

— Бирон ғаламислик йўқмикин, деб гумон қиляпти, — деди у. — Ҳукумат унинг қўлига ўтади ва мен унга ёрдам беришим керак! Ақл бовар қилмайди.

— Нимаям қилардингиз, — деди Марта унга раҳми келиб.

— Сиз, Жон Стенхон, мендан бирон муруватни кутмаяпсизми эҳтиётдан, — яна телефонда Жосайянинг овози эшитилди.

— Масалан?

— Масалан, лавозимингизни сақлаб қолиш эҳтимolini айтмоқчиман.

— Конституцияга риоя қилиш ва қонун ўрнатган тартибни ижро қилишингиздан бошқа нарса менга керакмас.

— Хато қилмасам, — деди Жосайя, бир лаҳза жимиб, — сарой ҳозир ҳарбийлар ихтиёрига ўтган.

— Ҳозирги гапимизни содир қилган тадбирни режалаш натижасида ҳарбийларни чақириш зарурати туғилди.

— Кимнинг маслаҳати, тўғрироғи, кўрсатуви билан сиз бу ишни амалга оширддингиз?

— Мен сизнинг кўрсатмангизга таянмоқчи эдим.

— Ватан манфаати туфайлими?

— Ҳа. Ватан манфаати туфайли.

— Агар мен тадбирингизга имзо чекмасам-чи? Оқибатини ўйладингизми?

— Биламан, сэр.

— Майли, Стенхон, — деди Жосайя бир оз ўйлаб. — Ярим соатдан кейин саройда бўламан.

— Яни битта масала бор, жаноб вазир, — шошиб деди Стенхон. — Қўшни хонада “Орол садоси” газетасининг мухбири мисс Марта Ли ўтирипти. Ҳозирги гапимиз ҳақида ахборот берайми унга, агар берсам — қанчалик муфассал бўлсин?

— Улар мени ёқтиришмайди, аммо бунинг аҳамияти йўқ, — деди Жосайя тетик овозда. — Ҳар қалай, радио-телевидение бўйича кетадиган баёнотдан ошиқча бўлмасин, яъни биз айтишни лозим кўрмаган пуч ваъдалар тилга олинмасин. Умуман, нариги хонада ўтирган мисс Ли ходимлар орасида энг мустақили, тагин ким билади дейсиз. Ҳа, майли. Кўрамиз. Телефонда қисқа ду-дулаш эшитилди.

Стенхон телефон дастасини қўйиб, шкаф-бар олдида борди, стаканга сув аралаш виски қуйиб, лабига олиб борди. Стакан тепасидан Мартага қарар экан, аёл бир нарсага иқрор бўлди. — Стенхон пичирлаб калима келтирар эди.

— Қачон келади? — сўради Марта.

— У ҳозир йўлда.

— Жуфтакни урганим маъқул, жон-деб қолардим, бироқ ... — деди Марта, иккала қўлини ёзиб. — Жон, у ақлли одам, эҳтиёт бўлинг. Биласизми яна нима?.. Ватан сўзи унинг учун мавҳум нарсамас, сизнинг тушунчангиздан қолишмайди.

Стенхон Мартага тикилиб, ҳеч нарса демади.

Марта пастрга тушганида, интизорлик билан кутиб турган мухбирлар унга ёпирилишти.

— Жосайя ҳозир келади, — деди Марта уларга ва четроққа ўтиб, вазир келишини кута бошлади.

Узоқдан “Жосайя!.. Жосайя!..” деган қийқириқ эшитилди, қийқириққа гулдурос қарсақлар аралашиб, тўда тўлқиндай қалқий бошлади ва ҳеч қанча вақт ўтмай, оломон орасида йўлак ҳосил бўлиб, усти очиқ автомобил кўринди. Кичик

жуссали Жосайя тик турган ҳолда олқишларга қўл чайқаб зўраки жилмаяр, нима-лардир дерди.

Жосайя саройга кириб кетиши билан Марта кескин бурилиб, ғала-ғовурдан узоқлаша бошлади. Ҳали тонг оқармаган, уйлардаги чироқлар ҳамон ёнарди. Бу кеча ҳеч ким ухламаган, ғулғула билан тунни бедор ўтказгани сезилиб турарди. Марта чапга кетган нурсизроқ кўчага бурилиб, сумкачасидаги револьверни олиб, ўнг чўнтагига жойлаб қўйди. Бир оз юргач, Марта кўчанинг нариги тарафдаги бензин станцияси олдида қолдирилган машинаси томон ўтди ва шу ердан навбатчи муҳаррирга телефон қилди.

— Бош муҳаррир сизни матбуот саройида кутяпти, — деди Малколм.

Марта машинасига ўтирганида осмоннинг шарқ томони қизара бошлаган бўлиб, уйқусиз туннинг кунга айланиш чоғи аёлнинг дилига ғашлик олиб кирди, Марта ҳозир ўзининг ёнида Жоул Стернинг пайдо бўлиб қолишини кўмсади.

“Орол садоси” газетасининг бош муҳаррири Макссуэл Жонсоннинг бўйи икки метрга яқин бўлиб, қомати пишиқ, аммо тўла эмас, суяги йўғон эди. Қўллари ҳам катта бўлиб, кафтини вараққа қўйса, саҳифани қоплаб, унда нима ёзилганлигини ўқиб бўлмай қоларди.

Максуэл бу оролга келганига ўттиз йилга яқинлашиб қолди. У газетага кичик ходим бўлиб кирган эди, истеъдодли эди ва шу сабабли ҳам қоратанли касбдошлари ғарази остида яшади. Бунни сезган Макссуэл ўртоқлари билан ўта одобли бўлган, газета раҳбарлари олдида лаганбардорлик қилмаган, ирқий масалаларда бетараф қолган, оқ танли эканини унутмасликка тиришган, орол ғами билан яшаган, қолаверса, шу ерлик Майрага уйланиши Макссуэлга бўлган ёвуз назарни юмшатди, айниқса Макссуэл матбуотчилар уюшмасини тузиб, ўзи унинг раиси бўлгач, ноширлар улуши воситасида матбуотчилар саройини қурдирди; маслаклари бирлашган ходимларнинг Макссуэлга бўлган ихлоси янада ошди.

Марта келганида Макссуэл қўлида виски қуйилган қадаҳ билан кабинетининг очиқ деразаси орқали Сарой томон тикилиб турар, нима бўлаётганини англашга тиришаётгандек туюларди.

Марта ўзига кофе қуйиб, ром аралаштирди.

— Хўш, — деди Макссуэл ўгирилиб, — Жосайя топилдими?

— Топилди.

— Стенхон ўз қўли билан давлат тожини Жосайяга кийгазди, деб ўйламовдим, — деди Макссуэл рамзий маънода.

Марта жилмайди, у ҳамкасби ўз фикрини давом эттиришини кутарди.

— Сизлар ҳаммангиз Жосайядан қўрқасиз, — деди Макссуэл виски ҳўплаб, — ҳатто нафратингизни яшира олмайсизлар ҳам, уни тушунишга уринмайсизлар. Бу Жосайя учун — рўкач, дастак, далил. Айни шу нарсалар ҳозир унга қўл келади, у бу имкониятни қўйиб юбормайди. Жосайя ақлли одам, давлат идорасини унга топширишларини у, албатта, кутган. Мана кўрасан, мақсадига эришиш учун у жонини аямайди. Чол бекорга уни ёнида ушламаган. Жосайядаги баъзи хусусиятлар Чолда йўқ эди. Атрофи унсиз лаббайчилардан иборат бўлганидан кейин Чол кимга ҳам ишонарди. Жосайянинг саройдаги эътирозларига чидаши Чолнинг заифлиги эмас, бу унинг, ҳуқуқ бор, деган шиор ниқоби. Одамлар қанча кўп иродасиз махлуққа айлантирилса, ҳуқуқ, эрк, озодлик, деган шиорлар, байроқлар шунча баланд кўтариллади. Ҳукумат ҳозир таҳликада, қандай тadbир қўлламасин, натижаси нима бўларкин, деб қўрқади, шунинг учун ҳам масъулиятни Жосайяга ағдаришмоқчи.

— Ўзларига гўр қазишяпти, — деди Марта мулоҳаза қилиб.

— Қирол ўлди, яшасин қирол, юртимизни худо асрасин!

Марта пастга тушганида, ғира-шира кўча кимсасиз, полиция ходими совуқдан жунжикиб юрар эди. Мартани кўриб, у аёл томон кела бошлади.

— Салом алайкум, мисс, — деди полиция ходими, Марта ўтирган машина эшиги олдида тўхтаб. — Шундоқ саҳар пайтида нима қилиб юрибдилар?

— Ваалайкум асалом, — дея хушмуомалалик билан жавоб берди Марта ва мухбирлик ҳужжатини сумкасидан олиб, бино томонга ишора қилди. — Баъзан

кечаси ҳам ишлашга тўғри келади. Айниқса мунақа ҳодиса рўй берганида. Бошлиқ ҳали ҳам у ерда. Қиттак-қиттак отиб олдик.

Саҳарда бошлиқ билан ичиш — ғалати нарса. Ҳойнаҳой, жазмани бўлса, ишрат қилишган, деб ўйлади ходим.

Марта ходимнинг гумонини англагандек, деди:

— Сиз ўйлаганча бўлсаям, бу менинг шахсий ишим.

— Ҳеч нарса деганим йўқ-ку, мисс, — истеҳзоли деди ходим ва ҳужжатни қайтариб берди.

Ҳаммамиз бир гўр, ўйлади Марта, бўлар-бўлмасга амалимизни рўкач қиламиз, текширишса, ғашимиз келади. Агар мен оддий аёл бўлиб, бошлиқ кабинетида спирт ҳиди билан қўлга тушсам, ходимнинг гапига ўйнаган бўлардим. Марта уйига етгунига қадар ярим соатча вақт ўтди, борлиқ, тун оғушидан қутула бошлади, табиат ранглари жилога кирди. Саройга келаётган мотамсаро одамлар сони борган сари ошар, улар ишга кечиккандек, ошиқишар, ҳатто хайр-эҳсон жамияти уюштирган кўчма ошхоналар олдида тўхташмас, бундай аза пайти кўчада овқат ейишни ўзларига эп кўришмас эди.

Марта катта йўлдан анчагина нари уйига етиб келганида соат олтига яқинлашиб қолган эди. Марта телефонда қўнғироқ қилганлар рўйхатини кўриб чиқди, аммо унда Жоулнинг номи йўқ эди. Марта ечиниб, иссиқ душга тушгач, кўрпага кирди. Қуёш нурларини энди тарата бошлаган эди.

\* \* \*

Жоул Стернинг кийиниб, галстукда ойнабанд даҳлизга чиққанида, ҳамма ноштани қилиб чиқиб кетган, Клара якка ўзи ўйчан ўтирар эди. Жоулнинг қиёфасидаги бепарволикни кўриб, ўтган кеча воқеаси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, дедими, деб ўйлади Клара ва эрига қараб жилмайди.

— Нега куласан? — кофе ҳўплаб сўради Жоул.

— Ўтган тун учун сенга раҳмат, — деди Клара, эридан кўзини олмай.

Жоул ўзини эшитмаганга олди.

Шу пайт хонага Соломон кириб келди. Унинг афти қизарган, кўзлари бежо эди. У ўзи билан олиб келган “Орол садоси” газетасини Жоул олдига ташлади:

— Мана, кўриб қўй, — деди у, бармоғи билан газета саҳифасини нуқтаб. — Стенхон, бебаҳо дўстинг Стенхон Жоулга сотилипти. Ҳеч ким миқ этмапти ҳам. Ҳукумат идорасининг энг катта амалдори, сен шу қадар бино қўйган Жон Стенхон давлат калитини Жосайяга топширипти. Сен туфайли у одам хонадонимиздаги барча сирдан хабардор бўлиб келган ва энг муҳими — Жосайяга муносабатимиз қанақалигини жуда яхши билади. Агар дўстинг уни бундан огоҳ қилса, биласанми, нима бўлиши мумкин?

— Солли, шошма! — дея Клара уни тўхтатди.

Солли жимиб қолди, токи Жоул билан Клара газетадаги Марта Ли хабарини ўқиб чиқмагунларича, асабий ҳолда хонанинг у ёғидан бу ёғига юра бошлади.

Ниҳоят Жоул Соломонга қаради.

— Солли, сен Стенхон ҳақида хато қиласан, — деди Жоулга газетани суриб. — Сотилди, деган фикрингга қўшилмайман.

— Қўшилмайман? Далиллар-чи?

— Демак, шундай қилиш учун асос бўлган.

— Асоси аниқ, албатта, — омон қолиш, амалидан маҳрум бўлмаслик, Жосайя пинжига кириб, мансабга эга бўлиш!

— Албатта-да! — деди Жоул жаҳли қайнаб. — Ҳаммани сотиш ва сотиб олиш Айзекслар сулоласининг эътиқоди! Жонга тегди! Илтимос, Солли, нега Стенхон шу тадбирни қўллаганинг сабабини аниқламагунимча, ўзингни бос, валдирама. — Жоул шартга туриб хонадан чиқиб кета бошлади ва эшик олдида тўхтаб: — Менга қара, Солли, ҳамма сотқин, ҳаммани сотиб олиш мумкин деган фикрдан сен ва қондошларинг қанча тез қайтсаларинг, шунча тез ўзларингга яхши бўлади! Замон ўзгармоқда! — деди. — У пайтлар Чол билан кетди! Сизларнинг мамлакат устидан олиб борган зуғумингиз ҳам! — Жоул эшикни қарс ёпиб, чиқиб кетди.

— Жоул! — чақирди Клара, аммо эридан садо келмади.  
 Соломон ўзига кофе қуйди.  
 — Унга нима бўлди ўзи? — деди Соломон таажжубда.  
 — Жоул ҳақ, — деди Клара, азият чекиб. — Биз аслида шунақамиз.  
 — Энди у нима қилади?  
 — Нима қиларди. Стенхон билан гаплашиб, нима учун мунақа қилганини аниқ-лайди. Натижада Стенхоннинг сотилмаслиги аён бўлиб чиқади. Орамизга яна совуқлик тушади, — дея Клара укасига тикилди. — Нега энди айти бизнинг юрти-мизда бойлик одамларни бузади? Нега?

## 3

Куннинг ўрталарида Жоул Стернинг Марта Лига телефон қилди. Бунга қадар у ўз кабинетидан чиқмай Стенхон билан боғланишга, янги вазиятда Айзекслар хонадони аъзолари қандай усул қўлланиши мумкинлиги устида бош қотирди. Бироқ, Стенхон билан боғлана олмади, Айзекслар хусусидаги ўйлари ҳам аниқ натижа бермади. Жамоа корхоналари берк бўлгани учун Жоул нонушта қилиш мақсадида Атлетлар Клубига жўнади. Жоул, Клуб ресторани тўла бўлса керак, деб ўйловди, бироқ акси бўлиб чиқди. — “Орол садоси” газетасининг бош муҳаррири Макссуэл Жонсондан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Жоул унинг столига ўтирди; Макссуэл ширакайф, овқати чўқиланмаган ҳам эди. Жоул ўзига гўштли сандвич буюрди.

— Мартани кўрдингизми? — сўради Макссуэл ғарзини яшира олмай.

Макс Марта туфайли Жоулга ғашлик билан қарар ва буни у биларди.

— Йўқ, — қисқа қилиб деди Жоул.

— Чол ўлганидан кейин, демоқчиман.

— Тушундим, Макс. Кўрганим йўқ.

— Таажжуб.

— Нима учун, Макс?

— Нима учунлигини жуда яхши тушунасиз, Жоул.

Жоул бирон ишқал ахтараётган Макссуэлга бир қараб олгач, таомини тез еди-да, ликоп остига кумуш танга суқиб, ўрнидан турди, Макссуэл билан совуққина хайрлашиб, ўгирилди.

— Марта сизга фақат кўнгилхушлик учун эмас, — деди Макссуэл истеҳзо билан унинг ортидан, — балки янгиликлар олиш манбаи сифатида ҳам керак-ку. Уйингизда момикдек дўндиқ хотинингиз туриб, бу балиқдек совуқ нарсага ёпишганингиз таажжубли.

Жоул ўгирилиб, Макссуэлнинг тумшугига мушт урди. Макссуэл Жоулдан анча бақувват бўлиб, олишиш, биров ажратмагунча, нима билан тугагини фараз қилиш унча қийин эмас эди, бироқ Макссуэл қўл кўтармади, ўрнидан аранг туриб стулга ўтирди.

— Йўқолинг бу ердан, — деди Макссуэл, — мен сизни ўлдириб қўймай туриб.

Жоул дағ-дағ титраб, ресторандан чиқиб кетди ва бир соатгача ўзига кела ол-мади. Ниҳоятда тинчланиб, Мартага телефон қилди.

— Алло, — телефондан ғала-ғовур аралаш нотаниш аёл овози эшитилди. Мар-танинг уйида кимлардир бор эди. — Ким керак?

— Мисс Ли, мисс Марта Ли.

— Ма-арта! — чинқириқ овоз билан чақирди аёл ва телефон дастасини тарақ-латиб столга қўйгани эшитилди.

— Алло! — деди Марта телефонни олиб. — Мен, Марта Ли.

— Жоул, — деди Жоул, нариги томонда ғала-ғовур бўлгани учун овозини кўта-риб. — Жоул гапиряпти.

— Бирпас тўхта, — деди Марта ва эшитилаётган ғала-ғовур тўхтади, бу радио товуши эди. — Яхшимисан, Жоул? — Мартанинг аниқ овози келди.

— Тузук. Ўзинг-чи?

— Бир оз чарчадим.

— Бошлиғинг билан...

— Биламан, — деди Марта Жоулнинг гапини бўлиб. — У менга телефон қилиб

айтди. Тумшуғига туширипсан, яша. У ўзини айбляпти. Тегажоглиқ қилдим, дейди.

— Ресторанда ҳеч ким йўқ эди.

— Агар рост бўлса, у сенга тегмапти, шундайми?

— Рост, шунинг учун ҳам мен сенга қўнғироқ қилияпман.

— Сен қўнғироқ қилишингни билиб, айтдики, ноҳақ бўлгани учун уруш чиқармапти. Сабаби фақат ўзининг ноҳақлиги — Айзекс хонадонига дахлдорлигинг эмас. Фарқи бор, Жоул, тушунасанми? Сенга бу жиҳати қалай, аҳамияти борми?

— Жуда бор, — қатъий деди Жоул.

— У ҳам шунақа фикрда ва бундан мен мамнунман, Жоул.

— Яна нима деди?

— Яна?

— Сен мен учун янги хабар олишга кўпроқ керакмишсан... Бунақа гапга нима дейсан?

— Буни билмаганим маъқул, — деди Марта жавобдан қочиб.

— Лекин мен ҳақиқатда сендан зарур ахборотларни олиб тураман; алоқамиз ростдан ҳам фирма учун фойдали.

— Кеча сени жуда кўргим келди, — деди Марта Жоулнинг охириги жумласини эшитмагандек.

— Ҳозир борайми?

— Уйда шериклар бор, гаплаша олмаймиз, — деди Марта ва ниманидир эсландек сўради: — Вақтинг борми, бўшмисан?

— Нимайди?

— Фазендага бориб қизимни кўриб келмоқчиман. Олиб бора оласанми? Бир ўзим ҳам боришим мумкин...

— Қачон?

— Қачон фурсатинг бўлса.

— Фурсат бор. Фақат аввал Стенхонни топиб, гаплашиб олишим керак. Эрта-лабдан буён телефонда туша олмаяпман.

— Агар мен билган нарса бўлса, ўзим айтиб беришим мумкин, бироқ унинг оғзидан эшитиш мумкин бўлса...

— Айниқса Макссуэлнинг гапидан кейин — ҳа. Хабарни сендан олмаганим маъқул.

— Бир нарсани айтмай, Жоул, — деди Марта яшира олмай, — Стенхон шунақа қилишига мен мажбурладим, — мен ўша ерда эдим, гапнинг устида фақат мен бор эдим. Уни мен кўндирдим, чунки Стенхоннинг бошқа иложи йўқ эди.

— Солли, Кларанинг укаси, Стенхонни сотилган, деб ҳисобляпти.

Марта нима учун Стенхон Жосайяга мурожаат қилгани сабабларини Жоулга билдирди.

— Кимнидир айблаб яшаш Айзекслар усули, бунда сенинг ҳеч қанақа айбинг йўқ, — деди Марта, Жоулга далда берган бўлиб.

— Майли, — деди Жоул иккиланиб. — Демак, ярим соатдан кейин кўришамиз.

— Яхшиси, бир соатдан кейин.

— Бўпти, бир соатдан кейин.

Машина тоққа кўтарила бошлаганда қуёш орқага ўтди. Нур ўта тиниқ, совуқ тушишидан хабар берар, тоғ этаги ўнг томонда қирғоққа яқин жойи феруза ранг, нарироғи зилол — ложувард, кўм-кўк денгиз деворда тикка, поёнсиз турар, ҳам қўрқинч, ҳам шавқ бағишлар, ҳатто бу манзарага ўрганиб кетган одамни чўчитар, дилига гулгула солар эди.

Жоул илонизи йўлдан ўхтин-ўхтин назарини олиб, ўриндиқ бурчагида гужанак бўлиб ўтирган Мартага қарар, Марта эса ёнида Жоул борлигини унутгандек, буткул ўз хаёлига берилган, гўё бу манзара мафтунни билан уйқашиб кетгандек эди.

— Улар айлана-бурила манзилга етиб боргунларигача қуёш гоҳ чапга, гоҳ ўнгга, гоҳ баланд қоялар панасига ўтди, ниҳоят йўл пастга кета бошлади — у ерда оқ қути каби уйлар яширинган водий кўринди, дил ҳапқира бошлади.

Манзил таниш бўлгани учун улар адашмай болалар шаҳарчасига етиб боришди ва “Кумуш жилға” деб ёзилган алвон остидаги дарвозага киришди.

Маъмурий бино олдида таниш кампир турар эди, буларни кўриб жилмайди. Дунёда нималар рўй бераётганидан, юртда мотам эълон қилинганидан гўё у беҳабар эди.

— Ҳозир келади, — деди кампир, меҳмонлар билан кўришгач, Мартанинг қизчасини назарда тутиб. — Тепага юринг, олдидан чиқасиз.

Марта бош ирғаб, баландликка кетган сўқмоқ бўйлаб юра бошлади, кампир Жоулни ичкарига бошлади, Жоул дераза олдида тўхтаб, юқорилаб бораётган Мартани кузата бошлади.

Болаларни пайқаб, Марта тўхтади. Жуссаси ориқ ўғил боланинг чўпдек оёқ-қўли ҳар қадам қўйганида худди маст одам ўйнатаётган қўғирчоқдек ҳар томонга ликиллар, сарак-сарак калласи номуносиб тарзда катта эди. Уни кўриб Марта ғалати бўлиб кетди, хўрсиниб, яна одим ташлади.

Боланинг ликиллаётган қўлини ўзи тенги бежирим қизча қўйиб юбормас, ўхтин-ўхтин унинг кўзларига қарар, бола аллақандай имо-ишора қилишга уринар эди. Марта яқинлашгач, ўғил бола хириллаб нимадир деди-да, қизча қўлини Марта томон узатди ва сандирақлаб нари кетди. Мартанинг қора қўғирчоққа ўхшаш қизчаси соқов бўлиб, бу маконнинг юздан ортиқ яшовчилари кар, кўр, майиб-мажруҳ болалардан иборат эди... Мартанинг қизчаси “гаплашиш” ёки бирон ҳодисадан боҳабар бўлиши учун доим ёнидаги одам кўзларига тикилиши, бармоқ ҳаракатидан ахборот олиши учун унинг қўлини ушлаши лозим эди. Маймоқ бола қилпанглаб, муюлиш ортида ғойиб бўлгач, Марта қизини улкан қайрағоч ва игнабарг кедрлар ўсган томонга етаклади.

Бу томонга яқинлашаётган кампирни кўриб, қизча онасининг қўлини қисди, нигоҳи янада юмшади. Аёл қизча учун катта аҳамиятга эга бўлиб, Марта буни ҳар гал келганида кўпроқ сезади.

Онаси ўзи қўйиб юборишини кутмай, кампир яқинлашиши билан қизча қўлини онасиникидан суғурди, Марта шу кампир туфайли ораларига тушаётган бегоналикни янада кўпроқ ҳис қилди, аини бир пайтда шу кампир борлигига ҳам қувонди, ҳам ўзи четга чиқиб қолаётганидан андак озорланди.

— Хайр, мисс Ли, — буни сезгандек деди кампир илиқ овозда.

Кампир қизни етаклади ва сал нари кетишгач, қизча атиги бир марта орқасига қайрилиб қўйди, онаси хўрсиниб, машина турган томонга тушиб кета бошлади.

Йўл бўйи Жоул Марта дилини қоплаган ғамнокликни сезиб борди ва бир оз таажжубланди. Жоул бир неча бор кузатган: Марта унча-мунча изтиробини кўрсатмас, қанақа азият бўлмасин, индамай енгиб кетар эди.

— Тўхтат, — деди Марта, улар охирги қишлоқ ёнидан ўтганларида. — Қайтайлик қишлоққа. Трактирга кириб ўтамиз.

Жоул машинани буриб, орқага ҳайдади ва қишлоққа кириб трактир олдида тўхтади. Номи трактир бўлса-да, аслида туздан тортиб михгача кундалик харажат моллари сотиладиган дўкон бўлиб, ярмини бар эгаллар, бу ерда йигитлар пиво ичишар, ғала-ғовур эди. Барда усти-бошида лой излари қолган, ҳар бирининг белида чангалзор ўсимлигини қирқадиган пичоқ — мачете бўлиб, тўртта чол бир шиша ромни майдалаб ўтиришарди.

Трактирга биринчи бўлиб Марта кирди ва тўғри барга йўлланди, чоллар шаҳарга кийинган меҳмонларга тикилиб, нарироқ сурилишди. Бармен янги мижозларни табассум билан қарши олди.

— Ассалому алайкум, — дея, Марта бар олдида ўтирган чолларга қараб чиқди ва табассум билан барменга боқди.

— Ваалайкум ассалом, мисс, сэр, — деди бармен Марта билан Жоулга жилмайиб.

Марта ром буюрди.

— Ўзингизга ҳам қуйинг, — деди Жоул ва бармен таклифини бажарди.

Марта қадаҳни даст кўтариб ютди, буни кўрган қариялар ғалати завқ билан бир-бирига қараб қўйишди. Марта биларди, агар уларнинг хотинлари бундай “журъат” қилишса, қойил қолишмасиди.

— Яна биттадан қуйсинми? — сўради Жоул, Марта бош ирғади. — Бизга қўшилмасизларми? — дея Жоул қарияларга юзланди.

Улар бир-бирига қарашди, бармен бир шиша ром қуйиб, таҳликани тарқатди.

— Ишлар шунақа экан-да, — деди қариялардан бири қадаҳларга қуйилган ромни ичишгач. — Қисмат...

— Ажал одам танламайди, — деди бармен бўш қадаҳларга ром қуйиб.

— Пешонасига ёзгани бўлади, — деди гап бошлаган чол.

— Муҳлатидан ошиқ яшади, дейишяпти баъзилар, — Марта қарияларга қия қаради. — Бизгаям ҳалақит бера бошлади, дейишяпти.

— Биров узоқ яшайди, биров кам, — деди чол, мавзуга яқун ясагандек.

— Унинг ўрнига Жосайя ўтирармиш, — деди Марта. — Мулкдорлар унга қаршиммиш, оддий халқ аксинча, уни хоҳлашармиш.

— Бунақасини биз ҳали эшитганимизча йўқ, — деди чол ва биродарларига қараб қўйди, улар индамай бош ирғашди.

— Эшитиб қоласизлар, — деди Марта, — энди бу ёғи узоқмас. Омон бўлинглар, хайр. — Марта ташқарига чиқди.

Жоул келганда, Марта машинада ўтирар, унинг кўзлари нам эди.

— Улардан гап чиқмаслигини билардинг-ку, — деди Жоул бир оз юргандан кейин. — Ҳатто ўлигидан қўрқишади. Эртага ўрнига ким келмасин, буларга бари бир, уни ҳам олқишлайверишади — баттар бўлмаслиги учун.

— Биз айбдормиз, Жоул, биз, — деди Марта четга қараб. — Шунини билатуриб, индамадик, имтиёздан маҳрум бўлишдан чўчиб, мурасага бордик...

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Ўзи хоҳламаган ҳолда у ўйлай бошлади. Бу унинг ҳаётида охириги тун эканини англагани учунми, хаёллари жуда мусаффо, жуда аниқ, жуда покиза бўлиб, негадир муайян сўз ва иборалар воситасига қамранмас эди. Сўзлар қийин уй қашсада, бастакор товуш — оҳанглар оғушида тасаввур қилганидек, у ҳам ҳислар билан фикрлар эди. Сўз, шубҳасиз, фикрлаш тарзининг бир жиҳати — энг муҳими, аммо ягона воситаси эмас. Бироқ яғонаси ҳали ихтиро қилинмаган-ку, шунинг учун сўз — яғонасидир? Шундай тигиз пайтда аллақандай мавҳум нарсаларга чалғиш, хаёлни муҳим воқеадан четлатиш — нодонлик эмасми.

Ахир хаш-паш дегунча Жосайя пайдо бўлиб қолиши мумкин-ку. Ишқилиб, шу гал кечикмасин-да! Агар бирон жойда беш дақиқага ҳам тутилиб қолса, қоронғи туша бошлайди, унда мўлжални амалга ошириш мушкул бўлади. Нима учун шу аҳволга тушдик, нега мўлжалга олиш заруратга айланиб қолди? Бунда ким айбдор? Бизми? Ёки у? Ўйлади у.

Қоронғи тушишига яна қанча борикин, деган тахмин билан у осмонга қаради, кейин оптик мўлжали ўрнатилган милтиқ тепкисига бармоғини қуйиб, пастга қаради.

Қош қорая бошлади. Қачон пайдо бўласан, Жосайя, қачон?  
Кўринг ахир!

## I

Жон Стенхон мажлислар залига кираверишдаги эшик олдида туриб, президент вафотидан сўнг министрларнинг биринчи кенгаши ўтказиладиган тараддудни кўздан кечирар эди. Кун осойишта, ҳаво тиниқ, катта деразалар ортидаги дарахт барглари дилга осудалик бағишлар, ҳарбий қисмлар, полиция, одамлар тўдаси тарқаб кетган, сарой атрофи тинч эди. Уч кун аввал дафн этилган президент гўрда ётар, марҳумнинг ёрдамчилари, ҳукумат аъзолари ва министрлари бугун биринчи марта ўз кенгашига усиз йиғилишлари керак эди.

Стенхон зал орқали министрлар кабинетининг муҳим ҳужжатлари сақланадиган сейф томон ўтди. Сейфнинг маҳфий қулфи бўлиб, уни маълум рақамлар воситасида очиш мумкин, ҳозирча бу рақамлар тартибини фақат Стенхон билади. Код сирини яна битта одам билиши керак, бугунги кенгаш ўша одамни танлайди. Тар-

тиб бўйича, Стенхон давлат бошлиғи ёки, у бўлмаган пайтда, вазирлар кабинети ижозатсиз сейфни очишга ҳаққи бўлмаган.

Стенхон пўлат қутининг циферблатига узоқ тикилди. Уни очиш — бир лаҳзалик иш. Аммо унинг ичида шунақа ҳужжатлар ётиптики, уларни ҳеч ким кўргани маъқул, айниқса — Альберт Жосайя. Нега шу пайтгача маккор Чол бу ҳужжатларни ёқиб ташлашни буюрмаган — ақл бовар қилмайди. Ҳозир бу ҳужжатлар пўлат қути қаърида жим ётипти, аммо уларни фараз билан ишга солса, кўпларнинг ёстиғи қуриydi.

Стенхон кескин бурилиб, очиқ дераза олдига бориб тўхтади. Поёнсиз кўкатзор тунги намдан йилтирар, манзара ўта осуда ва пок, одамни хижолат қилгудек ҳимоясиз эди.

Стенхоннинг эътиборини ўзига қаратиш учун залда ишлаётган ходимлардан бири муштира йўталди.

— Бўлдими? — сўради Стенхон ўгирилмай.

— Ҳа, сэр.

— Деразалар-чи?

— Бекитилди, сэр, — деди қария, унга яқинлашаётган шеригига қараб олиб. — Фақат бу қолди, — дея чол Стенхон олдидаги деразага ишора қилди.

Стенхон четга ўтди, чол шериги билан охириги дераза табақасини ёпишди.

— Кондиционерлар-чи?

— Ишляпти, — деди чол ва одат тусига кириб қолган охириги кўздан кечириш тадбири учун залга қаради. Стенхон иккита ходими билан залга қарашди — бирон нарса эсдан чиқмадимикан? Президент барча кенгашларни берк дераза ва эшиклар ичида ўтказар эди, Стенхон ҳам бу анъанани бузмади. Стенхоннинг ўйини сезгандек, чол деди:

— Хўжайинсиз қанақа ўтаркин кенгаш?

Иккинчи ходим, нима дер экан, деган маънода Стенхонга қаради.

— Энди унақа бўлмайди, — деди чол, Стенхон индамагач. — Умримнинг йигирма йили шу ерда ўтди, ҳеч нарса ўзгармайди, деб ўйлардим доим. Ўзгариш бўлишини тасаввур қилишга ҳам ожизман.

Бу икки ходимдан камида ўн беш ёш кичик Стенхон:

— Ҳаётда ҳамма нарса ўзгариши мумкин, — деди оталарча. — Майли. Зал тайёр. Бу ёғини кўраимиз.

Залдан биринчи бўлиб ходимлар, кейин Стенхон чиқди, у зал эшигини қулфлаб, калитини чўнтагига яшириб қўйди ва коридор бўйлаб ўз кабинети томон кетди.

Кабинетига кирибоқ телефонда гаплашаётган Эндру Симпсонга кўзи тушди. Симпсоннинг номи рўйхатларда қайд қилинмас, уни тор доирадаги кишилар би-лишар эди.

— Бир дақиқа, — деди Симпсон узун, қора, чиройли бармоқлари билан телефон дастасини тўсиб. — Сэр, телефонда мистер Жоул Стернинг, тушлик овқатни бугун уларникида ўткази олмайсизми, деб сўрапти.

— Ҳелло, Жоул, — деди Стенхон, телефон дастасини олиб ва бир дафъа қулоқ солди. — Жоним билан. Фақат кундузи эмас. Вазирларни кутаяпман. Ҳали-замон келиб қолишади. Соат етти яримда? Жуда соз... Ҳа, кенгаш бўлади... Йўқ... Ҳозирча гайин бирон нарса айта олмайман... Бўпти... Майли... Кўришгунча.

Стенхон телефон дастасини ўрнига қўйиб, бу гап Симпсон олдида бўлганидан таҳликага тушди, хавотирликни ўзидан ҳайдашга уринди, аммо ғашлик аримади. Тавба, деди у ичида, мен бу йигитчани яхши биламан, унга ишонаман, хавотирланиш ўринсиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Беш йил мобайнида у қўл остимда, нимани ўрганган бўлса, мендан ўрганган. Бироқ, яна ким билади, ичида нима бор. Тўғри, у Жосайянинг тарафдори, бу ҳақда ўзи айтган. Балки у айтмаган бошқа сирлари бордир. Айтармикан?

Стенхон ялт этиб Симпсонга назар ташлади ва хаёлига келган гумонлардан ўзи уялиб кетди.

— Сэр, менда бир мулоҳаза бор, — деди Симпсон шивирлаб.

— Эшитаман, Симпсон.

— Мени тўғри тушунарсиз, деб ўйлайман.



— Қўлимдан келса.

— Гап шундаки, сэр, мистер Жосайянинг очикдан-очик ифода қилган фикрига қараганда, оролдаги савдо доиралари керагидан ортиқ имтиёзларга эга, кўп нарсаларнинг ипи уларнинг қўлида, бундай имтиёзлар улар келтираётган фойдадан юқори. Давлат манфаатларидан йироқ уларнинг барча ваколатларини жамоат фаровонлигига хизмат қилмайдиган тадбирлар доирасини чеклаш зарур, деган қатъий мулоҳазани оммавий чиқишда баён қилди. Мистер Жосайя ва ҳаёт тарзини ўнглашга қаратилган чора-тадбирларни қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлди, деди.

— Тўғри. Ким бунга эътироз билдирапти, Эндрю? — деди Стенхон, ўзи хоҳламаган ҳолда тажанглашиб.

— Кечирасиз, сэр, — деди Симпсон, устози андак асабийлашганини сезиб. — Айбга буюрмайсиз, сэр, айни бир пайтда забардаст капиталистлар билан яқин алоқада бўлиш ўринлимикан?

— Тушунарли.

— Мистер Жосайя ва бошқалар ҳам бундай алоқаларни тушунмасликлари ёки нотўғри тушунишлари мумкин.

— Яъни мен, ҳукумат идорасида ўтирган одам, давлат сирларини уларга айтиб қўйишим мумкин. Шундайми?

— Мен сизнинг манфаатингизни ўйлаб гапиряпман, сэр. Симпсон расмий мулоқотга ўтди, унинг сўзларидаги оҳанг ёт тус олди — буни Стенхон дарҳол англади.

— Мен уни нимага ўргатган бўлсам, — ўйлади Стенхон, шунга биноан ҳаракат қиляпти, мени авайляпти, мен эса уни ранжитдим.

— Жоул Стернинг биродарим, энди, — айбини оқлаш учун деди Стенхон майин овозда. — Хабарингиз бор, укам, бир неча йиллар мобайнида дўстлик алоқамиз узилмайди.

Симпсон эшик томон юрди ва остонада тўхтаб, орқасига назар ташлади.

— Майли, Энди, — деди Стенхон шогирдига далда бериб. Дилингизда борини айтинг. Ёрилинг.

Барибир, ўйлади Стенхон кўнгли увиб, менга ёқади бу одам.

— Сэр, мамлакатни идора қилиш учун энди бошқа одам келиши керак.

— Масалан?

— Масалан, мистер Жосайя ёки унга ўхшаган шахс, — деди Симпсон қатъий тарзда.

— Унга ўхшаган шахс? Борми шунақа шахс?

— Оғир масала, сэр.

— Жосайянинг олдига тушадигани топилмаса керак.

— Сен биласан, — деди Стенхон ўзича йигит хонадан чиқиб кетганидан сўнг, — яхши биласан, мен учун бу мулоҳаза шубҳали.

— Биринчи бўлиб ижтимоий таъминот ва ёшлар масаласи бўйича вазир келди. Бу жуссаси хипча, калласи катта жигарранг танли одам бўлиб, қора костюмининг биронта эзилган жойи йўқ, пошнали ялтироқ туфлисининг учи ингичка эди. Ричард Янгни биринчи марта кўрган одам унинг ёшларча кийиниши, серҳаракатлиги ва юзининг ғижимлиги орасидаги тафовутни сезмай қолмас эди.

Янг ўтирган машина тўхтаб улгурмай яна иккитаси келди. Биринчисидан меҳнат вазири Ральф Смит тушди. Бу қотма бўйли ҳабаш, қиёфаси сийқа, вазирлар ичида халқ орасидан чиққан одми одам бўлиб, марҳум президент негадир уни сиёсий арбоб даражасига кўтарган эди. Содда ва камтарлиги учун Смит энг ҳалол ходим ҳисобланар, ҳатто марҳум президент минбардан туриб “Смит ва поклик битта нарса”, деган гапни айтган. Смит беғараз, таъмасиз ва энг муҳими, зарарсиз киши бўлгани сабабли, ҳамкасб вазирлар уни партиянинг намунали аъзосига айланишга ёрдам беришган.

Жамоат ишлари, почта ва телеграф вазири иккинчи машинадан чиқди. У елкадор, йирик ва семиз киши, ранги қорадан мундайроқ зот, миш-мишларга қараганда оролдаги ҳар бир шаҳарда биттадан жазмани бўлиб, Пауэрс уни ҳеч қачон яширмас, овозани ўзи тарқатар ва бундан ўзи фахрланар, ейиш-ичиш бобида бунга тенг келадигани йўқ ва ҳамтовоқлари ҳам ўзига мос эди. Пауэрснинг нуқсонлари ҳақида Макс Жонсон мақола эълон қилганида, президент уни ҳимоя қилиб:

— Соғлом эркак шунақа бўлиши керак; ейиш-ичиш, аёлларни яхши кўриш — фазилят, — деган. — Сиёҳ билан қоғозни бекорга сарф қилманг, жаноб Жонсон. Хурматли Пауэрс, мен қанча истасам, шунча ўз ўрнида қолаверади:

Янг, Смит ва Пауэрс кенг зиналар оша саройга киришди. Одат бўйича уларни Эндрю Симпсон кутиб олди ва ҳар бири билан алоҳида кўришиб, уларни махсус залга олиб кирди. Қаҳва, сигара ва шоколаддан келтирган официант жувон билан қарол хонадан чиқиб кетишди, Симпсон фавқулодда кенгаш аъзоларини кутиб олиш учун пастга йўл олди.

— Жентельменлар, — деди Ричард Янг, ёлғиз қолган ҳамкасбларига шивирлаб, президентдан ажраб қолдик. Олдимизда ўта масъулиятли вазифа турибди, юртнинг тақдирини шунга боғлиқ. Янги одамни танлашимиз керак. Уччаламиз биронта номзодга тўхтасак, бошқалар эътироз билдира олмайдилар. Мен кеча Мэйб Андерси билан гаплашдим, демак, гуруҳимиз тўрт аъзодан иборат. Гуруҳ кўпчиликни ташкил қилмаса-да, жиле, кучли. Масала кимнинг номзодида тўхташга боғлиқ.

— Бош вазир қўл қовуштириб ўтирмас, — деди Янг, яна бошқа гуруҳ бўлиши мумкинлигини назарда тутиб.

— Кеча кечқурун мен Денальдс билан гаплашдим, — деди семиз Пауэрс, ўзини биринчи навбатга қўйишга ҳаракат қилиб, — агар бош вазир тарафдорлари суст келишса, менинг номимни қўйиш эҳтимолини айтди.

— Сиз? — ўз қулоғига ишонмай сўради Янг.

Шу пайт хонага Эндрю Симпсон кирди ва вазирлар авзоини кўргач, юзидаги совуқ табассум ғойиб бўлди.

— Ҳамма аъзолар келишди, жаноблар, — деди у, бу ерда юз берган жанжал сабабчиси кимлигини аниқроқ фаҳмлаш учун вазирларга аланглаб. — Ўн дақиқадан сўнг кенгаш бошланади.

Симпсон жавоб кутмай, хонадан чиқиб кетди.

— Янг билан Пауэрс олишиб қолишибди, — деди у Стенхоннинг кабинетига киргач. — Жанжал бўладиганга ўхшайди.

Стенхон илжайиб қўйди — табиий ҳолат, демоқчидек эди.

— Янг мен билан президентдек муомала қилди, — деди Симпсон.

Қоидага биноан Симпсон давлат котибидан бир қадам орқада қолиб, зинадан пастга туша бошлашди ва қабулхонадан чиқаётган Янг, Смит ва Пауэрсни кўришди.

Стенхоннинг суяк бўғинлари қотгандек, юриши базўр, муштлири жипс эди. Хавфсираяпти, деб ўйлади Симпсон устози ҳақида ва бу ҳол унга ғалати туюлди. Нега қўрқади? Ранги оқлигиданми? Олдинги ҳукмдорга хизмат қилганиданми? Янги тузумни идора қиладиган қоратанлиларданми? Бино қўйган сардори шу кўйга тушганини фаҳмлаб, Симпсон зил кетди.

Кенгаш залига биринчи бўлиб бош вазир, аслида марҳум президентнинг тамғасига айланган Франклин Фрауэс кирди. Президент адо бўлди, тамға нима бўларкин, деб ўйлади Симпсон.

Кўзлари мовий, оқбадан Франклин баланд бўй ва савлатли киши бўлиб, муруватли ҳисобланар, орол аҳолисини севар, туйғуси мўллигидан ҳатто кўз ёш қилишдан ҳам тоймас эди. Бош вазир Ро, молия вазири лавозимга оқтан Франклинни президентнинг ўзи тайинлаган. “Оқ оқни, қора қорани тезроқ англайди. Бизга маблағ керак, сармоя оқларнинг қўлида. Франклин оқ бўлгани учун пул ундириш ҳам осон бўлади. Фойдани кўзлашимиз керак”, деган президент ўшанда.

Ҳамма вазирлар йиғилишгач, гўё муайян режа билан режалаштирилгандек, сўнги бўлиб камтарона ҳолда Жосайя кириб келди. Ҳамма унга кўз ташлади. Озгин бўлгани учундир, Жосайянинг бўйи баланд, калласи номуносиб катта кўринар, чуқур яширинган кўзларидан дилида нима борлигини билиб олиш қийин, гумон туғдирадир эди. Тахминан шундай назар билан вазирлар Жосайяга тикилишди, аммо у бунга ҳеч қандай эътибор бермади.

— О, Жосайя! — деди бош вазир таҳликадан бўшаниб. — Яхшиям бирон қорол рўй бермапти: битта ўзингиз оломон орасида юрганмишсиз. Бунақа тадбир келишиш асосида бўлиши керак, ўзингиз тушунасиз...

— Бунақа нарса мажлис залида бўлади, чоғи, — истехзо билан деди Жосайя.

— Марҳамат,— деди Франклин ва марҳум президент ўрнатган тартиб бўйича биринчи бўлиб мажлис залига йўл бошлади.

Жосайя одатга кўра ташқи ишлар вазиридан кейин юриши керак эди, аммо бу гал у орқада қолди.

— Бошқа кутадиган одам йўқ, — деди бош вазир. — Ўтиринглар, жаноблар. — Бош вазир тўрдаги бўш ўринга қаради. Кресло олдидаги столда қаламдон ва бир стакан совуқ сув турарди. Қаерга ўтираркан, деган назар билан вазирлар Франклинга боқишди. Франклин ўз жойига ўтирди. Стол тўрида кресло бўшлиғича қолди. — Жаноблар! Биз бу гал талай муҳим масалаларни кўриб чиқишимиз керак.

Стенхон кўлини стол тагига суқиб, магнитофон тугмасини босди. Ўн икки йил аввал марҳум президент мажлисларда бўладиган барча гапларни ёзиб борилишини ўрнатган. Унда учта ишдан бўшатишга вазир вазирлар маҳкамасида олиб боришган мунозараларни нотўғри тусда таҳлил қилган эди.

— Агар раисликни сиз олиб борадиган бўлсангиз, — деди Пауэрс, — унда дастлабки масала тариқасида...

— Ҳеч ким уни раислик қилсин дегани йўқ! — бақирди Янг.

— Эслатиб қўйишим керак, Дик, — деди Франклин, — мен ҳали бош вазирман.

— Ундай бўлса конституцияни эсланг! Президент йўқ пайтида мажлис раислиги ўзидан-ўзи бош вазирга ўтади, деган гап йўқ унда. Мажлисида вице-президент раислик қилиши мумкин. Вице-президент бўлмагани учун янги президент сайлангунга қадар мажлис раисини сайлаш керак.

Ғала-ғовур бошланди.

— Мистер Пауэрс нимадир демоқчи, — бақирди кимдир чинқироқ овозда. — Эшитайлик.

— Қонунда айтилган, — деди Янг бўш келмай, — ҳеч қандай муҳокама раисиз ўтказилиши мумкин эмас.

— Таклифим бор, — деди Пауэрс, — бу ерда айтилган гапларни магнитофонга ёзиш тартиби бекор қилиниши керак.

— Магнитофонга ёзиш тартиби қонуний йўл билан киритилган, — деди яна Янг. — Ўша йўл билан уни бекор қилиниши мумкин. Ахир президентликка даъво қилатган одам конституцияни билиши керак-ку.

— Менга сўз беринглар, — деди Жосайя. — Менга!

Секин-аста ҳамма жимиб, Жосайяга қаради.

— Конституцияда айтилган, — деди Жосайя тинчлик ўрнатилгач, — агар президент ёки вице-президент қонуний бурчларини бажара олмасалар, давлат идораси уч ой давомида — янги президент сайланмагунча — бошқариш ваколати вазирлар кабинети ихтиёрига ўтади. Уч ой! — таъкидлаб деди Жосайя. — Бу муддатдан сўнг давлатни бошқариш ҳуқуқи президентга ўтади — қонун талаби шунақа. — Жосайя столнинг нариги томонида ўтирган давлат котибига қаради: — Тўғрими, жаноб Стенхон?

— Тўғри, сэр, — деди Стенхон, ҳокимиятни қўлига оляпти — секин, ими-жимиди, деб ўйлаб.

— Яъни, биз ҳозир президент вазифасини бажарувчи шахсни тайин қилмаслигимиз мумкин, демоқчимисиз? — Франклин қийин аҳволда қолган эди.

Жосайя давлат котибига шундай назар ташладики, буни Стенхон буйруқ, деб тушунди. Унинг эти жимирлаб кетди.

— Вазирлар маҳкамаси давлат бошқарувини олиб боришга ҳақли, — деди Стенхон, ўридан туриб. — Президент вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайин қилиш шарт эмас. Мистер Жосайя тўғри айтди.

— Демак, раисни ҳар гал ўзгартиришимиз мумкин экан-да? — сўради Пауэрс.

— Агар шунақа бўлишини кабинет истаса, — ҳа, — деди Стенхон, ҳамон жойида туриб. — Кабинет президент вазифасини уч ой давомида бажарувчи шахсни тайин қилишини маълум кўрса — у ҳам мумкин. Бу шахс маҳкама аъзоларидан биронтасига топширилиши шарт.

— Жамоа бошқаруви ҳеч нарса бермайди, — тўнғиллади Франклин. — Ҳуқуқий бўлимнинг фикри қанақа?

— Мен бу таклифга қўшиламан, — деди Жосайя.

Жосайянинг гапидан руҳланган Франклин, ночорлигини унутиб деди:

— Давлат бошқарув кемаси ёнига ағнамаслиги керак. Жамоат тартибда давлат ишини бошқариш чораси — ағнаш деган гап. Ҳуқуқий бўлим мудирини ҳозироқ чақиртириш керак!

— Тўғри! — деди Жосайя. Франклин ҳадик аралаш мамнунлик билан стол атрофида ўтирганларга қаради. Улар ҳам бирин-кетин розилик билдиришди. Стенхон бурчакда турган телефонга бориб, керакли топшириқни берди.

Пауэрс Жосайяга тикилиб:

— Ҳуқуқий бўлим мудир келгунча, магнитофон масаласини ҳал қилиб олармиз, — деди.

Ҳеч ким индамади.

— Қанақа таклифингиз бор? — сўради ниҳоят Жосайя.

— Магнитофонни олиб ташлаш керак, — деди Пауэрс. — У доим менинг гашимга тегиб келган.

— Нега бўлмаса марҳум президент даврида эътироз билдирмагансиз? — деди Янг.

— Негалигини жуда яхши биласиз, — деди Пауэрс тажанглашиб. — Эътирозимизни Чол писанд қилмасди. Шунинг учун индамасдим. Акс ҳолда у бизни улоқтириб ташларди. Бизга бу усул ёқарди, деб ўзимизни кўрсатмай қўя қолайлик.

— Бизларга ёқарди ҳам, — деди Жосайя, — ҳеч кимга қарамай. — Чол нимани қилган бўлса, ҳаммамизнинг унсиз розилигимиз оқибатида амалга оширган. Албатта, энди у йўқ, ҳозир уни золим эди, дейиш осон. Аммо бунга ўзимиз — вазирлар маҳкамасидан тортиб бутун мамлакат аҳолисига қадар — ҳаммамиз айбдормиз. Чол нодон эмас эди. Ростини айтсам, Чол ўзига хос улуғ одам эди, ҳодисаларга очиқ кўз билан қарар, одамлар табиатини тушунар ва керакли натижаларни кутар эди. Агар уни ҳукм ўтказишни яхши кўрарди, демоқчи бўлсангиз, айтинглар: биз бу ерга нима мақсадда йиғилдик? Идора қилиш учун эмасми?

— Демак, сиз магнитофонни қолдирмоқчисиз?

— Мен мунақа деганим йўқ.

— Мен қаршиман! — деди Янг.

— Мен ҳам, — дея унга қўшилди Франклин.

Биринчи ютуқни қўлга киритди, деб ўйлади Стенхон.

— Мен жаноб Пауэрс фикрига қўшиламан, — деди Жосайя, андак жимиб. — Магнитофонни олиб ташлаш керак.

Франклин, таклифи ўтмаганидан ғазабда муштини қисди ва тарафдори Янг томон қаради. Зироат вазирдан ташқари ҳамма аъзолар Жосайя таклифига қўшилишди. Стенхон дарҳол магнитофонни ўчириб, аппаратни олиб ташлади.

Пауэрс мамнун тарзда ҳўрсиниб, атрофдагиларга, қалай энди, дегандек қараб чиқди:

— Мен Жосайя томон бўламан, — деди у ёнида ўтирган Ральф Смит томонга бурилиб. — У бунга арзийди.

— Айтишларича... — Смит нимадир демоқчи эди, Пауэрс сўзини бўлди:

— Айтишаверишсин. Омма Жосайя томонида, у ютиб чиқади.

— Жаноблар! — дея бош вазир ўтирганларга мурожаат қилди. — Магнитофон масаласидан, фикримча, муҳимроқ муаммо бор. Ҳамма вазирлар жимиб, унга қарашди. — Ҳурматли президентимиз вафотидан кейин юз берган ҳодисалар ва бунга мувофиқ шаҳардаги ҳарбий қисмлар чақирилганлигидан хабарингиз бор. Ҳамда мистер Жосайя давлат идораси бошлиғи ваколати билан таъмин қилинган шахс сифатида президент саройида радио орқали халққа мурожаатнома эълон қилди ва марҳум билан видолашиш учун сарой дарвозаларини очдиришга ижозат берди. Мистер Жосайя бу тадбирни вазирлар кабинетига таянган ҳолда эмас, ўз номидан бажарди. Яхшики ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса юз бермади. Бироқ гап бунда ҳам эмас. Гап шундаки, мистер Жосайя вазирлар маҳкамасининг ҳар бир аъзосига дахлдор ҳуқуқни хусусий тарзда ўзи эгаллаб олди. Бу мистер Жосайя то-

монидан қонунни қўпол равишда бузиш дегани. Биз бу масалага ўз муносабати-мизни билдиришимиз шарт, деб ўйлайман.

— Қанақа таклифингиз бор?

— Таклифим шундан иборатки, мистер Жосайя ҳаққи бўлмаган чора кўргани, қонунни қўпол равишда бузгани учун уни кабинет аъзолигидан четлатиш ва қонун доирасида маълум муддатга сиёсий ҳуқуқдан маҳрум қилиш керак. Мистер Жосайя қўллаган тадбирлар менга маъқулми, маъқул эмасми — гап бунда эмас. Мен учун муҳими — давлат ва унинг қонунлари. Бу масалани қай йўсинда ҳал қиласизлар — сизларнинг ихтиёрингизда. — Франклин, гапга нуқта қўйгандек, креслога суянди ва аъзолар фикрини кута бошлади.

— Мен, — дея Жосайя майин товусида гап бошлади, — ҳар гал жавоб бермаслик учун бошқа эътироз, агар истасангиз — айбномаларни ҳам эшитмоқчиман. Барчасини жамлаб, ўз далилларимни келтираман. — Жосайя блокнот билан қаламни олдиға қўйди.

Жиддий сукут чўкди. Таҳликадан қутқаргандек, телефон жиринглади. Стенхон бориб, дастани олди.

— Адлия бош маслаҳатчиси, — деди у вазирларга юзланиб. — Кирсинми?

Вазирлар энгил тортгандек дарҳол рози бўлишди.

— Кирсин, — деди Стенхон телефонда ва бир неча дақиқадан сўнг эшик тақиллади. Стенхон эшикни очди ва кириб келган юрист ёнида туриб: — Ҳурматли вазирлар бир нарсани аниқ билишни истар эдилар. Яъни янги президент сайлангунга қадар уч ой давомида биргалашиб давлат идораси ишларини олиб боришлари ёки бу вазифани шу муддат ичида тайинланган аъзо вақтинча бажариши қонун нуқтаи назаридан мумкин, деган масала юзасидан муайян кўрсатмалар олиш ниятидалар. Яна: агар давлат идораси жамлик асосида олиб борилса, ҳар гал ўтказиладиган кенгаш мажлисиға янги раис сайлаш зарурми?

— Албатта, жаноб давлат котиби, — деди қонун вакили. — Жаноб вазирларнинг битта нарса қилишға ҳақлари йўқ — конституцияға ўзгаришлар киритишға.

— Демак, айтайлик, ҳар биримиз бир ҳафта мобайнида президент бўлишимиз мумкин, шундай демоқчимисиз, яъни қонун ва конституция учун хилоф эмасми? Ман қилмайдами?

— Агар кабинет шундай қарор қилса, конституцияға ҳам, қонунға ҳам хилоф бўлмайди.

— Тавба! — ўзини тута олмай деди Франклин. — Ақл бовар қилмайди!

Адлия бўлимнинг ходими кўзида чўғ йилтиради.

— Шундай, сэр, — деди у.

— Ташаккур, — дея Стенхон, эшикни очиб унга йўл берди.

— Марҳум президентнинг бу ташаббусни масхарабозликка айлантиришға йўл қўймас эди. Бир ҳафталик президент — ақлга сиғмайди!

— Ҳар қалай бунга етиб бориш бемаънилик!

— Бироқ қонун бўйича мумкин эмас, — деди бош вазир ижирганиб.

— Қонунда мумкин нарсалар кўп, — деди Пауэрс. — Айниқса қонун моҳияти эмас, расмий томонини олсак. Дарвоқе, жаноб бош вазир ифода қилган фикрлар хусусида: мистер Жосайяға нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чоралари билан мен унча рози эмасман.

— Эътироз билдираман... — деди бош вазир.

— Сўзни бўлманг, — тажанг бўлиб деди Пауэрс. — Ҳеч биримизга сир эмаски, Жосайя ва унинг тадбирларидан чўчийдиган одамлар бор ва улар Жосайяни беобрў қилиши учун жонларини аямайдилар. Бунақалар шу стол атрофида ҳам йўқ эмас. Бу ерда хусусий адоват қонуний интилишни бўғмаслиги керак. Ва мен билишни истардим: муҳтарам бош вазир қандай далиллар асосида мистер Жосайядан қутулишни маъқул кўради?

— Эътироз билдираман, — деди Франклин тутоқиб, — масалани чалкаштирманг.

— Чалкаштираётганим йўқ! — деди Пауэрс қатъий тарзда. — Чол ўлган кечани эсланглар. Давлат котиби Стенхон олти соат давомида шу залда биз билан олишди, оддий ва долзарб қарорлар қабул қилишимиз кераклигини талаб қилди. Аммо биздан садо чиқмади, тайин бир нарса айтишға ночор эдик, чунки масъули-

ятдан, истасангиз — жавобгарликдан ҳайиқар эдик. Ҳаммаси магнитофонга ёзилган! Стенхоннинг эсида бор! У ҳозироқ тасмани қўйиши мумкин, эшитамиз мингир-мингиримизни! Қимир этишга қўрқардик, чунки иштонларимиз аллақачон...

— Магнитофон масаласини ҳал қилдик-ку, — деди Янг.

— Ҳал қилдик, уни ман қилдик, аммо эшитишни ман қилганимиз йўқ. Агар эшитиб кўрсак, афти-ангоримиз, мижғовлигимиз қанақа бўлганидан ўзимиз зил кетамиз. Чунки биз юрт ташвишини ҳал қиладиган вазирлар эмас, қўғирчоқмиз. Ора-мизда ягона Жосайя ўзини яширмай, омма орасига чиқди, масъулиятдан бош тор-мади, мустақил иш кўрди, шунинг учун ҳам сиз уни бадном қилмоқчисиз, эвази-га энг юқори амалга эришмоқчисиз. Ундай ҳолда мендан олқиш кутманг. Бошқа бадном бўлишни истамайман!

— Сўзларингиз чиройли, — деди бош вазир, — жўшқин. Бироқ ҳақиқат бўлакча.

— Қанақа? Мустақил иш кўрганими? Жосайя ҳаммамиз қатори осойишталикни сақлаш, қонунга риоя қилиш, қонуний ҳукуматни ҳимоялаш, давлат жипслигини ва фаровонлигини ошириш учун қасам ичган, у ўз бурчини бажарди! Биз қасамга хилоф иш қилдик, у эса амал қилди. Шу гуноҳми? Жиноятми? Хиёнатми?

— Англашилмовчилик бўлмаслиги учун, — деди давлат котиби, — бир нарса-ни эслатиб ўтишни бурчим деб биламан. Ҳаммангизга радио орқали мурожаатдан кейин — эртасигаёқ — мистер Жосайя, вазирлар қанақа қарор қабул қилма-син, уни бажаришга тайёр, деган баёнотини шахсан айтиб чиқдим, аммо олти со-атлик можаролар ҳеч қандай натижа бермади.

Жимлик анча чўзилди.

Бош вазир ўрнидан тураркан, гангиб кетмаслик учун стол қиррасини ушлади. Унинг юзидан қон қочган, кўзлари бежо, бу қоратанли ёвуз ҳамкасблари орасида ўзини танҳолигини англади, оқ этлилиги айбдек бир нуқсон сифатида мулзам бўлди.

— Ижозатингиз билан мен, — деди у жилмайишга тиришиб, — қўшни хонага чиқиб истегъо ҳақида ариза ёзаман. Масалани менсиз ҳал қилишингизни сўрай-ман. Қандай қарор чиқарманглар, мен унга бўйсунаман. — Франклин таъзим кел-тириб, хонадан чиқиб кетди.

— Уни қайтариш керак! — бақирди Янг эшик ёпилгач.

— Бу қарорга ўзи келди, — деди Пауэрс.

Стенхон столнинг нариги томонида ўтирган Жосайяга қаради. Жосайя, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, совуққон ва осойишта ўтирар эди. Чол бундай омадни овоза қиларди, ўйлади давлат котиби, бу эса ўз тадбири ғолиб чиққанидан ҳатто ҳафса-ласи пирдек. Чол ўзининг қабих режаларини аллақандай шов-шув билан амалга оширар, унинг бундай тадбирларида ўзига хос завқ бўларди. Бу эса...

— Кун тартибида ишлар кўп, — деди ниҳоят Жосайя хотиржамлик билан. — Кун тартибини аниқлаш учун кенгаш раисини сайлаш керак. Вақт тигиз, давлат ишлари кутмайди.

— Раисликка Жосайяни сайлаш керак, — деди шу пайтгача индамай ўтирган ташқи ишлар вазири Матнас. — Таклифим шунақа.

— Мен, — деди Жосайя, — раисликка Пауэрсни таклиф қиламан.

— Ўз номзодимни Жосайяга топшираман, — деди Пауэрс дарҳол.

— Маъқул, — деди Смит. — Мен қўшиламан.

Ҳамма аъзолар Жосайя раис бўлиши учун қўл кўтаришди. Янг иккиланиб қолди.

— Овоз бериш виждон асосида бўлиши лозим, — деди Жосайя.

— Сайлов бир овоздан ўтди, — деди Янг лабини қимтиб. — Мен оқил олишув-ни ёқтираман, аммо бир ечимга келингандан кейин, ҳамма шунга биноан жипсла-шиши шарт.

Жосайянинг афтида ирганишга ўхшаган аломат пайдо бўлди, у дарҳол қоғоз-ларини тўплаб, раис ўрнига бориб ўтирди.

Хонага асабий жимлик чўкди.

Жосайя болғача билан столга урди:

— Вазирлар кабинети мажлисини очик, деб эълон қиламан...

Мана, ўйлади Стенхон, ҳокимликка шунақа ими-жимиди ҳам келиш мумкин.

— Муҳим аҳамиятга эга бўлмаган барча масалаларни четга суриш, — деди Жосайя қатъий равишда, — кенгашимизни вазирлар кабинетининг фавқулодда мажлиси, деб эълон қилишни таклиф этаман ва бу мажлисда ҳар бир вазирликнинг сиёсий режаси қайта кўриб чиқирилишини мақсадга мувофиқ, деб биламан. Оқимга қараб сузишга барҳам бериш керак. Юртни идора қилиш зарур.

— Яхши таклиф, — деди Пауэрс. — Келажакни ўйлаш, маълум сиёсий мўлжал билан силжиш пайти келди. Энди ўзимиз бу муаммони ҳал қиламиз.

## II

— Ҳамма тадбир жуда силлиқ ўтди, — деди Стенхон. — Жанжал бўлмади.

Унинг чап томонидаги юмшоқ чуқур креслода бугун Клара негадир осойишта ўтирар, ўнг томонидаги креслода Жоул нотинч гимирлар, бетўхтов оёқларини чапиштирар эди. Шундоққина улар ўтирган жойнинг зиналари тугаши билан тунги шаҳарнинг чироқлари осмондаги юлдузлар каби милтирар, ҳар турдаги ранго-ранг ёзувлар бири ўчиб-ёниб, бири гуркираб-жимирлаб, шаҳар тунига аллақандай афсонавий тус бағишлар, ўз ҳаёти билан яшар эди.

Улар олий зотлар тановул қиладиган тансиқ таомдан сўнг суҳбат қилиб ўтиришпти. Стенхон билан Жоул ўртасидаги пастгина столчада француз коньяги, қутида гавана сигаралари, зарҳал чинни қадаҳларда қаҳва ҳовурланмоқда.

— Франклинга нима бўлди? — сўради Жоул сабрсизлик билан. — Ахир у бош вазир-ку. Маълум ваколатга эга.

— Гап бунда эмас, — деди Стенхон афсуслангандек. — Гап Жосайяда. Агар Жосайя жиззакилик қилганида, масала бошқача тугаши мумкин эди. Жосайя сиртдан жуда ўзини осойишта тутди. Эътироз билдирмади, можаро қилмади ва энг кучли рақибини осонгина қулатди, голиб чиқди. Ҳеч кимга ҳеч қанақа ваъда бермай, сўқир назари билан ютиб чиқди.

— Даҳшат, — деди Клара пастга тикилган ҳолда.

— Истеъфосини қандай тушуниш керак? — ақли бовар қилмай сўради Жоул.

— Франклин яқкаланиб қолди, — деди Стенхон. — Бундай шароитда истеъфо — ягона чора. Айнан шу шароитда биз томондан қанақа тадбир қўлланмасин — натижа бермас эди.

— Бари бир Франклин истеъфога чиқиб хато қилипти, — деди Жоул туюқиб ва бир оз ўзини босиб, давом этди: — Умумий йўналишга, тузум негизига путур етказадиган оқимнинг олдини олиш — агар Франклин шошқалоқлик қилмаганида — қўлимиздан келарди. Сиз, масалан, давлат идорасида, мен тадбиркорлар доирасида, парламентдаги ҳушёр аъзолар — сиёсатда — ипни қўлдан чиқармас эдик. Франклин узоқни кўзлаганида...

— Унинг истеъфоси, — деди Стенхон, шеригининг гапини бўлиб, — мамлакат учун аҳамиятга эга эмас. Ўйлаб кўринг, Жоул! Президент вафотидан кейин атиги бир ҳафта ўтиши билан вазирлар кабинети ўзининг фавқулодда мажлисини чақириб, мамлакатнинг сиёсий йўналишида ўзгаришлар юз беради, давлат бошқарув усули янгича бўлади, ислоҳот билан боғлиқ барча масалалар бевосита Жосайя раҳбарлигида амалга оширилади, деган қарор қабул қилинди, бу қарор бутун юртга эълон қилинди. Бош вазирнинг истеъфоси шунчаки, кун тартибда турган иккинчи даражали масаладек осон кўчди, истеъфони Жосайя эмас, вазирлар кабинети қабул қилди. Расмий равишда бу хабарни мамлакатга эълон қилишни Жосайя ўйлаб топгани йўқ. Унинг мақсади йўлдаги ғовни олиб ташлаш эди, у бу тадбирни бошқалар қўли билан бажарди ва гўё уларнинг овозига қўшилган бўлди. Жосайя учун муҳим масала — ўз режаларини амалга ошириш.

— Жон, назаримда Жосайя сизниям ўз томонига оғиштирганга ўхшайди, — деди Клара майин говушда.

Стенхон, ҳадиксирагандек жилмайиб қўйди:

— Мен, хоним. расмий ходимман, — деди у; — Жосайя давлат раҳбари. Мен унинг режаларини эътироф этиб, унга бўйсунушим ёки, акс ҳолда, истеъфога чиқишим керак.

— Чикинг бўлмаса, истеъфога, Жон, — деди Клара кулиб.

— Истеъфога чиқиш қийин иш эмас, — деди Стенхон. — Чиқсам, Айзекслар, яъни сизлар иш берасизлар, даромадим олдингисидан икки баробар ортади. Бу — аввалги хизматларим учун садақа деб ўйлайди кўплар.

— Жон, — деди Жоул бир оз хаёлга берилиб, — Жосайя тўғрисида балки биз хато қилаётгандирмиз? Нияти унча ёмонмасдир?

— Бу масалада менинг ҳеч қанақа шубҳам йўқ, — деди дарҳол Стенхон. — Нияти пок. Режалари ҳам. Бироқ... халқ зиммасига бу режалари оғир юк бўлиб тушмасмикан?

— Мен бошқа маънода ижобий томонларини кўрмоқчиман, Жон.

— Қайси маънодалигини тушунаман, — деди Стенхон дарҳол, аввалги одати бўйича “сен”га ўтиб айтди: — Аммо сенинг радикаллик назариянгга қўшилмайман.

— Албатта қўшилмайсан-да! — жаҳли чиқиб деди Жоул. — Агар қўшилганларингга — мен маслақдошларингни назарда тутяпман — бугун тепамизга Жосайя келмаган бўларди. Уни келишига, энг юқори лавозимни эгаллашига сизларнинг консерватив қайсарлигингиз, илғор ғояларни тан олмасликларингиз сабаб бўлди-ку. Наҳот шуни тушунмайсан, Жон?

— Ҳа, майли, биз консерватив, қайсар ҳам бўлайлик, — деди Стенхон. — Қайси илғор мамлакат азоб-уқубатларда тўплаган молу дунёсини талон-тарож қилгиси келади? Шу консерватизмми? Мана, сизлар тўплаган бойликларни олайлик: бу бойликларни ҳимоя қилиш — хиёнатми?

— Ҳа, — деди Жоул. — Агар бу нарса халқ норозилигига, истасанг ғазабига олиб келса! Бойлар билан қашшоқлар ўртасидаги тафовутни қара — ақл бовар қилмайди. Мана шу, биз учун арзимаган ноз-неъмат, — дея, Жоул кичик столчадаги қаҳва, коньяк, сигараларга ишора қилди, — камбағал бир оиланинг икки ойлик харажатига тенг. — Улаш! — деди Стенхон фиғони қайнаб. — Агар виждонинг азоб чекаётган бўлса — биздан кўрма! Менинг виждоним тинч. Мен фақат мамлакат ва унинг одамлари ҳақида ўйлайман, менинг ташвишим — шу. — Стенхон ноҳўя ғазоби учун мулзам бўлганиданми, жимиб қолди.

Бир соатча вақт ўтгач, Жоул, Стенхонни кузата туриб:

— Ҳар бир интилишнинг адолатли ечими бўлиши керак, Жон, — деди.

— Жоул, — деди Стенхон зўраки жилмайиб, — бизнинг фаолиятимиз хатосиз ўтган дея олмайман. Аммо ўтмишимизда амалга оширилган барча чора-тадбирларга иллат белгиси билан ёндошишга, синфлар ва ирқлар орасига тафовут туширилган, деган баёнга қаршилман. Камбағаллар дилида мулкдорларга нисбатан ғараз уйғотиш, улар бойликларини мусодара қилиш, муҳтожлар оmmasига тақсим қилиш, деган чақириқларни маъқуллай олмайман.

— Жон, — деди Жоул, — хато ҳақида гапирдингиз. Қилинган хато учун жавоб бериш керак-ку. Ким жавоб беради?

— Қилинган ижобий ишларни ҳам ҳисобга олиш керак.

— Ижобий ишлар учун президент неча йил ҳукмронлик қилган бўлса, шунча йил мобайнида ҳақ олгансизлар. Олганда ҳам қандоқ!

— Гапинг шунақаки, Жоул, сени билмаган одам, Жосайя билан келишиб олган, деб ўйлаши мумкин. — Стенхон ўзини осойишта кўрсатишига қарамай, кўзлари дилидаги туғённи яшира олмасди. — Янги тузумга хизмат қилиш хатолар бадалига тўлов тарзида эътироф қилинса, шахсан мен эртагаёқ бошлайман, — дея, Стенхон асабий жилмайди. — Хайр, Клара. Хайр, Жоул.

Машинанинг қизил чироқлари ғойиб бўлмагунча улар Стенхон кетган томонга қараб туришди.

Тунги салқинда Клара жунжикиб, ўзини қучоқлади, аммо кутганича Жоул унинг елкасига қўлини қўймади. Эрининг меҳрини қайта ишғол қилиш ҳозир Кларанинг дилидаги ягона мақсад эди, келгуси осудалик шу билан боғлиқ эди. Вақт ҳар қандай жароҳатни тuzатади, деган нақлга Клара ишониб хато қилмагани аён бўлди, вақт худодек ўзи интилганга мадад берар эди.

Бирга яшашнинг ўзи ораларидаги нифоқни четга суради, деб Клара тўрт йил кутди, шу пайт ичида у фақат бир марта эрининг рашкини уйғотмоқчи бўлиб кўрди, аммо бу ҳийласи мағлубият билан яқунланди. Жоул баггар совиди, қилмишидан Кларанинг дилида аллақандай чиркин ҳиссиёт қолди. Фақат ўтган тундаги қовишув дилидаги ғуборни ювгандек бўлди, бироқ эҳтиросга берилган Жоул



этидан бўлак ҳеч нарчасини сарф қилмади. Клара биларди — бундай яқинлик эри учун етарли эмас, лекин бу ҳам кичик ғалаба бўлиб, аввалги осуда ва тотувлик олами эшигининг калити эди.

Жоул чўнтагидан қўлларини олмай уйи томон ўгирилди. Бирга қолишни истамапти, ўйлади Клара. Улар бино ичига киришди. Қарармикан, деган ният билан Клара эрига кўз ташлади, у хотинига қаради. Хаёлимдаги нарсаларни пайқадим, деб ўйлади Клара, у мени ёддан билади. Ишқаланмоқчи, деб ўйлади — ўлганим, баттар ётсирайди. Сени истамаган одам илинжида бўлиш — нақадар жирканч.

— Сенга коктейль тайёрлайман.

Ҳеч қачон бирга ётмайман, деб ўйловдим, Жоулнинг хаёлидан ўтди ва бундан у ҳаяжонга тушди. Жоул дарҳол Марта Ли ҳақида ўйлади, кўнгли юмшади, эшик-дезааларни ёпти.

Клара либосини алмаштириб, қоматини кўз-кўз қиладиган пеньюар кийиб олган, кўлида коктейль билан турар эди. Жоулнинг эти жимирлаб кетди: биронта аёл уни Кларадек ҳаяжонга солмас, ҳатто Марта ҳақидаги ўйлар ҳам бу эҳтиросни енга олмас эди. Қуролим шу, анаву хитой манжалақига этимдан бўлак нарса билан бас кела олмайман, деб ўйлади Клара ва машъум итоаткорлик билан:

— Хонамга кирасанми? — деди мўлтираб.

— Ҳм.

Машинани гаражга қўйиб, Стенхон шошмай данғиллама сарой атрофини айланиб чиқди. Юлдузлар сочилган хира осмонда ой зуваласи яллиғланар, олам тинч ва осуда эди.

Стенхон, эргашиб келаётган тўнкадек итни тўсатдан пайқаб, эти сесканиб кетди.

— Макс, — деди Стенхон ўзига келиб. Ит вазмин диконглаб, думини елпиди.

Етти йил бурун Чол Шимолий Американинг Лабрадор вилоятида тарқаган итларнинг шу зоти билан қизиқиб, наслини урчита бошлади ва биринчи бўлиб туғилган кучукни Стенхонга совға қилди, энди эса у зотдан қолган ягона тур шу Макс эди.

Стенхон саройнинг тош зиналаридан чиқиб, икки соқчи қотиб турган эшик олдида тўхтади.

— Вазир саройда, — деди соқчилардан бири тилга кириб.

— Шунақами? Қайси вазир? — сўради Стенхон, кимлигини тахмин қилиб.

— Мистер Жосайя, сэр.

Стенхон сарой эшигини очиб, итга йўл берди, кейин ўзи кирди ва иккинчи қаватга кўтарилиб, президент ўтирадиган хонанинг қия очиқ эшигига назар ташлади: папкалар қалашиб ётган қия очиқ эшик стол ёнида кўзлари қизариб кетган Жосайя ўтирар, нималарнидир ёзар эди.

Ўта меҳнатқаш, чарчоқ нималигини билмайдиган тиришқоқ, абжир, ушлаганини юлиб оладиган матонат ва бардошли одам экан, ўйлади Стенхон ҳам ҳаваси, ҳам рашки келиб, олти йил аввал Жосайя маҳкамага кирмоқчи бўлганида, оловдик, афсус.

Жосайя шарпани сезиб, кескин бошини кўтарди, Стенхонни кўриб, қиёфасини ўзгартирмади ҳам. Стенхон Жосайянинг нигоҳида чақнаган нохуш ёлқинни пайқадим.

— Қаерда эдингиз, мистер Стенхон? — сўради Жосайя совуқ оҳангда.

— Меҳмонга борувдим.

— Биламан. Кимникида?

Стенхон ҳадиксираб қолди.

— Жаноб вазир! — деди у ғазабини яширишга уринмай.

— Хўш, котиб жаноблари?

— Мен дўстларим таклифига биноан... аммо, кечирасиз, мен...

— Дўстларингизни айтишдан тортинмайсизми? — деди Жосайя.

— Гап тортинишда эмас, жаноб вазир, — аранг ўзини ушлаб деди Стенхон. — Мен Стернинглар хонадониди меҳмон бўлдим. Аммо, кечирасиз, таажжубдаман, бу билан сизнинг қанақа ишингиз бор?

— Таажжубмисиз?

Шу пайт ит, тумшугини бужмайтириб, ириллай бошлади.

— Жим, Макс! — Стенхон итга ўшқирди. — Кет! Жўна!

Ит истамай жим бўлди ва қайрилиб нари кетди.

— Менинг дўстлик алоқаларим, худди сизникидек, шахсий ишим, бунга ҳеч кимнинг аралашшига ҳаққи йўқ. Мен расмий шахс сифатида ўрнатилган барча қоидаларга риоя қиламан. Майший ҳаётимда писанда қиладиган биронта жиҳат йўқ. Шундай эмасми, жаноб вазир?

— Аввал шундай эди, — деди Жосайя қатъий тарзда. — Энди шахсий ва расмий ҳаёт орасида фарқ бўлмайди.

— Буни қандай тушуниш керак? — қулоғига ишонмай сўради бош котиб. — Қайси маънода?

— Шу маънодаки, бундан буён сиз Стернинглар тоифасидаги шахслар билан алоқа қилмаганингиз маъқул. Сиз — давлат сиёсатининг қуролисиз. Давлат эса яқин орада бундай одамларга қарши кураш бошлайди.

— Агар мен шахсий ҳаётимни кимнингдир кўрсатмасига кўра... — деди Стенхон, бироқ расмий тусдан айнаиб, гап бошлади: — Авф этасиз, жаноб вазир, мен кимнингдир хоҳишига қараб дўстлик алоқаларимни туза олмайман.

Стенхоннинг оҳанги барибир расмий тус олди. У ғазабдан қалтираётганини Жосайдан яширишни муносиб кўрмади.

— Мистер Стенхон, мени на сиз, на сизнинг шахсий ҳаётингиз қизиқтирмайди. Кечинмаларингиз ҳам. Давлатнинг маъмурий одами сифатида сиз зодагонлар гуруҳлари билан бўлган муносабатларни узишингиз шарт, ёки агар рози бўлмасангиз — истеъфога чиқишга тўғри келади.

Лаънати! Шунга вазирлар, ҳатто бош вазир Франклин бу ёқда қолиб, Стенхоннинг ўзи шу маразни топтириб, халққа мурожаат қилиш масъулиятини шундан илтимос қилгани машъум хато бўлганини англади. Ўшанда ҳам гумони бориди, албатта, аммо бунчалик бўлиши — қандай разолат. Қанақа одам бу ўзи?! Ахир ҳозирги мавқега эришиши йўлида Стенхон воситачи бўлди-ку! Агар Стенхон ўша тадбирни кўлламаганида, агар Стенхон вазифани бажаришни Франклинга тавсия қилганида, вазият балки бундай оқибатга келмаган бўлармиди? Шубҳасиз, вазият ўзгача бўларди. Хато! Кечириб бўлмайдиган хато! Гуноҳ! Наҳот Жосайя ўз сиёсий тадбирини келиб-келиб Стенхондан бошласа — унга имкон яратган, илтифот қилган одамдан?

— Сиз мени бундай қилишга мажбурлай олмайсиз.

— Шунақами?

— Қонуний йўл билан — шунақа.

— Унутманг, мистер Стенхон, қонунни расмий шахслар эмас, халқ сайлаган вакиллар яратади, — дея Жосайя қўлидаги дафтарни столга ташлади ва яшириб бўлмайдиган ижирғаниш билан бош котибни ўз ўрнига қўйиш мақсадида: — Айтинг, қаҳва беришин, — деди ва Стенхон борлигини унутгандек, кескин ўтириб, қоғозларни варақлай бошлади.

... Стенхон ранжиган ҳолда кабинетдан чиқиб кетди ва нафрати қанча кучли бўлмасин, қўнғироқ қилиб, президент столида ўтирган одамга кофе олиб киришларини буюрди. Ва хонасига кириб, чуқур, юмшоқ ўриндиққа ўтирди — бўлиб ўтган мунозара унга ҳаловат бермас эди. Уйлай бошлади:

— Ҳар бир ҳаракатингиз — агар давлат манфаатига хилоф бўлса, — деди Стенхоннинг хаёлида Жосайя, — жиноят ҳисобланади.

— Давлат қолипига сиғмайдиган фикрлар-чи? — сўради Стенхон.

— Улар — хиёнат.

— Унда сиз — жиноятчисиз! — деди Стенхон.

— Мен? Нима учун?

— Бир қолипда ўйлашга мажбур қилиш — демократияга нисбатан жиноят, демак — давлатга жиноят. Сиз шуни талаб қиляпсиз.

— Хаёлда нима ўйламанг — у сизнинг ишингиз, — деди президент кресло-сида ўтирган Жосайя. — Амалда эмас.

— Сиз амалда бажаряпсиз, демак, жиноятчисиз, мен эмас.

— Миллионерлар билан апоқ-чапоқ бўлиш — амалдаги тадбир.

— Миллионерлар юртни фаровон қиляпти.  
 — Юртни халқ фаровон қиляпти! — қатъий деди Жосайя. — Миллионерларни ҳам! Сизни ҳам!

— Сизни-чи? — ижирғаниб сўради Стенхон.

— Мени у сайлаган. Сизни президент тайин қилган. Фарқи бор.

Стенхон хаёлида ҳам Жосайяга бас кела олмай, оғир хўрсинди. Истеъфомиш. Истеъфога чиқиш қийин иш эмас, лекин бу гап биринчи бўлиб Жосайя оғзидан чиққани учун ташаббус уники, деб ҳисобланади, одамлар ҳам шундай ўйлашади. Гурурим поймол бўлади, истеъфони унутишим, унинг оғзига қарашим керак. Очиғини айтганда, президент пайтида ўрнатилган тартиб билан яшаш, ҳамма ваколат бир одамнинг қўлида бўлиши ҳам адолатдан эмас, давлат идорасига ўзгартиришлар киритиш лозим бўлиб қолувди. Ким билади, балки бу тадбир Жосайянинг қўлидан келар.

Марта Ли ўзининг тор ойнабанд кабинетидан давлат котибига Стенхоннинг ёрдамчиси Эндрю Симпсонга телефон орқали қўнғироқ қилди ва ғала-говур орасида Симпсоннинг овозини эшитди:

— Алло?

— Бу Марта Ли, — деди Марта овозини кўтариб.

— Марта Ли! — деди Симпсон. — Мен сизга қўнғироқ қилувдим. Кичкина базм... Жосайя тарафдорлари. Танишишни истамайсизми?

— Тун ярим бўлиб қолди-ку.

— Сиз бундай имкониятдан бош тортмасангиз керак, деб ўйлайман...

— Бўпти, энди.

— Ўн минутдан кейин бораман.

— Мен ҳозир редакциядаман, — деди Марта. — Яхшиси, қирқ минутлардан кейин уйимга ўта қолинг, агар базм унғача тугамаса.

— Келишдик.

Марта Ли уйига қайтганда, Эндрю Симпсоннинг машинаси ўша ерда кутиб турарди. Марта ўз машинасини гаражга қўйиб, кийимини ўзгартириш ва пардозини янгилаш учун лифтда хонадонига кўтарилди.

— Узоқ куттирмадимми? — деди Марта ўн минутдан кейин қайтиб чиққач.

— Ҳечқиси йўқ, бизнинг хабаримиз бор — кунингиз енгил бўлмаган, — дея Симпсон машинасини ўт олдирди.

— Жосайя тарафдорлари, кичкина базм, дедингиз, нима муносабат билан? — сўради Марта, кўзини йўлдан узмай.

— Ўзингиз кўрасиз, — деди Эндрю Мартага бир қараб олиб. — Бу — журналист бўлганингиз учун эмас, шахсий таклиф.

— Кечирасиз, энди. Агар кечада бўладиган нарсалардан журналист сифатида фойдаланиш мумкин эмас, деб ўйласангиз, қайта қолайлик.

— Тушунмадингиз, узр, — деди Симпсон хижолат тортгандек. — Умуман, бизга қолса, ҳозир ниятларимиз ошкор бўлмай тургани маъқул. Тағин — ўзингиз биласиз...

— “Биз” деганингиз кимлар? — Симпсоннинг эҳтиёткор ва жиддийлигидан бир қадар таажжубланиб сўради Марта.

— Ҳозир ўзингиз кўрасиз, — майин оҳангда деди Симпсон.

Ўн дақиқа йўл юргач, Симпсон машинани темир панжарали дарвоза томон бурди. Бу ерда иккинчи мавқега мансуб давлат амалдорлари турар, уларни Марта танир эди. Машинадан тушгач, Марта кеча иштирокчиларининг кўпини таниди. Қоратан амалдорлар орасида оқ юзли меҳмонлар ҳам учрар, алламаҳал бўлишига қарамай, ҳаммалари ҳушёр, бадмастлик сезилмас эди. Меҳмонлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ичкарида, даҳлизда, зинада, майсазор ва боғда гурунглашар эдилар.

Булар яхши лавозимлар билан таъминланган қобилиятли, лаёқатли одамлар бўлиб, тани қора бўлгани учун оқсуяк-зодагонлар даражасига кўтарила олмаган эдилар — Мартанинг хаёлидан ўтди шу фикр.

— Жосайя тарафдорлари, — деди ёнида турган Симпсон, худди Мартанинг фикрини пайқагандек. — Бебош, бузгун, ғаламис — ғалаёнчиларга ўхшайдими шулар?

— Мен унақа деганим йўқ, Эндрю.

— Сизни назарда тутаетганим йўқ, яхши биласиз, — деди Симпсон.

— Оддий халқ ташвишидан булар хабардормикан?

— Хабардор, — деди Симпсон. — Аммо муҳими бу эмас. Ҳозир давлат идора-сидаги адолатсизлик мувозанатини ўзгартириш, бошқарув жиловини қўлга олиш — биринчи масала.

— Унда ҳамма муаммолар ўзидан-ўзи ҳал бўлади, деб ўйлайсизми энди?

— Ўзидан-ўзи ҳеч қандай муаммо ҳал бўлмайди, — деди Симпсон, ўзини баҳс қилиш истагидан тутиб.

— Тавба, — деди Марта истехзоли жилмайиб. — Гапингиз шунақаки, Эндрю, гўё биз янги эра бўсағасида турибмиз: бунга қадар ҳеч нарса бўлмаган, ҳамма нарса Жосайя келиши билан бошланадигандай...

— Шундай деса ҳам бўлади, — деди Симпсон. — Биз учун ҳамма нарса энди бошланиши керак.

— Эндрю, яна сўрамоқчиман, “биз” деганингиз кимлар? — деди Марта қатъийлик билан. — Наҳот мен шу қадар четда қолганманки, “биз” деганларингизни шу тобгача пайқамай қолган бўлсам?

Симпсон Мартани тирсагидан тутиб, қойилмақом кийинган қоратан гўзаллар тўдаси томон бошлади ва тўхтаб, деди:

— Хонимлар, марҳамат, танишинг, мисс Марта Ли, “Орол садоси” газетасининг мухбири.

Аёллар табассумда оқ тишларини намоиш қилиб, бирин-кетин Мартага қўлларини чўзишди ва Марта билан Симпсон нари кетиши билан бошқа гуруҳлар томон тарқалишиб, паллапартиш кийинган хоним машҳур мисс Марта Ли, у яҳудий мулкдор билан яқин алоқада эмиш, деган миш-мишни шоша-пиша шивирлаша бошлади.

— Ташаккур, — деди Марта, Симпсоннинг қўлидан ром қуйилган қадаҳни олиб. — Мени қўтқардингиз. Акс ҳолда хонимларнинг совуқ назаридан қиров босиб қолишим мумкин эди.

— “Биз” кимлар, деган саволингиз хусусида, — деди Симпсон жилмайиб. — Шу ердагиларнинг ҳаммаси “биз”.

— Мен-чи?

— Сиз ҳам, — деди Симпсон. — Мисс Марта, тушунинг, биз расистлар эмасмиз, одамнинг қора ё оқлигига қараб ҳукм чиқармаймиз. Аммо оролнинг тўқсон фоизи оқлар ихтиёрида. Улар аҳолининг беш фоизини ташкил қилишади, адолатми шу?

— Улар маблағ сарф қилишган, бунёд этишган, — деди Марта бир зум ўйла-ниб, — одамларга иш беришган. Оролдаги фаровонлик — агар шу ибора жоиз бўлса — ўшалар туфайли барпо қилинди. Энди биз ҳаммасини тортиб олмоқчи-миз. Бу адолатданми? Тортиб олдик ҳам дейлик. Кейин нима қиламиз? Ахир биз иқтисод қонунларини уларчалик билмаймиз, ҳамма нарса вайрон бўлади. Талашув авжига чиқади. Фуқаролар жанги бошланиши мумкин.

— Булар, — дея Симпсон кеча иштирокчиларига қараб олди, — йўл қўйиш-майди, тажриба орттиришган.

— Булар халқ эмас, Эндрю, амал олишга шошилган бир тўда... — Мартанинг тилига “экстремистлар” деган сўз келди, бироқ бу ибора унга қўпол туюлди, — аламзада, суллоҳ кишилар. Халқ билан буларнинг чақача иши йўқ. Ислоҳотдан кейин одамларнинг аҳволи баттар бўлиши мумкин. Дарвоқе, ислоҳот, ислоҳот, деймиз, ахир ислоҳот биронта режа, дастурга таяниши керак-ку. Борми шунақа дастур — юлиш, тортиб олиш, оқларни ҳайдаш режасидан ташқари?

— Бор, — деди Симпсон кўзлари ғалати чақнаб. — Ижтимоий тенглик. Жосайя эълон қилади. Меҳнат эвазига тўпланган бойлик баробар тақсим қилинади.

— Ким тақсим қилади? — деди Марта бўш келмай. — Шуларми?

— Албатта.

— Ишониш қийин. Кафолат йўқ-ку.

— Ҳамма нарса ўз ҳолича қолавериши керакми? — деди Симпсон. — Ижтимоий тенглик ёмонми?

— Ижтимоий тенглик яхши, — деди Марта иккиланиб. — Агар шунга онт ичилган бўлса. Акс ҳолда анархия бўлади — бузғунчилик, талон-тарож.

— Энди кўкракка шамол тегади, деб умидвор бўлган пайтда сизнинг ҳадигингиз ғалати туюляпти.

— Ғалати туюлгани тузук: одам ҳушёр тортади, — деди Марта. — Қани энди гумонларим пучга чиқса.

Энди Симпсон нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, кимгадир кўзи тушиб, сунъий табассум қилди.

Кўриниши носоғлом, қоратан, баланд бўйли одам булар томон келар, устида қиммат костюм, тилла узуклар тақилган бармоқлари орасида йўғон сигара тутатар, юриши салмоқли эди. Симпсон бой меҳмоннинг қўлини сиқиб кўришди.

— Мамнунман, — дея Симпсон меҳмоннинг қўлини қўйиб юбормай, Мартага қараб қолди. — Мисс Марта Ли билан танишмисиз? “Орол садоси” дан.

— Танишишни анчадан бери орзу қиламан, — деди меҳмон ва Мартага қўл чўзди, — қаламдошлик саломи билан Мастеринг. Сиз ҳақингизда Лондонда кўп эшитганман, мисс. Ҳамкасблар, орол билан танишмоқчи одам Марта Ли билан танишса бас, дейишади. Мен ҳам шу оролдан чиққанамни унутишади, орол ҳақида маҳаллий ёзувчилар яратган асарларни меникига таққослаб бўлмайди ҳам, дейишади. Орол ҳақида фикр юритиш учун, ҳақиқатда, сал четга чиқиши лозим, ҳукм холис бўлади. Ўз муҳитидан отилиб чиққан ёзувчини фақат унинг юрти, халқлари қизиқтирмаслиги керак. Умуминсоний мавзу табиий машққа айланиб қолади. Бунақа сафар оқибатида оролга бағишланган иккита-учта мақола билан чекланиш мумкин. Мен учун, мисс, мақола — иккинчи даражали машғулот. Асосий ишим — романлар. Албатта, мен шу ердан чиққанман, орол муаммолари мени ҳам қизиқтиради, ammo мен бу билан чекланмайман. Мен Англия фуқаросиман — қора танли инглиз ёзувчиси. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мисс, бизга ўхшаган ёзувчиларнинг эътибор доираси кенг. Нима дейсиз? Биласизми, мисс, агар эртага учрашсак, бафуржа гаплашардик. Мен “Империл” меҳмонхонасида жойлашдим, соат ўн иккигача банд бўламан, нуфузли шахслар билан учрашишим мўлжалланган, рози бўлдим — оролга бир оз ёрдам бериш керак. Биласизми, мисс...

Марта кўзи чақнаб, ияги қалтирай бошлади, буни пайқаган Симпсон ёзувчи тирсагидан ушлаб, нари тортди — шундай қилмаса, Марта бирон “ножўя” иш қилиши муқаррар эди. У ғазабини енгиш мақсадида бор кучи билан стул суянчигини қисиб, тишларини сиқди. Наҳот инглизлар биз ҳақимизда шу ёзувчига қараб тасаввур ҳосил қилишади? — ўйлади Марта ва Англияда бўлган кезлари ёдига тушди. Унга қадар инглизлар ҳақида Марта мутлақо нотўғри ўйлар, ўз кўзи билан кўргач, улар ҳам бошқалар каби оддий одамлар эканига иқрор бўлган эди. Нега бўлмаса биздагилар бу қадар такаббур, кеккайган? Ўзларини улуғ зот, деб билишади, кибор тутишади?

Эндрю Симпсон ёзувчини адаштириб, якка ўзи қайтиб келди. Марта “юмшаб” қолган эди.

— Мартин Мастеринг, — деди у ёзувчи ҳақида, — инглиз адабиётига бизнинг ҳадьямиз. Китобни ўқиганмисиз, мисс?

— Йўқ, — деди Марта.

— Битта китоби бор, биласизми, чакки эмас. Ҳатто яхши деса ҳам бўлади. Асосан инглизларни масхаралаб ёзилган. Бундай нарсани ёзиш қандай унинг қўлидан келди, худо билади. Тасодиф, албатта. Уқиб кўринг.

— Ким уни бу ерга юборган? Кимнинг топширигини бажараяпти?

— Тушуниш қийин эмас, — деди Симпсон истеҳзо билан, — Лондоннинг топширигини. Диктатурага муносабатимиз қанақа эканлигини билмоқчи.

— Билдим?

— Қайдам, ҳали бош мухбирингиз билан ҳам, сиз билан ҳам суҳбатлашиш ниятида. “Қаламдошмиз” деди-ку.

— Дардисар бўлар экан-да, — деди Марта ва эркакчасига сўкинди, Симпсон сохта таажжубланган бўлди.

Шу пайт меҳмонлар орасида жонланиш сезилди, “Жосайя!” деган хитоблар эшитилди. Симпсон билан Марта ҳаммага эргашиб дарвоза томон жилишди. Ҳукумат лимузинида келган Жосайя, тўдани оралаб, ҳовлига кирди ва зиналар оша даҳлизга чиқди, пастда турган Марта билан Симпсонга назари тушиб, уларга жилмайиб қўйди. Жосайянинг кўзлари қизарган, юзи сўлғин, ўта чарчагани кўриниб

турарди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, бу ерга келипти, ўйлади Симпсон, демак ислоҳот ишлари шуларсиз ўтмайди, деб ҳисоблаган.

— Дўстларим, — дея, дарҳол гап бошлади Жосайя, — жипслигимиз — ютуғимиз. Мамлакатимиз учун янги давр бошланаяпти. Иш кўп. Ўзгаришлар ўз-ўзидан бошланаверади. Уни сизлар амалга оширасизлар. Ҳаммамиз ҳозир катта синов олдида турибмиз. Бу синовга бардош бериш қийин! Диктатура, зулм, деб пўписа қилишади, қарашади. Шунда халқимиз аҳволини кўзимиз олдига келтирсак, ҳушёр тортамиз, куч киради. Аммо ислоҳот — бир кунлик ишмас. Унинг самарасини кўриш балки ҳозиргиларга ато қилмаслиги ҳам мумкинدير. Бардош ва матонат керак. — Жосайя, тиловат қилгандек, кўзини юмиб, бошини эгди, сўнг кўзини очиб, ҳаммага табассум билан боқди. Ҳеч ким қарсак чалмади: Сукут чапакдан аъло, муқаддас эди.

— Саволлар бўлса, марҳамат, — деди Жосайя жимликни бузиб. Қўлимдан келганича жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Одамлар орасида жонланиш бошланди.

— Ўзгаришлар демократик асосда ўтадимиз, жаноб вазир? — деди кимдир.

— Ҳа, — деди Жосайя бир лаҳза ўйга толиб, — бироқ халқимизнинг етмиш фоизи саводсиз. Демократияни тушуниш учун халққа билим беришимиз, онгини кўтаришимиз, сарқит одамлардан озод қилишимиз керак. Бу биринчи масала. Демократия ўз йўли билан бўлаверади. Аввало иш билан таъмин қилишимиз, қорнини тўйдиришимиз, бошпана билан таъмин қилишимиз керак. Яна қайтараман — онгни оширишимиз, кўзини очишимиз зарур. Биласизлар, бу йўлда унча-мунча ҳаракат қилинди, аммо оқибати нима бўлди — сир эмас. Қўлайликлар, уйлар яратилди, лектин баъзи қабиалар у уйларда чўчқа боқиб, ўзлари қамиш кулбалардан чиқишмади. Янгича яшаш учун ҳам эҳтиёж туғилиши керак. Масала яна бориб онгга тақалади. Улар ҳокимсиз, хўжайинсиз яшай олмайдилар, сиз эса, демократия, дейсиз. Бу кўзи ожиз одамга чироқ тутиш билан баробар.

Жосайя айтган фикрлар шу қадар оғир эдики, тўпланганлар лом-мим дейишмади.

— Оммавий ахборот воситалари фаолиятига қандай қарайсиз? — сўради Марта, йиғин тугашидан чўчиб. — Радио, газета, телевидениега?

— Халққа хизмат қилишни бурч, деб билсанглар — марҳамат, — деди Жосайя бир қадар жонланиб. — Маслакдош бўламиз. Аммо бойларга эмас. Халқ манфати йўлида кимларнингдир нафсини тийишга, ҳуқуқини чеклашга тўғри келади. Озод, эркин матбуот тушунчалари оч-яланғоч, саводсиз одамлар учун пуч гап.

— Сиз учун-чи?

— Мақсадимиз бир бўлса, — деди Жосайя таъкидлаб, — биз бир сафда бўлсак, қўл беришга тайёрман, муҳими — маслакдош бўлиш керак.

— Маслак бир кишининг эътиқоди бўлса, унда-чи?

— Унда танлашга тўғри келади, — деди бир оз ўйлаб Жосайя қатъий. — Демократияга қоқилсак, кўнгил қолади, гоё бевурд бўлади.

— Демократия бевурд бўлиши таажжубли, — деди Марта.

— Ўзишни билиш — тушуниш, деган гапмас, — деди Жосайя тажангланиб, — саводи бор одамга фалсафий китоб беринг, бир умр китобга қарамай кетади. Онг ҳазм қилмаган нарсанинг қизиғи қолмайди. Гоё бевурд бўлиши шу.

— Гоёнинг айби нимада?

— Айб гоёда эмас, бизнинг қолақлигимизда, ўз қобигимиздан чиқмасак, умуминсоний маданиятга интилсак, ёшларимизни Европага жўнатиб саводини чиқармасак, ҳамма чиранишимиз чиппакка чиқади. Ёрдам бериш ўрнига гов бўлишга жазм қилувчилар шуни тушунишлари керак. Шарт! Акс ҳолда жанжал чиқади. Бу — менинг қатъий фикрим. Газетангиз орқали айтишингиз мумкин.

Марта Симпсонга “Ишни пўписадан бошлайти” демоқчи эди, Симпсоннинг кўзлари чақнаб Жосайяга тикилаётганини кўриб, айниди.

— Лойга булғанмай, уй қуриб бўлмайди, — деди Симпсон, йиғилишдан кейин машинасида кета туриб, ёнида ўтирган Мартага.

“Ҳаёлимдагиларни ўқияпти”, ўйлади Марта ва деди:

— Ҳар қандай диктатура авваламбор матбуотни чеклашдан бошланиб, томоқдан бўғиш билан тугайди.

— Фақатгина бизда эмас, “учинчи тоифага” кирувчи мамлакатлар қорни тўйиб овқат ейишни, бошпанага эга бўлишни, тиббий ёрдам олишни матбуот ҳақидаги баландпарвоз ибораларга жон деб алишишади, ўйлайманки, ютқазишмайди.

— Жосайя амалга ошироқчи бўлган барча тадбирларни сиз, Симпсон, сўзсиз маъқуллайсиз, шундайми?

— Ислохотни усиз бажариб бўлмайди, — қатъий деди Симпсон. — Бошқалар билан солиштирсангиз, бу — пок-ку. Ўзи учун ҳеч нарса орттирмайди, ақалли ўғирламайди. Эътиқоди мустаҳкам. Ўғриларга ҳам йўл бермайди.

— Оқни қорадан ажратадиган, қўлидан иш келадиган ҳамма мутахассислар мамлакатдан чиқиб кетишади. Шунча иншоотлар миҳни қоқишни билмайдиган одамлар қўлига қолади, вайронагарчилик бошланади. Қаҳатчилик нималигини унда кўринг. Сиз “қорни тўйиб овқат ейишни” айтасиз. Каннибализм бошланади: бир-биримизни еймиз.

— Олдинги тартиб сақланса тузукми?

— Тузук эмас, — деди Марта йўлдан кўзини узмай. — Давлат аппарати шунчаки — номига эди. Аслида идора битта президент қўлида эди. Уни чеклаш керак, конституция росмана ишлаши керак, ислохот зарур эди, аммо бунақа талаш, бировлар мулкани тортиб олиш йўли билан эмас-да.

Симпсон эътироз билдирмоқчи бўлди, бироқ баҳс жанжалга айланиб кетишидан қўрқиб, индамай қўя қолди. Муҳими — вазирлар маҳкамасидаги ҳаромхўрлар ўрнига инсоф-диёнатли, эътиқодли одамлар келса, конституцияга риоя қилинса, ислохот самара беради. Ислохотни эса фақат Жосайя ўзининг абжирлиги билан амалга оширади. Бу иш бўлақ ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Айзексларнинг шаҳарнинг қоқ ўртасида бутун бир кварталга чўзилиб кетган баҳайбат корхона биноларида ишлайдиган одамларнинг камдан-ками ўз кўзи билан Натан Айзексни кўрган. Бир пайтлар ўзининг саноат империясига асос солаётган вақтларда Натан Айзекснинг оморга ўхшаган хона-ю, ўзининг метин иродаси ва чек билмас иштаҳасидан иборат бўлиб, у даврдаги унга кўмаклашган одамларнинг баъзилари ўлиб кетган, баъзилари бу ишдан йироқлашган ёки қариб қолган эди. Шунинг учун Натан Айзекс маҳкама биноси олдида пайдо бўлиши Англия қиролининг таклифига ўхшаб кетар эди. У ялтироқ қора лимузиндан тушиб, олтинчи қаватдаги мажлис залига кириши билан (ҳамма тадбири беш минутдан кўп вақт олмади) бу ерда ишлайдиган уч юз олтмиш икки ходимнинг ҳаммаси англади: фавқулодда ҳодиса рўй берган. Уч кун аввал ярим тунда ҳукумат маҳкамасининг зуд равишда ўтказилган мажлиси ва “қари хўжайин Натаннинг” идорага келишида маълум алоқа бор. Радио ва матбуотда айтилаётган гаплар-чи? Жосайя ўз номзодини президентлик лавозимига қўйипти; барча хорижий ишбилармонлар ўз акцияларини маҳаллий ҳиссадорларга сотишлари шарт; ердан текин фойдаланиш имтиёзи маҳаллий одамларга берилади; хорижий сармоядорлар ерни йигирма беш йиллик муддат доирасида ижарага олишлари мумкин; мажлис маҳаллий аҳоли барча акция, облигация ва бошқа даромадлари қанча, шунингдек, сайёр ва кўчмас мол-мулклари, жамғарма ҳамда маблағлари қайси хорижий мамлакатда сақланишини баён қилишлари шарт; барча мактаблар бевосита давлат ихтиёрига ўтади, ўқитиш умумтаълим дастури билан амалга оширилади, таълим тизими беш ёшдан ўн беш ёшгача етган болалар учун текин ва мажбурий бўлади; ҳар бир йигит ва қиз икки йиллик ҳарбий ёки меҳнат хизматларини ўташлари керак; маош ва бошқа даромадлар устидан давлат назорати ўрнатилади; истисносиз, ҳамма солиқ тўлайди. Жосайянинг бу дастурига собиқ вазирлар раиси ва молия вазир Ф.Ф.Фриуэйс қарши чиқди ва Жосайя билан курашиш ниятини билдирди. Айзексларнинг бепоян корхоналаридаги ишчи ва хизматчилар йигирма йилдан бери қадам босмаган қари Натан идорада пайдо бўлиши шу воқеалар билан бевосита боғлиқ эканини англашар эди. Аммо Чол иккита ўғли — Натан, Эммануил ва қизи Клара айна бир пайтда Жосайя билан бўладиган суҳбатдан кейин бу ерга етиб келадиган директорлар кенгаши раиси Соломон, ҳамда Айзекслар дунёсининг мухтор вакили Жоул Стернинглар пайдо бўлишини кутаётганларини ҳамма ҳам билмас эди.

Чол “Орол садоси” газетасида босилиб чиққан бош мақола ва редакция

шарҳини аллақачон ўқиб чиққан эди. Газетадаги гаплар Чолга олдиндан маълум бўлиб, радио хабарларини умуман эшитмади: радио тармоқлари давлат берган ижозатнома асосида ишлашга ўтган, ижозатнома эса “халқ манфаатини ҳимоя” қилган важ билан президентга у ёки бу хабарларни беришдан аввал кўриб чиқиш, жоиз бўлмаганларини эфирдан олиб ташлаш ҳуқуқини беради, шунинг учун радио хабарларида Ф.Ф.Фриуэйс ўз номзодини президент-лик сайловларига қўйиш ҳақида ахборот умуман берилмади.

Телефон жиринглади. Ёш Натан телефон дастасига “Йўқ” дея вакиллаб, телефон овозини ўчирди — одатда, лоқайд кўринадиган семиз Натаннинг ҳам асаблари ёйдек таранг эди. Фақат узун стол бошида ўтирган Чолнинг ўнг томонидаги катта ўғли Эммануил сипо кўринар, Клара эса олдида туриб, кўзини пастдан узмас эди.

— Келишди, — деди у ниҳоят асабий ҳолда.

Чол хўрсиниб ўриндиққа суянди.

Бир неча дақиқа йилдек туюлди.

Ҳар жиҳатдан қулай ва салқин залдаги нотинчликни ҳаллослаб кирган Соломон билан Жоул дарҳол сезишди.

— Хўш? — сўради кекса Айзекс улар ўтириб улгурмай.

— Ҳозир, дада, тинчланинг, — деди Соломон ва столни айланиб ўтиб, отасининг чап томонидаги креслога ўтирди.

Жоул эшиги олдида қолди: уларнинг орасидаги масофани Жоул атайин ҳосил қилгани шундоққина кўриниб турар, буни Жоул яширишга уринмас, шунчаки намоишкорона бир қилиқ эди. Бирор ноҳўя ҳаракат қилмасдан аввал олдини олиш керак эди ва Клара дарҳол туриб, эрининг олдида борди. Жоул хотинининг кўзларига разм солди, шу пайт унинг дилида жўш ураётган ғазаб ўз ҳароратини йўқотаётгандек бўлди. Айна пайтда Клара эрини қучоқлаб, бағрига босгиси келди, бироқ истиҳола тортгандек, унинг муштини ушлаб, лабига босди, эрининг мушти ёзилди.

— Оббо, — деди ғаши келиб Эммануил.

— Жим! — дея, Соломон ўдағайлади.

— Ноз-позингнинг ўрними ҳозир? — гўлдиради кенжа Натан.

— Бўпти, майли, — деди Чол.

— Узр, асабийлашишга ҳожат йўқ, — деди Жоул ва бориб улар ёнига ўтирди.

— Хўш? — дея Чол шифтга қаради. — Эшитайлик-чи...

— У ҳамкорлик қилишни таклиф қилди, — деди Соломон.

— Ким? Жосайями?

— Ҳа, Жосайя, — деди Соломон.

— Тавба! — кенжа Натан кўзини шифтга қадади. — Ақл бовар қилмайди. Жосайя!

— Ҳамма гапни оқизмай-томизмай айт бошидан, — деди Чол қатъий.

— Боши шу, дада, — деди Соломон.

Чол кўзларини куёвига қадади.

— Жоул? ..

— Ҳаммаси худди Соломон айтгандек бўлди, сэр, — деди Жоул. — “Мен сизларни таклиф қилишимдан мақсад, жаноблар, деди Жосайя, Айзекс муассасалари билан ҳамкорлик қилиш”. Жосайянинг дастлабки жумласи шу бўлди.

— Ишонгиси келмайди одамнинг! — хитоб қилди Эммануил.

— Хўш, — деди Чол ҳисларга берилмай. — Кейин-чи?

— Жосайя кўнглидагини ошкор айтди, — деди Соломон. — Оролдаги барча тадбиркор доиралар унинг ишидан норози эканликларини билиши, агар улар уюшса, бас келиш қийин бўлишини тан олди.

— Кучи нимага ҳам етарди? — деди Эммануил.

— Хато қиласан, Эммануил, — деди Соломон дарҳол. — Гапига қараганда, таълим бериш иштиёқи йўқ. Нима дейсан, Жоул?

Жоул тасдиқ ишорасини қилди.

— Барча тадбиркорлар фаолиятини исканжага олиш — бу мумкин эмас-ку, — деди яна Эммануил.

— Жосайя бунақа фикрни хато деб ҳисоблапти. “Барча тадбиркорлар фаоли-



ятини чеклаб, идорани ўз ихтиёримга олишим мумкин, дейди, оқибати нима бўлишидан қатъий назар. Иқтисодий аҳвол кескин ёмонлашади, ялпи ишсизлик рўй беради, сиёсий зиддият кучаяди, очлик бошланади”.

— Жосайя шунга тайёрми?

— Тайёр. Агар шу нарсалар рўй берса, Жосайя — гапига қараганда — қараб турмайди, янги чоралар ахтаради. “Унда оролдаги барча мулкни давлат ихтиёрига ўтказишга, мамлакатдаги ҳамма капиталистларни ҳайдаб чиқаришга ва коммунистик давлатларга мурожаат қилишга мажбур бўламан”, дейди.

— Қилади ҳам, — деди чол авзонни ўзгартирмай.

— Ўжарликка — ўжар, тоймайди.

Чол Жоулга боқди, у бош ирғаб қўйди.

— Жоул шу мўлжалини албатта бажариши мумкинми? — сўради чол.

— Албатталигини билмадим, — деди Соломон.

— Буни қандай тушуниш керак? — таажжубланди Эммануил. — Агар биз ҳамкорликка рози бўлган тақдирда ҳам бажарадими?

— Сен нима дейсан, Жоул? — сўради чол куёвига юзланиб.

— Қайдам? — деди Жоул ўйланиб. — Ҳар қалай бу фавқулодда чора, ҳозир Жосайя бундай хатарли ишга бормаса керак. Зеҳни зўр, олдида турган мушкулни эътироф этмай иложи йўқ.

— Бўлмаса бу — пўписа, ҳадиксираш аломати! — деди Эммануил.

— Йўқ — пўписа эмас, — деди Жоул ошиқмай, — ҳадик ҳам эмас.

Чол Соломонга қаради.

— Агар биз Жосайя билан ҳамкорлик қилишга рози бўлсак, — деди Соломон, — гапида давом этиб — бошқалар биз томонга оғади ёки янги тадбир ўрнатилганлиги билан кўнишга мажбур бўлади. Бу тақдирда Жосайя кескин чоралар қўлламаслик мумкинлигини билдирди.

— Шулар бадалига биз нималарга эга бўламиз? — сўради Эммануил.

— Биз давлат эътиборидаги расмий маслаҳатчи мартабасига ва давлат шартномаларида қайд қилинган маблағларнинг икки фоизига қонуний асосда эга бўламиз. Бу чакана бойлик эмас, ишонаверинглар.

Чол куёвига тикилиб оғир тин олди.

— Хўш, Жоул? Нимадан кўнглинг тўлмаяпти? Шу нарсалар бўлишини сен айтудинг, мана, башоратинг рўёбга чиқиш арафасида. Биз гапингга кириб, чакки қилмаган эканмиз — Жоулнинг ўзи ёрдам сўраб, бизга мурожаат қиляпти. Очиғини айтсам, ўзи бунақа бўлишини кутмовдим. Назаримда — бошқалар ҳам. Фақат Соломон гапингни маъқуллаган, у ҳам бўлса бир қўли билан, чунки у — мунофиқ... Клара бундан истисно, у — хотининг. Аммо гап шундаки, сенинг мўлжалинг тўғри чиқди, биз зарар кўрмаймиз, чоғи. Бироқ барибир сен нимадандир норози кўринасан, гумонинг борга ўхшайди. Айт, Жоул.

Жуол қайноғасига қаради, сўнг нигоҳини Кларага тикди.

— Тафсилотлар жоизмикин ҳозир... — дея бошловди Эммануил, чол ўглининг гапини кескин узди:

— Тек ўтир!

Эммануил индамай қолди.

— Хўш, Жоул, бирон нарса дейсанми? — чолнинг товуши майин чиқди.

Жоул ҳамон Кларага тикилар, Клара эса ўйларди: Жоул чўкаётган одамдек чўпга ёпишар, аслида Жоул ожиз кимса, шу ожизлиги билан, ўта инжиқ, сиркаси сув кўтармайдиган одам. Мен эса унинг бири бирига зид хулқининг ожизлиги, инжиқлиги, мулкдорликка бўлган нафрати, орол ҳаётидаги нопокликка ғазаби — ҳаммасининг қурбониман. Жоул худди гўдакдек ўйлайди — ёғаётган ёмғир ҳовлида ўйнашга ҳалал беришида онаси айбдордек...

— Жосайя одамхўр вазифасини бизга юкламоқчи, — деди ниҳоят Жоул. — Бутун бори-йўқ ифлос юмушларни биз бажариб, ўзимизга ўхшаганларни ямлаб ютишимизни кутаяпти.

— Унутма, Жоул, уни бизга сен қайрадинг; — киноя оҳангида деди Эммануил.

— Жоул, шу галларни самимий айтяпсанми? — деди чол Жоулга қараб.

— Самимий, — деди Жоул, қайнатаси нима учун бунақа савол бераётганини англамай.

— Ўзини ўзи ейди, — деди чол ва тушунмай қараётган фарзандларига кўз ташламай — кўпроқ ўзига ўзи айтаётгандек давом этди: — Ижтимоий аҳволи ёмонлашади, давлат хазинасига тушадиган пул камаяди, Жосайя солиқни кўтаради, норозилик ошади, назоратни кучайтиради, демак, поряхўрлик урчийди, хазинага тушадиган маблағнинг кўп қисми сунъий яшириш йўли билан назоратчилар ҳамёнида қолиб кетади. Танқислик натижасида медицина, маориф таълими сусаяди, касалликдан ўладиганлар сони кўпаяди, саводсизлик ошади, меҳнат қилиш мажбуриятга айланади, ҳар бурчакда ҳарбий назорат ўрнатилади, яшашни истаганлар президент номини осмонларга кўтаради, “озодлик, мустақиллик” деган олқишлар яйрай бошлайди... — оғир жимликни бузиб, чол давом этди: — биз, коммерсантлар, доимий рақобатдамиз. Биз емасак, рақиб бизни ейди. Аммо чиройли сўзлар билан ўз халқини ейиш, баробар тақсим шиори остида оқиб турган сувни бўғиш — бу нима? Иблис ҳам мунақасига қодир эмас. Балки мен ҳаддан зиёд ошириб юбораётгандирман, айт, Жоул?

— Айтиш қийин, сэр.

— Агар биз унинг, — дея чол шифтга қараб қўйди, — шартига кўнмасак, ҳамкорлик қилмасак, Жосайя бизни тинч қўядими?

— Йўқ.

— Демак, биз бу ҳамкорликдан бош тортсак, бажаришга тайёр бошқалар топилади. Биз душманга айланамиз, душманни нима қиладилар? — чол ўтирганларга қаради. — Тўғри, йўқ қиладилар, бинобарин, армия, полиция, қонун, матбуот воситалари унинг қўлида. Назаримда, йўл битта. Жосайянинг ўзи ташаббус кўрсатибди, очиги — ялинибди, бу биз учун катта омад, унча-мунча шартимизни ўтказишимиз мумкин. Ҳар доим ишимизга халал бериб иккита-учта компанияларни бизнинг кўрсатувимиз бўйича ишлашга мажбур қиламиз, бўлмаса — мажақлаб ташлаймиз.

— Демак — ҳамкорлик?! — деди Эммануил.

— Шу сўз тилимни чақаяпти, — деди негадир ижирганиб чол.

— Бироқ бошқа чора йўқ. Чидаймиз. Биласизларми, французлар нима дейишадди? — сўради чол ва жавоб кутмай ўзи айтди: “ — Агар номусингга тажовуз аниқ бўлса, сен ҳам лаззат олишга урин”. Ғализроқ бўлса ҳам, жуда соз айтилган. Бироқ мен бошқарувни сизларга топширдим, мен фақат битта овозга эгаман. Яшаш ёўлиш муаммоси доим бўлган. Сизлар бошқача қарорга келсаларинг, мен бўйсуннишга мажбурман. Аммо яшаш — бир оёғим гўрда бўлса ҳам шунақа нарсаки, бунга муқобил нарса йўқ. Ҳеч қанақа бўлак жозиба бунга тенг кела олмайди.

— Ҳукмронлик-чи? — деди Эммануил, Жосайяни назарда тутиб.

— Ҳукмронлик ҳам яшашнинг бир тури, энг юксак ва энг қонли кўриниши.

— Жосайя ҳали ҳукмрон бўлганича йўқ, — деди Эммануил, яна бир чора ахтариш мақсадида, — у ҳозирча президент вазифасини вақтинча бажаряпти. Тўғри, у президент бўлиши мумкин, лекин унинг сиеватидан норози давралар тўпланиб иш кўришса, Жосайя президентликка ўтирган тақдирда ҳам бошқа кучлар борлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

— У ўзига қаршилик қилганлардан ўч олади, — деди чол, атрофдагиларга разм солиб чиққач, — қийратади. Кўп президентларнинг усули шунақа. Қарашлар уёқда гурсин, унга овоз бермаганларни ҳам омон қўймайди.

— Менимча, — деди Эммануил Жоулга қараб, — ҳозирнинг ўзида биз ундан чўчияпмиз, қўрқаяпмиз, ҳеч қанақа чора кўрмай, таслим бўляпмиз.

— Чора кўриш — қарши чиқиш, адоват қўзғаш, душманга айланиш, — деди чол тоқатсиз тарзда. — Жосайя душманни ёқтирадиган одаммас. Шундоқ ҳам одамларнинг бизни кўришга кўзи йўқ, яҳудий, деган жойда тишини гижирлатади.

Жоул соатига қараб олди.

— Парламентнинг кечки мажлисига қўйиладиган масалалар муҳокамасини Жосайя кундузги радио ахборотида маълум қилмоқчи, — деди Жоул, негадир Жосайя манфаатини ҳимоя қилгани учун ийманиб. — Шунинг учун бизнинг жавобимизни ҳозир билиши зарур.

— Бўпти, ахборот берилмасдан аввал мен Франклин билан бир-икки оғиз гаплашиб олишим керак, у мактабдошим, — деди кекса Айзекс. — Клара, юр, қизим,

Соломоннинг кабинетиди гаплашамиз. — Чол ўрнидан турди ва қизи билан хона томон йўл олди.

— Демак, келишдик, а, дада? — охирги марта гумонсираб сўради Соломон.

— Келишдик, — деди чол орқасига қараб. — Қатъий. Шундайми, Жоул?

— Шундай, сер, — деди куёви дарҳол. — Келишдик.

Соломон телефонда Жосайянинг номерини терди:

— Сэр, Соломон Айзекс гапиряпти. Мен сизнинг таклифингиз юзасидан... Бошқарувимиз кенгаши эндигина тугади... Фирмамиз хизматингизга тайёр, сэр. Худди шундай, сэр. Ҳа, бир овоздан. Биз тадбирларингизда иштирок этмоқчимиз... — Соломоннинг ранги бўзариб кетди — бу иқрор унинг учун оғир кўргилик эди. — Агар бизнинг ҳиссамиз мамлакат манфаатига хизмат қилса... Ҳа, сэр, икки фоиз бизни қониқтиради.

Кекса Айзекс Соломоннинг кабинетиди собиқ вазирлар раиси ва молия вазири Франклин Фриуэйс билан телефон орқали гаплашар эди:

— Мендан ўпкалама, Франклин, эски қадрдонинг гапига кир, мен сенга ёмон маслаҳат бермайман, биласан. Худо ҳаққи, номзодингни олиб ташла. — Гап шундаки... — Бироқ чол гапини тугата олмади, Франклин телефон дастасини шу заҳотиёқ ташлаган эди. Чол эски ошнасининг бундай ҳаракатидан хафа бўлмади, Кларага қаради: — Гаплашишимам истамади. На чора. Жосайя унинг кулини кўкка совуради. Ўзидан кўрсин.

— Баъзан кўкка совурилиш ҳам ёмон эмас, — деди Клара.

— Эрингнинг гапларини қўй.

Шу пайт хонага Соломон кирди.

— Жоул қани? — сўради Клара безовталаниб.

— Ҳозиргина кетди, — дея, Соломон “иш битди” деган маънода, худди нопок нарасага қўл уриб қўйган боладек, отасига қаради.

Чол, кўзини телефондан олмай, ички бир назар билан ўғлининг нигоҳини сезиб, деди:

— Жоул ва сен, иккаловинг, камбағаллар ҳақида куйинардиларинг, мана муддаога эришдиларинг, кўрасанлар энди — камбағалдан келадиган мурувватни. Жойимизнинг ярмига эга бўлишади, сассиқ ҳиди билан ёнма-ён яшаймиз, эчкисини боғимизда боқишади, ҳайдаб чиқазишмаса бўлгани. Ҳамма бойлик миллат мулкига ўтади дегани — шу.

— Жосайя, ҳамкорлик қилсангиз, тегмаймиз, деди-ку.

— Бошида ҳаммаси шунақа дейди. Алдамаса ҳокимиятни ушлаб қола олмайди.

— Унда нега ҳамкорликка рози бўлдик? — пишқирди ўзини боса олмай Соломон. — Нега умуман бошқа тадбир қўлламадик?! Нега оролда қолдик?

— Умр бўйи жонни аямай тўпланган, даромад келтираётган шунча бойликни ташлаб чиқиб кетишнинг ўзи бўлмайди, — деди чол ички аламини кўрсатмасликка уриниб. — Ҳар ҳолда, мен бундай мусибатни кўтара олмасдим. Сенлар — бошқа гап.

— Айтайми ҳозир Жосайяга: аинидик, деб?

— Зинҳор! — деди чол. — Шувитсизлик бўлади. Ахир, келишдик, деган қарорга келдик, лоақал ўз эътиқодимизни авайлайлик.

Президент кабинетидан Жосайя чиқиб, узун коридор оша, конференция зали эшигини очди. Ҳамма унга қаради; интизомли синф остонасида мактаб директори пайдо бўлгандек эди. Ҳамма вазирлар ўз котиблари билан шу ерда ҳозир бўлиб, олдидаридаги столларда папкалар қат-қат эди.

Вазирлар маҳкамасида фавқулодда бўлган кенгашининг эртасиёқ Жосайя шу уч соатли машғулотлар албатта ўтишини ташкил қилган бўлиб, ҳафтанинг маълум кунларида бу машғулотлар қатнашчиларга университет мутахассислари ўзларига ажратилган соатларда келиб, мамлакат тарихи ва иқтисоди, ижтимоий тузуми, қонуни, географияси ҳақида маърузалар ўқишар, ҳамда мамлакатда истиқомат қилувчи халқлар таркиби, миллат, миллий масала ва унинг моддий бойликлари тарихига оид ахборотлар берар эдилар. Шундан кейин ҳар бир вазир ўз соҳасининг муаммолари ва мамлакат ҳаётида тутган ўрни, вазифаси

ҳақида батафсил ҳисобот бериши керак эди. Бу масъул мажбурият биринчи бўлиб ижтимоий таъминот ва ёшлар масалалари бўйича вазир Ричард Юнг зиммасига тушди. Тайёргарлик кўриш учун берилган бир ҳафталик муддатга қарамай, Ричард Юнг саёз хулосалар билан чекланиб, ўз вазифасига юзаки ёндошгани кўпларга аён бўлиб қолди. Жосайянинг қатор саволларидан кейин вазирнинг ўз соҳаси ҳақидаги тасаввури анчайин мавҳум экани аён бўлди.

— Болаларга дарс беришга даъво қилган муаллим бу вазифага лойиқ эканини исботлаб бериши шарт, — деди оқибатда Жосайя. — Шифокор ҳам худди шундай. Акс ҳолда у беморнинг ҳаётига завола бўлади. Ҳамма ходимларингиз, жаноб вазир, соҳангизда ким ишламасин, малакаси етарли даражада бўлиши керак...

— Эътироз билдираман! — дея ўшқирди Юнг.

— Вазифани малака даражасида билиш — бу ҳаммамиз олдимишга қўйилган масъулиятнинг энг оддий талаби. Мен сизга ўхшаб ўз соҳамда сизчалик нодон бўлганимда, эгаллаб турган лавозимдан четлаштиришларини сўраган бўлардим.

Бақалоқ Юнг эмас, балки имтиҳонда иштирок этаётган бошқа вазирлар ҳам тош бўлиб қолишди.

Жосайя ўз кабинетига чиқиб кетишдан аввал Айзеклар сулоласи мамлакатнинг ислохотига доир тадбирларга ҳайрихоҳ ва ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлари ҳақидаги хабарни айтди. Бу хабар матбуот орқали берилишини билгани учун, Жосайя бу масала бошқа сармоядор давлат эътиборида маълум ўзгариш ясашини фараз қилар, муҳим деб ҳисоблар эди.

Жосайя ўз хонасига кета туриб, Стенхон эшигини тақиллатди ва киргач, Жосайя билан Стенхонни ёлғиз қолдирмоқчи бўлган Симпсонга деди:

— Шошманг, мен ҳозир айтмоқчи бўлиб турган нарсалар сизга ҳам алоқадор, — Жосайя ўрнидан туриб қарши олган Стенхонга қаради. — Менга айтишларига қараганда, жаноб Стенхон, сиз давлат топшириғини тўхтатибсиз.

— Қайси топшириқни, жаноб Жосайя? — тушунмай сўради Стенхон.

— Уч шахсни янги лавозимга тайинлаш ҳақидаги қарорни тўхтатибсиз, жаноб давлат котиби, — деди Жосайя Стенхонга тикилиб, — шу ростми?

— Рост, — деди дарҳол котиб. — Чунки давлат бошқармаси таркибига тайин қилинаётган шахслар расмий низомга хилоф равишда тавсия этилганлар. Аслида улар Давлат комиссияси тавсияси асосида тасдиқдан ўтишлари ...

— Комиссия раиси ким? Кечирасиз.

— Яхши биласиз, — деди Стенхон бир оз таҳликага тушиб. — Каминангиз. Агар улар комиссиядан ўтишганда, қонунга зид бўлмас эдилар.

— Айтинг, Стенхон, агар уларни шахсан мен тавсия қилганимда, ўтказармингиз?

— Айта олмайман, сэр.

— Сиз уларни расмийчилик бузилмаслиги учун эътибордан четда қолдиргансиз, шундайми? — қатъий сўради Жосайя.

— Худди шундай, сэр.

— Масалани кўриб чиқишда комиссиянинг бошқа аъзолари ҳам қатнашганми?

— Бунақа масала комиссия аъзоларининг иштирокисиз ўтмайди.

— Улар ҳам шундай қарорда тўхташдими?

— Шубҳасиз, сэр.

— Жуда соз! Такрор сўрайман: агар улар номзодини шахсан мен тавсия қилсам, сиз бунга қандай қараган бўлардингиз?

— Бунақа муаммо кўтарилмади, сэр.

— Мана энди кўтариляпти! Сиз уларни биласизми?

— Ҳа, сэр, биламан.

— Қай даражада?

— Етарли даражада, сэр.

— Яна қайтараман: уларни шахсан мен тавсия қилсам, сиз бунга қандай қараган бўлардингиз?

— Бу масалани комиссия аъзолари муҳокамасига қўйиш лозим, деб биламан.

— Яхши. Сиз уларни, гапингиз бўйича, “етарли даражада” биласиз. Уларнинг мавқеи ҳақида комиссия аъзоларини огоҳ қилдингизми?

— Қилдим.

— Демак, комиссия аъзолари сизнинг ахборотингиз асосида улар ҳақида тасаввур ҳосил қилишган!

— Шундай, сэр.

— Демак, комиссия аъзолари сизнинг таърифингизга суяниб қарор чиқаришган, ёки сиз қабул қилган қарор билан рози бўлишган. Шундайми?

— Ўзларининг ихтиёри.

— Тушунарли.

— Комиссия чиқарган хулоса хато, деб исбот қилинган тақдирда, уларнинг қарори нотўғри, деб эътироф этилади ва бекор қилинади.

— Мен давлат бошлиғи сифатида сизга берган саволимга жавоб беришингизни талаб қиламан, — деди Жосайя, ғазабини аранг босиб.

— Комиссия аъзолари тайин қилиниши мумкин бўлган шахслар юзасидан очиқ фикр билдиришлари қонун бўйича ман қилинади, сэр. Мен конституцияга риоя қиламан, деб қасам қилганман.

— Қасам қилгансиз? Кимлар манфаати учун? Жавоб беринг, жаноб давлат котиби! Агар мен юрт манфаати йўлида унча-мунча ўзгариш қилмоқчи бўлсам-у, сиз конституцияни рўқач қилиб халал бераётган бўлсангиз, демак, конституция халққа эмас, унинг зарарига хизмат қилар экан-да?!

Жосайя шарт бурилиб, хонадан чиқиб кетди.

— Сэр, конституция ҳақиқатан ғов бўлмоқда, унинг кўп моддалари бугунги кун талабига жавоб бера олмай қолган, — деди Симпсон устозига, — наҳот шуни англаш қийин бўлса.

— Ундай ҳолда қонуний равишда ўзгартиришлар киргазинглар! — деди Стенхон тажанглик билан. — Агар конституцияга риоя қиламан, деб онт ичган бўлсак, бу айб эмас! Илтимос, мени холи қолдириш.

— Сэр...

— Чиқинг хонадан!

Симпсон нафратини зўрға босиб, хонадан чиқиб кетди.

— Сизни президент йўқлади, — деди котиба.

— Президент? — Бир оз таажжубда сўради Симпсон. “Президент вазифасини вақтинча бажарувчи Жосайя эмас — президент. Ҳафта ўтмай, тил ҳам ўрганибди”.

— Давлат комиссияси ҳақида ўйлаб кўриш керак, Энди, — деди Жосайя кабинетта Симпсон киргач.

— Мен Стенхонга тушунтирмоқчи бўлувдим, — деди Симпсон, — у мени хонасидан ҳайдаб солди.

— Ундан хафа бўлма, Энди, — деди Жосайя. — Унинг пок эканига заррача шубҳа йўқ. Стенхон учун конституция одамдан баланд. Ҳамма гап шунда. Аммо давлат комиссиясини ҳозирги аҳволда қолдириб бўлмайди. Бизга янги одамлар керак. Комиссия эса ҳалал берапти. Стенхонни кўндириш иложи топилмадими?

— Йўқ, сэр.

— Унда бошқа иложимиз ҳам йўқ, Энди. — Жосайянинг гаплари қатъий эди. — Стенхондан ташқари комиссияда нечта аъзо бор?

— Яна иккита, сэр.

— Таклиф қил уларни. Ўзим гаплашаман. Соат саккизга.

— Хўп, сэр.

— Дастурхон тузаш эсдан чиқмасин.

— Хўп, сэр.

— Учрашув ҳақида Стенхон ҳеч нарса билмасин.

— Хўп, сэр, — дея Симпсон кўзини ерга тикди.

— Бу — мажбурий чора, — деди Жосайя хижолат чекиб. — Шу ишни қилмасак, сайлов масаласи чатоқ бўлади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Олийжаноб бир кимсанинг адашиши туфайли мамлакат тақдирини қўлдан чиқариш — нодонлик. Нима дейсан, Энди?

— Ишларга Стенхонни аралаштирмаслик мумкин, — деди Симпсон. — У сиёсатчи эмас.

— Аралаштирмаслик чорасини ўйлаб чиқиш зарур, — деди Жосайя, Симпсонга тикилиб. — Тушундингми?

— Тушундим, сэр, — дея бир нафас тин олгач, жавоб берди Симпсон. — Мен тушиб, дастурхон масаласида топшириқ бераман.

— Тўхта, Энди, — деди Жосайя. — Агар Стэнхон очикдан-очиқ рақобат қилмаса, унга қатъий чора кўриш ўринсиз. Истеъфо берса — етарли.

Симпсон хонадан чиқиб кетди.

Жосайя чуқур хўрсиниб иш столига бориб ўтирди.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

Президент сайловлари орол ҳаётида мисли кўрилмаган тез фурсат ва тартибда ўтди. Номзодлар иккита эди: Альберт Жосайя ва Франклин Фриуэйс. Жосайя номзодига вазирлар маҳкамаси, касаба бирлиги, фермерлар уюшмаси ҳамда давлат ходимлари иттифоқи овоз берди. Иттифоқ раисининг сўзларига қараганда, бунга қуйидаги мулоҳаза асос бўлди: “Мамлакат эҳтиёжи бир партиялик давлат фирқасини талаб қилаётган вазиятда давлатдан маош олаётган ходимлар четда туриши мақсадга мувофиқ эмас”. Бундай баёнот давлат котиби истеъфога чиқиши олдидан беш ойлик таътил олиб, оролдан чиқиб кетгандан сўнг рўй берди. Бу ҳодиса Марта Лини ҳафталик шарҳда халойиққа бир савол билан мурожаат қилишга мажбур эди: мистер Фриуэйс ўз номзодини президентликка қўйишга ҳаққи борми? Агар мамлакатда қонун бирпартиялик тузумни тақозо этса, дейилади мақолада, ва бу партиянинг расмий номзоди сифатида Альберт Жосайя иштирок этаётган бир вазиятда, мистер Фриуэйс, ўз номзодини қўйиш билан қонунга хилоф тадбир қўллаши қарши фирқа тузиш билан баробар эмасми?

Шундан сўнг омма орасида ғала-ғовур бошланди. Жосайя газетанинг бош котиби Макс Жонсонни ўз қабулига чақириб, батафсил гаплашди, ёзишмалар дарҳол тўхтади. Марта Ли аллақандай анжуман ўтаётган бир оролга репортаж уюштириш баҳонаси билан юборилди, унинг президентликка иккинчи номзод Фрэнклин Фриуэйс ҳақидаги берилган батафсил мақоласи газета юзини кўрмади ҳам.

Оролдаги ишбилармон доиралар Айзекслар сулоласининг ҳар қадамини кузатиб боришар, қайси томон ғолиб чиқишини пойлашар эди. Жосайя ҳаммадан сир сақлаган ҳолда Соломон Айзекс ва Жоул Стернингни чақириб, сайлов тадбирлари тугамагунча ўзларини бетараф тутишлари лозимлигини таъкидлади.

— Орамизда ҳеч қандай сиёсий келишув йўқ, — деди Жосайя гап орасида, — биз шунчаки иш юзасидан алоқа ўрнатганмиз. Агар Франклин Фриуэйс сайловда мағлубиятга учраса — бунга шубҳа йўқ — тарафдорлар биз тузган ҳамкорликка сиёсий тус бериб, аюҳаннос кўтаришади.

Марта Ли уч ой деганда, яъни Жосайя президентлик сайловларида ғолиб чиқиб, ўз вазифаларини бажара бошлаганига уч ой тўлганида, ватанига қайтиб келиш имкониятига эга бўлди. Қўшни оролда ўтаётган анжуман ўз ишларини тугатиш арафасида Марта Ли газета бош муҳаррири Макс Жонсондан телеграмма олди. Телеграммада Макс Жонсон дарҳол Лондонга, у ердан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига сафар қилишни тайинлабди. Марта Ли уч ойлик вақтини ўз юртининг ички ишларига аралашмай, Оврупо ва Қўшма Штатларда яшовчи ватандошлари ҳаётига бағишланган мақолалар ёзиш билан чекланди.

Мана ҳозир у самолёт зинаси ёнида тураркан, она-юрти нақадар азиз ва жозибали туюлар эди.

Аэропортнинг ёш ходими Марта Лини таниб, унинг рўпарасида тўхтади:

— Марҳабо, — деди у табассум қилиб. — Ижозат берсангиз, мисс, мен юкларингиз билан шуғуллансам!

— Ташаккур, — дея Марта ёнидан қвитанция чиқариб берди. — Ватанга қайтиш нақадар мароқли. Дунёда бундан афзал нарса бўлмаса керак!

Ходим юкчилар турган томонга кетди.

Марта чиқаверишдаги тўдага қаради: таниш қиёфа кўринмади. Демак, уни кутиб олиш учун ҳеч ким чиқмаган, кўнгли хижил бўлди, бироқ расмий текширувчилардан ўтиб, юк ташувчи ортидан кўчага чиққанида, Мартанинг нигоҳи машиналар тўдасидан аранг ўтиб кетаётган Жоул Стернингнинг автомобилига тушди.

— Йўқлигинг шу қадар билинди, — деди Жоул, машинасидан тушгач, Мартанинг қўлларини сиқиб.

— Мени унутиб юборгандирсан, деб ўйловдим.

— Зинҳор. — Жоул Мартанинг қўлларини яна сиқди.

Ватанга қайтиш нақадар мароқли, яна ўйлади Марта.

Ҳаммол юкларни жойлаштириб, нари кетгандан сўнг улар машинага ўтиришди ва бир оз юргач, Жоул машина рулини денгиз томон кетадиган йўлга бурди. Ниҳоят худди беҳад адирдек ложувард денгиз кўринди. Жоул машинани йўл ёқасига тўхтатиб, ичкари чироқни ёқди.

— У ердаги ҳаёт қалай бўлди? — сўради у.

— Умуман, чакки эмас. Агар сафар мажбурий бўлмаганида...

— Агар мени чақирганигда мажбурийлиги балки сезилмасмиди.

— Жанжал чиқарди. Нима қиласан тинч бошингга ғавғо орттириб.

— Стенхонни учратдингми?

— Учратганда қандоқ! Опера ва ресторан, драма ва ресторан, концерт ва ресторан. Бир-биридан қойил! Мўъжизанинг ўзгинаси! Ҳалигача шунга ўхшайди. У зиёфатлар, томошалар эвазига қани энди бир илтифот кўрсата олсам.

— Руҳияти қандай Стенхоннинг?

— Қандай бўларди? — Мартанинг хуноби кўтарилди. — Четлаштиришгандан кейин осмону фалакка сакрапти! — Марта ғазабини босиб узр сўрагандек, кафтини Жоулнинг қўлига қўйди. — Кечир. Нима бўлмасин, нуқул сенга ташланаман, аммо сезмай бўладими?

— Қачон қайтишини сенга айтмадимми?

— Таътилни ўша ерда ўтказди.

— Жосайя уни ишга жалб қилиш маъқул эмаслигини Соломонга билдирди.

— Шубҳасиз, улар бу тавсияга дарҳол рози бўлишгандир?

— Албатта, — деди Жоул ижирганиб. — Улар оладиган икки фоиз даромади деб ҳамма шартни бажаришга тайёр. Давлат идорасида расмий имтиёзга эга бўлиш улар учун катта мартаба.

— Стенхон сени дўст деб ҳисоблайди, — деди Марта Жоулнинг кўзига қарамай. — Сен-чи?

— Мен учун ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, — деди Жоул тажангланиб. — Стенхон доим дўстим бўлиб қолади.

— Эҳтиёт бўл, Жоул. Ундан янги тузум манфаати учун муқаддас қурбон сифатида фойдаланишлари мумкин, тарафдор дўстларини ҳам аяб ўтирмайди.

— Сен-чи? Сени ҳам қурбон қилишдими?

— Азизим, мен унчалик катта ўлжа эмасман, — деди Марта кулиб. — Мени шунчаки ўз хизматини қилиб бўлган эски аравадек, нарироқ суриб қўйишди. Қолаверса, улар билади; мен ҳеч қачон душманлар гуруҳига қўшилмайман.

— Дўстимиз Жосайя учун у хайрихоҳлик етарли бўлмаслиги мумкин.

— Хайрихоҳлик? — Марта ўзининг гапига ғалати тус берилганидан таажубланди.

— Аксинча, тушунмадинг, — деди Жоул. — Айтмоқчиманки, сен барибир сўз эркинлиги учун курашишингни сусайтирмайсан? Шундоқ эмасми?

— Демак, сен мени ўзимдан ҳам яхши билар экансан, Жоул.

— Гапим шубҳалими, Марта? Хато қилдимми?

— Ҳозирги вазиятда ҳеч қанақа шубҳасиз нарса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳамма гап нималар, қандай баҳолар эвазига қурбон бўлишда. Сўз эркинлиги, матбуот мустақиллиги халқ учун нима нафи борлигини ўзинг яхши биласан.

— Бу нарсалар халқ учун зарур, Марта, акс ҳолда у зулматдан чиқа олмайди.

— Электр чироғисиз кулбаларда яшаётганлар, ҳарф танимайдиган саводсизларга ҳам нон керак, сув керак. Бизнинг гаплардан уларнинг афти буришади, биласан-ку.

— Биладан, — деди Жоул хўрсиниб.

— Мени олиб бориб қўясанми? Бетобман бугун.

— Мен фақат шунигина кутаётганим йўқ, азизим, — деди Жоул мулзам бўлиб, — сени, суҳбатларингни соғиндим.

— Биладан, — дея Марта Жоулнинг кўксига бошини қўйди.

Жоул уни қучоқлаб, узоқ ўпди.

— Дўстларинг кутиб қолишди, — деди Жоул Мартанинг қулоғига пичирлаб. — Қайтишинг шарафига қабул маросими уюштиришган.

— Қаерда? — сўради Марта Жоулнинг қучоғидан чиқмай.

— Сенинг уйингда.

— Ў-ҳў!

— Макс уюштирди.

— Кетдик, — деди Марта Жоулнинг қўлларидан бўшаб. — Куттириш яхши эмас. — Нега, Макс? — ўзидан сўради Марта кўнгли хиралашиб.

Макс Жонсон, газета бош муҳаррири, шу ташаббусга киришганда, Мартанинг феълини яхши биладиган Жоул уни тўхтатмоқчи бўлди, бироқ Макс кўнмади: У ўз айбини бирон йўл билан ювишни истар эди.

— Макс яхши ниятда иш тутди.

Марта ялт этиб Жоулга қаради, Жоул севгилиси дилида туғён ураётган ҳисни сезди ва жавоб бермай, машинани катта йўл томон бурди.

Шаҳар олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Марҳум президентнинг ўлими-дан ҳеч қандай нарса сезилмас, гўё у ҳеч қачон бўлмагандек — тинч ва осойишта, кўчалар тоза, чироқлар аввалгидек нур сочар, дўконлар ярқирар эди. Ҳамма-ни ларзага солган ҳукмдорлар келади-кетади, шаҳар, халққа ўхшаб қолаверади; у ҳам халқ каби улғаяди, кенгайди. Эски бинолар, қариган одамлардек, ўлади, бузилади, ўрнига янгиши, балки муҳташамроғи бунёд бўлади.

Марта сигарет тутатди. Жоулнинг назари бир лаҳза аёлнинг афтига тушди. Милтираётган чўғ шуъласида унинг юзи қонсиз ва жонсиз кўринди, — ажалидан кейин, дили ҳапқириб ўйлади Жоул, шунақа қиёфага кирса керак.

— Марта!

Жоулнинг туғёни унга ҳам юққандек, Марта хавфсираб Жоулга қаради.

— Сенга нима бўлди, Жоул?

Жоул, кечинмаларини ҳайдаш учун, бошини чайқади:

— Нур ёлқини ғалати... одам кутмаган кўринишлар ясайди.

— Лаҳат кўринишларини?

— Балки, — деди Жоул, бу аёлнинг айтилмаган фикрларни ўқиш, англаш, сезиш ва илғаш қобилияти нақадар кучли эканига лол бўлиб.

Улар Марта яшайдиган бино олдига яқинлашганларида, тун хийла қуюқлашган бўлса-да, биронта юлдуз кўринмас, зулмат қора чодрадек ҳамма ёққа ёпирилган эди.

Жоул машина маторини ўчирганда, уй томондан товушлар эшитилди.

— Истасанг, мен ҳам кирман.

— Йўқ, — деди Марта, ҳеч ким уларни бирга кўришини хоҳламагандек.

— Кечроқ келайми?

— Тараллабедод тугагандан кейин мен баттар қиёфада бўлишим мумкин.

— Қўнғироқ қиларман.

Марта машинадан тушиши биланоқ жизгинак ҳидини сезди. Чўчқа боласини кабоб қилишяпти деб ўйлади Марта ва юкларни тушираётган Жоул томон юрди.

— Ҳамма гап дилимда чалғиётган ирқчилик кайфиятида, — деди Марта ўзидан-ўзи орийат чекиб, — шунинг учун мен сенга хотин бўла олмайман. Бу нуқсонми, нуқсонмасми — нима, билмадим. Сенга тегсам доим шу хусусиятимни бўғиб ҳаёт кечирешга мажбур бўламан. Ўзимни чегаралаш, тилимга келганини қайтариш мен учун ўлим билан баробар.

— Биладан, — деди Жоул.

— Эътироф этганимиз учун гуноҳ иқрордек туюлади, — деди Марта ўйчан ва ниҳоят, ўзига келгандек, деди: — Чамадонлар оғир эмас, ўзим кўтариб кетаман.

Жоулнинг машинаси ғойиб бўлишини кутмай, Марта уйи томон юрди.

— Келди! — қичқирди кимдир. — Марта келди!

Шу заҳотёқ йиғилган меҳмонлар қийкириқ билан Марта томон отилишди. Уларнинг қўллариди қадаҳлар бўлиб, деярли ҳаммаси ширакайф эди. Атрофдагилардан бир-икки қарич баланд Макс Жонсон Марта билан яккама-якка қолмаслик учун меҳмонлар қуршовидан чиқмас, улар қатори Мартани олқишлар эди. Ниҳо-



ят йиғилиш охирлашиб, меҳмонлар тарқала бошлаганида, Макс уларга қўшилиб кўчага шўнғимоқчи бўлганида, Марта унинг олдида пайдо бўлди.

— Шу билан мунозара тугади, деб ўйлайсанми, Макс?

— Ёмонликни ўйласам, уйингга келмасдим, — деди Макс жиддий тарзда.

— Зиёфат уюштирибсан, сарф-харажат, дегандек... Шулар билан қутилмоқчимисан? Ўзингни оқламоқчимисан? Мени нима, шу қадар анойи, деб ўйлайсанми?

— Нималар деяпсан, Марта?

— Оқларнинг энг яхшилари ҳам — сенга ўхшаганлари ҳам суяк ташласак, юпанади бу қоралар, деб ўйлайсизлар.

— Писанданг ўринсиз, Марта, — деди Макс ранжиб. — Кутмовдим.

— Болани алдагандек елкамизни силайсизлар, ширин сўзлар айтасизлар, аврайсизлар, калака қиласизлар, ҳатто баъзан қоратан аёлга уйланасизлар — тамом, махлуқ тайёр, ээса ҳам, тепса ҳам, бурнидан ҳалқа ўтказса ҳам бўлади, ҳамма мақомга тушаверади, ҳар йўлга кириверади... Биз чеккан хўрликни сизлар ҳам бошингиздан ўтказмагунингизгача одам бўлмайсизлар, кўзингиз очилмайди.

— Аёл бўлганингга шукур қил, — ўшқирди Макс.

— Тушур тумшуғимга, суд барибир сени оқлайди.

— Бўлдими? — деди Макс Марта томон эгилиб. — Бўшадими ичинг? Яна чиқар, кейин пушаймон бўлиб юрма.

— Сизлар мана шунақа пайтда билинасизлар! — деди Марта сўқир тикилиб. — Далил йўқ, пўписа холос. Асл нусха, ниқобсиз!

— Давом эт, — деди Макс, ўзини тийган бўлиб.

— Дилингга қаттиқ тегиб кетса, айбга буюрмайсан...

— Тавба!

— Сиз, — деди Марта атайин сертакаллуфлик қилиб, — Жосайяга сотилдингиз, шунинг учун мени четлатиш керак эди.

— Менга қара, Марта!..

— Мен сотилмайман, овора бўлманг! — Марта шартта бурилиб четга кетди.

Макс, қабул қилинмаган меҳмондек, бир зум депсиниб тургач, атрофига аланглади — стол-стуллар, бўш қадаҳлар, ёниб тугаётган шамлар орасида битта ўзи қолибди.

— Эҳ! — дея, у муштини кафтига урди ва дарвоза томон юра кетди.

Марта ечиниб ваннахонага кирди ва иссиқ сувни очди. У нафақат сафар терини ювиши керак, балки дилини ҳам покизалаши керак эди. Кейин сувни тўхтатиб, пахмоқ сочи билан токи бадани қизиби, ачишмагунча этини обдон артди — ишқадди. Ниҳоят асаби бўшашиб, аъзолари юмшагач, Марта ўзини лоҳас ҳис қилди ва аранг жойига етиб олишга ҳоли етди.

Марта кеч уйғонди ва дераза ортида кўринаётган тоғларга назари тушиб, ўз уйида эканига ишонди. Кўкка бўй чўзган Нью-Йоркнинг ойнабанд бинолари, Лондоннинг димиққан ҳавоси, туманли рутубати — ҳаммаси узоқлашиб, тушга айланди. Айниқса хизматчи аёл апельсиннинг заъфар шарбати қуйилган биллур қадаҳ, муштдек келадиган сап-сарик манго, илитилган тухум ва қаҳва донидан туйилган, маромида пиширилган муаттар ичимликдан иборат нонушта олиб киргани Мартанинг сафар хотираларини янада хиралаштирди, аммо унуттиролмади. Унуттилиши шунчалар зарурми? Нимаси ёмон? Марта Макс Жонсон билан бўлган тунги жанжални эслаб, кўнгли ғаш бўлди. Кечагиси фақат бошланиши. Яна қанақа жирканч зиддиятлар Мартанинг йўлида кўндаланг келаркин? Марта ҳар бир зиёли каби, юртида маълум ўзгаришлар, сезиларли ислоҳотлар рўй беришини, ўттиз йил бурун ўрнатилган тартиблар аллақачон ғовга айланганини, бир қараганда тўғри низомлар расмий жиҳатдан бор бўлиб, аслида тескари самара бераётганини англаб, бу зиддиятларни тубдан ўзгартириш учун янги сардор келиши зарурлигини, ҳатто президент сайловларида Жосайя ғолиб чиқишини истар, аммо ишларнинг бу тарзда кетиши, бунақа тус олишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Марта редакция биносига кириб борганида, кун ярим бўлиб қолган эди, котиба жилмайиб, деди:

— Марҳобо, мисс Ли, бош муҳаррир кутяпти сизни. Қовоғидан қор ёғяпти.

Идорада ишлаётган ходимлар орасида таҳлика сезилар эди. Улар бош муҳаррирға эриш туюлишидан чўчиб, Марта билан совуққина кўришишди.

Макс Жонсон, Марта эшикни қоқиб бош муҳаррир хонасига кирганда, бир неча муддат қоғозлардан бошини кўтармай ўтирди ва ниҳоят кираверишдаги эшик тепасидаги соатга қаради.

— Хайрли эрта, сэр, — деди Марта, Жонсоннинг намоишкорона эътиборсизлигидан ижирғаниб.

— Эрта? — мулойим таажжубланди Макс, кун ярим бўлганига ишора қилиб.

Марта бош муҳаррирнинг гапига парво қилмагандек:

— Мени кўрмоқчи бўлганмишсиз, — деди.

— Ўтиринг, — деди Макс ва ходима қимир этмаганидан ғазаби келиб. — Ўтиринг, нега қаққайиб турибсиз? — деди.

Марта, бошлигининг жеркишини эшитмагандек, креслога омонат ўтирди.

Бош муҳаррир ғазабини босиб олиш учунми ёки айтадиган гапларни чамалаб олиш мақсадида яна бир неча дақиқа лабларини қимтиб, Мартага тикилганича ўтирди.

— Ўтар тунда, — деди у расмий оҳангда, — сиз уйингизда ўз ирқий назарингизни менга тўнкамоқчи бўлдингиз.

— Биз ишхонадамиз, яъни хизматдамиз, — деди Марта босиқ, аммо анчайин совуқ оҳангда. — Кўчада бўладиган муносабатлар бу ерга кирмаслиги керак, деб ўзингиз айтгансиз. Ё адашяпманми?

— Сиз мени сотилган, дедингиз. Бош муҳаррир бўлганим учун бу айбнома бутун газетага ҳам тушади.

— Мен сизни айблаганим йўқ, фақат сўрадим, сэр.

— Сўзлар билан ўйнаяпсиз, хоним. “Мен сизни айблаганим йўқ, фақат сўрадим, сэр”. Агар мен сизнинг у қадар айёрмаслигингизни айтсам, бу ҳам менинг ирқий айбимга кирадими?

— Сиз саволимга тўғри жавоб беришингиз мумкин эди, — деди Марта қатъий йўсинда. — Сен ноҳақсан, десангиз бўларди.

— Шунақами? Мен, демак, ҳар бир айтган сўзим бўйича сизнинг олдингизда жавоб беришим керак экан-да! Нима учун? Фақат шу сизнинг қуёшли ўлкангизда туғилганим учунми? Айбим қоратан эмаслигимдами? Оқтан бўлатуриб ирқ касалидан фориг эканимни доим исботлаб юришим керакми? Нега индамайсиз? Айтинг кўнглингизда борини? Нега мен бир умр сизларнинг олдингизда-ҳисобот бериб ўтишим керак?

— Мен ҳисобот талаб қилганим йўқ, аммо сиз кўтарган масала юзасидан баҳс қилишга тайёрман. Айёр деб сизни айтса бўлади. Биз ҳаммамиз, дўстлик қонунига таяниб, ғояларимиз муштарақлигидан келиб чиқиб, бир-биримиз олдида жавобгармиз. Агар биз битта мақсад учун интилсак, шу ғоя талабидан келиб чиқиб муносабат ўрнатишимиз, сўзларимиз ва қилмишларимиз учун масъулиятда бўлишимиз лозим.

— Энди хоним баландпарвоз гапларга ўтдилар! — деди Макс заҳарханда билан. — Бу гапларни Стернинг кўтаради. Бизни, яъни мен билан сизни фақат бир нарса боғлайди — касб. Сиз билан мен журналистмиз. Биз хабар ахтаришимиз ва ахборот беришимиз керак, бу доирадан ташқари масъулият йўқ. Бу чегарадан чиқиб, воқеаларни ўзингизча таҳлил қила бошлаганингизда, ҳуқуқ ва бурч ҳақида ваъзхонлик қилишга киришганимизда, мен ўз ваколатимдан фойдаланиб, раҳбар, бошлиқ сифатида ўрнингизни кўрсатиб қўйишга мажбурман ва бунинг учун на сиз, на бошқалар олдида ҳисобот бермайман. Қисқаси, сиз ўзингизга юкланган вазифаларни бажаринг-да, менинг нима қилишим кераклигини ўзимга қўйиб беринг ва миянгизни дўстлик, маслақдошлик ва масъулиятга ўхшаган беҳуда нарсалар билан чалғитманг.

— Хўп бўлади, сэр, — дея, бепарво ғўлдиради Марта. У Максни сиёсий баҳсга тортиб, чакки қилганини англади. Макс бу юртни қай даражада севмасин — ардоқламасин, барибир ўз ҳаётини, хусусий онгини тикмайди.

Макс яна нимадир деб баъзи чалкаш фикрларга аниқлик киргизмоқчи, хаспўш-

ламоқчи бўлди, ахир нима деганда ҳам улар ўртасида ҳақиқатда ошнолик, маслакдошлик иплари йўқ эмас эди.

— Агар одоб чегарасидан чиққан бўлсам — узр, — деди Марта расмий тусда. — Мен сизни бошқача тушуниб келган эканман.

Аёл борган сайин мендан узоқлашяпти, ўйлади Макс, яқин-орада яккаланиб қоламан.

— Ҳозир сиз учун энг маъқули, — деди Макс, — юрт кезиш, янги таассуротлар, ўзгача манзара, ўзгача ҳаво. Мамлакатда янгича ҳаёт бошланмоқда. Ахир шунини орзу қилганлардан, бирисиз... — Макснинг бу гапи Мартага писандадек туюлди, аммо у индамади, эътироз билдирмади, сапчимади — ютди. — Устига-устак, ғаразғўй хорижий воситалар ахборот бера бошлапти.

— Бўпти, сэр, — дея Марта хонадан чиқиб кетди.

Айни шу топда Макс ўзини ўта танҳо ҳис қилди.

Телефон жиринглади:

— Телефонда Давлат котиби вазифасини вақтинча бажарувчи мистер Эндрю Симпсон, — деди котиба.

Жонсон телефон дастасини олди.

— Мистер Жонсон? Симпсон гапиряпти. Ишлар қалай?

— Сизни қанақа ишлар қизиқтиряпти, мистер Симпсон?

— Мисс Марта Ли сафардан қайтибди, деб эшитдик.

— Шундай, сэр.

— Мистер президент мақолалар туркумини уюштириш зарурлигини айтди, агар сиз рози бўлсангиз, бу вазифани мисс Ли яхши бажариши мумкинлигини билдирди. Ҳамда мисс Ли билан бевосита суҳбатлашиб кўриш ниятлари борлигини айтди, аммо бу тадбирни президент сизни бохабар қилиб амалга оширилгани маъқул, деди.

— Афсус, бунинг иложи йўқ.

— Кечирасиз, тушунмадим.

— Мисс Ли бу таклифни қабул қила олмайди.

— Мисс Ли рози эмасми?

— Мисс Ли бу гапдан беҳабар. Масала шундаки, мен газеталар раҳбариятидан топшириқ олдим.

— Кечирасиз, қанақа топшириқ?

— Менга редакция ходимларини четдан амалга оширилажак барча тадбир ва таъйиқлардан ҳимоя ҳамда уларнинг дахлсизлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масъулияти юклатилган. Шундан келиб чиқиб, мен уларга сарой маъмурияти, йирик саноат, қишлоқ хўжалик ва тижорат фирмалари билан бўладиган алоқалардан ўзларини тийишларини тавсия қилдим. Кимки бу топшириққа бўйсунмаса, унга нисбатан маъмурий жазо қўлланади. Ундан ташқари, четдан қилинган ҳар бир чора ҳақида мени бохабар қилинглари, деган кўрсатма бердим...

— Мен сиз билан, мистер Жонсон, президент номидан гаплашяпман.

— Биаламан.

— Мен сиздан эшитган хабарни президент қулоғига етказишим керак, демоқчимисиз?

— Мен бор гапни айтдим. Президентга айтинг, ё айтманг деган гап мендан чиқмади.

Эндрю Симпсон гапни кескин узди.

Айни шу пайтда Марта Ли ўз хонасида ўтираркан, бош муҳаррир томонидан туширилган янги кўрсатмалар билан танишиб чиқмоқда эди.

— Мен, — деди Марта Ли, бош муҳаррир хонасига киргач, кўрсатмалар матнини унинг столига қўйиб, — бу шароитда ишлашни ўзимга муносиб кўрмайман.

— Ихтиёрингиз, — дея Макс, ҳатто Марта томон қарамай, ички телефон дастасини олди. — Бош ҳисобчини беринг! — Бош ҳисобчи овозини эшитиб, Макс деди: — Жонни, китобингизга қайд қилиб қўйинг: Марта Ли махсус фармойиш чиққунга қадар, ярим маош белгиланиб, ўз вазифасидан озод қилинади. Тамом! — Макс телефонни босди ва яна алоқага чиқиб, деди: — Сўнгги ахборот бўлимининг муҳарририни уланг. — У бир оз кутгач, яна деди: — Жо! Мисс Ли махсус

буйруқ чиққунича ишдан бўшатилади. — Макс телефон дастасини шарақ этиб жойига қўйиб, Мартага қаради.

— Бор-йўқ пўписа шуми? — сўради Марта.

— Шу. Сиз керак бўлганингизда, хабар берамиз. Бироқ барибир мен юрт бўйлаб сафарга чиқишингизни маъқул кўраман. Талаб қиламан. Бу — буйруқ!

Марта бош ирғаб, хонадан чиқиб кетди.

Сарой ходимлари Марта билан телефон орқали ўзлари келишишлари мумкин, деб ўйлади Макс Жонсон. Агар улар уни топишса, Марта Давлат бошлиғи тавсиясини рад эта олмайди, деган хаёлда телефон тармоғи директорига кўнғироқ қилиб, Мартанинг телефонини узиб ташлашни айтмоқчи бўлди, бироқ бу фикрдан айниди ва редакция телефонлари хизматини бажарувчи устани чақиртириб, режасини тушунтирди. Аммо уста бу таклифга рози бўлмади. Макс бошқа чора топа олмади, ўзи Марта ишлайдиган хонага борди. У кетиш таралдудиди эди.

— Саройда ишлайдиган ошнангиз Симпсон телефон қилди, — деди Макс Мартанинг рўпарасида тўхтаб. — Президент бир қатор мақолалар уюштиришни мўлжаллаб, бу ишни сизга топширишни маъқул кўрибди. Сизга берилган топширигим ҳақида уларга айтдим. Сиз сафарга жўнашингиздан аввал шу гаплардан огоҳ бўлишингизни истайман.

— Раҳмат, — дея Марта Макснинг ёнидан ўтиб, хонадан чиқиб кетди.

Мартанинг вақтинча ишдан бўшатилиши редакция ходимлари орасида дарҳол тарқалди ва кўпларни гулғулага солиб қўйди. Бош муҳаррирнинг дабдурустан пайдо бўладиган ғазабига ҳар бир ходим учраши мумкин, шунинг учун керакли чоралар топиб қўйиш зарар қилмаслигини ўйлаб қўйишди.

Симпсон президент кабинетига кириб, қуйидагини айтди:

— Хизматчи аёлнинг айтишича, мисс Ли орол бўйлаб сафарга жўнаганмиш. Мисс Марта Ли вақтинча ўз ишидан бўшатилибди. Газета мухбирларига берилган топшириқ нусхаси яқин орада бизга етиб келади. Мисс Марта Ли ўтирган машина номери бизга аниқ, йўллар полициясига топшириқ берсак, бир соат ичида уни қидириб топишади, қаердалиги маълум бўлади.

— Ҳозир кераги йўқ, — деди президент. — Сайр қилиб юраверсин. — Президент бир он жимиб Симпсонга қаради. — Эндрю, ўзинг биласан: газета, умуман оммавий ахборот воситаси шунақа мисли кўрилмаган нарсаки, ҳеч қандай бошқа куч у билан тўғри кела олмайди. Оролдаги ҳозир фаолият кўрсатаётган газеталарнинг аксарияти аввалги тузумнинг қуроли эди. Уларни ўз ҳолига қолдирамизми, йўқми? — ўйлаб кўриш керак. Агар халқ ташвишидан нари туриб, ҳамон сармоядорлар манфаатини кўзласа... — Жосайя гапни тугатмаса ҳам, Симпсон аллақачон ҳамма нарсани тушунди.

Кечаси сарой дарвозаси олдида исқирт кийинган ҳабаш кўринди ва картон қоғозга ёзилган ижозатномасини кўрсатиб, ичкарига кира бошлади.

— Тўхта, — деди қоровул нотанишнинг йўлини тўсиб.

— Ижозатнома, — дея нотаниш киши қоғозни қоровулнинг тумшугига суқди. — Жосайя берган.

Қоровул “ижозатнома” ҳақида эшитган бўлиб, бунақа махсус ҳужжатни кўрсатган кишилар билан гиди-биди қилишнинг оқибати ўзи учун фойдасизлигини билар, унинг устига, бу тоифадаги одам билан президент Жосайя анча иноқ гаплашишидан ҳам хабардор эди, шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши сўради:

— Нима ишинг бор?

— Президентга айтадиган гапим бор, — деди нотаниш киши.

— Жуда кеч-ку, — дея соқчи соатига қаради.

— У мени қабул қилади.

— Исминг?

— Ижозатнома рақамини айт, билади.

— Исмингни айтмасанг, президентни безовта қилмайман.

— Қиласан, — деди нотаниш киши кўрслик билан, — ўзингга чатоқ бўлади.

Соқчи телефон дастасини олиб, саркотибга кўнғироқ қилди, бироқ ҳеч ким жавоб бермади. Соқчи телефон дастасини жойига қўйди.

— Кимга қўнғироқ қилдинг? — сўради нотаниш киши.

— Давлат котиби вазифасини бажарувчи мистер Симпсонга.

— Президентга қўнғироқ қил, — деди ҳабаш буйруқ оҳангида.

— Мумкин эмас, — деди соқчи, — ҳаққим йўқ. Мен фақат давлат котибига қўнғироқ қилишим мумкин.

— Ишим муҳим, соқчи қўймади, деб қайтиб кетсам, ҳайдаласан, — деди нотаниш киши, дўқ қилишдан ўзини тийиб.

— Ички тартиб шунақа, риоя қилиш керак.

— Ма, — дея нотаниш киши қатъий равишда телефон дастасини олиб, соқчига тутқазди.

Соқчи, президент ухлаётгандир, деган умидда унга қўнғироқ қилди, бироқ биринчи жиридан кейин оқ президентнинг овози телефон дастасидан эшитилди:

— Мен.

— Қоровулхонадан гапираяпман, сэр, навбатчиман.

— Эшитаман.

— Бу ерда, сэр, бир нотаниш одам ижозатнома кўрсатапти, нима қилай, сэр?

— Ижозатнома рақами борми?

— Бор, сэр.

— Дарҳол киргизинг.

— Хўп бўлади, сэр, — деди соқчи ва телефон дастасини қўйиб, қўшни хонадан беиш мудраб ўтирган навбатчини чақирди. — Бу... жанобни президент қабулига кузатиб қўй. Президент кутмоқда.

Нотаниш “жаноб” кириб келган навбатчига қарамади ҳам, у ғолибона жилмайиб, ижозатномани олиш учун соқчи томон қўлини чўзди. Соқчи, узр сўрагандек жилмайиб, ижозатномани нотанишнинг кафтига қўйди ва гангиб турган навбатчи томон қаради.

— Юринг, — дея навбатчи ташқарига чиқди, нотаниш “жаноб” унга эргашди.

Навбатчи, “кутинг”, дея нотанишни қабулхонада қолдириб, ўзи президент эшигини тақиллатди ва овоз эшитгач, ичкарида ғойиб бўлди.

— Олиб келдим... — деди навбатчи, нотаниш “жаноб”ни қандай ном билан аташни билмай. — Қабулхонада.

Хабарни эшитгач, Жосайя дарҳол ўрнидан туриб, эшик томон назар ташлади. Навбатчининг назарида президент ҳаяжонга тушган эди, аммо охириги пайтда бунақанги ташрифлар тез-тез рўй бериб турар, шунинг учун навбатчи президентнинг ҳаяжонига эътибор бермади, аксинча, нотанишнинг жулдир кўринишини бу ерда номуносиб кўриб, деди:

— Кўриниши шубҳали.

— Хавотир бўлманг, — деди президент, — айтинг, кирсин.

— Аммо-лекин...

— Вақтний олманг, — деди президент ижирганиб, — чақиринг.

— Хўп бўлади, сэр, — дея навбатчи иккала пошнасини бир-бирга урди ва дарҳол хонадан чиқиб кетди.

— Соқчилар ҳаммага шубҳа билан қарайди, — деди нотаниш одам хонага киргач, президент билан қўллашиб кўришар экан.

— Уларнинг иши шунақа, — деди Жосайя ва жойига ўтириб: — Хўш? — деди. — Менга нима ишингиз бор?

— Ахборот, — деди нотаниш одам атайлаб ўз сўзига урғу бериб. — Бир йиғилиш ҳақида.

— Қанақа йиғилиш ҳақида?

— Фитна. Суиқасд. Франклин Фриуэйс иккита шериги билан давлатни тўнгармоқчи.

— Ўтиринг. Очмисиз, бирон нарса ейсизми?

— Агар мумкин бўлса, пича ичардим, — деди нотаниш.

Жосайя гаплашув тугмасини босиб:

— Марҳамат, ром, қаҳфа, сандвич келтиринг, — деди ва бармоғини тугмадан олди, алоқа узилди.

Жосайя нотаниш одамга разм солди, у ўзини алланечук сезди.

— Менга ҳозир айган нарсаларингиз оқибатини тушунасизми?

- Албатта, сэр.
  - Агар хабарингиз асоссиз чиқса, бошингизга қанақа маломатлар тушиши мумкинлигини фараз қиласизми?
  - Ҳаммаси рост.
  - Сизга бу гапни айтган одам адашган бўлса-чи?
  - Хато йўқ, аминман.
  - Майли. Улар ким? Айта оласизми?
  - Иккитаси Фриуэйс қўл остида ишлайди: хотини ва укаси. Яна битта аёл, у нефть ва кемалар хўжайни уйида хизмат қилади. Оқтан мулкдор, уни танийсиз.
  - Балмер Чайт?
  - Ҳа, ўша. Яна битта одам — у “Империял”нинг юқори қаватидаги хоналарга хизмат кўрсатадиган официантлар бошлиғи. Сиз уни ҳам яхши танийсиз: партияга берилган одам. Мен у билан алоқадаман.
  - Йиғилишда давлат тўнтарилиши ҳақида қабул қилинган чора юзасидан айни сиз айтган шахслар хабар беришган, шундайми?
  - Йўқ. Йиғилиш-мажлислар кўп бўлган. Учрашувлар асосан уч шахсдан иборат бўлади. Учрашувлар ўша бадавлат нефтчи, Фриуэйс уйи, ҳамда “Империял”нинг юқори қаватида ўтади. Кейин ҳар бири катта йиғилишларга бориб, керакли топшириқларни беришади, улар гапни кейингиларига оширишади. Шунақа.
  - “Империял”дагилар нима ҳақда гаплашишган?
  - Қурол ҳақида, милтиқ, портловчи нарсалар. Хотинимни қулоғига чалингани шу. Балмер уйида хизмат қиладиган аёлнинг айтишича, у ердаги ертўлада қуроллар жойлашган қутилар бормиш.
  - Суиқасдга ўхшайди, — деди президент ўйга толиб.
  - Бунга шубҳа бўлиши мумкин, — дея гапида давом этди нотаниш “жаноб”. — Эртага, савдо делегациясига бериладиган зиёфатдан кейин яна йиғилиш мўлжалланган. — Нотаниш президентнинг жимиб қолганини шубҳага йўйиб, деди: — Гумон қилманг, сэр. Биз бир неча агентлар хабарини таққослаб бир карорга келамиз, ҳар бирининг гапига дарров ишонавермаймиз. Фитначилар аввалги тузумни тиклашмоқчи, бу йўлда улар борини аяшмайди. Бизга ўхшаганлар ўз ватанида яна мазлум бўлиб қолаверади.
  - Ҳужжатингизни яна бир кўрай-чи, — дея Жосайя қўлини чўзди ва нотаниш “жаноб”нинг ижозатномасини кўриб чиқиб, рақамини ёзиб олди, кейин ўрнидан туриб: — Раҳмат, — деди, — сиз юртингиз учун катта хизмат кўрсатаёпсиз. Энди кимга мурожаат қилишни биласиз, айтинг, менинг номимдан, хизмат ҳақини беришади, қанчалигини айтганман.
  - Қанча? — ҳадиксираб сўради нотаниш.
  - Элликта, — деди Жосайя ва хайрлашиш учун қўл чўзди.
  - Раҳмат, миннатдорман, — деди нотаниш “жаноб” президент қўлини сиқиб.
- Жосайя нотаниш “жаноб”ни кузатиш учун ички алоқа орқали соқчини чақирди ва эшик томон йўл кўрсатди. Нотаниш чиқиб кетгач, Жосайя кабинет охиридаги ҳеч ким кирмайдиган хона эшигини ўз калити билан очиб кирди. Хонада тунги чироқ ўрнатилган стол, кресло ва учта пўлат шкафдан бўлак ҳеч нарса бўлмади, ҳатто деразаси ҳам йўқ эди. Жосайя эшикни ичидан қулфлаб, чироқни ёқди ва пўлат шкафларнинг бирини рақам териб очди, зич тахланган папкалар орасидан керагини ажратиб олди — бу ҳозиргина хайрлашиб кетган нотаниш “жаноб” ҳақида тўпланган маълумотлардан иборат шахсий папка бўлиб, Жосайя тик турган ҳолда папкадаги ҳужжатларни қирқ дақиқа мобайнида ўқиб чиққач, папкани ўрнига жойлади ва пўлат шкафни беркитди. Жосайя бир неча дақиқа ўйлаб турди-да, чироқни ўчириб, кабинетига чиқиб, ҳеч қаерда қайд қилинмаган махсус телефон дастасини олди ва овоз эшитилишини кута бошлади. Бу хавфсизлик бўлимининг бошлиғи Жо бўлиб, Жосайя президентликка тайин бўлишининг ўчинчи куниёқ уни шу амалга ўтказган эди. Президент барча масъул лавозимларга шахсан ўз ихтиёри билан тайин қилиш ҳуқуқини вазирлар маҳкамасида эълон қилган бўлиб, Давлат назорат қўмитаси бундай тадбирларга аралашмас, аралашшига ҳаққи ҳам йўқ эди. Вазирлар маҳкамаси полиция, хавфсизлик бўлими ва армия кадрларидан бўлак масалаларга аралашини мумкин бўлса-да, кўп ҳолларда

президент тавсиясидан нарига ўтмас, маҳкама ходимлари раҳбарнинг феълидан ҳайқишар, амалларидан ажраб қолишдан қўрқишар эди.

— Жо? — деди Жосайя, махсус телефонда таниш товушни эшитиб. — Жосайя гапираяпти. Муҳим иш бор, тез етиб кел. Ҳа, фавқулодда ҳодиса, деса бўлади. Қисқаси, ишончли одамларингни шайла — босамиз. — Жосайя гапини тугаллаб, бош-қа телефон дастагини олди: коммутатордан дарҳол жавоб эшитилди. — Мистер Симпсон ҳозир қаерда, биласизми?

— Мистер Симпсон ҳозир концертда, — деди телефондаги овоз. — Ҳар эҳтимолдан телефон номерини қолдирган, сэр.

— Қўнғироқ қилиб чақиринг, — деди Жосайя қатъий оҳангда. — Мистер Симпсон менга керак. Ҳозир.

— Ҳўп бўлади, сэр.

Коммутаторда ўтирган навбатчи машҳур хитой пианиночиси Майкл Чин Бетховен асарларидан бераётган яккахон концерти ўтаётган Миллий театр маъмуриятига телефон қоқди.

Жуда ҳам катта маблағ эвазига қурилган концерт залининг президент ложасида дипломатик амалдор ва уларнинг хотинлари қаторида Эндрю Симпсон оролда энг гўзал малика номига сазовор бўлган ёш соҳибжамол қиз билан ёнма-ён ўтирар, бу қоратан сарвқомат қиз ҳуснда эмас, балки ақл-фаросатда ҳам нодир эди. Исми Мона бўлиб, Олий суд раиси Дутлас Райтнинг қизи бўлгани учунми, Симпсоннинг бу алоҳида эътиборига президент ҳомийларча қарар, ҳатто тез-тез учрашиб туришларини рағбатлантирар эди. “Биз аёлларимиз дилида миллий ғурурни тиклашимиз, биз эркаклар ўз қоратан Венераларимиз билан ифтихор қилишимизни ҳаммага таъкидлашимиз керак” деган эди президент маърузаларининг бирида. Бироқ Мона Райт, Симпсоннинг фикрича, бундай ташвиқотга мутлақо муҳтож эмас, агар мамлакатда оқсуяк — элитар синф шаклланган бўлса, Райтлар оиласи, шубҳасиз, сараси эди.

Театр маъмуриятининг одами ложага кириб, Симпсоннинг қулоғига нимадир шипшиди.

— Мени телефонга чақирешаяпти, — деди Симпсон, қўлини қизнинг билагига қўйиб. — Агар саройга кетишга тўғри келса, менинг номимдан узр сўра, меҳмонлар эътиборсиз қолишмасин.

Мона табассум аралаш розилик билдириб, йигитнинг қўлини сиқди. Симпсон сездирмасликка уриниб, ложадан чиқди.

Нотаниш “жаноб” ташрифидан икки кун ўтгач, Фриуэйс қамоққа олинди. Ўша тонгда Жо раҳбарлиги остида ўтказилган рейдда яна саккиз шахс бешта хорижий ва учта маҳалий сармоядорлар — зарарсизлантирилди. Олдинги президентнинг энг яқин одами, унинг ҳам бу мамлакатда, ҳам хорижда мутлоқ вакили бўлиб ҳисобланган Фриуэйснинг қамоққа олиниши ҳаммани ҳайратга солди. Айниқса кўчаларда қуролли аскарлар тўла машиналар изғиб юриши вазиятнинг кескинлашганидан дарак бера бошлади.

Соат ўн бирда саройдан тайёрланган радио хабарида ижтимоий таъминот ва ёшлар масалалари вазири Ричард Янг қамоққа олингани, давлат тўнтарилиши фитнасида унинг ҳам иштироки борлиги далиллар асосида маълум бўлгани, тонги тинтув пайтида иккита Америка фуқароси ҳам ҳибсга олинганлиги айтилди. Кундуз соат иккида Америка ваколатхонаси ходими саройга кириб, элчи йўлланган норозилик нотасини ўз қўли билан топширди ва бир соат қабулхонада кутгач, Симпсондан расмий жавоб олди. Жавобда “мамлакатда истиқомат қилувчи ҳар бир шахс, ерликми ёки ажнабийми, давлат қонунига риоя қилишлари зарур, акс ҳолда қонун илова қилган тарзда баробар жазо қўлланади, бу қоида истисносиз бажарилиши шарт”, дейилган бўлиб, ходим бу расмий ҳужжат билан Америка ваколатхонасига дарҳол қайтди. Элчи ҳужжат матни билан танишиб чиққач, шу заҳотиёқ махсус телефон орқали саройга қўнғироқ қилди. Бундай пайтларда телефон дастасини одат бўйича шахсан президент олиши керак.

— Жаноби олийлари...

— Элчи жаноблари! Эшитаман.

— Мен, жаноби олийлари, бизнинг нотамиз ва сизнинг жавобингиз хусусида...

— Эшитаман, элчи жаноблари...

— Аминманки, сэр, мен ҳамон аминманки, бу масала юзасидан биз сиз жаноблари билан беvosита учрашган пайтимизда муҳокама қилиш имконига эга бўламиз. Маълумки, бундай масалаларни бости-бости қилиш усули кўп. Марҳум президент билан ...

— Биламан, элчи жаноблари, — деди Жосайя яна элчининг сўзини бўлиб. — Энди қонун устуворлигини таъмин қилишимиз керак.

— Шундай-ку, сэр, бироқ...

— Марҳум президент қонунни хоҳлаган томонига бурар эди, мен бундай қилмайман ва қилишни истамайман ҳам. Сиз бунга рози бўлишингизга тўғри келади. Ахир сизнинг мамлакатингиз айна шу эътиқодни бутун дунё бўйлаб ташвиқот қилади, шундай эмасми?

— Шу масалаларни юзма-юз муҳокама қилсак, нима дейсиз, сэр? Мен учун ўн минут вақтингизни ажрата оласизми?

— Элчи жаноблари, бу масалалар менинг ихтиёримда эмас...

— Сиёсий баҳслар ҳам керак-да, сэр. Ахир сизнинг мамлакатингиз муҳтож бўлган кезларида, Америка, қўшни мамлакат сифатида ёрдам қўлини чўзган, ҳеч нарса аямаган, сизлар билан сулҳ тузиб, маълум даражада мустақиллигингизни муҳофаза қилган. Сизнинг жавоб мактубингизда бу ҳақда ҳам айтилган гаплар бор. Ишонаман, жаноб олийлари, иккала мамлакат орасида ўрнатилган мустаҳкам дўстлик аъналарини бу қадар осонликча узишга юрагингиз бетламаса керак, деб ўйлайман...

— Элчи жаноблари, ўтган ҳафтани эсланг: бизнинг икки ватандошимиз сизнинг мамлакатингиз қонунларини бузганликлари учун узоқ муддатга қамоқ жазосини ўтай бошладилар ва бу ҳукмни адолатсиз дейишга ҳеч кимнинг тили бормайди. Биз бу масала юзасидан ҳатто норозилик нотасини давлат департаментига йўллаганимиз йўқ, ҳамда мустаҳкам дўстлик аъналарига путур етади, деб пўписа ҳам қилганимиз йўқ.

— Бизнинг нотада пўписа қилиш нияти йўқ эди, сэр.

— Мазмундан тушунса бўлади, сэр.

— Бизда қамоққа олинган фуқароларингизга келсак, сэр...

— Назаримда, ваколатхонангиз расмий тарзда хавфсизлик бўлимига мурожат қилганлари маъқул: бунақанги ишлар билан улар шуғулланишади. Омон бўлинг, сэр.

— Жаноби олийлари...

Телефонда алоқа узилди. Элчи, шалоқ сўз билан сўкиниб, телефон дастасини зарб билан жойига қўйди.

Американинг иккита фуқароси ҳибсга олинганлиги ҳақидаги хабар Вашингтонга етиб борганида аввалига тушунмовчиликка йўйилган воқеа бир зумда сиёсий тус ола кетди, газеталарнинг биринчи саҳифаларидан ўрин эгаллади. Орол сафаридан қайтган аллақайси сенатор телевиденида сўзга чиқиб, ҳибсга олинган иккита америка фуқароси қонунга хилоф равишда қамоққа олиниши давлат идорасига коммунистлар келиши натижасида рўй берди, Америка кўрсатган моддий ёрдам уларга қўл келди, демак, у ерда давлат тўнтарилиши бўлишига Америка айбдор, деди ва бу билан чекланмай, сенатор Америка президентини давлатга хиёнат қилишда айблаб, уни президентлик лавозимидан четлатишни талаб қилди.

Эрталабки келишувга кўра, президент Жосайя соат ўн учда “Орол садоси” газетасининг бош муҳаррири Макс Жонсонни, унинг илтимосига биноан, қабул қилиши керак эди, Жосайя соатига қараб олиб, яна икки дақиқа муддат борлиги учун чала ишларини тугатиб қўйиш мақсадида матни қизил қалам билан чизилган қоғозни қўлига олди ва кўзини қоғоздан узмай ички алоқа бўйича деди:

— “Орол садоси” бош муҳаррири келса, мен қабул қилишга тайёрман. — Жосайя алоқа тугмасидан бармоғини олди. Роппа-роса соат ўн учда кўнғироқ бўлди.

— Марҳамат, кирсин. — Эрталаб газета ходими интервью олиш учун келганида Жосайя вақти зиклиги туфайли уни қабул қила олмаган эди, шунинг учун бўлса керак, Макс Жонсон келгач, Жосайя у билан такаллуф доирасида суҳбат ўтка-



зишга қарор қилди: — Сизнинг ташрифингиз эрталаб ходимингизга интервью бера олмаганим билан боғлиқ бўлса керак, деб ўйлайман. Рад жавобим иззат-нафсингизга тегдими?

— Бу сизнинг ҳаққингиз, жаноб президент. Менинг норозилигим, тўғрироғи, эътирозим шундан иборатки, сиз ва сизнинг маҳкаманингиз ходимлари шу можарони бизнинг газетга нисбатан кўрсатилган ҳурматсизлик намунаси, деб баҳо бермоқчи бўладилар.

— Буни сиз жиноят деб англагансиз, — деди Жосайя ижирганиб. — Шунинг учун сиз менга танбеҳ бериш учун бу ерга келгансиз?

— Йўқ, сэр. Менимча, биз бир-биримизни тушунамиз. Газетамиз қанақа эканини сиз биласиз, биз ҳам сиз ва сизнинг маслақдошларингиз кимдан иборатлигини биламиз.

— “Биз” деганда кимларни назарда тутасиз, сэр?

— Сэр, сиз мамлакатни бошқарасиз, мен — газетани. Мен тушунмовчилик натижасида орамизга низо тушишини истамайман. Сизни бу мансабга халқ танлаган, шундай экан, биз сизга қарши туришимиз ақлдан эмас. Биз, яъни газета, сайловчилар овози билан боғлиқ эмасмиз, қайси восита билан хабар олмайдик — бу бизнинг ишимиз.

— Демак, сиз, яъни газета, ҳеч қандай кўрсатмалар олишни истамайсиз? Ҳатто кўрсатма халқ танлаган шахсдан тушган бўлса ҳам? Шундайми?

— Имкон ижозат берган даражада биз ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

— Имкон ижозат берган даражада, аммо кўрсатма эмас, шундайми, мистер Жонсон?

— Мамлакат раҳбари сифатида сиз, жаноби президент, жамият олдида катта масъулиятга эгасиз. Газета ҳам жамият олдида ўзига хос масъулиятга эга. Агар бу масъулиятни кимнингдир хоҳишидан келиб чиқиб амалга оширса, газета ўз вазифасига хилоф равишда тадбир қўллаётган бўлади, жамият ишончини оқлай олмайди.

Жосайя ўрнидан кескин турди, Макс Жонсон президентнинг бу ҳаракатини ҳамла, деб фарз қилиб, орқасига тисарилди.

— Вазифам шунақаки, доим ўтириб ишлашга тўғри келади, — деди Жосайя хижолатланиб, — айна шу пайтда бир оз боғ айланиш одатини чиқарганман, агар қарши бўлмасангиз, қолган гапни юриб давом эттирамиз.

Улар сарой биносидан чиқётган чоғида рўпарадан хавфсизлик бўлимининг зобити пайдо бўлди, бироқ Жосайя, имо билан қайтариб юборди. Бир оз юргач, Жосайя орқасига тикилиб, данғиллама бинонинг бурчидаги дераза ортида автомат билан қотиб турган соқчи шарпасини кўрди.

— Кузатувчи соқчилар, — деди у Жонсонга, негадир ўнғайсизланиб. — Пастқам жойларда ҳам бор, учиб ўтган қушларни ҳам кузатишади. Агар сиз қора танли ва одми кийинган бўлганингизда, саройга киришдан аввал сизни ҳам тинтишарди. Аммо улар сизни танишади, шунинг учун чўнтагингиз дўмпайишига ҳам эътибор беришмаган. Аслида эса сизга ўхшаган одамлардан чўчиш керак.

Жонсон президентнинг қалтис гапига жавоб бермади.

— Ҳозир мен айтмоқчи бўлган мулоҳазанинг бевосита сизга алоқаси йўқ, тушунарсиз, деган умиддаман. Боя жамият олдидаги масъулият ҳақида гапирдингиз. Мавқеимиз турли бўлишига қарамай, шу масъулият иккаламизга тенг мажбурият юклайди. Фикрингизни тўғри ифода қилдимми?

— Мен бир оз бошқача айтган бўлардим.

— Демак, боя кабинетда ўтирганимизда уқтирмоқчи бўлган нарсаларингиз бошқа эди-да?

— Мен иккаламизга юкланган масъулият тенг ёки ўхшаш демоқчи эмасдим.

— Мен, мистер Жонсон, сизнинг тилингиздан ушламоқчи эмасман.

Чалғитмоқчи, илмоқ ташламоқчи, деб ўйлади Макс Жонсон. Аввалига Жонсон президентнинг ижирганишида аллақандай ғашлик, ҳатто унинг тавсиясини писанд қилмай, долзарб туйилган мақолалар ёзишдан четлангани учун ўч оляпти деб гумон қилди, бироқ ҳозир эса президентнинг мулоҳазаларида у қадар қабиҳлик йўқлигига иқрор бўла бошлади.

— Сиз, — деди Жосайя гапни давом эттириб, — ўз мавқеингизни, тўғрироғи, эътиқодингизни ҳамма нарсдан баланд қўясиз. Мен бу эзгуликни ўзимга раво кўра олмайман. Менинг қаршимда сиз англаган озодлик девори турибди, токи миллий гурурни ўрнатмагунимизча, бу деворни қулатиш на менинг, на менга ўхшаганларнинг қўлидан келади. Сизга ўхшаган шахс бўлиш учун биз матонат билан шаклланишимиз керак, бу нарса рўй бермас экан, оқлар ва қоралар орасидаги муносабатларга қанақа тус бермайлик, сохта ва қалбаки бўлиб қолаверади.

Пастдаги шабада улар дўнгликка кўтарилишганда, шамолга айланди. Жосайя тўхтади.

— Демак, агар мен сизни тўғри тушунган бўлсам, сэр, оқ бўлиб туғилишга маҳкум ҳар бир одамнинг ният ва ақидалари пок бўлиши мумкин, деган эҳтимолдан воз кечиш керак, шундайми?

— Асабийлашасиз, мистер Жонсон, — деди Жосайя сиполик билан. — Аммо газаб ҳам ҳақиқатни қўпол равишда бузиш учун асос бўла олмайди.

— Фақат жаноб Жосайя учун эмас, — деди Жонсон дағал оҳангда.

Жосайя, нафрати қўзғаб, таққа тўхтади.

— Мен — президентман! — деди Жосайя қаҳр билан. — Президентни ҳақорат қилиш бутун мамлакатни, бутун миллатни ҳақорат қилиш билан баробар!

Макс Жонсон гўлдираб:

— Кечирим сўрайман, сэр, мен... — деди.

— Сиз ўз мамлакатингиз қиролига, бош вазирига шу тарзда муомала қила олармидингиз?!

— Ўтинаман, сэр, кечиринг, мен шунчаки норасмий суҳбат деб ўйлапман...

Жосайянинг нафрати бир зумда ўчди.

— Сиз мамлакатнинг президенти билан норасмий суҳбат ўтказишингиз мумкин эмас, фарқимиз катта. Мен сизга ўхшаб оддий фуқаро каби норасмий тарзда шаҳар кўчаларида санғиб юра олмайман. Сиз буни яхши биласиз, аммо сиз бизнинг давлат тузумимизни назар-писанд қилмайсиз, такаббурлик ҳам шундан келиб чиқади. Сиз ич-ичингиздан биласизки, ота-боболарингиз бу юртда ҳамиша хўжайин ва зодагон бўлиб келган, шунинг учун бизга бўлган муносабатингизда ҳеч қандай камтарлик, бизнинг давлат тузилиши таркибига, ҳукумат сиймоларига оддий ҳурмат йўқ. Шунинг учун биз идорани ўз қўлимизга олишга ва бизни одам ўрнида кўришни даъват қилишга мажбурмиз.

— Ҳурмат қилиш ва хушомадгўйлик битта нарса эмас, сэр.

— Сизнинг бобокалонларингиз худди шуни, яъни хушомадгўйликни тарғиб қилишган, бизни икки букилишга мажбурлашган. Шунинг акси бўлмагунча, оқлар ҳам унча-мунча эгилганини кўрмагунча халқ ҳақиқий озодлик келганига ишонмайди. Нақадар жирканч ақида, шундай эмасми? Кўнглингиз поклигига шубҳа қилганимда ҳозир мен сиз билан баҳс қилиб юрмасдим. Ҳ унақа ақида тўғри одамда нафрат уйғотиши табиий, аммо ҳозирги вазият шунақа. Ва энг муҳими — ирқий ногиронликни, тили қисқикликни барҳам қилмагунимизча, қоратанлиларни ҳам оқлар билан тенг қилолмасак, кези келганда, улардан ҳам афзал эканликларини халқ дилида уйғотмасак, ўз ватанида хўжайин қилиб, ҳамма эшиклар улар учун очиқ эканини уқтира олмасак, олдинга силжиш масаласи қийин кечади. Буни ўзингиз тушунасиз.

— Тушунаман, — деди Жонсон нохуш. — Бу билан демоқчи бўласизки, менинг ўрнимда қора, ёки ақалли жигарранг муҳаррир ўтиргани маъқул!

— Қора бўлгани маъқулроқ, — деди Жосайя қатъий. — Шунинг учун ҳам мен бугун сизни қабул қилишга рози бўлдим.

— Шунақа денг...

— Сэр, бу мулоҳазанинг, агар тушунган бўлсангиз, шахсан сизга алоқаси йўқ.

— Жуда ғалати. Сиз, жаноб президент, ўз мавқеингиз билан ҳар қандай эътирозни инкор қиласиз, одамга ўз умрини бағишлаган машғулотидан воз кечишини очикдан-очик айтасиз-да, айни пайтда, бу мулоҳазанинг унга алоқаси йўқ, дейсиз. Бундай вазиятда нима қилишим керак? Оёғингизга йиқилишим, ватанпарварлигингизга ҳамду санолар ўқишим керакми? Наҳот сиз мен ҳақимда шу қадар тубан фикрда бўлсангиз?!

— Йўқ, — деди президент. — Сиз билан учрашишга рози бўлишим билан сизни

инонтиришга куч етармикан, келтирган далилларим салмоғи қониқарли бўлармикан, деган гумонга тушдим.

— Энди бунинг нима аҳамияти бор?

— Сизнинг гапларингизда ҳозир, худди қоратанликникидек, алам сезилапти. Ҳа, бунинг аҳамияти бор, чунки мен сизни ҳурмат қиламан, шунинг учун ҳам сизга айтиб ўтишга мажбур бўлган нарсаларимни ошкор қилиш мен учун оғир.

— Ўкинмай айтаверинг, — деди Макс Жонсон президентга тик қараб. — Энг ёмони ўтди.

— Қайдам, — деди президент ўйланиб. — Агар сиз ёки бошқа бир одам биз белгилаган мақсадга саноатчилар, ажнабий инвесторлар, мулкдорлар, тижоратчилар, сизга ўхшаб сўз эркинлигини ҳамма нарсдан баланд қўядиганлар ва, ниҳоят, ўз халқимиз манфаатини чекламай — ахир улар ҳам маълум даражада жонини койитмай тайёрга айёр бўлишга, хамир қормай, нон бурдалашга сизлар туфайли ўрганиб қолган — эришсак, жон дердик. Ҳамма бало шундаки, бунақа осон йўлни топиш мумкин эмас, чунки бунақа йўл дунёда йўқ. Қониқарли яшаш учун ўлкамизда барча омиллар мавжуд. Бироқ унга етишиш учун бор имкониятларни, кучларни йиғиш, сафарбар қилиш керак. Ўзингиз яхши биласиз, халқ жипс эмас, ҳолва дейиш билан оғиз чучимаиди, одамларнинг малакаси паст, уддасидан чиқиши мушкул. Шунинг учун уларга мен керакман.

— Мен сизга керак эмас эканман, нега шуни тўппа-тўғри айтиб қўя қолмадингиз? — жиззакилашиб деди Макс ва шартта бурилиб, орқасига кета бошлади. У шу қадар ранжиган эдики, давлат арбобига нисбатан кўрсатиладиган такаллуф доирасидан чиқаётганини ҳам ўйлаб ўтирмади; бироқ президент бу одобсизликдан хафа бўлмади, у шунча сабр билан уқтиришга уринган нарсаларни Макс тушунмаганидан оғринди.

Макс Жонсон президентга нисбатан қилган қўполлигини англаб, ўсал бўлди ва узр сўраш зарурлигини сезиб, тўхтади. Президент зўраки жилмайган ҳолда шошмай бу томонга келарди.

— Кечиринг, жаноб президент, — деди Макс Жонсон ниҳоят тили аранг калимага келиб.

Президент елка қисди: бу узр сўраш такаллуф юзасидан ижро этилган тадбир эди, холос.

— Қачон жўнайсиз? — тўсатдан сўради президент.

— Мен ҳеч қаёққа жўнамоқчи эмасман, — саросимада деди Жонсон.

— Жўнайсиз, — деди президент майин қатъийлик билан. — Сизни оролда фақат ишингиз ушлаб турган эди. Хотинингиз қабри — шунчаки илинж. Тўхтаганг. Яна бир карра ҳурматсизлик қилсангиз, кечирмайман. Сизни яхши билмаганимда одобсизлигингиз учун жавобгарликка тортган бўлардим. Майли. Муддаога ўтайлик. Биламан, ишингизни сеvasиз, бошқа бу ерда ихлосингиз йўқ ва мамлакатдан чиқиб кетишингиз шуни далиллайди. Унутманг, мен сизга ўз шартларим бўйича ишлаш таклифини қилмай, сизни аядим. Тушунсангиз — ҳай, тушунмасангиз — ундан нари.

— Энди кетсам бўладими?

— Фақат сарой биносигача биргалашиб боришга тўғри келади, — деди президент ён олгандек, тез сўзлаб. — Якка-якка борсак, қўриқчилар кўнглига гулгула тушади ва менинг ҳаётимга суиқасд уюштирилса, сиз бу ердан хўмрайиб чиқиб кетганингизни эслаб, сизни ҳам эсанкиратишади. Юринг, — дея, президент йўл бошлади. — Сиз бир кунмас-бир кун бу юртда диктатура ўрнатилгани ҳақида хотира ёзиш учун ўтирганингизда, бугунги суҳбатимиз чоғида тилга олинган энг муҳим мулоҳазаларни қайд қилиш ёдингиздан чиқмасин.

Улар сарой биноси олдида тўхташди.

— Қачон жўнайсиз?

Макс Жонсон саросимада қотиб, президент кўзларига тикилди.

— Ҳозир дилингиздан нималар ўтаётганини сезиб турибман, — деди президент, — аммо на чора, қаттиқ бўлишга мажбурман, маъзур кўрасиз.

Президент кичкина қора қўлларини узатди. Макс Жонсон, қаҳрини яширишга уриниб, президент кафтига қўлини қўйди ва бундай кезларда давлат бошлиғига кўрсатиладиган ҳурматга биноан бошини эгиб:

— Жаноб президент, — деди ва пошнасида ўгирилиб, узоқлаша кетди. Унинг илдамлиги ва пошнасининг тақиллаши дилидаги туғъндан далолат берарди.

Давлат тўнтарилишининг бош илҳомчиси Франклин Фриуэйс бўлгани учун суд ҳам ўшандан бошланадиган бўлди: энг оғир айбнома унга нисбатан қўйилиши мўлжалланган. Давлат айбловчиси ўлим жазосини талаб қилмоқчи эди. Хавфсизлик бўлимининг айтишича, иккита маҳаллий тижоратчи фитнада қатнашган шерикларини ҳам номларини айтиш ва суд давомида уларга қарши гувоҳлик беришга тайёрликларини билдиришди. Демак, Фриуэйснинг айби янада ошкор бўлади, у жазодан қутула олмайди. Фриуэйс устидан суд тугаб ҳукм чиқарилгач, фитнанинг бошқа иштирокчилари иши кўрила бошлайди: ерлик қоратан ва оқ айбланувчилар, кейин — икки нафар америкалик фуқарога гал келади.

Иш куни тугаб, саройда Жосайя ва Симпсон ҳам махсус навбатчилардан бошқа ҳеч ким қолмади, деярли ҳамма хоналар чироғи ўчирилди.

— Кечқурунга қанақадир режаларинг борми? — сўради президент Эндрю Симпсондан.

— Райтлар хонадонига таклиф қилинганман, лекин агар зарурат...

— Йўқ. Бориш керак. Дарвоқе, мен тайинлаган мулоҳазаларни Олий суд раисига етказдингми?

— Суд ишига оид нимаики бўлмасин, сэр, раис жуда ўжар, — деди Симпсон, — унутиш қийин, ўз айтганидан тоймайди.

— Барибир айт, — деди президент, эътирозга ўрин қолдирмай.

— Сизнинг йўригингиз бўлак, — деди Симпсон, — оғзингиздан эшитгани маъқул.

— Мен, албатта, гаплашаман, — деди президент, — айтилган нарсалар хусусида ўйлаб чиқиш учун раиснинг бир оз фурсати бўлиши керак. Уни тайёрламаганг, суҳбатимиз кераксиз тус олиши мумкин. Малакали, айниқса, маслакли мутахассисларни авайламасак, кўпчилигидан маҳрум бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

— Майли, сэр, мен тушундим, топширигингизни бажараман, — деди Симпсон бир оз ўйлаб.

— Раҳмат, аммо раис билан гаплашиш осон бўлмайди.

— Фриуэйсга ўлим жазоси қўллаш шартми? — сўради Симпсон иккиланиб.

— Билмадим, — деди президент, негадир тўсатдан гумонга тушиб. — Суд қандай кечади, ҳаммаси шунга боғлиқ.

— Ўлим жазосини талаб қилиш адолатданмикан? Айбига мувофиқ кўринмайди.

— Улар ўзида мужассам қилган қабиҳлик жуда оғир, — дея президент Симпсон олдида тўхтади. — Мен қора мамлакатнинг қора президенти қулдорликни тиштирноғи билан сақлаб қолган одамларнинг ҳозирги авлодига мурувват кўрсатиб, ҳаётини муҳофаза қилишга уринсам, бу ҳам галати талқин қилинади. — Жосайя кичкина жигарранг кафтини бўйи баланд Симпсоннинг елкасига қўйди. — Энди, ишон, мен қонхўр эмасман, аммо шунақа нарсалар борки, уларни ҳал қилишда тишни тишга қўйишга тўғри келади.

— Тушунаман, — деди Симпсон, президентнинг мураккаб бурчини ҳис қилиб.

— Зиммаמידа зил бўлиб турган муаммоларни ҳал қилишнинг енгил усули йўқ. Стэнхонни истеъфога чиқариш, Макс Жонсонни оролдан жўнатиш, Фриуэйсни қамоққа олиб, судга бериш, тadbиркорларни ҳайдаш мен учун азобли кечди. Нима учун мен бунақа чора қўллайман, сен яхши биласан. Эски президент партиyasi таркибида қолатуриб, махфий оппозиция уюштирганимизда қаторимизда ўзинг бўлгансан. Биз ўшанда ҳам йўлимиз машаққатли бўлишини эътироф қилардик. Мана ҳозир ўша машаққатли йўлнинг бошида турибмиз. Шундай дақиқаларда айниқса мен учун бу йўл нақадар азобли бўлганини унутма.

Жосайя бурилиб эшик томон юрди. Шу топда баланд бўй, кенг елка Симпсонга шу пайтгача инграмай, давлат юкини осон кўтариб келаётгандек туюлган президент нақадар кичкина, ушоқ, ожиз ва заиф кўринди. Баъзан бу ҳам бизга ўхшаган одамлигини унутамиз, у ҳам бизга ўхшаб, изтироб чекиши, тушкунлик ва гусса уқубатларида тўлғаниши мумкин-ку, ўйлади Симпсон.

Жосайя эшик олдида тўхтаб, орқасига қаради.

Симпсон самимий жилмайди.

— Кеч қолма, Энди, — деди президент ва девордаги соатга ишора қилди.

Улар — қоратан йигит ва қора маъбудага ўхшаш гўзал қиз — қумда яланғоч ётишар, сал нарида ҳорғин тўлқин қирғоққа урилар, ҳаммаёқ ой нурида ялтирар эди.

Содир бўлган нарса шу қадар ақл бовар қилмайдиган ҳодиса эдики, йигит кирахликдан фориг бўлишга уринар, аммо иродаси етмас эди. Денгизнинг бу қумлик соҳилида улар бир неча марта бирга бўлишган, бироқ муносабат бундай тус олмаган, бунақа тус олишини йигит хаёлига ҳам келтирмаган, мана энди оқибат бунақа. Балки Эндрю сал ўзини тутиши, шошмаслиги, андишага бориши керакмиди? Ахир Мона ҳали ифбатли экан! Лекин қиз йигитни, оғриқ сезса ҳам биринчи марта гўдагига кўкрагини бераётган онадек, меҳр ва эҳтирос билан қабул қилди, ҳаётидаги бу биринчи ҳодисани қиз осойишта кечирди, фақат, негадир, йигит кирахликдан ортиқ саросимага тушди: ҳайрат ва завқ, айб ва тантанага ўхшаш бирибирига зид туйғулар йигитнинг дилида тугён урарди. Ҳақиқатда шунақа эканлигига ишониниш яна қийинлиги шунда эдики, қиз шунча айшу ишрат, базму ҳангомаларга доим қатнашиб, номусини сақлаб қола билибди...

— Товба! — деди Эндрю ниҳоят тилга кириб. — Мени афу эт. Билмапман.

— Нимани?

— Номусинг ўзингдалигини.

— Билсанг, бирон нарса ўзгарармиди?

— Аввал уйланган бўлардим.

— Биз севамиз-ку бир-биримизни.

— Тўғри, аммо... айтишинг керак эди.

— Мен, азизим, номусимни сен учун сақлаб қолганим йўқ. Шунчаки бировга таслим бўлиш кайфияти кўнглимга келмаган эди, мана бугун келди.

Эндрю Симпсон тирсагига суяниб, қизнинг кўзларига тикилди.

— Демак, бугун менга бахт кулиб боққан экан-да? Демак, менинг ўрнимда бошқа бир одам ҳам бўлиши мумкин экан-да?

— Йўқ, азизим, сенинг ўрнингда ҳеч ким бўлиши мумкин эмас эди.

— Севаман, мен сени севаман, Мона, — деди Эндрю туйғудан энтикиб. — Менга тегасанми?

— Албатта, агар дадамдан ижозат сўрасангиз, сэр.

— Кулма. Айт, розимисан? — деди Эндрю, Мона жавоб ўрнига унинг лабидан ўпди. — Сен гўзал ва бойсан. Сенинг муҳаббатинг ҳеч кимникига ўхшаймайди.

— Сен кўпларни синаганмисан?

— Унча кўп эмас. Розимисан?

— Азизим Энди, агар бугунги воқеа учун уйланиш шарт, деб мажбурият сезсанг, турмушимиз омонат бўлади. Оилавий ҳаёт денгиз соҳили, илиқ қум, ой нуридангина иборат эмас.

— Яна нима дей? Севишим ҳақида онт ичайми, Инжил билан қасамёд қилайми ёки гувоҳнома ёзиб берайми?

— Мана, Энди, тажанг бўляпсан. Ниҳоят бу — ҳуқуқий масъулият, шартнома. Мен сенга бир нарсани уқтира олмаяпман: кейинчалик уддасидан чиқа олишга кўзинг етмаса, хом ваъдалар беришдан ўзингни тут, номусимни сенга инонганимни мен ҳеч қачон таъна қилмайман, у севгининг жинсий тожи холос, агар бир кунмас-бир кун пушаймон бўлаётганингни сезсам — чидай олмайман, дилим тилка-пора бўлади, ҳаётнинг маъноси қолмайди. — Мона жимиб қолди. — Менимча, турмуш қуришга сен ҳали пишиб егилмагансан, ҳозирча сен эҳтиросдан бошқа ҳеч нарсани ҳис қилмаяпсан.

— Ҳозирча, — деди Эндрю.

— Ҳа, ҳозирча.

— Етилганимни нима белгилайди?

— Ўзим сезаман, — дея, Мона Эндрюнинг юзи устида бошини эгди, унинг кўзлари милтирар эди. — Севаман сени. Жуда, жуда севаман!

Мона ўрнидан туриб, катта сочиққа ўранди ва илиқ қумни босиб, нарида шарпа бўлиб турган коттеж томон кета бошлади.

Эндрю Симпсон бир оздан кейин борганида, Мона душдан чиқиб коттеж даҳлизида соч тараб ўтирар эди, Эндрю ҳам душхонага кириб кетди. Кейин иккита қадаҳда коктейл тайёрлаб, Монанинг ёнига чиқди.

Мона аллақандай куйни хиргойи қилиб ўтирар, унинг бутун қиёфасидан мамнунлик кўринар эдики, бу осудалик Эндрю дилига ором бағишлади, у қадаҳнинг бирини қизга тутди.

— Мен бу тунни ҳамма тафсилоти билан хотирамда сақлаб, — деди Мона пишқираётган денгиз томон тикилиб, — қизим катта бўлганида, оқизмай-томизмай гапириб бермоқчиман.

— Нималарни, масалан?

— Ўзинг биласан — нималарни.

— Бугун оқшомда мен сенинг даданг билан баъзи масалалар бўйича гаплашиб олишим керак эди, — деди Эндрю анча сукутдан сўнг.

— Нималар тўғрисида?

— Бўладиган суднинг бориши тўғрисида.

— Охирги пайтда одат тусига кираётган ҳибс, қамоққа олишлар дадамни хавотирга соляпти. Гапларинг уни баттар гаш қилмасмикин?

— Аслида бу — президентнинг мулоҳазалари.

Мона бўлак савол бермади. У муҳим давлат аҳамиятига молик хабарлар билан оила бошлиғи муҳокамасига етказиладиган ва оила бошлиғи одамларнинг ҳаёт-мамоти билан боғлиқ масъул масалага муносабатини ифода қиладиган хонадонда яшаган, индамаслиги ҳам шундан.

Мона билан Эндрю коктейлни охиригача ичиб, коттежни қулфладилар, қиз калитни қоровулхона эшиги олдига суқиб, Эндрю ўтирган машинага яқинлашди.

Йўл бўм-бўш, ҳамма ёқ ой нурига чўмган, тун осуда эди.

Олий суд раиси Жастис Райтнинг юзи, кўзи, бурни, қулоғи, оғзи майда бўлгани учун ушоқ жуссаси катта кўринар, ҳамиша покиза ва озода кийиниши тартибга мойиллигидан дарак берар, кўмирдек қора юзининг тагида, рақибларига жуда таниш куч ва қайсарлик ётарди. Райт олтмишга кирган бўлса-да, эти силлиқ, оқарган жингалак сочи жуёқ ва таралган эди.

Мона эшикни очиб уйига кирганида, Райт қизининг ёнида яна кимдир борлигини пайқади. Мона деворлари китоб жавонлари билан зич катта хонадан ўтиб, отасига энгашди ва унинг юзидан ўпди. Райт бошини орқага эгиб, қизининг юзига тикилди ва аллақандай ўзгариш рўй берганини пайқади.

— Денгизга бориб чўмилдик, — деди Мона савол назари билан қараётган отасига. — Сув илиқ, сутдай.

Райт Эндрюга қараб табассум қилди.

— Ҳа, сув илиқ, — деди Эндрю ўзини ўнғайсиз сезиб. — Мен Монага уйланиш ниятимни изҳор қилдим.

— Шунақами? — деди Райт ўзининг жуссасига номуносиб йўғон овозда ва бир қизига, бир Эндрюга қараб олди. Ёшларга қирғоқда бўлган ҳодисадан бу одам огоҳдек туюлди, улар ўзини негадир мулзам сезишди.

— Дада, биз никоҳдан ўтмоқчимиз, — деди ниҳоят Мона. — Аммо ҳозирча буни сир сақлаш керак.

— Нима учун?

— Эндрю обдан ўйлаб бир қарорга келиши керак.

— Мен ўйлаб бўлдим, — деди Эндрю шошилиб. — Қарорим қатъий.

— Бу воқеани нишонлаш лозим, — дея Райт қизининг иягини чимдиб қўйди ва Эндрюга қараб кўзини қисди.

Райт сервантдаги коньякдан олиб, учта қадаҳга қўйди, иккитасини ёшларга тутди.

— Бу хабарни онангга айтарсан, дейман?

— Албатта, — деди Мона сўзига урғу бермай. — Дада, Эндрюнинг сенда маслаҳатли гапи бор экан, мен сизларни ҳоли қолдираман, майлими?

Мона хонадан чиқиб кетгач, Симпсон президент топшириғини олий суд раиси Райтга батафсил баён қилди.

Райт узоқ ўйлаб, деди:

— Назаримда, президент ҳаддан зиёд ўзига ишонади...

— Сэр, президент бирор мулоҳазани айтишдан аввал масаланинг ҳар томони-ни ўйлаб чиқади. — Ўйлаб чиққач, ўз режалари юзасидан мени огоҳ қилиш қаро-рига келибди-да?

— Худди шундай, сэр.

— Қачон мен билан суҳбатлашмоқчи президент, айтдими сизга?

— Қанча тез бўлса, шунча яхши. Президент бу можарога мумкин қадар тез фур-сатда барҳам бермоқчи.

— Бу ҳақда сиз нима деб ўйлайсиз, яхши йигит? Эшитишимга қараганда, сиз президентнинг энг ишончли одами эмишсиз.

— Қайси маънода, сэр?

— Охирги пайтда юз бераётган воқеалар сизни хавотирга солмаяптими? Хавф-сизлик бўлими ва полиция билан машмашалар? Тап тортмай қонунни ўйинчоққа айлантириш, фақат ўз номзодини сайловга қўйгани учун Фриуэйс устидан уюш-тирилаётган фитнада суд органлари ҳам қатнашиши лозим, деб фараз қиласиз? Хилоф равишда Жосайя томонини оласиз.

— Жосайя — ўлкамиз президенти, сэр.

— Эсимга солмасангиз ҳам биламан, яхши йигит. Масала бунда эмас. Маса-ла шундаки, бўлаётган ҳодисалар сизни хавотирга солмаётир, шундайми?

— Нега хавотирга солмасин? — Симпсон ўзи эплаб олишга ҳаракат қилиб кўрди. — Албатта хавотирга солади, сэр. Очлик, қашшоқлик, бенаволик — ҳам-маси дилимни ўртади. Мустақилликка чиққанимиздан бери эллик йил ўтибди-ю, аҳолининг тўқсон фоизини ташкил қиладиган қоратан халқимиз ҳамон қашшоқ; миллий бойлигимизнинг асосий лўндаси ўн фоизни аранг ташкил қиладиган оқ тан-лилар қўлида. Айбимиз — қоратанли бўлганимизми? Сиз, хавотирланмайсан, дей-сиз.

— Бу тафовут мени ҳам ташвишга солаётгани ҳақида мен ҳам шунақа баланд-парвоз иборалар ишлатсам ишонасизми?

— Йўқ, сэр. Бу муаммо президентни ҳам азобга солмоқда, сэр. Мен бу гапни кўчада эшитганим йўқ, шу бугун мунозара қилганмиз.

— Жуда соз! Демак, бу муаммо ҳаммамизнинг ғамимиз экан. Аммо қўлламоқ-чи бўлган усули шу муаммога мувофиқми? Президент шуни эътироф қиладими?

— Сэр, бу ҳақда президентнинг ўзи сиз билан учрашганда батафсил ва мени-кидан ишонарли далиллар билан сизга баён қилади, деб ўйлайман.

— Барибир... мен сизнинг муносабатингизни билишни истардим.

— Бизнинг жамиятимиз, сэр, адолатга эмас, адолатни поймол қилиш негиз-ларига қурилган: бу усулдан азоб чекаётган ким? Асосий омма. Сиз полиция, хавфсизлик, суд тармоқлари президент истагини бажо келтиришига қарши чиқ-моқчисиз. Қачон шунақа бўлмаган? Бу тармоқлар доим бўйсиниб келган: ав-вал қулдорларга, кейин мустамлакачиларга, кейин мустақиллик даврида мам-лакатни идора қилганларга, аммо давлат идораси ҳеч қачон халқ қўлида бўлган эмас, чунки ҳокимиятни бошқарувчилар қулдорлар вориси, ўринбосар-лар сифатида мамлакат тизгинини қўлдан бермаганлар. Биз энди шунчалар жиноят қиляпмизми, агар ўша полиция, хавфсизлик ва суд тармоқларини халқ манфаати йўлига хизмат бажаришга мажбурлаётган бўлсак?!

— Бу муаммонинг бошқа томонини мулоҳаза қилайлик, яхши йигит. Фараз қилайлик: президент мўлжал қилган ва сизлар қўллаб-қувватлаган лойиҳалар ку-тилган натижа бермай қолди, яъни бари бир сиз айтмоқчи халқ манфаатига хиз-мат қилмаяпти... Кечирасиз, сабр қилинг, фикрни тугатиб олай! Бу сиз ўйлаганча беҳуда гап эмас. Бунақа тадбирлар олдин ҳам кечган, аммо сизлар одамларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилишга жазм қилибсизлар, лоақал натижаси нима билан ту-гашини ўйлаб чиқдиларингизми? Қайта сўрайман: шунга ақл бовар қилмайдиган тадбирлар ишлатиб, охир-оқибатда яна ўша нуқтага бориб тақалсаларингиз, яъни қўллаган амалингиз самара бермаганига шоҳид бўлсаларингиз — унда нима?

— Мен мағлубият эҳтимолига қурилган саволга жавоб беришдан бош торта-

ман. Тадбиримиз пуч чиқишига мен ишонмайман. Президент у тоифадаги инсон эмас, унга ўхшаган одамларнинг мағлубиятга учраши бўлмаган гап.

— Мен ҳам “тоифаларга” ишонаман, яхши йигит. Мағлубиятга учраш эҳти-молига кафолат йўқ. Сизлар амалга оширмақчи бўлган ижтимоий ислохотларга мен сиз ўйлаганча қарши эмасман. Ўлка қисматини, халқ тақдирини ўйлаганим-да, дилим бошқа нарсадан ларзага келади. Чўчиётган томоним шуки, президент ҳар гал бир қадам босганида, чекиниш чорасини ўйламайди. Биз энгилишимиз мумкин бўлган тақдирда ёки хато қилганимизни англагудек бўлсак, буни тан олиши-га, эътироф этишга тайёр туришимиз керак. Ахир биз доим халқ манфаатини рўкач қилиб иш кўраемиз. Бу манфаат ўзи нималардан иборат — шуни тушуна-мизми? Президент ҳар қандай оппозицияни тор-мор қилгандан кейин, танқид са-доси мутлақо ўчади — ким, қачон ва қай йўсинда бунга изоҳ бера олади? Агар халқ Жосайя ҳокимлигидан озод бўлиши учун уни қулатмоққа шайланса, бу ша-роитда қай усул билан муродига етади? Дилимни абгор қилаётган ташвиш шу. Яна битта хавф — бу сизга ўхшаган президент қуршовидаги одамлар уни бе-айб, бенуқсон деб ҳисоблашларингиз.

— Менимча, сэр, сиз адашяпсиз, — деди Эндрю, — энгилишни истамай-ман. — Юртимизда ўз халқини президентчалик севган бирон кимса йўқ.

Райт ижирғанди.

— Ва сизчалик президентни севган бирон кимса ҳам йўқ! Орамиздаги фарқ шун-дан иборатки, мен нафақат президентнинг шахсияти ва унинг юксак мансаби ҳақидагина эмас, шунинг билан бирга қонун дахлсизлиги ҳақида ҳам куюнишим шарт, чунки конституция моҳияти ва унинг талабларига риоя қиладиган, ҳеч бир шахснинг инжиқликларига бўйсунмаган қонун ҳар қандай президентдан — у қанақа доно, қанақа халқпарвар ва эзгу ниятларга тўлиб-тошган бўлмасин — ун-дан юксак, оддий фуқаронинг биринчи ҳомийси, кафолати сифатида туриб бериш-га қодир. Бундай ёндошиш сизга аллақачон аён бўлиши керак.

Олий Суд раиси, гап тугади, деган маънода ўрнидан турди.

— Ижозат берсангиз, мен сизни кузатмасам, — деди у расмиётчилик билан. — Мона ҳам уйқуда бўлса керак.

— Марҳамат, сэр, хайрли тун.

— Хайр.

Бироқ Мона уйқудан кўзи юмилиб, даҳлизда ўтирар эди. Эндрюнинг қиёфаси-дан таъби хиралигини сезди.

— Дадамнинг гаплари қаттиқ ботдими? — сўради Мона.

— Даданг таҳликада. У мен билан совуқ хайрлашди.

— Сизлар нималар ҳақида мунозаралар қилдинглар, билмадим, лекин тушун, — у дадам бўлгани учун эмас, айтай — у ақлсиз одам эмас. Олийжаноб одам; шу-нинг учун ҳам ҳакам сифатида уни дунё тан олади.

— Эҳтимол, мен эса оғзидан сути кетмаган хаёлпарастман...

— Шунинг учун ҳам мен сени севаман.

— Унда айт дадангга...

Аммо Мона гапни бўлиб, Эндрюнинг оғзига кафтини босди:

— Ҳаммасини дадамга ўзинг айт, Энди. Бизнинг оилада бир-бирига таъсир кўрсатиш одати йўқ. Шуни эслаб қол, Энди, марҳамат. — Мона Эндрю лабидан қўлини олиб, уни ўпти ва хайрли тун тилаб, ичкарига кириб кетди.

Эндрю тажанг ҳолатда машинаси томон юраркан, дилида бу қора аслзодалар-ни лаънатлар, уларнинг ҳаёт жумбоқларидан кўз юмганликлари ва давлат ходим-ларига молик муаммоларни писанд қилмаганликларидан ижирғанар эди.

Райт иккинчи қават зинаси олдида қизи билан тўқнашиб қолди:

— Ухладинг деб ўйловдим, — деди у, бошқа гапга чалғишдан қочиб.

— Эндини кузатиб қўяй, девдим.

— Шунақами?

Монанинг гапи отасига ёқдими-ёқмадими, тушуниш қийин эди.

— Энди ҳали ёш, дада, — деди Мона узр оҳангида. — Унга ола қарама, май-лими?

— Майли, — деди Райт истеҳзо билан, — кулиб қарайман.

Мона отасининг тирсагидан олди, улар икковлашиб зинадан чиқа бошлашди.



Уч кун ўтгач, саройдан таклиф келди. Жастис Райт бу пайт Олий суд биносининг ҳакам хонасида ўтирар, аллақандай қотиллик билан боғлиқ чигал ишга алоқадор гувоҳномаларини кўздан кечирмоқда эди. Жиноят қандайдир қишлоқда содир бўлган, бутун ўлкани алғов-далғов қилган эди. Айбдор аслида мўмин-қобил бир одам, уч фарзанд кўрган хотинини ногаҳонда ўзининг ошнаси кучоғида топади ва ўйлаб ўтирмай, икковини ўлдириб қўя қолади. Ҳакамлик — медэкспертиза томонидан жиноят содир бўлган пайтдаги айбланувчининг руҳий ҳолатига доир бир-бирига зид далолатномаларни ўрганишдан иборат эди. Телефон қўнғироғини эшитиб Райт машғулотни тўхтатди ва овозидан Эндрю Симпсонлигини таний олмади.

— Бу мен, Эндрю Симпсонман, саройдан қўнғироқ қиляпман. Президент сиз билан гаплашмоқчи.

— Эштаман, — деди Райт хаёлини тўплаб.

— Салом, сэр. Мен Жосайяман.

— Салом, жаноб президент.

— Мен сиз билан гаплашиш истагим ҳақида Симпсон айтдимми?

— Ҳа, айтди, жаноб президент.

— Қачон фурсатингиз бўлади?

— Ўзингизга қачон қулай бўлса, мен тайёрман.

— Ҳозир-чи?

— Майли.

— Жуда соз, сэр. Марҳамат, ҳозироқ йўлга чиқинг. Бир қултум қаҳва топилади менда.

Ҳакам Райт телефон дастасини қўйиб, икки-уч дақиқа сукут қилиб ўтирди, кейин котибини чақирди ва шу заҳотиёқ пастга қўнғироқ қилиб, машина буюрди. Ўзидан икки-уч ёш катта, ҳам кўриниши анча қари котиби кирганида, ҳакам ўрнидан қўзғалди.

— Эдвард, мен саройга кетяпман.

— Чақиришдимми?

— Таклиф қилишди.

— Фриуэйс иши бўйичами?

— Табиий. Президент ўта абжир йигит кўринади.

— Қандай бўлмасин, сизга дўқ қилишга ҳаққи йўқ.

— Кўрамиз.

— Назаримда, сэр, суд аъзоларини чақириб, шу хабарни уларга айтиб, огоҳ қилиб қўйсангиз, чакки бўлмас эди.

— Эдвард, азизим, биз ҳакамлардан иборат касаба уюшмаси эмасмиз ҳамда ўз манфаатимизни ҳимоя қилиш учун қўшма баёнот қабул қилмоқчи ҳам эмасмиз.

Ҳакам ва унинг котиби биргалашиб лифтга киришди, лифт пастда тўхтагач, кабинадан чиқаётган муҳтарам ҳакамни кўрган ходимлар самимий одоб билан орқага жилиб, йўл бўшатдилар.

Шофер ҳакамга автомобиль эшигини очди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас президент Райтни сарой эшиги олдида шахсан кутиб олди ва ўз хонаси томон йўл бошлади.

— Келганингиз учун ташаккур, сэр.

— Бу менинг вазифам, жаноб президент.

— Қани энди бунақа ташрифлар ўхтин-ўхтин бўлиб турса.

Жосайя Райтни куёш нурлари билан тўла, аммо салқин, кенг хонага олиб кирди. Официант қаҳва қўйилган столчани ғилдирашиб кириб, креслолар орасига қўйиб кетди. Жосайя идишларга қаҳва қўйди.

— Икковимизда ҳам, сэр, вақт танқис, шунинг учун тўғридан-тўғри муддаога ўтишга тўғри келади. Бўладиган суд якуни нақадар аҳамиятли эканини Симпсон айтган бўлса керак.

— Ким учун, жаноб президент, аҳамиятли?

— Мен учун, биз учун, давлат учун.

— Янглишмасам, сиз судни сиёсий кучнинг намойишига айлантириш мақсадидасиз?

— Мутлақо шундай.

— Менга бунинг ҳеч қандай дахли йўқ, сэр, назаримда Олий суднинг бошқа аъзоларига ҳам. Биз далиллар моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда қонунга суянган ҳолда тадбир кўришимиз шарт, сэр. Суднинг мақсади — адолат ва биз фақат шу ақидага хизмат қиламиз. Уйлайманки, сизга яна бир бор конституцияни эслатишнинг ҳожати йўқ, сэр.

— Менинг олдимда жиддий сиёсий масъулият турипти, шуни эътироф эта ола-сизми, сэр?

— Албатта.

— Менинг режа-мўлжалларим сизда хайрихоҳлик уйғотмайдими дейман?

— Уйғотади.

— Эшитишимга қараганда, сиз ватанпарвар инсон экансиз, нега менга ёрдам беришни истамайсиз? Нималар халал беряпти?

— Жаноб президент, сиз ўлкамиз тарихини яхши биласиз, демак, собиқ президент қандай ҳокимият тепасига келганидан ҳам хабарингиз бор. Мен у пайтларда ёш адвокат эдим, менга қонуний давлатни тўнгарилишида иштирок этган бир “ташвиқотчи”ни ҳимоя қилиш вазифаси топширилди. Унинг исми шарифи Мозес Жосуа эди.

— У пайтдаги ҳукуматни халқ сайламаган, шунинг учун у қонуний эмас эди. Мисолингиз, майин қилиб айтганда, у қадар мос эмас.

— Мен бошқа нарсани назарда тутяпман, жаноб президент: ўша суд жараёнида раислик қилган ҳакамнинг эътибори фақат содир бўлган амалнинг намоёнида бўлди, адлия талаблари доирасидан мутлақо чиққани йўқ. Ўзи бу ерлик бўлмай, юртимизга на ирқи, на туғилиши билан алоқаси йўқ эди. Ўзининг колониал ватанининг сиёсий манфаатини қўллаб, суд ишини шу аснода олиб бориши мумкин ва мантиқий туюлиб, ҳеч кимни ажаблантирмасди ҳам. Ишга сиёсий тус беришни талаб қилиб, айбловчи не усуллар қўлламади, аммо ҳакам кўнмади, мен суд тортишувида ютиб чиқдим. Дарвоқе, айбланувчи марҳум президент эди.

— Сизнинг содиқ мулоҳазаларингиз тушунарли, сэр, бироқ у пайтдаги вазиятни ҳозиргиси билан солиштириб бўлмайди, деб уйлайман. Агарда ҳозирги вазият ўшанга ўхшаса, шукур қилардим. Гап шундаки, мен шу кундаги аҳволга мустаҳкам, деб қарай олмайман, ҳали омонат. Акс ҳолда мен сизнинг ёрдамингизни кутмаган бўлардим.

— Бунга ишониниш қийин, — деди Райт мижғовланиб.

— Нима? — Жосайянинг кўзлари чақнаб кетди.

— Илтимос, — деди Райт совуқ оҳангда, — мени президент далилларини шубҳа остига оляпти, ишонмаяпти ёки ёлғон сўзляпти деб уйламанг. Аминман, мулоҳазаларингиз самимий. Менда эътироз уйғотган аъмолсиз қўллаган амалларнинг йўсинидан, йўсинидан ҳам эмас, моҳиятидан келиб чиқмоқда. Қонуннинг ижроси мамлакат бошлиғининг мустаҳкам ё омонат ҳолатидан келиб чиқиб шаклланиши тўғри эмас. Қонун ўз ҳолича дахлсиз бўлиши, у шахслар ва вазиятлардан баланд туриши керак.

— Нималар деяпсиз, сэр? — Жосайя, ўзини тутиб, жуда жиддий гапира бошлади. — Сиз адлия эътиқодини халқ манфаатига зид қўймоқчи бўласизми? Сиз шуни баён қилмоқчимисиз?

— Йўқ, сэр. Агар сиз адлия фаолияти давлат манфаатларига биноан юритилиши ва адлия раҳбарияти шу кўрсатмага амал қилиши керак, деган қонун ўтказасангиз, мен бу вазифани тўла равишда бажаришга тайёрман.

Жосайянинг фигони чиқди:

— Уч йил ўтмагунча мен бу тадбирни амалга ошира олмайман, буни яхши биласиз! Бизнинг қонунимиз атайин уйлаб киргизилган говлардан иборат, ҳар қадамда қоқиласан киши.

— Биламан, жаноб президент. Қонунни тайёрлашда ўзим иштирок этганман.

Президент ўрнидан шартга туриб, хонанинг у ёғидан бу ёғига асабий ҳолда юра бошлади, ниҳоят у ўзини босиб, деди:

— Судда бўладиган ишнинг аҳамияти мен учун нақадар муҳим эканини тушуниб етпапсизми, сэр? Мен ҳозир қай вазиятда эканимни Симпсон — тузукроқ англа-та олмадим, деган ташвишдаман.

— Англатганда қандоқ! Шу даражадаки, мен ундан ўн чандон аниқ тушундим.

— Яъни; қайси маънода?

— Тўғри маънода: сиз битта шахсинг иродаси асосида шаклланган озодлик ғоясини асрлар мобайнида маёқ бўлиб келаётган эзгулик ва адолат принциплари-га қарши қўйилган мафкурага Симпсонни ишонтира билгансиз. Қизим ҳам никоҳга ўтишдан аввал куёв ўзига юқтирган ғайритабиий сарқитдан фориг бўлишини истаяпти, — деди Райт ва мавзудан четлаганини фаҳмлаб, айтди: — Жаноб президент, суд жараёни бошқа суд жараёнлари каби ўз мақомида ўтиши лозим.

— Қанақа вазият бўлмасин, мен бу суд тортишувини ютишим шарт.

— Албатта ютасиз, агар қўйилган айб асосли, далиллар қониқарли, исботлар шубҳасиз бўлса.

— Мен суд чиқарадиган ҳукмни аввалдан билишим керак!

— Бунақа яқунни ҳакам ҳам билмайди.

— Менга қаранг, сэр, — деди Жосайя ижирганиб, — агар мен Фриуэйсга ўлим жазосини сўрашдан қайтсам, сиз менинг шартимга кўнасизми? Ваъда бериб айтаман: бундан кейин бунақа илтимослар билан сизни безота қилиб ўтирмайман. Халқ номидан сўрайман — розимисиз?

Жосайя кескин ўрнидан туриб, совуқ назарини ҳакамга тикди. Ниҳоят Райт ҳам қаддини ростлади.

— Мен президентман, — зарда билан деди Жосайя, — мени халқ сайлаган, сиз халқ иродасига бўйсинмай, менинг йўлимда ғов бўлмоқчисиз.

— Жаноб президент, кошки эди сизнинг йўлингизда ҳақиқатан нима ғов бўлаётганини билсангиз...

— Хайр, сэр, — деди президент ва дераза томонга ўгрилиб, ташқарини томоша қила бошлади.

— Хайр, жаноб президент, — дея машҳур ҳакам президент томон хийла эгилди ва хонадан чиқиб, узун йўлак бўйлаб юра кетди.

Тушдан кейин давлат тасарруфига ўтган радио тўлқинлари навбатдаги ахборотида билдирди: президент конституция таъмин қилган ҳуқуқ ва вазирлар маҳкамаси розилиги асосида жаноб Жастис Райтни эгаллаб турган Олий суд раислиги вазифасидан озод қилди.

Машҳур ҳакамнинг истеъфога чиқиш хабари Марта Ли пойтахтга қайтиб келиш баҳонасини туғдирди.

Кечки пайт Симпсон Монага телефон қилиб, учрашиш истагини билдирди, аммо Мона Райт, бандлигини айтиб, рози бўлмади.

Президент телефонда бўлган галдан хабар топиб, Эндрюни юпатмоқчи бўлди:

— Мен бу чорани қўллашга мажбур бўлдим. Энди, бу суд якуни биз учун нақадар аҳамиятли эканини ўзинг биласан.

Ўша кунидеъ Жон Стенхон узоқ давом этган сафардан уйига қайтиб келди. Эртаси, энди кун оқара бошлаганида, Марта Ли Макс Жонсонни маст ҳолда топишга муваффақ бўлди. Макс бу мамлакатни тарк қилиш қарорини билдирди. Ўша куннинг ўзидаеъ Жоул Стернинг Мартага пойтахтда бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб берди.

Тарадудлар тугаб, сентябрь ойининг тонгида Макссуэлл Жонсон — президент тавсияси билан истеъфoga чиққан “Орол садоси” газетасининг собиқ бош муҳаррири — Оролдан жўнамоқчи эди. Роппа-роса бир йил муқаддам давлат президенти Мозес Жошуа бу дунёни тарк этиб, саройни Альберт Жосайя эгаллаган пайт эди. Макссуэлл Жонсон ўттиз йил бурун оролга келиб йигирма йил мобайнида оролда чиқадиған ягона газетанинг доимий муҳаррири бўлиб хизмат қилди. Жонсон бу юрт ҳаётига ўрганди, Орол ўз ватанидек азиз маконга айланди, табиий, бу юртдан айрилиш Жонсон учун ўта ғурбатли эди.

Газета ҳомийлари шу қадар осонлик билан Жонсон тақдирини Жосайя қайсарлигига тикканликлари муҳаррир дилини ҳайратга солди. Улар, албатта, изтироб чеккандек бўлишди, аммо президент хоҳишига ким бас кела олади, у бир сўзлик одам, халқ танлаган сара инсон. Ҳомийлар Жонсоннинг денгиз бўйидаги дала ҳовли ва шаҳардаги уйи эвазига яхши нарх белгилаб, сотиб олишди, бўшатилиши

ҳақидаги икки ҳафта бурунги огоҳлантириш, ўрнига компенсация — бадал тўловини ва муҳаррир имтиёзига монанд бир умрга бемалол етадиган нафақа ажратишди. Хуллас, муҳарриридан саҳийларча қутулишди ва ўша директорлар кенгашида бир дақиқа ҳам чалғимай, газетанинг асосий ҳомийси ҳисобланган ҳиссадорлар жамиятининг раиси учрашув истағи билан Жосайяга мурожаат қилди. Шундан кейин матбуот кенгашининг узоқ йил ишлаган иккита ходимига ҳам истеъфо берилди, уларнинг ўрнига Соломон Айзекс ва Жоул Стернинг сайланди. Давлат радиоахборот Марказининг маълумотлар бўлимида муҳаррирлик қилган тажрибадор иқтидорли қора журналист Макс Жонсон муҳаррирлик ўрнини эгаллади.

Макс Жонсон юкни топширди, ошиқчасига пул тўлади ва саҳар бўлишига қарамай ишлаётган бар томон кетди.

Мен бу юртга келганимда, ҳеч ким мени кутиб олмаган эди, мана бошимни олиб чиқиб кетяпман — ҳеч ким кузатаётгани ҳам йўқ, ўйлади Макс, қисмат доираси, қирқ йиллик умрни қамраб, ниҳоят бекилди. Кексалик — танҳоликка юз тутиш. Шунинг учун ўкинчли.

Бироқ Макс адашганга ўхшайди. Самолётга чиқиш учун беш дақиқа қолганда Марта Ли ҳансираб, барга кириб келди. Бар тоқчасига суяниб турган вазмин Макснинг дили ҳаприқиб йиғлаб юборишига сал қолди.

... Йўқ, доира ҳали бекилгани йўқ. Бу гал Макс ёлғиз қолмади, чоғи “хайр” дейиш учун кимдир келди-ку. Қирқ ёшга тўлган жаноб учун бу катта эҳтиром эмас — атиги битта келипти. Кексалик бу кўп нарсаларни ҳадик билан қарши олиш, — фақат танҳолик ва ўкинч эмас — изтироб фуссаси. Кўп нарсаларни тажриба фалсафаси орқали эътироф этамиз, бироқ...

Марта Ли Жонсон ёнидаги баланд курсига чап сонини қўйди. Макс Жонсон, қадаҳдан кўзини узмай, деди:

— Келганинг маъқул, раҳмат. Бўлмаса, ўзимга раҳмим кела бошловдим. — Макс бошини кўтариб, қизга тикилди.

— Қаҳва, — деди Марта барменга ва Максга қаради: — Кетиш-кетмаслик ихтиёрингда эди.

— Қолиб нима қилардим?

— Тўғри, — дея рози бўлди Марта. — Сен учун газетасиз яшаш оғир бўларди.

— Машмашанинг хотимасини кўриш ҳам мароқли, аммо бу эрмак мен учун қиммат тушиши мумкин эди.

— Яъни?

— Яъни Жосайя мақомига тушиб ўйнашга тўғри келарди.

— Эътирозсиз.

— Ҳа. Лекин Жосайя, сизни авайлаб, ўз томонимга ағдармаяпман, деди. Бу унинг илтифоти эди, аммо мен ўз вақтида бу ҳимматга муносиб баҳо бера олмадим, ҳаддан зиёд нафратда эдим.

— Энди нима билан шуғуланмоқчисан?

— Балки Кариб ороллари бўйича экспертлик вазифасини бажарарман, ахир ороллар ҳаётини ўз кўзим билан кўрганман, — дея, Макс четга қаради ва таасуф билан деди: — агар тушунсанг эди, бу ердан кетиш мен учун нақадар оғир эканини.

— Биладан.

— Энди мен мутлақо бегона одамлар орасида, ёт бўлиб қолган мамлакатда яшайман. Ўз ватанимдан қувғин қилинаяпман.

“Самолётга пассажирлар чиқарилмоқда”, — радиодан эълон эшитилди. Макс билан Марта курсиларидан тушишди.

— Кўплар “қувғин” қилинишига ҳавас билан қарашлари мумкин, — деди Марта. — Бизлар ҳам бадарға қилинсақ, унда нима бўлади?

— Балки, — Макс ўзини бепарво туттишга уринди. — Мажбурий бахтли яшашга маҳкум этилиш: театрлар, концертлар, китоблар. Янги танишлар. Жосайя айтган китобни ёзиш учун талай вақт.

Радиодаги овоз Макснинг номини чақирди.

— Бу ерда йўқ қиш фасллари, — дея Марта Максга қаради: унинг нигоҳида пушаймон сезиларди.

— Ҳа, қиш фасллари, — рози бўлди Макс.

— Ҳозир биз сизларни айбдорга чиқараяпмиз, — деди Марта ўйчан, — кейин бошқалар келиб, биздан айб қидиришади.

— Сизлар ақалли нимадир қилмоқчи бўласизлар, бизлар-чи?

— Макс, мен ҳозир ҳам унинг томонида эмасман.

— Унга қарши ҳам эмассан. Сен қочмайсан ҳамда гов ҳам бўлолмайсан.

— Мен юртимни севаман.

— Бу кифоя эмас.

— Алвидо, Макс.

— Хайр, Марта. Раҳмат.

Макс ойна-эшиқдан нарига чиққач, самолёт томон илдам юриб кетди.

Уларнинг видолашиши Мартага сунъий туюлди: Максни машҳур ва совуқ ўлкада танҳолик кутаётганини Марта фараз қилар, бу сургунга тенг танҳоликни ҳеч қандай бадал билан оқлаб бўлмасди. Одамлар аслида — миллий, ижтимоий тафовутини ҳисобга олмаса — ҳаммаси бир, бироқ ўша тафовут одамлар орасида девор бўлиб қолаверади. Балки шу кўз илғамас тафовут бу икки кишининг самимий илиқлик билан видолашишига тўғаноқ бўлгандир. Марта Ли ҳозир бир нарсани аён тушунди: Макс қанақа муносабатлар ўрнатилган бўлмасин, шунча давр мобайнида бегона, келгинди ҳисобланди. Бунга Марта ҳам, Макс ҳам айбдор эмас. Булар ҳали дунёга келмасдан олдин ўрнатилган тартиб, боғланган тугун ҳали ҳам чигаллигича давом этмоқда ва ўша ўтмиш сабабли сен — қанақа эзгу ниятларинг бўлмасин, жонингни тикишга тайёр бўлсанг ҳам, ёт бўлиб қолаверасан, кимлардир қорган хамирнинг маҳсули бўлаверасан, жавобни улардан эмас, негадир сендан сўрашади — бир қарашда сенинг айбинг мутлақо бўлмаса ҳам. Бу нима, махфий интиқомми? Ёки қонга синган фараз аломатими? Оқтанлилар зуғумига қўйилган онгсиз исёнми, кекми, ўчми, аламми? Марта биринчи марта ўзини шу ўрада фараз қилиб, хижолат тортди, ўзига-ўзи жирканч кўринди, афсусланди. Бу иложсиз вазият эди, бу вазият кишанидан қутулиш мушкул эди.

Марта машинасига ўтириб янги тайинланган бош муҳаррир билан расмий тарзда танишиш учун шаҳарга кетди.

Жастис Райт Олий суд раислигидан бўшатиладиган кейин Фриуэйс устидан бўладиган жиноий иш яна бир ҳафтага қолдирилди. Бу ҳафта ичида президент, ёшига қараб, Олий суднинг уччала ҳакамини бирма-бир қабулига чақирди. Ҳар бири билан бўлган суҳбат иноқ тарзда бошланиб, жанжал билан тугади. Мансаб ва ёш жиҳатидан Райтдан кейин турган ҳакам таклиф қилинди ва, унинг шарафига кичкина зиёфат уюштирилиб, тор доирада меҳмонлар ҳам чақирилди. Зиёфат охирида президент ҳакамни хоналаридан бирига олиб кириб кетди. Ҳадеганда улар чиқаверишмагач, зиёфатда қатнашган меҳмонлар — Натан Айзекс ва унинг қизи Клара Стернинг, Эндрю Симпсон ва унинг Мона Райт ўрнига таклиф қилинган қоратан малоикаси ҳам ҳакамнинг рафиқаси — зерика бошлади. Ниҳоят дағ-дағ қалтираган ҳолда ҳакам қайтиб чиқди. Бу аҳволни кўриб, ҳакамнинг рафиқаси эрини саройдан олиб чиқиб кетди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас президент ҳам чиқди. Бир қарашда унинг қиёфаси тинч кўринса-да, унинг ички асабийлиги эътибордан четда қолмади. Меҳмонлар ташаккур билдириб, тарқалишга мажбур бўлишди.

Иккинчи ҳакамни президент меҳмонларсиз таклиф қилди, бироқ бу учрашув ҳам можаро билан якунланди.

Учинчи ҳакам билан бўлган суҳбат ҳам шу йўсинда тугади.

Эртасига Олий суднинг собиқ раиси ҳибсга олинди.

— Ҳакамга нисбатан бизда ёвуз ният йўқ, — деди президент телевидение ва радио орқали қилинган мурожаатида. — Биз ҳатто у йўл қўйган давлат хоинлиги онгли равишда қилинди, дейишга ҳам тилимиз бормайди; биз унинг улкан хизматларини камситмоқчи ва обрўйига доғ туширмоқчи эмасмиз, у киши, ҳаммамиздек, шу диёр фарзанди, унинг шарофати — бизнинг шарафимиз, биз ҳамон уни

ардоқлаймиз. Аммо юртга бўлган меҳримиз ҳамма нарсадан юксак. Ва биз ҳатто шундай мўътабар зот ўзини халқ манфаатига қарши қўйишини истамаймиз. Шунинг учун мен халқ берган ваколатдан фойдаланиб чуқур изтироб билан Олий суд кенгашининг собиқ раиси Жастис Дуглас Райтни ҳибсга олинишига рози бўлдим. Бу тadbир эҳтиёткорлик заруратидан амалга оширилди ва узоқ давом этмайди, тез кунларда ҳурматли ҳакам ўзининг юксак вазифасини адо этиш учун яна қаторимизга қайтади, деб умид қиламан.

Эртасига Фриуэйс устидан суд бошланди, раислик вазифасини бажариш президент суҳбатига таклиф қилинган ҳакамларнинг иккинчисига топширилди. Бир ҳафта ўтгач, шу ҳакам мамлакат олий адлия органининг раиси этиб тасдиқланди.

“Орол садоси” нинг янги муҳаррири Жастис Райтнинг қамалишига бағишланган Марта Лининг мақоласини учинчи марта охиригача ўқиб чиқди. Бу юксак савияда тайёрланган мақола бўлиб, муҳаррир ҳар ўқиганида қойил қолмай иложи йўқ эди. Мақола катта маҳорат билан, бироқ бевақт ёзилган эди.

Ниҳоят муҳаррир матни машинкада босилган варақларни тўплаб Мартага қаради.

— Бу ажойиб мақолага битта эътироз, — деди муҳаррир биродарларча майин овозда, — бу — бемаврид ёзилиши. Мисс Ли, биз ҳозир уруш аҳволида турипмиз. Камбағал, дарбадар ва хўрланган омманинг ҳамма нарсаси бор ва ҳеч нарсасини жангсиз бермайдиган табақага қарши курашиш бўсафасида, демоқчиман.

— Журналистнинг муқаддас бурчи — мавриди борми, йўқми, ҳақиқатни айтиш, — деди Марта, туйғусини босишга уриниб. — Бу ерда, — деди яна Марта варақларга ишора қилиб, — фақат ҳақиқат ёзилган.

— Фақат эмас, мисс Ли. Бу — ҳақиқатнинг бир бўлаги. Президент ҳақиқатнинг бошқа бўлагини кўрмоқчи. Пилат Исо пайғамбардан “ҳақиқат нимада?” деб сўраганида, у ҳам дарров жавоб бера олган эмас.

— Хўш?

— Ҳақиқатнинг қайси қисми ҳозирги дақиқада халқ манфаатига жавоб беришини аниқлаш масъулияти менга топширилган. Сизнинг мақолангиз, юмшоқ айтганда, бундан йироқ. Сиз, албатта, эътироз билдиришингиз мумкин, аммо газетанинг бош муҳаррири сифатида қарорни мен қабул қиламан.

Бошқа овоз, бошқа қиёфа, ўйлади Марта, аммо сўзлар, иборалар — худди Макс гапираётгандек. Мартанинг дилида қанча ғашлик уйғонган бўлишига қарамай, шунча йиллар мобайнида Максники бўлиб қолган креслода ўтирган муҳаррирга Марта ачинди, барибир Макс бу ерда иштирок этаётгандек туюлар, газета Макснинг ажралмас бўлагига айланиб, унинг барча тугёнлари билан уйғунлашиб кетган эди. Макс, ҳушёр, вазмин, кўплар учун дили берклигидан андак такаббур одам, доим вазиятни идора қила билар, кўп муаммоларни холис ечиш қобилиятига эга эди ва ундан маълум даражада фахрланарди. Энди газета тортишув, кураш муҳитига аралашиб, воқеаларга холисона ёндашиш қиёфасини йўқотиши, Жосайя қуролига айланиб, маддоҳга айланиши мумкин. Макс даври ўтган бўлса ҳам, беихтиёр таққосламай илож йўқ эди.

Бу ёғи нима бўлади? — ўз-ўзига савол берарди Марта.

— Сиздек журналистга бу нарса қандай ботганини англаб турибман, аммо тез хулоса чиқариш ҳам жоиз эмас. Биз билан ҳамкорлик қилиш ёки бошқа бир тadbир қўллашдан аввал яхши ўйлаб чиқинг. Менга қолса, сиздан ажраш номаъқул, сиз яхши журналистсиз. Шу билан бирга бир нарсани ўқиб олишингиз зарур: токи мен шу ерда эканман, газета президент ва унинг сиёсатига хизмат қилади. Бундан нима келиб чиқишини айтиб ўтиришнинг ўрни йўқ. Агар сиз биз билан ҳамкорлик қилиш йўлини танласангиз — буни биз олқишлаймиз — албатта келажақда ёзган мақолаларингиз тақдири — ҳаммаси эмас деган ниятданман — бугунгисидан аъло бўлади деб ваъда бера оламан; бир нарсани қатъий ваъда қилишим мумкин: фаолиятимдан келиб чиққан ҳар бир тadbирда халқ манфаатига таяниб иш кўраман — вассалом.

— Ҳақиқат нима — нисбий нарсами?

— Ҳа, нисбий, қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ.

Марта Ли бошқа лом-мим демай муҳаррир хонасидан чиқиб кетди; Марта бу

фикрни тан олишни истамаса-да, газетада қолиш борган сари аниққа ўхшай бошлади. Яна қанақа бўлиши мумкин — бўлак чораси — ўтиб кетиш учун бошқа газета Оролда бўлмаса; Макс-ку ўз маконига бадарға қилинди, бу, Марта қаёққа бошини уради, ахир у шу халқнинг боласи, халқ эса Жосайяни танлади, шундай одам зуғум қилса, додини кимга айтади ўз юртида қувгин Марта.

Жосайя ўз ўйлаганларини амалга ошириш учун қанақа чора-усуллар қўллаши мумкинлигини ўйлаб, Марта жунжикиб кетди; Жосайянинг қалби баланд келди, у ютди, голиб чиқди, тузумини ўрнатиш йўлига тикилган биринчи қурбонлар бошланди. Дастлабки қурбонлар. Аммо буларнинг кўлами қанча бўларкин? Ахир рўйхат энди бошланди-ку. Ёки бу шунчаки йўл бошидаги пўписа, огоҳлантириш бўлиб, қийратишга ўтмас, шу талафот билан чекланар?

Марта собиқ давлат саркоэтиби Жон Стенхонга телефон қилди. Стенхон бир оз кечикиб бўлса-да, ўз имкониятларини адвокатлик соҳасида синаб кўришга киришган, бир пайтлар олган ҳуқуқий-адлия таълими энди асқотиши мумкин, деб ишонар, биринчи ҳимоя нутқини Фриуэйс устидан бошлаган суд жараёнидан бошламоқчи бўлиб юрган эди.

— Жон, мен Дуглас Райтнинг ҳибсга олиниши билан боғлиқ мақола тайёрловдим, газета рад этди, — деди Марта.

— Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, — деди Стенхон телефонда тушкун овоз билан. — Майли, келинг-чи, бирга нонушта қиламиз. Мен ёлғизман.

Телефонда бошқа товушлар эшитилгандек бўлди, товушлар Мартага таниш туюлди. Албатта, улар Фриуэйс ортида турган одамлар бўлиб, Стенхонни Жосайяга қарши турган гуруҳга тортиш кўйида эдилар. Марта Стенхонни бу қармоққа илинишидан асраб қолишга уриниб кўрди. Бироқ Фриуэйснинг қармоққа олиниши чолни шу қадар газабга солдики, у бошқа бир фикрга қулоқ солишга қодир эмас эди. Атрофидаги одамлар эса унинг дилида ўт олган оловни алангалатиш дардида эдилар. Йўқ, булар Мартага таянч бўла олмайдилар.

— Йўқ, Жон, раҳмат, — деди Марта ва хайрлашмай телефон дастасини қўйди.

Альберт Жосайянинг уйқуси қочиб, анчагача тўлғаниб ётди, ниҳоят ўрнидан туриб, деразадаги оғир пардани очди — оининг совуқ нури ичкарига ёйилди.

Шошилинч оёқ товуши эшитилди.

— Мистер президент! — хавотирда сўради эшик томондан таниш овоз. — Тинчликми?

— Тинчлик.

— Бўпти, сэр.

Оёқ товуши узоқлашди. Жосайя креслога ўтирди. Ой нурига чўмган адрлар кўланкага ўхшар эди. Жосайя ҳозир кўп кишилар одатига айланган эрмак — ичкилик, тамаки ёки аёлларга ўрганмаганидан афсус қилди, ҳар қалай бунақа ёлғизлик, уйқусиз кечалар овунчоқ бўлармиди. Умуман, ҳаётнинг лаззат-фароғат, деб аталувчи жозибаларига Жосайя хуруж қўймаган. Бироқ, бундоқ олиб қараганда, бу нега нуқсон бўлиши керак? Одамни чалғитади, мўлжални хиралаштиради, иродани бўшаштиради — одам бора-бора одат қурбонига айланади, демак, бардошсиз бўлади. Халқнинг қисматини ўзгартириш — шунчаки ҳаваскорларча адо этадиган машғулот эмас. Очиғини айтганда, Жосайя ҳеч маҳал бошқа мақсадни мўлжаллаган ҳам эмас, айшу ишрат, ҳирс унинг хаёлини банд қилмаган. Тўғри, бир неча бор аёлларга яқинлашиб кўрган, аммо бу нарса унинг дилида чуқур ҳис қолдирмаган. Жосайя доим эзгулик, муҳим, самарали иш билан шуғулланиш ва бу машғулот сарф қилинган қувват, интилиш, мутаассибликни оқлайди, деб фараз қилган, шу йўлга ўзини тиккан. Бу хислат Жосайянинг қонидо доим бўлиб, ўзини намоён қилиш учун қандайдир турткини пойлар эди чоғи, у туртки келди...

Оддий, остида ҳеч қанақа ғараз йўқки, ёвуз ният ётмаган ҳодиса сабаб бўлди: оқтанли бир киши, аслида нотаниш одам кўнгилчан оҳангда: “Эй, ҳабаш! Китобинг тушди” деб бақирди. Овозда ҳеч қанақа жирканиш, гаши келадиган белги бўлмаса-да, нимадир — кеккайишми, гурурми, аълоликми, ақл билан эмас, туйғу билан англанадиган нарсалар сезиларди. Бу сезги ёш боланинг кўнглида инграр,

қахр, ўжар ғараз уйғотди ва бу ётлик унинг дилини бир умр ишғол қилди. Балки Фриуэйс ва у каби шахсларга нисбатан тутган сиёсати ўша аламнинг худбинлик ифодасидир, президент учун номуносиб амалдир.

Суд жараёни қанақа режаланган бўлса, шу тартибда — моҳирона ижро этилган сиёсий ўйиндек ўтди. Стенхоннинг жўшқин нутқи ҳам ёрдам бермади, қайтага кўпларнинг жигига тегди. Суд жараёни мислсиз миллий тантанага айланди.

Кейин энг муҳим асно келди — президент Фриуэйс устидан чиқарилган ҳукмни пишитиб, унга ва унинг тарафдорларига мамлакатдан чиқиб кетиш шартини қўйди, шаҳар кўчаларида қуролланган халқ милицияси тўдалари пайдо бўлди — тартиб-қаоида — биринчи галда, кимки бунга риоя қилмаса, жазоланиш ёки жарима тўлаши шарт, ўшанда ҳар ким босар-тусарини ўйлаб иш қилади.

Мана, тўрт йил бўлади — соғлиқни сақлаш ва ўқув-тарбия муассасалари текин, аммо табобат соҳасининг ходимлари, муаллим тарбиячилар маош олиши керак; бунёдкорлик ишлари қанчадан-қанча сарфларни талаб қилади, қаёқдан келади бу маблағ. Солиқ тўлайдиган, фойда келтирадиган муассасаларнинг кўпи мамлакатдан чиқиб кетган, қанча корхоналар бор-йўқ ускуна — дастгоҳлар билан валангор бўлиб ётибди, мутахассислар сони анча камайиб кетган, унақанглиларни топиш, уқуви бор ишчиларни ўргатиш, малакасини ошириш ва ўша бўшаб ётган корхоналарга ташлаш керак. Нимага қўл урма, маблағ талаб қилади. Қани ўша маблағ? Жосайя меҳнат гуруҳларини тузиш ва уларни ўз ватани учун бепул ишлашга мажбур қилиш керак, деган ғояни ўртага ташлади ва тезлик билан ташаббусни амалга ошира бошлади. Норозилик келиб чиқди. Икки юз киши ғалаён кўтарди. Намойишга қуролли куч билан барҳам берилди, ташаббускор раҳбарлари қамоққа олинди. Фермерлар ўз маҳсулотларини давлат ўрнатган нархда топширмай, шу йўсин билан ҳукумат пойига болта уриш ҳаракати бозорни танг аҳволга солиб қўйди, пулнинг қадри тушиб кетди. Лекин зада бўлган омма бош-қа исён кўтармади, бир қарашда осойишталик ўрнатилгандек бўлди. Бу осойишталик баҳорни кутаётган дарё осойишталигини эслатар эди.

Қанақа бўлмасин, президент халқ жимиб қолганини тинчликка йўйишдан йироқ, аллақандай нифоқ пайдо бўла бошлаганини сезар эди. Тўкин-сочинлик у ёқда турсин, кўп ҳолларда нон ҳам етишмайдиган бўлиб қолди. Бунақа пайтда ҳамма мутлақ ҳокимлар каби президент барча танқислик сабабларини юртни ташлаб чиқиб кетган мулкдорлардан кўрди, шу билан халқни тинчитиш, чалғитиш чорасига ўтди. Аммо барибир халқ... Президентлик муддати тўрт йилга етганда Жосайя навбатдаги сайлов тараллудини ўтказмади ва, ўз фаразига кўра, тўғри қилди, акс ҳолда тоғ-тоғ ваъда берувчилар ташвиқотига учиб, халқ Жосайяни қайта сайламаслиги ҳам мумкин эди. Президентлик муддатининг уч йили тугаб, тўртинчи йил бошланганида, Жосайя ташаббуси билан мамлакатда референдум ўтказилди, бу савол-жавобда давлат ташвиқоти таъсирида халқ ижтимоий инқилоб якунланмагунича ҳеч қанақа сайлов ўтказилмасин, президент яна бир-икки муддатга ўз ўрнида қолдирилсин, деган қатъият билдирди, парламент аъзоларидан баъзилари бу улкан режаларни амалга ошириш учун тўрт йил муддат президент учун жуда кам, ақалли икки-уч йил қўшимча муддат берилмаса, тadbирлар самараси кўринмайди, бошқаси келса, ижтимоий аҳвол бошқа йўналишга кириб кетади, деган ваъз-хонлик билан ҳам парламентда, ҳам президент назарида обрў орттирган бўлдилар. Зарур пайтда ҳарбий куч ҳам полиция, милиция ҳам, хавфсизлик бўлими ҳам ўз хизматларини аяшмади. Давлат тасарруфига ўтган радио-телевидение ва матбуотнинг президентга ҳамду сано ўқишдан қўллари бўшамай қолди.

Бироқ, президент бунақа бўлишига интилмаган эди-ку. Халққа зид турганларга нисбатан куч ишлатиш — бу табиий нарса, Жосайя бунақа тadbирларни мутлақо иккиланмай бажарган. Лекин ўз манфаатини тушунмаган халққа ўқталиш... нақадар уқубатли эканлигини тушунадиган бирон кимса топилармикан? Буни ҳеч кимга уқтириб бўлмайди. Ҳатто ислоҳотга шундай берилган, содиқ Эндрю Симпсон ҳам тушунишни истамади ва натижада Жосайяга ихтилофчидек бўлиб қолди. Ҳеч нарса, деб эътирозини билдирмади-ю, аста-секин совий бошлади, фаоллиги сўнгандек бўлди. Ғалаён ва жазолар бўлиб ўтгач, Жосайя оммавий йиғинда кечга тadbирлар моҳиятини тушунтириш мақсадида нутқ сўзлади, бироқ халойиқ ва унинг орасидан турган Марта миқ этмади. Мажлис тугагач, Жосайя журналист



билан суҳбатлашиб, уни инонтиришга уриниб кўрди, бироқ ҳайрат билан қараб қолган Мартанинг қиёфасида кутилган аломат пайдо бўлмади, лекин бунинг президент жамияти зил кетган аёллик изтиробига йўйди: Жоул Стернинг Марта учун шу қадар танг пайтда дам олиш учун хотини билан Европага жўнаб қолган эди.

Давлат оммавий ахборот воситаларини ўз назорати остига олса, халқнинг нијатини билиш мумкин бўлмай қолади, аммо шуни қилмаганида ҳозирги мавқеининг ўндан бирига ҳам эришмаган бўларди. Энг муҳими, энди ажнабий сармоядор ва сиёсатчилар ўз гапини ўткази олмайдиган бўлди, мамлакат мустақил, озод, бироқ нималарга эриша олди? Халқ баттар қашшоқ бўлди, қазилма бойликлар қаровсиз, ишлаб чиқариш корхоналари бераётган маҳсулот меҳнатни қопламайди, четга сотиладиган хом-ашё миқдори пастга тушиб кетди. Ўлкада қолган беш-ўн та муассасалардан келган даромад армия, полиция, мактаб ва медицинага аранг етгепти. Меҳнат қилишни ўрганиш, бор имкониятни сафарбар қилиш, ўз-ўзини боқа олмайдиган ташкилотлар сонини қисқартириш, солиқни ошириш, нафақаларни кирқиш керак.

Жосайя душманларни тор-мор қилди, юрт мустақил ҳаёт йўлига ўтди, аммо инқилобнинг биринчи пайтларидаги халқнинг умид билан термулиши, ишончга тўла кўзларидаги мавж ўчди, у индамас, писмиқ, ғаразли бўлиб қолди. Яқин орада бу кайфият фитна-исёнга айланиши мумкин. Наҳот ўз халқига қарши курашишга тўғри келади?

Жосайя деразадан тушаётган ой нурида шумшайиб ўтирар экан, ўзини ҳеч қачон бу қадар танҳо сезмагандек ҳис қилди, айна пайтда дилида аллақандай гумонлар пайдо бўла бошлади ва бу гумонлардан ўзи кўрқиб кетди — балки халқни озод қиламан деб, тутган йўли янглишди, ҳақиқий йўл нарида қолиб, адаш йўлга кирмаганмикин? Ахир тўғри бўлганда, самара-оқибати бунақа бўлмаслиги керак эди-ку. Ҳали, албатта, самара, оқибат, яқун, дейишга эрта, ўзига тасалли бериб ўйлади президент, кўп инқилобу ислохотлар шу қисматни босиб ўтишган, демак бунинг маълум диалектикаси бор-да. Босиб ўтишгани муқаррар, аммо қанақа натижа билан тугалланган? Агар бу йўл хато бўлса, демак, бошқа йўл йўқ экан-да. Демак, диалектика деганда эзувчи ва эзилувчилар тушунчаси мутлоқ эканини тан олиш ва бунга кўникиш, курашдан воз кечиш керак экан-да? Озодлик, мустақиллик, демократия бир сакрашда тўп этиб тушадиган нарсалар эмаслиги тайин, зарбадест мамлакатлар бунга етишиш учун демократия омилларини асрлар мобайнида мисқоллаб тўплашган, аммо бу билан заифларни эзиш мақсадида воз кечишмаган, эзиш усули такомиллаштирилган, нозиклашган.

Шу каби мулоҳазалар президентнинг дилидан ўрин олган шубҳаларни тарқатиб юборди. У тўғри йўлдан кетаётганига бошқаси бўлмагани учун иқрор бўлди. Албатта, бу йўлда қилинган кўп усуллардан воз кечишни истар, масалан, Фриуэйс қолган умрини қамоқда ўтказиши уни мутлақо безовта қилмас, қайсар чол Дуглас Райтнинг ҳибсга олиниши уни ранжитар эди. Ҳозирги вазиятда Райт ўзининг обрўйи билан анча-мунча фойда келтириши мумкин эди, бироқ у ҳеч нарса ни тушунишни истамади, устига-устак, қизининг бахтига завол бўлди. Жосайя сезиб юрибди: Эндру Симпсон орага тушган ихтилобдан изтироб чекиб қолмоқда. Агар ҳибсга олишнинг бошқа чораси бўлганида, президент жон деб ўша усулни қўллар эди.

Кейин ғалаёнда икки киши ўлдирилган — бунинг қандай баҳолаш керак? Агар ўша бешафқат чора қўлланмаса, тинчлик ўрнатилармиди? Йўқ, албатта. Баттар бўларди, ундан илҳомланган бошқалар ҳам исён кўтарарди, вазиятни элақага солиб бўлмасди. Биринчиси хавфли, ҳамма нотинчлик шундан бошланади, инида пайтда мажақлаш зарур. Ҳозир ҳам мутлақо осойишталик деб бўлмайди, омманинг хўмрайиб, ниманидир кутиши, шубҳасиз, бирор кун ёрилади, очиқ адоватга айланади, шунинг учун шафқат деган нарсаларни четга суриб қўйиб, ҳамма нарса барбод бўлмасдан олдин, қаттиққўл сиёсат ўтказиш керак. Шарт!

Жосайя чуқур хўрсиниб ўрнидан турди ва атиги битта чироқ ёниб турган йўлак бўйлаб, Симпсон хонаси томон кетди. Симпсон икки кун бурун оролнинг узоқ бир ноҳиясига кетган бўлиб, шу оқшом қайтиши ва тўла ҳисобот билан президент ҳузурига кириши керак эди, негадир кирмади. Кеч қайтган бўлса, балки президентни

безовта қилишни истамагандир. Жосайя телефон дастасини олди, мудраб ўтирган навбатчи телефонда президент овозини ярим тунда эшитиб, эсанкираб қолди.

— Мистер Симпсон бирон хабар айтмадими?— тўсатдан сўради президент.

— Йўқ, сэр... Кечирасиз, ҳа, сэр,

— Айтдими, йўқми?

— Мистер Симпсон телефон қилувди, сэр.

— Нима деди?

— Эртага кечга томон етиб бораман, деди.

— Нега дарров айтмадингиз?

— Ярим тун эди, сэр.

— Яна нима деди?

— Бор гап шу, сэр.

— Бўпти, раҳмат.

Жосайя телефон дастасини қўйиб хонадан чиқиб кетди. Аттанг, ўйлади Симпсон билан биргаликда сафарга чиқишни режалаштирган президент, ёнимда Эндрю юрса кўнглим тинчроқ бўларди.

Тоғлик вилоятларга бориб, у ердаги вазият билан бевосита танишиш муҳим тадбир бўлиб, бунга президент алоҳида эътиборини қаратган эди. Меҳнат гуруҳлари учун сайл ўтказиш баҳонасида у ерлик раис президент ҳам келиб тантанادا қатнашса, яхши бўларди, омманинг руҳи кўтариларди, деган ниятда Жосайяни таклиф қилган эди, у таклифга рози бўлди, бинобарин, бунақа тадбир анчадан бери бўлмай, халқ орасига бориш, улар ташвишига яқин бўлиш президент сиёсатининг асосий қирраларидан бири эди. Ҳадеб нуқиш яхши эмас, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам омма орасига кириб туриш керак. Мана энди, насиб бўлса, Жосайя эртага ўша ёққа жўнайти. Жосайя ётадиган хонасига чиқиб каравотга ўтирди. Уйқу қочгани ҳам бекор бўлмади, президент анча нарсаларни — гумон, шубҳа, иккиланиш, ҳадик ҳолатни таҳлил қилиб чиқди ва энди бу каби ожизлик онларини йўлатмасликка аҳд қилди.

... Бу йўлга киргандан кейин қайта чиқиб кетишни ўйлаш ҳам керак эмас...

Осмон ғира-шира бўла бошлаган эди, Жосайя дераза пардаларини ёпиб, жойига ётди ва шу заҳотиёқ уйқуга кетди.

Тунги навбатчи қоровулхонага қайтиб келгач, шеригига деди:

— Негадир президент тун бўйи ухламади.

— Ёмон туш кўрган бўлиши мумкин.

— Эҳтимол.

Автомобиль яқинлашар экан, снайпер милтиғига мосланган оптик найчада Жосайянинг ҳорғин ва гуссали қиёфаси кўринди. Айни қулай дақиқа.

Тепкини бос — вассалом.

“Тўғри, қисқа ва озорсиз йўл бўлмайди, — деган эди унга бир пайтлар Марта Ли. — Агар сен бирон ҳодисага бугун чап берсанг, эртага албатта унга дуч келасан”. Ўшанда у бу гапдан қаттиқ ранжиган эди.

“Қанақа ўзгаришлар рўй бермасин, сен асл ҳолингда қолишинг, эътиқодларингга хиёнат қилмаслигинг шарт”.

Ё ҳозир, ё ҳеч қачон! Бос тепкини! У кутиб ўтирмайди!

Тез! Шошил!

Жосайя ўтирган автомобиль ғизиллаб ўтди ва камардек йўлга ястаниб, дўнглик ортида ғойиб бўлди.

Одам шу қадар такомил, хато билмайдиган милтиқнинг кафтда илинган темирига пешонасини урди. Бир дақиқа бурун бармоғи билан тепкини босганида шунча йиллик азоб изтиробига барҳам ясалган бўларди.

Жосайя ўтирган автомобиль нариги дўнгликда кўринди.

У томондан бутун уфқни эгаллаб, қора булутлар кўм-кўк осмонни босиб келар эди.

Тамом

## Морис МЕТЕРЛИНК

# Сўқирлар

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

РУҲОНИЙ.

Биринчи }  
Иккинчи } туғма кўрлар.  
Учинчи }

ЖУДА ҚАРИ СЎҚИР.

Бешинчи сўқир.  
Олтинчи сўқир.  
Уч қари кўраёл, саждага чўккан.  
Жуда қари ожиза.  
Навраста ожиза.  
Жинни ожиза.

**Қ**адим-қадим, ибтидоий, юлдузлари олис осмон остидаги шимол ўрмони. Гира-шира тун, ўртада, қора ҳирқали мункиллаган руҳоний ўтирибди. У бошини орқага солинтириб, юксак, серкавак қарағайга суянганча руҳсиз алфозда кўр тўккан. Юзида заъфаронлик зоҳир, кўкарган лаблари ярим очиқ. Кўзлари кўпдан буён кўрмай қолганига қарамасдан, қотган нигоҳидан унутиб бўлмайдиган қайғуни уқиш мумкин, кўз ёшлар қуйилиб келаётгандек. Сийрак ва силлиқ оқ сочлари юзига тушиб турибди. Унинг ён-атрофини ўлик сукунат чулғаб олган. У қуруқшаган қўллари билан тиззаларини қучганча ўтирарди. Ўнгда олти сўқир қария хас-хазонли харсанг чеккасидан жой олишган. Чапда, чоллардан алоҳида, яланғоч томирлари бўртган дарахт ва бир парча синиқ харсанг эркакларга юзма-юз олти кўзлари ожизаёл ўтиришарди. Уларнинг учтаси ибодат билан

Вафо  
ФАЙЗУЛЛО  
таржимаси

Жаҳон драматургиясининг боқий хазинаси, театр санъатининг ўлмас дурдоналари билан ошно бўлинса, Ғарб адабиётида қадим юнон адабиётидаги драмалар билан Шекспир фожиаларигина беллаша олганлиги, чуқур бадиияти ва шафқатсиз реализми билан бу саҳнани янада кенгайтирганлигини, унга сўнмас ёниқлик бағишлаганлигини кўрамиз. Яна беш юз йил ўтиб, Европа заминидан янги адабиёт шакллана бошлаганда пайдо бўлган, Белгия фарзанди Морис Метерлинк (1852-1949) томонидан француз тилида ёзилган драмалар бу жанрга янги рух, янгича имкониятлар олиб кирди. Чунки Метерлинк драмалари романтик хаёли, рамзий йўналиши, фантастик ўзгачалиги билан фарқ қилади. Аммо руҳий таҳлили, фалсафий маънисини, рамзий буюртмасини билан ўзига мафтун этади. Инсон ақли ва қалбининг эътибордан четга қолган томонларига мурожаат қилгани билан янада эътиборни тортади. Фикримизни ҳукмингизга ҳавола этилаётган Метерлинк йигирма ёшида яратган "Сўқирлар" асари ҳам тасдиқлайди.

банд, қандайдир дуоларни овоз чиқариб ўқиб ўтирибдилар. Тўртинчи ожиза ҳаддан ташқари қари. Бешинчиси шундай бир сокин ҳолатдаки, унинг бу паришонлиги мажнуналигини билдиради, тиззасида бир гўдак пишгилаб ухлаб ётибди. Олтинчиси эса жуда ёш; паришон кокиллари унинг орқа қадини чулғаб олган. Аёллар ҳам худди чоллар каби мажруҳ ҳолда, палапартиш, жулдур кийимларда. Уларнинг барчаси қарийб бир хил кўринишда — тирсақларини тиззаларига тираб, қўллари ва юзларини ёпиб олганларича, ниманидир кутишмоқда; зериккан пайтларида денгиз тарафдан эшитилаётган бетайин шовқинларга эътибор бермай жимгина ўтирардилар. Тепаларидаги — қабристондаги баланд қарағай, мажнунтол ва сарв дарахтлари уларнинг умидбахш паноҳларига айланган. Хира ой нурига қарамасдан саҳнада одатдан ташқари қоронғулик. Қаерлардандир барглар бандидан узилаётгандай, нимадир ҳар лаҳза бу зулумотни ёриб кираётгандай бўлади.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У ҳалиям қайтмади-я?

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Сен мени уйғотвординг!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менинг ҳам кўзим илинган экан.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менинг ҳам.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У ҳалиям қайтмади-я?

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қадам товушлари ҳам эшитилмайди.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бошпанамизга қайтиш вақти ҳам бўлди.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қаерда эканлигимизни билиб олишимиз керак.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У кетгандан кейин салқин ҳам тушиб қолди.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қаерга келиб қолганимизни билиш керак!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Ким ҳам биларди, биз қайси тупканинг тагига келиб қолганимизни?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Биз йўл юрсак ҳам мўл юрдик, ўз бошпанамиздан жуда олислашиб кетганимиз кундек аён.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳа! Ҳали бизнинг рўпарамизда ўтирганлар аёлларми?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Ҳа, қаршингизда ўтирганлар биз бўламиз.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қараб турунг, мен ҳозир сизнинг олдингизга ўтаман. (*Ўрнидан туриб, пайпаслашиб юради.*) Ҳой, қаердасизлар? Товуш берсангизларчи, шундан қаерда эканлигингизни билиб оламан.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Мана-мана. Биз тошлар устидамиз.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** (*Олдинга жилади ва дарахт бутогидан ушлаб, харсангининг бир парчасига узанади.*) Нимадир бизни бир-биримиздан ажратиб турибди...

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Яхшиси, жойимиздан бир қадам жилмайлик!

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Сизлар қаердасизлар ўзи?.. Биз билан ёнма-ён ўтиришни истамайсизларми?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Юқорига кўтарилиш жуда машаққат-да!

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Нега у бизларни алоҳида-алоҳида қўйди экан?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Адашмасам, аёллар тиловат қилаётганга ўхшайди.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳа, ҳа, уч кампиршо берилиб ибодат қилмоқда.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳозир ибодат қилишнинг вақти эмас-ку.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Сиз, кейин ҳам, ётоғингизда бемалол ибодат қилишга улғурасиз.

Уч кампир пичир-пичирлаб, ибодат қилишда давом этадилар.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ёнимда ким ўтирганлигини билишни истайман.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Адашмасам, ёнингда мен ўтирибман. (*Ўз теграсидаги нарсаларни пайпаслайди.*)

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бизнинг бир-биримизга тегишли жойимиз бўлиши мумкин эмас.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Фақатгина, бир-биримизга яқин турибмиз, холос (*Атрофдаги нарсаларни пайпаслашда давом этади ва ногоҳ бешинчи сўқирнинг ҳассасига тегиб кетаркан, беҳосдан ихраини эштади.*) Орамиздагиларда кимнингдир қулоғи том битганга ўхшайди!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ҳамма нарсани ҳам эшитавермайман, адашмасам, яқингинада биз олтовлон эдик.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ишни ўз-ўзимга ҳисоб беришдан бошламоқчиман. Нимадир қилишга уринмасак бўлмайди; балки аёллардан бирон-бир жўяли таклиф чиқар. Уч кампир ҳамон ибодат қилаётган кўринади — улар бир жойда шекилли?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Улар менинг ёнимда, харсангга чўкканлар.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен бўлсам, хазонлар устида чордона қурганман.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳай, кетиворган ожиза қаерда экан?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** У ибодат қилаётганлар ёнида.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳм, унда болалик мажнуна қаерда экан?

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** У пинакка кетган. Уни уйғота кўрманг!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қара-я, сен қанчалик биздан йироқда экансан! Мен бўлса сени менга юзма-юз ўтирган бўлсанг керак, деб ўйлаб юрибман.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз ўзимизга керагини қарийб билиб олдик, келинглари энди, унинг қайтишини кутиб, валақлашиб ўтирамыз.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** У бизга жимгина, миқ этмай кутиб ўтиришни амр этган.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ахир, биз черковда эмасмиз-ку.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Балки сен биларсан қаерда турганлигимизни?

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менга энг даҳшатлиси, оғизга талқон солиб ўтириш.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Руҳоний қайга кетган экан, ким биледи?

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менимча, у бизни тарк этган кўринади.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Яна шарти кетиб, парти қолганди. Менимча, у ҳам сўқир бўлса керак. Фақат бунга иқроор бўлишдан даҳшатга тушишни истамаган ва буни билсак худди орамиздан кимдир ўрнини эгаллаб оладигандай бўлган чоғи, шунда ҳам барибир у ҳеч нарсани кўролмайдиган бўлиб қолган. Бизга бошқа йўлбошчи керак. У бизнинг талабимизни қондирмас, аммо биз кўпчиликмиз-ку. Ҳм, бошпанамизда эса у ва уч роҳиба бор — у-бу нарсани кўра олар, яна биздан ёшлари улуг ҳам эди...Ишончим комилки, у адашиб қолган ва ҳозир тентираб, қай гўрда юрган экан. Қай томонга кетганди у?.. У бизни ташлаб кетишни мўлжаллагандир...

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** У олисга йўл олган. Балки бундан аёлларни огоҳлантириб кетгандир.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У фақат аёллар билан дардлашарди!.. Бундан чиқди биз ким бўлибмиз унга? Оқибат бизга эл бўлмади-да.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Кимга ҳам арз қилардинг?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳозирча, билмайман, кўрамиз, кўрамиз... Бироқ у қаерга гойиб бўлди экан... Мен буни аёллардан сўроқлаб кўрай-чи.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** У узоқ сарсонликдан жудаям ҳориганди. Назаримда, у биз билан бир лаҳзагина ёнма-ён бўлди. Унинг анча кунлардан буён ақли-ҳуши ўзида эмасди. Табибнинг қазосидан кейин у ҳамма нарсдан чўчидиган бўлиб қолди. Ва ҳаммасига этак силтади. Қарийб ҳамма вақт миқ этмасди. Билмадим, қандай жин чалди, уни. Бугун бирдан кетиш тадоригига тушиб қолди. Қиш тушмасидан олдин охириги марта оролнинг қуёш нурига фарқ гўзал гўшаларини кўрмоқчи эканлигини айтганди. Афтидан, қиш узоқ чўзилади ва аёзли келади, ҳозирданоқ шимолдан музлар оқиб келяпти. У бундан жуда хавотирда эди, гапига қараганда, кучли ёмғирдан кейин ўз-ўзидан дарё тошар ва барча тўғонларни бузиб-янчиб ташлармиш. Яна, унинг сезишича, денгиз сатҳи тобора кўтарилиб бораётганмиш, шу боис ҳам уни соҳилдаги қояларнинг пастаклиги хавотирга солган. У буларнинг барини ўз кўзи билан кўришни истаган, буни бизга айтишни маъқул кўрмаган, чоғи... Ҳозирча унинг мажнунага нон ва сув топиб келиш учун қаергадир кетгани аниқ. У жуда олисга бориб келмоқчилигини билдирганди... Кутамиз-да.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Кетиш олдидан у менинг илгимни узоқ вақт кафтлари орасига олди. Қандайдир аниқ-тиниқ даҳшатдан унинг қўллари қалтирарди. Кейин у менинг лабларимга лабини босди...

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳой-ҳой! Ҳой-ҳой!

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен ундан нима воқеа юз берганлигини билишга

уриндим. У ҳеч нимани билмаслигини айтди. Бир оғиз, кексалар салтанати қулади, чоғи, деди...

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Бу билан у нима демоқчи?

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Айтишича, дунёни каттакон бир гулхан чулғаб олаётганмиш. Бу луқмадан мен ҳеч вақони англамадим.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Наҳотки, бунда бирон-бир маёқ бўлса?

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Ҳа, оролниг шимолий қисмида бор. Ўйлашимча унчалик узоқда эмас эди. Унинг сўзларига қараганда, маёқ шуъласининг анови ердан бутуқларнинг нариги ёғидан ҳам кўрса бўлар экан. У бугун қандайдир бошқача дилгир эди. Мен унинг шу сўнги кунларда чидовсиз азобларни бошдан кечираётгани учун қайта-қайта обидийда қилганини сездим. Кўриб ва ўзим ҳам беихтиёр йиғлардим. Шундан қандай кетиб қолганини ҳам билмай қолдим. Ундан ҳеч вақони билолмадим. Энди тасаввур қиляпманки, у кетар чоғи, бизга қараб жилмаяркан, чеҳрасидан ғамгин бир табассум қалқиб чиққан, ҳа-ҳа, менинг ҳисларим алдаши мумкин эмас, кетар чоғи унга буларнинг ҳаммасини сўзлаш жуда оғир бўлган ва кўзларини чирт юмиб жўнаворган...

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Бироқ у бизни ҳеч нимадан воқиф этмай кетди!

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** У нимадир демоқчи бўлгандир, сиз тингламагансиз.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Қачон қараманг, у гап бошлаши билан, сиз пичир-пичир қилишга тушасиз!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** У кетаркан, бизга фақат “Хайрли кеч”, деди.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Кеч ҳам тушди.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Кетаркан у бир неча бор тушида алаҳлагандек “Хайрли кеч”, “Хайрли кеч”, деб такрорлади. Мен шуни ҳис қилдимки, у менга қараб, қайта-қайта: “Хайрли кеч”, “Хайрли кеч”, деб такрорларкан зўр бериб эътиборни жалб қилиш учун овози ўзгариб-ўзгариб чиқарди.

**БЕШИНЧИ СЎҚИР.** Биров кўрмасидан, бу мавзуда баҳслашишни бас қилинглар!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Ким буйруқ қиляпти бизга?

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Бу воқеадан кимки хабарсиз бўлса, айнан ўшанинг талаби бу.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Оғзингни юм-э!.. Энди оёғости қилолмайсан.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КҶР.** У нон ва сув топиб келиш учун қарга кетган бўлиши мумкин-а?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** У денгиз ёқалаб кетди-ёв.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КҶР.** У денгизда, эҳ-ҳе, қай замонлардан буён бўлмаган!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Наҳотки биз денгизга яқин келиб қолган бўлсак?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Ҳа, тек туриб, қулоқ тутинг. Ҳозироқ сиз унинг шовуллашини эшитасиз. Яқин-яқиндан тўлқинларнинг қояларга урилгани эшитилади.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Мен фақат аёлларнинг тиловат қилаётганини эшитяпман, холос.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Яхшироқ қулоқ тутинг. Кампирларнинг шивир-шивир дуолари билан бирга, денгизнинг шовуллаши қулоққа чалинади.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Ҳа-я, дарвоқе, эшитяпман! Унча узоқ бўлмаган жойда нимадир шовуллаяпти.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** У худди тош қотиб ухлаганга ўхшайди. Ҳарқалай энди уйғонди, тушмагур.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КҶР.** У атайин бизни шу ерга олиб келган. Бу шовуллашни менинг жиним суймайди.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Ўзларингиз яхши биласиз, оролимиз кичкинагина: денгизнинг шовуллаши бўлса, худди биз турган жойнинг шундоқ ёқасидан эшитилаяпти.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Аввал мен буни ҳеч эшитмагандим.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Мен ҳам, гўё шундоққина денгизнинг ёнгинасида тургандекмиз-а. Унинг шовуллашини яқиндан эшитишни мен ҳам хуш кўрмайман.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КҶР.** Мен ҳам. Афтидан, биз истироҳатга сўрамасдан чиққан йўл билмас бола ҳолига тушиб ўтирибмиз.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз бу ерда шу пайтгача бўлмаганмиз. У бўлса, атайин, бизни шу ерга ташлаб кетди.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Саҳар-мардон жуда ажойиб бўлди! У қўналғамизда бутун қиш давомида диққинафас бўлиб, сиқилиб чиқишимиздан олдин, қуёшли кунларнинг сўнгги, илиқ, шуълаларидан тўйиб-тўйиб баҳра олишимизни жуда-жуда истаганди.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен бошпанамиздан зинҳор чиқмаслик керак эди, деб ҳисоблайман.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** У, яна бу оролчанинг биз қай буржида турганлигимизни аниқ билишимиз кераклигини таъкидлаганди. Чунки унинг ўзиям бутун орол билан танишиб улгурмаган экан. Бу ерда шундай тоғлар бор эканки, ҳеч ким унинг чўққисига чиқаолмаган, ҳатто шундай ёрлар учрар эканки, ҳали биров кўриб улгурмаган, водийга эса кишилар истар-истамай ноилож тушиб боришар экан... У яна бир умр очикда — қуёш остида яшаш мумкин эмаслигини қўшиб қўйди. У денгиз ёқалаб хотиржамроқ жойга олиб боришни истарди. Унинг ўзи ўша томонларни ёлғиз бориб кўришиб келиш учун жўнаб кетгандир.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** У ҳақ: бу ёғига тирикчилигимиз қандай қилиб ўтишини ўйлайлик.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бошпанамиз деворларига бемаъно қараб ўтиришдан бошқа нимаям қўлимиздан келарди.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Офтобнинг жазирамаси остида ҳам ўтириб бўладими?

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Ўйлаш ҳам амри маҳол. Қош қорайиб қолди чоғи.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Вақт қай маҳал бўлди экан?

**БАРЧА СЎҚИРЛАР.** Билмайман... Ҳеч ким буни билмайди.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ой чиққандир? (*Олтинчи сўқирга қараб*). Қаердасан?... Сени кўларинг оз-моз илғайди-ку, бирон нарса де, оғзингга талқон солганмисан?

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Билишимча, тун ўз пардасини аллақачон ёпди. Қачонки қуёш чарақлаб турганида мен зангори рангларни илғайман. Уларни кўрмай қолганимга ҳам анча маҳал бўлди. Ҳозир қарийб ҳеч нарсани фарқлай олмаялман.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен кўп синаганман, қорним пиёз пўстидек бўлиб очқаса, аллақачон қош қорайган бўлади, мана яна нимадир егим келяпти.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Кўкка қаранглар-чи! Балки нимагадир кўзингиз ўтар!

Ҳамма бошини тепага кўтаради, фақат уч туғма кўр бундан мустасно ҳолда ерга боққанча ўтираверадилар.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Билолмаялман, тепамизда осилиб турган осмонмикин?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Акс-садоларга қараганда, гўё горда ўтирганга ўхшаймиз.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Адашмасам, кечки паллада овозлар шунақа янграйди.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Қўлларимга ой ёғдулари тушаётганга ўхшайди.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Юлдузлар порлаб турган бўлса керак. Мен уларнинг чақнашини жуда яхши ҳис қиламан.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен ҳам.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Эшитаётганларим чувалашиб кетди, бирон овозни алоҳида фарқлаб бўлмай қолди.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен фақат нафас олишларимизнигина эшитялман.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Аёллар ўнгда чоғи.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ҳеч қачон юлдузлар шуъласини ҳис қилмаганман.

**БОШҚА ИККАЛА ТУҒМА КЎР.** Биз ҳам.

Тўсатдан дарахт бутуқларидан тун қушлари патирлаб учади.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қулоқ солинглар! Қулоқ солинглар!.. Тепамизда нимадир бўляпти? Эшитяпсизларми?

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Кўк билан бизнинг орамиздан нималардир ўтапти!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Нимадир бошимиз узра чарх уряпти, аммо уларни тутишга қўлларимиз етмайди.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бу қанақа шовқин бўлди, ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Мен ортга, бошпанамизга қайтишни истаяпман.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз қаерда эканимизни билишимиз керак!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Мен билишга уриниб кўрдим: атрофимда аллақандай буталар, уларга қўл узатишдан қўрқаман.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз қаердамыз, билишимиз керак, ахир!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Биз уни билишга ожизлик қиламиз.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Шак-шубаҳасиз, бошпанамиздан жуда узоқлашиб кетганимиз кўриниб турибди. Бу товушларнинг бари мен учун тушунарсиз.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен бўлсам анчадан буён хазонрез япроқларнинг шитирини эшитяпман.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Кимдир — биронтамыз бу оролни кўрганмикин? У биз қаерда эканлигимизни айтиб берармикин?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Биз бу жойга келганимизда, баримиз аллақачон кўздан қолган эдик.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз уни ҳеч қачон кўрамаганмиз.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бу хавотирлар бари беҳуда! У ҳализамон қайтади, яна озгина сабр қилайлик. Бироқ ҳеч қаёққа энди унинг ортидан эргашмаймиз.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Ёлғиз ўзимиз ҳам ҳеч ёққа йўл ололмаймиз-да!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бошпанамиздан умуман бирон ёққа чиқмаганимиз маъқул. Менимча, чиқмаслигимиз керак.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз сайру-саёҳат қилишни истамаганмиз, ҳеч ким ундан буни илтимос ҳам қилмаган эди.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У менинг елкамга шапатилаб: “Турсанг-чи, тур! Вақт бўлди! Қуёш тепага келди!” деб туртганида, мен тош қотиб ухлаб ётардим. Ҳақиқатдан ҳам, қуёш жуда ҳам ёруғми? Мен буни ҳеч ҳам билолмадим. Мен ахир, ҳеч қачон қуёшни кўрмаганман-да.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Мен қуёшни кўрганимда она сутим оғзимдан кетмаган гўдак эдим.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Мен ҳам, узоқ йиллар аввал бунга сазовор бўлганимда, у дамлар энди қарийб хотирамдан ўчиб кетган.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Нега у бизни қуёшга пешвоз олиб чиқди? Орамизда ким қуёшни илғай олади? Мен кун пешинми ё ярим кечами — ҳеч қачон аниқ айта олмайман.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Мен доимо тушда айланиб юришни ёқтираман. Бу паллада хаёлимда ажиб бир нур жилваланади ва худди кўзим ҳам очилиб кетадигандек, ғира-шира илғашга тушади.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менга эса ҳаммасидан кўра печка қурилган иссиқ емакхонада узала тушиб ётиш ёқади. Бугун кун жуда ҳам жазирама бўлди!...

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У биз билан деворлар ҳимоясидаги кафтдек жойда айлансаям бўларди. Эшик мустаҳкам бекик, ҳеч қаёққа урилиб кетилмайди — бунақа жойда ҳеч нимадан хавотирланмасаям бўлади... Мен эшикни ҳамиша ичкаридан занжирлаб юрардим... Эй, сен, менинг чап тирсагимга нега туртаяпсан?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен сенга тирғалаётганим йўқ, буни хоҳлаганимда ҳам қурбим етмайди.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Кимдир менинг тирсагимга тегди!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Орамиздан ҳеч ким сенга теккани йўқ.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен бу ердан бадар кетишни истайман!

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Ё олло! Ё олло! Қаердамыз, бизга аён эт!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз уни бир умр кутишимиз мумкин эмас.

Қайердадир олисларда соат ўн икки бор занг уради.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Э воҳ, ўз бошпанамиздан биз қанчалик олисдамыз-а!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Тун ярмидан ҳам оғди!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Балки, қоқ пешиндир!... Ким билади?... Сўзласин!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Ўйлашимча, биз зулмат қўйнидамыз. Яна билмадим.



**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳеч вақони англаб етолмаяпман — биз ҳаддан ортиқ узоқ ухлаб қолган бўлсак керак.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қорним очди!

**ҲАММА.** Еб-ичмоқни истаймиз!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Кўпдан буён шу ердамизми?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Назаримда, мен азалдан шу ерда бўлгандайман.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Мен элас-элас қаерда эканлигимизни пайқай бошладим...

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Яхшиси, ярим тун бўлганини билдириб, занг чалинган жойга бормоқ керакдир... Тун қушлари зулматда ваҳшат билан қанотларини силкитадилар.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Эшитяпсизми?... Эшитяпсизми?

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз бу ерда ёлғиз эмасга ўхшаймиз?

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Анчадан буён шубҳаланиб ўтирардим: бизни кимдир зимдан тинглашяпти... У ҳалиям қайтмадимми?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бизнинг бошимиз узра бўлаётган шов-шувлар нимани билдиради, ҳайронман.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳай бирордар, ҳеч нима эшитмадингларми?... Бир нима демайсизлар-а!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Биз ҳам тинглаяпмиз.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен қанотлар қоқилаётганини эшитяпман!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Ё олло! Ё олло! Бизга аён эт, қаердамиз ўзи!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Мен элас-элас, қаерга келиб қолганимизни пайқай бошладим... Бошпанамиз азим дарёнинг нариги соҳилида қолди; биз эски бир кўприкдан ўтиб келдик. У бизни оролнинг шимолий қисмига бошлади. Биз дарёдан жуда узоқлашиб кетганмиз, эътибор бериб тингласак, балки унинг шовуллашини ҳам эшитишимиз мумкин... Агар у қайтмаса, бу ердан кетишимиз керак... Кеча-кундуз у ерга кемалар келиб туради, денгизчилар бизни пайқашар. Эҳтимол, биз атрофини гулхан ўраган ўрмондадирмиз, эҳ, аттанг, мен бу ердан қандай чиқиб кетишни билмайман-да... Ким мен билан бирга кетади?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Шу ерда қоламиз!.. Нима бўлса ҳам кутамиз, сабр қилиб турамиз!.. Азим дарё қаердалигини билмасак, бошпанамиз теграси эса — ботқоқлик бўлса, У келади, у албатта келади! Кутамиз, ҳа, кутамиз...

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Ким хотирлай олади, биз бу ерга қай йўллар билан келган эдик? У бизга келар йўллари тушунтиргандай бўлувди.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менинг бу қулоғимдан кириб, унисидан чиқиб кетган.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Орангизда ким хотирлай олади?

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Хотирласак, олдинга кетардик.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Орамизда маҳаллий ишбилармонлардан йўқми?

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Ўзинг яхши биласан-ку. Ҳаммамиз олисдан келаётганлигимизни.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Биз денгиз ошиб, бу ерга келганмиз.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Денгиз чайқалишларида ўлиб қолишимга бир баҳя қолган.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ҳам... Биз бирликда бу ерга келганмиз.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз учовимиз бир қавмданмиз.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Айтишларича, ҳаво очиқ кунларда бу ердан ибодатхона кўринармиш... Қўнғироқсиз ибодатхона. Унда бу ер оролнинг шимолий қисми бўлиб чиқади.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз тўсатдан бу соҳилга тушиб қолдик...

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Бироқ мен бошқа ўлкаданман.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қаердансан?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Яна қайтиб у ҳақда ўйлашга журъатим етмайди... Қолаверса, эсимдан ҳам чиқиб кетаёзган... Мен ундан аллақачон кўнгил узганман. Бу ерга қараганда у ер ҳаддан зиёд совуқ эди...

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен ҳам олисданман...

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Айт-чи, қаерликсан?

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Сенга буни очиқ айтолмайман. Буни яна қандай қилиб таъриф-тавсифлашни билмайман... Киндик қоним томган макон бундан жуда

олида, денгизлардан кечиб ўтишга тўғри келади. Менинг юртим бепоён. Уни фақат кўриб тасаввур қилиш мумкин, бироқ биз ҳеч нимани кўра олмаганимиздан кейин... Эҳей, менинг узоқ дарбадар бўлиб йўл босганларим... Ҳарқалай мен қуёш, сув, оловни кўрдим. Тоғлар ва ўрмонларда ғаройиб гулларни учратаман... Оролда улардан асар ҳам йўқ, бу ер ҳаддан зиёд қоронғу ва аёзли... Мен уларни исларидан танийдиган бўлганман, шу пайтгача гўё қайта-қайта кўриб юраман, кўз олдимга келтираман... Эҳ, ота-онам ва опа-сингилларим билан ўтган кунларим... Ўшанда қаерда эканлигимни билмасдим, жуда ёш ва ҳеч нарсага ақлим етмасди... Денгиз қирғоғида ўйнардим... Кўзим очиқ бўлган пайтлар, жуда аниқ эсимда!.. Кунлардан бир куни юксак тоғлардаги қорларга қарадим... Ўшандаёқ кимлар бахтсиз бўлишига оз-моз ақлим етган.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бу билан сен нима демоқчисан?

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен энди ҳар бир вақтни овозларга қараб фарқлайман... Улар хусусида ўйласам-да, жуда ҳам ёрқин, ажойиб хотиралар хаёлимда жонланиб туради...

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менда бўлса хотиралардан асар ҳам йўқ...

Дарахтлар устида қанотлари улкан қушлар важоҳат билан айланади.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Яна нимадир устимиздан учиб ўтди!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Сен нега бу ерга келдинг?

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Сен кимдан сўраяпсан?

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Бизнинг кичкина синглимизсан.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Менга айтишларича, у мени дарддан фориг этиши мумкин экан. Унинг ўзи ҳам вақти келиб, кўзим очилишини айтганди. Ўшанда мен оролни тарк этаман.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз баримиз оролни тарк этишни истаймиз!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Биз бу ерда бир умрга қоламиз!

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У эса жуда ҳам қартайган — бизни даволашга улгурмайди!

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Менинг қобокларим тутшиб кетган, бироқ кўзларимда жон борлигини сезаман.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менинг кўзларим очиқ.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен кўзларим очиқ ҳолда ухлайман.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қўйинглар, кўзларимиз ҳақида сўзлашмайлик.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Сен қачон ёнимизга келдинг?

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Кунлардан бир куни мен кечки палла ибодат чоғида нотаниш аёл овозини эшитиб қолдим ва овозингдан сенинг жуда ёш эканлигингни билдим... Мен-да сени кўрмоқни, овозингни эшитмоқни истардим.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен бўлсам, ҳеч нарсани сезмабман.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У бизга бу ҳақида ҳеч қачон ҳеч нима демаган!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Айтишларича, узоқ мамлакатларнинг жононлари каби жуда гўзал эмишсан.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен ҳеч қачон ўзимни ойнада кўрмаганман.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Биз барчамиз ҳеч қачон бир-биримизни кўрмаганмиз. Биз бир-биримизга гапирсак, ўрнига бошқамиз жавоб қиламиз, бирга яшаб, ҳамиша бирга вақтни ўтказамиз, бироқ ҳеч қайсимиз кимлигимизни, билмаймиз... Атайин, лекин беҳудага бир-бирларимизнинг қўлларимизга тегиб кетамиз — барибир қўлларга қараганда кўзлар кўпроқ билгич-да.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Баъзида мен қуёшли паллаларда сояларингизни пайқайман.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Биз ҳеч қачон ўзимиз яшаган уйларни кўрмаганмиз; девор ва деразаларни пайпаслаб кўрганимиз беҳуда — барибир биз қаерда умргузаронлик қилганимизни ҳеч ҳам била олмаймиз!..

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Айтишларича, руҳоний зиё тушмас, кўҳна қасрнинг тепадаги минорасида яшар экан.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Дарвоқе, кўзи ожиз бўлгандан кейин, зиёнинг нима зарурати бор унга.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Мен бошпанамдан олис бўлмаган жойда подаларни ўтлатиб юрганимда билганман.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Биз ўзи кўп йиллардан буён бирга яшаб келамиз, бироқ ҳеч қачон бир-биримизни кўрмаганмиз. Бундан чиқди ҳар ким ўзича, ёлғизликда яшаб келади деган фикрга келиши мумкин!.. Севиш учун эса кўриш керак!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Гоҳо тушимга киради, кўзим кўрармиш.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Менинг фақат уйқумда кўзим очилади.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Мен эсам тун ярмидан оққандан кейингина туш кўраман.

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Қизиқ, ҳеч қасқа бормасанг, нимани ҳам туш кўриш мумкин?

Ўрмон томонда шамол кўтарилади, чирик, уюм-уюм хазонлар ҳар ёққа сочилади.

БЕШИНЧИ СЎҚИР. Менинг қўлларимга ким тегди?

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Остимизга нимадир тўкиляпти?

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Ҳа, кўкдан нимадир ёғяпти, фақат мен унинг нималигини билолмаяпман...

БЕШИНЧИ СЎҚИР. Ким менинг қўлимга тегди?.. Мен мизғиб олмоқчи эдим. Ухлаганга ҳалақат берманг.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Ҳеч ким сенинг қўлларингга теккани йўқ.

БЕШИНЧИ СЎҚИР. Ким қўлимга тегди, деяпман? Қулоғим яхши эшитмайди, қаттикроқ гапиринг...

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Бизнинг ўзимиз ҳам билмаймиз.

БЕШИНЧИ СЎҚИР. Биз томонга биров келармикан?

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. У билан гаплашиш бефойда — унинг қулоғи том битган.

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ҳақиқатдан ҳам бу карлар жуда хит қилиб юборишади.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Ўтириб юрагим сиқилиб кетди!

ОЛТИНЧИ СЎҚИР. Мен ҳам сиқилиб кетдим!

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ҳис қилишимча, биз бир-биримиздан жуда узрқ ўтириб олганмиз... Қани, яқинроқ ўтирайлик — жуда совқотиб кетдик-ку!

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Мен туриб юришга қўрқаман! Яхшиси, ҳар ким ўз жойида қолавергани маъқул.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Орамизда нима борлиги ҳам номаълум.

ОЛТИНЧИ СЎҚИР. Назаримда, менинг қўлларим қонаган кўринади... Мен жойимдан қўзғалмоқчиман...

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ҳой, сен, мен томонга сурилма.

Жинни ожиза тош қотган руҳоний рўпарасида ўтириб, жон-жаҳди билан кўзларини очишга ҳаракат қилади.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Мен яна аллақандай товушни яшитапман...

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Адашмасам, бу ўз кўзларини очишга уринаётган шўрлик синглимиз бўлса керак.

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. У ҳамиша ўз кўзи билан овора бўлади, мен буни ҳар кеча эшитиб ётаман.

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ҳа, у мажнун, бировга бир нарса демайди, ўзи билан ўзи овора.

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. У кўзи ёригандай шу пайтгача бир сўз демади... Гўё ҳаммасидан жуда қўрқадигандек...

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Сиз-чи, сиз қўрқмайсизми?

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Менми?

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Ҳа, барчангиз!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Ҳа, ҳа, бу биз учун даҳшат!

НАВРАСТА ОЖИЗА. Бу бизга азалдан даҳшат.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бўлмаса, сен намунча суриштирмасанг?

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Нима учун сўраб-суриштиришимни ўзим ҳам билолмайман. И-я, орамизда кимдир йиғляпти, буни ўз қулоғим билан эшитдим!..

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Қўрқма. Бу ўша жинни бўлса керак.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Йўқ, бу ерда яна нимадир борга ўхшайди... Ҳа, ҳа, менинг ишончим комил, бу ерда яна кимдир бор... Мени унинг йиғи-сиғиси қўрқитаётгани йўқ.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Ҳм, у боласи кўкрагини олиши билан, ҳамиша йиғлашга тушади.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Унинг обидийдаси ҳеч кимникига ўхшамайди-я.

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Айтишларича, бир пайтлар у кўрар экан...

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Нима бало, яна биров ҳиқиллаяптими, ҳеч нарса эшитилмаяпти-ку...

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** У кўзи очилиши учун кўпроқ йиғлаш зарур деб ўйлайди, чоғи.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Ёнгинамизда гуллар ҳиди анқиганини ҳис қиляпман...

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ҳар қандай ер ҳидини туяяпман!

**НАВРАСТА ТУҒМА КЎР.** Ёнгинамизда гуллар, ҳа, бизни гуллар қуршаб олган!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен ҳар қалай, тупроқ ҳидини ҳис қилиб турибман!

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Менга ҳам гуллар ифори уриляпти.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менинг димоғига ҳартугул ер нафаси уриляпти!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Ҳақиқатдан ҳам улар ўнгда ўтирибдилар чоғи.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Гуллар қаерда экан-а? Мен уларни теришга борардим.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Термоқчимисан? Гуллар сендан ўнгда...

Олтинчи сўқир секин ўрнидан туради, пайпасланиб-пайпасланиб, бута ва дарахтлардан ушлаб, гуллар ёнига боради, уларни босиб, синдиради.

И-я, мен сенинг яшил новда ва бутоқларни синдираётганингни эшитяпман. Тўхта! Тўхта!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Гуллар ҳақида кўп қайғураверма. Яхшиси, олдимизга беэён қайтиб келиш чорасини топ!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Ортга қайтиш мени жуда ҳам даҳшатга соляпти.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Қайтмай тур!.. Сабр қил... *(Туриб қолади.)* О, ер бунча муздек! Ҳали замон изғирин туради... *(Оптоқ гарқ гуллаган асфodelаларгача ишонч-ла қадам ташлаб боради, бироқ гуллар яқинида ётпасига ястаниб ётган дарахт ёнидаги харсанг олдидан тўхтаб қолади.)* Улар шу ерда!.. Уларга узанишнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳой, ўзинг қаердасан, гуллар мана бу ерда.

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Буларни териб олиш мен учун ҳеч гап эмас *(пайпасланиб ерда ётган гулларни теради ва навраста ожизага тақдим қилади.)* Тун қушлари учиб ўтишади.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Назаримда, бу гулларни мен қачондир кўргандайман... Фақат номларини унутибман. Бироқ улар бунчалик рамақижон бўлмаса, бандлари ундан ҳам нозик, узилай деб турибди. Мен эсам уларни қарийб бир-биридан ажратолмайман... Эҳтимол, улар аллақачон сўлиб қолгандир. *(Асфodelаларни қулоғига қистириб қўяди.)*

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Мен сочларингнинг бўйини туяяпман.

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Бу гулларники...

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Биз ҳеч қачон жамолингни кўрмаганмиз...

**НАВРАСТА ОЖИЗА.** Мен ўзим ўзимни кўра олмайману... Совуқ қотаяпман.

Ўрмон томондан шамол кўтарилади. Аини шу лаҳзада мавжли тўлқинларнинг яқин қояларга қаттиқ урилганлиги аниқ эшитилади.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Нимадир гумбурламоқда!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Момақалди роқ гумбурлаётганга ўхшайди.

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Йўқ, менимча, бу денгизнинг шовуллаши.

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Денгиз? Наҳотки, бу денгиз бўлса?.. Демак, у биздан икки қадам нарида экан-да?.. Шундоқ ёнгинамизда-я! У менинг атрофимни қамраб олган!.. Йўқ, бу ерда қандайдир бошқа нарса бор? Менга тўлқинлар овози шундай оёғим остида эшитилгандай бўляпти.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Эҳтимол, бу чирик хазонлар шитиридир.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Ҳа-я, хотинлар ҳақ.  
УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. У бизни жуда ҳам яқинимизда.  
БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Шамол қаёқдан эсяпти?  
ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Денгиз тарафдан.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Шамол ҳамиша денгиздан эсади. Денгиз бўлса чор-атрофимизни қуршаб олган. Энди шамол ҳеч қаёқдан ҳам эмаса керак...

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Денгиз ҳақида ўйлашни бас қилайлик!

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. У бизни домига тортай деб турганда, қандай қилиб, у ҳақда ўйламаслик мумкин?

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Билмайсанми, унинг бу иши, нима билан...

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ҳа, дарвоқе, мен тўлқинлар шов-шувини шунақа яқиндан эшитдимки, гўё унга қўлимни узатсам, етадигандек! Бу ерда узоқ қолишимиз мумкин эмас! Сув ҳадемай турган жойимизни ҳам эгаллаб олиши турган гап.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Қаерга ҳам борардик?

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Йўқ! Йўқ! Менинг ортиқ тўлқинлар шов-шувини эшитишга тоқатим қолмади. Кетдик! Юр, кетдик!

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Адашмасам, қулогимга яна ниманингдир овози эшитилапти... Қулоқ солинглари! Олис-олислардан, кимдир қуруқ барглари тез-тез босиб келаётгани эшитилади.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Кимдир келаяпти!

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бу ўша! Ҳа, ўша! У қайтиб келаяпти!

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Худди боланикидай, унинг қадамлари бунча энгил бўлмаса...

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бўлди, ундан ўпқаланмайлик!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Менимча, бу инсоннинг қадам товуши.

Сўқирлар олдига каттакон ит яқинлашади. Атрофни сукунат босади.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бу ким бўлди?.. Ҳой, кимсан?.. Сени алақачонлардан бери кута-кута эзилиб кетдик-ку!

Ит тўхтади ва олд оёғи панжаларини бир сўқирнинг тиззасига қўяди.

Вой? Вой! Сен тиззамга нимани қўйдинг! Бу нима? Ия, ҳайвонники-ку!.. Адашмасам, бу кучук!.. Ия! Бу ит! Ҳа, бўрибосар ит! Бу ёққа келинлар! Бу ёққа келсангиз-чи! У бизнинг олдимизга келибди! Бу ёққа келинлар!

БОШҚА СЎҚИРЛАР. Бу ёққа келинлар! Бу ёққа келинлар!

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. У бизни деб келган! У бизнинг изимиздан келган. У менинг қўлларимни ялади, гўё биз кўп йиллардан буён кўришмагандек. У қувончдан акилламоқда. Бизни топганига суюнапти! Эшитаяпсизми? Эшитаяпсизларми?

БОШҚА СЎҚИРЛАР. Бу ёққа келинлар! Бу ёққа келинлар!

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Балки унинг ортидан кимдир келиб қолар?..

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Йўқ, йўқ, у ёлғиз... Унинг ортидан кимдир келаётганини мен эшитаяпман... Бизга бошқа йўл кўрсатувчи керак эмас — ўзгасини тополмайсан ҳам. У бизни қай жой қулай бўлса, ўша ерга бошлаб боради — у жуда зийрак...

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Мен унинг ортидан боришни маъқул кўрмайман.

НАВРАСТА ОЖИЗА. Мен ҳам.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Нима учун? Ахир у ҳаммамиздан яхши кўра олади-ку.

ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Аёлларнинг гапига кирмаслик керак!

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Нимадир ўзгариш юз берди. Менинг нафас олишим энгиллашди. Ҳаво бирам мусаффо.

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Бу денгиздан шамол олиб келган мусаффо ҳаво.

ОЛТИНЧИ СЎҚИР. Ҳаммаёқ ёришиб келаяпти. Қуёш чиқаяптими, дейман...

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Назаримда, салқин тушди.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Биз йўлни топамиз. У менга суйқалиб олган. Унинг

менга суяниб олганини кўринг. У қувончдан терисига сиғмай кетаяпти!.. Уни ушлаб туришга менинг қурбим етмайди!.. Кетдик, менинг ортимдан! Менинг ортимдан юринглар! Бошпанамизга қайтамиз!.. Ит кўрни тош қотган руҳоний олдигача бошлаб келади ва тўхтаб қолади.

**БОШҚА СЎҚИРЛАР.** Қаердасан? Қайдасан? Сен бизни қаерга бошлаяпсан? Эҳтиёт бўлайлик!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Тўхтаб туриг! Сабр қилиг! Ҳозирча менинг ортимдан эргашманг... Мен ҳозир қайтаман. Негадир ит тўхтаб қолди... Олдинда ўзи нима бор экан?... Вой-дод! Вой-эй! Мен этни сескантирадиган муздек бир нимага урилиб кетдим.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Нима, нималар деб гўлдираяпсан ўзи? Овозингни эшитмаяпмиз.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен нимагадир урилиб кетдим! Адашмасам, мен одам жасадига урилганга ўхшайман!

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Нималар деб гўлдираяпсан?! Биз тушунмай қолдик-ку сени. Сенга нима бўлди ўзи?!.. Сен қаердасан? Сен биздан узоқлаб кетдингми?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ёпирай! Мен ҳам бунинг нима эканлигини ҳалигача тўла англаб ологаним йўқ... Ўртамизда мурда бор!

**БОШҚА СЎҚИРЛАР.** Орамизда кимдир ўлган?.. Сенинг ўзинг қаердасан? Қаердасан?

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Мен сизга айтяпман, икки қулоғингиз билан эшитиб олинглар, ўртамизда мурда ётибди. Ё қудратингдан! Ё қаҳрингдан! Мен мурдага урилиб кетибман. Сизлар мурда билан шундоқ ёнма-ён турибсизлар! Орамиздан кимдир бандаликни бажо келтирганга ўхшайди. Ҳаммаларинг овоз беринглар-чи, ҳар қалай ким тириклигини мен билиб олай. Қаердасизлар?.. Жавоб берсангизлар-чи? Барингиз товуш беринглар.

Сўқирлар аралаш-қуралаш овоз берадилар, кар ва мажнуна бундан мустасно, уч кампир яна тиловат қилишга тушадилар.

Мен овозларингизни бир-биридан фарқлолмай қолдим. Сиз ҳаммангиз бирваракай бақирасиз!.. Англаёлмаяпман!

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Икки кишигина овоз бермади! Улар қаерда қолди экан? (*Ҳассаси билан бешинчи сўқирни туртди.*)

**БЕШИНЧИ СЎҚИР.** Вой-вой-ей! Уйқумни бузманглар дейман!

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Йўқ, у бошқа... Балки марҳум, ҳалиги мажнуна бўлиб чиқмасин!

**ЭНГ ҚАРИ БАСИРА.** Йўқ, у менинг ёнимда турибди. У тирик, унинг нафас олишини эшитиб турибман.

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Менинг фикримча, янглишмасам, бу руҳоний бўлиши керак!.. Турган ўша! Бу ёққа! Бу ёққа! Бу ёққа келинглар!

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У турибди!

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Демак, у ўлмаган!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Қани у?

**ОЛТИНЧИ СЎҚИР.** Кетдик!..

Мажнуна ва бешинчи сўқирдан бошқа ҳамма ўрндан қўзғалади ва пайпасланиб жасад сари юришади.

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** У шу ердами? Бу ўшамми?

**УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Ҳа! Ҳа! Мен уни танидим!

**БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Эй, худойим! Ё парвардигор! Энди биз нима қиламиз?

**ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА.** Отагинам! Отагинам!.. Наҳотки, бу сиз бўлсангиз!.. Отагинам, қандай фалокат юз берди?.. Сизга нима бўлди?.. Жавоб беринг!.. Биз олдингиздамиз... Ҳа, олдингиздамиз!

**ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР.** Сув беринглар, тирикдир...

**ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР.** Уни ўзига келтиришга уриниб кўрайлик... Эҳтимол, у ҳали ҳам бизни бошпанамизгача элтиб қўяр.

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. Йўқ, йўқ, бари ҳаракатимиз беҳуда. Менга унинг юраги ураётганлиги сезилмаяпти... У оламдан ўтипти.

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. У бизга бир сўз ҳам демай оламни тарк этибди-да.

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. У бизни барибир бохабар қилиши керак эди.

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. О, у қанчалик қартайиб қолган экан?.. Мен илк бор унинг юзини сийпалаб, буни...

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР (*мурдани пайнаслаб*). Унинг бўйи бизникидан чўзиқ экан!...

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. Кўзлари катта-катта очилганча қолибди. У бандаликни бажо келтиришдан аввал қўлларини қовуштириб олибди...

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. У нимадан қазо қилган экан-а?..

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. У харсангда турарди эмас, ўтирарди...

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Оҳ, худойим! Ё Парвардигорим! Мен бўлсам фаҳламабман-а... Эси паст!... У аллақачондан буён хаста эди-ку... Эҳтимол, у бугун ҳам жуда азоб чеккандир!... Бироқ у тишини тишига қўйиб чидаган... У “оҳ-воҳ” қилмас, фақатгина қўлларимизни қисиб қўярди... Бундан нимани ҳам тушуна олардинг... Унинг ҳақиға тиловат қиламиз!

Аёллар йиғи-сиғи қилиб, тиз чўкадилар.

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. Мен тиз чўкишдан қўрқаман...

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. Қандай ўтиришни билмайсанми, дейман...

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. Наҳотки, у хаста эди?... У бизга ҳеч нима демаган эди...

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. У кетаркан, ниманидир шивирлаб гапиргандай бўлди, мен буни эшитдим... Менимча, у навраста синглимизга сўзлагандай бўлудди. У нима деганийкин-а?

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. Сингилчамиз жавоб берай ҳам демайди.

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. Нима деди? Қаердасан? Овоз берсанг-чи!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Уни сиз азобладингиз, сиз уни ҳалок этдингиз... Сиз-ку унинг кетишига қаршилиқ қилган. Сиз-ку, харсангга ўтириб олиб, қорин тўйдириш пайида бўлган. Сиз эмасми, уззукун нолишдан бўшамаган. У бундан қанчалар безор бўлиб, уф тортганини мен эшитардим. Руҳияти тушиб кетганини...

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. Сиз буни билармидингиз? Наҳотки у дардчил эди?

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Биз ҳеч вақони билмаганмиз... Ахир, биз уни ҳеч қачон кўрмаганмиз... Агар биз бу сатқайисар, ўлик кўзларимиз теграсида нималар содир бўлганлигини билганимизда эди?... У ҳеч қачон нолиш қилмаганди... Энди кеч бўлди... Мен уч бора ўлим билан юзлашганман... лекин бунақасини ҳеч қачон кўрмаганман!... Энди навбат бизга.

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. Мен уни қийнамаганман... Унга ҳеч нима демаганман ҳам...

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. Мен ҳам. Биз унга нолиш-надоматсиз эргашганмиз...

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. У жинни қизга сув келтириш мақсадида, ҳалок бўлди...

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. Энди биз нима қиламиз? Қаёққа борамиз?

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. Ит қани?

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. Шу ерда. У мурдадан ҳатлаб ўтолмаяпти.

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. Майитни суриб қўйинг. Итга йўл кўрсатинг. Ҳа, йўл кўрсатинг!

БИРИНЧИ ТУҒМА КҮР. У ўликнинг ёнидан кетолмай қолди.

ИККИНЧИ ТУҒМА КҮР. Менинг майит билан ёнма-ён туришга асабим чидамайди!.. Мен бу зулматда ўлиб кетишни истамайман!

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. Фақат бўлиниб кетиш ярамайди! Қани, қўлни қўлга бериб, бу харобада ҳаммамиз бир жойда ўтирайлик!.. Қани, қолганлар!.. Бу ёққа келинлар! Бу ёққа! Бу ёққа!

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Сен ўзинг қаердасан?

УЧИНЧИ ТУҒМА КҮР. Бу ердан, бу ерда! Ҳамма йиғилдими?.. Менга яқинроқ келинлар!.. Қани сенинг қўлларинг?.. Салқин тушиб қолди...

НАВРАСТА ОЖИЗА. Вой, намуноча, қўлларингиз калтакесакники каби совуқ?

УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Сен ўзи нима қилмоқчисан?  
 НАВРАСТА ОЖИЗА. Мен ўзимча қўлларимни кўзимга қўйдим. Гўё, ҳозир  
 кўзларим очилиб кетадигандек туюлаяпти...  
 БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Кимдир йиғлаяпти.  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Бу мажнунанинг йиғиси.  
 БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. У бор ҳақиқатни билмайдими?  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Биз ҳаммамиз шу ерда ўлиб кетамиз, буни мен ҳис этиб  
 турибман...  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Эҳтимол, кимдир бизни қутқариб қолар...  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Энди ким ҳам келарди!  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Билмадим.  
 БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Эҳтимол, бошпанамиздан роҳиба келиб қолар!  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Улар кечқурун ҳеч қаёққа чиқмайдилар.  
 НАВРАСТА ОЖИЗА. Улар ҳеч қачон ҳеч ёққа чиқмайдилар.  
 ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Одамлар бизни фақат маёқдангина кўриб  
 қолишлари мумкин.  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Улар фақат денгизгагина қарайдилар.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Уҳ-уҳ, бунчалик совуқ бўлмаса!  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Қуруқ баргларнинг шитирлашига эътибор беринглар-а,  
 афтидан, аёз авж оладиганга ўхшайди.  
 НАВРАСТА ОЖИЗА. Ернинг заранг бўлиб кетганини кўринг.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Сўл ёқдан қандайдир тушуниксиз шовқин-сурон  
 қулоғимга чалиняпти...  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Бу денгизнинг иши, қояларга урилаётган тўлқинларнинг  
 акс-садоси.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бу аёллар томонидан келяпти чоғи.  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Менинг эшитишимча, музлар синаётганга ўхшайди.  
 БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ким бундай силкитиши мумкин? Унинг  
 тебранишидан биз ўтирган тошлар ҳам титроққа тушмоқда.  
 ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бармоқларим муз-кесак бўлиб кетди.  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Мен яна қандайдир тушунарсиз сас-садоларни эшитяпман.  
 БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Ким у шақ-шақ титраётган? Унинг қалтироғидан  
 харсанг ҳам титраётгандай бўляпти.  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Менимча, бу аёллардан бири бўлса керак.  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Қалтирашидан, мажнуна ҳаммадан кўпроқ совуқ қотган  
 кўринади.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Боласининг овози ҳам чиқмай қолди.  
 ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. У ҳали ҳам кўкракдан айрилмаган бўлса керак.  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Фақат шу гўдак бизнинг қасрда эканлигимизни айта олиши  
 мумкин.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Мен шимолдан эсаётган шамол ғувиллашини  
 эшитяпман.  
 ОЛТИНЧИ СЎҚИР. Юлдузлар ҳам бекинмачоқ ўйнаётгандек кўринмайди.  
 Ҳадемай қор уриб беради.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Агар орамизда кимдир мудраб қолса, уни уйғотиш  
 керак.  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Менинг уйқум келяпти. Теграда хазонлар чарх уради.  
 НАВРАСТА ОЖИЗА. Эшитяпсизларми, чирик хазон шитирлаб учаяпти деб  
 ўйлайсизларми?.. Бу ёққа кимдир келаётган бўлмасин...  
 ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бу шамолникидир. Қулоқ солинг.  
 УЧИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бу ёққа ҳеч ким келмайди!  
 ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Совуқ тушаяпти...  
 НАВРАСТА ОЖИЗА. Мен олисдан келаётган одамларни эшитаяпман.  
 БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Мен фақат хазонлар шитирлашини эшитаяпман  
 холос.  
 НАВРАСТА ОЖИЗА. Мен олис-олислардан келаётган одамларни эшитаяпман!  
 ИККИНЧИ ТУҒМА КЎР. Менинг қулоғимга бор-йўғи совуқ шамолгина  
 киряпти!



НАВРАСТА ОЖИЗА. Менимча эса кимдир бизга қараб илдам келаяпти.

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Мен ҳам ниманидир енгил-енгил одимларини эшитаяпман...

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Аёллар тўғри гапираётганга ўхшайди! Гупиллаб қор ёғади.

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Вой! Вой! Қўлларимга тушаётган бу совуқ нарса нима экан?

ОЛТИНЧИ СЎҚИР. Қор ёғаяпти!

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бир-бирларингизга яқинроқ сурилиб ўтиринглар!

НАВРАСТА ОЖИЗА. Қадамлар овозини эшитаяпсизларми?

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Бир зумга жим бўлинглар! Худо ҳаққи!

НАВРАСТА ОЖИЗА. Қадам товуши яқинлашаяпти! Одимлар яқинлашаяпти!

Эшитаяпсизларми?

Мажнунанинг гўдаги зулматга юзланиб, йиғлайди.

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Бу гўдак йиғисими дейман?

НАВРАСТА ОЖИЗА. У кўради! Унинг кўзи кўради! У йиғлаяптими, демак, у ниманидир кўрган бўлиши керак!

Қўлига болани олиб, қадам товуши келган томонга юради.

Бошқа аёллар қўрқа-писа унга эргашадилар, сўнг уни ўраб оладилар. Мен кутиб олишга чиқаман!

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Эҳтиёт бўл!

НАВРАСТА ОЖИЗА. Вой, унинг қичқириб йиғлашини-чи!.. Сенга нима бўлди?.. Йиғлама!.. Қўрқма! Биз сенинг ёнингда турибмиз... Қўрқадиган ҳеч нарса йўқ. Сен нимани кўрдинг?.. Сен ҳеч нимадан қўрқма!.. Йиғлама! Сен нимани кўрдинг? Нимани кўрдинг, бизга айт!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Қадамлар яқинлашаяпти. Эшитаяпсизми? Эшитаяпсизми?

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Менинг қулогимга шитирлашга ўхшаш сас чалинаяпти, бу, афтидан, хазонлар бўлса керак.

ОЛТИНЧИ СЎҚИР. Келаётган аёлми дейман?

ЭНГ ҚАРИ СЎҚИР. Наҳотки бу қадам товушлари бўлса?

БИРИНЧИ ТУҒМА КЎР. Бу денгиз томондан учиб келаётган хазонлар бўлса керак?

НАВРАСТА ОЖИЗА. Йўқ! Йўқ! Унинг қадам товушлари эканига шубҳам йўқ! Ҳа, шубҳам йўқ!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Ҳозир биз ҳаммасини билиб оламиз! Хазонларга қайта-қайта қулоқ тутайлик-чи!

НАВРАСТА ОЖИЗА. Мана, мана, қадамлар қарийб ёнимизга етиб келди! Эшитаяпсизларми? Эшитаяпсизларми? (Болага юзланиб.) Сен нимани кўрдинг? Сен нимани кўрдинг?!

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. У қайси томонга қараяпти?

НАВРАСТА ОЖИЗА. Қадам товушлари қаёқдан келаётган бўлса, ўша ёққа!.. Ҳаммангиз ўша ёққа қаранг! Ҳаммангиз! Мен уни бошқа ёққа қаратсам ҳам, у қайрилиб яна ўша ёққа қараяпти. У кўрган! Кўрган! Кўрган!.. Унинг нимагадир кўзи тушган!..

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. (Олдинга чиқиб.) Уни имкон қадар баландроқ кўтар, ишқилиб, ниманидир кўришига ёрдам бер!

НАВРАСТА ОЖИЗА. Нарӣ туринглар! Нарӣ туринглар! (У сўқирлар тўдаси узра болани тепага кўтаради.) Қадамлар бизнинг олдимизга келиб сўнг тўхтади.

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА. Улар қарийб шу ерда. Улар бизнинг орамизда.

НАВРАСТА ОЖИЗА. Сен кимсан?

ЭНГ ҚАРИ ОЖИЗА (жимлик). О, танграм, ўзинг бизни паноҳингда асра!

Жимлик. Сўнгра болакайнинг қаттиқ чинқириви сукунатни бузади.

Тамом

## Аттила ЙОЖЕФ

# Қалбим баҳор НИҲОЛИ

### СЕН УЧРАБ ҚОЛДИНГ-У...

**С**ен учраб қолдинг-у, қуёшнинг нури  
Янада ёрқинроқ бўлиб қуюлди.  
Ҳатто булбулларнинг чуғур-чуғури  
Бутунлай бошқача — янгроқ туюлди.

Бироқ, ёқут мисол лабингда сукут  
Эвоҳ, табассумдан асар йўқ юзда!  
Қайрилиб боқмадинг мен бечорага,  
Лабинг муҳрланиб қолди-ку кўзда.

Сен учраб қолдинг, яшил тус олиб  
Муаттар ҳидларга тўлди далалар.  
Қир-адир бағрига пойандоз солиб  
Гулханлар ёқишди ёқут лолалар.

Ахир шунчалар ҳам бағри тошмисан,  
Ёки юрагингда муз борми сенинг.  
Вужудим бутунлай ўт ичра қолди  
Сенсиз ўртанадир юрагим менинг.

Менга ўша маҳал мангу баҳорни  
Учратиб қолгандай туюлди ногоҳ.  
Бунча дилдорми, қутилиш борми,  
Бу жоду қафасдан? — деб ўйлайман гоҳ.

Қалбим қуши сенга талпинар, эркам,  
Нетай, изтироблар ўртайди мени.  
Ўларман бир куни, сўнгги дамда ҳам  
Пичирлаб айтарман номингни сенинг!

### ЎШАНДА...

Қарсиллади қалдироқ  
Жала қуйди ўшанда.  
Бир аламли изтироб  
Бағрим ўйди ўшанда.

Ўшанда мен уйга ҳам  
Кирмай юрдим тентираб.  
Ўзимни қўярга жой  
Тополмай қолдим, ё Раб...

Ялиниб-ёлвордим-ей  
“Не кўргулик эй, Худо!”  
Минг хаёлга “ордим-ей,  
Дедим: “Ҳаё! — алвидо!”

Не қилай, аламиндан  
Йиғладим тўйиб-тўйиб.  
Ахир гулдай бир қизни  
Келдик қабрга қўйиб...

Файзи  
ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси

Аттила Йожеф (1905-1937) венгер адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири. У Венгрияда қора кучлар ҳокимиятни эгаллаб, оддий халқ азоб-уқубатда кун кечираётган пайтда яшаб ижод қилди. Шоирнинг “Гўзаллик гадоси” (1922), “Бақираётган мен эмас” (1925), “Ота-она-сиз” (1929), “Капитални ағдар” (1931), “Шаҳар чеккасида тун” (1932), “Айиқ ўйини” (1934), “Жон азоби” (1936) шеърий тўпламларида йўқсуллар, ишчи ва дехқонларнинг оғир аҳволи тасвирланган, бой-зодагонлар зулмига, фашизм истибдодига қарши курашга даъват этилади. Реакцион кучлар тазйиқига учраб, оч-наҳор кун кўрган шоир 1937 йил декабрида ўзини поезд тагига ташлаб ҳалок бўлади.

## ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ

### I

Йўлларнинг кўплиги туфайли  
Юришдан толиқсак ҳам майли.  
Ҳақиқат ахтариб чопамиз,  
Ва лекин қаердан топамиз?

Юкимиз унчалик зил эмас,  
Биттаси: — Ҳой ўзинг ким, демас.  
Камбағал шўрликнинг қалбин ҳам  
Олганми ё иблис муттаҳам?  
Тангри ҳам унчалик хуш кўрмас,  
Қамчилаб туради басма-бас!

Қиш пайти совуқдан қотамиз,  
Уй-жойсиз қаерда ётамиз?  
Агар-чи, музласа танамиз,  
Ўткир сўздан тез уйғонамиз!  
Бошпана дегани йўқ бизда,  
Орзулар ловуллаб чўғ бизда.  
Йўллар чорлаб тураркан мудом  
Ушлаб қололмайди хотин ҳам!  
Қачонгача биз оч яшаймиз,  
Қашшоғу яланғоч яшаймиз?

### II

Ёғса ҳамки ёмғир ва дўл  
Кураш йўли — бизларнинг йўл!  
Дилни ғамга ўрамаймиз  
Хайр-эхсон сўрамаймиз.

Очликдан силламиз қуриб —  
Қайтиш йўқдир енгмай туриб.  
Янги дунё бўлар паноҳ  
Озодлик — бизга саждагоҳ!

Оёғимиз дадил, чаққон,  
Нигоҳимиз ўткир боққан,  
Бормоқдамиз кўтариб бош,  
Бизга таниш ҳар битта тош.

Баъзан кечув келмаса қўл,  
Қўшиқ билан очамиз йўл:  
Оч ва юпун биродарлар,  
Юрагида ўти борлар,  
Кўрсатинглар бирлик кучин,  
Курашинг ҳақиқат учун!

## КАМБАҒАЛ ЎҒРИЛАР ҚУРШОВИДА

Камбағал ўғрилар қуршовидадир,  
Лекин қўрқув билмас у, худо ҳақи!  
Нимага қўрқади? Ахир юраги  
Даҳшатга сололса мисоли чақин.

Камбағал ўғрилар қуршовидадир,  
Ё Раббим, бандангни ўзинг қўллагин!..

Уйида сигири бўлган чоғда ҳам,  
Болалаши гумон, омад йўллагин.

Камбағал ўғрилар қуршовидадир,  
Ҳатто омочга ҳам ўзи дастадир!  
Яшашдан мақсади шу эрур унинг —  
Дунёни ҳайдашга камарбастадир.

## БАҲОР

Баҳор, баҳор, ғаройиб дамлар,  
Елкан кирар Дунай тушига.  
Енгил эпкин эсади майин,  
Баҳор ҳиди ёқар кишига.

Баҳор гули — нафис бойчечак!  
Кел бағримга босайин сени.  
Бир яйрайлик соф ҳаволарда,  
Эй малагим, эркала мени.

Қара қандай мусаффо осмон,  
Узоқларга қиш қадам, ташлар.  
Менинг қалбим баҳор ниҳоли  
Куртак ёзиб ҳид тарай бошлар.

## КЎЧАМИЗДАН СЕН ЎТГАНДА

Кеча кўчамиздан сен ўтган маҳал,  
Ҳамма бирданига бўлиб қолди лол.

Сенинг оёқларинг қўйганда қадам  
Кўчамиз тупроғи чангимади ҳам.

Гўё бутун шаҳар битта кўз бўлиб,  
Қараб турар эди сенга термулиб.

Одамлар кўз узмай боқишарди лол,  
Қайдан келди дея, бу соҳибжамол?

Мен бўлсам кўрқардим ташвишим ортиб,  
Олиб қўймаса деб, биттаси тортиб.

Эҳтиётсизлик қилиб биров ногаҳон,  
Озор бермасайди сенга шу замон...

Во ажаб?! Ҳасадлар чекиниб турди,  
Сен ўтган жойларда қувонч барқ урди.

Яшнаб кетган эди шу куни атроф,  
Дунё ҳам ўзингдай эди гўзал, соф.

## ЎЛИК ЎЛКА

Кўл устида ўрлайди буғ  
Чўл бағрида қамиш мудрар,  
Осмон юзи оппоқ парда  
Қопланганча ёғмоқда қор —  
Худди оқ пар.

Қуюқ зулмат қоплаб келар,  
Мудраётган кўл юзини.  
Қаердадир сузар қайиқ.  
Кўриб бўлмас на изини —  
На изини.

Ўрмон инграр. Муз қоплабди,  
Қиров босган ҳар бир ниҳол,  
Новдасининг учигача  
Қаҳратонда қизиқ бир ҳол —  
Қайин беҳол.

Узумзорда ток занглари  
Похол билан ўралган зич.  
Чоллар учун ҳасса бўлур  
Қатор кетган саноксиз синч  
Сафлари тинч.

Бу бой кенти. Ўнгда эса  
Тўзғиб ётар паст кулбалар.  
Хас-хашақдан ёпилган том  
Узра шамол ҳуштак чалар —  
Хор шунчалар.

Қийшиқ эшик ланг очик денг,  
Ҳар бурчида ел қилар дўқ.  
Бўш каталак, на дон, на дун  
Молу жондан асар ҳам йўқ —  
Қуппа-қуруқ.

Бу уйларда очлар яшар  
Чекишгани қорақиёқ.  
Умиди йўқ келажакдан  
Кўнгил хира, дили сиёҳ —  
Юракда оҳ.

Уларгамас — бойга бари  
Атрофдаги токзордан то  
Буғдойзору кўл тубида  
Мудраб ётган лаққа ҳатто —  
Бойга ато.

## БУҒДОЙ

Ўтлоқлар устида шамол елади,  
Ғамингиз олай деб шошиб келади  
Ерлар ғувиллайди, буғдой шовуллайди,  
шовуллар буғдой.

Роса ишлаганмиз ботганча терга,  
Пешона теримиз қоришиб ерга,  
Энди бўлиқ бошоқ бўлиб етилди,  
шовуллар буғдой.

Буғдойзор шовуллар! Буғдой жаранги,  
Олтин жарангига айланаётир,  
Бўлиб таралиш-чун акс-садо янги,  
шовуллар буғдой.

Эҳтиёж ўсади донга қўшилиб,  
Қайғу-ғам кўпайди фашизм келиб.  
Дунёни эгаллаш учун шошилиб,  
шовуллар буғдой.

Мен ўсган бу диёр — ҳурлар ватани  
Орангизда ботир қолдими, қани?!  
Шўрлик, ожизларни қувватлагани —  
шовуллар буғдой.

Ҳой, ишчи! Машина, тракторга жон,  
Косаси оқармай ўтирган ҳой деҳқон,  
Бирлашишга етди вақт аллақачон —  
шовуллар буғдой.

## ИШОНМАГИН БОЙЛАРГА

Кўзи қурсин! Бойнинг кўзи тўймайди,  
Бир сўм учун ўлдиришдан тоймайди.  
Аввалига булутни ҳам пуллар у  
Сўнг ерингни тортиб олмай қўймайди.

Қора кунда пуллайди ўзингни ҳам  
Садақага пулни кўзи қўймайди.  
Бор-будингни шилиб олар, устига —  
Камбағални унинг жини суймайди.

Кўп ҳам ишонмагин бойларга, ошна,  
Бойлар ичра яхшиларнинг ўзи йўқ.  
Қаҳратонда юрсанг ҳамки гезариб  
Ачинмайди, қараб турар кўзи лўқ.  
Камбағалга унинг парвойи палак,  
Иссиқ хонасидан чиқмас, ўзи тўқ.  
Хонимлар-ла базми жамшид қуради  
Калимага келмас тили — сўзи йўқ.

Сен ўтин ташийсан ертўласига,  
У бўлса ҳаммомда ўзини тоблар.  
Камбағални қандай талаши ҳақда  
Кўраётир ҳозир ажойиб хоблар.

— Туни билан сира ухлаганим йўқ,  
Сиз ҳақда қайғуриб чиқдик арбоблар.  
Қашшоқлар дардига биз ҳам шерикмиз, —  
Дея у ўзини ғамхўр ҳисоблар.

Қанчалар машаққат чекиб яшайсан,  
Ҳаёт кўзларингга кўринади дор!  
Келиб қўшил сен ҳам очлар сафига,  
Ҳақиқатни топмоқ истасанг агар.  
Дўст киму душман ким — билиб оларсан,  
Дилингдан арийди ғам билан кадар.  
Ва жаннат боғлари деган хаёлдан  
Воз кеча оласан шунда, биродар!

## ФЛОРА

Тоқатларим тоқ бўлди, сенсиз вужудим бетоб,  
Бахт бўлмайди қилмасанг мен томонга наззора.  
Тунда чиқиб қиларман мен юлдузларга хитоб:  
“Азизим Флора,  
Жоним Флора!”

Сен бўлмасанг очиги, одам бўлишим қийин,  
Бу бедаво дардимга борми ё бирон чора.  
Сенсиз менга ҳаёт йўқ, сенсиз яшаш бетайин,  
Азизим Флора,  
Жоним Флора!

Жон офати жамолинг, ўтга ташлар жонимни,  
Бир назар айлаб менга раҳминг келсайди зора.  
Кўзларинг тўймасми ё ўртаб хонимонимни,  
Азизим Флора,  
Жоним Флора!

Учқур отнинг белида олисларни кўзлаб сен,  
Кўринмасдан кетасан кўзимга бора-бора.  
Айт, қайларга борайин изларингни излаб мен  
Азизим Флора,  
Жоним Флора!

Ишқ йўлида толдим мен, сарсон бўлиб қолдим мен,  
Юраккинам йўлингга бўлди-ку пора-пора.  
Азиз номинг назмга меҳр билан солдим мен,  
Азизим Флора,  
Жоним Флора!

Бегали ҚОСИМОВ

# Сафар кундалиги

## ТУРКИСТОНЛИКЛАР

**И**стамбулда кўплаб ўзбеклар яшайди. Тўй-маъракада йиғилиб турадилар. Шаҳарда шундай йиғинларга мосланган махсус жойлар бор. Биздан борганларни дунёнинг барча мамлакатларидаги сингари туркистонлик дейишади. Бу атама шу қадар аниқ ва машҳур. Истамбулда туркистонликларнинг мавқеи чакки эмас. 20-30 минг туркистонликнинг 20-30 га яқини доктор. Тарихчи Абдулқодир Дўнуқ — шуларнинг бири. У Истамбул университети профессори, умумтурк тарихи кафедраси мудир. Бу кафедрада узоқ йиллар Туркистоннинг тутунган фарзанди Аҳмад Заки Валидий (1890-1970) ишлаган. У бу ерга Русия ва Туркистондаги “инқилобий йиллар” дея тарихга кирган қонли можаролардан ҳориб-чарчаб келган эди. 1917 йил феврал ўзгаришидан икки ой ўтар-ўтмас бошқирдларнинг миллий дав-

Туркияга биринчи мартаба 1991 йилнинг октябрида Аҳмад Яссавий симпозиумига борган эдим. Сафар тафсилоти ва таассуротлари ўз вақтида маҳаллий матбуотда қисман эълон қилинган. Сўнг турли-туман муносабатлар билан яна бир неча марта бориш насиб этди. Турк дунёси адабиёти ҳақида ҳамкорликда дарсликлар ёздик, тадқиқотлар қилдик. Бу алоқалар ҳар икки қардош мамлакат орасида адабий дўстлик шартномаси имзолангандан сўнг янги босқичга кўтарилди. Бунинг ёрқин мисоли Отатурк култур маркази ташаббуси билан тайёрланаётган, ҳар бири 600 босма саҳифалик 30 жилддан иборат “Турк дунёси адабиёти тарихи” қомусидир. Бундай улкан иш шу пайтга қадар қилинган эмас.

Табиийки, бу алоқалар жараёнида янги-янги ҳамкасблар, дўстлар орттирдик. Гойибона билганларимиз билан яқин танишиш имконига эга бўлдик. Айни пайтда, адабиётимизнинг сарҳадлари кенгайди.

Иккинчидан, ҳар бир сафар борадиган юртингизнинг тарихига, табиатига, элнинг урф-удумларига ҳам саёҳатдир. Айниқса келиб чиқиши бир бўлиб, сўнг тарих тақозоси билан бир-биридан узоқ тушган қардош халқлардаги қадимий бирликни кузатиш, ўзгаришларга гувоҳ бўлиш мароқли. Бу жиҳатдан, кундалик жуда кўл келади. Афсуски, кундаликни ҳар ким ҳам тутта олмайди. Унинг учун ҳафсала, маълум ички тартиб керак. Туркияга биринчи борганимизда, ҳафсала билан кундалик тутган эдим. Кейинчалик муҳим, кутилмаган учрашувларгина қайд қилинган экан. Хуллас, шуларни бир кўздан кечириб, сиз азиз журналхонлар билан баҳам кўриш истаги туғилди.

Сабр-тоқатингиз учун олдиндан ташаккур билдираман.

*Муаллиф*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

146

лати сифатида Оренбургда Бошқирд Марказий Шўросини тузган бу тиниб-тинчимас одамни 1918 йилнинг 18 январиди шаҳарни ишғол этган большевиклар учинчи феврал кечаси қамоққа оладилар. Қамоқда нўғойлар тарихига оид китобини ёзиб тугатади. 4 апрелда қочади. Мужоҳидлар ҳаракатини уюштиради. 25 майда чехлар исёни бошланди. Бундан фойдаланган Валидий 7 июнда янгидан Бошқирдистон Миллий ҳукуматини тузди. Лекин 1919 йилнинг бошларида шароит танглашди. Ёш республика икки ўт — оқлар ва қизиллар ўртасида қолди. Советларга ён беришга мажбур бўлди. 1919 йилнинг 18 февралда шартнома тузилиб имзоланди. Ўн беш ой советлар билан — Ленин, Сталин, Троцкийлар билан бирга ишлади. Большевиклар мавқеларини мустаҳкамлаб олган сайин шартнома моддаларидан узоқлаша бордилар. Заки Валидий бу ерда курашни фойдасиз билди ва Туркистонга умид боғлади. 1920 йилнинг бошларида яширин суръатда тайёргарлик кўра бошлади. Лекин ҳукуматнинг Бошқирд Миллий қўшинини тарқатиб, бошқа қисмларга қўшиб юбориш ҳақидаги қарори унинг шубҳаларини исбот этди. Ниҳоят, Валидий ўша йилнинг 29 июнида пинҳона Туркистонга келди. Туркистон Миллий Бирлигини ташкил қилди, оқу қизил барча мустамлакачиларга қарши кенг курашни йўлга қўйди. Улар “ғалати машҳур” бўлиб, “босмачилар” ном олдилар<sup>1</sup>. 1921 йилда Анвар Пошшонинг келиб қўшилиши билан бу ҳаракат кучайгандек бўлди. Бироқ шоир айтмоқчи, умид тераклари йиқилиб борди. 1922 йилнинг августда Пошшо Балжувонда ҳалок бўлди. Бир томондан, мамлакатни ўраб олган очлик, иккинчи томондан, Марказнинг ғоят уддабуронлик билан оч қўшинни Шарқу Фарбдан олиб Туркистонга ташлаши аҳволни ниҳоятда танг қилиб қўйди. Йложсиз қолган Валидий дўсти Абдулқодир билан бирга 1923 йил февралнинг сўнгги кунларидан бирида яширин Эрон сарҳадига ўтадилар ва Мащҳадга етиб келадилар. Валидий Туркистонда икки йилу саккиз ой турди. Бу йиллар Туркистоннинг сўнгги давр тарихидаги энг оғир йиллардан эди. Тақдир Бошқирдистонда туғилиб ўсган Заки Валидийни туркий дунёнинг бешиги — оталари юрти Туркистоннинг энг қора, энг бахтсиз кунларига юзма-юз қилди. У оталар юртининг эрки ва саодатини муқаддас тутди, ҳеч иккиланмай бу учун жангга кирди. “Мен шахсан миллатимнинг энг мушкул жангларда, энг қайғули дамларида кураш сафларида бўлиб, бутун борлигим билан унда иштирок эта олганимдан виждоним олдида хотиржамман, — деб ёзган эди у. — Агар тарихда ҳеч бир хизматим бўлмай, биргина шу ҳаракатга иштирок қилишимнинг ўзи мен учун кифоя эди”. Валидий ана шу икки йилу саккиз ой давомида Туркистоннинг бу ёғидан кириб у ёғидан чиқди. Тўққиз-ўн минг чақирим йўл босди. Халқимизнинг ҳаётини ҳам, маънавиятини ҳам ўз кўзи билан кўрди. У ёзади: “Бу аснода биз ҳар тарафда халқимизнинг фавқуллодда бир эътимодини, самимиятини, кенг қалбини, ҳали бирор бегона кўзнинг назари тушмаган маънавий ҳарамиди неки бўлса, ҳаммасини кўра олдик. Халқимизнинг ахлоқ ва сажияси ҳақида айтилган ва сайёҳлар тарафидан ёзилган нарсаларнинг кўпи ёлғонлиги ва илгарилари патсифистликка, ҳатто қўрқоқликка йўйиб келган хусусиятлари асосида мулоҳазакор, сабрли ва фавқуллодда босиқ миллатимизнинг вазминлиги ва бегона маданият олдидаги бир нав ҳайратдан бошқа нарсаси эмаслигини, айниқса кўчманчи ва ўтроқ ўзбек-қирғизларда эски қоидалари олижаноблик руҳи ва қаҳрамонликнинг қадим замонлардагидек барҳаёт келаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Қишлоқларда яшириниб юрганлигимиз сабабли, тасодифан ажнабий келиб қолгудай бўлса, оналаримиз ва келинларимиз бизни ичкарида сақладилар. Хотираларида олиб келаётган нақадар эски қўшиқлар, ҳикоялар, достонлар бўлса, бизга айтиб бердилар. Шунингдек, ўзбек қишлоқларида бирида диний мутаассибликнинг кучлилиги ҳақидаги гап-сўзларнинг афсонадан иборат эканлигини кўрдик. Бундай сабр-тоқат шарқнинг бирор миллатида йўқ. Бизга ҳеч бир ерда ҳеч бир ўзбек “Нега намоз ўқимайсан? Рўза тутмайсан?” деган бирон савол бергани йўқ. Бунинг учун бизнинг ўз халқини самимий севган, билим ва ҳунари билан унга ёрдам беришга уринган авлод бўлишимиз кифоя эди”.

<sup>1</sup> “Эллик минг, олтмиш минг аскарлар ила мукамал сипоҳлик, қувватли бир ўрдуга эга бўлган, мухторият ҳукуматини кура билган мужодала, қаҳрамонларни босмачи демак ҳақсизликдир”, — деган эди, Муҳаммад Мусо Туркистоний ( “Туркистон фожеаси”, 1399 ҳижрий, 1-бўлим, 17-бет).

Хуллас, Заки Валидий дўсти Абдулқодир билан 1923 йилнинг 12 мартада Машҳадга кириб келади. Ундан Ҳирот, Қобул, Ҳиндистон орқали Европага йўл олади. 27 ноябрда Истамбулга боради. Таклифнома йўқлиги учун киритмайдилар. Измир орқали Марсел, Парижга келадилар. Валидий Парижда ўнлаб туркшунос, исломшунос олимлар билан танишади. 1924 йилнинг февралда Берлинга боради. 23 ноябрда Берлинда Туркистон Миллий Бирлигининг конференциясини уюштиради, жўшқин учрашувлар ўтказишади. Туркистоннинг кўҳна тарихи-ю зироати-гача бўлган мавзуларда қизғин маърузалар қилади. 1925 йилнинг майида Туркия илмий жамоатчилигининг сўров ва таклифлари, машҳур Кўпрулузоданинг қаттиқ илтимоси билан Истамбулга келади. Шу йилнинг 3 июнида Туркия фуқаролигига қабул қилинади. У 1970 йилнинг 26 июлига — ўлимига қадар шу юртнинг фуқароси бўлиб яшайди. Тўғри, бунинг етти йили (1932-1939 йили) айрим сабаблар билан Австрия ва Олмонияда кечди. Лекин Туркия билан алоқаси узилмади. У Истамбул университети адабиёт факультети декани Кўпрулузода таклифи билан бу ерда Турк тарихи муаллими сифатида иш бошлади. Туркистон фарзанди ҳисобланишини юксак шараф ва мартаба деб билган буюк олимнинг 40 йилдан ортиқ умри кечган даргоҳга қадам босарканман, вужудимни енгил титроқ қоплайди. Мана, 317-хона — Валидийнинг иш столи, машинкаси... Хона музейни эсга солади. Аттила тарихи устида илмий иш олиб бораётган ассистент Али Аҳмадбей хонадаги ҳар бир буюм ҳақида соатлаб гапира олгудек.

Валидий асос солган кафедранинг номи “Умумтурк тарихи” деб аталади. Ҳозирги мудири — Абдулқодир Дўноқ. У ҳам туркистонлик. 43 ёшда. Бухородан. Отаси ўзбек, онаси қозоқ. 1936 йилда Эрон орқали келишган. Абдулқодир шу ерда туғилган, лекин тилини йўқотган. Хижолат тортади, аммо ниҳоятда самимий. Ҳамкасблари билан таништиришга ҳаракат қилади. Меҳмет Саройни танийман. 1942 йилда Афйўнда туғилган. Истамбул университетининг адабиёт факультети тарих бўлимини битирган. 1968-78 йилларда Англияда туркманлар тарихига оид докторлик диссертацияси устида ишлаган. 1988 йилдан Истамбул университети профессори. Туркистон бўйича йирик мутахассис. Валидийнинг истеъдодли шогирдларидан. 1991 йилнинг мартада Симферополда Ғаспранли кунларида учрашганмиз. Исмоилбекнинг Халқаро Истамбул фондига менинг номзодимни тавсия этиб, қизғин қўллаб-қувватлагани кечагидай ёдимда.

Профессор кабинетига бошлайди (бу ерда деярли ҳар бир профессорнинг ўз кабинети бор). “Рус ишғоли даврида Усмонли давлати билан Туркистон хонликлари орасидаги сиёсий муносабатлар (1775-1875)” деган 1990 йилда чоп этилган китобини тақдим этади. Кабинетдаги шогирдлари — бўлажак беш магистр билан танишаман. Унинг ҳам бири туркистонлик, ўзбек қизи. Тили заррача бузилган эмас: 1969 йилда Ҳиндистондан кўчиб келганмиз, Туркистондан қачон чиққанимизни билмайман, бобом Мунаввархўжа йўл азобларини кўп гапирар эдилар. 1981 йилда вафот этдилар, ота-онамлар билишади, дейди.

Руҳихоним самимий уйига таклиф этади, адреси ва телефонини қўлимга тутқазади. Руҳихоним иқтисод факультетини битирган, тарихдан магистр бўлмоқчи.

Абдулқодир билан тушлик қиламиз. Мезбон ҳамюртини энг эътиборли ресторанлардан бирига бошлайди. Бир-биримизга маъноли тикиламиз. Савол-жавоблар тилга кўчади.

— Юрт қандай? Ободми, озодми?

— Ободлигини айтолмайман, озод бўляпти. Лекин ниҳоятда қийин кечяпти.

— Барибир бораман!

Абдулқодир кўзни шовқинли кўчага олиб қочади. Оҳиста қўшимча қилади: ота-онамнинг зорига чидаб бўлмайди.

Ватан — ватан-да.

Профессорнинг кўнглида шу топда нималар кечганини билмайман, лекин менинг хаёлимдан умри гурбатда кечган Муҳаммад Мусо Туркистонининг сатрлари ўтади:

Ватан маълум ўланлар бесабаб тарки ватан этмас,  
Заруратсиз, жаҳонда кимса гурбат ихтиёр э.мас.

Сабабини ҳам шоир айтган эди:



Чиқолмай кўрдигим ҳақсизлига тарки ватан қилдим,  
Ўрус зулми-ла жисмим ёрадур қатъи чаман қилдим.

Дарвоқе, муҳожир ўшлик Мирсолиҳ махдум ҳам Ватан иштиёқини қасидага солиб, етказиб айтган:

Биз ул ошиқлариз, маъшуқ кўйидин чекилганмиз,  
Биз ул мажнунлариз, Лайли араб ҳар сўда сарсониз.  
Биз ул Фарҳодлариз, Ширин ғамида талхикомониз,  
Эмас Юсуф, вале Юсуф каби муштоқи Канъониз.  
Ватан озод, миллат роҳатина жон фидоёниз,  
У мушфиқ модаринг, яъни Ватан ҳажри-ла дилқониз.

Биза даври фалак идборини бу дам шиор этса,  
Бу кун абри сиёҳин савқ ила даври мадор этса,  
Бу кун борони зулм ила жаҳонни тор-мор этса,  
На мушкул давр иқболи ярим давлат нисор этса,  
У дамда ҳар биримиз душмана гўё бир арслониз,  
Ватан қасди-ла душман қаршисида шери ғаррониз.

Ватанхоки биза ҳар зарраси гўё азиз жондур,  
Ки ҳар бир зарра миллат қони-ла ёқуту маржондур.  
Чекилмаз ҳарби душман боғи роҳат саҳни майдондур,  
Ватан шавқи ила ҳар лаҳза, ҳар дам жон сипорониз,  
Бу йўлда қон тўкулсун, жон қирилсун шоду хандониз.

Ватан — жаннат, Ватан — роҳат, Ватан — айшу Ватан — ишрат,  
Ватан боғу Ватан — гулшан, Ватан — ғайрат, Ватан — давлат,  
Ватан — шону шараф навъи башарга боиси рифъат,  
Ватансиз миллата боқ, Эл қошинда борми бир қиммат,  
Ватан ишқи кўнгулда вор экан, то танда бу жониз,  
Ватан севмак бизимча дин эрур, биз — аҳли имониз.

Жимгина университетга қайтамыз.

Университетнинг ҳайбатли арки олдида Боязид майдонига йўл оламыз. Ҳар кун кўрадиканам, улуғвор пештоқдаги “Т.Ж.Истанбул университети. 1453.” ёзувига қарайман. Пастроқда қуръон ояти: “Инна фатаҳна лака фатҳан мубинан” (Биз буни сен учун очдик!). “Фатҳ” сурасидан биринчи оят.

540 йилдан буён бу даргоҳ илму фанга, дину диёнатга маскан бўлиб келади.

## ҚАЙСАРИДАГИ ЯССАВИЙХОНЛИК

1993 йил 26 май

Бугун Туркия мамлакатининг жуғрофий марказидаги шаҳарлардан Қайсаридеги Халқаро симпозиум очилади. Ҳамроҳим — физикдан чиққан файласуф Бахтиёр Каримов. У кейинги пайтларда ўртатурк тили масаласи билан шуғулланади. Шу кунларнинг ғоят долзарб мавзуи. Очилиш маросимларидан сўнг биринчи кун биринчи йиғилишда иккинчи бўлиб маъруза қилди. Мавзуи: Хўжа Аҳмад Яссавий, турк бирлиги ва муштарак турк тили. Мен — эртага, 7-йиғилишда. Мавзуим: сўнгги давр ўзбек мумтоз адабиётида Яссавий анъаналари.

2 (Туркистон, Анадўлу) салонда 18 йиғилишда 76 маъруза тингланади.

Кеча самолётдан тушдик. Кутиб олиб, автобусда Қайсарига жўнатиб юборишди. Қуни билан йўл юриб, эрталабга яқин Қайсарига етиб келдик. Шаҳар шарқидеги Талас деган дам олиш зонасига жойлаштиришди. Илгари бу ерда АҚШ коллежи бўлган экан. Ҳозирда Эржилес университетининг дам олиш жойи. Симпозиумни шу университет ташкил қилган, 20 дан ортиқ ҳомий бош қўшган. Эржилес Қайсарини ўраган, боши ҳамиша оппоқ тоғнинг номи.

Қардошларимизнинг бу ерларга келганига 900 йилдан ошиб кетган. 1071 йилнинг 26 августида Салжук Алп Арслон (1027-1072) ақл ва шижоатини намоиш

этди. Шарқий Румо салтанатининг энг мустаҳкам қўрғони Малазгиртда император Диогенеснинг юз минг кишилиқ қўшинини 15-20 минг аскар билан мағлуб этди. Туркларнинг Анатолияга ёйилиши учун йўл очилди. Бироқ иш осон кечмади. “Абу Шужо” куниясини, “Адуд-уд-давла” лақабини, “Бурҳон амир ул-мўминин” унвонини олган бу шижоатли саркарда бир йил ўтмай, 45 ёшда она юрти Мовароуннаҳрга қилган сафарда асир олинган бир қалъа кўмондони ханжаридан ҳалок бўлди. Унинг ўрнини 1072 йил 25 ноябрда ўғли Маликшоҳ (1054-1097) эгаллади. Маликшоҳ салтанат марказини Исфаҳонга кўчирди, лекин “бизанс”лар билан жангни давом эттирди. Шундай жанглардан бири Коппадакия (Қайсари) атрофида бўлди. Маликшоҳ Византия императори Михаил VII нинг қўшини устидан йирик ғалабани қўлга киритди. Қошғардан Босфоргача, Оролдан Ҳинд денгизигача, Кавказдан Ямангача салтанат қурган “Султон ул-аъзам”, “Султон ул-олам”, “ас-Султон ул-адл”, “Абул-фатҳ” — каби кўплаб шарафли унвонларга эга бўлган ҳукмдор 38 ёшда заҳарлаб ўлдирилди. Қизиғи шундаки, унинг энг ишонган вазири “Сиёсатнома” нинг муаллифи машҳур Низомулмулк эди...

Қайсари шаҳрида XIII асрга оид Салжуқийлар меъморчилик услубига хос “Хуннат хотун” жомеъси (1238), Жавҳар Насиба Султон (1165-1206) номидаги дорушшифо (ҳозир музей) диққатни тортади. Хожатепа университетидаги тиббиёт факультетини Жавҳар Насиба номида дейдилар. Мавлоно (Жалолиддин Румий)нинг устози Саид Бурҳониддин муҳаққиқи Термизий (1165-1244) нинг қабри ҳам шу ерда. Туркий адабиётнинг XIV асрдаги истеъдодли вакилларидан Қози Бурҳониддин Аҳмад 1345 йилда шу шаҳарда туғилган. Унинг отаси хоразмлик Шамсиддин Муҳаммад шу шаҳарнинг қозиси эди. Қози Бурҳониддин ҳам 21 ёшда қозиликка мушарраф бўлган. Сўнграқ Сивос бейи даражасига кўтарилган. Жасур ва истеъдодли бўлганлигини, турк, араб, форс тилларида бирдай шеър ёза олганини хабар қиладилар. 1398 йилда Сивос атрофидаги ўзаро жангларда ҳалок бўлган. “Иксирус саодат фи асрор ул-ибодат” (“Бахт эликсири ибодатидир”) номли арабча илмий асарини кўп тилга оладилар.

Анжуман Эржиес университетининг буюк Шарқ алломалари барельефлари туширилган маданият саройида очилди. Уни ректор, проф. Меҳмед Шоҳин очди. Ҳар бир сўзини ўйлаб, ўлчаб, тарозига қўйиб гапирадиган хилидан. Файласуфликка мойил, лекин камгап.

— Бугун маънавий меъморимиз хотирасига бир ўтов қурилмиш, — деб бошлади сўзини. Сўнг эса, исломнинг Арабистонда вужудга келган бўлса-да, уни Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва Тошкент юзага чиқарганлигига диққатни қаратди. 1050-1500 йиллар ораллигидаги хўжагонлар наслининг оламжаҳон намояндлари Ҳамадоний, Ғиждувоний, Нақшбандийлар ва Яссавий-ю Ҳожи Бектошларни, уларнинг Анадўлудаги давомчилари Юнусу Мавлоноларни тилга олди.

Исломнинг бу йўриғи недир? Савол қўйди нотиқ. Ва инсоннинг ҳаққа, ҳақиқатга муносабати хусусида гапирди. Сўнгги минг йиллик ислом тарихини шу нуқтаи назардан кўздан ўтказди. Сўнг Туркия вазирлар маҳкамаси номидан собиқ маданият вазири Номиқ Камол Зебек ва Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон элчихонаси вакиллари сўз олдилар. Йиғиннинг тантанали қисми тугаб, иш бошланди. Мамлакатимиздан келиб ўқиётган ёшлар бизга ёрдамчи бўдилар.

Маърузалар орасида туркиялик жуда кўп мутахассислар, чунончи машҳур яссавийшунос Камол Эр-аслон, Анқара университети профессори Мустафо Кафали, Ғозий университети профессорлари Решот Ганж ва Қосим Яшар Кўпраман, проф. Масарратхоним, Озарбойжондан ФА Қўлёзмалар институти директори проф. Жаҳонгир Қаҳрамонов, Боку давлат университети кафедра мудири проф. Элёр Сафарли, Татаристондан таниқли тилшунос, ФА тил, тарих, адабиёт институти директори проф. Мирфотиҳ Закиев, машҳур этнограф Аброр Каримуллин иштирок этдилар. Шунингдек, собиқ советлар мамлакатидан Туркия университетларида муваффақият билан ишлаётган туркман профессори Қурбондурди Гелдиев (Эгей университети), татар Фарид Ҳақимжонов (Анқара университети) ҳам бор эди.

Илмий маърузаларни бошлаб берган Мустафо Кафали “Яссавийни майдонга келтирган давр” ҳақида фикр юритар экан, салжуқийлар футуҳотига ва бунда “шайхул машойих”нинг исломчилар ғоялари таъсирига атрофлича тўхталди. Яссавий сиймосининг туркий қавмларни бирлаштирувчилик ролига эътиборни қарат-

ди. Темурнинг унинг қабрига мақбара қурдиришида, Шайбонийнинг таъмирла-тишида катта маъно кўрди. “Туркистон давлати бўлинди, “Ҳазрат Туркистон” дав-лати тирикдир”, — деган сўзлар билан чиқишини яқунлади. Ҳамшаҳаримиз Б.Ка-римовнинг маърузаси ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. Нотиқ 5-6 минг муштарак сўзни машина ёрдамида аниқлаш ва шу асосда ўрта турк тилини яра-тишнинг техник-амалий жиҳатларига тўхталди. проф. Масарратхоним эса, Кўпру-лудаги Яссавийнинг ҳикматлари муаллифлигига доир айрим шубҳаларни давом эттириб, уларни шогирдлари ёзганга чиқарди. Табиғки, кўп маърузачилар бу фикрни эътиборсиз қолдирмадилар ва унга ўзларининг салбий муносабатларини билдириб ўтдилар. Эржиес университети муаллими Метин Караўрс Яссавийнинг Қайсарда чоп этилган бир девони босмаси муносабати билан унинг Туркиядаги нашрларига кенг тўхтаб ўтди. Гапни шоир асарларининг тилига боғлаб, унинг ўрта турк тилини яратишда ҳозир ҳам ҳамкор бўла олишини таъкидлади.

Элёр Сафарали Яссавий ва Хатойй, Яссавий ва Қози Бурҳониддин масалала-рига диққатни қаратди. Фузулий уни ғоят севганлигини мисоллар билан далиллаб берди.

Қосим Яшар Кўпрамон фикрича, шеър Яссавий учун бир восита, холос. У дунё низомини миллий шаклга солган мутафаккир, туркнинг бирлигини, бутунлигини асослаган миллиятчидир. Шу жиҳатдан у Ўғузхон, Дада Кўрқут, Гўрўғли каби-лар қаторида туради. У инсонликни эмас, исломликни бирлашмоққа чақиради. Дарҳақиқат, инсонликнинг мазмуни, ҳамиша ҳам исломлик билан мутаносиб ке-лавермайди.

Доғистонлик проф. Зобит Акабов “Аҳмад Яссавий ва қумиқ адабиёти” мавзуи-да маъруза қилди. XVIII-XIX асрларда яшаган Абдураҳмон Кокшурунскиининг “Амон тур, қўй мини, эй фона дунё” шеърини қиёсий таҳлил этиб берди.

Кечқурун ректор Меҳмед Шоҳин зиёфат берди. Меҳмед Шоҳиннинг дастур-хон устидаги ҳикматларидан:

Икки киши Оллоҳни таниш борасида сўз юритар эди. Биринчиси деди: Мен уни борлигини ва бирлигини имоним билан биламан.

Иккинчиси деди: Мен исбот орқали. 70 далолат билан. Ва санай бошлабди.

— Бу етмиш далил эмас, сенинг етмиш шубҳангдир, — деб жавоб берибди би-ринчиси.

## ДЕРИНКҮЙ

Деринкўй — ер ости дегани. 20 майда дарслик муаллифлари Навшаҳар саёҳа-тига йўл олдик. Бу шаҳарни Қайсарига келганда кўрганман. Мени кўпроқ Де-ринкўй қизиқтиради.

Туркияда 125 ер ости шаҳари бор, шундан еттитасигина саёҳатчилар учун очиқ, дейдилар. Навшаҳар жанубидаги Деринкўй саёҳатчилар учун 1964 йилда очил-ган. Унда бу жойларнинг тарих билган энг кекса соҳиблари хетитлар милоддан олдинги 2000 йиллардан бошлаб яшаганлар. Ваҳший ҳайвонлар тажовузидан, қиш-нинг қаҳратон кунларидан ер остига тушиб жон сақлаганлар. Уй ҳайвонларини ҳам олиб тушганлар. Бу ҳол милоднинг биринчи минг йиллигида ҳам давом этди. Бу даврда улар христиан миссионерлардан, ҳар хил мазҳаб урушлари, исовий жа-золардан қочиб беркинганлар. Дастлаб ер устида мустаҳкам қалъалар куриб яши-риндилар. Ўзларини ҳимоя қилишга кўчлари етмагач, қалъаларни ер остига кўчир-дилар. Аслида булар ер ости қалъалари эди. “Душман келди!” деган хабар бери-лиши билан ҳамма ер остига кириб кетар. Биридан иккинчисига ўтадиган йўлак-ларнинг ҳар бирида тошдан катта қопқоқлар бўлиб, бекитиб олишар, излаб туш-ган душман қаёққа боришини билолмай қолар эди. 125 ер ости шаҳари маълум кишиларгина биладиган яширин йўллар билан боғланган эди. Ер остида 2125 хона бўлган.

Тор йўлакдан пастки иккинчи қаватга тушамиз. 15-20 киши сиғадиган хона. Диний ўқув хонаси — деб тушунтиради йўлбошловчимиз. Бурама айланма йўллар, очилиб-ёпиладиган қопқоқлар орқали тобора пастлаб бормоқдамиз. Тез-тез дам олишимизга қарамасдан, совуқ тер босади. Ҳаво етишмайдигандек туюлади.

Йўлақлар ёритилган бўлишига қарамай, ваҳимали. Чироқнинг бир дақиқа ўчиб қолишини тасаввур қилиш — даҳшат. Айрим шерикларимиз орқага тисарилиб, ташқарига қайтишни сўрайдилар. Мезбонлар дарров ёрдам беришади. Биз эса қайсарлик билан йўлни давом эттираемиз.

85 метр пастга тушдик. Сув оладиган жой, жимирлаб оқиб турибди. Қаёқдан келиб, қаёққа кетяпти — билиб бўлмайди. Давра қуриб ўтираемиз.

— Қадим-қадимлардан келадиган одат бор. У ерга тушган ҳар бир киши уч тилак тилаб зикру само қилиб айланган, — дейди йўлбошловчимиз. Бирин-кетин бурчакка бориб, пичир-пичир қилиб тилак тиладик. Ҳамма ёқни пичир-пичир босиб кетгандек бўлди ва чамамда узоқ такрорланиб турди. Менинг хаёлимга негадир ота-онам келди. Сўнг оилам, ўзим. Илоҳо, дедим, илтижо қилиб: ота-оналаримнинг руҳи покларини шоё этгайсан. Илоҳо, оилам, болаларим омонлигини, тарбияси ва келажагини ўз муҳофазанга олгайсан. Илоҳо, юзимни ҳеч қачон ерга қаратмагайсан, ҳамиша юзимни қизил, тилимни узун қилгайсан.

Ваҳималик маҳобатли бурилишлардан жон ҳовучлаб орқага қайтмоқдамиз. Адашиб қолган киши икки дунёда чиқа олмайди. Тушаётганимизда ёлғиз тушар йўлларда радио митингни олиб бериб тургандай туюлган эди. Атайин қилинган бўлса керак, ваҳм олмаслик учун деб ўйладим. Ундай эмас экан. Тасодифан билиб қолдим. Чиқаётганда йўлбошловчимиз мени бир эшикка қоровул қилиб қолдириб, ўзи йўл очгани кетди. Ва узоқдан товуш берди. Товуш айланиб, буралиб келгандек бўлди. Мен унинг ишорасидан кейин “явош гечинг!” дедим-да, шерикларимни бир-бир ўтказиб бошладим. Бир-икки минутдан кейин овозимнинг акс-содасини таниб қолдим. Чамаси овозим бекитилган, бирор қопқагача борди-да, ўшанга урилиб қайтиб келди. Қайтиб чиққаннимизда ҳамма ёғимиз ҳўл, терга ботиб кетган эдик.

Туркиянинг бундан бошқа ҳам ер ости синоатлари бор. Шундайлардан бири Истамбулдаги “Аё Суфия” жомеъсининг фарбида жойлашган “Ере батан сарниги” — Ер ости сувхонасидир. Шарқий Румо императори Юстиниас томонидан VI асрда бино қилинган. Узунлиги 140 м., эни 70м. 336 мармар устунни бор. Устунларнинг баландлиги 9 м. Атроф деворнинг қалинлиги 4 м. Сув шаҳардан 19 км узоқликда бўлган ўрмонлардан келтирилган.

Балиқлар сузиб юришибди. Сув тагида зиёратчилар ташлаган тангалар кўрилади: Сув олинадиган 28 устуннинг бири “кўз ёш устунни” дейилади. Юзи терсга қаратиб ишланган Медуза —қиз, бўртма устунлар, ғира-шира ёниб ўчар чироқлар...

Булар маданият асарлари, тамаддун излари. Нега бизда бугунгача бундай сақланиб қолган осори атиқалар кам? Ёки аждодларимиз яратмаганларми? Унда Самарқанд, Бухоро, Урганчларни ким жаҳоннинг зийнатига айлангирди? Ёки ададсиз жанг жадалларда нес-нобуд бўлиб кетдимиз? Ундай десак, жангу жадал бўлмаган ерларни топши қийин-ку! Тўғри, халқимизнинг бир қисми чорвадор кўчманчи эди. Аввало, шу кўчманчи чорвадор ҳаёти билан ҳам жаҳон маданиятига кўп нарса берди. Филдиракни шу кашф қилди. Отни боқишни ҳам, минишни ҳам удумга шу киритди. Турколог Копперца шундай қайд бор: “Отни одамга ўргатишда индо-германлар туркларга бурчлидирлар”.

Халифа Маъмун лашкарбошиси Ҳумайд Бин Абдулҳамид ёзади: турк ҳам чўпон, ҳам сайис, ҳам дўхтир, ҳам суворийдир. Қўйингки, ҳар бир турк бутун бошли миллатдир. Машҳур Ал-Жоҳизнинг “Фазоил-ул атрок “ида ўқиймиз: турклар от минишнинг тенгсиз устасидирлар...

Замонавий инглиз тарихчиси Тойнби кўчманчи ва деҳқон ҳаётини солиштирар экан, кўчманчи ҳаётини “инсон маҳоратининг зафари” деб ҳисоблайди.

Бизда эса, кўчманчилар ҳаётини, негадир ибтидоий босқич деб қараш ҳукмрон. Аслида туркий халқларнинг кўчманчи қисмидан ўтроги кўп бўлган. Заки Валидий “Умумтурк тарихига кириш” китобида қарлуқ, чигил, орлот каби ўнлаб ўтроқ уруғларнинг номини келтирган.

Ё осори билаларимиз кўпу биз билмаймизми? Биз билмаслигимизнинг ҳам бир жиҳати рост. Шаҳрисабздаги Оқ саройнинг тепасида сарҳовуз борлигини нақл қиладилар. Самарқанд аҳли 2000 йил олдин тазар (ер ости сув қувири) дан, бугунги ифода билан айтсак, водопроводдан фойдаланилгани ҳақида эшитганмиз. Минг

йил муқаддам Бухоро атрофида қатъий илмий асосда деҳқончилик қилингани маълум. Тахланган, нишаблари олинган пайкалларнинг бугунги аэросуратларини кўрганман. Аму — Бухоро каналидан фойдаланишда иш берган. Бу хил кичик мўъжизалар кўп бўлиши керак. Лекин бугун ушлаб дунёга кўрсатадиганимиз доврүғимизга яраша эмас-да. Хунларни олинг. Заки Валидий ёзади: “Буюк хун давлати қурилса эди, турклар Шарқда Чин Ғарбда Юнон ва Эрон сарҳадларигача бўлган кенгликда яшаган бўлардилар”. Нега Исмоилбей Гаспранли маърифат ва маданиятни эгаллашни, умумий адабий тилни сўнгсиз изтироб ва ҳаяжон билан орзу қилади. Чунки булар миллатни тарбиялаш воситаси бўлишдан ташқари, унинг тарихи билан келажagini боғловчи кўприк, бирлиги ва борлигини англатиб турувчи қудратли омил ҳам эди. Исмоилбейнинг бир ҳовуч юнонлардан сонсиз-саноқсиз ёдгорликлару меросхўр авлодлари бугунги греклар қолгани ҳолда Оврүпо ва Осиёни остин-устин қилган хунлардан ҳеч нарса қолмаганини, ҳатто авлодлари устидан ҳали ҳануз талашиб ётганимиз ҳақидаги маҳзун ўйлари шундан далолатдир.

## СОДИҚ ТУРОЛ

### Эскартма:

1946 йилда Анқара яқинидаги Қирққалъа шаҳрида туғилган. Отатурк университети адабиёт факультетини битирган. 1972 йилдан Хожитепа университети ўқитувчиси. 1978 йилдан адабиёт доктори, 1982 йилдан ёрдамчи доцент, 1983 йилдан доцент, 1984-1988 йилда Давлат режалаштириш қўмитасида маданият бўйича масъул, маданият вазирлигининг нашриёт ҳайъатига аъзо ва мутасадди. 1988 йилдан Хожитепа университети профессори. 1991-1996 йилда Ғози университети фан, адабиёт факультетининг турк тили ва адабиёти бўлими бошлиғи.

Ўн бештача китоби, юздан ортиқ мақоласи чоп этилган. Қирқ магистрлик, йигирма докторлик диссертациясига раҳбарлик қилган. “Заманин элинден тутмак” (“Замон билан ҳамнафас”) 1982-1991 йилларда икки марта нашр қилинган ва Туркия миллий култур вақфи (1982), Ёзувчилар уюшмаси (1983) мукофотларини олган. “Манас” нинг минг йиллиги муносабати билан туркия ва Бишкекда амалга оширилган ишлари учун 1995 йилда Қирғизистон ҳукуматининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. 1996 йилда Қозоғистон Фанлар Академияси фахрий аъзолигига сайланди.

1989 да Отатурк юксак қуруми, Отатурк култур марказида ҳайъат аъзоси. 1993 йилдан Марказ раҳбари.

1996 да ЮНЕСКО Миллий ҳайъат раҳбарияти аъзолигига сайланган.

Докторлик диссертацияси “Усмонли салтанатининг сўнгги йилларида (1909-1923) адабиётимизда туркчилик оқими: миллий адабиёт жараёни” (Анқара, 1978) деб номланган.

“Туркча композиция” (1977), “Маданий кимлик борасида фикрлар” (1992), “Шахсиятлар ва асарлар”, “Шеър таҳлилларида усул” (1997), “Турк дунёсида ранглар ва наврўз” каби китоблари, лицейлар учун ёзилган “Турк тили ва адабиёти” (1992-1993) дарслиги катта эътибор топган.

Ибн Сино, Улуғбек каби буюк алломалардан тортиб, “Манас” каби машҳур дostonларимизни бугунги муҳожир олимларимиздан Боймирза Хайитгача ёзган. Бугунги кунда Отатурк култур маркази томонидан чиқарилаётган 30 жилдлик “Турк дунёси адабиёти” нашрига раҳбарлик қилмоқда.

Дарсликни тугатиб, Тошкентга қайтадиган кунларимиз эди. Шуайб Қорақош Отатурк култур маркази муштарақ бир нашрга тайёргарлик кўраётганини, раҳбари проф. С.Турол мен билан суҳбатлашмоқчи эканини айтди. Учрашдик. Элликларга бориб-бормаган, ифодаси жуда жонли. Ҳар бир гапини бирор нақл билан айтадиган сўзамолгина киши экан. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиши билан мақсадга кўчди. “Турк дунёси адабиёти тарихи” деган катта бир дардининг ҳасрати билан юрганини айтди. Шундай салмоқли бир ишга турк дунёси шу кунда ғоят муҳтожлигини асослашга уринди.

Бугунги кунда “туркий халқлар” атамаси сўзи ер юзига тарқалган, дунёнинг турли жойларида яшаб турган 200 млн. нуфузга эга бир улуснинг оти эканлигини биласиз, — дея узоқдан бошлади гапни профессор. — Унинг вакиллари олис тарих давомида кенг жуғрофий минтақада жуда кўп ва хилма-хил давлатлар қурдилар. Бу давлатларнинг бир қисми салжуқийлар, усмонийлар, теурийлар, бобурийлар каби шахсиятлар номи билан аталиб, халқи ҳам шу номни олди. Баъзилари (татар, чечен, озарий каби) бошқа миллатлар берган ном билан танилдилар.

Турк улусининг асли, илк ватани ҳамон баҳсли. Ҳар ҳолда илк ерлашиш биргина маконда бўлган эмас. Биз шу фикр тарафдоримиз. Шумерларнинг аслини туркий ҳисобловчи америка ва олмон олимлари бўлганидек, бунга эътироз билдирувчи туркларимиз ҳам бор.

Турк сўзи ҳам Осиё кенгликлариди, ҳам Кавказда, ҳам Шумерлар ўлкасида ўзини намоён этган бир улуснинг номи. Раҳматли Отатурк Туркия ва турк сўзларини бир атама сифатида дастлаб бизнинг уфқимизга, сўнг миллатлар оиласи уфқига олиб чиқди.

Дунёда савдо-саноат ёхуд ҳарбий идеологик заминга таянувчи уюшмалар бўлганидек, ҳақли суратда тил ёхуд қавм асосидаги бирлашмалар ҳам бор: Ҳинд-Оврупо тил гуруҳи, Урал-Олтой оиласи, Англо-саксон, герман, семит халқлари каби. Худди шунингдек, турк атамаси ҳам болқор, авар, қорачой, қозоқ, қирғиз, ўзбек, телеут, табар, можор ва б. (қипчоқ гуруҳи) ҳам баёти, қайи, така ва б. (ўғуз гуруҳи)ни ўз ичига олади. Ҳолбуки бу атама бугун дунёда фақат Онадўлу ва Туркияда яшаётганларга нисбатан қўлланилмоқда. Онадўлуда яшаётган халқ эса минг йиллик янги тарихи давомида эски тарихини ёддан чиқариб бўлди. Эски қавмий маълумотларни тўплаш, ўрганиш зарурлиги тарихчи, этнолог, этнографлар олдига илк бор Отатурк томонидан қўйилган эди. Биз шундай ишнинг заруратини бугун янада теранроқ ҳис қилиб турибмиз.

Турклар 3 қўлдан (қипчоқ, ўғуз, шумер) иборат бўлиб, ҳар бири 24 гуруҳдан ташкил топган. Тарихчилар, филологлар, антропологлар, лозим бўлса, тилчилар ва этнологлар бу 72 қавмнинг муштарақ ва хусусий жиҳатларини далиллаб, ойдинлаштириб беришлари керак. Бу қавмлар билан боғлиқ маълумотларни улар ҳақидаги орзу ва истакка қориштириб, маҳаллийчиликка буриб юборадиган муҳокамалар ҳам йўқ эмас. Региональ маънодаги қавм, уруғ, сулола ёхуд хонадон тушунчасини миллий ўзлик деб билмоқ этноцентризм нохушликларига олиб келади.

1924 йилдан олдин, Советлар Иттифоқи ташкил этилгунга қадар Туркистон (Шарқий ва Ғарбий), Кавказ, Эдил-Урал, Озарбойжон, Онадўлу атамалари бор эди. Бугун эса икки хил номланиб турибди: а) қавм белгиси билан (Туркиш валд, Валд оф туркаш) атамаси туркча сўзлашувчи халқларга берилган умумий номдир. Биз бу “дунё” (Турк дунёси) билан боғлиқ юзлаб муаммолардан учтасини келтирамиз.

1. Туркий халқлар бир-бирларини етарли даражада танийдиларми?
2. Туркий халқларнинг муштарақ кадриятларини қайси соҳалардан ва қандай изламоқ керак?
3. Туркий халқларнинг ўзаро алоқалари қандай йўналишда, қай хил тадқиқотчилар ва қандай воситалар ёрдамида амалга ошмоғи лозим.

Биз булардан дастлабки иккитасигагина жавоб бермоқчимиз.

Биласиз, турк қаерда бўлмасин, қандай жуғрофий минтақада ёхуд сиёсий тузумда бўлмасин, уларни бир-бирига яқинлаштирадиган қудратли нарса бор. Бу — тил. Сўнг муштарақ маданият. Маданиятни биз кенг, турмуш тарзи — култур маъносида тушунамиз. Турк дунёсида турк тили — дунёга келган ва ёйилган минтақалар ва жойлардаги давлатлару, тузумлардан юксак, балки уларнинг устида турадиган яна бир дунё бор. Бу — матнлар дунёси. Бир-бирларига таъсир кўрсатмаган, балки беҳабар ҳолда келган қадрият ва ҳолатларни кўзда тутмоқдаман.

Муаммоларимиз кўп бўлмаса-да, бор ва эътиборга лойиқ, деб ҳисоблайман. Хуллас, бир-биримизни танимоқ ва бир-биримизга танитмоқ мақсадида кўпжилдлик “Турк дунёси адабиёти” деган улкан бир нашр лозим.

С.Турол бу ғояни кўпдан ўйлаб юрганлигини, мустақил туркий республикалар қарор топгандан сўнг уни амалга ошириш имконияти туғилганини сўзлади. Сўнг

Ўзбек адабиётшунослигининг ютуқ ва муаммолари, мумтоз адабиёт тадқиқи, хусусан, манба-матнлар нашри, талқин-таклифлар аҳволи, янги (жадид) адабиёти, унга муносабат масалалари ҳақида фикр алмашдик. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўрганилишидан Шарқ мумтоз поэтикасининг бугунги тадқиқи ва тадқиқотчиларига, қадим туркий битикларимиздан ўзбек жадид адабиётининг намояндаларига, қилинган ишлар, ёзилган дарсликлар ва қўлланмалар, асосий тадқиқотлар, манбалар нашри, уларнинг савия-даражаси ҳақида қисқа-қисқа маълумот бердим. Агар шундай нашр амалга ошса ва ўзбек мутахассисларининг иштироки лозим топилса, кимлар қатнаша олиши мумкинлигини айтдим ва ўттизга яқин мутахассис ҳақида маълумот қолдирдим.

Шундай қилиб, дарсликдан бошланган сафар нашрга келиб боғланди.

Айсалбей айтганидек, мақсад муҳим. Бу ёғи бир гап бўлар. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

### 1995 йил 21 август, Тошкент

Бугун проф. Содиқ Туролдан кетма-кет иккита хат олдим. Биринчиси: қисқача таклифнома эди:

Муҳтарам Бегали Қосимов!

Марказимиз тарафидан Туркиядан ва турк дунёсидан қатнашадиган билим одамларининг ёрдамлари билан “Турк дунёси адабиёти тарихи” номли бир нашр ҳозирлаш кўзда тутилмоқда. У билан боғлиқ ишлар бошлаб юборилган. Туркия жумҳуриятидан ва турк жамоаларидан қатнашадиган билим одамлари иштирокидаги йиғилиш 1995 йилнинг 12-15 октябри кунлари ўтади. Йиғилиш қатнашчиларининг йўл, овқат, меҳмонхона харажатларини Отатурк култур маркази маъмурияти ўз зиммасига олади.

Анжуманга қатнашиш-қатнаша олмаслигинингизни кўрсатилган адресга билдиришингизни ўтинаман.

*Проф. Содиқ Турол, Отатурк култур маркази раиси.*

Иккинчисидан ишнинг мақсад-мазмунини бир-оз кенгроқ изоҳланган бўлиб, шундай бошланар эди:

Муҳтарам Бегали Қосимов!

“Турк дунёси адабиёти” лойиҳаси муносабати билан Анқарада Сиз учун мезбонлик қилмоқ бизни бахтиёр этади.

А) “Турк дунёси адабиёти” лойиҳаси 30 жилдлик бир буюк лойиҳа бўлиб, тўрт ички қисмдан иборат бўлади:

1) Энг эски манбалардан 2000 йилга қадарли бўлган Турк дунёси адабиёти тарихи — 12 жилд.

2) Энг эски даврлардан 2000 йилга қадарли бўлган Турк дунёси билим ва адабиёт матнлари анталогияси — 7 жилд.

3) Турк дунёси адабий терминлар ва тушунчалар энциклопедик луғати — 5 жилд.

4) Турк дунёси билим ва адабиёт вакиллари энциклопедияси — 6 жилд.

Б) “Турк дунёси адабиёти” лойиҳаси 3 алоҳида тузилма фаолияти ёрдамида амалга оширилади:

1) Дастур бошқарув тузилмаси.

2) Дастур ишчи тузилмаси.

3) Дастур ишчи тузилмаларининг муқобил таклифларини кўриб чиқувчи мутахассислар гуруҳи.

В) Сиз “Турк дунёси адабиёти тарихи” ич дастурининг ҳақиқий аъзоси, бошқа дастурлар бўйича маслаҳат берувчи аъзосисиз...

Мақтубнинг иккинчи қисмида Ўзбекистонда нашр этилган адабиёт тарихи китобларидан, антология ва адабиётшунослик луғатларидан олиб келиш илтимос қилинган эди.

### 1995 йил 15 сентябр

Анқара. Қадрдон “Бошкент ўйретменевн”га жойлашдим. Бугун йиғинимизнинг охириги куни. Ҳар куни қуёш бизнинг деразадан чиқади. Чапда игнадек 28 қават-

лик “Сабанжи қиз юрду” — машҳур ишбилармон Сабанжи (“сомончи” дан бўлиши керак) қурдирган қизлар ётоғи. Унга тунда оппоқ нурга чўмилиб ётадиган Ота-турк қабри, тепаликлар, бинолар.

Республикалардан келган ҳайъат аъзолари билан танишиб, аралашиб кетдик. Олмаотадан филология фанлари доктори, Қозоғистон фанлари академияси мухбир аъзоси, Республика давлат мукофоти лауреати Мухтор Авезов номидаги Адабиёт ва санъат институти Қўлёзмалар марказининг директори Сейит Асқарули Қасқабоев, Бишкекдан “Мерос” марказининг директори, профессор Абилабек Асанқанов, Бокудан 2 киши: профессорлар: Бекир Набиев, Комил Валиев, Татаристондан мен 1972 йилдан буён яқиндан танишиб, шахсий алоқада келаётганим, ҳозирда академик, Давлат мукофоти лауреати Хатиб Миннигулов, уйғур Аблаким, Туркиядан проф. Содиқ Турулнинг ёнида Шукри Элчин, Мужгон Жунбур, измирлик “Қардош адабиётлар” журнали муҳаррири Ёвуз Акпинар, Эрондан Жавод Ҳайъат ва ҳ.

Дастурнинг дастлабки йиғилиши бўлгани учун кўп мажлисларимиз нашрнинг асосий принципларини келишиб олишга қаратилди. Чунончи, “Тарих” да биография берилмайди, ижодий портрет яратилади. “Энциклопедия” да асарлар таҳлил қилинмайди. Адабий истилоҳлар қомус-луғатида барча туркий адабиётлардаги хусусиятлар умумлаштирилади. Масалан, “ғазал” да дастлаб ушбу жанрнинг истилоҳий маъноси, келиб чиқиш ва такомил босқинчиларини бир киши ёзади. Ҳар бир мамлакат вакили ўз адабиётида тарқалиш доираси, кўлами, хусусиятларини ёзиб беради. Ҳайъат умумлаштиради.

“Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Ошиқ Ғариб” каби машҳур дostonлар ҳам шундай ҳал қилинади. 1996 йилнинг февралига қадар шошининч 5 ҳарфнинг сўзлиги тузилади. Иложи бўлса, шу йиғилишдаёқ ҳар бир адабиётнинг тахминий дастури белгиланади. Ҳар йил 2 мартга Анқарада тўпланадиган бўлди. Нашр ишлари 2000 йилда ниҳоясига етмоғи лозим. Йиғинда иштирок этаётган ҳар бир мамлакатнинг вакили лойиҳанинг ўша ердаги мутасаддиси ҳисобланади. У юртига бориши билан 30 жилднинг қурилишига мутаносиб 4 ички ҳайъат тузади. Бу ҳайъатларнинг йиғилишларида ҳар бир йўналиш бўйича бериладиган материаллар ва уларнинг муаллифлари муҳокама қилиниб, тасдиқланади...

Дастлабки Анқара учрашувимизда қизгин баҳс уйғотган масалалардан бири миллий адабиётларимизнинг чегараси бўлди. Муҳокама давомида туркиялик ҳамкасбларимизнинг 19-асргача бўлган барча туркий халқлар адабиётини умумтуркий ҳисоблашга ва унинг Туркияда ёзилишига мойилликлари сезилди. Табиийки, бунга биз эътироз билдирдик. Лекин энг кескин гапни эронлик Жавод Ҳайъат айтди. “Ўзларингиз ёзар экансизлар, бизни нега чақирдингиз. Аждодларимиз бундай эмас эдилар-ку!” — деди. Ноқулай вазият майдонга келди. Шу тариқа бизнинг, яъни ўзбек адабиёти мутахассисларининг чегараси дастлаб Навоийгача, сўнг Ясавийгача чўзилди.

## ЖАВОД ҲАЙЪАТ

Бу номни Туркияда яхши биладилар. Мажлис раиси Турк култур қуруми бошлиғи проф. Содиқ Турул меҳмонларни бир-бирларига таништираётганида уни йиғин иштирокчилари олқишлар билан кутиб олган эдилар. Мажлислар давомидаги муҳокамалар, чой, овқат тепасидаги суҳбатлар, лифт ва йўлақлардаги учрашувлар у кишини яқинроқдан таниш имконини берди.

Узун бўйли, тик қоматли, ёши 70 да бўлишига қарамай, шахдам, кўринишидан ғоят жиддий профессор Жавод Ҳайъат табиатан шўх, ҳазилкаш, одамлар билан тез киришиб кетадиган экан.

— Ошларингизга шерик бўлдим-а, — деди бир куни ярим ҳазил, ярим чин, овқат тепасида, — ўзини касбини қилиб юрса бўлмайдим, дерсиз. Нима қилай, яхши кўраман, Адабиётсиз тура олмайман.

Профессор иложсиз кишидай узун сўлиш олди.

Мен унинг асл касби жарроҳ эканлигини шундан билдим. Жавод Ҳайъат 1925 йилда Табризда руҳоний оиласида туғилган. Отаси али Ҳайъат асримиз бошида-



ги Эрон инқилобий ҳаракатчиларининг раҳбарларидан. Эрон адлия тизимига асос солган машҳур олим ва руҳонийлардан эди.

Жавод Ҳайъатнинг ҳаёти ва фаолияти Эрон жарроҳлик фанининг сўнгги 50 йиллик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. У тиб илми ихтисослиги учун аввал Истамбулда, сўнг Парижда ўқиди. 1952 йилда врачлик дипломини олиб, тўғри Теҳронга келди ва 43 йил давомида 25 мингдан ортиқ турли операциялар қилди. Эронда биринчи маротаба юрак жарроҳлигини катта жасорат билан амалга ошириб, йўлга қўйди. Ўн икки йил “Дониши пезешки” (Шифокорлик илми) номли тиббиёт журнаliga муҳаррирлик ва ноширлик қилди. 1963 йилдан Халқаро жарроҳлик жамиятининг Эрон бўйича вакили қилиб сайланди. Ўтган давр ичида олтмишдан ортиқ миллий ва халқаро жарроҳлик қурултойида қатнашди. 1982 йилда Франция жарроҳлик академиясига аъзо этиб сайланди. 1987 йилдан буён Теҳронда Озод ислом университетининг жарроҳия кафедрасида мудирлик қилиб келади.

Жавод Ҳайъат бундан 27 йил аввал, 1968 йилда биринчи бор юрак клапанларини алмаштирган, ҳайвонларнинг юрагини кўчириб ўтказган, Теҳронда илк дафъа буйрак трансплантациясини муваффақият билан амалга оширган жарроҳ сифатида тиббиёт оламида маълум мавқега эга. Кейптаунлик машҳур К.Бернарднинг сафдоши, яқин дўсти. Унинг бу ҳаракатлари Эронда “Биринчи даражали Амак ордени” билан тақдирланган.

Унинг жарроҳликка оид 2 жилдлик дарслиги ва бу соҳага дахлдор юздан ортиқ илмий мақолалари бор. Бу мақолаларнинг аксарияти Франция ва АҚШ каби мамлакатларда чоп этилган.

Сўзга, адабиётга иштиёқ, айниқса Навоийга меҳр доврўқли жарроҳни умр бўйи тарк этмади. Эрон ислом инқилобидан сўнг жарроҳлик билан бир қаторда адабиёт соҳасида ҳам фаол ишлашга ўтди. Теҳронда ўз она тили — озарбойжон тилида “Ворлик” журнаlinи чиқара бошлади. 17 йилдирки, у мунтазам чоп этиб келинади. Озарбойжон тили ва адабиёти, ислом мафкураси ҳақида туркум мақолалар, китоблар бостирган. Жумладан, Тил, адабиёт, тарих халқ оғзаки ижоди ҳақида етти китоб, 250 дан ортиқ мақола нашр эттирган, китобларидан тўрттаси Озарбойжонда, мақолаларининг талай қисми эса Туркия, Франция, Америка матбуотида босилган. Улардан 2 жилдлик “Озарбойжон адабиётига бир боқиш”, “Шифойи халқ адабиёти”, айниқса форс ва озарбойжон тилларида чоп этилган “Туркларни тарих ва ферхенгина бир боқиш” (“Тарихи забон ва лаҳжаҳои туркий”) ҳамда Теҳронда форсча чиқаришга муваффақ бўлган “Муқоясатул луғатайн” (“Икки тил муқоясаси”) китоблари айрича аҳамиятга эгадир.

Алишер Навоийдан илҳомланиб ёзилган кейинги асар буюк адибнинг “Муҳокаматул луғатайн” ига бир назирадир. Муаллиф ўстоз изидан бориб, форс тили билан турк (озарбойжон) тилини муқояса этади ва Навоийнинг турк тилининг имкониятлари ҳақидаги беш юз йил олдинги хулосаларини янги-янги фактлар билан мустаҳкамлайди.

— Мен биргина озарбойжон шеvasида 1700 та форс тилида учрамайдиган феълни топишга муваффақ бўлдим, — давом этади жарроҳ-адабиётшунос ва бирмабир мисоллар келтира бошлайди — тирмашмоқ, сийирмоқ...

Дарвоқеъ, форс тилида феълнинг ортгирма даражаси йўқ, бу тилда, масалан, “ўқиттирди”ни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди, — изоҳлашга тушиб кетади олим.

Унинг бу фикрлари “Амир Алишер Навоий” ҳақида мақолалар номли туркум тадқиқотларида ривожлантирилганига шубҳа йўқ.

Жавод муаллим Навоий ҳақида гапирар экан, ўйчан кўзларида фавқулудда бир завқ-шавқ пайдо бўлади, гапирмоқчи гаплари вужудига сўғмаётгандай ўрнидан кўзголиб-кўзголиб қўяди, қўлларини ҳаракатга солади.

Навоий, шеър бу — мўъжиза, илми — тил-адабиёт қомуси, фаолияти элга, юрт-га хизмат қилишнинг бетимсол ўрнаги. Навоий бу — бошимиздаги тож, дея яқунлайди сўзини.

— Ўзбекистонда бўлганмисиз? — сўрайман секин.

— Орзуим бор. Буюк бобомизнинг Сиз, асл авлодлари, меросхўрлари юртини, Навоий эъзозини кўришни орзу қиламан...

Учрашиш умиди билан хайрлашамиз.

Хаёлимдан четга арзонгаров шуҳрат илинжида бугунги Ўзбекистоннинг мустақиллик ва демократия йўлидаги изчил ва собит қадамларига нописанд қараб, қилдан қийиқ қидириб юрган айрим ватандошларимиз ўтади. Дунё қизиқ экан-да.

Жавод Ҳайъатнинг Озарбойжон зиёлилари орасида баланд мавқеи бор. Озарбойжон РФА, Ёзувчилар уюшмаси, жарроҳлар жамияти ва зиёлилар бирлигининг фахрий аъзоси ва қатор университетларнинг фахрий доктори ва профессоридир<sup>1</sup>.

### 1997 йил 3 ноябр

Кеча тонгда Ўзбекистондан 6 киши Анқарада 4-7 ноябрда бўлиб ўтадиган IV Турк конгрессига келдик. Ўз ФА Адабиёт институтидан Тўра Мирзаев ва Маматкул Жўраев, Наим Каримов ҳам таклиф қилинган эди, бироқ у Берлиндаги “Ўзбек адабиёти кунлари” га борадиган бўлиб қолибди. Тошкент университетидан мен, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматов ва Адҳам Алимбеков. Сўнг яна 3 киши — И.Қўчқортоев, Тоҳир Қаҳҳор, Ш.Усмонова қўшилиб, 9 киши бўлдик. Савлатли вакола. Улус мавзеи, Шаҳар ёшлар боғи рўпарасидаги кўркам “Стат” меҳмонхонасига жойлашдик. Тушгача мириқиб дам олиб, шаҳар айландик. Меҳмонлар секин-аста кўпая бошлади. Эски танишлар: Хатиб, Бекир Набиев, Комил Валиев, Олмаотадан таниқли фольклорист, 30 жилдликнинг қозоқ адабиёти бўйича янги мутасаддиси ҚРФА М. Аvezов номидаги адабиёт ва санъат институти директори проф. Шокир Ибраев, хотини ва ҳамкасабаси Қарлуғочхоним, Русиядан таниқли туркологлар: С.Кляшторний, Дм.Васильев, этнограф Светлана Червонная ва б. С.Червонная билан 1991 йилда Симферополда И.Гаспринскийнинг 140 йиллигида кўришган эдим.

Бугун эрталабки нонуштада Боймирза Ҳайит ҳам бўлди. Умарали ака, Лазиз ака уччаламиз чой ичиб ўтиргандик, юзида ним табассум, рўпарамизда пайдо бўлди. Туриб, жой кўрсатдим, ўзимни ва шерикларимни таништирдим. Танийман, танийман, Сизларни танимай бўладими, деди энгил кулиб. Кўзлари чақнаб, қорачадан келган хиёл тунд юзи ёришиб кетди. Эсимга 2 йил олдинги воқеа тушади. 1995 йилнинг баҳорида Анқарада “Турк дунёси адабиёти” дарслигини ёзаётган пайтимиз. 28 май куни ҳамкасабамиз Шуайб Қоратош ва рафиқаси Гулнихол бизни уйига таклиф қилди. Мен, Насимхон Раҳмонов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов меҳмон бўлиб, соат ўнлардан ошганда қайтиб келдик. Ҳамхонам — Насимхон. Энди ётган эдик, телефон жиринглаб қолди. Гўшакни Насимхон кўтарди. Ҳаяжонланиб, овози бир оз ўзгаргандек бўлди. “Ҳа, йўқ”, “Раҳмат, раҳмат”дан нарига ўтмай, гўшакни менга узатди. Олсам, унинг ўзи экан. Бугун бизнинг дарагимизни топганини, бир неча кундан буён Туркиядалигини, кундузи бир неча бор телефон қилганини, ҳатто бир марта келганини (муҳокамаларимиз бошқа ерда ўтар эди) самимий тушунтира кетди. “Турк ўчоғлари” жамиятларининг қандайдир бир халқаро йиғилишига келган экан.

Гап жадидчиликнинг ўрганилишига кўчди. Менинг “Излай-излай топганим...” китобимни топиб ўқиганини, 50 йиллигимда газеталар унинг давоми, 2-нашри ҳақида ёзишганини, олиб келган бўлсам, шулардан бирор дона беришимни, Германия, Америка ёшлари ҳақидаги материалларга муҳтожлигини, умуман бу борада маълумотлар фоят озлигини куйиниб гапирди. Мен Ўзбекистонда бу ишлар аста-секин йўлга қўйилаётганини, ўзимнинг эса жиддийроқ бир иш қилолмаганимни, 8-10 табоқ ҳажмида 2 та кичкина рисолам чиққанини айтдим. Мамнун бўлди. Эрта кечқурун Олмонияга қайтаётганини, қайси китобдан ёнимда бўлса, инъом этишимни илтимос қилди. Жавобни мужмалроқ қилиб хайрлашдим. Чунки юрагимизда қолган ҳадик ва қўрқувлар эркин бўлишимизга йўл бермас эди. Бу, айниқса, эртаси қаттиқ билинди.

Ҳар куни кечки овқатдан сўнг меҳмонхона атрофларини айланар эдик. Бурилиб, меҳмонхонамиз эшигига тўғри бўлди. Насимхон иккаламиз бир-биримизга

<sup>1</sup> 1995 йилнинг охирларида Эрон ва Озарбойжонда жарроҳ адиб таваллудининг 70 йиллиги нишонланди. Бокуда “Озарбойжон” нашриёти Эрон ва Озарбойжон зиёлиларининг у ҳақдаги фикрларини тўплаб, китоб ҳолида эълон қилди. 1997 йилнинг майида Жавод Ҳайъат 30 жилдликнинг Тошкентдаги кўчма йиғилишига рафиқаси билан келди. Тошкентлик олимлар, жарроҳлар билан ҳам учрашди. Ўзбекистонлик жарроҳ адибимиз профессор Жуманазар Бекназаровнинг меҳмони бўлди, операцияларида қатнашди. Самарқандни бориб кўрди.

боқишганча қолдик. Ҳйлаб-Ҳйлаб бормасликка қарор қилдик. 2 соатча шаҳарни айланиб, ҳеч нарса кўрмагандек хонамизга кириб кетганмиз...

Бир-бирларини орқаворотдан яхши билган Лазиз ака билан меҳмонга зимдан қараб қўяман. Лазиз ака столдан кўз узмай, хотиржам эшитади. Меҳмон ҳеч нарса бўлмагандай бизларни кўриб қувонганини, тарихимиз тадқиқи, бугунимиз тарғиби борасидаги ишлар ҳақида завқ билан гапирди. Умарали ака эса, унинг гапларини эшитиб-эшитмай, маҳлиё бўлганча ўринли-ўринсиз “энди сиздан ажралиш йўқ”, “энди сизни ҳеч кимга бермаймиз” деб қўяди.

Узоқ давом этмади. Узун бўйлик, қотмадан келган бир киши тавозеъ билан келиб кўришди. Шарқ қўлэмалари профессори мисрлик ўзбек Насруллоҳ Тарозий экан. Утган йили Тошкентда Амир Темур тантаналарида кўришгандим. Тарихчи Исанбика билан турганимизда, отаси Заки Валидий ҳақида жуда баланд гапларни гапирган эди. Насруллоҳ Мубошир ал-Тарозий қадим Тороз (Авлиё ота) дан. Отаси бир вақтлар Афғонистонда шоҳнинг имоми бўлган. 7 ёшларида онаси вафот этиб, ёш Насруллоҳ саройда тарбияланади. Франция коллежида ўқийди, 5 тилни мукаммал эгаллайди.

### 1997 йил 4 ноябр

Бугун эрталаб соат 10да Отатурк булваридаги Тубитак биносидан IV Турк култур конгрессининг тантанали очилиш маросими бўлди. Конгресснинг ташкилотчилари Отатурк юксак қуруми ва Отатурк култур маркази раёсати бўлиб, ҳар тўрт йилда бир марта чақирилади.

Конгрессни юксак қурум бошлиғи проф. Ришот Ганж очди. Оралиқ 4 йилда турк маданияти оламида юз берган силжишлар, хусусан, 30 жилдлик “Турк дунёси адабиёти тарихи” нашри билан боғлиқ ишларни алоҳида тилга олди. Иккинчи бўлиб, давлат вазири (вице премьер) Аҳад Андижоний гапирди. Туркий маданиятнинг қадимий ва жаҳоний маъқеини бугунги серташвиш замон билан боғлади. Билка Қоон, Култигинлардан Шайхобиддин Маржоний, Абдулҳамид Чўлпонларга тилга олди. Ўз сўзини Култигиннинг турк-ўғуз бекларига қарата айтган “Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?” сўзлари билан тугатди.

Президент Демирел ўз сўзини А.Андижонийнинг “Маданиятлар бир-бирларига таъсир кўрсатиш орқалигина тараққий топадилар” деган сўзлари билан бошлади. Халқларимизни асрлар оша турли-туман сиёсатлар бир-бирдан ажратиб келгани, маданий ҳамкорлик фақатгина инсоният тараққиёти учун хизмат қилиши, ҳар қандай миллийлик тилдан бошланиши ҳақида гапирди. Юсуф Хос Ҳожибдан мисоллар келтирди. Умумтурк тарихини, маданияти, адабиёти тарихини ҳамкорликда ёзишга ундади. Сўнг Отатурк култур марказининг фахрий аъзолиги “Шараф уяси” диплом (“барот”)ларини топшириш маросими бўлди. Уларни Президентнинг ўзи топширди. Жаҳон туркологларидан 10 киши бу номга сазовор топилди. Шулардан иккитаси Ўзбекистондан (ЎЗРФА Президенти Т.Жўраев ва мен) эди.

Тушдан кейин меҳмонхонанинг 4-салонида докладлар муҳокамаси бошланди. 1-салон (“Долзарб мавзулар”)да Адҳам Алимбеков Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ўзбек тўйлари ва у билан боғлиқ урф-удумлар мавзуида чиқиш қилади. 4-салон (“Анъаналар”)да — Тўра Мирзаев (“Тўй маросимида ёр-ёрлар”). Эртага Шоира “Ўзбек-турк муқобил фразеологизмлари, индин Маматқулники (“Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ культлари”), Лазиз ака (“Ҳамза ва истиқлол”), Умарали ака (“Ўзбек тарихий романларида кечмиш сабоқлари”), Тоҳир Қаҳҳор (“Туркистон матбуотида Туркия билан боғлиқ мавзулар”) ва мен (“Ўзбек мардикорлик шеърляти”) сўнгги кун — 7 ноябрда чиқиш қиламиз. Жамъи 200 дан ортиқ маъруза тингланди.

Дастурга кўз ташлайман. Насруллоҳ Мубоширнинг мавзуи: “Туркларнинг форс тили ва адабиётига хизматлари”, Шокир Ибраев “Қўрқут ота шомондур”, Меҳмет Демирчи “Бугунги кунда тасаввуф ва култур”, Алексей Пилев “Ясавий дунёқараши манбалари”, Муазаз Илмия “Шумер адабиёти ва диний китоблар”, қайсарлик дўстим Абдулқодир Ювали “Янги турк ренессанси” борасида маъруза қиладилар.

2-("Меъморлик") ва 3-(театр ва мусиқа) салонларда ҳам қизиқарли чиқишлар кўзга ташланади...

Кечқурун Аҳад Андижоний меҳмонларга зиёфат берди. Касби врач, тикқомат, серғайрат, 40-45 ёшлардаги йигит. Гап-сўзи пухта, ўзбекчасини йўқотмаган. Зиёфат ўртасида столимизга келиб, ҳар биримиздан ҳол-аҳвол сўради. Мамнун бўлдик. Катталаримиз ватандошимиз ва миллатдошимиз ҳаққига дуо қилдилар...

### 1997 йил 6 ноябр

Оралиқ танаффуслардан бирида проф. Исанбика Тўғон сўраётганини айтишди. Исанбика хоним билан олдин ҳам учрашганман. Заки Валидийнинг қизи. Ёши 55-56 ларда. Татарчага мойил оҳиста гапирувчи, мулойим, назокатли аёл. Таниқли тарихчи, профессор, яқиндагина русияда бўлиб ўтган Халқаро Биринчи турк фестивалидан қайтибди. 17 сентябрдан 1 октябргача давом этди, — дейди. Ўзбекистондан ҳеч ким қатнашмабди. Русияда Турк академияси ташкил қилинибди. Исанбика ҳам аъзо қилиб сайланибди. Бироқ ҳалигача жойи йўқ, идора вице президент Рашид Солиҳов уйда, дейди Исанбика. Ушбу фестивал мана шу академиянинг ишларидан экан. Нижний Новгородда "Бошқирдистон куни", Қозонда Татаристон куни" ўтказилибди.

Кечқурун Исанбика уйга телефон қилди. Русияга саёхати билан боғлиқ суратларини томоша қилдик. Роберт Боимовнинг Заки Валидий ҳақида ёзган "Сибор шунқор" романини кўрсатди. Хатиб Миннигул Султонғалиев тўғрисида Қозонда ёзувчи Ринат Муҳаммадиевнинг "Сирот кўприги" романи чоп этилганини ва у Измирда Мустафо Ўнар томонидан туркчага таржима қилиниб, халқаро мукофотларга сазовор бўлганини ёзган эди. Татар-бошқирдлар яқин тарихларини яхши ўрганмоқдалар.

Гап олис тарихга кўчди.

Исанбика хитой тилини билади. Хитой манбаларидан эркин фойдалана олади. У кўпдан буён "Хитой манбаларидан қўнғирот уруғи ҳақида маълумотлар" билан шуғулланиб келади. Унингча, бу уруғ 12 асрда Хитойдан чиқиб келган. Хитойда уни "хунгжи"лар деб атаганлар. Сўнгроқ у "унгирод"га айланган. Рашиддин маълумот беришича, улар чингизийлар билан қуда-анда бўлиб келганлар, кўрагон бўлиб, хон маъракаларида ҳаммадан олдинда ўтирганлар. Улар келиб илк ўрнашган ер Хоразмдир. Сурхондарёга эҳтимол, XIII асрда келган бўлсалар, — дейди Исанбика.

Тарих — ўзга бир олам. Унинг ичига кирганингиздагина у сизга ўз сирларини очади. "Турк" сўзини ҳатто, даставвал эл-улус эмас, сифат ўрнида ишлатиладиган дегувчилар бор. Масалан, Бамбергда яшовчи проф. С.Тезжон Кўктурк битикларидаги "Турк-будун"ни "Турк қавми" эмас, "хос-ом" маъносида қўлланилган деб ҳисоблайди. Лекин шуниси аниқки, Фарбий Оврупо сарҳадларидан олис Тинч океангача бўлган жуда катта минтақада "туркий тил"да сўзлашувчи элатлар яшаганлар ва уларнинг бир қисми араблар томонидан тили асос олиниб, "турклар" ("атроқ") деб аталган. Бу элатларнинг ўзлари эса, номларини эски ҳолида сақлаб келадилар. Номларидаги ҳар хилликларнинг шунга ўхшаш сабаблари бўлиши керак. Орийларнинг минтақамизга кириб келиши миллоддан олдинги 2000 йилликда бошланиб, 1500 йилларда тўхтаганини ҳисобга олсак, бу фикрда жон борлиги маълум бўлди.

Исанбика билан суҳбатимиз кейинги Туркия сафарларимизда ҳам давом этди. 1998 йил 7 июндаги учрашувимизга ҳар доимгидек янги гоёлар билан келди. Отасининг "Хотиралар"и қайта нашр этилаётгани муносабати билан Туркистонга оид шахс ва жой номларини мендан аниқлаштириб олди. Акаси Ирисмуҳаммаднинг мозори, отасининг Оҳангарон атрофидаги хуфия жойи ҳақида суриштирди ва асосий мақсадга кўчди. "Осиё турк тарихи" қўлланма (эл китоби) сини ёзмоқчимиз. Отамнинг ишини давом эттирмоқчимиз, — деди ва асослай кетди: Отам тарихимизни ёзишда европа, биринчи навбатда Франция, Германия иш усулларидан келиб чиқди. Ўша ёқлардаги фикр-қарашларни олиб, баҳслашди, айримларини қабул қилди, айримларини рад этди. Бу ўша замон ва шароит учун тўғри эди. Лекин энди

бизда катта имконият очилмоқда. Биз бу тарихни бевосита турк дунёсидан келиб чиқиб ўрганиш имкониятига эгамиз.

Иккинчидан, Туркияда тарихни шажаралар, сулолалар билан текшириш урф бўлган. У ҳолда катта салтанатлар қурмаган жуда кўп қавмларимиз четда қолмайми? Мен татар-бошқирларнигина кўзда тутаётганим йўқ.

Текширишда яна бир усул бизда кенг тарқалган. Биз тарихимизни бир узун “коридор” ясаб, шундан олиб ўтамиз. Яъни, Мўғулистон — Олтой (хун йўли) — Туркистон — Онадўлу, ён-атрофларимиз-чи?

Лекин Заки Валидийда ғоят муҳим бир нуқта бор. У туркий халқлар тарихини жаҳон контекстида ўрганади. Буни сақлаб қолишгина эмас, ривожлантириш керак. Эскирган ғоялардан воз кечиш керак. Масалан, мен 16-19-асрларни таназзул даври деб қарамайман. Асосларим бор...

Ҳозир янги турк Ренессанси ҳақида кўп гапирмоқдалар. У нимада кўринади, очиш керак!

1999 йилнинг майида Анқарада ушбу масалаларга бағишланган бир йиғин мўлжалланаётган экан.

Ўрни билан Исанбика 1997 йилда Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган “Турк тарихи” йиғини таассуротлари, Тошкентдаги танишлари борасида ҳам гапириб ўтди. Гапни бирдан ваҳобийликка буриб, “ҳайронман, бу оқимнинг сизларда пайдо бўлишига ҳеч қандай замин йўқ-ку! Шарқ мамлакатларининг ҳеч бирида қабристон Ўзбекистондагидай эъзозланмайди-ку”, — деб қолди.

Дарҳақиқат, қабристон бизда ғоят муқаддас. Тарихчи олиманинг келтирган далиллари биздаги ваҳобийликнинг маълум мақсадларни кўзлаб четдан келтирилганлигига кишини ишонтирар эди.

### 1997 йил 8 ноябр

Кеча халқаро конгресс ўз ишини яқунлади. Бугун 30 томликнинг таҳрир ҳайъати иш бошлашди. Биздан Т.Мирзаев, Л.Қаюмов ва мен қатнашдик. Утган оралиқ 5 ойда қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бердим. Материалларни элчихона орқали юбориш тажрибаси маъқулланди. Дастлабки мақолаларимизга қалам ҳақи олдик.

Айрим масалаларга аниқлик киритилди. Масалан, халқ оғзаки ижоди намуналарини бераётганда унинг “энг буюк варианты” кимда бўлса, ўшанинг ёзиши маъқул топилди. Вақтида тугатиш учун эса, ҳар бир муаллифга хат ёзиб муддат белгилаш, шарт қўйиш тавсия этилди. “Энциклопедия” га материал йиғаётганда 40 ёшдан ошмаган ижодкорларни қатъий саралаб, фақат фавқуллода талантларинигина киритиш қарор қилинди.

“Истилоҳ” ларнинг асосий қисми Туркияда ёзилади, чунки сўзлиги шу ерда тузилди. Қолган туркий адабиётлардаги хос хусусиятлар, номлар, намуналар илова қилинади. Биз ўзимиз тузган 2100 “термин” ни ўзимиз ёзамиз. Қорақалпоқ адабиётини акс эттириш масъулияти ўзбек ҳайъатига юкланди.

Кечқурун Хатиб телефон қилиб қолди. Аҳмад Темир келибди. Аҳмад Темир Туркиядаги татар муҳожирлардан. 90 га яқинлашган. Анқарада яшайди. Татаристоннинг Алмат (Алметовск) шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Отаси Рашид мулла 10 йил Макка, Мадинада ўқиган, арабча, франсузчани билган. Аҳмад 1927 йилда отаси сабабидан совет мактабларида ўқишдан маҳрум этилади ва у 1929 йилда Урал Беккул деган бир шериги билан Батум орқали Туркияга қочиб ўтади. Трабзонда муаллимлар мактабида, сўнг Истамбулда Ҳайдар Пошо литсейида ўқийди. 1935 йилда Анқарада очилган Тил, тарих, жуғрофия факултетида таҳсил олади. 1936 йилда ўқишни давом эттириш учун Германияга кетади.

Тафсилотларини сўрай бошлайман.

— Фуод Кўпрулу сабаб бўлди, — дейди суҳбатдошим.

Проф. Муҳаммад Фуод Кўпрулузодани билмайдиган адабиёт мутахассиси йўқ. “Турк адабиёти тарихи”, “Турк адабиётида илк мутасаввифлар” китоблари ёдимга тушади. Яссавийнинг 1990 йили Туркистон халқаро симпозиумида бухоролик салоҳиятли тилшуносимиз Ҳамид Нейматов Ҳазрат Султон қабрида жозибали бир қироат билан қуръон ўқиган, шунда парижлик профессор Ирена Меликоф хоним ўз ҳайратининг рамзи сифатида Кўпрулунинг 1918 йилда чоп этилган ва Яссавий-

га кенг ўрин берилган мана шу “илк мутасаввифлар”нинг илк нашрини ҳада қилган эди. Заки Валидий Истамбулга келган 20-йилнинг ўрталарида Кўпрулу Истамбул университети адабиёт факультетининг декани эди.

— Кўпрулуда ўқиганмисиз? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Ҳа, ажойиб одам эди, — давом этади у. — Биринчи дарсдаёқ “ораларингда чет тили биладиган борми?” деб сўради.

— Хўжам<sup>1</sup>, мен бир оз олмонча ва русча биламан, дедим.

Кейинги дарсда бир олмонча мақола олиб келди, таржима қил, деди. Биринчи таржимам шундай майдонга келди. Келаси йил Олмонияга жўнатиб юборди. 1943 йилгача Олмонияда бўлдим.

### Эскартма:

А.Темир Берлинда Хумбольдт университетида ўқиган. Шарқшунос проф. Р.Хартмандан туркология, проф. Э.Хайнишдан мўнғулча ва хитойча, проф. М.Васмердан славистика дарслари тинглаган. 1943 йилда шу ерда фалсафа доктори илмий даражасини олган. Айни пайтда мазкур университетнинг Шарқ семинариясида татар тилидан дарс берган. 1943-46 йилларда Туркия фуқароси ўлароқ ҳарбий хизматда, зобит, 1947-51 йилларда Миллий таълим вазирлигида масъул ходим. 1952-53 йилларда Хамбург университети таклифига кўра туркий тиллардан дарс берган ва турк, мўнғул тиллари бўйича доцентлик илмий унвонини олган. 1962 йилда эса Анқара университетининг тил, тарих, жуғрофия факультетида турк тили профессори унвонини олади. 1961 йилда “Турк маданияти илмий тадқиқот институти”ни очади ва унга 1975 йилга қадар директорлик қилади. “Турк културу”, “Турк културу араштирмалари” номи журналлар, жилд-жилд китоблар чиқаради. 1973 йилда Туркия жумҳуриятининг 50 йиллиги муносабати билан майдонга келган ПИАК (Перманент интернейшнл Алтаистик конференсе), яъни ДОМОК (Доимий миллатлараро олтойшунослар конференцияси)га раислик қилади.

1982 йилдан буён нафақахўр.

Эътироф этишича, русча, немисчада (табиийки, туркчада ҳам) эркин; французчаси, инглиз, араб, мўнғулчаси — ўртача: ўқийди, сўзлашади, лекин ёзишда қийналади. Лотинча, грекча, хитойча, мажорчаси — бир қадар: ўқийди, тушунади, аммо сўзлашишда қийналади.

200 дан ортиқ турли китоб ва мақолалари, таржималари бор. Улар орасида Низомиддин Шомий “Зафарнома”сининг Нажотий таржимаси ҳақидаги мақоладан мўнғулшунос академик В.Я.Владимирцовнинг (1884-1931) “Чингизхон”и ҳақидаги тақризгача бор. Шунингдек, у Абу Жаъфар Табарий (839-923)нинг “Тарихи Табарий” номи билан машҳур “Миллатлар ва ҳукуматлар тарихи”ни В.В.Радлов (1837-1918)нинг “Аус Сибириен” (“Сибирия”) тадқиқотини таржима қилган. Турк-мўнғул, турк-араб тилларининг ўзаро алоқалари, этнография, Қорахонийлар даври адабиёти ва уларнинг тадқиқотчилари, Курсавий, Маржоний, Ҳ.Нисорий, Тўқай, О.Иброҳимов каби татар адиблари ижоди, Байкал кўли тарихи, Мўнғул тарихи... Қўйингки, унинг қизиқмаган нарсаси йўқ. Ҳаётда ҳам шундай. 90 га кираётган чол от минади, чанғи учади, ҳатто Анқара Ёшлар боғида музмайдон ясалди дегунча, қизи ва хотинини олиб конки учишга боради.

— Биздан борганларни танирсиз?

— Кимни кўзда тутяпсиз?

— Масалан, Мустафо Чўқаевни.

— Мустафобейни ғойибона билардим. Олмонияга боргандан кейин яқиндан танишдик. Сўнг матбуот соҳасида бирга ишлашдик. У “Ёш Туркистон”<sup>2</sup>ни чиқарди. Мен “Миллий йўл”да хизмат қилдим. Шу муносабат билан В.Қаюмхон, А.Ўктой, Т.Чиғатой каби ёш туркистонликлар билан ҳам яқинлашдик. Аслида уларни

<sup>1</sup> Турклар ўқитувчига шундай мурожаат қиладилар.

<sup>2</sup> “Ёш Туркистон” — туркистонлик муҳожирлар журнали.

<sup>3</sup> Татар муҳожирлари журнали. Кўпгина татар муҳожирлари, жумладан, таниқли турколог Рашид Раҳмати Орат ҳам журналда ишлаган.

роқдан танирдим. 20-йилларнинг охирида Олмония-даги бухоролик танидан бир қисми иқтисодий қийинчиликлар туфайли Туркияга Трабзонга келган. Қозондаги муаллимлар мактабида айримлари билан бирга ўқиганман. Жавоннардим. Ўғуз, Уйғур деганларини эслайман. Улар мен билан тенгдош эдилар. Идрисийнинг тақдири ҳақида нима дея оласиз?

Олимжон Идрисий, биласиз, татар. Бухоролик ёшларни Олмонияга ўқишга келтирилгандан кейин у ҳақда баланд-паст ҳар хил гап тарқалди. Берлиндаги татар унги кўпда ёқтиравермасдилар. Бироқ тўғри, имонли одам эди. Кўп тил билди. Бир муддат Олмония Хорижия вазирлигида ишлади. Хотини дўхтир эди. Ўғли. бир қизи бор эди. Урушдан сўнг кўришмай кетдик.

— Мустафо Чўқай ҳақида гапирмоқчи эдингиз?

— Гитлер ҳокимият тепасига келгач, Мустафобей Олмонияга келмай қўйди. У эмас, бошқа таниқли мусулмон зиёлилари ҳам ўзларини четга олдилар. Мустафо Аёз Исҳоқий Варшавада яшарди. У редакторлик қилган “Миллий йўл” газетасини чикарди. Мустафобей эса Парижда эди. Уруш бошлангач, асирга тушган туркий халқларнинг, жумладан, туркистонликларнинг тақдири билан шуғулланган эътиборли одам керак бўлиб қолди. Уни Париждан шу мақсадда олиб келишди. Лагерларда бир неча марта бирга бўлганмиз. У кўплаб туркистонликларни сақлаб қолди.

Боймирза Ҳайитнинг гапи эсга тушади:

— Мустафо Чўқай Германияда кечалари идиш-товоқ ювувчиларга ёрдамчилик қиларди. Обрўси зўр, лекин бир сўм берадиган йўқ.

Гапни Аёз Исҳоқийга бураман:

#### Эскартма:

Аёз Исҳоқий (1878-1954) — машҳур татар адиби, истиқлол қаҳрамони, сиёсий муҳожир.

1917 йил Октябр воқеаларига қадар социалистик фикрда бўлган. Сўнг Русиядаги мустақил Татаристон ғоясини илгари сурган. 1918 йилдан эса большевиклардан қатъий узилиб, уларга қарши кураш бошлаган. Миллий мажлис томонидан 1918 йилги Версаль конференциясига — сулҳ мажлисига делегат қилиб сайланганидан фойдаланиб, чет элда қолади. 1919 йилда Парижга боради. 1923 йилда Берлинга кўчиб ўтади. 1925 йилда Туркия маориф вазири Ҳамидулла Субҳий тақлифи билан Истамбулга келиб, Туркология институтида ишлаб бошлайди. Анкарада нашр этилган “Турк юрти” журналининг бош муҳаррири этиб тайинланади. Полшалик маҳбус дўсти, маршал Ю.Пилсудский тақлифи билан 30-йилларда Полшада яшайди. 1928-39 йилларда “Янги миллий йўл” журналини чикаради. Фашистлар Германияси Полшани олгач, Туркияга кетиб, умрининг охиригача ўша ерда қолади. Илк асари “Таълимда саодат ёки илм ўрганувда роҳат умр” ҳикояси 1899 йилда Қозонда босилган. Ҳозирда унинг 600 га яқин номдаги адабий, илмий, публицистик асари маълум. 1911-1918 йилларда адибнинг 8 жилдлик “Асарлар тўплами” нашр этилган. Ўнлаб газета-журналларга муҳаррирлик қилган. У муҳаррирлик қилган илк газета (1901 йил, Қозон, “Тараққий”) ҳам, илк журнал (1902, Қозон, “Хуррият”) ҳам яширин чиққан эди. Сўнгроқ (1905) “Тонг”, “Тонг юлдузи”, “Товуш” (1907) газеталарини чикаради. Сиёсий мазмундаги ҳикоялари учун қамалади, Финляндияга қочади. Туркияга боради. 1909 йилда Қозонга қайтади. 1913 йилда Петербургда “Эл” газетасини чикаради. 1916 йилда Туркистондан мардикорлар олиш Фармони худди шу газета саҳифаларида эълон қилинган эди. “Лошмон хизмати”, “Лошмон хизмати ҳақидаги Фармон”, “Лошмон хизматина кирарга тиловчилар” каби кескин мақолалар ёзиб, оқподшонинг ғайрирус миллатларга бўлган шовинистик муносабатини фош этади. Мардикорлик кўзғолонида жўшқин эҳтирос билан Туркистон манфаатини ҳимоя қилиб чиқади.

А.Исҳоқийнинг XX аср бошида шов-шув яратган асарларидан бири 1904 йилда босилган “Икки юз йилдан сўнг инқироз” повести бўлди. “Инқироз” менга ғоят муассир бир фожиа таъсирини берди, — деб ёзади замондоши З.Валидий, — мен ҳеч бир драма ўқиб, ёки томоша этиб, “Инқироз”дан олган таъсирни олмайман. “Инқироз” америка ёзувчиси Эдуард Белламининг “Юз йилдан сўнг” (1888 йилда

ёзилган, 1893 йилда русчага таржима қилинган, 1905-06 йилларда “Юз йилдан сўнгра ёхуд 2000 санаи мелодия” номи билан Гаспринскийнинг “Таржимон”ида босилган) хаёлий романига жавоб эди.

Агар Беллами юз йилдан сўнг илм-фаннинг тараққиётига суяниб “олтин аср” келажагидан умид қилса, А.Исҳоқов татар миллатининг мавжуд иқтисодий-сиёсий шароит тақозоси билан тобора яқинлашиб келаётган ҳалокатидан сўз очади. Ва бу инқирознинг бош сабабини кўрсатиб беради: Булар фикр қуллиги, маориф ночорлиги, миллатга хизмат қила оладиганларнинг фақирлиги, рус-европа илм-фанидан ўзни олиб қочиш, қилинган барча ишларнинг асоссизлиги.

А.Исҳоқий чет элда экан, ўнлаб эда қоладиган асарлар яратди. Хусусан Русиядаги қизил салтанатнинг 20-йиллардаги фожиалари ҳақида ҳикоя қилувчи “Тўлқин ичида”, татарларнинг русларга қарши XV асрда олиб борган шонли кураши саҳифаларидан ҳикоя қилувчи, миллий ғурурни тарбияловчи “Улуғ Муҳаммад” драмалари муҳим адабий ҳодисалар сифатида тарихга кирган.

Суҳбатимиз Аёз Исҳоқийга кўчади:

— Мен у кишини биринчи маротаба Берлинда юртбошимиз Тоҳир Чиғатойни-кида кўрганман, — қизгин давом этади суҳбатдошим. — Биларсиз, бухоролик 70 талаба қаторида Германияга ўқишга келиб, шу ерда қолиб кетишга мажбур бўлган, сўнграқ ижтимоий фанлар бўйича профессорликка кўтарилган бу миллат-парвар йигит Аёз Исҳоқийга куёв эди. Янги уйланган пайтлари Берлинда туришарди. Бир куни бориб эшикни тақиллатсам, А.Исҳоқий чиқиб келяпти. Немисчалаб кимни излаётганимни сўради. Татарчалаб: — Саодат Чиғатойнинг уй шуми? — дедим. Кенг юзига ёқимли табассум ёйилди, кимлигимни суриштираркан, ичкари бошлади.

— Алматда кимлардан бўласан?

Умри сургунларда кечган бу доврўқли одамни Татаристондагина эмас, бутун Русияда яхши танир эдилар. Отам раҳматлик бу киши билан бирга кўп марталаб чой ичганини ифтихор билан гапирарди. Эслармикан?!

Ўзимни бир пас сақлаб турдим. Эҳтиёт билан маҳалламиз, уруғимиз ҳақида айтдим.

— Отанг ким?

— Рашид мулла.

— Эсламан, эсламан, — деди бир лаҳза ўйлаб олиб. — Калта бўйли ҳазрат эди, — давом этди атоқли адиб ва шаклу шамойилигина эмас, феъл-қилиқларига-ча гапириб берди.

#### 1998 йил 4 июн. АНҚАРА

Ўтган куни тонг саҳарда Тошкент-Истамбул рейсидан тушиб, Истамбул-Анкарага ўтдик. 40-45 минутда “Эсенбуқа” аэропортига келиб қўндик. Доим автобусларда кетардик. Самолётда учадиган бўлдик. Бу гал шеригим ҳам бор, проф. Л.Қаюмов. “Турк дунёси адабиёти” 30 жилддиги ҳайъатининг ҳар йилги йиғинига кетяпмиз. Бу тўртинчиси. Ўтган йилгиси Тошкентда бўлган эди.

Машинага чиқарканман, қулоғимга Қизилча деган жой номи эшитилди. Бу, ўша Боязид билан Амир Темур тўқнашган мавзеъ эмасмикин. Янглишмасам, у ҳам шаҳарнинг шарқда бўлиши керак. Заки Валидийнинг хабарлари эсга тушади:

“1925 йил 17 июл. Темур билан Боязид урушган жойни излайман. Бугун Анқаранинг жанубий шарқдаги Хусайн Ғози деган тоққа чиқдим. Қизил Ҳисордан бир қишлоқ йигити: — Ҳай, нима қилиб юрибсан, бирови ўлдириб кетади”, — деб қолди. “Ўлдирса, ўлдирар, нима қилай, Темур билан Боязид урушган жойни кўрмоқчиман”, — дедим. “Ҳа, юр, бир оз чиқайлик, бўлмаса”, — деди ва узоқдаги Чубуқ дала деган жойни кўрсатди. “Буларни китобдан ўқидингми, дедим”. “Йўқ, бизнинг қишлоқ Хуросондан келган. Темурни яхши кўрамиз. Дарвоқе, Боязидни Темурга қайраганлар турклар эмас, серблардир... “Тушишда бизга киринг”, деди. Мен яна юқори кўтарилдим, тоғнинг тепасига чиқдим. Ҳаво ғоят хуш, салқин. Тошлар орасидан қуриган тезак териб олиб ёқдим. Шох-шабба қаладим. Елкамдаги халтада бир неча дона картошка бор эди. Оловга кўмдим. Бошқирдча, беш тешикли, жездан ясалган найм бор эди. Олиб чалишга тушдим. Олисдан киши-



лар овози эшитилди. Салдан сўнг бошлари кўринди. Овруполиклар бўлиб чиқди. Олмон, француз ва швециялик муҳандислар экан...”

Ўнг томондаги қизгин текисликдай ястанган тоққа термуламан. Ҳа, ўша жой. Гап тарихга кўчади. Туркменистон Фанлар академияси Қўлёмалар институти директори проф. Аннагурбан Ашуров, Отатурк култур марказининг ходими Юсуфбек ва биз ўзбекистонлик икки адабиётчи мозийнинг можароларини бошлаб қўйиб, беозор якунлаш тараддудига тушамиз.

— Аждодларимизнинг хатоси авлодлар учун қимматга тушди, — дейман мавзуни тезроқ якунлаш учун. Бир пас жим қоламиз.

— Йўқ, замон шундай эдики, туркнинг қўчқори битта бўлиши лозим эди. Тўқнашув муқаррар эди. Шу бўлди, — хулоса қилади мезбонимиз...

“Ўрнак” меҳмонхонасига жойлашдик. Шаҳар марказида. Кичик, ихчам. Шериклар кела бошлаган. Тушлик қилар-қилмас, хоналаримизга дам олгани кириб кетдик.

Содиқ Турол кечқурун Урфадан учиб келди, Бакир Набиев Нью-Йоркдан. Ҳамма тўпланди. Йиғиннинг дастури тарқатилди. Очилиши 4 июнда соат 10.00 да Турк тили қуруми мажлислар залида экан. Давлат вазири Аҳад Андижоний очади. Сўнг матбуот конференцияси. Бинони эсладим, ўтган йили 4-турк култур қурултойида С.Демирел сўзлаган, бизга “Шараф уяси” ёрлиғини топширган жой.

Аҳад Андижоний ҳар бир меҳмон билан бирма-бир кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, 6 турк мамлакатининг байроқлари қўйилган президиумга кўтарилади. Содиқ Турол вакилларни таклиф этади. Биринчи Ўзбекистондан бошлайди. Миллатимиз, мамлакатимизнинг турк дунёсидаги мавқе-мартабасидан ниҳоясиз ғурурга тўлиб, саҳнага чиқаман ва байроғимиз рўпарасига ўтираман. Вазир расмий сўздан сўнг ушбу тарихий лойиҳанинг аҳамияти ва бу борадаги ишларнинг бориши ҳақида матбуот ходимларига ахборот беради, ҳайъат аъзолари ва меҳмонлар билан та-ништиради.

Танаффусда чой устида вазир жаноблари билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Гап адабий алоқалардан университетлар ҳамкорлигига кўчди. Туркистон замонавий таълимининг бешиги бўлган Тошкент университетининг шу пайтга қадар Туркиядаги бирор университет билан шартнома тузиб, иш бошламагани ёхуд тузилганлари ҳам юрмаётганлиги ҳар икки томоннинг камчилиги эканлиги айтилди. Таклиф сифатида 3 университетни тилга олдик: Истамбул, Ғозий, Анқара. Буларнинг бири мамлакатнинг энг эски ва энг катта олий ўқув юрти. Иккинчисида бизга яқин мутахассислар бор. (Машҳур тилшунос Аҳмад Бижон Эржиласун, бизга таниш Содиқ Турол, чўлпоншунос Хусайн Ўзбой Ғозийда ишлайдилар). Анқара университетига эса кўпдан ТошДУ профессори И.Қўчқортоев хизмат қилади.

Тушдан кейин меҳмонхонада таҳрир ҳайъати ўз ишини бошлади. С.Турол одатдагидек қизгин, ҳаяжонли кириш сўзи қилди. Дунёнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқди. Кеча Урфадан келганлигини бир вақтлар қақраб ётган чўли биёбонга бугун сув келтирилиб, Туркия қишлоқ хўжалигининг гуллаб-яшнаган бир жойига айланганини, эсда қоладиган мисоллар билан, масалан, бир содда деҳқоннинг юз минг долларлик “мерседес”да қўйни маъратиб олиб кетаётганига хос юмор билан ҳикоя қилиб берди. Ва гапни иқтисодни тузатиш мумкин, ақлнинг, маърифатнинг иши оғир деган хулосага боғлади. Замоннинг мураккаблигини, куни кеча Франция ҳукумати бир вақтлардаги армани — турк можароларига қайтиб, уни бир томонлама, яъни турклар томонидан қилинган қатлиом сифатида баҳолаганини, куйиниб тилга олди. Дарҳақиқат, у қатлиом эмас, ҳар икки томоннинг бир-бирига бўлган қаҳру ғазаби ифодаси эди. Бундан Совет ҳукумати 1918 йилнинг февралда Туркистонда устамонлик билан фойдаланди.

### 1998 йил 6 июн

Икки кун ҳар тўрт комиссия ишларининг муҳокамаси бўлди. “Тарих”ни проф. Ўндер Гўчкун, “Энциклопедия”ни проф. Мужгон Жунбур, “Терминлар”ни проф. Мустафо Исен, “Анталогия”ни 38 ёшлик доктор Ўжал Уғуз бошқарди. Раис 85 ёшлик проф. Шукри Элчин Ўжалбейнинг ёнида унинг айтганларини қувватлаб турар, шароитга қараб лозим маслаҳатини бериб борар эди. Шукри Элчин, асосан, матншунос. Келиб чиқишига кўра қрим татарларидан бўлса керак. 1961 йилда

Туркияда “Турк култури араштирмалари институти” (“Турк маданияти илмий-тадқиқот институти”) очилган. Унинг биринчи директори Аҳмад Темир эди. Шукри Элчин 1972 йилдан шу институт директори. Институтнинг “Турк култури”, “Турк култури араштирмалари” номли икки журнали бор.

Шукри Элчин машҳур татар ёзувчиси Аёз Исҳоқий билан бирга ишлаган. Октябр ўзгаришидан кейин чет элга муҳожир бўлиб кетган бу машҳур ёзувчи ўз вақтида Туркистондаги мардикорлик воқеалари ҳақида ҳаяжонли мақолалар ёзганлигини юқорида айтган эдик. Кескин ва қайсарлиги туфайли Заки Валидий билан кўп масалаларда чиқиша олмаган ва бир-бирларига кўп-да тоқат қила олмаган бу икки ноёб истеъдод XX аср турк дунёсининг икки юксак юлдузи эди.

Дарвоқе, гап Ўжалбей ҳақида. Ўжалбей табиатан қувноқ, зукко, узун гапни ёмон кўрадиган, ҳамиша ихчам, лўнда гапирадиган йигит. Фольклорчи. 1995 йилдан танийман. Адабиёт дарслигини ёзаётганимизда Туркия комиссиясида иштирок этган эди. Бизникилар билан тез чиқишиб кетди. Серғайрат йигит, 180 саҳифали ҳар уч ойда чиқадиган “Миллий фольклор журналининг бир ўзи тайёрлайди. Журнал бутун турк дунёси бўйича материаллар босади: “Уч ойлик турк дунёси фольклор дергиси”. Туркия ичида 35, чет мамлакатларда 25 вакили бор. Биздан ёш фольклорчимиз, фан доктори Маматқул Жўраевнинг исми-шарифига кўзим тушади. Бу йил 1998 даги 37-сонда таниқли олимимиз проф. Тўра Мирзаевнинг “Гўрўғлининг туғилиши” дostonига ёзган “Дostonларнинг шоҳи” номли мақоласини бир оз қисқартириб кўчириб босибди.

Мажлис давомида Отатурк култур марказининг “Эрдэм” (“Қадр”), “Билге” (“Билимдон”), “Ариш” (“Ўриш”) журналларини олдик.

Содиқ Турол мени “Билге” журнали таҳрир ҳайъатига аъзо қилиб олинганимни айтди.

Кечки мажлисга Галина Кобетскайте келиб қўшилди. Лазиз ака билан узоқдан бош ирғаб саломлашди-да, Сибир турклари адабиёти билан шуғулланувчи Гулжихоним ёнига ўтирди. Илгари ҳам бир-икки кўрганман. Лазиз аканинг айтишича, 60-йилларнинг охирида ўзбек тилини ўрганиш, ўзбек адабиётидан литва тилига таржима қилиш учун Вильнюсдан Тошкентга келган. Миллати караим. 45-50 ёшларда. Фан номзоди. Ўнга яқин китобни ўзбекчадан таржима қилган. Улар орасида С.Аҳмад, О.Ёқубов, А.Мухтор, Ш.Рашидов романлари бор. Ҳозир Литванинг Туркиядаги элчиси экан. Туркчасида ўзбекчанинг таъсири кучли. Менинг туркчам ўзбекча билан чиққан, биринчи ўқитувчим Лазиз Қаюмов, дейди ҳазиллашиб. Дарҳақиқат, унинг илк мақолалари “Ўзбекистон маданияти” да чиққан экан. “Тарих”нинг караим адабиёти қисмини у ёзади.

Кечга яқин бир жала қуйди-ю очилиб кетди. Умуман бу йил ҳаво паст. Бутун Осиёда ёмғирми, дейман. Туркияда ҳам кўп ерларни сел олибди. Телевизор у ер, бу ерлардаги тошқин-селларни кўрсатиб қолади.

Кечқурунлари овқатдан кейин гоҳо лоббида чойхўрлик қиламиз, ё хиёл айланамиз. Озарбойжон Бакир Набиев, Комил Валиев, Гулжихоним, қозоқ Шокир Ибраев, татар Хатиб, туркман Аннагурбан Аширов ва Ўзбекистондан биз, иккимиз. Бошқирдистонлик проф. Аҳмад Сулаймонов касал бўлиб, келолмапти. Ўрнига келган ёш Аҳад Солиҳов кўп-да қўшилиб кета олмайди. Орамизда энг сўзамоли Бакирбей. Келаси йил 70 га киради. Академик. Озарбойжон фанлар академиясининг вице президенти. Ўтган йили Ҳайдар Алиев билан умрага бирга борган. Шеърни чиройли ўқийди, гапни териб гапирди. Дарвоқеъ Шокирбей ҳам бу йил ҳажга бориб келган. Ичмайди, чекмайди.

Бугун Содиқбей мактаб йилларидан ҳикоя қилиб қолди:

1952 йилда отам мактабга бошлаб борган. Дарсдан қайтганимда Номик Камол, Умар Сайфиддин, Холида Адиб китобларини совға қилган. Ўқишни билмайман. Қани шуларнинг ўрнига ўйинчоқ бўлса эди, дейман. Отамнинг шуни фарқламаганидан ранжийман. Лекин мақтаниш туйғуси бор-да, ҳар уч китобни папкага солиб мактабга бораман. Партанинг четига кўринадиган жойга қўйиб қўяман. Ўқитувчи дарсга кириши билан кўзи тушади. Секин олиб varaқлайди. Номик Камол зўр шоир, ватан шоири, — дея гапира бошлайди. Тушунмайман. Уйга келишим билан отамдан сўрайман: — “Ватан шоири” нима дегани?

Отам эртасига “Атлас” олиб келади. Кўрсата бошлайди. Мана Англия, буни-

си Франция... Менинг эса икки кўзим орқасидаги байроқларда. Отам тушунтиришига таҳрир киритади. Мана бу байроқ Англияники, мамлакати эса мана бу ерда жойлашган. Франция... Мана бу ерларда эса турклар яшайдилар. Уларнинг давлатлари йўқ, байроқлари ҳам.

— Нима учун? Нима учун?? — Сўроққа тутаман.

Кейин биларсан, дейди отам. Кўзларига қарайман, ёш филтиллайди. Ёмон бир ҳодиса рўй бергандай, келиб ўқитувчимдан сўрайман. Ўқитувчим менга бир пас тикилиб туради-да, отанг сенга бемаҳал бу гапларни айтибди. Бу гапларни катта бўлганинда тушунасан, дейди.

Шу кундан бошлаб тезроқ катта бўлишни истайман...

Энди билсам, менинг кўнглимга бу дардни отам солган эканлар...

Мавзу кечқурунги чой суҳбатида давом этади. Мен Фурқатнинг “Шоми ғарибони”га гапни бураман. Бакир Набиев илиб кетади:

Оқшомлар, оқ оқшомлар.

Оқшомлар ёнар шамлар.

Ерли эвина гидар

Ғариб ҳарда оқшомлар.

Гап шеър санъатига кўчади. Биринчи ва сўнги “оқшомлар”ни кўзда тутиб, “Баёти”да жинос жуда ўрнига тушганини айтаман. Бакир муаллим илҳом олиб, баётиларни қалаштириб ташлайди. Биттаси эсимда қолибди:

Азизим бахтиёрим,

Бахтимни тахти ёрим.

Юзингда кўз ери бор

Санга ким боқди, ёрим.

#### 1998 йил 4 ноябр, Анталия

Тонг саҳар. 5 да Тошкентда эдик, 11да Анталиядамыз. Турк дунёси ёзувчиларининг 4-қурултойига кетяпман. Эртага очилади. “Китоби Дада Қўрқут” ва “Туркий адабиётда роман” мавзуларида маърузалар ва уларнинг муҳокамаси кўзда тутилган. Инстамбулда ҳам, Анталияда ҳам аэропортда Ўзбекистондан ҳеч кимни учратмадим. Эҳтимол эртага келиб қолишар деган умид билан ўзимни юпатдим. Ташкилий қўмитадан Исмат Четин қурултой дастурини қўлимга тутқазди.

Ўзбекистондан мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Мен ҳам маърузачи эмас, муҳокамада қатнашувчилар қаторидаман.

— Ташкилий ишларимиз қийин кечди, — узр сўрагандек бўлади Исмат Четин. — Бу қурултой олдинги келишувимиз бўйича шу муддатда Алматида бўлиши керак эди. Бу қароримиз тўсатдан сўнги ойларда ўзгарди. Қозоқ қардошларимиз ИЛЕСАМ’га мурожат қилиб, қурултой муддатини 2000 йилга кўчиришни сўрадилар. Сайлов олдининг маълум ноқулайликларини айтдилар. Шошилиш чин кўришга тўғри келди. Бундай тадбир, биласиз, катта сарф-харажат талаб қилади. Бюджет эса бир йил олдин тақсимланади.

Хабар қилишга кечикдик. Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Тўлепберган Қаюпбергеновларга ҳам бир ҳафта қолганда хабар қилдик. Бир ҳафтада нима қила олиш ҳам мумкин. Лекин ўтказмаса, бўлмасди. Узвийлик узилмаслиги керак. Шу сабабли хусусий каналлардан фойдаланишга тўғри келди. Сизнинг Туркиядаги ҳам-касабаларингиз билан яқинлигингиздан фойдаландик.

Анталия чиндан гўзал шаҳар экан. Аэропорт биносидан чиқиш билан танаси кунгабоқарнинг пистадонини эсга туширадиган тип-тикка палма дарахтлари кўзга ташланади. Шаҳарга яқинлашганимизда рўпарада баланд тоғлар қад кўтаради.

— Бу қандай тоғлар? — сўрайман тўладан келган бўлишига қарамай, ҳайратомуз эпчил ва қувноқ Умирбекдан.

— Ана шуларга борамиз-да ҳозир, — дейди минибусни жонини олгудай газ бо-саркан Умирбек.

<sup>1</sup> Илм ва эдебиат эсери саҳиплери меслек бирлиги (Илмий ва адабий асарлар муаллифларининг иш бирлиги) — Туркия ёзувчилар уюшмасининг қисқартма номи.

Кеч куз бўлишига қарамай, ҳаво иссиқ. Мавсум тугаган бўлса-да, чап томонда денгиз соҳилида яккам-дуккам чўмилувчилар кўринади. Баланд бинолардан бирида “Фалес” деган ёзувни ўқийман.

— Бу қайси Фалес? Милетлик файласуфми?

Елкасини қисади Умирбек. Мени кутиб олгани чиққан туркиялик ёзувчи Фадридунбей гапга аралашади.

— Анави пастда кўринган қўлтиқдан тик кўтарилган қоя ва унинг устидаги қалъа Фалес аталади.

Қадим Милет шу ерларда бўлганмикин?

Дарҳақиқат, 30-40 минутда узоқдек кўринган тоғлар ортига ўтдик. Чапда беҳудуд Ўрта ер денгизи, ўнгда тоғ. Узун-қисқа туннеллар.

“Салжукхон” меҳмонхонасига кирамиз. 4 қаватли бино. Биногача бўлган йўлнинг ҳар икки тарафи лимон, апельсин, мандарин. Барги тол баргини эслатувчи, жуссаси унча катта бўлмаган, лекин меваси шиғил, шодадек терилган ихчам дарахтлар. Чапда дарахтлар ортида емакжой кўзга ташланади. Гул девор, ундан нарида атрофини хизмат хоналари қуршаб олган бассейн. Зилол сув жилоланиб турибди. Чапда бар. Йўлакнинг тепасидаги ўзимизнинг ишқомдай қўшилиб кетган ёсмин ва лавенте гулларининг ёқимли ҳиди кишини маст қилади...

Иккинчи қаватдаги хоналардан бирига жойлашдим. Деразаси шарққа қарайди. Денгиз кўришиб турибди. Юз-юз йиғирма метр. Соҳилда чўмилаётганлар кўринади. Сабрим чидамай денгиз бўйига бораман. Сувнинг тафти юзимга урилгандек бўлади. Баданимда ёқимли бир илиқлик ҳис қиламан. Қўлимни тиқиб кўраман синамоқ бўлиб. Илиқ. Ўрта ер денгизини кўриш насиб қилаётганига шукрона келтираман. Ёш боладек қўлимни тилимга тегишиб, сувнинг таъмини татиб кўраман; шўр.

Меҳмонхонадаги шеригим Дурали Йилмаз, Истамбул университети профессори. 48-50 ёшлар атрофида. Турк романининг шаклланиш тарихи билан шуғулланар экан. Таниш-билишларни суриштирдим. Ўқув-ўқитувдан гаплашдик. 80 минг талабаси бор. 10 минг ўқитувчи ишлайди. Шубҳасиз, баҳайбат университет.

Анқарадан Иристой ака келибди. Эски дўстим Шуайб Қорақош билан кўришдим. Бир кеча-кундуздан буён ҳаловат бўлмаганидан бошимни қўйиш билан ухлаб қолибман.

### 1998 йил 6 ноябр

Икки кун ҳам қизғин ўтди. Очилиш маросими машҳур ишбилармон Сабанчининг ойнаванд Пирамида биноси Конгресс ва кўرғазмалар салониди бўлди. Озарбойжон, одатдагидек, ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилди. Делегация раҳбари таниқли ёзувчи Анор яхши гаплар айтди. “Ҳукуматимиз Дада Кўрқутнинг 1350 йиллиги ҳақида қарор чиқарди. Аслида бу тарих жузга қадим,” — дели нотик. Ва олмон олимларининг тадқиқотларига суяниб, унинг 3000 йиллик тарихга эга эканлиги, бинобарин, юнон дostonларидан эскироқ эканлигини сўзлади. Турк дунёсидаги шўхрати, у билан боғлиқ тарихнинг ҳар бир турк қалъидан топиш мумкинлиги, қабри ҳақидаги ривоятлар кўп жойларда, жумладан, Қозоғистонда ҳам учраётганлиги ҳақида гапирди. Менинг эса 1995 йилда Анқарада “Турк дунёси адабиёти” дарслиги ёзаётганимизда қозоқ қардошларимиз билан “Алпомиш” устида тортишганимиз эсимга тушди. Дарҳақиқат, булар бизнинг узоқлигимизга эмас, яқинлигимизга далил эди.

Кеча тушдан кейин шўъбалар иш бошлади. “Роман”га кирдим. Шўъбанинг биринчи йиғилиши озарбойжон профессори Самир Козимўғлининг “Бугунги турк романларининг тарқалиш доираси ва бунинг омиллари” маърузаси билан бошланди. Самирни илгари ҳам кўрганман. Кейинги пайтлар Анқара университетиди ишлайди. Мулойим, сертакаллуф. Бироқ Самирбейнинг чиқиши менга унча ёқмади. Турк романларини собиқ Иттифоқдаги тарқалишини мутлақо мафкура билан боғлаб қўйди. Олмонияда яшовчи Фақир Бойқурт “Турк адабиётида қишлоқ романини майдонга келтирган омиллар” ҳақида гапирди. “Туркияда қишлоқ қолмади, лекин шаҳарлар қишлоққа айланди”, — деди у.

Анқара эсимга тушди. Бир томонда, марказда энг замонавий, барча қулайликларга эга 20-30 қаватли бинолар. Иккинчи томонда, шаҳар четида олис қиш-

лоқлардан тирикчилик туфайли келиб ўрнашаётганларнинг омонат тикланган қуроқ уйлари. Маърузачи шуни назарда тутдимикин?!

— Аслида бу мавзу биздагина эмас, олмонларда ҳам, русларда ҳам бор, — давом этди Фақирбей. — Лекин 50-70 йилларда у бизда ҳукмрон мавқега кўтарилди. У ёғни суриштирсангиз, бу мавзуда турк адабиётининг ҳар уч машҳур қамоли қалам тебратган.

Турк адабиётига доир хотирамдаги маълумотларни титкилаб кўраман: Номиқ Камол, 19-аср. Яҳё Камол (у кўпроқ шоир эди, шекилли). Учинчиси — Яшар Камол. Номиқ Камолнинг “Интибоҳ” идан бошқаси эсимга тушмайди.

Муҳокамада Самирбей билан Фақир Бойқурт орасида баҳс кетди. Самир гапни яна мафкурага бурди. Москвадаги жаҳон адабиёти институтида докторантурада бўлганига турк адабиётидан рус тилига қилинган таржималар билан жиддий ва атрофлича шуғулланганига алоҳида ургу бериб, бундай ишлар мутлақо мафкура манфаатига бўйсундирилганини айтди.

Йўл-йўлакай Ф. Бойқуртнинг ҳам бир қатор романлари рус тилига таржима қилиш учун танланиб, махсус кўрсатма асосида амалга оширилганини ва дарсликларга киритилиб, мажбуран ўқитилганлигини қистириб ўтди. Бошқача айтганда, социализмни тарғиб қилишда айблади. Енгилтаклик қилди, албатта.

— Шўро мафкурасига хизмат қилганингиз учун сизни русчага таржима қилишган, — деган иттиҳомга қўшила олмайман, — деди ғоят осойишта ва совуққонлик билан Фақир Бойқурт. — Инглизлар, франсузлар яқин 20 асаримни таржима қилдилар. Улар нима учун таржима қилдилар?! Яшар Камолни-чи? Унинг биргина инглизча таржималари 20 дан ортиқ. Мафкурасини билмайман. Шуни билманки, бу асарлар турк маданиятига хизмат қиладилар. Ўқинчидан, рус адабиёти буюк адабиёт. Тўғри, унда битта-яримта асар мафкур важдан таржима қилинган бўлиши мумкин. Лекин унинг принцип даражасига кўтарилганига ишонмайман. Қолаверса, менинг китобларим, Олмонияда дарсликларга киритилиб ўқитилишини тушуниш мумкин, лекин уларнинг сизда нега шундай қилинганини тушуна олмайман...

Самирбей баҳсни эртаси куни ҳам муҳокамаларда давом эттирди. Қонимизга кирган мафкурачиликдан яқин ўртада қутулишимиз қийин, шекилли. Проф. Дуррали Йилмазнинг маърузаси — “Турк адабиётида романни майдонга келиши” менга яқин мавзуда эди.

Янгиликнинг кириб келиши ҳамма халқда бир хил. Айниқса, илдири бир миллатларда. Оврупоча наср, аслини олганда, туркий халқлардан илк дафъа озорларда ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлди. Ва буни олиб кирган Мирза Фатҳали Охундий эди. Туркияда бу 70-йилларга тўғри келади ва Номиқ Камол ҳамда Аҳмад Мидҳад номлари билан боғланади. Татарларда бу ишни Мусо Оқйигит 1886 йилда чоп этилган “Ҳисомитдин мулла” романи билан бошлаб берди. Туркистонга у ҳаммадан кейин кириб келди. Бизда “миллий рўмон” атамаси билан матбуотда пайдо бўлган (парчаларигина босилган) ва ҳозирда қўлимизда ушбу парчаларигина мавжуд асар Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғлининг 1914 йилда “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида босилган “Бефарзанд Очилдибой” дир. Барча талабларга жавоб берадиган “Ўтган кунлар” 20-йилларда юзага чиқди.

Роман жанрининг усмонли адабиётига кириб келиши, шубҳасиз, танзимотнинг мевасидир. 40-йилларда минглаб ёшларнинг ривожланган Европа мамлакатларида, хусусан Францияда ўқиши, 1848 йилги воқеаларни ўз кўзлари билан кўришлари самарасини берди. Ўқишга кетган ёшлар мамлакатларига ҳур фикр билан бирга Оврўпоча турмуш, маданият ва адабиёт ўрнакларини ҳам олиб келдилар. Шуларнинг бири роман эди. Истамбулда Боби Олий қошида таржима уйи очилди. Таржимачилик йўлга қўйилди. Илк таржималар 1860-62 йилларда чоп этилган. Франсуа Фейслон (1651-1715), Бернар Фонтенел (1657-1757), Вольтер (1694-1778) асарлари эди. 1864 йилда улар ёнига “Робинзон Крузо” қўшилди. Илк таржимон Юсуф Камол пошо эди.

Табийки, қизил кўринган ҳар бир нарса олтин бўлмаганидек, Оврүподан келтирилган ҳар бир матоҳни ҳам кундалик ишга яроқли деб бўлмасди. Айниқса, туриш-турмушнинг айрим томонлари, хусусан эркин ахлоқ катта билан кичикнинг, ота билан боланинг ўзаро муносабатларини қатъий белгилаб берган турк ислом

жамиятига зарар етказди. Буни Исмоилбек Гаспдали 115 йилча муқаддам 1885 йилда эълон қилган “Оврупо маданиятига бир назари мувозани” (“Оврупо маданиятига бир бетарафона назар”) рисоласида айтган. Инсоният Оврупонинг замонавий илм-фани билан юксак ислом ахлоқини бирлаштиришдаги қилликка эришишини таъкидлаган эди.

Романга қайтамиз. Проф. Д.Йилмазнинг маълум қилишича, турк адабиётида романнинг туғилишида илк таржималар муҳим рол ўйнаган. Биринчи турк романи “Яничарлар” (1871)нинг муаллифи Аҳмад Мидхат (1844-1913) нинг хотирлашича, бу илк таржималар ҳикматномалар деб қаралган. Ҳатто фол китоби ўрнида фойдаланилган. Ҳолбуки, улар таржима жиҳатидан гоёт ночор эдилар. Танзимотчилар уларни чуқур англай олган ҳам эмаслар. Ғарб романчилиги бу даврда ўзининг ҳадди аълосида эди. Биз эса ибтидода турардик. Танзимотнинг асл мақсади давлат тутумидан туриш-турмушигача Оврупо стандартига чиқиш, дунё билан баробар кетиш эди. Адабиёт ҳам шу йўлга кирди. Бирдан оврупоча романлар ёзиш бошланди. Бу хато эди. Ва буларнинг аксарияти муваффақиятсиз чиқди. Халқ хотирасида узоқ қолмади. Чунки роман талабдан, эҳтиёждан келиб чиқади, миллатнинг фикри, хусусан бадий тафаккури ўз миллий шаклига тушгандагина кутилган таъсирчанликка эришиш мумкин бўлади. Тўғри, адабиётлар бир-бирисиз яшай олмайди. Бир-бирдан нимадир олади, нимадир беради. Унинг моддий олди-беридан фарқи шуки, берган ҳам, олган ҳам бойида. Аслида аруз арабларники эди. Бугун биз ўзбек арузи ва унинг минг йиллик тарихи ҳақида гапирармиз. Ғазалчи? Рубоийчи? Роман ҳам шундай. Бироқ унинг ўзлашиши учун вақт керак. Кейин бундай йирик эпик наср тажрибаси бизда йўқ. Кундалик воқеаларни майда тафсилотларигача қоғозга тушириш йўқ. Автобиографияга умуман эътироф қилинмаган. “Шарҳи ҳол”, “Ҳасби ҳол”, “Ҳолол”, “Аҳволот”лар гоёт тенденциоз. Кишининг ўз ҳаёти тафсилотларини битиши нокамтарликка йўйилган Подшоҳлар ҳақидаги тафсилотни ёзганлар. Ҳатто улуғларимизнинг хатларига тарих қўйилган эмас. Фуқаролик қайдилари ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Саёҳат хотираларида ҳам манзаралар кўзда эмас, қалбада кечади. Бундай анъаналар билан роман у ёқда турсин, бирор кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк ёзиш ҳам қийин. Бу ҳол билан ҳисоблашмоқ керак. Туркия адабиётларидаги романлар мана шу тўсиқларни енгиб ўтиб дунё кўрди. Баъзиларида бу жараён тез, баъзиларида секин кечди. Ўзбек адабиётида “Бефарзанд Очилдибой” билан “Ўтган кунлар” нинг ораси 10 йил атрофида экан, демак, бу жараён тез кечибди.

Д.Йилмаз романини оврупоча фикрлаш тарзига мослиги ҳақида далиллар келтирар экан, унинг бу кунда умумжаҳоний ҳодисага айланганини инкор этгани йўқ, албатта. Фақат Исмоилбек Гаспдалининг Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлай олиш лозимлиги ҳақидаги фикридан келиб чиқиб, Оврупонинг шаклланиган адабий-эстетик бир ижод турига ўзлигини сингдира олиш, ўзиникига айлантириш маҳорати гапни бурди. Буни ҳозирги муваффақият билан ҳал этаётган Америка адабиёти мисолида исботлашга уринди. Профессорнинг далолати га қараганда, бугун машҳур Маркеснинг романлари Оврупо романчилиги билан қадим Майя маданияти анъаналари ҳамкорлиги самарасидир.

Мен учун қизиқarli маърузалардан бири, шубҳасиз, дўстим Шуайб Қорақошнинг “Абдулла Қодирий ва унинг “Ўтган кунлар” романи” бўлди. Қатнашчилар яхши кутиб олдилар. Улуғ адибимизнинг жаҳоний эътиборидан, Шуайбнинг адабиётимизга меҳру муҳаббатидан кўксим ўсди. Қарсак чалаётганлар Шуайбга эмас, менга қараб қўйгандай бўдилар.

Эрман Артун деган бир адабиётшунос халқ оғзаки ижоди анъаналарининг романга таъсири борасида фикр юритди. Шунингдек, Булғористон, Югославия, Македония, Олмония, Руминия, Кипр каби Оврупо мамлакатларида, собиқ советлар иттифоқида яшаётган туркий халқлар адабиётига романчиликнинг хилма-хил масалалари ўртага тушди. Шарқий туркистонлик, эски танишим доктор Абдулҳаким уйғур тарихий романлари ҳақида тўхталди. Ф.Чилоннинг “Маҳмуд Кошғарий” (1990), С.Азизийнинг “Буғраҳон” (1987) романлари ҳақида маълумот берди. Машрабнинг замондоши машҳур Оппоқхўжа ҳақида ёзилган асар билан таништирди. Музокарада қатнашдим. Ўзбек романчилигининг нақлланиш манбалари ҳақида ўзбек матбуотида ёзиб юрган фикрларимни айтдим.

Қурултойнинг тантанали ёпилиши “Салжуқхон” маҳмонхонасидан узоқ бўлмаган ғоят гўзал бир салонда ўтди. Сарв дарахтларига кўмилган 2 қаватли коттежлар оралаб соҳилга томон юрамиз. Бир замонларда отилган вулқон чўкиндиладан ҳосил бўлган оппоқ тоғ жинсларидан табиат ясаган бетимсол шакллар, манзаралар. Пастда оқ мрамарда жилоланиб ётган кўмкўк бассейн кўзни қамаштиради. Рўпарада уфқсиз денгиз.

### 1998 йил 7 ноябр

Бугун йўлга тушамиз. Эрталаб 5 ларда уйғониб кетдим. Дурали ухляяпти. Балконга чиқаман. Нимқоронғи. Соат 6 ларда ялтиллаб ётган сувнинг уфқида қипқизил шафақнинг қирраси кўринади. Ё тавба, худди қонга ботириб олгандек-а. Дарҳол тепасини булутга ўхшаган бир нарса қоплайди. Шафақ булутга ёйила бошлади. Ҳамон атроф қоронғи. Қизил шарнинг ярми булут ичига кирди. Ниҳоят, уфқдан узилди. Ранг ҳам ўзгарди. Энди у сарғая бошлади. Олти яримларда эса булутдан ҳам узилди. Чинакам қуёш бўлди. Атрофга нури баравар тарала бошлади.

Ҳақиқатни қуёшга ўхшатадилар. Чунки у ҳамма ёқни ёритади.

Адолатни ҳам қуёшга ўхшатадилар. Чунки унинг у ҳаммага баравардир. Огаҳий айтмоқчи, у ўз нуруни “вайрону обод” га “тенг” “сочади”.

Шуниси аниқки, у албатта чиқади. У турли фаслда турли жойда турли муддат кўздан бекиниши мумкин, лекин чиқади. 9 аср муқаддам биздан айрилиб кетиш билан тақдири айро тушган турк ва ўзбек халқининг бир-бирига қардошлик туйғуси узоқ вақтлар булутлар остида қолди. Лекин қолиб кетмади. Яна ярақлаб чиқди. Уни ҳоким миллатлар оёқлар остига олиб топтамоқчи бўлдилар. Туркий халқларни бир-бирларига қайрадилар. Лекин Фузулий айтмоқчи, “қуёш ер устига тушса ҳам поймол бўлмас” экан. Нур нур экан. Бугунги ўзаро ҳамкорликдан куч ва қувват олиб, тобора мустаҳкамланиб бораётган қардошлик ҳис-туйғуси булутлар остидан чиқиб, пояма-поя юксакликка кўтарилаётган қуёшни эсга туширади. Қуёшга эса завол йўқ.

1991-98 йиллар



Абдулла УЛУФОВ

## Дунёни эзгулик кутқаради

**Г**ўзаллик дунёни кутқаради” деган сўзлар жуда машҳур бўлиб кетган. Тиллардан тилларга, эллардан элларга ўтиб юрган ушбу ҳикматни Фёдор Достоевский (1821-1881) айтган дейиш кенг ёйилган. Аслида бу улуғ рус адибидан аввал ҳам кўплаб мутафаккирлар розолат ботқоғига ботган дунёни дин ва адолат кутқариши мумкинлигини таъкидлаган. Тадқиқотларда (масалан. Л. Розенблумнинг “Вопросы литературы” журнали, 1991 йил ноябр-декабр сонларидаги мақоласи) қайд қилинишича, “Жиноят ва жазо” романи муаллифи бундан хабардор ҳам бўлган. Хусусан, у айнан “Гўзаллик дунёни кутқаради” деб ёзган Шиллер (1759-1805) ижодини катта қизиқиш билан ўрганади. Ёшлик чоғларида ҳатто уни идеал деб билган. Бироқ кейинчалик бу машҳур олмон драматургининг айрим қарашларини танқид ҳам қилган.

Барчани бирдай мафтун этиб келаётган “Гўзаллик дунёни кутқаради” деган машҳур сўзларни Ф. Достоевский княз Мишкин тилидан айтган. Княз Мишкин “Телба” романининг асосий қаҳрамонидир. Дунёнинг турли тилларига ўгирилган, миллионлаб ўқувчиларнинг сеvimли асарига айланиб кетган ушбу роман 1868 йилда яратилган. Лев Толстой ҳалоллик, поклик тимсоли бўлган княз Мишкинни “бебаҳо биллур” деб таърифлаган бўлса, Фёдор Достоевскийнинг ўзи уни “беҳад мукарам, азиз инсон” деб эътироф қилган.

Бу улуғ ёзувчи қалби одамларга меҳр билан тўла княз Мишкин каби адабий қаҳрамонларни тилидан ҳам, бошқа ёзма битикларида ҳам жуда кўп марта гўзалликка улуғвор, қудратли куч деб таъриф берган. Айтиш мумкинки, у гўзаллик ҳақида XIX асрда яшаб, ижод этган барча ёзувчи, шоирлардан кўра ҳам кўпроқ мулоҳаза билдирган. У “Биласизларми, инсоният инглизлар бўлмаса ҳам, Олмония бўлмаса ҳам, хусусан рус халқисиз ҳам, илм-фансиз ҳам, ҳатто нонсиз ҳам яшайверади. Аммо гўзалликсиз бу ёруғ дунёнинг қизиғи қолмайди” дер экан, “Инсониятда доимий равишда гўзалликка эҳтиёж бўлади, бу билан халқлар ўзининг юксак тараққиётини таъмин этади”, деб таъкидлайди.

Дунёни кутқарадиган, инсоният усиз яшаши мумкин бўлмаган, нондан ҳам азиз, халқларнинг юксак тараққиётини таъмин этадиган бу қудратли ҳодиса рус тилида “красота” деб юритилади. “Телба” романида ҳам “Мир спасет красота” (Полн. собр. соч. в 30-ти томах. Т.8. Л., “Наука”, 1973. с. 317) тарзида ёзилади. “Красота” сўзи эса ўзбекчага “гўзаллик” деб ўгирилади. Хўш, дунёни кутқарадиган қудратга эга ана шу “гўзаллик” нима ўзи? У қандай маънони англатади. Бу сўзнинг маъно-мазмунини билиш учун “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” га мурожаат қиламиз. Унда “Гўзаллик — гўзал, жуда ҳам чиройли, ҳусндор, хушрўй, гулчеҳра” (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”). Икки томлик, 1-том. Москва. “Рус тили” нашриёти”, 1981. 201-бет) дейилган. Аёнки, “гўзал, жуда ҳам чиройли, ҳусндор, хушрўй, гулчеҳра” нарсаси ҳодисаларнинг белги-сифатини билдиради. Белги-сифатлар, одатда, табиат манзараларига, одамларнинг кўриниши, қиёфасига, уларнинг турмуш тарзи, маданияти даражаси, санъат асарлари ҳамда нарсаси-буюмларнинг шаклига нисбатан қўлланилади. “Гўзаллик” деганда ўзбеклар кўз ўнгида, авва-



ло, табиатнинг мафтункор манзаралари, қадди-қомати келишган, юз-кўзи чиройли кишилар, уларнинг кўркам кийим-либослари, санъат, адабиётнинг мумтоз асарлари, ажойиб меъморчилик намуналари намоён бўлади.

Бироқ табиатнинг кўркам кўринишлари, одамларнинг чиройли юз-кўзлари, либосу уй-жойлари заминнинг қисмат тақдирига таъсир қила оладими? Улар фисқу фасод, ҳасад, иғво гирдобиди қолган дунёни бу чоҳдан қутқара оладими? Турфатуман гуллар, шўх-шўх сайрайдиган қушлар қабоҳатни қайтара оладими? Ёки “гулчеҳра” қиёфалар шундай қудратга эгами?

Йўқ. Табиатдаги гул ҳам, хору хас ҳам, “хушрўй, гулчеҳра” юзлар ҳам, кўриниши “жуда ҳам чиройли” нарса-буюмлар, тилла тақинчоқлар ҳам бундай қудратга эга эмас. Чунки Лут ва Нуҳ яшаган ўша олис ўтган замонларда ҳам табиат “жуда ҳам чиройли”, кишилар “ҳусндор, хушрўй, гулчеҳра” бўлган. Бироқ ер юзини сув босган, унга осмондан тошлар ёғилган. Ҳозир-чи? Зилзила бўлмаётими? Тўфон, довуллар юз бермаяптими? Ёки табиати мафтункор, фуқароси дунё гўзали бўлган мамлакатларда фалокат, офатлар бўлмаётими? Қуролли тўқнашувлар, низо, можаролар тақа-тақ тўхтаганми?

Йўқ. Гўзаллар ҳам ғамсиз эмас. Камбағаллар тирикчилик ташвишларидан нолиганидек, бойлар ҳам дард-аламдан йиғламоқда. Дунё азалдан талотумга тўла эди. У ҳозир ҳам ғалванинг ичида. Хавотир ҳукмрон жаҳоннинг турли минтақаларида уруш-можаролар содир бўлмоқда. Қашшоқлик қайғуга қўйгани сингари ҳисобсиз бойлик ҳам одамларни хотиржам қилган эмас. Ҳар бир одам ўзи истамаган ҳолда дард чекмоқда, изтиробга тушмоқда. Одам Атодан бошланган бу маҳкумлиқдан кишиларни табиатнинг кўркам кўринишлари ҳам, ақл-тафаккур билан эришилган юксак тараққиёт ҳам халос қилолмапти. Хўш, одамларни ғамдан нима қутқаради? Уруш, можароларга қандай чек қўйса бўлади? Фёдор Достоевский таъкидлаган — дунёни қутқарадиган гўзаллик нима? У гулга, тошга ўхшайдими? Гўзалликни бугдой бошоғи ёки нон ушоғи сингари ушлаб кўриш мумкинми? Афсуски, жозибали, қудратли кучни яхлит ҳолида кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайди. Чунки у бир бош узум ёки дарахтнинг синган бутоғи сингари бир бутун нарса эмас. Гўзалликни алоҳида детал, буюм сингари бирор-бир дастгоҳда ясаб ҳам бўлмайди. Нега? Чунки “Гўзалликни муҳокама қилиш мушкул. Гўзаллик — сир” дейди княз Мишкин. Ҳақиқатдан, у улкан жумбоқ. Бу жумбоқнинг унсурлари кўзга кўринадиган барча нарсаларда мавжуд. Борлиқдаги бирор-бир ҳодиса ундан ҳоли эмас. Гўзалликни муҳокама қилиб бўлмаслиги ҳеч кимнинг ял-ял ёнган лозатор қирларга, “Шашмақом” ёки Бетховен, Бах куйларига мафтун бўлиб қолганини изоҳлаб беролмаслигидан ҳам аён. Одам Ато замонидан бери ҳеч кимнинг ўз муҳаббатини  $2 \times 2 = 4$  тарзда бошқаларга тушунтириб беролмаслиги боиси ҳам шу жумбоқдан. Табиатнинг, одамларнинг жозибали кўриниши ҳам гўзалликнинг мингдан бир сири, холос. “Чиройли, ҳусндор, хушрўй”, шунингдек, ёқимли, бежирим, ихчам, қулай сингари сифатлар бу “сир” нинг бор-йўғи ташқи суратлари, холос. Бироқ унинг шу суратида ҳам қутилмаган жумбоқлар яшириниб туради. Масалан, чаман-чаман очилган ҳар қандай гулнинг новда, бутоқлари албатта тикан билан қопланган бўлади. Айримлари, ҳатто, сездирмасдан заҳар ҳам чиқаради. Ёки қадди-қомати келишган, юз-кўзи чиройли кишилар баъзан ашаддий ўғри, ёвуз жиноятчи бўлишади. Чунки одамнинг иймон-эътиқодини, унинг қаллоб, товламачи эканлигини қиёфага қараб билиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, ҳар қандай кўркам қиёфа, ҳар бир чиройли нарса-буюм, шубҳасиз, диққатни ўзига тортади. Таърифлаш мушкул ана шу оҳанрабо куч кишиларнинг ўй-фикрига, ҳаёти, фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун ҳам “Гўзаллик шундай кучки, у билан дунёни ағдар-тўнтар қилиш мумкин”, дейди “Телба” романи қаҳрамонларидан яна бири Аделаида.

Дунёни қутқарса, ағдар-тўнтар қилса... Аниқ аёнки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги “жуда ҳам чиройли, ҳусндор, хушрўй, гулчеҳра” сўзлари Фёдор Достоевский таъкидлаган ҳодиса моҳиятини ифода қилмайди. Демак, донишмандлар таъкидлаган гўзаллик онгимизга ўрнашиб қолган мафтункор манзара, кўркам қиёфа, чиройли кўринишигина эмас. У ҳатто ёқимли куй ёки таъсирчан шеър сингари санъат асари ҳам эмас.

Гўзалликнинг “Луғат”да изоҳланганидан бўлак ҳам маънолари мавжуд. “Му-

ҳокама қилиш мушкул” бу “сир” ни, “Гўзаллик” сўзи тўла ифода этолмайди. У шунчалар улуғвор, маҳобатлики, Одамзотнинг тақдир-қисмати боғлаб қўйилган бу қудратли куч тўғрисида “Ака-ука Карамазовлар” романи қаҳрамони Митя Карамазов “Қўрқинчлиси шундаки, гўзаллик даҳшатли нарса эмас, у сирли ҳамдир. Унда (гўзалликда — А.У.) шайтон Худо билан курашади. Жанг майдони эса одамларнинг қалби бўлади” дейди.

Демак, дунёнинг тақдири “Луғат” да изоҳланган “гўзаллик”ка эмас, инсоннинг қалбига боғлиқ. Имом Ғаззолий (1054-1111) ҳам айтадики, “Банда қилур ишининг аввалги рағбати ва хоҳиши кўнгилда пайдо бўлур...” (“Кимёи саодат”). Шундай экан, дунёнинг барча донишмандлари, жумладан, Шиллер ва Достоевский ҳам гўзаллик деганда табиатнинг кўркам кўринишлари ёки одамларнинг ҳусни, юзи-кўзини эмас, балки биринчи навбатда уларнинг кўнглини назарда тутишади. Шунинг учун “Телба” нинг муаллифи “жанг майдони одамларнинг қалби бўлади. Унда шайтон Худо билан курашади” дейди.

Ҳақиқатан ҳам табиатнинг, нарса-буюмларнинг манзара, шакл-шамойили одам туфайли, тўғрироғи, унинг қалби, онги туфайли маъно-мазмун касб этади. Улар кўнгил борлиги сабабли таъсир кучига эга бўлади. Чаман-чаман гуллар ёки осмонўпар тоғлар ўзича тубанлик ботқоғига ботган дунё тақдирини ўзгартиролмайди. Бу чоҳдан дунёни фақат покиза қалб қутқара олади. Негаки у қалбдан чиққан риё туфайли қабоҳатга кўмилган. Урушлар, қонли можаролар ҳам, тўфонлар, довуллар ҳам — барча-барчаси азал-азалдан қалбнинг ҳолатидан келиб чиққан. Чунки агар кишилар бир-бирларига оқибатли, меҳрибон бўлишса, Ер юзида уруш, келишмовчилик бўладими? Худбинлик, манфаатпарастлик, шухрат васвасаси авж олмаса табиат топталадими? Албатта йўқ. Аксинча бўлганда-чи? Бундан, шубҳасиз, одамлар бир-бирига аёвсиз рақиб, душманга айланади. Улар орасида адоват, нафрат кучаяди, қонли қирғин, можаролар юз беради. Шаҳар, қишлоқлар, обод манзиллар вайронага айланади. Тўғри йўлга, ҳақиқатга, Адолатга эътиқод мустаҳкам турса, қонунларга барча бирдай итоат қилса, Еру кўкни яратган, ундаги барча махлуқотга ризқ-насиба берган, инсонни гултож қилган Парвардигор марҳамати билан табиат мувозанати ҳам бузилмайди. Чунки Нуҳ қавмлари феълу аъмолида кибр авжлангани учун сувга фарқ бўлган. Лут қавмдошлари бошига осмондан тош ёғилган. Худ, Солиҳ, Шуайб элдошлари ҳам ёмон амаллари боис, фалокатга дучор бўлишган. Бу жожа маълум қилинган муқаддас “Қуръон”да ҳам “Ким бир чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб қайтари-лур. Кимки бир ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур” дейилган. (“Анъом” сураси, 160- оят). Демак, яхшилик яхшилик яратади. Ёмонлик эса кулфат келтиради. Афсуски, эзгулик, адолат бўлишига, дунё неъматларидан барчанинг баробар баҳраманд бўлишига, ҳамманинг ҳалол меҳнат билан яшашига тўғаноқ бўладиган ёвуз куч — шайтони лаъин борки, у одамларни яхшиликка элт-увчи йўлдан чалғитади. У қалбда туриб, бузғунчилик қилади. Ф.Достоевский айтгандек, шайтон Худо билан жангга киришиб, унинг эгаллашга, тезроқ ўзиники қилиб олишга тинимсиз қутқулайди. Худбинлик, манфаатпарастлик, шухратпарастлик иштиёқини улғайтириб, кишиларни низолаштиради. Кибру ҳавоси касрига жаннатдан қувилган, аламзада бу разил махлуқ ёвуз мақсадини Худога қарата: “Сенинг Тўғри Йўлинг устида уларни (Одам болаларини) кутиб ўтирурмен. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан келиб (Тўғри Йўлдан оздирурман) деб очиқ-ошкора ҳам айтган (“Аъроф” сураси, 16-17-оятлар). Ана шу ҳақиқат азалдан аён бўлса-да, афсус, Одам қавмлари то ҳанузгача Тўғри Йўлдан чалғиб келади. Қалбларига ўрнашиб олган шайтон уларга таъсир ўтказади. У кимнидир кўпроқ, кимнидир камроқ ўз измига солади. Хайриятки, бу ёвуз куч барчани бирдай ўзига итоат қилдиrolмайди. Бўлмаса, дунё аллақачон хароб бўларди. Одамзот насли қуриб битарди. Қалбда шайтонга қарши турган эзгу бир куч борки, дунёнинг борлиги, мавжудлиги фақат у туфайлидир. У ҳар бир одамнинг кўнги-да бўлади. Доимо Тўғри Йўлга даъватлаб туради. Инсоннинг ўз ноҳўя қилмишларидан пушаймон бўлиши, афсусланиши ҳам унинг борлигини билдириб туради. Энг шафқатсиз, қаҳри қаттиқ ёвуз одам ҳам қилмишларидан изтиробга тушиб, ўзидан нафратланиб, гуноҳларини ювиш учун қандайдир яхши ишлар қилиш ҳақида ўйланиши бунинг исботи бўлади. Чунки инсон азалдан меҳр-шафқат

кўрсатгани учун эмас, балки аёвсизлик қилгани учун азобланадиган қилиб яратилган. Энг бадфеъл кимсаларнинг бировга жабр етказганида ич-ичидан афсусланиши ҳам Одам қавмларининг Тўғри Йўлдан юриш учун бино қилганини тасдиқлайди. Ҳар бир тирик одамнинг кўнглида эзгу ишларга, яхши ҳаётга интилиш истаги барқ уриб туриши, шубҳасиз, шунга ишонтиради. Чунки “Агар дилингда яхшиликка унча-мунча ишгиёқ бўлмаса, ҳеч қачон яхши ҳаётга эриша олмайсан. Ҳатто шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, ёмон ҳаётдан ўзга ҳеч нарса бўлмайди” дейди Достоевский.

Бироқ бутун ҳаёти фисқу фужуру мол-дунё тўплашдан иборат бўлган кимсаларда қалб йўқми? Нима, алдамчилик, фирибгарлик, товламачилик, пора-хўрлик қиладиганлар тошдан яратилганми? Йўқ, ўғри, босқинчиларда ҳам, таъмагир амалдорларда ҳам кўнгил бор. Улар ҳам табиат манзараларидан қувониб яйрашади. Бетховен сонаталарини, “Шашмақом” куйларини тинглашганида маҳзун бўлиб қолишади. Ўз манфаати учун элнинг ризқу насибасига чанг соладиганларнинг ҳам қалбида эзгу гуйғулар бўлади. Улар ҳатто ҳақиқат, ҳалоллик ҳақида ҳаммадан кўп гапира олишади. Аммо уларнинг қалбида ҳар қандай йўл билан бўлса-да, мол-дунё тўплаш, шон-шўҳрат қозониб, барчадан устун бўлиш — худбинлик истаги ҳукмрон бўлади. Бу истак инсонни қаноат ҳиссасидан маҳрум қилиб, Нафс қулига айлантиради. Нафс — тўйим нималигини билмайдиган юҳо. Унинг измига итоат қилмаслик мушкул. Нафснинг ҳузури фаррошни ҳам, казо-казо амалдорларни ҳам жинойтга бошлайди. Бироқ оддий ишчи заводдан арзimas бир детални ўғирлаб чиқса, бу ҳодиса дарҳол ҳаммага маълум бўлади ва у қилмишига яраша жазоланади. Аммо мамлакатнинг миллион-миллион маблағини ўз шахсий манфаати йўлида ўмарадиган амалдорларнинг кирдикорлари кўпинча пинҳон қолади. Азал-азалдан шундай бўлиб келган. Бу ҳодиса ҳозирги пайтда янада авжланган. Нега шундай? Дунё қачон ўпқон амалдорлардан халос бўлади?

Урушлар, қонли можаролар, миллий низолар — умуман, барча сиёсат “ўйинлари” ҳам аслида шўҳратпараст амалдорлару нафсу юҳо мулкдор бойваччалар хоҳиш-истаги туфайли рўй беради. Уларнинг “ватанпарварлик”, “миллатпарварлик” ниқоби остидаги бу худбинона режалари жабрини ҳамиша оддий одамлар тортади. Бироқ бунинг учун уларни осонликча жавобгар қилиб бўлмайди. Чунки амалдорлар ўз қилмишларини ҳамиша устамонлик билан бекита оладилар. Бизнинг замонамизда улар бойликларини янада кўпроқ ошириш учун банклар орқали “ҳаракат” қилмоқдалар. Амалдорларнинг банклар воситасида давлат бойлигини ўмариши ХХ аср қиёфасини белгилайдиган ҳодисалардан бирига айланди. Масалан, Россияда ҳукумат маъмурлари давлатнинг жуда катта миқдордаги маблағини ўзлари ташкил этган тижорат банкларига ўтказиб, у ердан валюта биржаси орқали чет эл валютасига айлантириб, хорижий мамлакатлар банкларида очтирган ҳисоб-рақамларига ўтказиб юбораётгани, оқибатда, миллион-миллион кишиларнинг ойлик маоши, нафақаларини беришнинг имкони бўлмаётгани маълум бўлди. Россия парламенти 1998 йил кузида фуқароларнинг 150 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги маблағлари чет эл банкларида сақланаётгани ҳақида хабар тарқатди. Бундай ҳодиса бошқа давлатларда бўлмаётими? Кўпчиликнинг пешона тери, заҳматли меҳнати эвазига яратилган бойликларнинг аллақандай гуруҳлар манфаати учун хизмат қилаётгани аён бўлиб турганида эзгулик, ҳалоллик, ҳақиқат ҳақидаги энг таъсирчан гапларга ҳам ишониб бўладими? Қалбингни шубҳа, гумонлар эгалламайдими? “Нега шундай экан-а?” дея ўйланиб, тушкунликка тушмайсанми? Албатта, ғамгин бўлиб қоласан.

Жамият “меҳробиди” турганлар Раънога чанг солганларида Анвар ҳам беҳад тушкунликка тушган. Эзгуликнинг топталишидан изтироб чеккан. Нафсига банд бўлган Солиҳ маҳдум-чи? Унинг кўнглида ўшанда не хил ўйлар кечган? Романда ўқиймиз: “Хонга қайин ота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас эди. Қалин тўғрисида подшоҳ-куёвдан кўп маблағ кутса бўлар эди. Агар худо ўғил набира ато қилса, Худоёрнинг тахт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор эди... Кўз ўнгига қалин учун бериладиган бир саноч олтин, эл қошидаги обрў, энг охирида Худоёрнинг тахт вориси бўлган хонзода келиб кечдилар. Ўзини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб илжайди... “Шўрлик Раъно хоннинг бир юз хотини ёнига юз биринчи бўлиб борадими?” деб йиғлаган Нигор ойимни аҳмоққа чиқарди”.

Моддий бойлик илинжи кишиларни ана шундай ҳавоий хаёлларга маҳлиё қилиб қўйиши дунё адабиётида азалдан кўрсатиб келинган. Хусусан, Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” асари ўзбек китобхонларига яхши таниш. Чингиз Айтматов ҳам мазкур кимсани ўзининг энг сеvimли асарларидан бири сифатида эътироф қилган. (В соавторстве с землею и водою... Фрунзе, 1978. 123-бет). “Судхўрнинг ўлими” да мол-дунёга ҳирс қўйган кимсанинг аянчли ҳаёт тарзи баён қилинган. Банкда уч миллион пули бор, бефарзанд Қори Ишкамба хотинларидан бир кунда бир донадан ортиқ гугурт донасини ишлатмасликни талаб қилади. Мабо-до, ичкари ҳовлидан ташқари ҳовлидаги болохонага чироқ олиб чиқишда унинг шишаси синса, бунга кетадиган чиқимни хотинлари бўйнига юклайди. Улар дўппи тикиб пулларига чироқ шиша сотиб олишларига тўғри келади. Қори хотинлари тиккан дўппиларни улардан кўтара нарҳда баҳолаб олиб, ўзи чакана сотади. Фойда топиш учун пасткашлик қилиб, исқирт яшайдиган Қоридан танишлари “Нега ўз уйиңгизда овқат пиширтириб емайсиз?” деб сўраганларида, у ҳеч хижолат бўлмасдан: “Агар шиша тошни, атала тишни синдирса эди, судхўр ҳам ўз уйида, ўз пулига нон олиб ушата оларди”, деб жавоб берарди.

Албатта, мол-дунё жозибали нарса. Унга ҳамма ҳам интилади. Моддий бойлик барчага ҳам керак. Бироқ дабдабаю асъаса билан яшаш, шон-шухрат қозониш вас-васасида ҳаром-хариш йўллар билан мол-мулк тўплаш ҳеч кимга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Қори Ишкамба ҳам жамғарган пуллари бошқалар қўлига ўтиб кетганини эшигани заҳоти йиқилади-ю юраги ёрилиб ўлади. Умуман, айрим одамларнинг бевақт фожиали ўлим топишига уларнинг нафси, ҳирс сабаб бўлади.

Инсоннинг қалби мол-дунёдан эмас, эзгу ишлардан, кимгадир меҳр-оқибат кўрсатишдан кўпроқ ҳаловатланади. Чунки унда илоҳий нур мавжуд. Бу нур эзгу амаллардан қувват олади. Ҳар бир одам бу қувватга эҳтиёжманд бўлиб яшайди. Одамлар ёши, ирқи, бой-камбағаллигидан қатъий назар, атрофдагилардан меҳр кутади. Хорижда чиқадиған газеталарда мана бунга ўхшаш мактублар тез-тез босилиб туради: “Бир куни оқшомда ён қўшним — тул хотин эшигимни тақиллатиб, ёлғизликдан жуда сиқилаётганини айтди. Мен мулойимлик билан гаплашиб ўтиришга вақтим йўқлигини айтдим. У безовта қилгани учун кечирим сўраб, маъюсланганича уйига кириб кетди. Қўшним ўша кеча ўз жонига қасд қилибди. Бу қайғули воқеани уч кун ўтгач, билдим. Энди мен азобланыпман”. Нафақахўр кампирнинг ўзидан ёзгириб.ёзган бу хати ҳам инсоннинг меҳрга муштоқ бўлиб яшашига аниқ мисол бўлади.

Бироқ меҳрга муштоқ яратилган одамзод нега баъзан бир-бирига шафқатсиз бўлиб қолади? Узаро ёвлашади? Буни ҳеч ким аниқ тушунтириб беролмайди. “Нью-Йорк таймс” газетасида шундай деб ёзилади: “Руандада хуту ва тутси қабилалари бирга яшашар, уйланганларида, турмуш қурганларида ким хуту, ким тутси ажратиб ўтиришмас, бу хусусда мутлақо ташвишланмас эдилар. Бироқ тўсатдан нимадир ўзгарди ва қирғин бошланди. Юз минглаб кишилар, ўз яқинлари, танишлари қурбони бўлишди”. Афғонистонда йигирма йилдан бери давом этаётган биродаркушлик уруши, бошқа кўп тўхтамаётган қонли можаролар-чи? Айнан шундай эмасми?

Умуман, урушлар, можаролар қандай бошланади? Тўсатдан, ўз-ўзиданми? Йўқ. У аввало одамларнинг кўнглидан бошланади. Чунки ҳар қандай адолатсизлик биринчи навбатда кўнгилда акс-садо беради. Унинг оғриқлари аста-секин йиғилиб, ёвуз ниятни яратади. Кўнгил адоват, нафрат, ғазаб билан тўлганидан ке-йин унинг шиддатини тўхтатиб бўлмай қолади. “Одам бошлаб олса бўлгани — қуюшқондан чиққач, уни ҳеч бир куч тўхтатиб қололмайди”, — дейди Ф.Достоевский. Ҳақиқатан, тошган дарёлар йўлини бир амаллаб тўсиш мумкин-дир-у, кишиларнинг бир-бирига бўлган адоватини бартараф этишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди. Одамларнинг кўнглига худонинг ўзи меҳр-шафқат солмаса, улар дунёни буткул хароб қилишади. Ҳамма гап одамларнинг кўнглида, уларнинг феълу аъмолида. Дунёни яшнатиш ҳам, уни хароб қилиш ҳам одамларга боғлиқ. Агар ҳар бир одамнинг кўнглида шайтон васвасаси эмас, Ҳақ йўлига интилиш истаги ҳукмрон бўлса, адолатсизлик бўладими? Жамият тартиб, қонунлари топталадими? Йўқ. Афсуски, қонунларнинг қоғозда эмас, амалда барча учун баробар бўлиши инсоният учун ширин бир орзу, холос. Масалан, дунёнинг барча давлатларида аксарият амалдорлар тамагирлик, порохўрлик қилишади. Улар манфаатдорликлари туфайли

мамлакат бойликларини талон-тарож қилган жиноятчиларни ўз ҳимоялари остига олишади. Бу билан фирибгарлик қилиб бойлик топадиган тадбиркор, фирмачи, бизнесмен ниқобидаги қаллобларнинг урчишига асос яратиб беришади. Масалан, “1997-1998 йилларда 40 дан ортиқ шахс пахта толасини талон-тарож қилиш жиноятларини содир этганликлари учун жинойи жавобгарликка тортилдилар... Прокуратуранинг аралашуви билан Болтиқбўйи ва Ҳам-дўстлик мамлакатларида 16 вагон — 1 миллион 300 минг АҚШ доллари қийматидаги пахта толасини ўғирлаш жиноятининг олди олиниб, юк ўз манзилига юборилди. Россия Федерациясининг Находка шоҳбекатида 2200 тонна пахта толасини бошқа идорага сотиб юборганлик ҳолати юзасидан прокуратура текшириши ўтказилиб, етказилган 4 миллион АҚШ доллари қийматидаги зарар республикамизга қайтарилди. (“Қонун ҳимоясида” журнали, 1998 йил, 11-сон, 11-12-бетлар.) Ўзбекистон миллий бойлигини бу миқёсда ўмаришга пойабзал устаси ёки мактаб муаллимининг чоғи келмайди. Бу каби йирик жиноятлар тепасида, албатта, казо-казо мансабдорлар туришади. Бироқ уларни гўзалликка бефарқ деб бўлмайди. Улар санъат асарларини ғоят яхши тушунишади. Нафисликни беҳад қадрлашади. Уй-жойларини нақ музей қилиб яшашади. Бироқ улар Қори Ишкамба, Солиҳ маҳдум сингари ўз нафсининг бандалари бўлганликлари боис, гўзалликка ҳирсларини қондирувчи восита деб қарашади. Шу боис, улар ҳатто, мачит, мадраса сингари муқаддас жойлар қурилиши учун хорижий мамлакатлар махсус жўнатган ғиштларни, кошинларни ўз уйларига ташиштириб олишдан ҳам тап тортишмайди.

Бироқ нафс бандасига айланганлар турли тоифадаги мансабдорлар орасида эмас, аҳли дин орасида ҳам исталганча топилади. Ҳалоллик ҳақида ҳаммадан кўп гапирадиган бу тоифанинг шундай вакиллари борки, улар маккорликдан шайтоннинг ўзига ҳам сабоқ беришади. Одам қиёфасидаги бу шайтонлар динни дастак қилиб кишилар ўртасига адоват, низо уруғини сепишади. Можаро кўзгаб, моддий манфаатдор бўлишади. “Ҳозир қайси тақводор билан сўзлашманг, худо фақат ўзиникидай, ўзидан ва ўқиганларидан ўзгани тан омайди. Уларнинг ҳар бири “Худо бизники” деб бир-бирининг юзига балчиқ чаплашдан нарига ўтишмайди. Назар Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссасидаги ушбу мулоҳазаларда ҳеч бир муболага йўқ.

Жамиятнинг бузилиши аввало ана шундай одам қиёфасидаги шайтон диндор, амалдорлардан бошланади. Улар мол-мулкка ўчлиги, шуҳратпарастлиги билан одамларнинг эзгуликка, ҳақиқатга бўлган ишончини сўндиради. Кишилар онгида “молу пул ҳамма нарсани ҳал қилади” деган ғайриинсоний ақиданинг чуқур илдиз отишига асос яратишади. “Бойлик орттириш ва давлат тўплашга келганда одамлар фақат рулеткада эмас, ҳамма жойда бир-бирларидан нималарнидир тортиб оладилар ва ютадилар. Уларнинг доимий машғулотлари — шу”. Умуман, “бойлик йиғиш ва фойда кўриш аблаҳликми-йўқми, бу — бошқа масала”, дейди Фёдор Достоевский. Бироқ мансаб-мавқеидан фойдаланиб, кўпчиликнинг ризқу насибасини “туя” қилиш аблаҳлик, жиноят. Чунки айрим кимсаларнинг ҳаром-ҳариш йўллари билан мол-мулк жамғариши мамлакатга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтиради. Энг ёмони — улар кўпчиликнинг ҳақиқатга бўлган ишончини ўлдиради. Инсоннинг илоҳийлигини кўрсатадиган ҳалоллик, эзгулик сингари улғувор тушунчаларнинг қадрини ерга уради. Ваҳоланки, моддий бойлик кишиларни комиллаштиролмайди. Мол-мулк орттиришни ягона ақидага айлантириш уларни бир-бирига оқибатсиз қилиб қўяди. Бу эса фожиага олиб келади. Шунинг учун ҳам “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак, — дейди Президент Ислоҳ Каримов. — Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки энг янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради” (Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Тошкент, 1992, 72-73-бетлар.)

Демак, инсоният истиқболи, жамият равнақи маънавиятга, одамларнинг эзгу амалларига, уларнинг бир-бирига қай даражада меҳр-оқибатли бўлишига боғлиқдир. Тараққиёт асоси мамлакат моддий бойликларига эмас, балки фуқароларнинг маънавиятига, уларнинг ақл-салоҳиятига боғлиқдир. Масалан, Япония табиий бойликлари жиҳатидан дунё давлатлари орасида энг охириги ўринлардан бирида туради. Тўрт тарафи уммонлар билан ўралган бу мамлакатда олтин, темир, мис,

газ, нефт, кўмир конлари йўқ. Бироқ у замини турли маъданларга бой мамлакатлардан кўра ўн чандон тараққий этган. Хусусан, электроника, машинасозлик каби тармоқлар бўйича Япония дунёда пешқадам саналади. Ваҳоланки, саноат соҳалари учун зарур барча хом ашё кунчиқар мамлакатига тўла-тўқис четдан келтирилади. Бундан ҳам аён бўладики, Японияни моддий бойликлар эмас, балки миллат маънавияти, фуқароларнинг ақл салоҳияти юксак тараққиётга эриштиради.

Миллат маънавияти эса адолат барқарор бўлгандагина юксалади. Қонунлар топилган жойда маънавий қашшоқланиш бошланади. Бунга аввало жамият “меҳроб” ида турганлар сабабчи бўлишади.

Улар тамагирлик, порахўрлик, мол-дунё тўплаш, шуҳратпарастликни одат қилишса, қолганлар томошабин бўлиб туришадими? Ноҳақлик одатдаги ҳолга айланиб қолганидан одамлар қалбидаги эзгу ҳислар мажолсизланмайдими?

Ҳалоллик ҳукмрон жойдагина эзгулик улғаяди. Одамлар орасида меҳру оқибат кучаяди. Аксинча бўлса-чи? Бунда туйғулар тўтмоқлашади. Одамлар мол-дунёнинг қулига айланиб қолишади. Қори Ишкамбалар жамият қиёфасини белгилайдиган мезонга айланади. Эсласак, Қори Ишкамба пулларини ўғирлатиб қўйганида ёш боладай ерга ағнаб йиғлайди. Қарзларини ундира олмаганида бозор ўртасида туриб олиб, гўдакдай ҳархаша қилади. Бир неча ой жиннидай бўлиб, кўчаларда дод-вой солиб юради. Мол-дунё ҳирсига беҳад берилиши уни ана шундай аянчли аҳволга солади. Фёдор Достоевский ҳам “Мол-дунё ҳирсига берилиб кетган одам ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам бутунлай кўр бўлиб қолади ва ҳеч илинж йўқ ердан ҳам бир нарса кутади. Бу ҳам оз, у эс-хушини йўқотиб қўяди. Мияси отнинг калласидай бўлса ҳам тентак болага ўхшаб иш қилади”, дейди (“Телба”. 53-бет.).

XX асрда моддиончилик кайфияти бениҳоя юксалди. Бунинг таъсирида одамларнинг турмуш тарзи аввалги замонларга қиёсланганда бирмунча яхшиланди. Бу ҳодиса, айниқса, дунёнинг ривож топган давлатларида яққол кўзга ташланади. У ерда одамлар “вақт — пул” деган ақида асосида яшашади. Бу ақида моддий фаровонлик яратишга беҳад самарали таъсир кўрсатади. Бироқ у одамларни худбинлаштириб қўяди. Манфаатпарастлик сездирмасдан туриб кишиларни бири-бирдан узоқлаштириб, жамиятнинг маънавий қашшоқланиб боришига олиб келади. Биламизки, АҚШ дунёнинг энг бой, энг қудратли давлати. Бироқ... “Бизда маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб қолишдан қўрқув ҳисси ҳам йўқ эмас”, дейди бу давлатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудеро (“Тафаккур” журнали, 1996 йил, 1-сон. 39-бет.). Демак, моддий бойликлар дунёни асраб қолишга таянч, асос бўлолмайди. Аксинча бўлиши эса мумкин.

Нафснинг адоқсиз эҳтиёжлари туфайли разолатга ботган дунёни қандай поклаш, унда қачон хавотирсиз яшаш мумкин? Бу — инсоният учун азалий муаммо. Унга ҳамиша жавоб излаб келинади. Жавобларнинг барчаси “Дунёни гўзаллик қутқаради” деган сўзларда мухтасар аксланади. Бу гўзаллик аввало инсоннинг нафси қуллигидан қутилишида, одамларнинг бир-бирларига таъмасиз, самимий меҳру-оқибат кўрсата олишида намоён бўлади. Агар мана шунга эришилса, уруш, можаролар батамом тўхтади. Ўғрилик, фирибгарлик, адоват, хусумат, низо, келишмовчиликлар барҳам топади. Ушанда полициячилар, милиционерлар йўл ҳаракати назорати ва паспорт бериш билан банд бўлишади. Инсоният ана шундай даврни орзу қилиб яшайди.

Барча одамларнинг англаб-англамаган ҳолда ноҳўя ишлар қилган пайтларида афсусланиб, азобланиши, уларнинг ҳамиша яхшиликка умид билан иштиёқманд яшаши дунёни бузғувчи шайтони лаъиннинг мағлуб бўлишидан дарак беради. Ҳар қандай ноҳақликнинг кишилар қалбини изтиробга солиши эзгуликнинг ёвузликдан кўра қудратлироқ эканлигига далолат бўлади. Фёдор Достоевский қаҳрамонларидан бири Иван Карамазов иниси Алексейдан — “Ўзинг менга айт, фақат ўтинаман, тўғриси айтасан. Қани, жавоб бер, мана сен охир-оқибатда, одамларни бахтли-саодатли қилувчи инсоният қисматининг биносини тикляпсан дейлик. Бироқ бунинг учун лоақал биронта гўдакни албатта қийноқ-азобларга солиш зарур бўлиб қолса, сен бундай шароитда ўшандай иморатнинг меъмори бўлишга розилик берармидинг?” деб сўради. Алексей: “Йўқ, рози бўлмасдим” дейди. Чунки заррача шафқатсизлик, салгина адолатсизлик ҳам ҳар қандай одамнинг қалбида оғриқ қўзғайди. Бу оғриқ мавжуд экан, эзгулик албатта улғаяди ва у разолатга ботган дунёни қутқаради.

Яков КОЗЛОВСКИЙ

## “Мени ёш гўзал қиз асрар ўлимдан”

**Ч**орак кам бир аср шундай чўққики, унда қорлар эримаиди. Бу чўққида тоғларда қутқариш ишлари билан шуғулланадиган кишилар хизматидан фойдаланиш бефойда. Ёшлар шундай улуғвор чўққиға қарашганда бошидан телпаги тушиб кетади. Шу чўққиларға чиқсанг юлдузларға қўлинг етади. Уларға олиб борувчи сўқмоқ эса тик, ортингга боқсанг босиб ўтган йўлинг аниқ кўринади, ҳатто пичан ичига тушиб кетган игна ҳам. Ўтган йўлларингга, йилларингга назар ташлаганда хаёлан фахрлан, уятдан қизар ёки кўз ёш тўк, бироқ ҳеч бир қилмишингдан тонма. Негаки, ҳаёт йўли ҳам ота-оналардай танланмайди. Ўтмиш — бу сенинг тақдиринг. Бу ҳақда кимнингдир шундай шеъри бор:

Улуғ ёшга қадам қўйган вақт,  
Сира қаддинг бўлмасин нигун.  
Бу ёш ташвиш дорбозга фақат,  
Етук давр донишманд учун.

Балки у бунини ўзини овутиш учун ёзгандир. Лекин аслини олганда ҳам шундай... Фаришта омин дедими, шайтон йўлдан оздирдим — қўлимга қалам олдим. “Ҳамзатов ҳақида ёз, ахир унга...” “Ўзим ҳам биламан, тақвимдаги расмий саналарға бағишлаб ҳамду сано ўқишга моҳир эмасман”. “Нега ҳамду сано? Ярим асрдирки, у билан танишсан, шарқона қадаҳ олди мақтовларига на ҳожат? Дўстингга ҳурматинг ҳаққи, ўтган воқеаларни очиб-ойдин ёз”. “Унда ҳукмингизга мунтазирман...”

Шоир бўлиш қисматида борларда икки хусусият мужассам. Биринчиси, худо томонидан берилган истеъдод. Иккинчиси, чекига тушган вазифа. Агар шу хусусиятлар бўлмаса муаллиф омма ичида йўқ бўлиб кетади. Кўпчилик Ҳамзатовни тақдир сийлаган, деб ўйлайди. Ахир, у эрта танилди, мукофотланди. Улар адабиётда ўтган бир йиллик умр, урушда кечган уч йилга татишини билишмайди. Шу ўринда Бебель ҳақ, бу урушда бедарак йўқолгандан кўра қаҳрамонларча ҳалок бўлган яхши.

Сиртдан чиқарилган хулосалар кўпинча алдаши мумкин. Таниқли авар шоири ва арабшуноси Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул ҳам барча ёш қаламкашлар каби ўз ижодини эрта бошлади. Уни ҳам қўллаб-қувватлаш учун ҳеч ким жон койитгани йўқ. Мен Ҳамзат Цадаса уйда бир муддат яшаганим учун бунини аниқ билман. Унинг иш столи устида ҳар доим малласоқол Шомил сурати осиглиқ турарди. Нима бўпти, дерсиз. “Ҳа, аҳамияти йўқ, — дейман мен. — Фақат Чеченистон ва Доғистон имоми бўлган бу зот у вақтда давлат миқёсида лаънатланаётган эди”. Бундан ташқари, кекса Ҳамзат юрагида икки оғир жароҳат излари битмаганди: катта ўғиллари ҳалок бўлишганди. Аммо у ўзининг кенжа вориси учун истиффор қилган эмас.

1947 йил эди. Биз Расул билан Доғистон Давлат нашриётига йўл олдик. Нашриёт пастқам уйда жойлашган, унга Каспий денгизи тўлқинларининг шов-шуви ва нам ҳавоси келиб турар экан. Иккаламиз ҳам Адабиёт институти толиблари эдик, Расулнинг шеърларини рус тилида чоп эттириш ниятида боргандик. Шунини таъкидлашни истардим, дўстимнинг шеърларини дастлаб Илья Сильвинский рус тилига ўгирганди. Уша вақтда турманинг собиқ бошлиғи нашриётда директорлик қиларди. Чиройли гулли гилам тўшалган қабулхонада ўтирибмиз, унинг котибасига қатъий буйруқ берганини эшитамиз:

— Олиб киринг!

Биз ичкарига кирамиз, саломлашамиз.

У ўрнидан қўзғалди:

— Ҳозир мен сизларни ўтқазаман...

Юзига табассум ҳам югуртирмасдан бизга стул узатди. Кейин мени кўрсатиб, Расулга мурожаат қилди:

— Демак, бу одам сизнинг шерингиз?

Ҳарбий кийимдаги қаттиққўл кўринган бу одам кўнгилчан чиқиб қолди. Менинг назаримда, собиқ энкведечи “кимнинг қўлидан яхшилик қилиш келса-ю, у яхшилик қилмаса гуноҳга ботади”, деган Шарқ ҳикматига ич-ичидан риоя этадиган киши экан.

Икки йилдан кейин мўъжиза дейишга арзийдиган фавқулоддаги воқеа юз берди. Ҳамзат Цадаса “Чўпон ҳақида ҳикоят” достони учун Сталин мукофотига номзодлар рўйхатига киритилди. Сталин мукофоти қўмитасини бошқарган Александр Фадеев хаёлидан Расул Ҳамзатовни ҳам “Туғилган йилим” шеърлар китоби учун номзодлар рўйхатига киритиш керак, деган саробдай жилвагар фикр ўтди. Фадеев фикрича, Сталинга авлодлар бирлиги ғояси ёқиши керак эди (“Оталар ва болалар” романининг замонавий руҳдаги талқини). Аммо Сталин сохталаштиришларни хуш кўрмасди ва у бу масалага узил-кесил нуқта қўйди: “Отасини мукофотлаймиз, ўгли эса мукофотга хизматлари билан сазовор бўлишга улгуради”. Бир йил ўтди. Яна Давлат мукофотига номзодлар тавсия этилди. Бу рўйхатга Расул Ҳамзатов киритилмади. Лекин Кремлда Давлат мукофоти қўмитаси ишини тугатиш арафасида Сталин сўраб қолди:

— Ўртоқ Фадеев, биз ўтган сафар мукофот бермаган доғистонлик ёш шоир қандай янги асар ёзди?

Фадеев бир лаҳза гангиб қолди:

— Менимча, эътиборга молик ҳеч нарса.

— Эҳтимол, у шўро ҳукуматидан хафа бўлгандир. Биз ҳақимизда ёмон хаёлга бормаслиги учун унга мукофот бериш керак.

Мана шундай кутилмаган ҳолатда Расул Ҳамзатовга Давлат мукофоти бериладиган бўлди... Аммо Ҳамзатовга роса омад кулиб боққан, деган хулоса чиқармаган маъқул. Негаки у ўз меҳнати билан шоир, замондош сифатида ҳурматимизга эришди. Ҳатто унга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар ҳам худо элчисига нисбат берилиб исм қўйилган Расулни шоирлар сарвари эканини тан олишади.

Сизга исбот керакми? Марҳамат. Давраларда шеърият ҳақида суҳбат кетганда кимдир гап орасида “Расул...” сўзини тилга олиши кифоя, дарҳол бу исм кимни шарафлаши кўз олдингизга келади. Мен келтирган далолат чегара билмайди. У Кавказ, Россия ва қўшни мамлакатлар учун ҳам бирдай тегишли.

“Мазахўрак бўлма тўйларга, шоир”, деб бошланувчи шеърини ёзган Ҳамзатов, ўзи таъкидлагандай, ҳаётдаги вазифасини белгилаб олган. Шу шеърдан танлаб олган мисраларимга эътибор беринг:

Мазахўрак бўлма тўйларга, шоир,  
У ерда таом ҳам, сўз ҳам асал-қанд.  
Даврада тин олмай сўзамол-моҳир,  
Ёшларга ўқийди панду насиҳат.  
Тўйларга чорлади тоғда ногора.  
Ва лекин кимнингдир кўксида армон.  
Уларнинг дардига излагин чора,  
Ахир, сен шоирсан, эмасан гапдон.  
Ўтганларни сўнги йўлга кузатгин,  
Уларни ёд этгин, яша сергак, шод.  
Доим ҳалол нонга қўлинг узатгин,  
Миннатли таомдан бўлгин эҳтиёт.

Мана сизга шоирнинг ачиқ кинояли мурасасиз дунёқараши. Ҳа, Ҳамзатов нафис ғояларни нафис тимсолларда ифодалаш устаси. Даль “нафис” сўзини изоҳлар экан, уни “ҳақиқат ва яхшилик бирлиги” дея бежиз таърифламаган. Йўқ, мен сизга Ҳамзатов шеъриятининг истиорали сўқмоқларида йўлбошловчи бўлмоқчи эмасман. Бу ҳақда мендан бир неча баравар ҳурматли кишилар ёзишган, улар — Кор-



ней Чуковский, Самуил Маршак, Иракий Андроников, Павел Атокольский, Александр Твардовский, Чингиз Айтматов. Ҳаммасини санаб тугатиб бўлмайди. Яхши-си, мен Ҳамзатов шахс сифатида муфассал маълумотлар ва ҳасадгўйлар миш-мишларида қандай тилга олингани тўғрисида ўзим билганча сўзлаб берай. Шунингдек, унинг беш томлигига кирмаган битта достони ҳақида фикр юритмоқчиман.

Яқинда ўзини омадсиз ҳисоблайдиган иккиюзламачи-адабиётчи менга-шундай деди:

— Сенинг доғистонлик дўстинга омад роса кулиб боққан-да. Қарийб ўттиз йил СССР Олий Кенгаши Президиуми аъзоси бўлган.

— Нега сен Бобур неча йил шоҳ бўлган, деб ўйламагансан? Ёки Гёте қанча вақт вазир бўлган, ё Гавриил Державин неча йил сенаторлик қилган?...

Байрам арафасида Олий Кенгаш Президиумининг йиғилиши борарди. Танаффус пайтида хизмат кўрсатаётган қиз Расулдан сўрабди:

— Уйингизга шошилиноча жўнатишни истайсизми?

У ён дафтарчасидан бир варақ йиртиб олиб, ёзибди: “Президиум йиғилишида ўтирибман, хурсанд эмасман...”

Бир гал Леонид Брежнев эҳтиром билан Ҳамзатовга шундай дебди:

— Расул Ҳамзатович, бизнинг уйдагилар сизни қанчалик севишини, қадрлашини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Шоир шу заҳоти қувлик билан сўрабди:

— Леонид Ильич, Сизнинг шундай қилишингизга нима ҳалақит беради?

Тоғлик шоир жуда ҳазилқаш, топқир. У ҳаётда ҳам, шеърларида ҳам ҳурфикр-ликка, руҳ эркинлигига амал қилади. Шу маънода унинг “Ўғрилар” шеъри юқори баҳога лойиқ. Ахир, бу шеър тақиқлашлар тантана қилган замонда ёзилган. Шоирнинг бундай даъваткор шеърлари кўп. У беҳуда сўз хазинасини кавламайди. Зарур пайтда эса давраларнинг, зиёфат аҳлининг, ҳатто расмий учрашув қатнашчиларининг эътиборини бир зумда ўзига қаратади. Бу борада унга “собиқ думачи”ларнинг бирортаси тенглаша олмасди. АҚШ элчихонасида бўлган қабулда томонлар ўта масъулиятли масала юзасидан сира битимга келиша олишмади.

Ҳамзатов сўз навбатини олди:

— Барча мушкулот вақтимизнинг фарқида...

Меҳмонлар гап сўнгини кутиб жим қолишди.

— Сизда шом тушганда ҳақиқатни винодан излай бошлайсиз, — дея у қўлини боржом шишасига қўйди. — Бизда бу вақтда тонг бўлгани учун фикримиз мана шу тоғ сувидай тоза. Сизда тонг ёриша бошлаганда биз дастлабки қадаҳларни бўшатиб сархуш бўламиз, бу вақтда сизнинг бошингиз барча ташвишлардан фориғ. Шу боис мен маълум муддатга сизда ҳам, бизда ҳам спиртли ичимликларни ичишни тақиқловчи қарор чиқарилишини сўрайман.

Даврада кулгу, олқиш янгради. Музокара эса мурасага келиш томон йўналди. Шу ўринда дўстининг яна битта кавказона ҳазилини сўзлаб беришни истайман.

Ҳумоюнӣ ҳокимиятга келмасдан бурун Мирзо Турсунзода ва Расул Эронга боришганди. Уларни кейинроқ фожиаи ҳалок бўлган бош вазир жаноб Ҳувейдий қабул қилибди. Меҳмонлар қабулхонага кириши билан уларни Мирзо Турсунзода шеърлари билан кутиб олишибди. Ахир, эронликлар ва тожиклар бир тилда сўзлашишади. Табиийки, суҳбат давомида Турсунзода Ҳамзатов тилмочлик вазифасини бажарди. Бош вазир ўта хушмуомалалик билан Ҳамзатовдан фаолияти тўғрисида суриштирибди. Расул унинг шоир сифатидаги ўрнини билишга қизиқаётганини фаҳмлаб, хушчақчақ оҳангда шундай дебди:

— Жаноб бош вазир, сиз шеърларини севиб ўқийдиган Мирзо Турсунзода академик, парламент аъзоси, жаҳон тинчлик кенгаши аъзоси, кўплаб халқаро ва давлат мукофотлари соҳибидир. Шундай одам менинг таржимоним экан, энди ўзингиз менинг кимлигимни билиб олаверинг.

Расул ҳазилини тушунган Ҳувейдий кулди ва уларни Умар Ҳайёмнинг Нишопурдаги мақбараси қошида қадаҳ кўтаришга таклиф этди.

Энди ваъдамни бажариб, Ҳамзатовнинг танланган асарларига кирмаган битта достони тарихи ҳақида сўзлаб берсам. Бу дoston “Одамлар ва соялар” деб номланади ва у илк бор 1988 йили “Огонёк” кутубхонаси туркумида чоп этилди. Унда қатағон қурбонлари рўйхати, ақл бовар қилмайдиган судлар, беҳуда тўкилган қонлар қаламга олинган. Воқеалар Кавказ ва Россияда кечарди. Шу боис дostonнинг асли ҳам, таржимаси ҳам узоқ вақт бегона кўзлардан сир сақланди. Ниҳоят, Ра-

сулнинг “Известия” газетасида масъул котиб бўлиб ишлаётган сирдош дўсти Дмитрий Мамлеев уни стол тортмасидан ёруғ жаҳонга олиб чиқмоқчи бўлди. У дostonни таҳририят йиғилишида ўқиб эшиттирилишига эришди. Шу вақтда бош муҳаррир Алексей Иванович Аджубей Германияда эди. Дostonни мен ўқидим, қатнашчилар уни хайрихоҳлик ва завқ-шавқ билан тинглашди. Ҳаяжонланган журналист дўстларимиз қандайдир кўтаринки руҳда дostonни тезроқ чоп этиш лозимлигини ўқтиришди. Бундай шошмашошарликка фақат Аджубейнинг ўринбосари Алексей Степанович Гребнев қарши чиқди. У эҳтиёткорлик билан дostonни муҳокама қилишдан бош тортди. “Алексей Иванович қайтиб келсин, кейин бир қарорга келамиз,” — дея маслаҳат берди айёрлик билан Алексей Гребнев. “Йўқ, йўқ, ўзимиз ҳал қилишимиз мумкин”, — дейишди қолганлар бир овоздан.

Ҳамзатов менга тайинлади:

— Дostonни эртага олиб боргин. Машинкачи кечаси ёзиб беради.

— Расул, уларнинг ботирлиги бир соатлик халифага ўхшайди. Бари Аджубей чизган чизикдан чиқишмайди, — дедим мен.

Эртаси куни қўлёмани олиб бордим, башоратим тўғри чиқди. Гребневдан бошқа таҳририят аъзоларини топа олмадим.

Берлин девори ортидан Аджубей қайтиб келди. Ҳамзатов у билан телефонлашди. Алексей Иванович учрашув вақтини белгилади. Шунини эслатиш жоизки, Ҳамзатов Аджубей билан яхши таниш эди.

Бош муҳаррир хонасида ўтган сафар дostonни тинглаган таҳририят аъзоларининг деярли бари тўпланган. Аджубей ўз жойини эгаллади. Мен таржима матнини қўлга олиб, ўқишга ижозат сўрадим.

Алексей Иванович сўзимни бўлди:

— Ўзим ўқийман. Марҳамат қилиб, қўлёмани узатинг.

Хрущевнинг куёви мисоли актёр ўзини суҳандонлик ролида кўз-кўз қилмоқчи, шекилли, деб ўйладим мен. Ёнимда Всеволод Александрович Цюрупа ўтирганди. Унга ҳаминша ҳурмат туйғуси билан қарардим. Чунки болагимдан менга маълумки, унинг афсонавий отаси Александр Дмитриевич Цюрупа озиқ-овқат бўйича комиссар бўлишига қарамай, бир куни очликдан қулаб тушган.

Всеволод Александрович қулоғимга энгашиб шивирлади:

— Ўзи ўқимоқчи, бу яхшиликдан далолат эмас.

Дарҳақиқат, Аджубей биринчи бўлимнинг:

Келажак йилларинг сайёра мисол,  
Билмайсан, кутмоқда қандайин тақдир.  
Бехосдан паришон бўлади хаёл,  
Рухий тушкунликка тушасан асир... —

мисраларини ўқиши билан айбловчи оҳангда савол ташлади:

— Ҳамзатов айтинг-чи, сиз шўро ҳукумати ва унинг фуқаросидаги хаёли парижонликни қаерда кўраяпсиз?

Қатнашчилар “Борис Годунов” даги оломон каби сукут сақлашди. Ҳамзатов кесатди:

— Бу жамиятдаги хаёли парижонликни “Известия” да кўраяпман. Бир ҳафта илгари дostonимни мақтаган одамлар бугун оғзига сув солгандай жим ўтиришибди.

— Менга ҳисобот беришларича, ўтган сафар оддий суҳбат бўлиб ўтган, — дея Аджубей залга заҳарханда қаради.

Унинг кўзларига раҳбарларга хос манманлик бор эди. Менга қаршимиздаги “Известия” муҳаррири эмасдай туюлди. Чунки Москвада Аджубей эртами-индин ташқи ишлар вазири Громико ўрнини эгаллайди, деган миш-миш тарқалганди. Бўлажак вазифа эса сиёсий бюро аъзосига хос иш тутишни тақозо этади. Бу ерда! Ё қулоғига шундай эшитилдими? Ҳамзатов деганлари ўз зиммасига кўп нарсани олмаяптими? У амалдор ҳузурида қуллуқ қилиш ўрнига, дадил эътироз билдираяпти. Шундай ҳол бу стол атрофида илгари юз бермасди. На чора, вақт ўзгараяпти. Суҳбат давомида, Аджубей ва Ҳамзатов иккинчи шахс тилидан бир-бирини сенлашга бориб етишди.

Хрущевнинг куёви дostonни гализ нутқда ўқирди. Ниҳоят, у шу воқеага етди. Тоғлик ота ўғил кўрганидан хурсанд бўлиб, тўппончасидан шифтга қараб ўқ уза-

ди. Ўқ девордаги Сталин портретига тегиб ўтади ва омадсиз мерган Колимга жўнатилади. Бехосдан Аджубей қўрқинч ва ҳадик билан сўради:

— Агар ўқ Никита Сергеевич портретига текканда нима бўларди?

Шу заҳоти ўзи жавоб берди:

— Ҳурматли Ҳамзатов, биз сиз куйлаган бу мерганни қамардик.

— Сиз кимнинг номидан гапираяпсиз? — дея секингина қарши савол берди Расул.

— Мен шўро халқи номидан гапиряпман.

— Эрта эмасми?

Мана шундай оҳангда ҳар икки томонда “чақмоқлар ёнди”. Оқибат, бўлажак ташқи ишлар вазири тинчлик тарафдори сифатида ўзини фош қилди:

— Ўртоқ Ҳамзатов, ўз келажагингизни ўйланг.

Расул эса, аксинча, рақибини сенлаб, ҳужумга ўтди:

— Менимча, сен ўзинг келажагинг ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришинг керак.

Тарқала бошладик. Мен сигарет олиб, Аджубейнинг столда ётган ўт олдиригичига қўл узатдим. У қўпол ҳазил қилди:

— Чўнтагинга солма. У олтиндан тайёрланган. Менга уни Крупп ҳадя этган.

Кейинроқ у бу ўт олдиригични балиқ овига чиққанда дарёга тушириб юборибди.

Дейдилар: “Ниҳоя, сен кутгандек тезроқ бошланади”. Хрушчев амалидан тушди ва Аджубей ҳам вазифасидан кетди. “Одамлар ва соялар” достонига боғлиқ воқеалар бу билан тугамади. 1964 йил 3 апрель куни “Москва” меҳмонхонасидаги Расул жой олган хонада достонни “Новый мир” журнали муҳаррири А.Т.Твардовскийга ўқиб бермоқчи бўлдик. У Александр Дементьев билан бирга келди. Кейинроқ улар сафига қақирилмаган меҳмонлар — С.Орлов ва яна кимдир қўшилди. Мен достонни ифодали ўқиб беришга ҳаракат қилдим. Асар Твардовскийга ёқди ва Расулга деди:

— Зўр, таъсирчан ёзилибди. Мен достонни оламан.

Шу вақтда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим ва Александр Прокофьевнинг овозини эшитдим. У қўшни хонада жойлашганидан хабардор эдим. Вақтни чўзиш мақсадида атай сўрадим:

— Бу ким?

— Хавфсизлик қўмитасидан, — деди у хохолаб.

Гўшакни кафтим билан тўсиб, Расулга шивирладим:

— Прокофьев. Ҳозир уни таклиф этма.

Ҳамзатов гўшакни олиб: “Саша, чиққин”, — деди.

Александр Алексеевич Прокофьев кириб келди. Расул билан кучоқлашиб кўришди, Твардовскийга қўл узатди, бошқаларга бошини қимирлатиб: “Салом”, деди.

Ўша даврда Ленин номидаги мукофотни бериш қўмитаси йиғилиши бўлаётганди. Бу қўмитада Твардовский, Прокофьев ва Ҳамзатов ҳам бор эди. Икки адаш мукофотга номзодлар тўғрисида суҳбатлашишди. Аҳамият бермаса бўладиган гап-сўзлар. Жанжал чиқишига ҳеч асос йўқ. Шу пайт Твардовский питерлик қалам-каш тўғрисида сўраб қолди:

— Бродский билан ораларингда қандай гап-сўз ўтди?

— Биласанми, у шўроларга қарши одам экан. Шу боис мен Браунни судга жамоатчи қораловчи сифатида жўнатмоқчи эдим. Ярамас Николай бўлса кўнмади, тагин “бу ишда менга ишонма”, дейди.

Твардовскийнинг юзи оқариб кетди. Сигаретани чуқур тортди, кейин шошмасдан, лўнда-лўнда деди:

— Николай Браун мард экан. Прокофьев, сен эса аблаҳсан! Ўн олти ёшли болакайнинг ижодини бунча титқилайсан? Мен Бродскийни танимайман. Унинг шеърларини Маршак тақдим этганди. Китобий экан, журналда бермадик. Бундай қўлёр-малар менга ёқмайди. Лекин шоирни ўзгача фикрлагани учун қаматишга уриниш, сен мени кечиргин...

Кейин суҳбатдошларнинг эҳтирослари жўш урди, уларни ифодалашга ожизман, албатта бу сўзларни муҳтарама аёлларимиз билмаганлари маъқулроқ. Прокофьев урушишга тайёр одамдай жавоб қайтарар экан, сизлашга ўтди:

— Александр Трифонович, ўзингизни рус шеърятининг виждони деб ўйламанг? Биз сизга баъзи нарсаларни эслатиб қўйишимиз мумкин.

— Эслат, ҳа, эслат...

— Менинг отам шўро ҳукумати учун ҳалок бўлган...

Твардовский унинг сўзини бўлди:

— Сенинг отанг шўро учун, менинг отам шўро қўлида...

Ўзи қизариб кетган Ҳамзатов хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юрарди. У баҳсга аралашмасди, иккисини яраштиришга ҳам уринмасди. Чунки улар меҳмон эди, бу ишни мен зиммамга олмоқчи бўлдим, аммо Прокофьев менга бақирди:

— Сен ўзи кимсан?

Твардовский унинг ўйламай айтган сўзини қаттиқ ушлади ва менга ҳамдардлик билан деди:

— Эшитдингизми? У сизни ҳам қамайди. У ҳаммани панжара ортига тикади.

Бу тортишувни Ҳамзатов битта суҳбатда эслаб ўтган. Жанжал эса Твардовскийнинг Прокофьевни ҳайдаши билан якунланди:

— Қани туёғингни шиқиллат! Сенинг виждонли одамлар орасида қиладиган ишинг йўқ. Улар абадий ажралишди. Биз дostonни “Новый мир” журналига олиб бордик. Икки ойча ўтгач, Ҳамзатов Маҳачқалъадан ранжиган ҳолда телефон қилди:

— Твардовскийдан хат олдим. Дostonни чоп эта олмаслигини ёзибди. Унинг таржимангга катта эътирозлари бор экан.

Мен гап таржимада эмаслигини дарров фаҳмладим. Биз янги даврга қадам қўйгандик. Мен огоҳлантирмасдан Твардовский ҳузурига бордим. У мени кўриши билан мақсадимни англади. Эҳтимол мен аҳмоқлик қилдим, остонадан ўтишим билан уни ёқлашга тушдим:

— Александр Трифонович, балки сиз ҳақдирсиз. Таржима бўшдир, гарчи уни Маршак мақтаган бўлса ҳам. Ишонаманки, сиз омилкорлик билан иш кўрасиз, гўзал асарни сув таржима билан бирга тўкиб ташламайсиз. Биламанки, сиз ҳозир асарни яхши таржимонга бериш ҳақида ўйлаяпсиз.

У уялгандан кўзларини ерга қадади:

— Келинг, очикчасига гаплашайлик. Сиз зиёли одамсиз ва мени тушунасиз. Ҳозир бу дostonни чоп эта олмайман. Қўпол ва одобсиз вaжлар топганим учун мени кечиринг.

Буни Лакшин ҳам ўз эсдаликлариди тасдиқлайди: “Твардовский Ҳамзатовнинг (Сталин тузумига қарши ёзилган) дostonини ўқиб чиқиб, 1964 йил 22 июль куни бу ҳақда таҳририятда гапирди. У шеърларни ўзи ўқигани учун менга бермади. Расул олдидаги дўстлик мажбуриятларини ҳис этгани учун таржимани ёмонлади, бу билан ўзининг рад жавобини юмшатмоқчи бўлгандир. Ҳамзатов дostonини бизгача “Известия”га кўрсатгани ва Аджубейнинг “йўқ” жавоби унинг журналда чоп этилишини қийинлаштирди. Твардовский унинг ҳузурига 17 июлда бориб келди”.

Гап бу ёқда экан. Твардовский Аджубей раъйига қараб, Ҳамзатов дostonининг тақдирини ҳал этибди.

Мария Илларионовна Твардовская эрининг қўлёмаларини 1985 йилда чоп эттирди. Унда Твардовскийнинг Расулга эълон қилинмаган дostonи муносабати билан ёзган мактуби ҳам бор. Мактубда шундай сўзлар ёзилган: “Умуман олганда, юракдан тўкилган, мавзуси ва воқеаларининг берилиши чуқур ўйланган бу асар ўқувчида чуқур таассурот қолдиради. Бу шеърини воситада баён этилган катта сиёсий ва умумжамиyat аҳамиятига эга тавба, ўғит, одил ҳукм, (қилинмаган гуноҳлар учун) тазарру”.

Шундан сўнг менинг бошимда таёқ синади: “Бу асарнинг тўлалигича ўқувчилар юрагига, онгига етиб боришига, олам юзини кўришига таржиманинг бўшлиги ҳалақит беради”. Кейин: “Бечора Яша Козловский. Бу иш унинг қўлидан келмайди. Мен қийин аҳволда қолдим, уни суҳбатлашишга таклиф этмадим, чунки бундай суҳбат учун сен ва сўзма-сўз таржима матни бўлиши, қайсики уларни зарур пайтда ўзинг тасдиқлашинг керак”.

Хуллас, мен айбдор эканман. Аммо Твардовский “А.Т.” дея имзо қўйиб, ўз қўли билан эътирозлар ёзган таржима матнини топиб ўқишимни хаёлига келтирмагандир. Саҳифаларда ўнтгача эътироз бор, албатта уларнинг айримларини қабул қилмаслик мумкин. Таржима тили силлиқ эди. Хусусан:

Ўтган ўтди, энди бекор унларим,  
Уларга ўзимман оқловчи, ҳакам.  
Билмам, нега йиғлар шодмон кунларим,  
Нега кулаётир аччиқ фожеам?

Нокамтарлик бўлса ҳам баён этай, ишқаллик менинг “ёмон” таржимамда эмасди. Менинг фаҳмлашимча, Твардовский ўзининг “у дунёси”га ҳозирча ўзига маълум “у дунё” билан боғлиқлик бор деган эътирозлар туғилишидан хавфсираган.

Ахир, Твардовскийнинг Василий Тёркини “у дунёга” Ҳамзатов қаҳрамонидан кейин берган. Бундан ташқари, у мактубда ўзини оқлаган ва бизга дашном берган: “Ниҳоят, таъкидламаслигим мумкин эмас, сен ва Яков Козловский бамаъни иш қилмагансизлар, дostonни бизга бергунча бошқа “таниқли кишилар”га кўрсатгансизлар. Бу қўшимча қийинчиликлар туғдиради, қайсики бу муаммо бизда туғилмаслиги мумкин эди”. Твардовский Аджубейдан шунчалик ҳайиққанки, ҳатто унинг исмини қаламга олмаган.

Мен Александр Трифоновични ҳар хил воқеалар пайтида кузатганман.

Уларнинг барини сўзлаб бериш узун ҳикоя. Шулардан бирини лўнда қилиб айтиб берай. Чунки бу воқеа ҳам Ҳамзатов боғланган. Брежнев ҳукуматни бошқараётган давр эди. Расул мени қувғиндаги В.М.Молотовни кўргани олиб борди. У Сталиннинг яқин сафдошини илгари ҳам йўқлаб турар экан. Хусусан, улфатлари Қайсин Қулиев ва Мустай Карим билан биргаликда. Кейинроқ биз — Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Мустай Карим ва мен Твардовскийнинг дала ҳовлисида меҳмон бўлдик. Қадаҳлар кўтарилди ва унинг хўжайини бизни Молотов билан мулоқотда бўлганимиз учун койий бошлади:

— Муттаҳамнинг, давлат жиноятчисининг уйига борибсизлар.

Шу пайт Ҳамзатов ҳеч бир панд беришни ўйламадан, очиқ чеҳралик билан деди:

— Биласизми Александр Трифонович, Молотовнинг катта кутубхонаси бор. Унда сизнинг миннатдорлик дастхати ёзилган китобингизни ҳам кўрдим.

Худди шу вақтда ошхона эшигидан Мария Илларионовна кириб келди ва эрига луқма ташлади:

— Саша, у бизнинг уй олишимизга ёрдам берганди.

Мусаввирлар яхши билишади, кичик чизги суратга жон бахш этиши мумкин. Ҳозирги луқма шу вазифани ўтади. Начора, баримиз шу осмон остидаги гуноҳкор бандалармиз...

Твардовский қаттиқ касал бўлиб қолиб, шифохонада даволанаётганда уни кўргани бордим. У таржимамни беҳуда қоралаганини англатиш мақсадида шекилли, ўзининг “Йироқлардан йироқларга” достонига қуйидаги дастхатни ёзиб совға қилди: “Яша Козловскийга. Ўқиш учун эмас, яхши хотира бўлиши учун. А.Т. 29.VII.69”.

Ҳамзатов ҳақидаги ҳикояларни чеки йўқ йўлларга қиёслаш мумкин. Расулнинг ортиқча дабдаба ва ҳовлиқмаликдан ҳоли шеърятти собит эътиқодга, очиқ кўнгилчиликка, ажодлардан мерос ўзига хос туйғуларни тарбиялашга ундайди. Бу шеърят ҳақида ўйлаганда Пушкиннинг “Руслан ва Людмила” достонидagi шу мисра эсимга тушди: “Бу ерда рус руҳи, Русия ҳиди бор”. Расул қайси мавзуда ёзмасин, уларда Кавказ руҳини сезасан. О, у қандай топқир! Замондош шоирларимиздан қайси бири Расулдай ажиб ўхшатма, гўзал бағишлов, мактуб, дастхат ёзган? Унинг ривоятлари, афсоналари, ёзувлари бадиий жиҳатдан олганда ўзига хос кашфиёт! Бу асарларни ўқиганда руҳинг яйрайди. Яна унинг назм ва наср, тарих ва тоғлиқлар оғзаки ижоди уйғун гўзал асари бор. Мен “Менинг Доғистоним” асарини назарда тутяпман. Шундай шеърлари борки, қўшиқ бўлиб “Турналар” мисол бутун дунёни кезган. Тасаввуфга асосланган бу шеърда, ҳалок бўлган аскарлар руҳининг турналарга айланишини ҳар ким ўзича қабул қилади. Бу қўшиқ янграганда бўғзингга бир нарса тиқилади, кўзингга ёш келади:

Улар кўкда учар, учар гирён-зор

Ўтган ажодларим, дўстларим, ёрим.

Кўряпман, қаторда битта бўшлиқ бор,

Ўша бўшлиқ, менинг боражак жойим...

“Турналар” қўшиғини биринчи марта ажойиб овоз эгаси Марк Бернес ижро этган. У ўлимига санокли кунлар қолганини билгани ҳолда овоз ёзиш студиясига келиб, шу қўшиқни ёздирган. Москва аҳли Марк Бернес билан видолашганда, уни сўнгги йўлга ўзи куйлаган “Турналар” ҳам осмони фалакда кезиб кузатиб қўйганди. Бир неча йилдан кейин узоқ Филадельфия шаҳридан Доғистонга хат келди. Унда черков ходими Батлер шундай ёзибди: “Жаноб Ҳамзатов, худо сиздай тоза юракли инсонга узоқ умр ато этган бўлсин. Сизнинг “Турналар” қўшиғингиз қалбимизни ларзага келтирди. Ўз номимдан, черковга келувчилар номидан сизга катта раҳмат”.

Кавказ тоғида ва Россиянинг кўплаб шаҳарларида “Турналар” қўшиғига

қўйилган манзара акс эттирилган ёдгорликлар ўрнатилган. Бундай эътирофга дунёдаги бирор бошқа қўшиқ сазовор бўлмаган. Москва раҳбарияти ҳам шаҳарга “Турналар” қўшиғига шундай ёдгорлик қуриш тўғрисида қарор қабул қилди... Бундай муваффақиятдан бошқа шоирларнинг боши айланиши мумкин эди, аммо Ҳамзатов шуҳратпарастлик “касали”га чалинмаган, ўзини ҳеч кимдан баланд қўймайди. Мен унинг мақтанганини, манманлик қилганини кўрган эмасман. Зеро, барчага аён ҳақиқат шу: “Ҳамзатовлар ҳар куни туғилмайди!”

Етмишинчи йилларда газета топшириғига кўра Ҳамзатов билан Болгарияга учадиган бўлди. Ярим кеча, қоронғи бўлишига қарамай ҳамма Ҳамзатовни таниб қолиб салом берар, ёнимизга келиб ундан дастхат олишга ҳаракат қиларди. Мен бу ҳолга қараб, худди у айбдордай кесатдим:

— Софияга учиб боришимиз билан сенинг машҳурлигинг тамом бўлади.

— Биринчидан, машҳурлик эмас, кўзга яқинлик. Иккинчидан, сен янглишишинг мумкин, — деди у. Биз самолётдан жой олдик. Самолёт узоқ вақт учиб жойида турди. Ниҳоят, стюардесса эълон қилди:

— Бизнинг самолётимиз носоз. Бошқа самолётга ўтишларингизни сўраймиз.

— Бу хабарни ҳавода эмас, ҳозир айтганингиз учун сизга ташаккур билдираман, — дея минғирлаб қўйди Ҳамзатов.

София аэропортига қўнишимиз билан умуман нотаниш одамлар Ҳамзатовни таниб бошлади. Охири бундан чарчаган Расул мухлисларини чалғитиш мақсадида деди:

— Мен Аркадий Райкин эмас, Ҳамзатовман.

Кўп йиллар давомида Қаҳрамон унвони берилган кишиларни кузатдим, уларнинг айримлари олий нишонни кўкрағига ҳамиша тақиб юришади. Ҳатто шу нишон билан ҳожати бўлмаган жойларга боришади. Хусусан, футбол ўйингоҳига, пляжга... Расулни нишон билан фақат тантаналарда, чунончи Шомил таваллудининг 200 йиллигига бағишланган байрамда кўрганман. Шомилни эсга олдим, яна кўз ўнгимда Қайсув дарёсидаги икки қирғоқни боғлаб турган темир кўприк намён бўлди. Худди шундай даҳолар ўтмиш ва келажакни боғлаб туради. Мен доғистонлик кекса рус тили ўқитувчиси Константин Поповнинг хатини топдим. У Расул Ҳамзатовнинг “Шомилнинг муҳаббати” дostonини ўқиб, менга шундай ёзганди: “Сизга маълумки, Шомил шоирларни аямаган. Шеър тўқиганларни қамчи билан савалаган. Шомил, биз ҳақимизда душманларимиз ёзишсин, Доғистон қиличларининг жаранги уларга ил-ҳом бағишласин, деб уқтирган. Аммо менинг ишончим комил, агар у ҳозир тирик бўлганида ва ўзининг Моздок яқинидан ўғирлаб келтирилган, ислом динига кириб, Шуойнат исмини олган арман савдогарининг қизи Аннага бўлган муҳаббати куйланган дostonни ўқиганда, тоғликлар йўлбошчиси шоирларга нисбатан чиқарган қарорини дарҳол бекор қиларди. Ҳамзатовни эса Цада қишлоғидаги муҳаббат ноиби этиб тайинларди”.

Мен унинг фикрига тўлиқ қўшиламан. Чунки Расул ижодининг катта қисмини ташкил этадиган муҳаббат ҳақидаги шеърлари аёлни улуғлашга, бир умр қадрлашга қаратилган. Унинг бундай шеърларини таржима қилганимда, руҳим яйраб осмоннинг еттинчи қаватига кўтарилганман десам муболаға эмас. Шу сатрларни ёзар эканман, бехосдан Расулнинг “Шоирни ўлимдан асраган аёл” деб номланган шеъри эсимга тушди. Юрак туйғулари баён этилган бу шеърга қаҳрамон қилиб олинган шарқлик шоир ким эканини биламан. Шеърнинг мазмуни шундай: кекса шоир шифохонада ўлим тўшагида ётибди, унга на ҳақимлар, на Тибет табиблари ёрдам бера олади, ёшлигини қайтариш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шунда бир ёш аёл шифохонага келади, ҳақимлар тақиқлашига қарамай, тун бўйи бемор шоир ёнида қолади. Эрталаб ҳаётга қайтган шоир, аёл билан яшнаб чиқиб кетади. Шеър қуйидагича яқунланади:

... Умар Ҳожи, қадим замонда  
Шундай қизиқ воқеа бўлган:  
Тоғлик эрлар қолмай армонда,  
Ҳатто ўлим устидан кулган.  
Шу боис мен ҳам чекай нечун,  
Ажал кесиб ўтсин йўлимдан,  
Биламанки, мени ўша тун,  
Ёш гўзал қиз асрар ўлимдан.

*Асрор МЎМИН таржимаси*

## Бобур юрган йўлларда

Хайриддин Султон. “Бобурийнома”.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти — 1998.

**М**аълумки, асарда инсоний кечинмалар, унинг изтироблари ўз бадий-фалсафий талқинини топса, воқеалар тарихан аниқ ёритилса, у узоқ яшаб қолади. Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий романи ҳам шундай фазилятга эга. У китобхон қалбини забт этади ва маънавий оламини бойитишга хизмат қилади. Романнинг аҳамияти ва қиммати энг аввало ана шунда кўринади.

Ёзувчи тарихий воқеаларни инсон фаолияти, қисматига чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлашга катта эътибор беради. Романда Бобур Мирзонинг шахси, адабий, ижтимоий-сиёсий фаолияти теран таҳлил қилинади. Адиб синфийлик тазйиқи туфайли туғилган аввалги мафқуравий қарашларга аниқлик киритиб, олдинги нохуш тасаввурларни йўқотишга интилади. У буюк шахс ва шоир бўлган Бобурни серғалва ҳаёт кечирishiга сабаб бўлган воқеалар моҳиятини очиб бериш, ботиний дунёсини кўрсатиш учун катта меҳнат қилган. Ёзувчи тарихга ва бугунги воқеликка бўлган ўз нуқтаи назарини романнинг сюжети чизиги замирига сингдириб юборади. Асар воқеаларини шу тарзда қуриш ёзувчи маҳоратидан далолатдир. Асар бевосита “Бобурнома” йўналишида ва руҳида ёзилган. Яъни бундан салкам 500 йил илгари Бобур Мирзонинг гоҳ ихтиёрий, гоҳ ҳаёт тақозоси билан қадами теккан жойларга ёзувчи сафар қилади. Фарқи шуки, Бобур Мирзо отда, пиёда юрган бўлса, ўша жойларга Хайриддин Султон XX асрнинг мўъжизаси — машина ва самолётда қадам ранжида қилади. Албатта, бу жойлар бугунги кунда бутунлай ўзгариб кетган. Лекин инсоний туйғулар, кечинмалар, изтироблар “Бобурнома”да қандай бўлса, “Бобурийнома”да ҳам шундай теран акс этган. Шунинг учун “Бобурийнома”ни “Бобурнома”сиз тасаввур қилиш қийин. Бобур асарининг руҳи “Бобурийнома”га тўла сингиб кетган.

Асар “Йўлбарснинг туғилиши” номли кино ҳикоядан бошланади. Мазкур ҳикоя “Бобурнома”ни ўқиш асносида туғилади. Адиб “Марксча-ленинча фалсафа асослари”дан синовга тайёргарлик кўриш ўрнига, ёмғирли кунда уйга кирволиб “Бобурнома”ни ўқийди. Китоб адибни хаёлот дунёсига чорлайди. Маълумки, Бобурнинг номи хусусида турли ривоятлар мавжуд. Улар ўзига хос жозобага эга бўлишига қарамай, мантиқ жиҳатдан бир оз заиф эди. “Йўлбарснинг туғилиши”да илгари сурилган фикр ҳар жиҳатдан мантиқан ва жозибатор. Унда ҳикоя қилинишича, Қутлуғ Нигорхонининг ой-куни яқинлашганда, Умаршайх Мирзо шикорга отланади. Шикорда Умаршайх Мирзо ўз ўқига чап берган жайронни қувади. “Қор босган баланд ўнгирдан сакраб ўтган жайрон тўсатдан тўхтаб, қотиб қолади, бир дақиқадан сўнг ортига қараб қочади.

Ўнгир ортидан даҳшатли ўкириш эшитилади... У ерда... оппоқ қор уюми устида, шамол-қордан, бегона кўзлардан, хавф-хатардан пана бир чуқурликда мода йўлбарс тўлғоқ азобидан инграб ётарди”.

Умаршайх Мирзо бу манзарадан таъсирланиб турган паллада, чопар келиб,

ўғил кўрганини баён қилади. Мавлоно Мунирхожа Марғилоний китоб кўриб, “Заҳириддин Муҳаммад” деб ном бермоқ жоиздир”, — дейди.

Бироқ қайнотаси Юнусхон: “Насиб этса, иншооллоҳ, йўлбарсдай баҳодир бўлғусидир. Инчунин, “Бобур-йўлбарс” деб чақирсақ ҳам бўлар экан”, — дейди. Шундай қилиб чақалоққа “Заҳириддин Бобур Муҳаммад” деган ном қўйилади.

Романнинг бу ҳикоядан бошланиши ниҳоятда мантиқли. У Бобур Мирзо фаолиятидаги шижоаткорлик, қатъият, мардоналик илдизларини очиб беради. Негаки, Бобурга бобоси айтгандек “илоҳий хосият дориган”, ундаги кўп инсоний фазилатлар Оллоҳнинг иноятидур.

Китобнинг кейинги саҳифаларида намоён бўладиган Бобур Мирзо сиймоси тасвирига ҳам “Бобурнома” асос бўлади. Адиб ёзади: “Вақоий санаи сабъ ва тисъа” тўққиз юз еттинчи йил воқеаларини қайта ўқидим. Мелодий ҳисобга ўтказилса, бу 1501-1502 йил воқеалари бўлади. Ажиб янгилик: Бобур Мирзо Паркентда бўлган экан!

“Бобурнома”нинг 152-саҳифасида: “Ҳазрати Хожага Хожа Самарқанддин чиқиб, Фарқатга ўлтуруб эдилар. Фарқатга бориб Хожани кўрдим”... Энг муҳими, Бобур Мирзо ўша суронли йилларда бир муддат Сомсарақда сарсон-саргардон кезган экан...” 156-бетда: “Сомсарақнинг орасида буронгор ва жувонғорни ясол ясаб эдим, кўрдилар...” 157-бетда: “Тонгласига Сомсарақ навоҳисини чарга солиб овладилар...” “Сомсарақ деган кентга тушдик, тонгласи хабар келадики, Нўён кўкалтош жардин мастлиқта йиқилиб ўлибтур...”

“Ой ботган паллада” номли ҳикоя мана шу маълумот асосида ёзилган. Унда Бобур Мирзонинг Паркент ва Сомсарақда кечган қисқа, лекин ёдда қоларли ёрқин кунлари ҳикоя қилинади. Ёзувчи “Бобурнома”даги ана шу қисқа маълумотга таяниб, таъсирли ҳикоя яратишга муваффақ бўлади. Бобур Мирзо Самарқандни бой берган, Андижон ҳам қўлдан кетган. У жуда танг аҳволда қолган қалтис пайтда Паркентни макон тутган. Қўлида бор-йўғи ўттизга яқин навқари қолган, бунинг устига кун ҳам рутубатли. Тинмай ёмғир ёғяпти. Мана шу пайтда садоқатли навқарлари жам бўлиб, Шайбонийхон Шоҳруҳияни эгаллагани, Пискент вилоятини қамал қилганлиги хабарини етказишади. Бобур бошқа кентга кўчишга қарор қилади. Бу Сомсарақ эди. Ҳикояда Бобурнинг ана шу даврдаги сарсон-саргардонликда кечган кунлари, оғир изгироблари, хиёнатлар туфайли бошига тушган кўргуликлар теран бадий таҳлил этилган: “Бу оламда қайси бир бандага ишониб бўлади? Кимни кўнглига маҳрами асрор этса бўлади? Қаён боқма — хиёнат, макр, найранг...”

Бобур Мирзо бундай хулосага ўз-ўзидан келмайди, унга “Али Дўст ва Қамбар Алидек улуг беклари, Муҳаммад Дўст сингари суянган тоғлари панд ” берадилар. Лекин хиёнат ҳаётда жазосиз қолмайди. Али Дўстнинг қўлига яра чиқиб ўлади. Муҳаммад Дўст Танбални ҳам лақиллатиб, Шайбоний томонига ўтиб кетади. — Лекин ундан ҳам қочиб, Андижон кентларида фитналик қилиб юрган кезларида қўлга тушиб, Шайбоний томонидан кўзлари ўйилади.

Кейинги саҳифаларда мазкур ҳикояни бостиришдаги қийинчиликлар, тоталитар тузум даврида Бобур Мирзога муносабат билан танишамиз. Бу ҳикояни тазйиқдан чўчимай, босилиб чиқишига бош қўшган қалби уйғоқ, руҳи пок инсонларни кўрамыз.

Асар воқеалари дам ўтмиш, дам бугунги кун лавҳаларига бағишланганига қарамай, марказида доим Бобур сиймоси ва унинг эзгу ишлари туради. “Йўлбарс изидан” деб номланган бобда Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция фаолияти тасвирланади. Экспедиция таркиби, мақсади, уни Тошкентдан йўлга чиқиши хусусида ҳикоя қилар экан, муаллиф асосий диққатни Тошкент Бобурнинг она шаҳри эканлигига қаратади. Шу муносабат билан онаси Қутлуғ Нигорхоним ҳақида маълумот беради. Оқибатда воқеа йўналиши яна ўз-ўзидан Бобур Мирзо сиймосига бориб тақалади. Шу тарзда “Паноҳ” номли ҳикоя юзага келади. Бу ҳикояда ҳам қаҳрамоннинг руҳияти, ички кечинмалари чуқур акс этади. Самарқандни гаддор душмани Шайбонийхонга ташлаб, Андижонга йўл олган Бобур иниси Жаҳонгир Мирзо тожу тахтни эгаллаб, уни қилич яланғочлаб кутаётгани хабарини эшитилади...

Бундай пайтда кишини ақл билан топилган тўғри тadbир халос қилиши мум-



кин. Танбалдан учинчи марта келган чопарга рўйхуш бермаган Бобур Мирзо Тошкентдан — хон дадаси ва тоғойилари даргоҳидан паноҳ топишга қарор қилади. Бироқ Мирзо Қосимбек “Аҳмад Танбалнинг истаги чин кўринадур,” — деб уни таклифига кўндиришга уринади. Қосимбекнинг фикрини Дўст Носирбек, Қамбар Алибек, Муҳаммад Ёқуббеклар қувватлашади. Шунда Бобур “Хўп! Агарчанди мен бу мунофиқнинг на ваъдаси, на қасамига ишонмасам-да, сизларнинг сазангизни ўлдирмайман. Йўл тадоригини кўрингизлар!” — дейди. Кўп ўтмай, Бобур бу борада ҳақ бўлиб чиқади.

Бехавотир тунаётган оз сонли қўшинга тунда Аҳмад Танбал ҳужум қилиб, Бобур Мирзони ўзи тақдим этган қилич билан яралайди. “Бу қилич менинг бошимни эмас, бошимдаги хом хаёлларни чопиб ташлади... Бу қилич сизнинг Танбалдек қари тулки билан боғланган ҳамжиҳатлик ришталарингизни ҳам буткул узиб ташлади”.

Мазкур ҳикоялардаги воқеаларнинг барчаси ҳақиқат. Бобур Мирзо ҳаётининг илк тадқиқотчиларидан бўлган инглиз тарихчиси Уильям Эрскин шундай ёзган эди: “Унга (Жаҳонгир Мирзога) оқ сувсар телпагимни юборишга келишдик. Танбалга ҳам бирор нарса совға қилсак нима қилади? — деб сўраб қолди бек яна. Бу фикр менга маъқул бўлмаса-да, Қосимбекнинг тазйиқи остида Нўён Кўкалдошнинг Самарқандда тайёрланган катта қиличини олиб Танбалга юбордим”. Кейинроқ бўлиб ўтган воқеаларда Бобурнинг бошига келиб тушган худди ўша қилич эди (Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. “Чўлпон” нашриёти. 1995, 30-бет). Бу парча Хайриддин Султон тасвирда тарихий ҳақиқатга жиддий амал қилганини яна бир карра исботлайди.

Романнинг кейинги қисмларида мусулмон дунёсининг ярми, яъни Машҳад, Табриз, Техрон, Зоҳидон, Арзирум, Сиваш, Анқара, Кунё, Искандарун, Дамашқ, Уммон, Мадинаи Мунаввара, Маккаи Мукаррама, Тоифи Шариф, Эр-Риёз, Абу-Даби, Дубай, Лоҳур, Исломобод, Пешавор, Жалолобод, Кобул, Мазори Шариф сингари шаҳарлар қиёфасида, одамлар турмуши, хориждаги ватандошларимизнинг қисмати, йўл азоблари билан танишамиз. Бу жойларни экспедиция “Тойота” машинасида босиб ўтади. Қайси мамлакатга боришмасин, экспедициянинг мақсади — Бобур ва бобурийларнинг авлод-аждодлари тарихи ҳамда меросини ўрганишдан иборатлигини билгач, уларга хайрихоҳлик билан қарашади ва ёрдам беришади. Бу Бобурнинг номи бутун дунёга машҳур эканлигини кўрсатади. Бу, албатта, биз ватандошларига гурур бағишлайди. Адиб ҳам воқеалар заминидан шундай хулоса келтириб чиқаради. Экспедиция қаерда бўлмасин маданий марказ, олий ўқув юртлари билан илмий-маданий ҳамкорлик қилиш хусусида шартномалар тузишади. Адиб бегона юртлар хусусида худди “Бобурнома”дагидек, бор ҳақиқатни ёзади. Натижада Ватанимиз — Ўзбекистонни бошқа юртлар билан қиёслаш ва унинг афзаллигини англаш имкони туғилади. Бу эса, ўз навбатида, Ватанга меҳр уйғотади.

Бобур Мирзо изидан юрилган йўл хотираларини ўқир эканмиз, экспедиция аъзоларини бир зум ҳам Бобур руҳи тарк этмаганини, бу руҳ уларга мададкор бўлганини ҳар қадамда қалбан ҳис қиламиз.

Хайриддин Султон ёзади: “Бобурга хос бўлган инсоний фазилатларнинг заминиди илоҳий қудратга ишонч ва иймон мужассам эканини кўрдик”. Бунга Покистон чўлида қароқчилар таъқиб этиб келиб, бирдан кўздан ғойиб бўлишлари, Афғонистонга киришда машинанинг балони ёрилиб кетиши, алмаштириш пайтида домкратнинг синиши, бироқ қоронғи тушган, бу ёқда ўқ овозлари эшитилиб турганига қарамай, икки йигитнинг пайдо бўлиши ва аллақасердан домкрат олиб келишиб, машинани оёққа турғизишлари, уларни ҳарбий касалхонага олиб бориб, ўзлари ғойиб бўлишлари, Кобулда, Боғи Бобур йўлида ўқ ғизиллаб туришига қарамай, уларга шикаст етказмаслиги ёки Мозори Шарифда ҳам икки қарама-қарши кучлар бир-бири билан отишма қилиб турганда, бешикаст Амударё кўпригига етиб келишлари мисол бўлади. Бу хусусда адиб шундай ёзади: “Айтиш мумкинки, олис ва машаққатли бу сафар давомида Бобур Мирзонинг сирли ва илоҳий руҳонияти ҳамиша, ҳамма жойда бизга ҳамроҳ, мададкор бўлиб келмоқда. Айни икки воқеа заминиди ҳам кўз илғамас, ақл бовар этмас ботиний бир боғланиш мавжудки, бу

улуғ бобомизнинг нақадар соҳиби каромат бўлганлигидан яна бир қарра далолат беради”.

Китобнинг яна бир муҳим фазилати ўтмиш ва бугунги кун воқеа-ҳодисаси ҳақида теран фикрлар айтиш, фалсафий умумлашмалар чиқариш ва ўқувчига янги маълумот беришда кўринади. Унинг маърифий томони ҳам шу билан белгиланади. Экспедиция аъзолари қайси давлатда бўлишмасин, юқорида айтганимиздек, илмий масканларда, маданий ўчоқларда бўлишиб, ўша ерли олимлар билан фикр алмашишади, янги маълумотлар олишга интилишади.

Иккинчи қисмда Ҳиндистон ўлкасига қилинган сафар, Бобур Мирзо авлодларининг топилиши, улар билан учрашув, Афғонистонда Навоий, Ҳусайн Бойқаро қабрларининг зиёрати ва Ўзбекистонда Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги тўйи муносабати билан ўтказилган тадбирлар хусусида сўз юритилади.

Маълумки, дастлабки сафар чоғида Ҳиндистонга боришга имкон бўлмаган эди. Иккинчи Ҳиндистон бўйлаб қилинган сафарда бобурийлар авлоди Лайло Уммахон ва унинг ўғиллари Зиёвиддин, Маслиҳиддин Тусийлар топилади ва улар билан кўришилади. Кўп ўтмай Зиёвиддин Тусийдан президентимиз номига хат келади. Бу хатга президентимиз тезда жавоб ёзиб, уни шахсан топшириш учун китоб муаллифи Хайриддин Султон Ҳиндистонга йўлланади. Президентимиз томонидан берилган совғалар билан адабимиз Ҳайдарободда истиқомат қилаётган бобурийзодалар хонадонига кириб боради. “Улар шаҳарнинг янги барпо бўлаётган мавзеларидан бирида, чоғроққина хонадонда истиқомат қилишар экан. Ҳовли эшигига оилавий нишонни англатадиган лавҳа битиб қўйилган... Юз-кўзида ҳаяжон акс этиб турган бобурийлар билан бирин-кетин таниша бошладик: Бегим Соҳиб Лайло Уммахон — жамият раисаси (уларнинг расман эътироф этилган “Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи” жамияти бор экан), Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси; Зиёвиддин Тусий — жамият бош котиби, Лайло Уммахоннинг катта ўғли; Маслиҳиддин Тусий — Лайло Уммахоннинг иккинчи ўғли, қизлари, келинлари, набиралари...” Уларнинг ҳаяжонлари, дил сўзларини адиб катта ҳаяжон ва самимият билан тасвирлайди.

Хайриддин Султон мазкур китобида тарихчи — адиб сифатида иш кўради. У Бобур авлодлари муносабати билан тарихга мурожаат қилади ва бобурийлар сулоласининг сўнгги хони Баҳодиршоҳ Зафар фожасига кенг тўхталиб, жуда ҳаяжонли, таъсирчан ва қимматли маълумотларни келтиради. Юқорида тилга олинган фарзандлар Баҳодиршоҳнинг Мирзо Қуёш исмли ўғлига мансуб эканини таъкидлайди. Биз инжа қалбли адиб нигоҳи билан Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қиламиз, ҳинд халқларининг бобурийзодаларга бўлган муносабати, Шоҳжаҳоннинг Мумтоз Маҳалга бўлган муҳаббати, бобурийлар томонидан қад кўтарган обидалар, хусусан Тож Маҳал кўз ўнгимизда нақшланиб қолади. Китоб охирида “Саодат соҳили” номли қиссани ўқишга муяссар бўламиз.

Қисса Бобур Мирзо умрининг сўнгги кунлари воқеасига бағишланган. (Бу асар илгари кўп таҳлил қилингани учун унга тўхталмадик).

Мазкур китоб қатор ибратли фазилатлари билан ўқувчи дилчи ром қилади, унга катта маърифат, билим беради. Маълумки, “Бобурнома”да жуда кўп юрт табиати, юзлаб жўмард инсонлар хусусида фикрлар билдирилган. “Бобурийнома” ҳам худди шундай. Айниқса, экспедиция аъзолари, унинг раҳбари, жўмард инсон Зокиржон Машрабов, бобурийзодалар авлоди, улар тийнатида сақланиб қолган инсоний ғурур, меҳр, уни қадрлаш, авлодга хос бўлган юксак тарбия ҳақида билдирилган фикрлар, Президентимиз Ислон Каримовнинг бобурийларга кўрсатган марҳамати ажодларимиз қонидан ўтган жўмардлик йўқолмаганини, у давом этиб келаётганини воқеалар орқали инкишоф қилиниши шундай хулосага келишга имкон беради.

*Ҳакимжон КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори.*

Роберт БЛОХ

## Кўғирчоқ

Ҳикоя

1

**А**ввалбошданоқ айтиб қўймоқчиман: мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳаётда чиндан ҳам рўй берганлигига ўзим ҳам унчалик ишонмайман. Буларнинг барчасини эҳтимол тушимда кўрган бўлишим ёки улар бирор даҳшатли руҳий хасталикнинг асорати сифатида фақат кўз ўнгимдан кечган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, шахсан ўзимга келганда, таассуротларимнинг рост ва ҳаққонийлиги заррача шубҳа остига олинишида ҳеч бир маъно топмадим. Аслида биз курраи Заминдаги ҳаёт тўғрисида нимани ҳам билар эдик?

Ақлу шууримиз бовар қилмайдиган даҳшатли ноқисликлар билан туғилишлар, ваҳимали эврилишлар — буларнинг барчаси бизлар яшаётган дунёда мавжуд ва бор ахир. Йилдан-йилга илмий ёхуд жуғрофий кашфиётлар бисотини тўлдираётган янги ва янги далиллар назаримда фақат битта — энг оддий ва жўн ҳақиқатни тасдиқлашга хизмат қилмоқда: у ҳам бўлса бизнинг дунёмиз аслида шу пайтга қадар биз гумроҳона тасаввуримизда яратган дунёдан мутлақо бошқача экан, деган ҳақиқатдир. Гоҳида орамиздаги айрим кишилар билан ғалати ҳодисалар юз беради; шундай воқеаларгина бизларни ўраб турган сирли мавҳумлик пардасини

Муҳиддин  
Омон  
таржимаси

Америка адабиётидаги “даҳшатлар” жанрининг етук навигандаларидан бири Роберт Блох ўз устози Говард Х. Лавкрафтга “ўкиб ўрганишим учун зарур бўлган адабиётлар рўйхатини” юборсангиз, дея мактуб йўллаганда эндигина 14 ёшга қадам қўйган эди. Ўшанда мазкур хатга жавобан атоқли адиб Говард Х. Лавкрафт бўлгуси шогирдига нафақат у ўтиниб сўраган рўйхатни, балки шахсий кутубхонасидаги бир неча китобларни ҳам ҳаёда тарихида тақдим қилганди. Бирор муддат улар орасида самимий ёзишмалар давом этгач, Лавкрафт бу истеъдодли ўспиринга адабиёт билан жиддий шуғулланиши лозимлигини маслаҳат берди. Бора-бора устоз адиб Роберт Блох сиймосида ўзининг энг забардаст ворисини топди.

Р. Блохнинг энг машҳур асарларидан — “Шарф” (1947й.), “Ўғри” (1954й.), “Қулаётган юлдуз” (1958й.), “Ажал чарчоғи” (1960й.), “Даҳшат” (1962й.) ва кейинчалик Альфред Хичкок каби буюк кино дарғаларининг классик триллерлари учун сценарий вазифасини ўтаган “Психо” (1959й.) каби дурдоналарини алоҳида тилга олиш мумкин. Хукмингизга ҳавола этилаётган “Кўғирчоқ” ҳикояси Р. Блохнинг илк ижодига мансуб бўлиб, у дастлаб 1937 йилда Британияда нашр этиладиган “Ғаройиб воқеалар” журналида чоп этилган. Кейинчалик эса мазкур асар ўз жозибаси қудрати боис ўнлаб бошқа анталогиялардан муҳим ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

191

хиёл кўтаргандек туюлади. Шундай кезларда маълум бўладики: ёввойи ваҳшат тўла, ақл бовар қилмас ваҳималар, даҳшатлар шу ерда — ёнгинамизда содир бўлаётган экан! Умуман, инсон ўзича ўйлаб топган “теваракни қуршаб турган олам” ҳақиқатан мавжуд эканлигини исботловчи бирор-бир асосга эгами?

Дарвоқе, тақдир аталмиш хилқат бу қўрқинчи ҳақиқатни фақат миллиондан бир кишигагина ошкор этади. Қолганлар эса бир умр ўзларининг фараҳбахш авомликлари, осуда жаҳолатлари чангалида қолиб кетаверадилар. Шунинг учун ҳам бизнинг гоҳида дом-дараксиз йўқолган сайёҳлар, дафъатан изсиз ғойиб бўлган олимлар тўғрисида эшитишимизга тўғри келади... шундай бўлса-да, бизлар ўзимиз яшаб турган реал ҳаётдан ташқарида бўлиб қайтган ва у ерда ўзи кўрган нарсаларни ҳикоя қилишга журъат қилган кишини тап тортмасдан, андешасизларча, қип-қизил жиннига чиқарамиз-қўямиз. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик бундай нарсалар хусусида мутлақо сукут сақлашни маъқул кўради. Бу ҳолга ҳам ажабланишнинг ҳожати йўқ. Хуллас, инсон боласи борки, шу тариқа унинг ёнгинасида, ўзининг одми ва жўн турмуш тарзи, маишати остонаси ташқарисида уни нималар кутиб турганлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан умргузаронлик қилаверади. Бироқ ушбу жаҳолат осмони гоҳ-гоҳ бўлса-да, айрим ташқи таъсирлар воқитида нурафшон бўлиб туради: яъни биз аҳён-аҳёнда бўлса-да, турли денгиз махлуқлари, ерости жонотлари тўғрисида ул-бул гапларни эшитамиз; паканалар ёки барзангилар ҳақидаги афсоналарни ёдга оламиз, ғайриоддий ҳомилидорлик ва туғилиш ҳоллари тўғрисидаги илмий ахборотларни ўқиймиз. Урушлар, турли-туман юқумли касалликларнинг тарқалиши, очарчиликлар — буларнинг ҳаммаси кўзга кўринмас жаҳолатнинг шаффоф деворида моғорлаб ниш ура бошлайди: ваҳима-ю даҳшатларнинг қора шиллиқ қурти инсон моҳиятининг сохта пештоқи остидан судрала-судрала чиқиб кетади: шунда биз одамхўрлик ва ўлимтиххўрлик ҳақида, ўлган кишилар жасадларини кемирувчи махлуқотлар ҳақида, жирканч қурбонлик маросимлари, ҳатто худонинг муборак номига ҳам иснод келтирувчи жиноятчи манъяклар томонидан содир этилувчи қотилликлар ва ёвузликлар тўғрисида билиб қоламиз.

Мен ҳозир, шу дақиқалардан ўзим гувоҳ бўлишимга, бошимдан кечиришимга тўғри келган нарсалар ҳақида ўйларканман, уларни худди мен каби ана шундай машъум воқеаларга шоҳид бўлганларнинг ҳикоялари билан таққослаб, муқояса қиламан ва беихтиёр... “ақли ҳушим жойидамикин, ишқилиб!” дея хавотирга тушаман. Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган воқеаларни ҳақиқатга яқинроқ қилиб тушунириш мумкин бўлса, Худо ҳаққи, ёлвориб сўрайман: кимдир буни амалга оширсин ва иложи борича тезроқ амалга оширсин.

Доктор Пирснинг айтишича, мен шу кунларда осойишталик ва оромга ниҳоятда муҳтожман. Дарвоқе, айнан доктор Пирс мана шу воқеаларнинг барчасини қоғозга туширишимни маслаҳат берди. Зеро, у шу тариқа мен ўзимни тобора эзгилаб, адойи-тамом этишга чоғланаётган қўрқув ҳиссидан бир оз бўлса-да фориг бўлишимга умид боғларди. Бироқ, таассуфки, кўнглимда зиғирча осойиш йўқ ва ўйлайманки, токи бор ҳақиқатни билиб олмагунимча, ёки бирор кимса қўрқувларимга ҳеч қандай асос йўқлигига мени ишонтира олмагунча хотиржам бўлолмайман.

Очиқ тан олиб айтишим керакки, Брижтаунга етиб келганимда асабларим обдан ишдан чиққанди. Коллежда кечган сўнгги йил жуда кўп куч-қувватимни олган, шу боис ўқиш ва ўқитиш жараёнининг кишини зада қилиб юборадиган ташвишлари чангалидан қутулганимдан ҳис қилган ҳузурбахш туйғуларимни таърифлашга ожизман. Янги маърузаларим дастурининг муваффақияти факультетда тутган мавқеимни камида яна бир йилга мустаҳкамлади.

Шундан сўнг мен узоқ пайтдан бери кутиб келаётган таътилимни олишга ва академик илмий фаолият билан алоқадор барча югур-югурларни бирваракай бошимдан соқит қилишга қарор қилдим.

Хўш, аввало Брижтаун нимаси билан мени ўзига мафтун қилди?! Биринчи галда мазза қилиб форељ балиғи овланадиган ажойиб кўли билан маҳлиё қилди. Ниҳоятда сокин ва ортиқча дабдабалардан ҳоли мазкур оромгоҳ қишлоқ бу ёқларга келишимдан аввал бирма-бир варақлаб чиқишимга тўғри келган реклама қоғозларида мутлақо тилга олинмаган эди. Бироқ шундай эса-да, ушбу қишлоқча ҳақида ҳам мўъжазгина тавсифнома қўлимга тушиб қолди. Унда бу ерда дам олиш-

ни ихтиёр этганларга на турли-туман ўйинлар учун махсус майдонлар, на отда сайр қилиш сўқмоқлари, на сузиш учун очиқ сув ҳавзалари мавжуд деган чорловлар бор эди. Олий мақомдаги кечки зиёфатлар, дабдабали баллар ва “ўн саккиз нафар чолғучилардан иборат оркестр” концертлари ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Гарчанд, табиатнинг хатоси туфайли рўйи заминда яралиб қолган бу жаннатмонанд масканнинг ажойиб ўрмонлари-ю кўллари манзараси ёки “нилий осмони-ю зумрад булоқлари” нинг файзу тароватидан баҳра олишга чорлагувчи, одатда саргузашт ва ором илинжида дам олишга чоғланган сайёҳларни “абдий навқиронлик оби ҳаёти” дан татиб кўришга даъват қилгувчи тавсифларни тополмаганимдан ҳафсалам пир бўлса-да, доимий ҳамсафарларим — тамаки трубкаларидан йиққан коллекциямни тўплаб, барча сафар анжомларимни жомадонимга жойладим. Сўнгра меҳмонхонадан жой банд қилишларини сўраб шошилинчнома юбордим-да, ўзим ҳам йўлга отландим.

Брижтаундаги илк таассуротларим асосида бу маскан айнан ўзим кутгандек бўлиб чиқди, дейишим мумкин. Ҳали ҳануз мен бу файзли қишлоқчани ажиб бир интиқлик билан эслайман. Зеро, бу гўша ўтмиш асрларнинг энг жозиб жиҳатларини ўзида сақлаб қола олган мўъжизавий оролча эди. Негаки, бизлар бундай тоза ва покдамон ҳаётни наинки соғиниб яшаймиз, балки унутиб ҳам қўйганмиз. Ушбу қишлоқ бегоён ўрмонзорлар бағрида жойлашган бўлиб, унда қуёшнинг заррин нурлари янада қайноқроқ таралар, эртадан кечгача ўтлоқларнинг хушбўй ҳидлари анқирди. Энг муҳими, бу беназир ва бетакрор хилқатда ҳалигача тамаддун ва тараққиётнинг қўштирноқ ичидаги “яратувчи” шамолларидан нафас олишга улгурмаган кишилар истиқомат қилишарди. Бу ернинг табиатан оғир-вазирин ва меҳнаткаш аҳолиси пешонасига битилган турмуш тарзини ўзига хос хушнудлик ва осойишталик билан ўтказиб келарди. Мен бу ерларда на бир автомобиль, на бир трактор ва умуман, ҳеч бир техника воситасини учратмадим: афтидан, Брижтаунни ташқи олам билан боғлаб тургувчи бирдан-бир восита — катта йўл ёнига ўрнатилган бир-иккита телефон уйчалари эди, холос. Бунда бегоналар ҳам унча кўп эмас: уларнинг аксарияти балиқчилар ва овчилардан иборат. Қолаверса, бу ерда ҳар турли рассомлар ёки ўзларини мусаввир қилиб кўрсатишга урингувчи ҳаваскор такасалтанг олифталар ҳам кўринмасди. Ваҳоланки, бундай “ижодкор”лар одатда ёзги тағил пайтларида дунёнинг энг гўзал гўшаларида тўда-тўда санқиб юришади. Лекин назаримда, ана шундай олифталар бу ерларга қадам ранжида қилган тақдирда ҳам маҳаллий аҳоли уларга тоқат қилолмаган бўларди. Гарчанд Брижтаун аҳолисининг аксарият қисми саводсиз омилардан иборат бўлса-да, ҳаммаси табиатан нозиктаъб, улар ҳар қандай лўттибозлик ва сохтакорликни бир чақиримдан ҳам пайқашлари шубҳасиз. Хуллас, дам олиш учун бу ердан афзал ва мазза жойни топиш амри маҳол.

Шундоққина сув бўйига жойлашган “Кейнс-хаус” деб номланган уч қаватли меҳмонхонанинг барча ташвишлари Абуссалом Файнс исмли сочларига оқ оралаган, кўпни кўрган кишининг зиммасида эди. Эшитишимча, унинг отаси ҳам бу ернинг машҳур зодагонларидан саналиб, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида балиқчилик саноатини оёққа турғазишда кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Бу улғувор иморатнинг бугунги соҳиби балиқчилик борасида катта билимдон бўлмаса-да, мазкур соҳа эҳтиёжларини яхши ўрганганлиги сезилиб турарди. Меҳмонхона хоналари кенг ва ёруғ. Файнснинг садоқатли ёрдамчиси бўлган бева синглиси пиширадиган таомларнинг хилма-хиллиги ва мазаси, яна бошқа кўпгина жиҳатлар “Кейнс-хаус”ни аллақачон балиқчиларнинг Маккаи мукаррамасига айлантирганди.

Мен дастлабки таассуротларимнинг фаразли оғушида мазза қилиб дам олишга чоғланган ҳам эдимки, қишлоқнинг тор йўлаклари бўйлаб илк сайрим чоғида дафъатан Саймон Мальорега дуч келиб қолдим.

У билан коллежда дарс бера бошлаганимнинг иккинчи йили танишгандик. Бу ўспирин менда танишувимизнинг дастлабки лаҳзаларидаёқ жуда кучли таассурот қолдирганди. Йўқ, бу гапни фақат унинг ташқи кўринишини назарда тутиб айтаётганим йўқ, асло. Ҳолбуки, Саймоннинг кўриниши ҳам бошқалардан хийла фарқ қиларди; баланд бўйи ва ғайриоддий тарздаги озгинлиги, кенг елкалари-ю хунук бир тарзда қийшайган кифти уни талабалар оммасидан кескин ажратиб турарди. Чамамда, Мальоре биз ҳаммамиз ҳам ҳаётимизда учратиб турадиган букрилар-

дан эмасди: шунчаки унинг чап елка кураги остидан қандайдир шишга ўхшаган ўсимта бўртиб турар ва бунинг оқибатида бутун гавдаси тенг иккига бўлиниб қолгандек туюларди. Бечора Саймоннинг табиат нотантилиги оқибати бўлмиш бу ноқислигини яшириш йўлидаги барча уринишлари, албатта, беҳуда кетарди.

Ана шу бирдан-бир ноқислигини ҳисобга олмаганда, Саймон Мальоре бошқа барча жиҳатлари билан кишида ёқимли таассурот уйғотарди. Унинг тим қора ва қуюқ сочлари, кўм-кўк кўзлари, оппоқ, нафис юзи ва умуман аслзодаларга хос виқорли кўриниши инсониятнинг ақлий меҳнат билан машғул тоифасига мансуб тарзда ёқимли эди, дейиш мумкин. Танишганимизнинг илк дақиқаларидаёқ, у ўзининг беқиёс ақлу фаросати билан мени ром қилиб қўйганди. Унинг дарс давомида ёзган синф ишлари аъло даражадагина эмас, балки мантиқий тугаллиги, чин маънодаги илоҳий тафаккур парвозларининг кенглиги билан кишини ҳайратга соларди. Гарчи бу кўнгли ўксик талабамиз шеърини ижодида ўзининг маҳзун ва мискин тахайюли раҳнамолигида қалам сурса-да, ҳар ҳолда унинг озурда хаёлотини яратган афсонавий тимсоллар ҳеч кимни бепарқ қолдирмасди. Ҳатто унинг “Жодугарнинг осиб ўлдирилиши” номли бир шеъри Эджуорт Жамфармасининг йиллик мукофотига сазовор бўлган, яна бошқа бир неча шеърлари эса турли хусусий баёзлардан мустаҳкам ўрин эгаллаганди.

Ана шундай беқиёс истеъдод соҳиби мени ғайриоддий тарзда қизиқтириб қўйганлигини ортиқча таъкидлаб ўтиришимга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Аслида у менинг ўзи билан ҳарчанд яқинлашишга бўлган интилишларимга совуққонлик билан қарар, ўз хатти-ҳаракатлари билан гўё “менга ҳар қандай улфатчиликлардан ёлғиз юрганим маъқул”, деяётгандек бўларди. Мен анча вақтга-ча унинг ўзини кўпчиликдан олиб қочишининг асл сабабини билолмасдан юрдим: гоҳо, назаримда бу одамовиликка сабаб унинг ўзига хос феъл-атвори деб билсам, баъзан бунга боис — унинг жисмонан ноқислиги туфайли чекаётган азиятлари бўлса керак, деб ўйлардим.

Саймон ёлғиз бўлишига қарамасдан бир неча хонани ижарага олган ва шартшароитларига қараганда, моддий жиҳатдан ҳеч бир камчилиги йўқ эди. Гарчи ҳар қандай давра ҳам уни жон-жон деб ўзига қабул қилиши мумкин бўлса-да, у ўқишдаги ўртоқларининг ҳеч бири билан муомала қилмасди. Лекин, бари-бир унинг ўзига хос теран ақли, ўта назокатли одоби, қолаверса, адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларидаги беқиёс билими барчани бирдек мафтун қилиб қўйганди.

Кунлар ўтиб борар, ўтган вақт мобайнида эса унинг табиатидаги тортинчоқлик, камсуқумлик одати ўзининг дастлабки натижаларини кўрсата бошлаганди. Шундай бўлса-да, мен аста-секин истеъдодли талабамнинг хайрихоҳлигини қозонишга муваффақ бўлдим. Тез орада биз уникида учрашиб турадиган, ҳатто туни билан узундан-узоқ суҳбатлар қурадиган бўлиб қолдик. Айнан ана шундай суҳбатлар асносида мен Саймоннинг илми жодуга, хуфий, сирли-синаотли билимларнинг илоҳий қудратига бўлган қатъий ишончи, эътиқодига амин бўлдим. У менга асли келиб чиқиши италийнлардан бўлган ўз аждодлари ҳақида ҳам ул-бул нарсаларни сўзлаб берди (айтишича, улардан бири Медичининг яқин кишиларидан бўлган экан). Саймоннинг гапига қараганда, унинг ота-боболари бу ерларга қадимги вақтларда инквизициянинг аллақандай айбловлари тазйиқидан паноҳ истаб келиб қолишган экан. Мен буларнинг барисидан навқирон дўстимдаги илму жодуга ва афсунгарликка бу қадар ружу қўйиш суяк сурган ирсий ҳислат экан, деган хулоса чиқаришим мумкин эди. Бора-бора мен унинг таъқиқланган илмлар бобидаги шахсий изланишларидан ҳам оз-оздан хабардор бўла бошладим. Айтайлик, масалан, хоналардаги сочилиб ётган турли хилдаги суратларни Саймон ўзи кўрган тушлари асосида чизган экан. Қолаверса, у сополдан ясаган турфа шаклу шамойилдаги нарсалар ҳам кишини ҳайратга соларди. Унинг бисотидаги жуда қадимий ва бир-бирдан аломат китоблар ҳақида эса гапирмасам ҳам бўлаверарди. Чунки Саймоннинг хоналар бундай китоблар билан лиқ тўла эди. Мен бу ердаги ўзимга, нисбатан, танишроқ бўлган китобларни қайд қилиб қўйдим, улар орасида Ранфтнинг 1734 йилда нашр қилинган “Де мастикационе мортуорум ин тьюмилис” асари; “Кабал сабот”нинг 1686 йил санаси қўйилган, кўринишидан жуда нодир юнонча таржимаси; Майкдрофтнинг “Жодугарликка шарҳ” китоби, шунингдек, ўз вақтида жуда катта жанжалли шов-шувларга сабаб бўлган Людвиг Приннинг “Чувалчанг жумбоғи” каби асарлари бор эди.

1933 йилнинг кузида Саймоннинг отаси кутилмаганда қафо қилиши туфайли бизнинг ўзаро муносабатларимизга дафъатан яқун ясалди. Ўшанда Мальоре мен билан ҳатто хайр-хушлашмасдан коллежни тарк этган, кейин билсам бутунлай ўқишни ташлаб — шоша-пиша Жанубга қараб йўл олган экан. Бизнинг бир неча ой давом этган ана шу ғайриоддий дўстлигимиз менинг кўнглимда жуда чуқур из қолдирганди: зеро бу вақт орасида мен нафақат Саймонга қаттиқ меҳр қўйишга улгурдим, балки айти пайтда унинг ижодий режаларига ҳам жиддий қизиқиш қолдим. Сабаби, Мальоренинг ижодий режалари ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, чамаси у Американинг афсунгарлик удумлари тарихини ўрганишга бел боғлаган ва, шунингдек, турли ирим-сиримлар ҳамда уларнинг инсон руҳиятига таъсирига бағишланган романи устида ишлашни давом эттирмоқчи эди. Таассуфки, ўтган шунча вақт мобайнида у менга бирор-бир хат-хабар йўлламади. Мен мана шу қишлоқ кўчасидаги тасодикий учрашувимизга қадар дўстимнинг кейинги тақдири қандай кечганлиги ҳақида зиғирча бўлсин маълумотга эга эмасдим.

Мальоре биринчи бўлиб исмимни айтиб чақирди, агар у шундай қилмаганида, мен уни мутлақо танимаган бўлардим. Зеро, Саймон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, ҳайратланарли даражада қариб, чўкиб қолгандек туюлди: унинг юзлари қартайган ва заҳил, афтода бир кўринишда; кўзлари атрофидаги қорамтир доғ, назаримда, янада торайиб, нақ қорачиқларига, ҳатто нигоҳига қадар бориб қадалгандек эди. Саймон саломлашиш учун қўлини чўзди. Мен унинг қафтлари ғалати бир таразда титраётганлигини ҳис қилдим, шунингдек, дўстимнинг юзида албанечук зўраки ва асабий бир қиёфа қотиб қолганлигини кўриб, даҳшатга тушдим. У аслзодаларча одатига мувофиқ менинг саломатлигимни сўради, лекин негадир унинг овози доимгидан бўғиқроқ ва пастроқ эшитилди.

Мен Брижтаунга келишимнинг сабабларини бир-икки оғиз сўз билан изоҳлаб, унинг ўзидан ҳол-аҳвол сўрай кетдим. Унинг гапларидан маълум бўлдики: у отасининг вафотидан кейин шу ерда, уларнинг оиласига қарашли қароргоҳда яшаётган экан. Гап орасида Саймон ҳозир янги китоби устида зўр бериб ишлаётганини ва бу сабб-ҳаракатлари ўз натижасини бериши муқаррарлигига имони комил эканлигини ҳам таъкидлади. Кейин, ишдан ниҳоятда чарчаганлигини ва шу боисдан ҳам ўзининг юриш-туриши, кийинишидан хижолат бўлаётганлигини айтиб узр сўради. Сўнгра, яна қатъийроқ қилиб: мен билан бафуржа ўтириб суҳбат қилиш нияти борлигини, бироқ шу яқин кунларда ниҳоятда бандлигини тушунтирди; эҳтимол, кейинги ҳафталарга унинг ўзи меҳмонхонага бориб мени йўқлаши мумкинлигини, ҳозир эса шошиб турганлигини, дўкондан қоғоз олишга улгуриши кераклигини айтди...

Саймон мен учун тушунарсиз бўлган бир шошқалоқлик билан хайрлашар экан, кетишга чоғланиб ортига ўғирилди; ўшанда мен унинг елкасига қарадим ва худди ток урган кишидек донг қотиб қолдим. Унинг елкасидаги букриси деярли икки баравар катталашганди. Бу даҳшатли ўзгаришларга нима сабаб бўлдикин, наҳотки, бу — тинимсиз ёзиш-чизишларнинг оқибати бўлса? — дея ўйлаб қолдим. Хаёлимга келган бошқа бир фикрдан эса бутун танамга муз югуриб, сесканиб кетдим.

Меҳмонхона томон кетарканман, бу ғалати учрашув ҳақидаги ўй-хаёл мени бир лаҳза тарк этмади. Ҳаммасидан ҳам мени Саймоннинг бу қадар адойи-тамом бўлиб қолганлиги ҳайрон қолдирганди. Янги китоби устида олиб бораётган ишлари, шубҳасиз, унинг соғлигига жиддий путур етказган: эҳтимол, у танлаган мавзу ҳам руҳий мувозанатининг бузилишига сабаб бўлгандир. Биқик турмуш тарзи, асабларнинг доимий зўриқиши — назаримда, буларнинг бари бир бўлиб дўстимни ана шу фалокат ёқасига олиб келган. Ҳа, унга албатта ёрдам бериш керак. Шу сабабли мен унга васийлик қилишни ўз зиммамга олишга қарор қилдим. Аввало, бунинг учун Саймонни кига бориш керак, ҳа, ҳа, зудлик билан, унинг таклифини кутиб ўтирмасдан бориш керак, ундан кейин... Ундан кейин бирор тadbир ўйлаб топарман. Қанча тез борсам, шунча яхши.

Мен меҳмонхонага қайтиб келгач, кекса Файнсдан Саймон Мальоре ҳақида — унинг бу ерда кечаётган ҳаёти ва ишлари тўғрисида сўраб билмоқчи бўлдим. Балки шу йўл билан ундаги бу машғум ўзгаришларнинг моҳиятини англарман, деб ўйлардим. Аммо очиғини айтишим керакки, меҳмонхона хўжайини сўзлаб берган воқеалар мени тамоман ҳанг-манг қилиб қўйди. Унинг айтишига қараганда, Маль-

оре деган номни эшитишнинг ўзиданоқ бу ерлик аҳолини титроқ босаркан, уларнинг кенжа авлоди саналмиш “уста Саймон”дан эса ҳамма бирдек қўрқар экан.

Бу оила мазкур музофотдаги энг бой сулолалардан саналса-да, улар бутунлай бошқа бир жиҳатлари билан донг таратган эканлар. Одамлар орасида юрадиган миш-мишларга кўра Мальореларнинг бутун авлод-аждоди бошдан-оёқ афсунгар ва жодугарлардан иборат бўлишган. Албатта, улар ўзларининг қабиҳ ишларини бегона кўзлардан яширишга уринганлар. Бироқ, қишлоқ жойда бунинг уддасидан чиқиб бўлармиди?! Мальореларнинг бирор-бир насли йўқки, уни табиат бирорта мудҳиш қусур ёки ногиронлик билан сийламаган бўлсин. Бу сулола вакилларининг айримлари бадан терисида ёки юзларида турли-туман шилиқ ғумбаклар билан туғилишар, бошқалари эса туғма маймоқ ёхуд майриқ бўлишарди. Улар орасида никтолоплар, яъни кечаси ҳам худди кундуздагидек кўрадиганлари ҳам анчагина бўлган. Улар қавмига хос ҳар қандай нарасага “кўз теккиза олиш”дек бе-хосиятлик ҳақида эса гапиришга ҳожат ҳам йўқ. Мальорелар сулоласида иккита пакана ҳам ўтган; умуман Саймонга қадар ҳам бу авлоднинг букрилари етарли бўлган. Йўқ деганда унгача икки киши — Саймоннинг бобоси ва бобокалони букрилиқ азобини тортишига тўғри келган.

Мальореларнинг фавқулодда яширин тарзда умргузаронлик қилишлари ҳақида эса турли афсоналар тўқилганди; бу оилага хос қондошлик никоҳлари тўғрисида ҳам кўп гап-сўзлар юрарди. Буларнинг ҳаммаси, маҳаллий аҳолининг, шу жумладан, Гайнснинг ҳам фикрича, сўзсиз бир нарсадан далолат берарди: бу бе-хосият оила вакиллари аллақандай ёвуз кучлар билан алоқадор. Буни исботлашга яна далил керакми? Марҳамат! Айтинг-чи, нима учун Мальоре бу ерга келган илк куниданоқ ҳамқишлоқларидан бекиниб, қочиб-пусиб юрди? Ўзининг эски уйидан остона ҳатлаб ташқарига чиқмаслигига сабаб нима? Қолаверса, Мальорелар оиласи вакилларидан ҳеч бирининг шу пайтгача, ҳеч қачон черковга бормаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Қоронғу ва ваҳимали кечаларда кўнгли тоза, иймони бутун одам боласи мазза қилиб, донг қотиб ухлаб ётган бир пайтда бу оила вакилларини қандай куч ташқарида сандироқлаб, изғиб юришга мажбур қилади?! Ҳа, буларнинг бариси бежизга эмас. Демак, улар ўзларининг қароргоҳида ниманидир яшириб яшашади ва бу сирнинг бошқаларга ошкор бўлишидан қўрқишади. Айтишларича, уларнинг уйида Худога ширк келтирувчи китоблар тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётармиш... Боз устига, улар баҳри уммон ортидаги мамлакатдан ҳам ўз хоҳишлари билан бу ёқларга келиб қолишмаган, балки аллақандай мудҳиш қабиҳликлари учун ҳайдаб юборилган, деган гаплар ҳам юради... Бу сулола вакилларининг юриш-туришлари, кўринишлари жуда шубҳали: бундан чиқадики, улар бу ерда ҳам бир балони бошлашмоқчи. Ҳа, албатта шундай! Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Шубҳасиз, ҳеч ким Мальорега муайян бир айбни тўнкашга ҳаққи йўқ эди. Зеро бу хилватгоҳда ҳали тарихнинг “жодугарларни қатл этиш”, иймонсизларни бир-варакай қатли омга гирифтор қилишдек васвасалари етиб келмаганди. Қолаверса, бу ерли аҳоли қадимги ҳинд афсоналарида тилга олинган “ўрмон меҳроблари” ёки вақти-вақти билан чакалакзорларда шаффоф тарзда жонланиб турадиган одамхўр махлуқотлар ҳақидаги гапларни эшитишмаган. Брижтаунда мол-ҳол йўқолмас, одамлар ҳам ғойиб бўлмас — бир сўз билан айтганда, маҳаллий аҳоли жинидан ҳам баттар ёмон кўрувчи келгинди Мальореларни айбдор қилиши учун ҳеч бир баҳона йўқ эди. Бироқ шундай бўлса-да, анчадан буён Мальорелар оиласи теграсини аллақандай мудҳиш бир қўрқинч деворлари қуршаб олганди. Йўқлик сари равона бўлишга мустаҳиқ мазкур сулоланинг кенжа меросхўри Саймондан эса бу ерликлар айниқса даҳшатга тушишарди.

Чамаси, тақдир Саймонни ҳаётининг илк дақиқалариданоқ хушламаганди. Унинг онаси тўлғоқ тутаётганда жон берди, ваҳоланки, унинг доялари шаҳардан махсус чақиртирилган эди: сабаби — маҳаллий доялар ҳам, табиблар ҳам бу оиланинг ишларига бош суқишдан ҳаммиша бўйин товлашар, имкон қадар ўзларини улардан олисда олиб юришни маъқул кўрардилар. Фақат мўъжиза туфайлигина чақалоқ омон қолди, лекин бир неча йил мобайнида уни ҳеч кимга кўрсатишмади: ниҳоят, орадан анча вақт ўтгач, қишлоқ аҳолиси ака-ука Мальорелар бир амаллаб етимчани сақлаб қолганликларига гувоҳ бўлишди.



Саймон роппа-роса етти ёшга тўлганида уни хусусий мактабга ўқишга жўнатдилар. Брижтаунда у орадан 5 йил ўтиб, яъни амакиси вафот этгандан кейингина пайдо бўлди. Қишлоқда юз бергувчи ҳар турли нарсалардан доим воқиф бўлиб юргувчи маҳаллий билимдонларнинг таъкидлашича, Саймоннинг амакиси кутилмаганда ақлдан озиб, жинни бўлиб ўлган эмиш; бироқ унчалик аниқ бўлмаган расмий ташхисга кўра у номаълум бир дарднинг хуружи сабабли миясига қон қуйлиб вафот этган. Шундай бўлса-да, бу хуружга нима сабаб бўлганлигини ҳеч ким айтиб бера олмасди.

Саймон фавкулудда ноёб ва ёқимтой бола бўлиб ўсди. Дастлабки пайтларда унинг кураги остидаги бўртиқ унчалик кўзга ташланмасди. Унинг хатти-ҳаракатига қараганда мутлақо болакайни безовта ҳам қилмасди. Ўзининг бир неча ҳафталик илк таърифидан сўнг у яна мактабга жўнаб кетиб, орадан тагин икки йил ўтгач, яъни отаси ўлганидан бир кун кейин бу ерда пайдо бўлди. Кекса чол бўлиб қолган Саймоннинг падари бузруквори узоқ йиллар бу ҳайбатли ва ҳувиллаб қолган уйда ёлғиз ўзи яшади. Унинг жасадини бир оз кечикиб, шунда ҳам тасодифан топиб олишди: уларнинг уйи ёнидан ўтиб кетаётган чопар беихтиёр очик турган эшикдан мўралабди, кейин меҳмонхонага қадам қўйиши билан даҳшатдан таррақдай қотиб қолибди; зеро хонадаги каттакон оромкурсида йўқлик сари маънисиз кўзларини бақрайтирганча чолнинг мурдаси ўтирарди. Чолнинг юз-кўзларида кишининг аъзои баданини музлатиб юборадиган даражадаги даҳшат аломатлари қотиб қолганди. Шундоққина унинг олдидаги столда жилдларига тунука қопланган китоблар сочилиб ётар; уларнинг сарғайган саҳифалардаги олақуроқ ва нотаниш ёзувлар ниҳоятда тигиз ва зич битилганидан кўзни жимирлатиб юборарди. Тез орада бу ерга етиб келган доктор кўп ҳам ўйлаб ўтирмай, чол юрак хуружи туфайли оламдан кўз юмганлигини маълум қилди. Бироқ чопар Жеффри Мальоренинг кўзларида қотиб қолган даҳшат ва ваҳимани ўз кўзи билан кўрган, шунингдек, марҳум жасади атрофидаги алланечук ғалати, беўхшов суратларга ҳам кўз қирини ташлашга улгурганди. Шу вайдан чолнинг ўлими хусусида чопарнинг алоҳида ўз фикри бор эди. Бироқ тез орада бу ерга кенжа Мальоре етиб келди, оқибатда чопар бу мудҳиш хонани қайтадан синчиклаб кўздан кечириш ниятига эриша олмади.

Ваҳоланки, Саймонга отасининг вафоти ҳақида ҳали хабар қилингани йўқ эди. Шундан бўлса керак, унинг кутилмаганда ўз оёғи билан кириб келиши бу ерда ҳозир бўлганларни анча саросимада қолдирди. Ҳаммининг бу воқеадан қандай хабар топганлигини сўраб берган турли саволларига жавобан йигитча чўнтагидан икки ҳафталар муқаддам отаси йўллаган мактубни чиқариб йигилганларни баттар ҳайратга солди. Мактубда чол ўзининг куни битиб қолганлигини ҳис этаётганлигини маълум қилиб, ўғлининг зудлик билан ҳузурига етиб келишини ўтинган эди. Чамаси, мазкур мактубнинг мазмуни ва шаклу шамойили аввалдан ўйлаб топилган бўлиб, ундаги ҳар бир сўз ҳамда иборалар алоҳида танлаб ишлатилган, уларнинг ҳар қайсиси юзаки маънолардан ташқари, муайян яширин маъноларни ҳам англатарди; шу боисдан бўлса керак, ҳар қанча ажабланарли бўлмасин, кенжа Мальоре ўз падари бузрукворининг ўлими тафсилотлари ҳақида ҳеч нимани сўраб-суриштирмади.

Дафн маросими тинч ва осойишта, бегоналардан ҳоли тарзда ўтказилди. Оилавий анъанага мувофиқ, марҳумнинг жасади уй ертўласидаги хилхонага қўйилди. Саймон Мальоренинг ўз уйига қайтишига сабаб бўлган мудҳиш воқеалар, қолаверса, унинг бу ерда дабдурустдан пайдо бўлиши маҳаллий аҳолини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Ваҳшатли салобат тўкиб турувчи бу ҳайбатли уй теграсида яна қўрқув ва шубҳа-гумонларнинг қора булутли қуюқлаша бошлади. Бироқ, афсуски, орадан бир қанча фурсат ўтганидан кейин ҳам бу булутларни тарқатиб юборишга арзигулик бирор-бир ўршнолик юз бермади.

Саймон уйда ёлғиз ўзи яшай бошлади. У ҳатто хизматкорларга ҳам рухсат бериб юборди. Шуниси қизиқки, у бирорта қўшниси билан ҳам яқинлашишга, жила бўлмаганда, энг оддий муомала ўрнатишга ҳам эҳтиёж сезмасди. Мабодо у қишлоқда пайдо бўлган тақдирда ҳам, фақат озиқ-овқат харид қилиш учун тушган бўларди (у асосан гўшт ва балиқ сотиб олар, кишиларнинг таъкидлашича, у бу маҳсулотларни ҳаддан зиёд кўп миқдорда харид қиларди). Саймон бундай кез-

ларда қилган харидини апил-тапил автожобилига юкларди-да, уйи томон жўнаб қолар, ўз қароргоҳига кириб кўздан ғойиб бўларди. Аҳён-аҳёнда эса у дорихона ёнида ҳам тўхтаб, у ердан уйқу дори сотиб оларди. Шунда ҳам у ҳеч ким билан гаплашмас, барча саволларга қисқа ва хушламасдан жавоб беради.

Қишлоқда кенжа Мальоре ўз уйига қамалиб олиб, аллақандай китоб ёзаётган эмиш, деган миш-мишлар пайдо бўлди (шунга қараганда ёш Мальоренинг истегдоди ва юксак билимга эга эканлигига унинг рақиблари ҳам тан беришарди). Саймон одамлар орасида тобора кам кўринадиган бўлиб қолди. Унинг ташқи кўринишида ҳам жуда ғалати ўзгаришлар юз бера бошлади ва бу тез орада маҳаллий аҳоли ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга мавзу бўлиб қолди.

Биринчидан, унинг елкасидаги букриси зўр бериб ўсиб борарди. Саймон энди ниҳоятда кенг қилиб тикилган плаш кийиб олган, жуда қийинчилик билан ўридан кўзгалар, гўё оғир бир юкни орқалаб олгандек букчайиб юрарди. Унинг ўзи врачларга шифо истаб мурожаат қилмас, унинг ҳол-аҳволини сўраш ёки унга бирор-бир манфаатли маслаҳат бериш, чамаси, ҳеч кимнинг ҳам эсига келмасди. Иккинчидан, Саймон ҳамманинг кўз ўнгида тобора қариб борар, борган сари унинг ташқи қиёфаси марҳум амакиси, кекса Ричардни эслатадиган бўлиб борарди. Унинг кўз соққаларида никтолопия касаллигига хос бўлган фосфорли чақнаш ҳоллари тез-тез юз берадиган бўлиб қолганди. Бу эса ўз навбатида кишиларнинг унга бўлган қизиқишларини яна ўн ҳисса ошириб юборди. Зеро, ушбу сулола вакилларида бўлган азалий қизиқиш, уларга қўшни бўлган барча кишиларга ҳам ота-боболаридан мерос эди-да. Натижада тез орада бу ақл бовар қилмас миш-мишлар, ундан-да ажабтовур тафсилотлар билан бойиб бора бошлади.

Саймон кутилмаганда қишлоқдан анча олис қўрғонларга, фермерларнинг қароргоҳларига тез-тез ташриф буюрадиган бўлиб қолди. У асосан кекса ёшдаги фермерларга турли ғалати саволлар билан мурожаат қиларди. Ўзининг айтишига қараганда, у халқ оғзаки ижоди тарихига оид китоб ёзаётган бўлиб, маҳаллий афсоналар тўғрисидаги ҳар қандай маълумот унинг учун ниҳоятда зарур эмиш. Эҳтимол, дерди у, шу ерлик қариялар бунда мавжуд бўлган афсунгарлик расм-русумлари ҳақида, ёки “ўрмон меҳроблари” қошида амалга ошириладиган маросимлар тўғрисидаги бирор-бир нарсаларни билишар. Балки, бу хилватгоҳларда, жин ва ажиналар, алвасти-ю, ялмоғизлар яшайдиган жой, ё бўлмаса халқ орасида “қарғиш теккан”, “бехосият” масканларнинг мавжудлигидан воқиф бўлган кишилар бордир? — дея сўраб-суриштирарди. Шунингдек, у бирор-бир кишининг Ниаралапотеп деган исмини эшитган бўлиши мумкинлигини, ёхуд Шуб-Нигурратни билиш-билмасликларини аниқлашга уринар, яна аллақандай Қора Элчи тўғрисидаги ривоятларнинг мазмуни билан қизиқарди. Мальорени ҳамма нарса: жумладан, Паскаунтагда истиқомат қилувчи ҳиндулар орасида кенг тарқалган одам қиёфасидаги махлуқ ҳақидаги афсоналар ҳам, алвастиларнинг қилмишлари тўғрисидаги ривоятлар ҳам, қурбонлик маросимларида сўйиладиган чўчқаларнинг ўлаксалари ҳам, ҳамма-ҳаммаси бирдек қизиқтирарди...

Фермерларнинг эса бундай саволларни эшитишлари билан, тепа сочлари тика бўларди, албатта. Умунан олганда, бу ерларга шимолий соҳил тарафлардан ҳам, шарқий қир-адирлардан ҳам ўрмонларда юз бериб турувчи турли ғаройиб ҳодисалар тўғрисидаги миш-мишлар келиб турарди. Ўша ёқлардан келувчи, жаҳонгашта руҳонийлар ерлик аҳолига аҳён-аҳёнда бўлсада, ўзларида содир бўладиган даҳшатли воқеаларни худди ваҳимали эртақ сўйлагандек шивир-шивир ҳикоя қилиб қолардилар. Аммо бундай ваҳимали нарсаларни муҳокама қилиш, боз устига улар ҳақида баралла гапириш, тагин бу бехосият мавзуларда Мальоре каби Худонинг қарғишига учраган майиб-майриқ билан гаплашишни, албатта, ҳеч ким ҳам хоҳламасди. Мальоре ўз саволларига омади келиб қолган ҳоллардагина жавоб олар, шунда ҳам кишилар унга хушламасдан, минг бир ҳадик билан, иложи борича қисқароқ жавоб беришарди. Аксар ҳолларда эса жуда қўполлик билан уни жеркиб ташлашарди. Нафсиламбрини айтганда, қарияларни ҳам тушуниш мумкин: зеро, Мальоренинг бу шубҳали ташрифлари уларда ниҳоятда нохуш кайфият туғдирарди.

Букри йигитнинг тинимсиз изғиб юриши тўғрисидаги гап-сўзлар тез орада бутун музофотга ёйилди. Бу борадаги энг аломат ҳангомани Тэтчертон деган кекса

фермер ўз дўстларига мароқ билан сўзлаб берди. Тэтчертоннинг уйи асосий қишлоқ йўлидан анча олисда, Кейн кўлининг ғарбий қирғоғидаги жарлик бўйида жойлашганди. Бир куни кечки пайт Тэтчертон хонадонининг эшиги тақиллаб қолибди: у ташқарига чиқиб эшикни очса, остонада Мальоре турган экан. Мальоре хонадон соҳиби уни уйига таклиф ҳам қилиб улгурмай, шу яқин орада жойлашган кўҳна қабристон ҳақида сўраб-суриштира бошлабди. Қариянинг айтишига қараганда, Мальоре бу пайтда ниҳоятда асабий аҳволда бўлиб, унга “хилхоналардаги мудҳиш сирлар” ва аллақандай “ўн учинчи битим” ҳақида, яна “Альдернинг зиёфатлари”, “Дозлнинг хонишлари” хусусида узундан-узоқ ваҳимали гапларни сўзлай кетибди. Шунингдек, у гап орасида “Йиг Ота маросимлари” тўғрисида, қабристон яқинида ўтказиладиган ўзига хос “расму русумлар” хусусида ҳам сўрабди: кейин муайян кишиларнинг исму шарифларини ҳам келтириб ўтибди, бироқ буларнинг бирортасини ҳам хонадон соҳиби танимас экан. Саймон савол устига савол қалаштирибди, бу ерларда одамларнинг мол-қоллари, хусусан кўчқорлари йўқолган-йўқолмаганлигини, ёки кишилар бу ердаги хилватхоналарда ўзига чорловчи ваҳимали овозларни, муножотларни эшитган-эшитмаганлари тўғрисида қизиқибди. Ниҳоят, бу саволларнинг барчасига у фермер соҳибдан қатъий ва кескин дашномлардан иборат жавоб олибди. Бу мулоқот Тэтчертоннинг қақирилмаган меҳмонга бу ерларда қорасини ҳам кўрсатмаслигини, айниқса кечки пайтларда уни безовта қилмаслигини уқтирувчи қатъий талаби билан тугалланибди...

Букри йигит ҳам чолни кўпол гапларига аччиқ-тизиқ гаплар айтиш даражасида тутақиб кетибди-ю, бироқ унинг хатти-ҳаракатларида ғайриоддий бир нима содир бўлибди. Саймоннинг дабдурустдан ранги қув ўчиб, бирданига эмаклаш даражасида букчайиб қолибди. Кейин у узрга ўхшаш алланарсаларни гулдирабдида, чайқала-чайқала эшик томон йўналибди. Четдан қараган киши унинг тутқаноғи тутиб қолди, деб ўйлаши мумкин экан. Аммо бу пайтда Тэтчертон ўзи гувоҳ бўлишига тўғри келган яна бир ҳодисани кўриб, тамоман тилдан қолибди. Сабаби — Мальоренинг елкасидаги букриси бирданига ҳаракатга келибди. Ҳа, ҳа, дикир-дикир сакрагандек бўлибди! Гўё Саймоннинг плаши остига аллақандай махлуқ беркиниб олгандек эмиш! Шу фурсатдаёқ қақирилмаган меҳмон шартта ортига ўгрилиб, эшикка томон отилибди. Гўё шу билан елкасига содир бўлаётган ҳодисани бегона кўздан яширишга уринаётгандек бўлибди. Кейин остонадан чопиб чиқиб, маймун тезлигида, беўхшов ҳаракатлар билан ўзини машина кабинасига урибди. Бирор сония ҳам ўтмасдан, унинг машинаси жойидан кўзғалиб кўздан ғойиб бўлибди. Кекса Тэтчертон эса кўрган воқеаларидан донг қотиб жонсиз ҳайкалга айланибди. Шундай бўлса-да, у ўзи гувоҳ бўлган бу ғаройиб томошани эртасига улфатларига айтиб берса, улар қанчалик оғиз очиб қолишларини ўйлаб, ажиб бир мароқ ҳиссини ҳам туйибди.

Ўша дақиқадан бошлаб Мальоре қишлоқда мутлақо қорасини кўрсатмай қўйди. Шундай бўлса-да, у ҳақидаги гап-сўзлар тинчимасди, охири шу билан тугадик, бу букри йигит аслида қандай одам эканлигидан қатъи назар, эс-ҳуши жойида бўлган бирор зот унинг яқинига ҳам йўлламайдиган бўлди. Хуллас, кекса Ғайнс менга ҳикоя қилиб берган ҳангомаларнинг мазмуни асосан шулардан иборат. Унинг сўзларини диққат билан тинглаб бўлгач, мен бу эшитган воқеаларим хусусида обдон ўйлаб, мулоҳаза қилиб олиш учун ўз хонамга кўтарилдим.

Албатта, менинг мутлақо маҳаллий аҳолининг фикрига қўшилиб, уларнинг ёнларини олишим ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Аксинча, менга келтирилаётган “далил-дастаклар”нинг аксарияти шунчаки ўйлаб топилган уйдирмалардек туюлди. Мен ўз тажрибаларимдан келиб чиқиб, қуйидаги фикрга келгандим. Қишлоқ аҳолисининг руҳияти, савияси ва дунёқараши маълум: бинобарин, бу ерда мавжуд таомилдан сал бўлса-да фарқланувчи ҳар қандай нарса-ҳодисага шубҳа кўзи билан қарашади.

Хўш, Мальорелар сулоласи азал-азалдан бошқаларга қўшилмасдан, ўзлари алоҳида кун кечириб келаркан, — шунга нима бўлибди?! Ҳар қандай муҳожир оиласи ҳам уларнинг ўрнида шундай йўл тутган бўларди-ку. Бу оилга хос жисмоний ноқисликнинг ирсийлиги ҳақидаги гапларда ҳам менимча, асос йўқ. Гарчанд бундай ноқислик мавжуд эса-да, бироқ бу жисмоний ноқисликлар мазкур оила аъзоларининг айнан қора кучлар билан алоқада бўлишининг натижаси эканлиги-

ни ким исбот қилиб бера олади?! Ҳеч ким! Ахир тарихда ана шундай жисмоний ноқислиги, ногиронлиги туфайлигина “жодугар” деган тавқи лаънат олиб инсониятнинг жаҳолати ва калтафаҳмлигининг қурбони бўлган кишилар озмунчами?! Оиланинг қони бузилганлиги ҳақидаги гаплар-чи, дерсиз? Хўп, шундай ҳам дейлик. Аммо, биз бу бахтиқароларга ачинишимиз, ёрдам беришимиз керак эмасми! Ахир улар ўз уйларида ташқарида фақат ва фақат нафрат ёхуд ижирганиш туйғулари билан қарши олиндилар. Умуман, буларнинг қайси бири қора жодугарлик, афсунгарликка алоқадор ўзи?! Аслида хилват қишлоқлардаги аҳоли орасида радди маърака қилинган, “яккамохов”га чиқарилган оилалар учраб туриши табиий бир ҳол! Қолаверса, уларнинг ҳаммаси ҳам муҳожирлардан иборат эмас.

Мальорелар хонадонидagi ғалати китоблар хусусидаги мушоҳадалар ҳам ўринсиз. Бу жуда оддий ва жўн нарсалар. Никтолопия-чи, дерсиз?! Нима қипти, бу ҳодиса илм томонидан чуқур ўрганиб чиқилган ва барча халқларда ҳам учрайди. Назаримда, Саймоннинг эс-ҳушидан айрилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни эътибордан соқит қилиш мумкин эмасга ўхшайди: зеро ёлғизликнинг шафқатсиз таъсири остида инсоннинг ақлу идроки ҳамisha ожизлик қилади... Йўқ, барибир, бунга ишонмайман! Саймоннинг ақли бутун, у шунчаки ўзининг афсунгарлигу жодугарликларга бўлган қизиқишларида бир оз ҳаддидан ошиб кетибди, холос... Буни унинг китобига маълумот йиғиш учун оми ва саводсиз фермерларга мурожаат қилиб юришлари ҳам тасдиқлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси унинг ҳаётгий тажрибаси камлигидан келиб чиққан, тамом, вассалом. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ахир ўқимаган ва оми одамлар ўзларининг ақллари етмаган, ўз турмуш тарзларига номувофиқ ҳар қандай нарса-ҳодисаларни беҳосият санашларини, ҳамда улардан ўлардек даҳшатга тушишларини, бундай кўрқув ҳисси бу бандан ожиз гумроҳларга она сути билан кирганлигини бечора ўспирин қаёқдан ҳам билсин ахир?!..

Хуллас, мен бир-бири билан айқаш-уйқаш бўлиб кетган бу аҳмоқона ғийбату миш-мишлар ортига ўзим учун ниҳоятда нохуш ва ташвишли бўлган ҳодисалар яширинганлигини ич-ичимдан ҳис қилар ва шунинг учун ҳам бу борада бирор сония вақтимни ҳам бой бермасдан ҳаракат қилишим лозимлигини англадим. Эртагаёқ Саймоннинг ҳузурига бориб у билан жиддий гаплашиб олишим керак: уни албатта, бу бемаъни машмашалар гирдобидан тортиб оламан ва бирорта тайинли мутахассисга рўбарў қиламан. Саймон ўзининг лаънати илмий ишларига барҳам берадиган фурсат аллақачон етганга ўхшайди. Йўқса, бу беҳосият тадқиқотлари дўстимни ҳам маънан, ҳам жисмонан адои тамом қилади. Мен ана шундай қатъий қарорга келиб, кечки овқат учун пастга тушдим, тамадди қилиб бўлгач, ухлаш олдидан оппоқ ой ёғдулари остида мавжланиб, сирли-сирли жилва қилаётган кўл бўйида сайр қилиб ҳузурландим.

Эртасига эса шитоб билан ўз режаларимни амалга оширишга киришдим. Мальореларнинг ҳайбатли уйи Брижтаундан тахминан бир милча олисда жойлашганди. Бу кўҳна ва қаровсиз бино, баланд қоянинг чуқур жарлик ўпқони билан туташган чекка қисмида қад ростлаган бўлиб, унинг тим қоронғи деразалари гўё йўқлик сари ғазаб билан боқиб турган кўзлардек эди. Бу улкан дераза кўзларнинг ой ёғдусидан бебаҳра қоронғу кечаларда қандай мудҳиш қиёфа қасб этиши мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзиданоқ эгим жимирлашиб кетди. Бу бесўнақай тош ғаройибот нимаси биландир улкан кўршапалакни эслатарди: бино марказидаги пештоқда аллақандай махлуқ бошини ёдга солувчи ҳар икки томонга бирдек қаҳр-ғазаб билан ўқрайиб турган равоқлар кўкка қараб бўй чўзган; уй биқинидаги узун бинолар эса худди қанотлар каби то жарликнинг чегарасигача ястаниб ётарди. Ўз хаёлларим мутаассирлигидан ҳаяжонланиб кетдим. Мальоренинг уйи томон баланд дарахтлар саф тортган, қоронғу ва хилват хиёбон орқали борарканман, юрагимни ҳаприқтирган ҳаяжонларнинг кўрқув ҳиссига айланиб кетишидан ҳадиксираб, ўй-фикрларимни ёруғроқ, сокироқ тафаккур ўзанига буришга интилардим. Ниҳоят, уй қўнғироғини чалаётган чоғимда мен буткул ўзимни қўлга олган ва хотиржам ҳолда эдим. Қолаверса, бу пайтга келиб, мен бу ерга жуда муҳим иш билан келаётганлигимга ўзимни ишонтиришга муваффақ бўлгандим.

Эшик қўнғироқчасининг биллурдек жарангдор овози ҳувиллаб ётган уйнинг

илонизи даҳлизлари бўйлаб акс-садо берди. Эшикдан анча нарида қадам товушларининг “шап-шуп” қилиши эшитилди. Кейин ичкарида нимадир ғижирлади ва, ниҳоят, эшик туйнукчасида Саймон Мальоренинг тунд ва пажмурда қиёфаси намоён бўлди.

Унинг елкасидаги букриси янада бўртиб чиққан ва бечоранинг жуссасини бир бурда қилиб қўйгандек; қўллари ҳам гўё жонсиз тасмадек озгин гавдасига осилиб турарди. Бироқ, дастлабки лаҳзаларда мен буларга аҳамият бермадим. Чунки мени Саймоннинг ўликларга хос совуқ, заҳил ва кўкимтир юзлари, қаҳрли нигоҳ билан аллақандай ваҳимали чақчайиб турган кўзлари лол ва ҳайрон қилиб қўйганди. Саймон мени танимаётганлиги аниқ эди. Мен унинг рўпарасида худди сеҳрлангандек қотиб қолдим. Бироқ айти пайтда ич-ичимдан бутун вужудимни алланечук тушуниксиз бир нафрат тўлқини бостириб келаётганлигини ҳам ҳис қилиб, уни зўр-базўр жиловлашга интилардим.

— Саймон, бу ерга келишимдан мақсад...

Мальоренинг лаблари ҳаракатга келди, менга гўё унинг лунжида иккита шилимшиқ чувалчанг ўрмалаб келаётгандек туюлди; кейин оҳиста унинг оғзи очилиб, қоп қора ва қўланса ғордан ғулдираган сўзлар ташқарига сирғалиб чиқди... Балки, қоронғулик туфайли менга шундай туюлгандир? Кўзим панд бераётгандир?! Аммо бир нарсани аниқ айтишим мумкинки, сукунат қўйнида ожизона таралган бу хирқироқ овоз мутлақо Саймон Мальорега тегишли эмасди.

— Кетинг! — дея ўдағайлади у, истеҳзоли тарзда ишшайаркан. — Бугун мен сизни қабул қилолмайман!

— Бироқ, Саймон, бу ерга мен...

— Жўна деяпман, аҳмоқ! Йўқол бу ердан!

Қарс этиб эшик ёпилди. Мен бир муддат эшик кесакисини тутиб, анграйиб қолдим. О, бу лаҳзаларда кўнглимдан кечган ҳис-туйғуларни ифодалаб бўлмасди... Мен назаримда, аллақандай мудҳиш бир бало-қазодан омон қолгандай эдим. Манглайимни совуқ тер босди. Уфф... Хайрият. Яна ёлғиз қолдим. Ёлғизлик ҳам нажотга айланиши мумкин экан-да. Ё, раббий... Бундай ёлғизлик учун жонимни фидо қилсам кам. Бироқ ёлғизлигим узоққа чўзилмади. Мен янглишган эканман. Шууримга қаттиқ ўрнашиб қолган ҳалиги ирkit букрининг шарпаси мени то қишлоққа қадар таъқиб қилиб борди. Назаримда, бу мутлақо нотаниш ва бегона кимса қадам-бақадан ортимдан эргашиб келаётгандек эди. Нотаниш ва бегона... Ваҳоланки, мен уни шу дақиқага қадар ўзимнинг дўсти қадрдоним Саймон Мальоре деб ўйлаб юрибман, у эса... йўқ, мутлақо...

## 2

Мен Брижтаунга қайтиб келиб ҳам ҳали бўлиб ўтган воқеаларнинг асл моҳиятини охиригача идрок қила олмагандим; фақат тўшакка чўзилганимдан кейингина бироз ўзимга кела бошладим. Ҳа, албатта буларнинг ҳаммаси бемаъни хаёлпарастлигимнинг касри, дея ўйлардим мен. Зеро ҳаддан зиёд хаёлчанлигим илгарилари ҳам неча бор менга панд берган. Мальоре жиддий бир хасталикка чалинганлигига шак-шубҳа йўқ; аниқки, у аллақандай руҳий касалликка мубтало бўлган. Ахир буни Саймоннинг маҳаллий дорифурушга муттасил қатнашидан ҳам билса бўлади. Наҳотки, мен бир лаҳзалик саросима ва ваҳиманинг таъсирида унинг хатти-ҳаракатларини шу қадар аҳмоқона талқин қилсам?! Бу қадар болаларча таъсирчанликка йўл қўйиб бўладими ахир?! Йўқ, эртагаёқ Саймонникига қайтиб боришим ва ундан кечирим сўрашим лозим. Қолаверса, қандай қилиб бўлмасин Саймонни бу ердан жўнаб кетишга кўндиришим керак: чамамда, бу — дўстимнинг саломатлигини сақлаб қолиш учун ягона ва бирдан-бир имконият. Албатта, унинг кўриниши жуда-жуда аянчли, ҳатто қайсидир маънода жирканч бўлиб бораётти, дейиш мумкин. Боз устига, телбаларча кўрслиги-чи?! Балки бу ҳам тасодифий ҳолдир. Ахир руҳий толиққан, асаблари чарчаган кишида шундай бўлиб туради-ку... Йўқ, нима бўлганда ҳам, у жуда ўзгариб кетибди!..

Мен тонг отишини интиқлик билан кутиб, яна йўлга отландим. Бу гал барча бемаъни хаёлларимни аввалдан бошимдан соқит қилишга муваффақ бўлдим (гар-

чи бундай фикрларнинг кўнглимда яна ғужғон ўйнаши учун Мальборенинг совуқ ва бефайз уйига бир бор кўз ташлашимнинг ўзи кифоя бўлса-да, бунга эришдим). Ҳовли айвонидаги зиналардан оҳиста кўтариларканман ўзимни ниҳоятда муҳим иш юзасидан гаплашмоққа чоғланган кишидек тутишга интилдим. Қўнғироқ чалдим.

Эшикни гўё бегона одам очгандек туюлди. Саймоннинг кўриниши ҳануз аввалгидек афтода, бироқ овози бу гал ўзиники эди. Шунингдек, кўзларининг кечаги телбаларча чақчайишидан асар ҳам қолмаган. Саймон мени меҳмонхонага таклиф қилар экан, сўзларни ўта эҳтиёткорлик билан ишлатар, гўё у ҳар бир иборани жуда қийналиб топаётгандек эди. Аммо, у биринчи галда кечаги кутилмаган ва бемаъни қилмишлари учун узр сўрашни унутмади. Унинг айтишича, сўнги пайтларда бундай хуружлар уни тобора кўпроқ безовта қилмоқда экан; ҳечқиси йўқ, — деди у, — бугунми ё эртага, албатта, бу ердан кетаман. Яхшилаб дам оламан. Ана ундан кейин, балки коллежга ҳам қайтишим мумкин бўлар...

— Эртарақ китобимни тугалласайдим. Озгина чаласи қолди, холос... У шу сўзларни айтар экан, ғалати тарзда дудуқланиб қолди; кейин шоша-пиша суҳбатимизни ўзгартириб, бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли воқеа-ҳодисаларни хотирлай бошлади. Хусусан у ўқув даргоҳида кечган дамларимизни эслар, талабаларнинг ҳаётидаги янгиликларни сўраб-суриштирарди. Саймон шу тахлит бир соатлар чамаси гапирди; унинг бунчалик сўзамолликка берилиб кетишига сабаб, ундан ҳаётидаги ўзгаришларни сўраб қолишимдан чўчиётганлиги эканига шак-шубҳа йўқ эди. Дўстимнинг аҳволи тобора ёмонлашиб бораётганлиги мен учун унинг ва равшан эди: у ҳар бир сўзини жуда қийналиб талаффуз қилар, айни пайтда унинг овози ички ҳаяжонининг зўрлигидан фавқулодда жаранглаб чиқарди. Назаримда, у ҳар дақиқада ўзининг ички бир туйғуси билан олишар ва бундан ниҳоятда қийналаётгандек туюларди.

Унинг юзини батамом ишғол қилган заҳиллик менинг ҳайратимни юз карра ошириб юборди. Мен унинг букрисига қарадим: букриси остида Саймоннинг танази эзилган, ожиз, қуруқшаб акашак бўлиб бораётгандек эди. Мен ҳалигина халлимдан ўтказганим — “унинг букриси тагин саратон касаллигига хос улкан шиш бўлмасин” деган фикримни эслаб, ҳақиқатдан унча ҳам олис эмаслигимни пайқадим.

Саймон фақат ўзигагина маълум бўлган ташвишли ҳаяжон билан тутила-тутила сўзлар экан, мен ён атрофимга кўз югуртирдим. Меҳмонхона батамом қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилган; хонада китоблар аралаш-қуралаш қалашиб ётар, ғира-шира ёруғ тушиб турган қалин муқовалар устидаги бир энлик чангни ил-ғаш қийин эмасди. Стол устида эса турли-туман қоғозлар, кўҳна битиклар хирмон бўлиб уюлиб ётибди. Уй шифтининг бир бурчагида каттакон ўргимчак уя қуришга улгурибди.

Орадан бир дақиқа ўтиб, Саймондан адабий фаолияти хусусида сўрадим: унинг жавоби бир оз дудмалроқдек туюлди. — Ижодий жараён билан узлуксиз машғулман, бирор сония ҳам бўш вақтим қолмаяпти, — деди у. — Ҳар ҳолда тадқиқотларим мобайнида қилган кашфиётларим барча саъйи ҳаракатларимнинг беҳуда кетмаётганлигини исботлайди; биргина афсунгарлик ва жодугарлик соҳасидаги топилмаларимнинг ўзиёқ антропология ва метафизика тарихига янги саҳифа бўлиб ёзилиши мумкин.

Англашимча, Саймонни “Иблис элчилари” деб номланувчи текинхўр мавжудотлар ҳаётига алоқадор нарсалар кўпроқ қизиқтирарди (айрим манбаларда уларни қўштирноқ ичида “қариндошлар” деб ҳам юритишади). Улар, одатда, бирор-бир махлуқ, айтилик аксарият ҳолларда каламуш ёки мушук қиёфасида бўлиб, афсунгар ёки жодугар қарамоғида бўладилар. Бу махлуқлар муттасил равишда инсон танасида яшириниб ҳаёт кечиришади ёки инсон танасидан вақтинча ўз озуқаси манбаи сифатида фойдаланишади. Саймоннинг китобида “иблис сўргичи” номли феномен, яъни васий тана ўз “қариндошини” вужудидаги қон билан қандай озиқлантиришининг тадқиқи жуда катта ўринни ишғол этарди. Муаллиф мазкур муаммонинг тиббий жиҳатларига ҳам катта эътибор билан қараган; қисқача қилиб айтганда, у барча изланишларини қатъий илмий асосда олиб боришга интилганди. Хусусан, рисолада “иблисона қатъият” деб аталувчи руҳий ҳолатда киши танасидаги гормонал бузилишларнинг туб илдилари муфассал ўрганилган эди...

Саймон кутилмаганда жимиб қолди; кейин ниҳоятда чарчаганлигини ва дам олиши кераклигини айтди. Дарҳақиқат, бу пайтга келиб қош қорая бошлаганди.

— Имоним комилки, жуда тез орада тадқиқотларимни ниҳоясига етказаман, — дея қўшиб қўйди у, ўз сўзини яқунлар экан. — Ана шундан кейингина бу ерларни бутунлай тарк этишим мумкин бўлади. Албатта, уйдан бир қадам ҳам ташқари чиқмасдан яшаш киши соғлиғига таъсир қилади. Аллақандай алаҳсирашлар, хотирангнинг ишдан чиқиши тайин гап бўлиб қоларкан. Бора-бора бу нарсаларга ҳам кўникиб кетаркансан киши... Чунончи, ҳозирча бошқа иложим ҳам йўқ: зеро, олиб бораётган изланишларимнинг моҳияти ўта махфийликни тақозо қилади. Баъзан илмнинг шундай соҳаларига бош суқишингга тўғри келадик, ақли бор одам бундай нарсалардан ўн чақирим нарида юриши керак. Ниҳоятда чарчаганлигимга ҳам шулар сабаб бўлса керак: очигини айтсам, ўзим ҳам билмайман яна қанча дош бера оларканман бу азобларга. Начора, нима ҳам қила олардим — буларнинг ҳаммаси бизнинг қонимизда бор: Сизга яхши маълум бўлса керак, Мальорелар сулоласининг бутун тарихи қора афсун ва жодугарлик билан чамбарчас ҳолда кечган... Дарвоқе, бу нарсалар ҳақида шунча гапирганимиз етар. Саймон бугунги суҳбатимизга яқун ясашни таклиф қилиб, тахминан келаси ҳафтанинг бошларида яна учрашишга ваъда берди. Биз ўрнимиздан қўзғалдик. Мен шу топда Саймоннинг бутун вужуди титраётганлигини пайқаб қолдим. Эҳтимол, у жуда дармонсизланиб қолганидан титраётгандир, ё бўлмаса ҳалиги менга номаълум ҳистуйғулар таъсирида қалтираётгандир, дея ўйладим. Ниҳоят, у бесўнақай букриси остида эзилганича, секин-аста узун йўлак бўйлаб юра бошлади; Ҳали тамоман сўлиб улгурмаган қирмизи шафақнинг ёғдуларида унинг жуссаси сакраб-сакраб бораётган сояга айланиб қолгандек эди. Мен яна синчковлик билан унга тикилдим. Ҳақиқатан ҳам Саймоннинг бутун вужуди қалтираб-қақшаб борарди: унинг елкалари тинимсиз равишда гоҳ баландга, гоҳ пастга қараб силкинар, ҳаммасидан ажабланарлиси — бу ҳаракатлар унинг қадам ташлашига мутлақо мос тушмаётганди. Бир муддат менга унинг букриси ўзича, алоҳида ҳаракат қилаётгандек, гўё унинг ўз ҳаракат мароми бордек кўринди. Шунда кекса Тэтчертон ҳикоя қилиб берган воқеани хаёлимга келтириб, қўрқувдан нақ эс-ҳушимни йўқотаёздим. Лекин сал ўтмай бир амаллаб ўзимни қўлга олишга эришдим: дераза ортида шафақ яллиғланиб турар, бундай кезларда албатта, турли-туман нарсаларнинг шарпаси намоён бўлиши мумкин; буларнинг ҳаммаси шунчаки кўзимнинг жимирлаши оқибатида кўринаётир, дея ўзимга таскин берардим.

Иккимиз ҳам эшикка яқинлашдик, шунда Мальоре дафъатан ақл бовар қилмас шошқалоқлик билан мени остона томон итариб, турткилаб кузата бошлади.

— Хайрли тун! — дея ғудранаркан, негадир қўлини узатмади. У ҳамон дағ-дағ титрарди. Мен бир неча сония Саймоннинг пажмурда ва андуҳли юзига сўзсиз тикилиб қолдим. Унинг афт-ангори шафақ нурлари остида ҳам ниҳоятда рангпар ва заъфарон эди. Кутилмаганда унга нимадир бўлди: Саймон бирданига кучли оғриқ азобидан қийналаётгандек афтларини бужмайтирди, кўзларида аллақандай даҳшат ваҳимаси зоҳир бўлди. Мен бундай ўзгаришга жавобан бирор нарса дейишга ҳам улгурмасимдан, Мальоре худди синиб тушган кўғирчоқ каби илкис энкайиб қолди; у шу ҳолатда тураркан лабларида ғазабли истеҳзо бор эди. Мен унинг дабдурустдан ҳамла қилиб қолишидан чўчиб, ўзимни орқага олдим. Бироқ у менга ташланмади: кутилмаганда, ваҳимали тарзда оғзидан кўпик сачратиб, хохолаб кулиб юборди. Саймоннинг бу қадар ёқимсиз ва даҳшатли қаҳқаҳаси гўё менинг миямга наштар тигларидек санчилди.

Кейин у оғиз очишимга ҳам имкон бермасдан беўхшов бир қўполлик билан ортига тисланди ва ўша лаҳзадаёқ эшик лаб-даҳанимни кесиб ўтгудек қарсиллаб ёпилди. Мен ўта ҳайратланганимдан, аниқроғи, қўрқув даҳшатидан тарракдек қотиб қолдим. Мальорегга нима бўлдийкин, наҳотки у чиндан ҳам ақлдан озган бўлса? Соппа-соғ одам бунақа қилиқлар қилиши мумкинми, ахир?

Мен қўрқиб кетганимдан эс-ҳушимни йўқотиб қўйган эсам-да, қуёшнинг сўниб бораётган сўнгги нурлари таралиб турган бир пайтда ҳар қадамимда қоқилиб-сурилиб бу беҳосият ва мудҳиш уйдан тобора жадаллик билан узоқлашиб борардим. Бошимда минг хил фикр аралаш-қуралаш бўлиб ғужғон ўйнар, хаёлларим бир-бири билан қоришиб кетар, менинг эса уларни бирор-бир маъно атрофига жамлай

олмасдан хунобим ошарди. Ниҳоят, бу беҳузур ва дудмал таассуротли туйғуларнинг ҳаммаси олис-олислардан келаётган қарғаларнинг қағиллашлари садосига кўшилиб узоқ-узоқларга ғойиб бўлиб бораётгандек туюларди.

## 3

Мен бу тунни ҳам оғир ва ҳаловатсиз ўй-хаёллар оғушида ўтказдим. Тонгга бориб эса ягона ва қатъий қарорга келдим: Саймон учун ўзи олиб бораётган тадқиқотлари қанчалик зарур туюлмасин, у бу ерни зудлик билан тарк этиши керак. Акс ҳолда бирор кори ҳол юз бериши аниқ. Гарчанд ўзимнинг далил-дастакларимга у қадар ишонмасам-да, таваккалига иш тутишга қарор қилдим: шу қишлоқ ҳудудида ишлайдиган доктор Карстерсни қидириб топиб, уни бўлиб ўтган гаплардан огоҳ қилдим. Айниқса, кеча кечқурун юз берган воқеаларга муфассал тўхталдим. Карстерс мени обдан саволга тутиб, узоқ суҳбатлашгач, ниҳоят, фикр-хулосаларимга кўшилишини маълум қилди; биз ҳозирнинг ўзидаёқ Мальореникига бориб, уни қандай қилиб бўлмасин ўша беҳосият уйдан олиб чиқиб кетишга аҳд қилдик. Йўлга отланарканмиз, доктордан беморни ўша жойдаёқ тиббий кўрикдан ўтказиш учун зарур барча нарсаларни ўзи билан олишини сўрадим: нимагадир, мен асосий масала — Саймонни тиббий кўрикдан ўтишга кўндириш, деб ўйлардим, зеро кўрикдан ўтгач, унинг ўзи ҳам зудлик билан даволанишга ётиши лозимлигини англаб етишига шубҳа қилмасдим.

Карстерс билан унинг анча путурдан кетган “Форд”ига ўтириб Брижтаундан чиққанимизда куёш уфқ ортига деярли оғиб бўлаётганди. Биз ҳавода тинимсиз чарх уриб юрган бир гала қарғаларнинг тинимсиз қағиллашлари остида жанубга томон элтувчи йўлдан аста-секин кетиб борардик. Машина деярли овозсиз борар: бизлар ҳам ҳар қайсимиз ўз хаёлимизга ғарқ бўлиб жимгина кетардик. Шу сабабли бўлса керак, узоқ-узоқдан келаётган алланечук ғайриинсоний ҳамда ваҳшатли қичқириқ садоси ҳар иккимизга ҳам кутилмаганда кучли таъсир қилди, биз дафъатан ҳушёр тортидик. Бу машъум чинқириқнинг жарлик тепасидаги кўҳна уйдан келаётганлигига шак-шубҳа йўқ эди.

Мен бирор сўз айтишга ҳам мажолим келмай, Карстерснинг қўлидан маҳкам сиқиб олдим; автомобиль энди ўқдек учиб борарди, биз хиёбон бўйлаб шитоб билан ўтиб, ниҳоят, совуқ салобат тўкиб турган тош пештоқ ёнига келиб тўхтадик.

— Тезроқ бўлинг! — мен шундай деб, машинадан ўзимни пастга отдиму, уйнинг зиналари томон чопқиллаб кетдим.

Биз бир дақиқалар чамаси, зич қилиб ёпилган эшикни муштлаб тақиллатдик, кейин бино бурчагига, чап қанотдаги биринчи дераза ойнаси тарафга ўтдик. Куёш уфқ ортига яширинди: унинг сўнгги нурлари оламни қамраб бораётган қоронғулик рутубатига сингиб батамом ғойиб бўлди. Биз дераза ромини очиб, ичкарига интилдик ва бирин-кетин пастга қараб умбалоқ ошиб тушдик. Доктор чўнтагидан фонарчасини қўлига олиб ёқди.

Уйда гўристон сукунати ҳукмрон, бироқ менинг юрагим қинидан чиққудай гурсиллар, назаримда, юрак уришимдан гўё уйнинг деворлари ҳам қулаб тушгудек эди. Эшикни очиб қоронғу даҳлиз йўлаги бўйлаб Мальоренинг иш кабинети томон юрдик. Теварак-атрофимизни қуршаб турган лаш-лушлар ҳам гўё алланимани кутаётгандек, ўлик сукунат оғушида қотиб қолган; Хонанинг димиқиб кетган қўланса ҳавосида ҳам гўё кўзга кўринмас аллакимнинг шу яқин орада мавжудлигини англагувчи нимадир бордек туюларди. Чамаси, қандайдир шайтоний бир ёвуз куч бизнинг ҳар бир қадамимизни четдан кузатиб тургандек, ҳали замон яна унинг заҳарханда қаҳқаҳаси янграб, оламни остин-устин қилиб юборадигандек эди.

Бизлар кабинет остонасини ҳатлаб ичкари кирдик: шу сониядаёқ алланарсага қоқилиб кетиб, иккаламиз ҳам бирваракай қичқириб юбордик. Эшикнинг шундоққина олдида, ҳозиргина тўкилган, ҳали совишга ҳам улгурмаган қон ҳалқобига юзгубан тушиб Саймон Мальоре ётарди. Унинг кўйлаги лахтак-лахтак бўлиб йиртилган, ўлим талвасаси туфайли бўлса керак, елкалари очилиб қолганди. Мен шу топда Саймоннинг елкасидан осилиб тушиб турган шилимшиқ махлуққа кўз ташлаб ақлимни йўқотаёздим. Биз доктор билан қирмизи қон қуйқаси устидаги бу ир-



кит жонзотга имкони борича қарамасликка тиришиб, ўз чекимизга тушган ўта қайғули бурчимизни адо этишга киришдик.

Ўтиниб сўрайман, сиз мендан бу мудҳиш кўргилик тафсилотларини талаб қилманг: Ҳозир уларни эслашга мажолим етмайди. Баъзан ҳаётда шундай лаҳзалар ҳам бўладики, инсон ҳис-туйғулари бирданига уни тарк этади ва киши онги, шуури ажабтовур оромбахш қоронғулик қўйнига чўмади. Аминманки, менинг хотирам ўша машъум ҳодисаларнинг барча икир-чикирларини ўзида сақлаб қолмаган; ҳар ҳолда, ўзим ҳам шу топда ўша воқеаларни ҳатто хаёлимда ҳам қайта тикланишини истамасдим. Бинобарин, Саймоннинг иш столидан топган ғалати китобларимиз ҳақида сўзлаб ёки Мальоренинг сўнгги дурдона асари қўлёзмаси мазмунини ҳикоя қилиб бериш билан сизнинг бошингизни қотирмоқчи эмасман. Негаки, биз буларнинг ҳаммасини полицияга қўнғироқ қилишимиздан аввалроқ, каминга ташлаб ёқиб юборгандик. Агар Карстерс ўз фикрида қатъийроқ туриб олганда эди, балки ҳалиги мудҳиш махлуқни ҳам ўтда куйдирган бўлардик. Кейинчалик биз учаламиз, яъни — мен, доктор Карстерс ва шаҳардан етиб келган полиция нозири Мальорелар сулоласининг энг сўнгги вакили қандай ўлим топганининг асл тафсилотларини бир умр сир сақлашимиз тўғрисида қасам ичдик. Бироқ бу қўрқинчли ва мудҳиш уйни бутунлай тарк этишимиздан аввал, мен яна бир ҳужжатни ўтга ташладим. Бу Саймоннинг менга атаб ёзган хати бўлиб, у кутилмаган ўлим натижасида ниҳоясига етмай қолганди. Кейинчалик маълум бўлдики, дўстим ўзининг бор мол-мулкни менга васият қилиб қолдирибди. Нима ҳам дердим, ундан қолган мерос тақдирини ягона ва назаримда энг оқилона йўл билан ҳал қилдим, яъни: айнан ҳозир, мен ушбу сатрларни ёзаётган чоғимда тубсиз жарлик қоясидаги ўша мудҳиш уй таг-туби билан бузилиб, қўпориб ташланмоқда. Хуллас, шундай қилиб, биз учаламиздан ташқари ҳеч ким ўша машъум тунда аслида қандай воқеа содир бўлганлигини билмайди. Бироқ, мен энди бу ёғига сир сақлай олмайман. Бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни кимгадир сўзлаб бериб, кўнглимни бўшатишим керак. Шундай бўлса-да, дўстим қолдирган мактубнинг тўла матнини баён қилишга журъатим етмайди. Фақат бу воқеаларнинг маълум бир қисминигина, Саймон битиб қолдирган мактубнинг айрим парчасинигина ошқор этишим мумкин. Марҳамат, ўқиб кўринг: *“... Демак, мен нима учун қора афсунгарлик ва жодугарлик амалларини тадқиқ қилишга киришганим энди сизга маълум бўлса керак. Ҳа, ҳа, у мени шунга мажбур қилди! О, Танграм, қошки эди сиз аллақандай лаънати бир махлуқ билан қўшалоқ туғилишининг, бир умр у билан иттифоқда яшашининг азоб-уқубатларини, машаққатларини ҳеч бўлмаса, тасаввур қила олсангиз!*

*Дастлабки йилларда қўғирчоқ жуда кичкина эди, шунинг учун ҳам шифокорлар уни ривожланишдан тўхтаб қолган сиам эгизаги<sup>1</sup> деб ўйлашди. Бироқ у тирик эди! Унинг ўз бошчаси, қўлчалари ҳатто оёқлари ҳам бор эди. Айнан ана шу оёқчалари билан у менинг белимдаги гайриоддий сереўшит гумбакка чирмашиб олганди.*

*Шифокорлар уч йил мени муттасил назорат остида сақлашди. Ана шу муддат давомида қўғирчоқ менинг кифтларимга ўрнашиб, қўлчалари билан елкамни опичлаганча юрди. У мустақил равишда нафас олар, кейинчалик менга маълум бўлишича, унинг бир жуфт миттигини ўпкачаси бўлиб, на ошқозони ва на овқат ҳазм қилиш аъзолари бор эди: чамаси, у менинг танамга қўшилиб кетган ичаксимон найча орқали озикланарди. Лекин кейинчалик... қўғирчоқ кутилмаганда ўса бошлади! Дастлаб унинг кўзлари очилди, кейин тишлари ҳам чиқди!*

*Ҳатто бир куни бу иркит махлуқ қайсидир бир докторнинг қўлидан тишлаб ҳам олди! Уни танамдан ажратиб олиш мумкин эмаслиги маълум бўлгач, шифокорлар мени уйимга жўнатишга қарор қилдилар. Мен ўз сиримни бир умр махфий сақлаш ҳақида врачларга ваъда бердим-да, жўнаб кетдим. Ваъдама вафо қилиб, ўз сўзимни устидан чиқдим: ҳатто отам ҳам қўғирчоқ тўғрисидаги бор ҳақиқатни фақат ўлимдан бир неча муддат илгарироқ била олди, холос.*

*Менинг елкамни ўта пишиқ камарлар билан ўраб-чармаб ташлагандилар: бу маълум вақт қўғирчоқнинг ўсишини тўхтатиш имконини берди. Аммо бу муддат узоқ чўзилмади. Бу ерга, мана шу қадимий ва кўҳна уйимизга келгач, махлуқнинг*

<sup>1</sup> Сиам эгизаги — ирсий ноқислик ёки ташқи биологик таъсирлар туфайли икки ё уч эгизакнинг турли кўринишда бир танага бириккан ҳолда туғилиши — таржимон.

танасида ақл бовар қилмас ўзгаришлар юз берди. У кутилмаганда мен билан гаплаша бошлади! Ҳа, Худо ҳаққи, гаплаша бошлади! Бу маймунсифат тасқаранинг шилимишиқ афт-ангорини қандай сўзлар билан ифодалашга ҳам ожизман. Унинг шиллиқ ва ярим юмиқ кўзлари доим қонга тўлиб турар, мудом кишининг гашига тегувчи хирқироқ товуш билан “Саймон, қон ичгим келаяпти! Яна қон ичгим келаяпти!” — дея гингширди.

Қўғирчоқ ўсиб бораётганлиги боис, мен энди уни кунига икки марта сунъий равишда овқатлантирдим; вақти-вақти билан унинг қоқсуяк қўлчаларидаги тирноқларини қайчида олиб қўйишни ҳам унутмасдим. Бироқ, энг асосий нарсани мен шу пайтга қадар англаб, идрок қилиб улгурмаган эканман. Энди бу тасқара ўй-фикрларимни, ҳатто хатти-ҳаракатларимни ҳам бошқара бошлаган эди. Оҳ, қанчалар кеч англаб етдим бунини! Агар сал илгарироқ билганимда, Худо ҳаққи, қасам ичиб айтаманки, мен ўзимни ўлдирган бўлардим!

Ўтган йилдан бошлаб қўғирчоқ менинг миямга ҳам ҳукмронлик ўрнатди. Ҳар кун бир неча соат ақлу идроком унинг тасарруфида бўларди. Мени ақлу ҳушдан бегона қилиб қўйди, телбаларча тутқаноқларим ана шу кунлардан бошланди. Унинг хуфиёна буйруқлари билан, тунлари уйимдан чиқиб кетиб, иблисона топишириқларни удалаш илинжида тинимсиз изгирдим.

Кейин у кундан-кунга кўпроқ қон талаб қиладиган бўлди: менинг куч-қувватим эса борган сари сўниб бормоқда эди. Ҳар гал ўзимга келишим биланоқ, унга қарши кураша бошлардим. Курашишга ҳаракат қилардим. Ҳеч бўлмаса, бу лаънати аҳволдан қутулишининг бирор йўлини топиб қоларманми, деб бу каби жирканч текин-хўрлар хусусида маълумот берувчи барча китобларни титқилаб чиқардим... Афсус, минг афсуски, ҳамма ҳаракатларим бесамара кетаверарди... Энди қўғирчоқнинг нафақат жуссаси, балки ақли ҳам, жисмоний қуввати ҳам ўсиб бормоқда эди. Ишонсангиз, бора-бора унинг мени масхара қилишларига, устимдан кулиб, киноя ва истеҳзоли ҳақоратларни айтишига қарши чиқолмайдиган, уларни алам ва изтироб билан ҳазм қилишга мажбур бўлиб борардим. Бир нарсани аниқ билардим: бу жирканч махлуқ мени буткул ўзига қул қилиб, амрига сўзсиз бўйсиндиromoқчи бўларди. Оҳ, агар бу иркит махлуқнинг қўланса оғизчаси билан менинг қўлогимга нима деб шивирлаганларини бир бор эшитсангиз эди! У гўё мендан арзима нарсагани талаб қиларди: бор-йўғи ўз иймонимни Қабоҳат ҳукмдорига бахшида қилиб, жодугарлар тўдасига аъзо бўлсам бас... Ана шунда биз, яъни елкамдаги иркит махлуқ иккимиз ер юзидаги ҳукмронликни қўлга киритармишимиз. Зеро, шундай қилсам, аллақандай сирли коинот эшигини очиб, шу кунга қадар осуда ҳаёт кечириб келётган инсоният турмушига, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларга қодир Қабоҳат элчисини қўйиб юборишимиз мумкин бўларди...

Худо шохид, мен имкон қадар унга қаршилик қилдим. Аммо мен тобора ҳам руҳан, ҳам жисмонан заифлашиб борардим, қолаверса, аъзои баданимнинг ҳаёт ришталари ҳам узлиши арафасида эди. Негакки, бу иблисга ниҳоятда кўп қон керак бўлиб борарди. Энди у мени муттасил назорат остида тутар, юрагимга номаълум бир қўрқув ҳиссини сингдириб қўйган ва мен оқибатда қишлоқда мутлақо қорамни кўрсатмайдиган бўлиб қолгандим. Аммо бу тасқара жон-жаҳдим билан унда халос бўлишимга ҳаракат қиладиганлигимни жуда яхши биларди; шу боис, мабодо эркинликка чиқиб қолсам ҳам одамларни мендан қандай қилиб чўчитилиш йўллари билан пасда ўйлаб топа оларди. Айни чоғда китобим устидаги ишларимни ҳам давом эттирдим. Ҳар гал қўғирчоқ ақлу шуурум устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган лаҳзадан бошлаб мен ёзув столи ёнига келиб ўтирдим...

Кейин сиз пайдо бўлдингиз... Биладан, биладан, азизим, — сиз мени қандай қилиб бўлса-да, бу ерлардан олиб кетмоқчисиз. Бунинг сира иложини йўқ: Зеро сизу биз бу лаънати махлуқнинг макру ҳийлаларини енишига ожизлик қиламиз. Мана ҳозир ҳам у мени ёзишдан тўхтатиши учун миямни пармалаётганлигини жуда яхши ҳис қилапман... Бироқ мен яна шу нарсани ҳам аниқ биладанки: бу менинг бор ҳақиқатини сизга маълум қилиш учун энг сўнги имкониятимдир.

Илло, бу тасқара менинг ожиз танамни батамом ўз ҳукмига олиб, бахтиқаро руҳимни хароб қиладиган кунга жуда яқин қолди.

Ана шу сўнги имкониятдан фойдаланиб, сиздан ўтинаман: агар менга бирор кор-ҳол бўладиган бўлса, столимдаги қўлғемаларни қидириб топиб, ҳаммасининг

кулини кўкга совуринг. Кутубхонада қалашиб ётган бадбўй китобларни ҳам аяб ўтирманг. Ҳамма-ҳаммасини ёқиб юборинг. Энг асосийси, энг муҳими — мени ўлдиринг. Қўғирчоқ ақлу вужудимни батамом ўзига бўйсундирганини пай қадингизми, иккиланиб ўтирманг. Ўлдиринг, ўтинаман! Бу ярамас махлуқ ҳали бизнинг Она заминимизга, дунёмизга яна қанча чиркин қабиҳликларни тайёрлаб қўйганини ёлғиз Худонинг ўзи билади. Мана ҳозир ҳам у менга қаламимни улоқтириб, ёзган қогозларимни йиртиб ташлашимни буюрмоқда... Оҳ, унинг иродасига бўйсунмаслик нақадар оғир! Бироқ мен ҳали олдинда инсониятни қандай мудҳиш нарсалар пойлаб турганини... айтиб беришим керак. Мабодо ўша мудҳиш кун юз берса... агар... ҳаммасини айтишим керак. О, фикрларимни жамлаш нақадар қийин бўлаяпти... Йўқ, мен барибир ёзавераман, жин урсин сени!" Йўқ! Фақат бундай қилма! Қўлингни торт, қўлингни торт!..

Ва ҳаммаси — тамом! Шу ерга келиб Мальоренинг қўллари ёзишдан тўхтаган. Ораддан бир сония ҳам ўтмасдан у ҳалок бўлган. Бу мудҳиш махлуқ қандай қилиб бўлмасин Саймонни маҳв этиб, ўзининг машъум сирларини бизнинг ақлу идрокларимиздан ва умуман курраи заминимиздан махфий олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлган.

... Мана менинг қаршимда қон ҳалқобига бошини қўйганча, ярим яланғоч Саймон Мальоре ётибди. Унинг елкасида эса ўша жирканч ва мудҳиш махлуқ. У Саймон ўлим олди мактубида қандай тасвирлаган бўлса, айнан шундай. Бор-йўғи бир неча дақиқа аввал, мана шу таъвия ўзининг бор сирларидан воқиф бўлган, разил ниятларини фош қилиб ташлаши мумкин бўлган инсоннинг елкасига осилиб, ўткир тирноқларини унинг мажолсиз бўйниларига ботирган-да, сўйлоқ тишлари билан унинг бўғзини тимдалаб... бутунлай ғажиб ташлаган! О, нақадар мудҳиш ва жирканч ёвузлик бу! Ё раббий...!



## SUMMARY

This issue of a magazine begins with the first part of the English writer Oscar Wilde's novel "The portrait of Dorian Grey". Those who love prose also will get acquaintance with the North African Peter Abraham's novel "Island". Peter Abraham's novel is about his country's independence and analyses events under the motto: "Justice is equally for everybody". A Belgium writer Moris Meterkink's drama "Blinds" is rich in romantic imaginations, and it attracts reader's attention. In this issue the readers also can read some poems by a Yugoslavian poet Otho Jupanchich and a Hungarian poet Athilla. An Uzbek scientist Abdulla Ulughov's article under the title, "Boon liberates the world" and the great translator Yakov Kozlovskiy's article about the Daghestan poet Rasul Hamzatov's creative works are published here. The magazine devotes for readers an American writer Robert Block's story "Doll".

